

ҚАМЧИБЕК КЕНЖА

**БИР
КЕЧА** – МИНГ
КЕЧА



ҚАМЧИБЕК КЕНЖА

**БИР
КЕЧА – МИНГ
КЕЧА**

*Ҳикоялар
Кулча ҳикоялар
Терма ҳангомалар*



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2018

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5У)6

К 38

Ижодини шеърдан бошлаган таниқли ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқаро Бобур ҳамда республика Ёзувчилар уюшмаси мукофотлари соҳиби Қамчибек Кенжа кейинги пайтларда кўпроқ бадиий сафарномалари шарофати билан тилга олинаётган бўлса-да, аслида адиб адабий жамоатчилик ва китобхонлар эътиборини ҳикоялари билан қозонган. Утган асрнинг етмишинчи йилларида дунёга келган «Яшил барг», «Соҳилда», «Балиқ ови», «Бир кеча — минг кеча», «Кунгил кучалари», «Сўқмоқдаги ёлғиз тош» каби анчагина баҳс-мунозараларга сабаб бўлган асарлари ҳозир ҳам оҳорини йўқотгани йўқ. Муаллифнинг ушбу китобига унинг турли даврларда битилган ва танланган жиддий ҳамда кулча ҳикоялари киритилди.

ISBN 978-9943-28-821-8

© Қамчибек Кенжа, 2018

© «O'zbekiston» НМИУ, 2018

ҲИКОЯЛАР



ЯШИЛ БАРГ

Ногаҳоний турткидан Жаббор ака кўзини очди. Ҳали тонг ёришмаган эди. Тепасида хотини бесаранжом гапирарди:

— Бугун қурт бостиришимиз эсингиздами? Кечаси билан мижжа қоқмай жоним ҳалакда-ю, бемалол ётишингизни қаранг. Мундай бир, аҳволинг қалай, дейиш ўрнига...

Жаббор ака истар-истамас бошини кўтарди. Юраги гаш эди. Ҳовли этагидаги ариққа бориб муздай сувда юз-қўлини шошилмай ювди, белбогини ечиб, артинди. Кўнгли равшан тортмади. Аччиқ ўт, ялпизлар орасидан сизиб оқаётган сувга маъносиз тикилиб қолди. «Толиқибман шекилли. Бу қурт деганиям одамни жуда қийнаб юборди-да. Узи озгина вақтда бўлсаям, меҳнати жуда кўп-да! Йигирма кундан бери тиним йўқ. Меҳнати-ку, майли-я, қани энди барг вақтида топилиб турса».

Санаб, ажратиб беришган тут баргининг тугаганига бир ҳафтадан ошди. Ҳар куни азонда жамоа хўжалиги идораси олдига тўпланишади. Кимнинг улушида барг кўпроқ бўлса, пилла бригадири ўшаникидан бир-икки бог олиб беради. Улар: «Эртага ўзимиз нима қиламиз? Ҳали бизники бир ҳафта барг ейди», деганларича қолаверишади. Бригадир: «Етмаган жойига биз балогардон, топамиз», — деб уларни зўрга тинчитади...

Жаббор ака кеча ҳам бир бог барг топиб келаман, деб етти маҳалла наридани ярим кечада қайтди. Бугун

қаердан барг топади каллаи саҳарлаб... Одамларнинг кўзига хунук кўришиб, икки ўртада меҳр-оқибат ҳам кутарилиб... Бунақа пайтда қариндош-уругдан ҳам ўпка-гина қилиб бўлмайди. Ҳа-да, ўзлари «етиб қолармикин», деб жонини ҳовучлаб турса-ю, бригадир иккитасини етаклаб бориб, бир богдан кесиб олинглар, деса! Кимнинг тепа сочи тикка бўлмайди?!

Хотинининг шангиллашидан сесканиб кетди. Эътибор опа қўлида уроқ, аргамчи билан ҳаллослаб келар, таги оқ пушти гулли чит кўйлак остидаги кўкраклари семиз думалоқ қорни устида у ёқдан-бу ёққа лапанглар, бағбақалари яна ҳам осилиб кетгандай эди.

— Вой, нима туриш бу, кап-катта одам? Сувга туш айтадиган пайтми ҳозир? Нонуштага қолмай, ернинг тагидан бўлса ҳам икки бог барг топиб келинг.

Жаббор ака хотинига бушашиб қараб турарди. Унинг машқи пастлигини, рангининг сўлинқи-раганини кўрган Эътибор опа эти жимирлаб, каловланиб қолди. Эрига ачиниб, айни вақтда хавотирланиб тикилди ва бир қадар мулойимлашди.

— Нима қиламиз энди, аввали, сўзингизга кирмаган мен улгурда айб. Булар иш бўлган. Сиз ҳам роса қийналдингиз, мен ҳам. Бугун охирги кун, шу бугун ҳам чидаб беринг, бир кунаммас, ярим кун. Кейин дамингизни олаверасиз. Бугунча далага ҳам чиқмай қўя қоларсиз. Мен ҳозир қўймоқ пиширман, қийналганларимиз эвазига пилламиз бир қўймоқдай, сап-сарик бўлиб қуюлиб қолсин. Кейин учтўртта кампирни чақириб, ис чиқариб юборамиз. Нон ёпиш керак ҳали, ош дамлаш керак. Учакишгандай ёғ туғаб қопти. Вазирангиз гузардан олиб келар. Уям бугун мактабига бормайди. Бора қолинг энди, нонуштани келиб қиларсиз. Иссиққа қолмай бостирволайлик.

Жаббор ака ижирганди. Хотинининг гаплари гашини келтирди. Бир нима демоқчи бўлиб оғиз

жуфтлади-ю, аммо хотинини субҳидамда хафа қилгиси келмади. Аргамчини белига боглаб, уроқни елкасига ташлаганича, вазмин-вазмин қадам босиб чиқиб кетди.

У кучада бир дақиқа қаёққа боришини билмай туриб қолди. Кимнинг олдига бориш керак? Раис, барг билан шуғулланмайман, дейди. Пилла агрономи барибир пилла бригадирига рупара қилади. Ундан ҳеч қачон ёруглик чиққанмас.

Жаббор ака пилла бригадири Раҳматжонлар уйи томон илдам юриб кетди... Эшикни Раҳматжоннинг хотини очди. У Жаббор акани «тинчлик берасизларми, йуқми», деган маънода лаблари учиб, киприкларни пирпираб, совуқ қарши олди.

— Бечора яқингинада келиб ётувди, жудаям зарилми?

— Ҳа, энди, қизим, айбга буюрмайсиз, шунақа бўлиб қолди...

Жувон эшикни «тақ» этказиб ёпиб кириб кетди. Унинг «пилласи ҳам, бригадирлиги ҳам қурсин», деб тунгиллаганини Жаббор ака аниқ эшитди. На чора?..

— Кечаги аҳволни кўрдингиз-ку, Жаббор ака, яшириб қўйган тутзоримиз булмаса... Берадиганингиз икки сават пиллаю... ўзингизни қийнаб ни-ма қилардингиз? Энди бир амаллаб бостириб қўя қолинглар.

Фарзанди тенги йигитнинг гаплари Жаббор аканинг ҳамиятига тегди. «Бизга ҳам ҳавас эмас эди...», демоқчи бўлди-ю, лекин «элдан қолмайлик, девдикда, углим», деб қўя қолди. Раҳматжонга ҳам қийинда. У бир киши, арз-дод қилувчилар мингта... Ҳар йили аҳвол шу... Барг можароси. Хўжалик ҳеч баргга ёлчимади-да. Қўрт уругини юз турли қасам, ваъдалар билан тарқатишади. Қисталанг келиб қолганда, энди албатта тут кучатини купайтирамиз, дейишади-ю, мавсум ўтгач, ҳаммасининг эсидан чи-

қади. Ҳар йилги ҳисобот йигилишида ҳам, шуб-ҳасиз, барг масаласи ўртага ташланади. Раис, жамоа хўжалиги асосан пахта етиштиради, дейди. Тут кучати экишга алоҳида майдон йўқ. Пахтанинг ичига экиб бўлмайди, сояда ҳосил битмайди, тежаб ишлатилса, тут барглари етади, дейди. Пилла бригадирию агроном тилини тишлаб қолаверади. Пилла бригадири ҳар йили янгиланади. Бояқишлар талашиб-тортишиб удалай олмагач, нима ҳам қилишсин! Ҳаммаси ҳам майлику-я, оз пилла топширганларнинг номларини радиоузел орқали овоза қилишгани ортиқча. Алам қилар экан. Жаббор акалар ҳар йили «энди қурт боқмаганимиз бўлсин», деб тавба қилишади, аммо боқади. Барг етарли бўлса-ку, пилла қурти тутишнинг фойдали томонлари йўқ эмас-а!.. Даромад тузук бўлади, ўтин-чўп ғамлаб олишади. Шу барг масаласи таъбни тирриқ қилади, холос. Қурт бериб, барги билан иши бўлмаслик — ер бериб, сув бермагандай гап. Хоҳла — сеп, хоҳла — эк, лекин план бунча!..

Жаббор ака дала чеккасидаги йўлдан қайтар экан, каллак урилган тутларга илинж билан қараб утарди. Қаранг, биронта шохини ҳам қолдиришмабди-я!

Уйга яқинлашган сари қадами секинлаша борди. Хотинининг олдида барг тополмадим, деб эркак боши билан бўйнини эгиб кириб борадими? Қушникилар ҳам аллақачон чиқиб олишгандир. Нима деб уйлашади? У бир қўлида ўроқни маҳкам тутганча, иккинчи қўли билан белидаги арқонни асабий гижимлар эди. Хотини айтган икки богнинг-ку, иложи йўғ-а, ҳеч бўлмаса бир бог топиб бормаса, уят-да. Эҳтимол, шу билан қутулар. У тўхтаб, уйлай бошлади. Эсига иккинчи участкага борадиган йўлнинг икки томонига экилган тутлар тушди. Балки шу ердан амалларман, деган хаёл билан орқасига қайтди. Чакалаклар орасида қолиб кетган яккам-дуккам сурхларни кўриб,

кўнгли бир оз таскин топди, чеҳраси ҳам сал ёришди. Чопони билан арқонни тутга илди-да, енгини шимариб, ишга киришди. Ортиқча суюниб кетди шекилли, қўлини кесиб олди. Уроқни зарб билан урган эди, мўлжалланган жойга эмас, бошқа шохга тегиб сапчиб, учи бориб чап қўлининг ўртанча бармоғидаги суюкка санчилди. Инграб юборди. Ёшлигида қўйни гўза ичига киритиб юборгани учун бригадир тутиб олиб, думбасини ялангочлаб ҳўл гаврон билан савалаганда ҳам жони бунчалик огрмаган эди. У белидаги чит белбоғини ечиб, шарт иккига бўлди-да, ярми билан қўлини маҳкам танғиб боғлади. Сўнг бир қўллаб кесган тут новдаларини тўплаб, йўлга тушди. Ҳовлига хижолат бўлиб кириб келди. Эътибор опа уни сабрсизлик билан кутиб турган эди. Урдак юриш билан қаршисига пешвоз чиқди.

— Вой, озу...

Хотинининг бу луқмаси жон-жонидан ўтиб кетган Жаббор ака жаҳл билан елкасидаги барғни ерга ташлади. Айвондаги чорпояда қўймоқ еб, чугурчуқдай чугурлашиб ўтирган аёллар шовқини бирдан тиниб, шу томонга ўгирилишди. Уларнинг бу қилиғи ҳам Жаббор акага: «Ҳа, шунча юриб топиб келган матоҳингиз шуми», — дегандай туюлди. Арқонни бўшатиб, барғ остидан шахт билан сугурди, уроқ билан бирга отиб юборган эди, аргамчи сўртакка устун қилиб қўйилган, қурт еб шип-шийдам бўлиб қолган тол ёғочнинг айрисига илиниб, уроқ гуллар тагидаги ялоқдан ювинди ичаётган сариқ итнинг биқинига тегди. У вангиллаганча гулзордан сакраб ўтиб, ўзини жўхоризорга урди. Хотинларнинг ранги қув ўчди, аммо Жаббор аканинг феълини билишгани учун хафа бўлишмади. Ҳаммалари кулгиларини босиб, аранг туришган эди, бўлмади. Фотима исмли шўх, ҳазилкаш жувоннинг лаблари очилиб кетди. У кулгисини дарҳол томоқ қиришга ва ундан йўталга

айлантириб юборди. Қушнилар бундай пайтда Жаббор акага гапириш — тутаб ётган ўтинга лампа мойи қуйиб, гугурт чақиб юбориш билан баробарлигини билишарди. Ўтибор опа ҳам пастки лабини тишлаганича турган жойида қотиб қолган эди.

Жаббор аканинг асаби таранглаша бошлади. Тишларини гижирлатиб, атрофга аланглади. Кўзига баланд сўри устунининг тагида ётган, барг кесиш учун темирчига тайёрлатиб келган ойболта чалинди. Унинг мияси жуда тез ишлай бошлаган эди. Файритабий эпчиллик билан болтага ёпишди. Унинг бу ҳолати кучада кимдандир калтак еб келгану, тош олиб чиқиб унинг орқасидан отмоқчи бўлган ёки энг ноёб нарсасини олиб қочган мушукка газаб билан ташланган боланинг хатти-ҳаракатини эслатарди. У болтани қандай олган бўлса, шундай шиддат билан ҳовли томон юрди. Ўтибор опанинг ранги-қути учиб, эрининг орқасидан бузрайиб қараб турарди. Жаббор ака ҳовли этагидаги беҳига қулочкашлаб болта солгандагина у ўзига келди ва «ҳай-ҳай»лаб югурди. Етиб бора солиб, эрининг қўлига ёпишди.

— Вой шўрим, нима қилганингиз бу, ақлдан оздингизми? Эрта-индин пишай деб турган мевалар-а! Булар нима гуноҳ қилди сизга?! Уволи тутади, уволи!..

Жаббор ака хотинининг қўлини қайириб, силтаб ташлади. Ўтибор опа ўтириб қолди.

— Шангиллама, ҳе... Ҳозир ўзингни ҳам чопиб ташлайман! Тут экаман, тут! Менга мева керакмас, тут керак! Барг керак! Қачонгача эшикма-эшик саргайиб юраман, бировларнинг орқасидан эргашиб?!

— Бўлди, бўлди, энди қурт тутмаймиз. Ўзим ҳам буладиганим бўлди!

— Йўқ, тутасан! Умр бўйи тутасан! Тутмай ҳам кур-чи!

Бир лаҳза сукутдан кейин Жаббор ака ҳозиргина ўзи кесган барглари кўм-кўк, шигил гурали шохлар-

га қараб, бирдан ўзига келгандай, қўллари икки ёнига шалвираб тушди. Болтани иргитиб, кучага чиқиб кетди. Эътибор опа жавраганича қолди.

Жаббор ака дарвозанинг унг биқинидаги иккита қозиққа ўрнатилган тахта ўриндиққа оғир чўкди. Шу кўйи хаёл суриб узоқ утирди. У угли бўлмаганига жуда-жуда укинди. Угли бўлганда елкасини қисиб, маҳаллама-маҳалла барг қидириб юрармиди. Хотинидан, қушни аёллардан дакки эшитиб утирармиди?..

— Дада, чой ичасизакан...

Жаббор ака ўгирилиб, бир қўлини дарвоза кесақисига тираб, унга қандайдир ҳадиксираш билан муралаб турган қизалоғи Вазирага кўзи тушди.

— Кел-чи, қизим, — Жаббор аканинг бу бир оғиз калимасида кексаларга ва оталарга хос меҳрибонлик, самимият зоҳир эди.

Вазира иккилана-иккилана отасининг ёнига келиб, унг қўли билан унинг бўйнидан қучоқлади.

Жаббор ака жаҳли тез ва асабий одам, бироқ кўнгли ниҳоятда бўш, меҳри ҳам шу қадар кучли эди. У фарзанди баҳонаси билан яқиндагина бўлиб ўтган дилхираликни бир қадар хаёлидан қувиб чиқарди: у ёқдан-бу ёққа ҳансираб чопиб юрган хотинига раҳми келди. «Шуринг қургур жуда қийналиб кетди. Менку барг топиб келиб қутуламан-а. У-чи?.. Кечаси билан барг бутаб чиқади, гана алмаштиради, сўртак тагида энкайганича пишиллаб юриб, тушиб кетган қўртларни теради, супуриб тозалайди. Баргга сув сепиб салқинлатиб туради. Бу ёқда овқат пишириш, уй-рузғор ишлари... Раҳбарлар эшикдан бундай бош суқиб, бир оғиз ҳол сўрашга ярамайди. Ҳа, ишқилиб омон бўлишсин...»

Ишком остига сув сепилиб, шолча ва курпача тушалган, Жаббор ака учун алоҳида нонушта ҳозирланган эди. Жаббор аканинг иштаҳаси бўғил-

ганди. Бир парча қуймоқ билан бир пиёла чой ичган бўлиб, урнидан турди. Хотинлар вағир-вугур қилишиб сўртакдан гана олишар, Эътибор опа у уйдан-бу уйга елиб-югурарди. Жаббор ака арқон билан ўроқни олиб бостирмага ўтди. Бу ерда янтоқ, похол, қурдана, гузапоя ва яна аллақандай қуруқ хашаклар гарамланган эди. Янтоқ билан қурданани Жаббор ака йигирма чақирим наридаги қирдан уриб келган. Пилла қурти ҳам галати жонивор-да. Узига яраша табиати, нози бор. Дуч келган хашакка пилла ўрайвермайди. Янтоқни, қурданани яхши кўради.

Жаббор аканинг юрагидаги гашлик ҳамон тарқамасди. Бир томондан қўли азоб берарди. У индамай хашакларни таший бошлади. Айвонга келиб, шундоққина сўртакка олиб босаверадиган қилиб, ҳар ер-ҳар ерга уйиб қўйди. Кейин сўкичаклардан чиққан ганани бостирмага олиб бориб гарамлай бошлади. У ҳам, аёллар ҳам ўз ишлари билан овора, гўё аразлашгандай на хотинлар унга, на у хотинларга бир нарса дерди. Иш бошқарувчилик вазифасини ўтаб, сўкичакларга даста қилиб барг солаётган Фотима бир маҳал Эътибор опанинг қулогига шивирлади:

— Баргинг етмади, хўжайинингга айтиб кўрмайсанми?

— Ҳай, ўртоқ, бир амаллаб қўя қол, унинг авзойини кўриб турибсан-ку. Ҳозир унга барг ҳақида гапириб бўладими, тутақиб кетиб, ҳаммамизни қувиб солмасин. Кел, қўй энди...

— Мен ҳам етказишга ҳаракат қилдим, лекин бўлмади. Бу ёғи ҳам ўзи жуда сийрак бўлиб кетди. Тўкис бўлса яхши эди-да. Кейин мендан кўриб юрмагин, планинг бажарилмаса гап эшитишингни ҳам уйлаб қўй... Майли, қўрқсанг узим айта қоламан, мени биладию ҳазилкашлигимни. Кўнмаса ҳазилга буриб юбора қўямиз-да.

— Узинг бил, ишқилиб ҳалигидай аччиги чиқиб кетмасин-да. Бурнининг учида туради. Қўя қолсанг буларди.

— Нима, хужайинингни аяяпсанми? Аяйдиган пайтларинг утиб кетган-ку. Парво қилма, эринг ҳали бақувват, пишқиришини қара...

Эътибор опа: «Ҳазилинг қурсин, билганингни қил», — деди-да, эри томонга бир кўз ташлаб, ичкарига кириб кетди.

Фотима сўкичак устида туриб, эндигина ганани ташиб бўлиб, уроқ-арқонни баланд сўри устунига илаётган Жаббор акани баланд овоз билан чақирди:

— Илоё хотинингизнинг бахтига юз йил яшанг. Бизга яна бир тутамгина барг етмай қолди-да. Шундоқ бизнинг ҳовлига ўтсангиз, катта тутнинг учларида озроқ бор эди...

Жаббор ака ҳадиксираб, саросималаниб остонада тухтаб қолган хотинига лоқайд ва бепарво бир тарзда тикилди, аммо қатъий овозда деди:

— Иложи йўқми?!

Эътибор опа жавдираган кўзларини Фотимага тикди.

— Ҳа, энди қирқига чидаган... Агар чарчамаган бўлсангиз...

Аёл кишининг илтижосида ҳам сеҳрли жозиба, ҳам қудратли куч булади. Бундай илтижони утакетган бешафқат, ҳиссиз эркакларгина пайқамаслиги ва уни рад қилиши мумкин. Жаббор ака, ҳар қалай, ҳиссиётнинг таърифини айтиб бера олмаса-да, амалда табиатнинг бу бебаҳо инъомидан бебаҳра қолмаган ва ўрни келганда уни жойига қўядиганлар тоифасидан эди. Шунинг учун у ҳозир Фотима сўзини тугатмаёқ, жаҳли чиққан пайтидаги одатига кура мулойимлик билан «хўп, хўп», деди-да, уроқ билан арқонни олиб чиқиб кетди.

Фотима: «қалай, қойилмисан», дегандай Эътибор опага маъноли қаради ва уз ишидан мамнун қиёфада: «Эркакларни йўлга солишни билиш керак», — деб қўйди.

Эътибор опа, гарчи рашк қиладиган ёшдан ўтган бўлса-да, бегона жувоннинг бир огиз гапини қайтармай, дарров хўп деб, лаққа туша қолгани учун эридан андаккина дили огриди-ю, лекин ҳозир нима бўлса ҳам ишнинг битганидан, пилла қуртининг тўла-тўкис бостирилишидан хурсанд эди.

Бироқ орадан ҳеч қанча вақт ўтмаган ҳам эдики, девор-дармиён Фотималар ҳовлисида нимадир қисирлади ва гурсиллаб ерга тушди. Хотинлар шовқини тинди. Фотиманинг ранги-қути ўчиб, сўртаси устида серрайганича қотиб қолди. Эътиборнинг юраги «шув» этиб кетди ва ўзини туйнукка урди. Унинг кетидан хотинлар чопишди. Бир зумда қий-чув бўлиб кетди. Жаббор ака бодринг жўягида чалқанча ётар, дўпписи бир неча қадам нарига тескари бўлиб тушган, ёнида қариб, пустилари кучиб кетган тутнинг синиб тушган каттакон, аммо новдасиз шохи, оёқ томонида учи ерга санчилган уроқ, чувалашиб ётган арғамчи... У қўлида бир неча тут новдасини маҳкам тутган, беҳуш эди.

Эътибор чўкка тушганича эрининг бошини кўксига олиб, уввос солиб йиғлар, Фотима қўрқувдан дагдаг титрар, бошқа хотинлар ҳам эси оғиб қолгандай карахт туришарди. Бу орада қўни-қўшнилари етиб чиқиб, ҳовли одамга тўлди. Қўшни йигит Ўсар Жаббор аканинг биллагини ушлаб кўргач, юраги ураётганини айтиб, унинг хотини ва бошқаларни тинчитди. Кейин Жаббор акани уз ҳовлисига олиб чиқишиб, ишқом остига ётқизишди.

Бирин-кетин пилла бригадири, агроном, участка милицияси, «Тез ёрдам»да врачлар етиб келишди.

— Ҳамма айб сизда, бир боғ барг топиб беролмадингизми? Ҳаммани, ҳамма зарур ишни йигиштириб қўйиб, қурт бостираётганлардан, айниқса қариялардан хабар олиш, уларни барг билан таъминлаш керак эди. Бу ҳақда кўп айтганман сизга! — Хужамат ака асабий ҳолатда пилла бригадирига ушқира бошлади. Унинг хатти-ҳаракатидаги безовталик овозида ҳам билиниб турарди.

— Фалокат-да, фалокат... — Раҳматжон Хужамат акага қараб, ютиниб-ютиниб қўйди-ю, айтмоқчи бўлган гапни айта олмади.

Пиллачилик агрономи Рафиқ салобатига ва характерига номуносиб бир ҳолда, асбоб-ускуналарини сумкага жойлаётган врач томон энгашиб, пичирлаб сўради:

— Аҳволи оғир эмасми?

— Ҳар ҳолда енгил эмас...

— Жуда мулойим, меҳрибон булиб қолишибдимми?

Агроном овоз эгасини қидириб атрофга аланглади. Назарида ҳамма унга қараб тургандай, ҳозирги гапни ҳамма айтгандай туюлди. У врачни четга етаклаётган милиция ходими орқасидан эргашди.

1973 й.

СОҲИЛДА

— Чўмилишга?

Йигитнинг киприклари пирпираб кетди. Қиз унинг кўзларига дадил боқиб жилмайди:

— Нима, сузишни билмайсизми? Ўргатиб қўяман.

Йигит баттар эсанкиради. Ахир у сувда катта бўлган-ку. Отаси уни ҳар куни кечқурун Қорадарё буйидан тутиб келарди. Узоққа сузиш, сув тагида кўп туришда тенг-тушларидан ҳеч ким унинг олдига туша олганмас.

...Анҳор ёқалаб боришар экан, қиз тинмай гапирар, йигит эса унғайсизланар, биров уни зурлаб олиб кетаётгандай, аранг қадам босарди.

— Вой, анулани, юра қолсангиз-чи, кинога бошқа куни тушармиз. Ҳаво бугун бирам яхшики, жудаям чўмилгим келяпти. Сувнинг тиниқлигини қаранг, суқингиз киради.

Ҳаво чиндан ҳам ажойиб эди. Қуёш чарақлаб турган бўлишига қарамай, ҳарорат муътадил, осмон артилган шишадай тиниқ, шовқин-сурондан ҳоли анҳор бўйи табиатининг сокинлигини чинор барглари-нинг мулойим шитирлашигина бузарди.

— Ҳали сиз менинг чўмилишимни кўрмагансиз-а? Бир мақтаниб қўяй: биринчи семестрда институт бўйича иккинчи ўринни олганман. Иккинчи курсда ўқийдиган Ғолия деган қиз бор, новча, ориқ, мен ҳам иккинчига утиб олай, етиб бўпти! Ёшлигимдан сузишга ўчман. Икки-уч ёшимдаёқ, ваннага тушиб олиб оймларни роса куйдирарканман. Ўрни битирдим у физкультура институтига қараб чопдим.

Йигит индамай борарди. Унинг юз ҳолати тез-тез ўзгарар: дам хижолат бўлаётгандек қизариниб, секинлашар, дам нимагадир ошиқаётгандай беихтиёр илдам одимлар эди. Унинг кўз олдида киноларда кўрган соҳил, ярим яланғоч семиз, озгин эркаклару аёллар чархпалак бўлиб айланарди. Хаёлида қиз жонланди, ана, у ечиняпти... Йигит юрагининг тез-тез ура бошлаганини сезди.

Улар соҳилга яқинлашишганди.

— Роса одам кўп экану, — деди йигит фикрларини чалғитиш учун.

— Кўп бўлса нима қипти? Уялсангиз четроқда чўмиламиз. Пляжга биринчи келишингизми?

— Ҳм... мен... қизлар билан ҳеч ҳопитмовдим.

Қиз йигитга қаради.

— Ҳопитмовдим, дейсизми?

— Бизда... шунақа дейилади.

— Андижонда-я? Қизиқ сўз экан. Ҳопитишингизни кўрарканмиз-да.

Йигит тортинибгина илжайди.

Қиз соҳилдан берироқда тўхтади.

— Шу ерда ҳопита қолайлик, холироқ. Мана, кийимларимиз учун жой ҳам тайёр экан.

Қиз оқ сумкачасидан газета олиб, ердан салгина чиқиб турган ва юзаси кенг тўнкага ёзди-да, ечинишга шайланди. Йигит ундан узоқлашиб, сув бўйига чўнқайди.

— Ҳа, ечинмайсизми?

— Сиз ечиниб оловринг, мен кегин... — йигит қарамай жавоб берди.

Қиз кулиб юборди.

— Қизиқ экансиз-ку. Қиз боладай уяласиз-а. Ба-рибир... чумиламиз-ку...

Йигит ўрнидан турди. Саросималанган кўйи кўзларини жавдиратиб қизга тикилди. Қиз сидирмали кўйлагини ечиш учун ҳадеб чиранар, лекин елкалари оша орқасига узатилган қўлларининг ҳаракати зое кетарди. Қиз чидамади.

— Туришини қаранглар. Ёрдам берворинг, илтимос. Шу ўлгур сидирмали кўйлакни киймайман дейман-у, менга нуқул шунақаси рўпара келади.

Йигит аввалига қулоқларига ишонмагандек сергакланди, кейин қизнинг кутиб турганини кўриб, иккилана-иккилана унга яқинлашди. Қўлини қизнинг елкаси томон оҳиста олиб борар экан, юраги боягидай тез-тез уриб, бармоқлари титрай бошлади, билакларига тегаётган майин соч толаларидан вужуди жимирлаб, нима қилаётганини ҳам эсдан чиқариб қўяёзди.

— Вой, була қолсангиз-чи! Роса толқон еб сизни сувга юборадиган экан-ку!

Сидирма бушади. Бетоқат булиб кетган қиз бада-
нига ёпишиб турган шахмат нусха ҳаво ранг крем-
плин куйлагини бир тортишда ечиб газета устига
ташлади-да, енгил нафас олди.

— Савил қолгур-а!

Кейин у пушти ич куйлагини ечди. Шунда... қиз
сочлари орқали вужудига урнашган ажиб бир таъ-
рифсиз ҳароратдан, димогига илк бор урилган нота-
ниш муаттар исдан ва номсиз туйгулардан ҳали ҳам
лол ва сархуш йигит нигоҳини қаерга олиб қочишни
билмай қолди. Ёногидаги қизиллик энди кузларига
ҳам утиб, энтикди. Рупарасида турган оппоқ бадан-
даги хонаки лоладай қип-қизил сийнабанд ва шу
рангдаги труси чуғдай куриниб, уни ёндириб юбора-
дигандек туюлди.

— Мен булдим...

Йигит ўзига келди. Тескари қараб, титроги бо-
силмаган қўллари билан секин-аста ечина бош-
лади. У қизнинг ўзига қараб турганини сезар ва
бармоқларидаги қалтироқ энди бутун танасига син-
гиб юрак тулқинлари кучайиб борарди. Шу тариқа у
ҳам ечиниб бўлди.

Йигит трусида эди. Қиз лабини тишлади. «Плав-
каси йўқлигига тортинаётган шекилли-да. Ё умуман...
Яхшиям одамларнинг ичига бормаганимиз,
ўсал бўлиб уларканман... Айтсаммикин? Йўг-э, уят-
ку, ўзи билиб олар...»

— Қани, тушдикми булмаса?

Йигит елка қисиб жилмайди. Унинг қорачиқ-
ларидаги безовталиқ ҳали ҳам сўнмаган эди.

— Майли...

— Мунча бушашасиз? Бунақа эмасдингиз-ку? Ма-
на, мен бошлаб бераман.

Қиз беш-олти қадам орқасига тисарилди-да, югу-
риб келиб сувга боши билан шўнгиди.

Буни қишлоқда «русчасига ташлаш» дейишарди. Йигитга бу чўт эмас. У бир зум кузатиб турди. Қиз тушган жойда сув тўлқинланиб, иккига бўлинди-да, ярим доиралар ҳосил қилиб атрофга тарала бошлади. Сув сатҳида пайдо бўлиб, тобора майдалашиб бораётган пуфакчалардан қизнинг қайси томонга кетаётгани ва қаерга етгани билиниб турарди.

Қиз ун метрча наридан суюқликка ботирилган жисмдай юзага шиддат билан қалқиб чиққанида йигит қиргоқда йуқ эди. У сувда ҳам кўринмади. Қиз хавотирланиб атрофига олазарак кўз югуртирди. Шу пайт нариги қиргоқда нимадир шалошлади... Йигит турган жойида қўллари билан сувни икки томонга ёриб уйнар, гаровда ютиб чиққан боладай жилмаярди.

— Уҳу, мен сизга ургатмоқчи бўлиб юрибман, шогирд тушишим керак экану. Камтарликларини қаранг! Аслида бизнинг институтга кирсангиз ҳам бўларкан... Кўринг, сув қандай яхши-а. Танингизни яйратади.

— Дилингизни яшнатади.

— Ҳо, шеър бўлди-ю. Минг қилсаям филфақда уқийсиз-да.

Йигит сузиб келган жойида шўнгиди-да, ҳаял ўтмай қизнинг олдида ҳозир бўлди.

— Келинг, оқимга қараб сузамиз, — таклиф қилди қиз.

— Мен оқимга қарши сузишни яхши кўраман.

— Унда узоққа боролмаймиз-да, тезда чарчаб қоламиз.

— Майли-да.

Биринчи бўлиб йигит сувдан чиқди. Чунки у анчадан бери чўмилмаган эди. У қиргоққа ўтириб қизни томоша қила бошлади. Қиз энди ўзини оқим ихтиёрига топшириб, осмонга қараганича қўлларини икки ёнга ёзиб муаллақ ҳолатда сузар, сийнабандла-

ри сув бетида қизил олмадай қалқиб борарди. Йигит яна кўзларини олиб қочди...

Қиз ҳам соҳилга чиқди. Сал нарига бориб йигитга орқасини қилиб чўнқайди-да, сийнабандини эгнида сиқа бошлади. Йигит бу гал кўз қирини ташлашга журъат этди. Қизнинг баданидаги марварид донала-ридай сув томчилари қуёш нурида ялт-юлт қилиб, кўзни қамаштирарди.

Кейин қиз ўрнидан турди-да, йўл-йўлакай бошини гоҳ у, гоҳ бу томонга эгиб, ҳақкалаганича қулоғига кирган сувни силқитиб, йигитнинг олдига келди.

— Спортчиларнинг қулоғига ҳам сув кирадими? — йигит қизнинг кўзларига боқиб кулимсиради.

— Йўқ, энди эҳтиёт шарт-да. Хўш, таклифим маъқул бўлди-ми? Кинодан минг марта афзал-да шу, тўғрими? Яхши чиқса-ю, тузук, бўлмаса кетган вақтингга ачинасан киши.

— Сув ҳам яхши. Тетик қилади, саломатликка фойдаси катта. Лекин, ҳар қалай, кинодан кўп нарса ўрганасан-да, одам.

— Ҳо, борган сари ақлли гапларни кўпроқ гапирадиган бўлиб кетяпсизми?

— Йўғ-э, нимаси ақлли. Шунчаки гап-да.

— Шунчаки, денг. Хўп, энди кетдикми?

* * *

Кейинги сафар йигит қизнинг таклифини жон деб қабул қилди...

Қиз йигитнинг эгнига кўз югуртириб, жилмайиб қўйди. «Диди чакки эмас. Плавкани яхшисидан топибди».

— Бугун астойдил ҳопитаркансиз-да?

— Сўзимизни ўзлаштириб опсиз-да? Бизда бунақа сўз кўп. Бу ерда ановингизни сийнабанд дейишаркан, — йигит қизнинг кўкрагига ишора қилди, — ўзимиз томонда мен бўзгалтирик деб эшитувдим.

— Ҳали шунақалар билан ҳам қизиқиб юрасизми? Ўтган гал мени олдимда ечингани ҳам уялтувдингиз-ку?

— Ҳа, энди, шаҳарда анча-мунча керакли нарсаларни урганишга тугри келаркан-да?

— Ҳо, мугамбир-ей, бунақа уятли нарсаларни урганманг-да.

— Тақиб чумилиш уятмас-у, номини айтиш уятми?

— Э, боринг-э, шуям гап булди-ю... Бунақа гаплардан фойда йуқ. Келинг, яхшиси, чумилайлик.

Йигит қизнинг ҳаракатларига, сузишига, қома-тига, силлиқ елкаларига ярим ошкор, ярим угринча назар ташлар экан, ҳаяжони ўтган сафарги даражада кучли эмаслигини, юрагининг қинидан чиқиб кетгудек урмаётганини сезар ва ажабланарди. Айни вақтда қизга ҳадеб қарайвергиси келар ва қизнинг кўзи тушиб қолган лаҳзада ҳам у қадар хижолат булмаётганини ҳис қиларди. Бугун қиз осмонга қараб оқим билан сузаётганида... кўзини олиб қочмади, у анча нарига бориб сийнабандини сиқаётганида эса пинҳона, бироқ бирмунча бемалол кузатиб утираверди. Фақат... баданларини қуёшга солиб, қумда рупарама-рупара ётишган пайтда... йигит узининг ўтган сафарги ҳолатга тушаётганини пайқади...

Қиз йигитнинг нигоҳи ўзига қадалиб турганини бирдан фаҳмлаб қолди ва унга ёнбош булиб утириб олди. Ёноқлари қип-қизариб кетган эди...

Йигитнинг тикилишини беҳаёларча ё ҳирс тула... деб булмасди, балки мулойим, гўзалликка талпинувчи ва уни ардоқловчи, муҳаббатли қарашлар эди. Буни қиз ҳозиргача ўзига номаълум булган идрок, қизлик туйғуси билан ҳис этди ва ҳозиргача на синфдошлари, на курсдошлари ва на бошқаларнинг бундай беозор ва ёқимли, иззат-нафсни қондирувчи ҳузурбахш термилганини эслай олмади. Аниқроғи,

шу пайтгача ҳар хил боқишларга эътибор бермаган ва бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эди.

* * *

Учинчи марта чўмилишга боришни йигит таклиф қилди. Қиз иккиланиброқ розилик берди.

Бугун улар анча эркин ва узоқ чўмилишди.

Бу гал йигит яна дадилроқ, қарашлари тетик эди. Улар бир-бирига сув сепишар, йигит ёш боладай сув тагидан шўнгиб бориб, қизнинг оёқларини чимчилаб қочар, қиз эса қизалоқдай қиқир-қиқир куларди. Охири қиз қўл кўтариб, қирғоққа чиқди-да, тўнкага ўтириб олди.

— Бўлди-е, одамни чарчатиб юбордингиз.

Йигит ҳам чиқиб қизнинг ёнига утирди. Иккиси ҳам тўхтовсиз ҳансирашар ва ҳамон кулишарди. Энтикиш пасайиб, кулгилар тингач, қиз йигитнинг елкаси орқали вужудига ёқимли бир ҳарорат ўтаётганини бирдан пайқаб қолиб, йигитга бирров ҳадикли назар ташлади. Йигит бошини пастга эгиб, бармоқлари билан ҳали унча ўсмаган қоп-қора жингалак сочларини тўзгитиб, сувини силқитарди. Қиз енгил нафас олди. Бироқ йигитнинг қўллари ҳаракат қилган сари бояги ҳарорат кучайиб борарди. Туриб кетишга чоғланувди, йигит бирдан унга қараб қолди.

— Баданингиз жуда чиройли экан. Уни ёмон кўзлардан асраш керак.

Қиз учун бу кутилмаган хушомад бўлди. Шу пайтгача унга ҳеч ким бундай демаган эди. Бироқ буни хушомадга йўйиш ҳам адолатсизлик бўларди. Қизнинг сиртдан сокинлашгандай туюлса-да, аслида мавжланиб бораётган қалби шундай, дея тасдиқлар ва таъкидларди. Албатта, йигит бу гапни ортиқча ҳис-ҳаяжон, дабдаба билан эмас, дастлабки пайтлардагидай чайналмасдан, мижғовланмасдан, аммо оҳиста, ҳатто шивирлаб айтди.

Қизнинг хаёлида ўтган сафарги туманли тушунчалар, тасаввурлар баттар хиралашиб кетди. Таниш-нотаниш «амакилар»нинг яқин-яқингинада ҳам «ҳа, пучуқ қиз» дея бурнидан чимчилаб ўтишлари кўз олдида келди-ю, биров тўсатдан совуқ сув сепиб юборгандай, бадани сесканди. Рўпарасида кийинаётган йигитга беихтиёр тикилиб қолган кўзларини олиб қочди... Юзларининг қип-қизариб кетганини ҳис қилди. «Демак... демак...», деди-ю, лекин фикрларини жамлай олмади. Фақат ўзида нимадир етилиб келаётганлиги унга аён бўла бошлаганди, бироқ у нима — қизлик туйғусими, ё умуман аёллик ҳисларими — буни ҳам аниқ билмасди.

Чумилиб булишгач, қиз «мен, ҳозир», деди-да, кийимларини кўтариб пляж томонга чошиб кетди. Йигит ҳайрон бўлди. Қизнинг одамлар кийиниб чиқаётган жойга кириб кетганини кўриб, бирдан бугун осмонга қараб оқим билан сузмагани, сийнабандини унинг кўз олдида сиқмагани эсига тушди. Айтгандай, бугун у сузувчилар кийимида чумилди-ку! қизиқ, нега ўзи ҳам галатироқ бўлиб қолди? Нима деса экан?.. Бепарвороқми... Ҳаяжонланмай қўйди, юраги ҳам аввалгидай ҳовлиқмайди. Қизиқ-а...

* * *

Улар бора-бора соҳилга бирга... ва умуман келмай қўйишди.

1975 й.

БАЛИҚ ОВИ

Мен биринчи синфга қатнардим. Акам еттинчида ўқирди. Қишлоғимиздан нарида поёнсиз туқай бўлиб, ҳали зовурлар қазилмаган, захоб сувлар қуритилмаганди. Катта-кичик булоқларда, айниқса, Димариқда (димланиб оққани учун шундай дейишар-

ди) балиқ мўл эди. Сув кўпайганда, ҳатто туқай ичидаги шопипояларга ҳам балиқ чиқиб қоларди. Туқай гўё қишлоқ аҳлига табиатнинг муруввати, инъоми эди. Ҳар шанба ва якшанба кунлари бу ерга усмирлару йигитлар тўлиб кетарди. Ким қармоқ кўтарган, ким тўр судраган...

Отам жамоа хўжалигида мудир эди. Уйимизга тез-тез меҳмон келиб турарди. Ҳар сафар ҳар хил кишилар: ориқ, семиз, новча, пакана, мўйловли, мўйловсиз... Уларнинг кўпини танимасам-да, ўзимда йўқ севиниб кетардим. Чунки меҳмон келса, акам иккимиз албатта, туқайга жунардик. Мен акамнинг балиқ овлашини кўришга ишқибоз эдим. Бу соҳада у устаси фаранг эди. Турдаям, санчқидаям балиқ тўтиб, бир зумда пақирни тўлдирарди. Ҳеч нарсадан, илондан ҳам қўрқмасди. Илон кўрдими, тамом, уни думидан ушлаб, айлантириб-айлантириб отиб юбормагунча кўнгли жойига тушмасди.

Меҳмонлар одатда учта-тўртта бўлиб келишарди. Фақат бир киши ҳамиша отам билан кирарди. Фақат шу одамгина менга ёқмасди. Гавдаси бесўнақай, ранги совуқ, чақчайган кўзларига қарашга юрагим дов бермасди. Мўйлови ҳам бошқаларникига ўхшамас, лабининг икки четида осилиб турарди. У менга дағал овозда: «Ҳа, қоровой, юрибсанми», деб қўяр, пешонамга тушган калта сочимни қўйнинг жунини чама-лаб кўргандай гижимлаб, эркалаган бўларди. Бошим зирқираб, кўзларимдан ёш чиқиб кетай дерди. Лекин сир бой бермай, гапига ҳам жавоб қайтармай, ерга қараб тураверардим. Кейин у қизларнинг майда сочидай ингичка ўрилган ва учи чачала қилиб тугилган қамчисини «Ма!» деб узатарди. Мен уни айвон устунисидаги михга илиб қўярдим. Балиқдан кейин палов ҳам ейилиб бўлгач, у мени чақирарди: «Қоровой, қани, қамчини опке-чи». У панжалари орасидан сизиб тушаётган ёғни қамчин дастасига суртиб-сур-

тиб, яна менга қайтариб бергач, кафтини чарм этигининг қўнжига ишқалай бошларди. Сўнг товоққа чой қуярди-да, айлантириб-айлантириб, хурда ичгандай хўриллатиб симириб юборарди. Ҳаммасидан ҳам унинг балиқ ейишини томоша қиладиган эди. У балиқни кўп ва жуда тез ошар, бироқ кам нишхўрд чиқарарди. Нима бало, қилтаногини ҳам ютиб юборармикин, деб ҳайрон булардим. Луқмани ютаётганида, кекирганида ҳиқилдоги ўйнаб турар, учи ингичка ва узун мўйловлари оғзига кириб кетар, лекин у чайнашдан тўхтамаган ҳолда бош бармоғи билан чиқариб қуярди.

Дастурхонга фотиҳа ўқишгач, отам: «Қани, Комронбек!» дерди. Меҳмоннинг орқамдан: «Шу ўглингиз эпчил, чаққон, улоққа тушадиган йигит бўлади-да», деганини эшитиб, қадамимни тезлатардим. Дарвозахонамиз устунига боғланган отнинг эгари қошига илиглик қора, йилтироқ корзинкани бир сакрашда олиб, зум ўтмай отамга етказардим. Отам унга пиширилмасдан олиб қўйилган балиқларни қозгозга ўраб солиб қуярди. Мен эсам қамчини олиб, гизиллаганимча отни кўчага етаклаб чиқиб ушлаб турардим.

Акамнинг-ку, уни кўришга кўзи йўқ эди-я, ҳатто опам ҳам: «Яна кепти балиқхўр киши» деб мингирларди. Ўчоқбошидан жилмайдиган онам хурсандми ё хафами — билолмасдим, тўгриси, энди эсласам қизиқмаган эканман. Фақат бир марта опам тандирга ўт қўяётганида, унинг: «Қовоғингни оч, Саломат, отанг сезиб қолса, дилингни сиёҳ қилади», дегани қулогимга чалинган.

«Балиқхўр» бизникига охирги сафар келганида эрта баҳор эди. Ўша йили қаттиқ бўлган қишнинг ҳали заҳри кетмаганди. «Балиқхўр» биринчи марта кўпчилик билан келди. Шериклари ҳам ўзига ўхшаган қориндор, қориндору фақат мўйловлари йўқ эди.

Отам меҳмонларни катта уйга ўтқазиб, ҳаммамиз тиқилиб утирган даҳлизга қайтиб чиқди-да, паст овозда иш тақсимлай кетди:

— Онаси, дарров суюқ ошга урин, қуй ёғидан кўпроқ тўграмчилаб, жазла. Саломат, баланд сўридаги узум, анордан олиб туш, қовунданам, эски чакмонга ураб қуйганман. Кейин қўшнилардан қатиқ топ, кўпроқ. Була қол, оёгингни қўлингга ол. Комил, укангни бошла тўқайга. Жонлироқ тутиб келинглар. Судралмай, илдавроқ қимирла.

Акам анграйиб отамга, кейин кўзларини мўлтиратиб онамга қаради.

— Шундай совуқда-я... — онам акамдан кўз узмай, юрак ютиб, аммо журъатсизгина шундай деди.

— Ҳеч нарса қилмайди, тўрда овлашади. Атайлаб балиқхўрликка келишган. Қани, нонингни опке, чойни тезлаштир. — Отам онамнинг олдига борди-да, унинг қулогига бир нарсалар деб шивирлади. Бу гап онамга ёқмади шекилли, пешонасини тириштирди.

Акам ҳамон жойидан қимир этмас, кўзларини ўчоқда гувуллаб ёнаётган оловга қадаганича, киприк қоқмай турарди. Ўша пайтда унинг хаёлидан нималар кечгани менга ҳозиргача қоронғи. Катта уйга кириб кетаётган отам қўлини эшик тутқичига узатганча тўхтаб қолди, кифти оша акамга қаради ва анча силлиқлашган товушда: «Иссиқроқ кийинвол, ўғлим...», деди-ю, шахт билан тутқичга ёпишди. Лекин ичкаридан эшикни оҳиста ва зич ёпди.

Чойгумдан чойнакка қайноқ сув қуяётган онам: «Сал кун илиганда келишсаям буларди, тўқайга ўт тушиб, балиқ қирилиб кетмасиди», деб гудранди. Кейин у бизга зўрлаб икки пиёладан иссиқ чой ичирди, қалин кийинтирди.

Тўғриси, шу пайтда балиқ овига менинг ҳам ҳеч-ҳеч тобим йўқ эди. Акам йўлдаги тош-кесақларни жаҳл

билан тепиб кетар, ўзича тунгиллар, мен қунишганча унинг орқасидан индамай тўр судраб борардим.

Ариқларнинг буйларида, марзаларда куклам нишонаси — ялпизлар бодроқ-бодроқ бўлиб уна бошлаган, бақаларнинг «вақ-вақ»и авжида. Чимзорлардаги кузда ўт қўйиб куйдирилган ажриқларнинг томирларидан чиққан янги, яшил барра гиёҳлар ер бағридаги ҳаётнинг қайтадан жонланганидан далолат берарди. Суппайган қовжироқ қамишлар изғиринли баҳор шамолида бир-бирига урилиб нохуш овоз таратарди. Икки лаби кўкариб қолган Димариқ ҳали ҳеч ким ва ҳеч нима лойқалатиб улгурмагани учун тип-тиниқ, билинар-билинемас, майин чайқалиб ётарди. Сув остида онда-сонда майда балиқчалар кўзга ташланиб қоларди.

Акам Димариқнинг торроқ жойига тўр солди. Мен ариқнинг қуйироғига бориб, узун калтак билан балиқларни тўр томон ҳайдай бошладим. Сув бир зумда қоп-қора бутанага айланди. Акам тўрни кутарди. Ҳавода бир неча майда чавақ ялт-юлт этди-ю, сувга тушиб кетди. Қайтадан тўр солдик. Бу сафар бирон-таям илинмади.

— Ҳали балиқлар камаридан чиқмапти, — деди акам пунгиллаб.

— Энди нима бўлади?

— Нима бўларди, камарга тушаман-да.

— Совуғ-у, ака!

— Нима қиламан! Балиқ топиб бориш керак барибир.

Акам отамнинг гапини икки қилмас, бошлаган ишини албатта охирига етказарди. «Фалон нарса битмай қолди» ё «йўқ экан», деганини билмайман.

Яна бир марта урилиб кўрганимиздан кейин акам тўрни қўриққа отиб юбориб, ечина бошлади. Акамга Димариқдаги, умуман, тўқайнинг ҳамма булоқ ва ариқларидаги балиқ камарлари беш қўлдай маълум

эди. У Димариқнинг чуқурроқ жойини, балиқнинг камарини мўлжаллаб шўнғиди. Сув тиниқ бўлгани учун унинг ҳаракатлари аниқ куринарди. Тугри бориб пусти қолмаган, сув ялаб ўтаётган тол тўнкаси тагига қўл суқди. Амфибия одамдай сув остида ҳар замонда оёқларини силтаб, муаллақ ҳолда анча туриб қолди, кейин орқасига тисарилиб, сув бетига отилиб чиқди. Унинг икки қулида бир ярим-икки қарич келадиган иккита зогора балиқ типирчиларди. Акам уларни қиргоққа иргитиб яна шўнғиди. Кейин яна... Афтидан, улгуржи балиқ топиб олганидан у ўзида йўқ хурсанд, совуқни ҳам унутган эди. У ҳар гал балиқни менга ташлаётиб: «Нечта бўлди?» деб сўрарди-ю, лекин жавоб кутмай шўнғиб кетарди. Ун бештага борганда акам сувдан чиқди. Бадани қорда ишқалангандай қип-қизариб кетган, дағ-дағ қалтирар, тишлари бир-бирига тегиб такилларди.

Уйга етгунча югургилаб келдик. Акам даҳлизга кирди-ю, узини сандалга урди. Онам: «Бечора болам-эй», деб унинг юзларини, кўкракларини, қўлларини ишқалади, иссиқ чой ичирди, устига якандозлардан ташлади, сандалга яна икки хокандоз ут солди. Акам: «Совқотяпман, жунжикиб кетяпман», деб бир оз ётди-ю, ухлаб қолди.

Балиқни опам иккаламиз айвонда тозалаб бериб турдик, онам қовуришга тушди. Отам тайёр бўлганини пешма-пеш ичкарига олиб кириб кетарди. Меҳмонлар жуда хурсанд: хахолашар, айниқса, «балиқ-хўр»нинг кулгиси момогулдиракдай уйнинг деразаларини зириллатиб юборарди.

— Мана, Бўронбекнинг ўгли қишда муз тешиб бўлсаям балиқ тутиб беради, демадимми сизларга!

— Отасининг ўгли-да. Танти, улфат одамнинг фарзанди-да.

— Ҳа, ҳамма гап отасида.

Қизиқ гап булмаса ҳам қийқириқ, кулги кутарилди.

— Мана энди бундан буёғи балиқ сайли, — яна «балиқхур»нинг овози эшитилди. — Қачон десанглар келаверамиз. Биродаримизнинг эшиги ҳамиша очиқ. Биз эски қадрдонмиз.

Меҳмонлар қоронги тушганда қузғалишди.

Эшик очилиб, остонада «балиқхур» кўринди. У чайқалиб кетишдан эҳтиёт бўлгандай, қулочини кериб, икки қули билан эшик кесакиларидан ушлаб олганди. Унинг пашша қўнса сиргалиб кетадиган силлиқ бошида тер ялтирар, гўштдор, қора юзлари чўгдай қизариб, кузларининг оқи жигарранг тусга кира бошлаганди.

— Келин! Раҳмат... Аммо-лекин ошни қийворибсиз. Бу.. биззи қаҳрамон кўринмайди?.. Ие, ухлаб қопти-да, хаҳ, майли, дамани олсин.

У оҳиста қадам ташлаб сандал ёнига келди. Энгашмоқчи бўлганди, қорни халақит берди. Амаллаб қулини акамнинг жағига етказиб, эркалаган бўлди:

— Шоввоз йигит, ботир йигит... Ўгилдан берганда, сизларга... Мана шу Комилбек бор, деб келамизда, биз... Яшаворсин азамат. Балиқни зўридан тутибди. Маза қилдик...

Меҳмонлардан бири уни енгидан тортиб ташқарига етаклади.

Бу пайтда онам учоқ олдида бошини ҳам қилганича юзини ярим яшириб ўтирар, отам эса пиширмай олиб қўйилган балиқларни қора корзинкага жойлаш билан овора эди.

Меҳмонлар бир-бирларини қултиқлашиб кўча томон юришди. Пичан еяётган отларини тимирскиланиб ечишди-да, сувлигини ҳам солмай эгарга ёпишишди.

Отларнинг «тақа-туқ»и анчагача эшитилиб турди.

Қайтиб кирганимда уйнинг деразалари ланг очиқ, онам огзини дока румол билан тўсиб олиб дастурхонни йиғиштирарди.

— Комрон, манави савил қолгур шишаларни йўқот кўзимдан нарироққа...

Хона димиқиб, папирос тутунлари шифтнинг тусинлари орасида сийрак булутга ўхшаб сузиб юрар, тахир, қуланса таъмлар, балиқ ҳиди, нос иси аралаш-қуралаш бўлиб кетганди.

Уйни тозалаб бўлиб, печкани қайтадан ёқдик-да, унинг яқинига жой қилиб, акамни уйготдик. Онам: «Тур, тур, углим, ичкарига жой солиб қўйдим, иссиққина, кириб ёт», деб эланар, акам бўлса, унинг гапларини эшитмагандай нуқул: «А, а? Нима?» — дерди. Хуллас, уни бир амаллаб тургаздик. Лекин у карахт одамдай жойидан жилмас, қовоқларини зўрлик билан кериб, энди очай деганида кўзлари янги китобнинг варагидай қайта юмилиб кетарди. Онам унинг тирсагидан тутиб ичкарига бошлади. Акам ўринга кирди-ю, устига кўрпани тортди. Онамнинг: «Чой ичиб олмайсанми, овқат есанг-чи», деган илтижолари жавобсиз қолди.

Отам меҳмонларни кузатиб қайтганида биз ҳаммамиз акамнинг бошида ўтирардик. Онам уни кўрди-ю, тутақиб кетди:

— Қайси гўрда қолдингиз? Йўқ ердан балиқ топиб сийлаганингиз ҳам етарди-ю, уйларигача обориб қўймасангиз нима?! Бола қийналиб кетди. Духтир топиб келиш керак!..

Қамчини этигига «чарс-чарс» уриб келаётган отамнинг табассуми кўзларининг икки четидаги жияклариди, ажинлари орасида ва киприклариди қотиб қолди. У тўхтаб, онамга ўқрайиб тикилди, лекин бирдан кўзлари нурсизланиб, ранги оқариб кетди. Шитоб келиб акамнинг ёнига чўнқайди-да, кафтини унинг манглайига қўйди:

— Комил! Комилжон!

Акам жавоб бермади. У қисқа-қисқа, аммо тез-тез ва қаттиқ-қаттиқ нафас оларди. Отам онамга юзланди:

— Овқат-повқат едими?

— Туз татигани йўқ болам шўрлик, — жавоб берди онам йигламсираб.

Отам чиқиб кетди. Кучада от туёқларининг тасир-тусури эшитилди.

Опам акамнинг оёқларини уқалаб, пиқиллаб йиглар, онам эса, унинг пешонасига оқ дуррачани қайта-қайта ҳўллаб босар, мен нима қилишимни билмай, бир чеккада уларнинг хатти-ҳаракатини, акамнинг ҳолатини кузатиб ўтирардим. Онам ҳар замонда: «Вой, онагинанг ўргилсин-ей, вой томогингга қилтанок тиқилгурлар-ей, бирор сафар балиқ емай кетишса нима қиларди-я! Бадани ёняпти бунинг, қўлни куйдиради-я», деб уф тортар, акам бўлса алаҳларди: «Топдим! Балиқнинг конини топдим!.. Ол! Ушла, сувга тушиб кетмасин!.. Нечта бўлди! Ҳозир, ҳозир чиқаман...»

Қачон, қандай ухлаб қолганимни билмайман. Эрталаб турсам, акам энди тинчиб, ором олаётган экан. Кечаси доктор келиб укол қилипти, хавфли эмас, сал совуқ ўтибди холос, деб кетибди. Чиндан ҳам акамнинг иситмаси пасайди. Ҳаммамиз унинг атрофида парвона эдик. Айниқса, отам унинг олди-дан бир қадам ҳам жилмади десам бўлади. Ўзи мажбурлаб озгина шолгом шўрва, қатиқ ичирди. Бир-икки марта киприкларида нимадир йилтиллаганини кўриб қолдим. Ҳаммасидан ҳам опам иккимизни «сиз»лагани галати туюларди менга. Файрати ичига сигмайдиган, чапдаст ва жангари одам бир кеча-кундузда чўкиб, хаста, синиқ қарияга айланиб қолганга ухшарди.

Онам бўлса, қовоғини очмас, ҳар замонда узича гудраниб қўярди:

— Келин булиб шу уйни остонасини босибманки, меҳмон устига меҳмон. Яна ҳаммаси емахур...

Отам энди онамга тарсаки тортиб юборади, деб юрагимни ҳовучлаб турардим. Чунки у онамнинг тилига бунақа эрк бериб юборишига кўниккан эмасди. Лекин отам миқ этмас, гуноҳкор бола, бечора одамдай илтижоли, илинжли нигоҳини акамдан узмай, мултиллаб утирарди.

Акам кундузи тез-тез безовталаниб ётди-ю, кечга бориб иситмаси яна кутарилиб кетди. У ўқтин-ўқтин қалтираб-титрар, лаблари пирпираб учиб-учиб қўяр, тилини чапиллатиб тамшанарди. Алаҳсираш кучайди. Узуқ-юлуқ гапларидан худди ниманидир қувлаётгандай, кимдандир нажот кутиб, мадад сўраётгандай буларди. Ярим кечага борганда тинчиб ухлаб қолди. Шундан кейин биз ҳам ётдик.

Қаттиқ дод-войдан уйғониб кетдим. Онам билан опам акамнинг устига ётиб олишганича ҳунграб йиглашар, отам бир қўлида акамнинг энгагини ушлаб, иккинчи қули билан ҳадеб унинг қовоқларини силар, «ҳиқ-ҳиқ» қилганида елкалари титраб, икки юзидан шовиллаб ёш қуйиларди. Мен аввалига ҳеч нарсага тушунмай, анграйиб қараб қолдим. Менга бирдан кўзи тушган опам кела солиб қучоқлаб олди.

— Йигла, укажон. Нимага қараб турибсан? Йигла, акамиздан айрилиб қолдик...

Уша пайтда ўлим ҳақидаги тасаввурим ҳали узуқ-юлуқ, хира ва туманли эди. Хаёлимга биринчи келган нарса шу бўлди: «Энди акам йўқ, у биз билан уйнамайди, балиқ овлагани бормайди! Болалар энди акаси йўқ, деб яккалашади мени!..»

Мен акамнинг тепасига ўзимни ташладим. Мук тушганча, тушунибми, тушунмайми узоқ йигладим.

Ўзимни тутолмасдим, нимадир мени йиглашга мажбур қиларди. Лекин, барибир бола эдим-да. Бир оздан сунг акам эсимдан чиқди. Ҳовлимизга кираётган одамларнинг кўплигини кўриб огзим очиларди. Ҳатто тўйимда ҳам бунча одам келганмас, деб ўйлардим ўзимча.

Отам гангиб қолгандай, ким гапирса ушанинг оғзига қарарди. У нуқул мени бағрига босар, ёнидан жилдирмас, олдин ҳеч қилмаган меҳрибончиликларни қиларди.

Биз отам билан дарвозахонамизда турардик. Баъзилар отамни қучоқлаб йиглашар, биров сўрашиб, бошқаси бош қимирлатганча индамай ҳовлига утиб кетарди. Одамларга оқ дурра, совун улашиб юрган Садир амаким ҳар замонда келиб, отам билан пичирлашиб кетарди.

Бир маҳал келаётганлар орасида «балиқхўр» кўриниб қолди. Мен уни онам қаргагандан кейин жуда ёмон кўриб қолган эдим. У менга эътибор ҳам бермади. «Бандачилик...» деди-да, отамнинг олдида бир зум тўхтаб, ҳовли томон юрди.

Кечга томон ҳовлимизда одам сийраклашди. Лекин онам билан опам ҳамон йигидан тўхташмасди. Мен эсам зерикардим. Болалар йўқ, катталар ўзлари билан ўзлари, мен билан бировнинг иши бўлмайд қолганди. Бирон ўйин топиб ўйнамоқчи булардим, лекин қулим бормасди, кўнглимга қил сиғмасди. Довдираб баланд сўрига чиқиб, тўр ёгочни кўриб қолдим. Пастга олиб тушдим-да, аламинни шундан олмоқчи бўлгандай болта билан майда-майда қилиб, тандир ёнига улоқтириб ташладим. Тандирга ўт қўяётган опам ҳиқиллаб-ҳиқиллаб уни ёқиб юборди.

Ўшандан кейин бир қанча вақтгача уйимизда кулги эшитилмади. Мен болалар билан кам уришадиган, биров қаттиқ гапирса бўйнимни қисиб, ерга қараб тураверадиган бўлиб қолдим. Чунки энди ёнимни оладиган акам йўқ эди...

Туқайга ҳам қайтиб бормадим. Уртоқларим зурлаб судрашса ҳам қадам босмадим.

Орадан кўп ўтмай отам бизни шаҳарга кўчириб келди. Албатта, ҳаммамиз, айниқса, онам, ҳатто отамнинг ўзи учун ҳам қишлоқни тарк этиш қийин бўлди. Туғилган, униб-ўсган жойни ташлаб, туйда ҳам, азада ҳам ҳар доим бирга бўлган, баъзида битта нонни баҳам кўрган қўшнилардан, қариндош, ёру биродарлардан узоқлашиб, нотаниш одамлар орасига кетиш кимга ҳам осон дейсиз. Отамнинг бирон касби ё ҳунари ҳам йўқ эди. Шаҳарда эса, ҳунарсиз яшаш амримаҳол. Отам шуни ўйлаб, бир оз иккиланди-ю, кейин нима бўлса бўлди, бошга тушганини кўз кўрар, деб гапни кесди.

Қишлоғимизни тез-тез кўргим келиб қолади, бирга ўсган ўртоқларимни жудаям согинаман, лекин оёғим тортмайди, юрагим ҳам бетламайди.

1976 й.

БИР КЕЧА – МИНГ КЕЧА

Дам олиш куни бўлгани учун туришга ошиқмай, эриниб ётувдим. Бошим гувуллаб, чакка томирларим лўқилларди. Эшик шиддат билан очилиб, Нусрат кириб келди.

— Яшавор-э, ҳалиям ётибсанми? Пешин бўлди-ю! Каравотга тиралиб бошимни кўтардим.

— Тинчликми?

— Отамлар келишяпти экан. Аэропортга кетяпмаң. Сен тезроқ бориб, бизнинг хонани сал эпақага келтириб тургин. Чойни ўша ерда ичарсан, нон, колбаса бор. Кейин... Нилу билан кинога бормоқчи эдик, мабодо келиб қолса, мени йўқ деб, бир амаллаб қайтариб юборарсан. Отамларни олдида иш чатоқ бўлмасин... Мен кетдим.

Нусрат ярим чақиримча наридаги ётоқхонада яшарди. Хонага кирдимۇ димоғимга қолган овқат ва бошқа нарсалар ҳиди гуп этиб урилиб, кўнглим беҳузур бўлиб кетаёзди. Уртадаги стол устини кўриб бўлмасди: аганаб ётган катта-кичик стаканлар, овқат юқи косалар, ушатишган нонлар, колбаса, кўк пиёз, редиска... Клеёнканинг доғ бўлмаган жойи йўқ, столнинг тагида эса қошиқ, вилка, мижишланган, депсалган қогозлар... Наҳотки кечаси шу аҳволга солиб, индамай тарқалишиб кетаверган бўлсак?!

Деразанинг иккала қанотини ланг очиб юбордим. Худди шуни пойлаб тургандай, ташқаридан гувуллаб шабада кирди. Енгил ва ҳузурбахш баҳор шабадаси. Қўмга чиқиб қолган балиқча тўлқин олиб келган бир лаҳзалик сувдан жон киргандай, энтикиб шамолга кўксимни тутдим. Кўнглим анча ёзилди. Шундан кейин Нусратнинг эски кўйлагини пешбанд қилиб, йигиштиришга киришдим.

Стolni тартибга келтиришнинг ўзига анча вақт кетди. Ейиладиган нарсаларни, идиш-товоқларни тумбочкага, шишаларни шкафга жойлаштирдим. Чиқиндиларни ахлатхонага тўкиб келдим. Каравот раҳида тартибсиз осилиб ётган сочиқ, кўйлақларни бир чеккадаги чамадонга тикдим. Клеёнкани ҳўл латта билан артдим. Навбат полни ювишга келди. Энгашиб олиб каравот остини артаётган эдим, қиз боланинг «Са-лом!» деган овози эшитилди. Угирилиб қарадим. Остонада ял-ял ёниб Нилуфар турарди. Мени кўриб, кўзларидаги табассум сўнди. Мен уялганимдан поллаттани чангаллаганча қотиб қолгандим. Қип-қизариб кетдим шекилли.

— Аслан, сизмисиз? Дўстингиз қани? — Нилуфар бир-икки қадам босди. Мен ўрнимдан турдим-да, худди ёш боладай қўлларимни орқамга яширдим, кейин бошимни секин кўтариб қизга жавдираб ти-

килдим. Баҳона туқишнинг ҳам иложи қолмаганди. Нилуфарнинг кузлари чарақлади.

— Менга айтмовди-ку.

— Бирдан, хабар булиб қопти.

— Ҳа-а... Шунга тараддуд денг. Чипта супурги йўқ эканми?

— Билмадим, йўқ шекилли...

— Келинг, мен қарашиб юборай, сизга ҳечам ярашмай турибди.

— Йўқ, қўйинг, устингиз...

— Зарари йўқ, пешбандингизни тутиб оламан, сиз сувни янгилаб турасиз. Тогорада, пақир булмайд.

Нилуфар от қилидан тўқилган жажжигина қора сумкасидан резина ип олди-да, орқаси билан битта бўлиб, белигача тушиб турган, учлари қўнғироқ сочини туплаб боғлади. Тешик-тешик оқ туфлисини ечиб, йўлакка олиб чиқиб қўйгач, ишга тушиб кетди. Тиззалари остига қуруқ латта ташлаб олиб, чўккалаб полни, каравот тагларини ишқалай бошлади. Унга қарамаслик учун тумбочка устидаги журналлардан бирини қўлимга олдим.

Нилуфар жуда чиройли ва хушахлоқ қиз эди. Ёлғиз фарзанд бўлгани учун ота-онаси ёшлигидан эркин ўсишига, жисмоний ва ақлий тарбиясига алоҳида аҳамият беришган, тантиқлик, эркалик хислатлари унга бегона эди. Ўзбеклар ичида яшагани, қолаверса отаси ўзбек бўлгани туфайлими, ўзбекча урф-одатлар, таомилларни яхши билар, миллий таомларга ҳам пазанда эди. Шунинг учун унинг онаси рус аёли эканлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Рус мактабини битирган, аммо ўзбек тилини пухта билар, фақат адабий тилда гапирарди. Унинг тор ва ихчам кийинишигина онасига тортганидан далолат берар, айниқса енгил кийимда шундай ҳам гузал қомати, келишган оёқлари, таранг кўкраклари яна алоҳида жозоба касб этарди. Оппоқ юзидан ҳамшиша

нур ёгилиб турар, кайфияти ҳар доим чоғ юрар, кулганида — бошини орқага ташлаб, елкаларида тулқин урган зулфини силкитиб, кўзларини чиройли юмиб-очганида, киприклари назокат билан пирпираганида ҳар қандай йигит тугул, ҳатто қизлар ҳам энтикиб қўярди. Шундай соҳибжамолнинг меҳрига сазовор булган дустимга ҳавасим келарди.

— Қиз болага шунақа қарайдими, Аслан? — Нилуфарнинг овозидан ўзимга келдим. Шундагина мен журнал оша қизга тикилиб турганимни пайқадим. Узр сўраб, ҳаёл суриб қолганимни айтдим, бироқ унга маъносиз қараганимни тушунтириш ноқулай ва қийин эди.

— Нусратнинг дадалари мени кўрса нима дейишаркин, — сўраб қолди у.

Мавзунинг ўзгарганидан сал енгил тортдим-у, аммо шу заҳоти Нусратнинг гаплари яшин тезлигида миямда чарх урди. Кейин ўзимга таскин бера бошладим: «Билишса нима, шундай қиз келинликка рози бўлса, жон дейишмайдими... Оқила, чаққон-эпчил...» Лекин кўнглимнинг бир четидан «ҳар қалай келишлари билан олдиларига дастурхон қилмаган маъқул», деган фикр ўтди. Гапни ҳазилга бурдим:

— Қайнота-қайнонангиздан қочмай утираверасизми?

— Ҳали билишмайди-ку. Нусрат айтмаса агар...

— Ҳар ҳолда айтмаса керак.

Нилуфарнинг юзидаги ифода бирдан ўзгарди. Қалтис гапириб қўйганимни сездим. Бироқ гишт қолипдан кўчган эди. Шундай бўлса ҳам тузатишга ҳаракат қилдим:

— Ўзи айтса бўлмас, ўзбекчиликни биласиз-ку...

Нилуфарнинг кўнгли бир оз жойига тушди чоғи, жилмайди.

— Майли, бир гап булар.

Кейин у ишда давом этди. Қиз бола — қиз болада, ҳаш-паш дегунча полни чиннидай ярақлатиб ташлади. Тумбочка устида уюлиб ётган газета-журнал, китобларни галадонга солди, каравотдаги уринни қайтадан тузатиб, адёл тепасидан чойшаб ёзди, кейин ёстиқни лулалаб шишириб, бир учини ичига уриб киритди-да, тумор шаклига келтириб жойига қўйди. Нусратнинг деворда қийшайиб турган рангли портретини тўгрилаб, артди. Суратнинг икки ёнига ёпиштириб ташланган футболчи, балериналарнинг расмларини кўчириб олди. Дераза рахини, столнинг оёқларини, иситкич батареяни, унинг трубаларини тозалади. Хона одамнинг баҳри-дили очиладиган қиёфага кирди.

— Мана, кечқурунги айбимизни ювдик, Аслан, — Нилуфар пешбандни ечиб, сочбогини олди, бошини орқага ташлаб, сарак-сарак қилувди, қўнғир сочлари елкалари узра ёйилди. — Қачон келишмоқчи экан?

— Соат тўртда деди, чамамда.

— Ие, бешдан утибди-ку, мен ҳозир келаман.

Нилуфар сумкасини билагига илди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди. Ҳеч нарсага тушунмадим. Нима қилишимни билмай, полни авайлабгина босиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Хона борган сари кўзимга файзли кўринар, бундан бир-икки соат илгариги қўланса, бурунни қичиштирадиган аччиқ ва тахир ҳидлар ўрнини бокира қизлар вужудидангина таралиб турадиган, дилни эркаловчи, қалб қаърида чўкиб ётган лоқайд ҳис-туйгуларни жунбишга келтирувчи хушбўй ҳидлар эгаллаганди. Аёл зоти нақадар буюк қудрат соҳиби-я! Унинг қадами етган жойда, нозик ва сеҳргар бармоқлари теккан нарсада гўзаллик ва эзгулик ўз муҳрини қолдирмай иложи йўқ ва бу муҳр узоқ вақтгача, уни ҳис қилган, қадрига ета билганлар учун завол билмай яшайди.

Эшик очилганда мен ана шу фикрларни хаёлимдан ўтказардим. Нусрат хонага олазараклик билан кўз югуртириб остонада туриб қолди. Уларнинг истиқболига юрдим. Шу аснода зинадан ҳансираб чиқиб келишадиган Дўлтавой бува билан Сожида хола кўринди.

— Ия, Аслонбой шедакан-у, — Дўлтавой бува қўлидаги сандиқдай келадиган жигарранг сумкани ерга қўйиб, қучоғини очди. Кўриша туриб галати аҳволга тушдим. Кўзимга отам кўриниб кетди. Сожида хола икки қўли билан бошимни эгиб, пешанамдан ўпаётганда эса ўпкам тўлиб, йиглаб юбораёдим. Улар билан гўё отам-онам, ака-сингилларим қийёфаси, қишлоғимиз нафаси, ялпизлару райҳонлар иси кириб келгандай эди.

Меҳмонлар Нусратнинг каравотига, биз курсиларга ўтирдик. Дўлтавой бува кафтларини ёзди:

— Илоҳо омин, ҳар ким ниятига етсин, мартабанлар улуг бўлсин.

Кейин улар мендан ҳол-аҳвол сураётган кетишди.

— Хуш, Аслонбой, ўқишлар яхшими?

— Тан-жанингиз сағқина юрипсизми, болам?

— Раҳмат, раҳмат. Бизникидагилар ҳам эсон-омонми?

— Ҳаммаси тинч, кўпдан-кўп дуо дейишди. Ўтган куни Азмиддинди кўрувдим, бозорга редиска обкета-ятканакан. Кейинроқ бориб қоларман, деди.

— Уларам сиззи ташвишингизда юрипти-да, болам. Боргунимизча, деб мева-чева беворишди.

— Ҳа, қаярда бўлсангларам бошинглар омон бўсин ишқилиб. Нусратбек, сумкани оч.

Мен чой қўйиш учун сирли тунука чойнакни олиб, ташқари чиқдим. Орқамдан Нусрат чопиб борди.

— Лилия кетдими? Нима деб айтдинг?

— Ҳозир келаман, деб чиқувди. Ростини гапир-ишга тўғри келди.

— Тоза бошлабсан-у. Келиб қолса нима қиламиз? Булар иш бўпти. Энди гап бундай: мен уни отамларга сенинг курсдошинг деб таништираман.

— Нилуфарнинг кўнглига келмайдими?

— Унгаям шипшитиб қуямиз.

— Узинг биласан.

Майли дейишга дедим-у, кейин уйланиб қолдим. Ахир Нусратнинг ота-онаси менинг туғримда ёмон фикрга бориб, бизникидагиларга гуллаб қўйишсачи? Лекин начора? Кейин тушунтирамиз. Ҳозирча таъблари тирриқ бўлиб кетишмасин.

Қайтиб кирсам столнинг усти сутга қорилган тандир нони, яхна гўшт, тухум, шисаларда куйдирилган сарёғ, ёнгоқ, қуртопларга тулиб кетибди.

Энди «олинг, олинг» қилиб тургандик, эшик оҳиста, қия очилиб, остонада Нилуфар кўринди. Қулида бир даста гул бор эди. Ҳаммамиз унга қарадик. Мен беихтиёр ўрнимдан туриб кетибман.

— Кираверинг, Нилуфар. Мана меҳмонларам келишди.

Нилуфар секин-секин юриб, бизга яқинлашди. Юзлари қизарган, ийманарди.

— Ассалому алайкум.

Нусрат худди сири фoш бўлиб қолишдан чўчигандай шоша-пиша уни оталарига бояги келишувимиз бўйича таништирди. Нилуфар ялт этиб менга қаради. Кейин бўшашибгина гулни менга узатиб, ёнимдаги курсига омонатгина ўрнашди.

— Яхши этиб келдингларми? Қийналмадингларми?

— Ҳа, йўқ, қизим, Нусратжон чиқиб турганакан. Шаҳарниям сал-пал айландик. Узингиз тинч юрибсизми, ўқишларман чарчамай?..

Дултавой бува Сожида холанинг гапларини тасдиқлагандай бошини ликиллатарди. Нилуфар паст товушда жавоб қайтарарди. Бу шаддод қизнинг бир-

данига шу даражада мулойимлашиб, майинлашиб қолгани мени таажжубга солар, айна вақтда, ўзини бундай тутиши назаримда унинг фазилатларини яна ҳам ошираётгандай эди.

У ёқ-бу ёқдан гаплашиб чой ичдик. Нусрат Нилуфарга қарамасликка тиришар, ҳадеб қишлоқдаги янгиликлар, қариндош-уруғлари ҳақида суриштирар, Нилуфар бўлса тиззаларига кафтларини қўйганча сукут сақлар, ўзини ноқулай сезарди. Сожида холанинг мевалардан олиб ўтиришга қисташи, қайта-қайта ҳол-аҳвол сурашларигина унинг жонига оро кирарди. Секин-аста тетиклашиб, давра руҳига мослаша бошлади.

Қишлоқдан девзира олиб келишган экан, Нилуфар иккимиз палов пиширишга киришдик. Нусратдан хафа бўлмаслигини, вақтинча шундай йул тутишни маъқул курганлигимизни айтдим. Ҳар қалай, Нусрат кечирим сураганида, тушундим, деб унинг кунглини тинчитди.

— Ишқилиб улар сизни менга бичиб кетишмаса бўлгани, тўғри бориб отамларга айтишса... — Нилуфар билан ҳазиллашмоқчи бўлдим. Бироқ бу гал ҳам хол қўйишимга сал қолганди. У капгирни ҳавога кутарганча, менга тикилди.

— Сиз ҳам қўрқяпсизми?

— Қўрқсам бўйнимга олармидим.

Нилуфарнинг юзидаги нохуш ифода, кўзларидаги истеҳзоли маъно ёрқинроқ, мамнуниятдан дарак берувчи белги билан алмашинди.

Ош устида, кейин ҳам Нилуфар иккимиз курсдошлар ролини ўйнаб ўтирдик. У ўзини Нусрат билан шунчаки, мен орқали танишдек тутишга уринар, Нусрат эса иш ўйлаганидек кетаётганидан хурсанд эди.

Соат ўн яримларда Нилуфар қайтишга чоғланди. Мен меҳмонлардан узр сурадим-да, ҳозир келаман, деб Нилуфарни кузатиб чиқдим. Нилуфар бироз ай-

ланишни таклиф қилиб қолди. Бинолар оралаб кетдик. Транспорт ҳаракати камайган булса ҳам, у ер-бу ердан қаҳқаҳа, хиргойи эшитилар, онда-сонда жуфт-жуфт булиб юрган йигит-қизлар учраб турарди. Баҳор осмони чароғон юлдузлар билан тула, салқин шабада эсар, акас баргларининг бир-бирига урилиб, майин шитирлаши куйдай ёқимли эди. Нилуфарнинг кайфияти мен уйлагандан созроқ эди. Нусрат ҳақида гап очишини кутардим, лекин у бу ҳақда лом-мим демас, шундай кечада сайр қилишнинг гашти, бу гаштнинг инсон саломатлиги ва руҳига ижобий таъсири ҳақида сўзлаб борарди. Бир пайт унинг енгил титраганини сезиб қолдим. Дарҳол костюмимни ечиб, елкасига тутдим. У қаршилиқ кўрсата бошлади:

— Йўқ, йўқ, ўзингиз-чи?

— Йигит кишига ҳеч нарса қилмайди. Қизлар — гўзаллик демак. Гўзаллик нафис ва нозик булади. Уни авайлаш бизнинг бурчимиз.

Нилуфарнинг ёруғ юлдуз акси тушиб турган кўзларида бир нур ярқ этиб кетгандай бўлди. У костюм билан маҳкам ўранди.

Қоровул кампир иккимизнинг ҳам таъбимизни тирриқ қилди. У эшикни очмади, деразадан гупчакдай билагида пашшадай бўлиб турган соатини кўрсатиб, жаврай кетди:

— Ун бир бўлгани қачон эди... қаерда юрган булсанг, уша ерга боравер. Кеча майли дедим. Яна соллани-иб келишингни қара. Сени тузук қиз деб юардим...

Нилуфар йиғлаб юбормаслик учун пастки лабини тишлаб, ерга қараб олганди. Мен илтимос қилувдим, кампир баттар тутақди:

— Қоидани ҳаммангиз биласиз-ку, қош-кузига термилиб ўтиравермай, вақтида олиб келиб қўйиш керак!

Нилуфарнинг билагидан тутдим.

— Юринг, кетдик.

У қаёққа деб сұрамади. Ұзим ҳам қайга етаклаётганимни билмасдим. Лекин ұз хонамдан бошқа олиб борадиган жойим ҳам йуқ эди.

Оқиста, сүзсиз юриб ётоқхонага яқинлашганимизда иккимиз ҳам беихтиёр тухтадик.

— Мени кечиринг...

Нилуфарнинг овози ўкинчли ва аламли эшитилди.

— Зарари йуқ, бир амаллаймиз. Бари бир кечаси билан юриб чиқишнинг иложи йуқ. Менга ишонсангиз бас.

Хонага кирдик.

— Мана, сиз бемалол дам олаверинг. Мен таниш болаларникига чиқиб ётаман.

Нилуфар шоша-пиша қўлимга ёпишди.

— Йуқ, йуқ, бир ўзим қўрқаман! Ахир менга ишонинг дедингиз-ку!

— Майли, булмаса мен китоб ўқиб ўтираман.

Чойшабни алмаштириб ўринни ростлаб бергач, дераза рахига қадаб қўйилган стол ёнидаги стулга астойдил ўрнашиб олдим. Тунги чироқни ёқдим-да, Тургеневнинг «Арафа» сини варақлай бошладим. Нилуфар бир оз иккиланиб тургач, ўринга кириб, чойшаб билан ўранди. Мен уйқуни қочирриш ва хонанинг ҳавосини янгилаш учун деразани қиялатиб, каравот томон кўз югуртирдим. Нилуфар мен тарафга қараб ётар, кўзларида меҳрга ухшаш алланима жилвалаларди. Гир-гир эсиб кирган шабада унинг болиш атрофига ёйилган паришон сочларини ҳилпиратиб юзларига ура бошлади. Нилуфар соч толаларини қайириб, қулоғи орқасига қистирди. Бироқ, шамол яхши эрмак топгандай унинг зулфини ўз ҳолига қўймасди.

— Деразани ёпайми?

— Йуқ, менга хуш ёқяпти.

Уқишга тутиндим. Бир оздан кейин каравот гичирлади. «Девор томонга угирилиб олди»,— уйладим. Узимни китобдан бош кутармасликка ундаб, уқишда давом этдим. Ярим соатлар чамаси утгач, яна гичирлаш эшитилди. «Ухлаёлмаяпти шекилли» — хаёлимдан утди ва бошимни бурмай кўз қиримни ташладим. У ҳамон уйгоқ эди. «Ё хижолат бўляпти ё чироқ халақит беряпти».

— Ёругда ухлашга ўрганмаганмисиз дейман, Нилуфар?

— Сиз бунақа азоб чекиб утирсангиз, мен қандай ухлайман.

— Бир кеча минг кеча эмас. Имтиҳон пайтларида тонготар қилиб юборамиз-ку.

— Лекин ҳозир имтиҳон пайти эмас-да.

Миямга «бу қандай имтиҳондан кам» деган фикр лоп этиб келди-ю, индамадим. Нилуфар давом этди:

— Ҳар ҳолда эрталабгача ўтириб чиқолмайсиз. Менга ҳам татимайди. Яхшиси каравотга кела қолинг. Мен сурилиб оламан.

Қулоқларимга ишонмадим! Наҳотки... Ахир... қандай қилиб!.. Нусратнинг олдида нима деган одам бўламан! Лекин... лекин виждоним пок-ку. Йуқ деса, Нилуфар энди изза бўлади...

Нилуфар девор томонга угирилиб, жой бушатиб қўйган эди. Иккилана-иккилана бу томонга қараб каравотнинг қиргогига омонатгина ёнбошладим. Юрагим гупиллаб урарди. Узимни чўгдан эҳтиёт қилгандай анчагача қимир этмай ётдим. Бўлмади. Нусратнинг ота-онаси олдига қайтиб бормаганим, устига-устак ҳозирги ҳолатимни тарозига солиб ётган эдим, юмшоқ соч толалари бўйнимни қитиқлагандай туюлди. Худди шу пайт шабада қандайдир ёқимли ҳинд куйини олиб кела бошлади. «Эҳ, талабалар,

ярим кечадаям тинчишмайди-я...» Диққат билан қулоқ тутдим. Сокин тун чокини сўкиб янграётган куй «Сангам» фильмидаги «Дусти-дуст...» қушигининг ҳазин ва нолакор оҳанги эди.

Кўнглимга «Нилуфарга далда бериш керак» деган фикр келди.

— Нилуфар, менимча Нусратдан хафа бўлишингиз уринсиз.

Сезиб турибман: у угирилмасдан, бошини шифтга бурди.

— Дўстингизга ачиняпсизми?

— Ҳар ҳолда у сизни...

— Шунақа денг, — гапимни булди Нилуфар, унинг овози титраб чиқа бошлаганди, — маслаҳатингиз учун раҳмат.

Шундан кейин Нилуфар тинчиб қолди. Негадир кўнглим хижил бўлди. Яна нимадир дейиш керак, деб уйладим-у, аммо миямга бирон жўяли гап келмади. Ҳар қалай бу аҳволда ухлай олмаслигимга кўзим етиб, туриб кетдим. Чироқни учирдим-да, стулга ўрнашиб ўтирдим, қўлларимни болиш қилиб, столга бош қўйдим.

Жунжикиб уйгондим. Пешонам қулимга, қулим столга ёпишиб қолгандай аранг ажралди. Билакларимга тарам-тарам чизиқлар муҳрланиб қолганди. Бармоқларим увушиб, ҳаракатга келмас, баданим эса совуқдан қалтирарди.

Каравотга қарадим. Ўрин кечаги Нусратнинг каравотидай саришта, тумор шаклидаги болиш остига учи қистирилган бир варақ қоғозни шамол учириб ўйнарди. Шоша-пиша олиб ўқидим. Унда қуйидаги сўзлар ёзилганди:

«Кеча оқшом қоровул хотин ётоқхонага қўймай, маломат тошларини ёғдираётган вақтда мен аламимдан йиғлашим керак эди. Лекин, нимагадир бундай бўлмади. Аксинча, ёнимда ҳимоячим, дўстим бор-

ку, деб, янги, сирли олам ичра қушдай енгил парвоз қилаётган эдим. Назаримда баланд қоялару тубсиз жарликлар, жазирамаю музликлар ҳам писанд эмасдай... Ўзимни қанот нималигини эндигина англаб, чинакам, дадил парвозга шай бўлган полапондай ҳис қила бошлагандим. Нега шундай бўлаётганини уша лаҳзада ўзим ҳам тушуниб етмовдим. Сиз ухлаб қолдингиз... Мен уйқум келмай, ўйлайвердим, ўйлайвердим. Сиз мулойим ва жуда ёқимли нафас олардингиз. Қўлларингизнинг юзингизга ботиб кетганини ҳам сезмай ухлардингиз. Деразадан кирётган шабада жингалак сочларингизни беозоргина тўзгитарди. Мен сизга қараб ётиб, ҳамон ўйлардим. Бир пайт, бирданига уша қоп-қора, чиройли сочларингизни силагим, бармоқларим билан тараб ўйнагим келиб кетди-ю, чўчиб тушдим. Ўзимдан, тентакларча истагимдан хафа бўлдим. Ахир мен кечагина, йуқ, йуқ, ҳалигина бошқа бировни... қанақа одамман ўзи? Ахир... сиз ҳам буни истамайсизку... тўғримасми?.. Йуқ, менинг устимдан кулишлариниям, иккинчи марта янглишишниям (илтимос кўнглингизга олманг) истамайман. Сиздан миннатдорман. Раҳмат. Хайр.»

(Нилуфар хатга имзо ҳам қўймаган эди.)

ЧИМИЛДИҚДА БЕРИЛГАН СЎЗ

Байрам яқинлашган сари Ойсара эрини қисдиқафасга ола бошлади.

— Бу савил пахтадан ҳеч ошинасизми?

Иномиддин хотинига ўқрайди.

— «Савил»лама! Мен ўзимни «сен»лаб, пахтани «сиз»лайман! Биласанми шуни?!

— Биламан, пахта сизга менданам, бола-чақангизданам азиз.

— Ҳа, азиз! Нима дейсан? Тугри гапиравер-да, дардингни, пахтага тил теккизмай. — Иномиддин асаб торини сал бушатди.

— Тирмизакларингиз оғзимни очирмай қуйишди. Карим аканинг ўғиллари байрамлик кийимларини кўз-кўзлаб чиқишгандан бери менга кун йўқ. Фақат менга айтишади арз-додини!

— Бола деган энасига эркалайди-да!

— Кечаси кетиб, кечаси келсангиз, шўрликлар сизни кўришмаса, қандай ҳам айтишсин сизга!.. Ё ўзим борайми бозорга, лапанглаб... — Ойсара қорнига ишора қилди.

Иномиддин беихтиёр хотинининг юзига қаради. Ойсаранинг кўз остлари, баҳор офтоби қорайтган яноқларида сачраган ёғни эслатувчи файзли доғлар қуюқлашгандек кўринди.

— Шуми бор гапинг?

— Шу!..

Иномиддин уйланиб қолди. Ойсара ҳақ эди. Унинг миясидан: шу деганига байрамда ҳаммасини шаҳарга олиб бориб уйнатиб келсам, Ойсаранинг оғзини ёпсам... деган ўй лип этиб ўтди-ю, дарров бу фикридан қайтди. Байрам куни шийпонда катта ош дамлаш режалаштирилган. Ҳамма далада бўлса-ю, бригадир бекорчи хўжалардай шаҳарда хотин-болаларининг қўлидан етаклаб, морожний еб, байрам-томоша қилиб юрса... Э, чучварани хом санабди, сираям рисолага тугри келмайди. Демак, арафа куни — бозор, туман марказига тушиб ўғил-қизларга уст-бош олиш кераг-у, байрамга Ойсаранинг ўзини болалар билан жўнатишдан бошқа чора йўқ, эҳтиёт бўласан, деб тайинлайди-да... Бозор баҳонасида ўзи соч-соқолини яхшилаб олдиради, вақт етса, бир ҳаммом қилади... Раисдан рухсат сўрасамикин? Ярим кунгаям-а? Кайфи чоғ пайтини, оғзини пойлаш керак. «Майли», десаю ҳувала хўп, «йўқ», деса, хоти-

нининг олдида нима деган одам бўлади. Ер чизиб, «раисим жавоб бермади, кечир...» дейдими... Яхши-си, табелчисини огоҳлантириб қўяди-ю, кетаверади. Бир кун-ярим кунга осмон узилиб, ерга тушмас...

Уша куни жамоа хужалиги мажлисидан кеч қайтди. Шунга қарамай, Ойсара билан алламаҳал-гача маслаҳатлашиб ётди: болаларидан қайсинисига нима кераклигини хотини яхши билади. Иномид-дин барвақт жунайдиган бўлди.

— Ишқилиб ҳаво айнимасин-да, — деди у дера-задан осмонга назар ташлаб. — Бир-иккита лахтак булут айланиб юрибди.

— Э, ҳар кунги булут-да, — энсаси қотган Ойсара нариги ёнбошига ағдарилди. — Ўз йўлингизни ўзин-гиз тўсманг. Дадам раҳматлини билардингиз-ку, ик-киланиб, мижговланишни ёмон кўрарди.

— Ҳа, бупти! — деди ори келган Иномиддин да-гал овозда. У ҳам хотинига тескари ўгирилиб ётди.

Тонгга яқин қасир-қусур овоз икковини ҳам уй-готиб юборди. Шамол аралаш кучли ёмғир ёғар, дераза рўпарасидаги гўраси ўрик данагидек бўлиб қолган луччак шафтолининг шигил мевали шохлари ер бағирлаб гичирлар, тарновдан камида бир қувур сув шариллаб тушар эди.

Ойсара ўрнидан шитоб турди, пол қисирлаб кет-ди. У совуқ ёмғир томчилари сачраб кириб турган дераза форточкасини қарс этказиб ёпди.

— Мана, ниятингизга етдингиз!

Ичини ит таталаб, ўтирган жойида апил-тапил кийинаётган Иномиддин хотинига ўдагайлади:

— Нима, мен ёмғир ёгсин дедимми, а, ёгсин де-димми?!

— Ўшқирманг, болаларни уйготасиз, — деди Ой-сара паст, аммо зардали товушда, қайтиб кўрпага кираркан. — Боринг, гўзангиздан хабар олинг, ивиб кетгандир.

Иномиддин хотинининг тепасига бостириб келди.

— Бораман!

— Борасиз-да, бормай иложингиз қанча! — кесатди хотини. — Ҳзи шуниси етмай турувди. Ярим кечада келиб, бола-чақангизни бесаранжом қилиб юрмай, уша ёқда гўзаларингизни қучоқлаб ётаверинг бундан кўра...

— Ётаман ҳам!

Иномиддин узини босди, ҳозир хотини билан ади-бади айтишиб ўтирадиган вақт эмас, бормаса бўлмайди. Елкасига илиб олган пахталигини йўл-йўлакай кийди-да, бостирмадан кетмонни олиб (ҳар эҳтимолга қарши), кўчага чиқди. Пахталигининг энги билан юзини ёмғирдан пана қилганча тўп-тўғри ўзи ҳадиксираган жойга, жардаги беш гектарли картага қараб югурди. Тонг ёришиб қолган, ёмғир борган сари авжига чиқаётган эди. Иномиддин этиги тагидан палахса-палахса лой кўчиб, алпанг-талпанг чопар, йўл-йўлакай гўлдираб сувчиларни койир эди.

— Ярамаслар! Ҳаммаёқ вайрон бўляпти-ю, улар биқсиб ётишади, инсофсизлар, ўлиб кетганинг билан биттасининг иши йўқ.

Иномиддиннинг тахмини тўғри чиқди. Картага сув очиладиган тўғон яхши бўғилмаган экан, ёмғир тошириб юборган сув уни аллақачон упириб кетибди, пайкалнинг кўп қисмини сув босибди. Яхшиям кетмон олгани, панжалари билан ер таталаб, роса томоша бўларкан. Иномиддин этигини ҳам ечмай ишга тушди. Жон ҳолатда уч-тўртта чим кўчириб тўғонга босди, лекин қор қилмади, кейин қўлига, кетмонга илинган тошми, кесакми — келтириб тўғонга ташлайверди. Селга, тошқинга бас келиш осонми! Сув борган сари кўпаяр, у бостирган чимларни суриб, ташлаган кесакларни ювиб, оқизиб кетар, Иномиддин эса, чўкаётган одам хасга ёпишгандай, тагин тошу кесакка югурар эди. Сел селлигини қилди,

барибир иш чиқмади. Сув худди учакишаётгандай шиддатини тобора оширар, шишиб, Иномиддин куйиб-пишиб, минг азобда бугган тўгон устидан тошиб, ёнидан, орасидан сизиб утар, гирдоб ясаб илондай буралиб-буралиб банд остидан ўзига йўл очар, кейин бугун кучини жамлаб тўгонга ҳужум бошлар эди. Омонат тўгон, аввалига секин-аста кўтарилиб, айили бўшаган отнинг эгар-жабдугидай орқага оға бошлады, шу тахлит сувнинг ҳаммасига бир неча муддат қаршилиқ кўрсатиб турди-да, охири ожизлик қилиб ағдалириб тушди, сув эса аждаҳодай пишқириб, ҳажмига ярашмаган катта шовқин билан оқишда, оқишда давом этди.

Тириклик — сув билан. Иномиддин ҳам сувсиз бир мисқол пахта етиштириб кўрсин-чи! Ут-уланларнинг жизганаги чиқиб, жониворларнинг тили осилиб қолган саратонда бир қултум сув тўтиё бўлиб кетади! Лекин ҳозир... Иномиддин беихтиёр «Падарига лаънат!» деб юборди. Бироқ кимнинг, ниманинг падарига лаънат — сувнингми, бригадирликнингми ё бригадирнингми? Иномиддин ҳозир буни ўйлаб, мулоҳаза қилиб ўтирадиган алфозда эмас эди! Ҳатто, биров дабдурустдан «Нима дединг?» деб сўраса, жавоб беролмаслиги турган гап эди. У ҳозир фақат сувни, ўжар, ваҳший сувни, кўпириб, пишқириб, унинг устидан қаҳқаҳа уриб оқаётган мана шу бир қулоқ сувни ўйлар эди. Қандай бўлмасин уни жиловлаши керак! Ҳозир обиҳаёт эмас, офат бу! Бир пайкал гуза нобуд бўлса, кузда қанча пахта бой берилади. Йўқ! Бир иложини топиш керак. У ўлжаси устидаги қушдай атрофга олазарак кўз югуртирди. Кузи ям-яшил, нафис барглари ёмгирда ювилиб яшнаётган, осмону фалакдан шовуллаб қуйилаётган биллур томчилар зарбидан ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлаётган тут новдаларига тушди. Шапалоқдай-шапалоқдай япроқларнинг ҳар бири кўзига биттадан

пилла булиб кўринди. Бироқ ҳозир буни истиҳола қиладиган маврид эмас эди. Иномиддин ингичкароқ, нимжонроқ новдаларни кучининг борича силтаб тортиб, йўгон, бақувват новдаларнинг шохчаларини бутаб-синдириб, кетмон билан чопиб ола бошлади. Тутнинг йўгонроқ бир айри шохига зарб билан солиб, уни кўчириб олди. Кафтлари қизариб, ўти чиқиб кетди, бармоқларининг сидирилган, тилинган жойларидан қон сизди, лекин Иномиддин сезмасди. Бир қучоқ шох-шаббани кўтариб бориб тўгонга босди. Сувнинг дами кесилиб, шашти қайтди. Иномиддин энгил нафас олди, сувга тушган мушукдай шалвираб, нам марзага ўтирди. Ёмгир тинган, бироқ сув ҳамон ариқни тўлдириб оқарди. Иномиддин этигининг қўнжлари сувга тўлганини, тирноқларининг таги ачишиб, куяётганини энди пайқайди. Пахталиги ивиб кетган, кўйлак-шими оғирлашиб, баданига чиппа ёпишиб қолган, аъзойи баданидан лов-лов ўт чиқар эди. Юз-кузидан оққан ёмгир томчиларини қўлининг орқаси билан сидириб ташлади, то ҳансираши пасайиб, ўзига келгунча ҳўл марзада ўтирди. Аввал ўнг, кейин чап оёғидаги этигини ечиб, қўнжидаги сувни тўкди. Шалаббо булиб кетган пайтаваларини қайта ўрагиси келмади, этигини қўлантаёқ кийиб, ўрнидан турди. Ариқ ичидан боя сув суриб, оқизиб кетган чимларни топиб, пайтаваларига ўради-да, уларни ҳалиги шох-шабба устига олиб бориб бостирди. Сув тўгонни уриб кетмаслигига ишонч ҳосил қилгандан кейин картанинг этак томонига қараб юрди. Сув чиқиб кетадиган пайновларни ўйиб кенгайтди. Пайкалда қалқиб турган ҳалқоб катта-кичик кўпикчалар ҳосил қилиб равон оқа бошлади. Лекин булар иш бўлган — сув пайкалнинг тенг ярмини босиб улгурган, қатқалоқ бўлиши аниқ эди.

Осмон ёришиб, булут тарқай бошлаганда, карта бошида одам қораси кўринди. Ҳовлиққанча сувчи Те-

мир ака етиб келди, кейин бирин-кетин бошқалар... Иномиддин индамади, унинг гапиришга, одамларни койишга ҳоли қолмаган эди, фақат келганларга ярим чақирим наридаги Тақачи тепалигидан тупроқ ташиб эгатларга бир сидра тукиб чиқишни тайинладида, кийимларини алмаштириш учун уйига қайтди.

Йулда хотини билан тонгда бўлган можарони эслаб, кўнгли баттар хижил тортди. Аёл зоти галатида, бу ёқда нима бўляпти-ю, мингир-мингир... яхши-яхши кийиш, катта-катта ейиш, ўйнаб-кулишдан бўлак дарди йўқ. Хўжалик ишчисига байрам қилиб шаҳарга боришни ким қўйибди?!

Иномиддин ҳовлига юраги увишиб кириб келди. Айвон пешхорисига тутшиб, ундан томга чиқиб кетган узум сўртаги остидаги қўлбола чорпояга солиб қўйилган яшил, сийдам лас тўшакни қайириб, омонатгина ўтирди. Айвонда хотини кўринмасди. Ойсаранинг чинакамига аразлаганига амин бўлди. Ҳар куни шу вақтда Иномиддин келадими-йўқми, бир пиёла чой ичадими-ичмайдими, чорпоядаги лас тўшак устидан қизил барқут кўрпача тўшалган, нонушта дастурхони тузалиб, усти ёпиб қўйилган булар эди. Айвондаги ўчоқда эса қозон қайнаб ётарди. Ҳозир ўчоқда қозон йўқ. Қўмгон атрофига уюлиб қолган кулга қараганда сув қайнайвериб камайиб кетган.

Болаларнинг ҳам овози келмасди. Иномиддин шоша-пиша уйларни қараб чиқди: ҳеч ким йўқ. «Қаёққа гумдон бўлишдийкин? Ҳаммаёқ очиқ-сочиқ...» Унг биқинидаги гувала девордан қўшниникига мўралади — йўқ, чап томонга югурди. Ойсара қўшнисини Муборак билан чорпояда гаплашиб ўтирар, қизи Гулсара, ўгли Ислом Муборакнинг болалари билан тарвақайлаган оқ ўрик тагида уймаллашиб юришарди. Иномиддиннинг кўнгли таскин топди. Уйга кириб наридан-бери кийинди-да, изига қайтди. Йулда ўзига тасалли бериб борди. Ҳар қалай

катта талафот кўрилмади. Бор-йўги икки гектардан ошиқроқ ер. Энг муҳими, гўзалар омон-эсон. Тупроқ сепиб юборилса, қатқалоқнинг бирмунча олди олинади. Тушдан кейин бўлса ҳам лип этиб туманга бориб келиш шарт. Эртага ҳамманинг бола-чақаси янги энгил кийиб кўчага чиқса-ю, унинг болалари эплама қилиб туришса... хунук-да. Жуда зур келса, ўзи қолиб, хотинини болалари билан жунатар. Ахир, уям дунёга ўйнаб-куламан деб келган... Болалар ҳам бир оёқларининг чигилини ёзиб келишади-да... Ойсара-ку... мана, бир ёстиққа бош қўйганларига саккизинчи йил кетяпти, икки марта, нари борса уч марта шаҳарга тушди. Шунда ҳам сабаб билан, бир сафар укаси ҳарбийга кетаётганда, яна бир сафар — қандайдир иш чиқиб... Қисқаси, ўзича ўйнагани эмас...

Иномиддин чумолидай у ёқдан-бу ёққа қатнаётган одамларни узоқдан кўриб, қадамини тезлатди. Сув босган ернинг ярми қаймоқранг касб эта бошлаган, адирнинг саргимтир илиқ тупроғи эгатлардаги ортиқча намни шимиган сари қатқалоқ бўлиш эҳтимоли бор ялтироқ майдон торайиб, кичрайиб борарди.

Иномиддин ичида бригада аъзоларидан гурурланиб, пайти келганда уларни тақдирлашни кўнглининг бир четига тугиб қўйди. Бироқ Темир аканинг нохуш хабари юрагига гулгула солди: раис келибди. «Учинчи бригададан ҳам хабар олиб қайтаман, келиши билан идорага етиб борсин», деб кетибди. Оббо, буёғи қандай бўлди энди?

— Ишқилиб, уйга кетганимни билдими раис? — безовталаниб сўради у Темир акадан.

— Ҳа, айтдик. Аммо назаримда ишонқирамади-ёв. Бозорга бораман, деганакансанми... — Темир ака икки қўлини белбогининг тўни пешлари бар урилган жойига тиқиб, тумшуги оқариб титила бошлаган кир-

за этигининг учи билан лой ерда ётган аллақандай оқишак бир майда тошчани тепиб-думалатиб уйнар, бригадирнинг юзига қарамасликка ҳаракат қилар эди.

Иномиддин кўзларидан олов чақнаб, худди айбдор Темир акадай унга гезариб тикилди.

— Ким айтибди?

— Бунисидан хабарим йўқ. Боравер-чи, бир нарса деса, биз турибмиз-ку. Бердисини айтгунча уриб ўлдирмас...

Раис тутаб турган эканми, Иномиддинни кўриши билан алангаланиб кетди.

— Юришавер ҳамманг шаҳарма-шаҳар, бозорма-бозор — хўжалик бедарвоза! Пахтани менга экиб беришасан! Мен гурымга кутариб кетаман! Болиш қилиб ётаман! Эчкига жон қайғи, қассобга ёғми?! Бу ёқда гўзани сув босиб, хонавайрон булиб кетсин-у... Сенлар!.. Ҳозирги бир соатни галвир кутаришда минг юмалаб ҳам тополмайсан! Ҳа?! Ўзингни оқламоқчимисан? Оқла! Айбни ҳавога, табиатга ағдар!.. Лекин шуни анави иккала делдайган қулоғинг билан эшитиб қуй: кузда ҳеч ким менданам, сенданам: қанча гўзангни сел олувди деб бир огиз сўрамайди, ҳа сўрамайди! Имонинг комил бўлсин!..

Иномиддин ўзини оқлаб утиришдан фойда йўқлигини ҳис қилди. Қошки бу аввал сабабини сўраб-билиб, кейин сўкадиган раҳбарлардан бўлса... Ҳозир бориб, шалаббо булиб кетган уст-бошини олиб келиб кўрсатса ҳам шаштидан тушмайди. Иномиддин итоатгўй боладай бўйнини қисиб тураверди.

Охири бир қават пўст ташлаб кучага чиқди. Кетатуриб, йўл-йўлакай ўзига алам қилди: ландавур... ҳатто қурбақаниям боссанг «вақ» этади. Ноҳақдан ноҳақ отасидан ҳам эшитмаган ҳақоратни эшитди. Сийлаганни сигир билмас... бундай одамни иккинчи учратиши. Институтда ҳам биттаси бор. Тўқсон

минутни олди-қочди гап билан ўтказди-ю, бирон-та талаба икки дақиқа кечикиб қолса, сабабини суриштириб утирмайди — огзидан боди кириб, шоди чиқади... тагин у зиёли эмиш. Садқаи ном кет-э...

Хотини тўғри айтади: латта. Тавба, тили қисик жойи бормидики... Нимага қайириб ташламади? Қўрқдими? Нимадан? Раис булса — ўзига. Нима ҳақи бор сукишга? Унда бор тил бошқада йўқми? Келиб-келиб бригадирлик ҳам мансаб булдию!

Бирданига ҳамма нарсадан, биринчи галда бригадирликдан кўнгли совигандай булди. Нима, шусиз кун ўтмай қоладими! Ҳовлини ўт босиб ётибди. Яхшироқ қараса, томорқанинг ўзидан бригадирликдан келадиган бир йиллик даромадини топиши мумкин. Бригадирлик қиламан деб ҳаловатидан кечса, бировни сўкса, бировдан сукиш эшитса. На ётишда, на туришда бир ҳузур булса... Эрталабдан итдай сакиллагани-сакиллаган. Вақти келганда битта мотоциклга арзитишмайди... Отасининг куйинганича бор: қаёқдаги ўқимаган аравакашлар (отаси шофёрларни шундай деб атайти) дангиллама уй солиб, «Волга» миниб юрибди. Бригадирман деб одамгарчиликдан ҳам чиқди — улфатларига қўшилолмаса... Бу ишнинг вақт-соати, шанба-якшанбаси булмаса...

Иномиддин чорраҳада бир лаҳза иккиланиб тухтаб қолди. Уйига борсами, далагами?... Беихтиёр қул силтади. Иш чаппасига кетганига яраша хотинининг кўнглини олиши керак. Минг қилсаям — жуфти ҳалол: иссигини ҳам, совуғини ҳам кўтарадиган — уша бечора. Яхши гапирса муросага келаверади...

Иномиддин қадамини тезлатди...

Ойсара муштира тупуриб ўтирган эканми, ё қўшниси гиж-гижлаганми, ҳар қалай, совуқ қарши олди. Эрталабдан бери қўрсиз ўчоқда туриб тови чиққан бир чойнак чойни дўқ эткизиб қўйиб, лом-

мим демай уйга кириб кетди. Куча эшикдан кириб келган қизи дадалаб буйнига осилган эди, ичкаридан бақирди:

— Ёпишма, нимасига ёпишасан уша одамди? Кошки сенларни бирор марта эсласа...

Гулсара онасининг таънаси мазмунини тушунмас, бинобарин, унга парво қилмас эди.

— Дада, Бахти, Оташлар-чи, эттага-чи, байрамга боришадийкан, биззиям оборасиз-а?..

Иномиддиндан аввал Ойсара жавоб берди:

— Ҳа, жа отангни кўзи учиб турибди, сенларни ўйнатиб келишга! Хўжалик самолёт берармиш, ушанда оборади, янги кийимларингни кийиб, тайёрланиб тур!

Ойсара эрининг раис тили билан тирнаб жароҳатлаган жойларига туз сепар эди. Иномиддин чидаб туролмади. Гулсарани тиззасидан тушириб, ҳезланиб айвонга чиқди. Бир оёгини остонага қўйиб, белидан юқорисини ичкарига суқди. Бармоқлари муштга айланганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Мақсадингни айт!

Ичкаридан садо бўлмади. Иномиддин лой этиги билан уйга бостириб кирди. Ойсара йиртиқ-ямоқларни тикиб утирарди. Тишида ип, эрининг бир-бирига ёпишиб пирпираётган лабларини кўриб довдиради, ранги бўзарди.

— Сенга гапиряпман!

Ойсара қатимни тишида «чирт» этказиб уздида, олдидаги кийим-кечакларни ёнбошига иргитиб, гужанак бўлиб олди. Энди у ҳаммасига тайёр эди, майли, урса ура қолсин, калтакдан қўрқиб муте бўлиб ўтираверадими!

— Гапир!

— Сенламанг! Чимилдиқда сўз бергансиз.

Иномиддин пешонасини эшик кесакисига уриб олгандай ўзига келди.

— Ҳа, уша чимилдиқда сўз берганни... Нима қилай, хоним, қайси бирингизникини кўтарай?! Қўлоғим ҳамманикидай иккитадан бўлса!

— Ҳаммани гапирманг! Ҳамма хотинларини машинасига солиб Арслонбобга, Шойимардонга олириб ўйнатиб келяпти. — Ойсара эрининг кўзига кўзи тушмаслиги учун ён томонга қараб, давом этди. — Яқинда кўкариб чиқаман шу бурчи-ковакдан... Ғузугумай, сигир-тезак...

Иномиддин аянчли илжайди. Ойсара шу пайтгача бунақа майда-чуйда нарсалар тўғрисида оғиз очмаган эди.

— Э, гап бу ёқда денг, — деди у ўзини ажабланганга солиб. — Ичингизда шунча дардингиз бор экан-ку, сабрингизга балли...

Ойсара ялт этиб қаради.

— Кесатманг. Рост-да. Ўзи билар, ўзи билар, десам... аҳволингиз бу... яна қўрққан олдин мушт кўтарар қилиб ўдағайлайсиз, уялмай... — бирдан ҳиқиллай бошлади, йиғи аралаш ўпка-гина қилди, аммо Иномиддин узуқ-юлуқ сўзларни илғаб ололмади.

У нима дейишини билмай қолган эди. Бошини қашиганча остонага чўнқайди.

Ойсара йиғидан тўхтади. Кўрсаткич бармоқлари билан кўз ёшларини артди-да, қора барқут нимчасининг ички чўнтагидан пиёланинг орқасидай келадиган думалоқ ойна олиб, эрининг олдига ташлади. Иномиддиннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Олинг. Афти-ангорингизга бир қаранг. Соқоллингиз тиканак бўлиб ётибди. Устингизни мен айтмагунча ечмайсиз. Пайтавангиз сасиб кетсаям алмаштирай демайсиз. Бутун баданингизга тер ҳиди уннаб қолган. Яна бу кишим фалон институтда ўқийдилар. Мендан бошқа хотин сиз билан бир кун ҳам турмасди... — Иномиддин аввал қулоқларигача

қизариб, кейин аста-аста оқара бошлади, тишлари гичирлади. Ойсара буни сезмасди. — Шунақа одамди бригадир қилиб қўйганларига куяйми...

Иномиддин ўрнидан пружинадай сакраб турди.

— Бўлди-е! Ҳе, сени туққанниям...

Уй зириллаб кетди. Иномиддин икки қўли билан бошини чангаллаганча, бир ҳатлаб айвонга, кейин кўчага отилди. Мияси чаноғидан чиққудай лўқиллар, кўз олди қоронғилашиб борар эди...

Автобустаги гала-говур ҳушини жойига келтирди. Шофёр йўловчилардан кира ҳақи олиш учун машинани катта йўлнинг бир четига чиқариб тухтатган, одамлар бири олиб, бири қўйиб:

— Тушаётганда берамиз!

— Биттангангни еб кетармидик!..

— Тухтатган жойини қаранглар, салқинроқ ер қуриганмиди?

— Ҳаммом булиб кетди-ю! — деб чуғурлашар, ишларининг шошилинич эканлигини айтиб, зорланишар эди.

Елкасида қасмоқ бойлаган қора сумка, бошида ундан баттар мойи чиқиб кетган дўппи — уз касбининг ҳадисини олган ҳайдовчи қий-чувга парво қилмай, танга-чақа санайди, ўзича: «Ошиқишнинг нима ҳожати бор, барибир ҳаммамиз бир жойга борамиз», деб аския ҳам қилиб қўяди. «Унга ҳам қийин, — деб уйлаб кетди Иномиддин. — Уям режани бажариши керак. Бировларнинг кўнглини оламан, деб хўжайинидан сўкиш эшитишга тоқати борми?

Лекин шофёрлар ичида бунақа тепса-тебранмаси кам. Янаям бу халқ бардошли. Азондан хуфтонгача рулда утириб, битта йўлда у ёқдан-бу ёққа қатнайди. Орқалариям чақа булиб кетса кераг-ов. Чақа бўлганига яраша чақаям тушиб туради-да. Мана, ўттиз тийин олиб, ўн беш тийинлик билан беряпти. Яна: «Биров сўраб қолса, нариги бекат-

дан чиқдим, денг», деб эслатиб ҳам қўяди. Ҳар битта йўловчидан чоракам бир тангадан умариб турса ҳам, ўҳ-ҳў, бир кунда қанча одам ташийди... минг хил одамни кўради, кўнгли ёзилади. Бизга ўхшаб вақт-соатсиз ишламайди булар. Тайин соати тамом бўлгандан кейин оёқни узатиб, хотин, бола-чақаси билан бемалол ўтиради, гурунглашади, радио эшитади, телевизор кўради, кўрган-билганларидан гапиради, улфатчилик қилади. Маза-маза шуларники!..»

Иномиддин бир марта — уқишга дастлаб борган йили биринчи имтиҳондан йиқилиб чиққанда ёлғиз ўзи ресторанга кириб ичган эди. Бугун бозор-учарни кўнгилдагидай қилиб булиб, (ҳатто Ойсарага мўлжалдагидан ташқари атир ҳам олди) ресторанга кириб, ҳаётида иккинчи бор ичди. Ҳамма ташвишию истиҳолани йиғиштириб қўйиб ичди.

Бундай пайтда кимнинг ҳам мардлиги тутиб, жасорати қўзиб кетмайди! Иномиддин янги, ярақлаган «Волга»ни кира қилиб қайтаркан, атайин жамоа хўжалиги идораси олдида тушмоқчи бўлди. Раис кўрса — яна яхши. Ҳозир унга Пирмаматидуч келса ҳам бир чўқишда қочирини сиёқи бор. Эрталабки қолатини, раиснинг ҳузурига бўйнини эгиб кириб, эгиб чиқиб кетганини эсласа, алам қиларди. Келакелгунча дард-ҳасратини айтиб, ҳайдовчининг ҳам қулогини қоқиб қулига берди, елкасига тарсиллатиб туширавериш хит қилди. Шофёр ёшгина ўсмир экан, нима дейишини билмай гоҳ бош ирғаб маъқуллаб қўяди, гоҳ аянчли жилмаяди, елкасига ҳар шапати тушганда гавдасини сал олдинга эгиб олади. «Кира» қилганига минг пушаймон еган бояқиш охири қарийб рулга қапишиб қолди...

— Менга қаранг укам, айтайлик, сиз механикми, инженерсиз, мисол учун-да. Муҳим иш билан кетган машинани ярим йўлдан судратиб қайтиб келишди. Ўзингиз бир жойга шошпасиз. Слесарлар йўқ. Чи-

даб туролмадингиз-у, оҳорли устингизни ёгга булаб, улиб-тирилиб машинани юргизвордингиз. Шунда осмондан тушадими, ердан чиқадими, бошлигингиз пайдо булиб, «э» йўқ, «бе» йўқ, сизни чангитиб сукиб кетса... бир угил болача гап айтинг, нима дердингиз, нима қилардингиз?

Ҳайдовчи йигит елкасини қисганча, «... ҳозир бу одамга маъқул тушадиган жавоб бериш керак...», деб энди огиз жуфтлаган эди, Иномиддин келган жойидан давом эттирди.

— Майли, билиб турибман, ука, раҳбарингизни ёмонлашга тилингиз бормаяпти. Чучияпсиз, менга ухшаб. Лекин мен энди чучимайман, кўрсатаман унга. Ҳозир машинадан тушаману тўппа-тўғри уни олдига кираман. Бетига тикка айтаман, — Иномиддин бир қўлида олдинги уриндиқ суянчигидан тутиб, ўмганини унга қадаб ўтирди, иккинчи қўлини тўппонча қилиб, силтаб-силтаб, сўзларни ниқтаб-ниқтаб гапира бошлади. — Сиз ноҳақсиз, сиз андишасиз, юзсиз одамсиз, дейман, ҳа, қараб турасиз, айтаман. «Гиринг» десин... бирор кун ишдан қолишга, бозор-ўчар қилишга, байрам қилишга мениям ҳаққим борми ё йўқми, деб сўрайман, ҳа, албатта сўрайман. Жавоб беради! Жавоб бермаям кўрсинчи!.. Нима дедингиз, укам?

«Укаси» нима дейишга ҳайрон, бир кўзи йўлда, бири машинанинг ички кузгусида эди: тепадан қайроқтошдайгина ойнани тўлдириб, бургут чангалидай тушиб келаётган беш панжадан кифтини олиб қочиш баҳонасида белини камалак қилиб, орқасига қия боқди. Унинг ҳолати, кўз қараши «шафқат қилинг...» деган илтижони ифодалар эди.

— Гапингиз тўғри ака, тўғри айтасиз, — деди шоша-пиша.

Лекин Иномиддиннинг узун қўллари барибир ўз ишини қилди: шофёр боланинг ушоққина елкасини

қидириб топди. Бироқ йигитча бу гал, ҳатто, севингандай илжайди, чунки зарбнинг сунггиси эканлиги унга аён бўлган эди.

— Балли укам, баракалла угил бола, келдик...

Иномиддин уйлагандан ҳам зиёд бўлди. Раис идора йўлагигаги ўтиргичда бош бухгалтер билан ўтирар эди. Иномиддин бир сесканди-ю, ўзини қўлга олди. «Умрингда бир эркаклигингни кўрсат!»

Икки тўр халтани осилтириб кўтарганча ўшалар томон юрди. Нима гаплигини тушунмаган раис аввалига Иномиддиндан кўзини узмай жилмайиб ўтирди. У яқинлашгач, қадам ташлаши бежоллигини билиб, авзойи ўзгарди: қуюқ, ёппа қошлари пирпираб жиддий тортди. Кўнгли «бир бало»ни сезган бош бухгалтер Иномиддинга бош ирғаб, наридан-бери сўрашдию, идорага кириб кетди. Иномиддин атайин мастлигига эрк бериб раиснинг рупарасида қаққайиб туриб олди.

— Мана, хўж-жайен, кел-яп-миз... сўкишингизни қолганини эш-шитишга.

Томдан тараша тушгандай бу гап раисни эсанкиратиб қўйди.

— Нима жиннилик бу?! Қаердан келяпсан?

— Шаҳ-ҳардан. Уйнаб... ич-ичиб келяпман. Байрам эртагайкан, биз... бугуноқ бошлаб юбор-дик, хўж-жайин... кеч-чирасиз энди... сизнинг ижозатингизсиз...

Раис қўллари тиззаларига тираб ўрнидан турди, Иномиддиннинг кўзларига тикилди.

— Бўпти, эрталаб қизишибман. Бор уйингга энди, дамингни ол. Эртага гаплашамиз.

— Нега энди эр-тага? Бугунги ишни эр-тага қолдирма, деган маш-шойихлар. — Раиснинг узридан ҳаволанган Иномиддин жилмаймоқчи бўлди, лекин удда қилолмагач, безрайиб раисга қараб тураверди.

Раис қаҳр билан четга туфлади-да, ичкарига йуналди. Иномиддин унинг орқасидан бир-икки қадам ташлади.

— Хуж-жайин, ҳў, хўж-жайин!..

Раис тезлаб кириб кетди. Иномиддин тўхтаган жойида бир зум турди-да, орқасига бурилди.

— Ҳе, ўша сендақа хўжайинди... — у ҳам гуё раисга жавобан, болаларча чирт этказиб тупурди. — Гаплашишни хоҳламайдилар. Эртагамиш... эрттага-я, хо...

Иномиддин катта кучага чиқиб ҳушёр тортди. У ёқ-бу ёққа, орқа-олдига қаради. Кўзига ҳеч ким чалинмади. Шундан кейин қаддини роз тутиб, уйи томон юрди.

Сархуш мияси гувулларди.

Чатоқ бўлди, чакки қилди. Ўзимни кўрсатаман деб нима қиларди шер билан олишиб... Э, нима бупти, билиб қўйсин-да ундаям тил-забон борлигини! Барибир кечирим сўратдими... Асли бургага аччиқ қилишининг ҳожати ҳам йўқ эди-я. Ишласа раис учун ишлармиди, эл-юрт учун, бола-чақа деб ишлайди-ку. Раислар келиб-кетаверадиган одам — бугун бу хўжаликда, эртага бошқасида... Сирасини олганда раиснинг ҳам битта жони...

— Ие, ҳей, — деди у ўзига-ўзи, — мунча имиллайсан? Ош устида меҳр кетар, дегандай, озгина ичволиб пахтани унутвордингми? Ризқ-рўзингни-я?.. Мастнинг тўпигига сув чиқмайдими?.. Беш гектарликни қайси аҳволда ташлаб кетувдинг, аъзолар нима қилишдийкин? «Қоронги тушиб қолди, азонда туриб бораман-да энди... бир кўрмай кўнглинг тинчийдими, кўзингга уйқу келадими?..»

Рўпарасидан рули чаппа велосипед миниб келаётган болани таниб Иномиддин севиниб кетди. «Ғойибдан келган дастёр»ни қўл ишораси билан тўхтатди. Бола тақимини рамага босганча, бир оёғи билан ерга тиралиб, бригадирнинг огзига тикилди.

— Қобилжон ука, мана шу нарсаларни «гирр» этиб бизникига ташлаб ке.

Бола сигир шохисимон рулга илинган ёғ идишни тақиллатиб кўрсатди.

— Магазинга кеятувдим-да, аям қозонга ўт ёқолмай утирибди.

— Велосипедга нима деган гап, уч минут у ёққа, уч минут — бу ёққа, илтимос, ука...

Қобил тўрхалталарга зурма-зўраки қўл узатди.

Бошқа пайт бўлганда Иномиддин «жўна йўлингга, ҳа падарингга!..» деб боланинг дилини хуфтон қилиши тайин эди... Анча жойгача кўнгли хижил бўлиб борди... «Шу муштдай болаям ялинтирди-я, вой тирранча-ей... бу тарбиясиз болалар бригадир у ёқда турсин, раисингниям бир пулга олмайди. Мактабда таълим-тарбия беришармикин ўзи, ё фақат гапга ўқитишармикин...»

Еру осмонни юлдузлар чарақлаши олдидан бўладиган қоронғилик чулғади. Кундуз тунга айланолмай қийналаётганга ўхшарди. Зулмат ёругликни, жамики нурни симириб юборгандек. Дала қорайиб кўринар, ҳеч нарсани илғаб бўлмасди. Иномиддин гугурт чақиб қўлини олдинга чўзди, пастга — пайкал устига тутиб энгашиб қаради — норасида кўчатларнинг чақалоқ қулоғидай баргчалари элас-элас йилтиради, хайрият, эгатлар ялтирамади, демак, қатқалоқ бўлмайди!

Иномиддин гугурт чақа-чақа марзадан эҳтиёткорлик билан юриб, уттиз-қирқ қадам наригача борди, адир тупроги тўкилган пайкал қониб сув ичгандай кўпчиб ётар эди. Фақат айрим уядаги гузалар бир-биридан сал қочибди — таги ёрилиши мумкин, ҳаво кирса — чатоқ!

Иномиддин чўнқайиб ўтирди-да, гугуртнинг заиф шуъласида қилпиллаб кўринаётган ҳали нимжон, ингичка ниҳолларни, фалокатдан омон қолган фар-

зандига термиладиган ота кўзи билан бир зум томоша қилди, япроқчаларини кесак эзган уч-тўрт туп гўзани тўгрилаб, сафи очилиб қолган бир неча кучат тагига нам тупроқ тортди... Демак, эрталаб шундан бошлашга тўгри келади. Бошқа ҳар қандай зарур ишни йиғиштириб қўйиб, кучатлар атрофига тупроқ хўмлаб чиқиш керак. Ҳеч гапмас... Иномиддин ўрнидан туриб, кафтларини бир-бирига уриб қоқдида кўнгли бир қадар жойига тушиб, яна боягидай авайланиб ортига қайтди.

У дарвозадан «Бог аро...»ни хиргойи қилиб кириб борди.

Уйлар қоп-қоронги эди. Чироққа бир бало булганга ўхшайди.

— Ойсара, ҳў Ойсара! Гулсара!

Жавоб бўлмади. Ҳовли жимжит эди. Иномиддин ҳолсизланди, оёқ-қўли бушашиб, тўшаклари йиғиб олинган чорпоёга ўзини ташлади. Тирсақларини тиззаларига тираб, бошини икки қўли билан чангаллаганча, жуда узоқ, назарида бир кеча-кундузча ўтирди.

Бир пайт кимдир чақиргандай булди. Иномиддин гарангсиб бошини кўтарди. Қаршисида оқ сочиққа ўроғлиқ ихчамгина нарса кўтарган қўшниси Мубо-ракнинг қайнонаси Майрам опа жилмайиб турар эди.

— Утирган жойингизда ухляяпсизми, Иномжон, шунча чақираман... Чироқниям ёқмабсиз.

— Жуда чарчабман, — деди Иномиддин, хижолатлигини яшириш учун ўрнидан туриб, айвон томон юрди. Чироқни ёқди. — Келинг бу ёққа... — Унинг кўзи сўрининг шундоқ қиргогига пала-партиш қўйилган тўрхалталарга тушди-ю, гапини йўқотди.

— Йўқ, мен чиқай, Ойсара «кечқурун овқатидан хабар олиб қўярсизлар», деб кетувди. Манави ошни иссиғида енг, — Майрам опа туғунчани чорпоёга қўйди. — Чой-пой дамлаб берайми?

— Йўг-э, Майрам опа, ўзим дамлайман. Овора бупсиз-да. — Иномиддин баллонли газга чой қўймоққа тутинди.

— Овораси борми...

— Раҳмат... — Иномиддин Ойсаранинг яна нима-лар деб кетганини сурагиси келиб чоғланди-ю, тортинди.

Майрам опа чиқиб кетди.

Иномиддин буги чиқиб турган паловга тикилиб қолди.

1983 й.

КЎНГИЛ КЎЧАЛАРИ

Талабалар пахтага жунаб кетишди. Ётоқхона бир кунда эгаси кўчиб кетган ҳовлидай ҳувиллаб қолди. Зафар касаллиги сабабли пахтага бормади. Кечқурун уртоғи Комилни Фаргона поездига кузатиб қайтди. Трамвайларда одам сийрак эди. Гуё ҳамма пахтага кетгандай. Йигит талабалар шаҳарчасига чалкаш хаёллар билан етиб келди. Бекатда тушди-ю, қалби бум-буш бўлиб қолганини сизди. Одатда қий-чув, бақириқ-чақириқлар осмонни тўлатган, ётоқхоналарнинг деразаларидан турли хил тилда, овозининг борича ҳайқириб турадиган магнитофонларнинг ҳам уни ўчган, талабалар билан гавжум буладиган ётоқхонага яқинлашар экан, ҳамма хоналарнинг чироқсиз эканлигини кўриб, юраги увушгандай бўлди. Фақат биринчи қаватнинг коридоридагина чироқ ёниқ эди. У столга эгилганча, мудраб ўтирган қоровулга ҳам эътибор қилмай, зиналардан шошилмай юқорига кўтарилди бошлади. Уларнинг деразаси ётоқнинг орқа томонига қараган эди. Йўлакнинг чирогини ёқмоқчи эди, ёнмади. Гугурт чақиб, эшикка калит солди. Чироқни ёқди-ю, ҳатто туфлисини ҳам ечмай каравотга ўзини ташлади. Орадан унча

куп вақт ўтмаган ҳам эдики, эшик оҳиста чертилди. Зафар бошини ёстиқдан хиёл кўтариб, бир зум озроқ ҳадик, ҳам гижиниш билан индамай қулоқ солди. Эшик яна чертилди.

— Ким у? — Зафар иргиб ўрнидан турди.

— Мен, Зафар ака, — бу Кароматнинг овози эди.

— Кираверинг, — Зафар бушашиб каравотга қайта ёнбошлади. «Ё тавба, бу қиз нима қилиб юрибди шу пайтда? Пахтага бормадимикин?»

Зафар Кароматни ёқтирмасди. Қизнинг дуч келган йигит билан чақчақлашиб кетавериши, булар бўлмасга илжаявериши йигитнинг гашини келтирарди. «Табассуми текин қиз», дерди у. Ўзининг фикрича, «қизлик назокатидан, нафосатдан маҳрум бўлган, ҳаёдан, гурудан сал кечроқ тугилган» Кароматнинг дурдоқ лабларига аҳён-аҳёнда ачиниш билан назар ташлар ва юзини буриштириб бош чайқаб қўярди. Шунга қарамай қизнинг улар хонасидан оёғи узилмаслиги йигитнинг ошкора газабини қўзгатарди: «Ёмон кўрганинг пешонангга битибди, дегандай, бунча суйкалмаса?..»

— Мумкинми? — эшикдан Кароматнинг кенг пешонаси ва ясси бурни кўринди. — Шу ердამисиз, Зафар ака? Қўрқиб чироқни ҳам ўчириб ётувдим. Сизнинг пахтага кетмаганингизни билувдим. Ҳозир оёқ товушингизни эшитиб қолдим. — Қиз хона ўртасидаги стуллардан бирига омонатгина ўтирди.

— Қаёқдан эшита қолувдингиз менинг пахтадан қолганимни? — Зафар ҳамон ёнбошлаганича ажабланиб унга қараб ётарди.

— Қизлар айтишувди.

— Шунақа денг. Ўзингиз нега пахтага бормадингиз?

— Академтаътилдаман-ку. Қарзларимни топширишим керак.

— Думларимни денг. Ундай бўлса ётоқдан қанақасига жой беришган сизга? — Зафар бошини ёстиқдан баландроқ кутариб қизга ҳайратомуз тикилди. Шу пайтгача у Кароматнинг шахсий ҳаёти билан қизиқмаган эди.

— Комендантни авраганман. Мени биласиз-ку, ҳар қандай одамни ҳам гап билан эритиб юбораман.

— Фақат гап биланми ё...

— Гап билан-да, яна қандай йўл билан бўлиши мумкин? — Каромат бир оз қизариниб, бошини қуйи эгди, кейин уз жавобидан кўнгли тўлмади, шекилли, Зафарнинг кўзига дадил боқиб қўшимча қилди: — Шуни бир билингки, шаддод қизлар фақат гапдагина шаддод бўлишади. Сиз уйлаган нарсалар писмиқлардан чиқади.

Зафар қалтисроқ гапириб қуйганини сизди. Шунинг учун ҳазилга бурмоқчи бўлди:

— Ҳа, эритишингиз мумкин, фақат алюмин кимсаларни эритасиз. Бизга ўхшаган пўлат одамларни эритиб бўлсиз!

— Хоҳласам сизниям эритаман.

— Икки дунёдаям! — Зафар ун қўлини ёстиққа тираб, ўрnidан турди ва оёқларини каравотдан пастга осилтириб ўтириб олди.

— Гаров ўйнаймизми?

Қизнинг саволи жавобсиз қолди. Зафар гапни чузишни ўзига эп кўрмади. Унинг ҳозирги ҳолатида: «Сен билан гаров ўйнашиб ўтирайми?» — деган ифода бор эди. Кейин қарийб буйруқ оҳангида деди:

— Гаров-паровни қўйинг, яхшиси битта аччиқ кўк чой қилинг. Бошим оғриб турибди.

Улар нонсиз, қуруқ чой ичишди. Лекин Зафарнинг кўнгли очилмади, дурустроқ гаплашиб ўтиришга ҳам хуши йўқ эди. Каромат уни гапга солишга ҳаракат қилди-ю, бўлмади. Сўнг тирсагини столга

қўйиб, чап қўлини юзига тираганича, ёш боладай оёқларини уйнатиб, журнал варақлаб утирди. Унинг чаккасида тиришлар ҳосил бўлиб, писта қовоқлари, қушникидай юм-юмалоқ кўзлари яна ҳам кичрайиб, Зафарга баттар хунуклашиб кетгандай кўринди. Ухлаб ором олгиси келди.

— Энди ётсак-а, ойимтилла, — Зафар атайин керишиб ўрнидан турди-да, кўйлагининг тугмаларини еча бошлади.

— Бир ўзим қандай ухлайман? Яна озроқ ўтирайлик. — Каромат ростланиб утирди-да, илтижоли кўзларини жавдиратиб Зафарга тикилди.

— Қўрқсангиз, шу ерда ёта қолинг. — Бепарволик билан жавоб берди йигит. — Ана, буш каравот бор. Чойшаблари янги, тоза...

— Сиз билан бир хонада ётиб бўладими? — ҳазиллашмоқчи бўлди қиз.

— Булмаса нима қилмоқчисиз? — Зафарнинг овози бу гал анчагина дағал чиқди. У дераза ёнига бориб, ётоқ орқасидаги экин майдонида чироқнинг хира етиб бораётган нурларида элас-элас йилтираётган жўхори донларини кузата бошлади.

— Қўшни ётоққа олиб бориб қўйсангиз, девдим. Рабига ҳам пахтадан қолган. — Кароматнинг сўзлари тобора қатъиятсизланиб, майинлашиб борарди.

Зафар дераза олдидан қайтиб келиб, узини каравотга ташлади. Каравот гичирлаб кетди. Йигит кўзларини катта-катта очиб қизга қадади.

— Жуда чарчаганман, бир қадам ҳам босгим йўқ. Тўртинчи қаватдасиз-ку, нимадан қўрқасиз, эшикни ичкаридан қулфлаб олиб ётаверасиз-да, деразадан хавотирланмасангиз ҳам бўлади, осмондан ҳеч ким тушмайди. — Бу сўзлар Зафарнинг энсаси қотаётганини яққол сездириб қўйди.

— Булмаса қараб турунг, хонага кириб олай... — Қиз иложсиз қолган эди. У ажабланибми, ҳавас би-

ланми, йигитнинг очиқ ёқасидан чиқиб турган жингалак, қоп-қора ёлидан куз узмай жойидан қўзгалди.

Зафар уни хонасига кузатиб қўйди. Қайтиб кириб ўрнига ётди-ю, донг қотиб ухлаб қолди.

Каромат уйғотмаганда, ким билсин, қачонгача ухларди. Кун ёйилиб кетган эди. У ўрнидан дили гаш бўлиб турди. Ёмон тушлар курибди... Каромат билан хилват жойларда юрган эмиш... Эшикни очиб қизнинг ҳам уйқуга тўймаганини сизди; унинг кўзлари қизарган, қовоқлари ичига ботган эди. Магазинга бориб келишга ҳам улгурибди: қўлида қанд, нон, сариеғ бор эди.

Зафар уйқусини қочириш, кўнглини очиш учун майкачан бўлиб узоқ ювинди. Каромат чой қўйди. Кейин нонушта қилишди. Зафарнинг таъби ҳеч нарса тиламади. Қиз ҳам тузукроқ бир нарса емади.

Каромат дугоналарини қидириб кетди, Зафар поликлиникага жўнади. Лекин иши битмади. У учраши керак бўлган врач Москвага, қандайдир семинарга кетибди. Бошқаси кўрмас эмиш. Баттар таъби тирриқ бўлди. Пахтага боравермаганига афсусланди. Кўчага чиқиб, бирпас нима қилишини билмай туриб қолди. Борадиган жойи, қиладиган ишининг тайини йўқ эди. Авваллари, одатда, бундай пайтда ичарди. Ҳозир ичолмайди, врач тақиқлаган. Қон босимининг ошиши шундан экан.

У «Санъат саройи» томон йўл олди, «Мунофиқлар» номли АҚШ фильми кетаётган экан. Кирди. Кино унга қаттиқ таъсир қилди. Кайфиятини баттар тушириб юборди. Беҳудага калтаклашлар, ўлдиришлар, бузуқлик, хиёнат, фоҳишабозлик... Айниқса, бош қахрамон мистер Браун образи уни жуда эзиб юборди. Ҳаддан ташқари оғир, босиқ характер. Ҳамиша гамгин, иши ҳеч ўнгидан келмайди. Одамлар ичида ёлғиз, ҳимоясиз. Икки серия давомида бирор марта ҳам тишининг оқини кўрсатмайди.

Кинодан чиқиб Зафар Хадрагача бўлган уч бекат йўлни пиёда босди. Ён-атрофига қарамас, ҳеч нарса билан иши йўқ эди. Шу пайтда ёнида бирор кўнгилочар дўсти бўлишини ёки бутунлай ёлғиз қолишни истарди.

У тўғри келиб Кароматларнинг хонасини тақиллатди. «Ишқилиб уйда бўлсин-да», хаёлидан ўтказди. Айни вақтда, узининг бу истагидан ажабланди. Каромат билан кўришиш, суҳбатлашишга бўлган иштиёқ унда биринчи марта уйғонган эди. Каромат Зафарга олдиндан таниш бўлган дугонаси Рабига билан дарс тайёрлашаётган экан. Рабига ҳам Кароматнинг ўзгинаси эди: эрка, шўх ва бола табият. Лекин, ҳар қалай, Зафарнинг у билан муомаласи яхши эди. Узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Зафарнинг дили бирмунча ёришди, кейин хонасига чиқиб кетди.

Кунлар шу тариқа кеча бошлади. Улар ҳар куни эрталаб бирга чой ичишар, кейин қиз имтиҳон топшириш учун домла қидириб кетар, Зафар эса ётоқда қолиб китоб ўқир ё шаҳарга чиқиб айланиб келарди. Бир неча марта бекорчиликдан Каромат билан институтга ҳам борди. Кечқурунлари эса Каромат овқат пиширар, овқатдан сўнг ё Зафарнинг, ё Кароматнинг хонасида алламаҳалгача гаплашиб ўтиришарди.

Бир куни Зафар курсдошларини қўмсаб, Сирдарёга жўнади. У ерда бир кеча ётиб, эртасига анча ёзилиб қайтди.

У келганда Каромат каравотда ётиб китоб ва-рақларди. Зафар кириши билан қизнинг кўзлари пирпираб кетди-ю, лекин ўрнидан турмади. Унинг хафариқ эканини йигит сизди. Тезгина юриб дераза пардаларини икки томонга қайириб қўйди-да, Каромат ётган каравотнинг бир четига ўтириб, қизга ташвишли назар ташлади. Унинг ранги хийла заъфаронлашиб, қовоқлари салқиб қолгандай кўринди.

— Сизга нима бўлди, пучуқчам, бирон жойингиз огрияптими?

— Сиз қаерданам тушунардингиз, умуман ҳеч қачон тушунмасангиз керак. — Қизнинг сўзларида норозилик, упкалаш ва таъна оҳанги бор эди.

— Нега унақа дейсиз?

— Чунки сиз буни истамайсиз.

— Нимани?

— Нимани буларди, тушунишни-да... Билмайман, нимагадир диққат булиб кетяпман.

— Биронтасини яхши куриб қолгандирсиз, — ҳазилга бурмоқчи бўлди Зафар.

— Эҳтимол. Балки сизнидир. Мен буни сизга ҳеч қачон очиқ айтмайман-ку, тўғрими? — Каромат йигитга синчковлик, айни вақтда, умидсизлик билан тикилди.

— Қўйсангиз-чи, булмаган гапни! — яйраб кулди Зафар, лекин ичида гурурланиб қўйганини ошкор этгиси келмади. Рост-да, қайси йигит ё қиз: «Мен сизни яхши кўраман», деган гапни эшитса тўлқинланмайди, фахрланмайди дейсиз, гарчи уша одам аслида унга ёқмаса ҳам.

— Нима, бўлиши мумкин эмасми, ё мендан ор қиласизми?

— Йўғ-э, нималар деяпсиз? Мен ундай демоқчи эмасман, — Зафарнинг овози жаранглаб, қувноқ оҳангда чиқа бошлади. — Бу нарса менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Айтмоқчиманки, сиз мени ҳали яхши билмайсиз, бунинг устига менинг характерим ҳам бошқача, сизнинг характерингиз билан мутлақо мос эмас.

Албатта, Зафар, «сиз менга ёқмайсиз», дея олмади. Бундан ун беш-йигирма кун олдин бўлганда балки шундай деб айтиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас эди.

— Айнан сизнинг характерингиз менга ёқса-чи?

Йигит жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди. Кароматнинг гапларига нима деб жавоб беришни билмасди. Буни сизди шекилли, қиз гапни бошқа ёққа бурди:

— Бошим огрияпти, касал бўлиб қолмасам, деб қўрқяпман, иситмам баланд, кўринг-а.

Зафар қизнинг пешонасига кафтини босди. Чиндан ҳам ҳарорати бор эди. Бир лаҳза кечди. Кейин Каромат Зафарнинг қўлини олиб ташламоқчи бўлди-да, суриб юзига туширди. Йигитнинг кафти қизнинг иссиқ ёноғига тегди. Зафар қўлини тортиб олди, Каромат дарҳол девор томонга угирилиб, бошини адёл билан ўраб олди-да, яна секин «уф» торта бошлади.

— Чой қўяйми, ичасизми? — сўради Зафар.

— Овора бўлманг, кераги йўқ. — Каромат юзини очмай жавоб берди.

Зафар ўз хонасига чиқиб, кийимларини алмаштириб, чойнак олиб кирганида қиз ухлаб қолган эди. Унинг шунча тез уйқуга кетганига ҳайрон бўлди. Аста юриб газга чой қўйиб кирди. Чироқни учириб, стол лампасини ёқди, қизнинг усти очилиб қолган экан, ўради. Қўлини унинг пешонасига қўйиб кўрди. Ҳарорати сал пасайибди. Каромат ҳеч нарса сезмай, ювош мушукдай мулойим пишиллар эди.

Зафар чойни дамлади. Секин-секин чақирган эди, Каромат индамади. Уйғотгиси келмади. Қиз ярим соатлардан кейин кўзини очди.

— Кечирасиз, ухлаб қолибман, — узр сўради у. Чой совиб қолган эди, бир пиёла ичди, кейин Зафар янгитдан чой қўйди.

— Нечага кирдингиз, Зафар ака? — бирдан савол бериб қолди Каромат.

— Чорак асрни яшаб қўйдим.

— Нега уйланмай юрибсиз?

— Нима эди?

— Шунчаки, ўзим сўрадим-да. Анча катта куринасиз-ку, шунинг учун қўшни қизларимиз ҳадеб сизни суриштиришарди. Сен билан яқин-ку, сўраб кўр, деб мени қисташарди, ҳозир эсимга тушиб кетди.

Зафар «анча катта куринасиз», деган иборадан оғринса ҳам сир бой бермади.

— Қизиқ, нега энди менинг уйланиш-уйланмаслигим бошқаларни қизиқтириб қолдийкин? Уйланган, кейин хотини билан ажрашган экан, деб қўя қолинг уларга.

— Кечирасиз, сиз биронтасини севганмисиз?

— Ҳа, севганман, бир эмас, икки марта севганман. — Зафар Кароматни калака қилар, қиз эса унга чиппа-чин ишонаётган эди.

— Кейин нима бўлган?

— Иккиси ҳам ҳозир болалик бўлишди.

Каромат Зафарнинг севгилари тарихини эшитгиси келмади.

Аслида Зафарнинг сўзлаб беришга арзигулик муҳаббат достони ҳам йўқ эди. Урта мактабда ўқиб юрган пайтида Зулайҳо исмли синфдоши билан хат ёзишиб турарди. Китоб, дафтарлар ичига солиб бериладиган мактублар ва уларнинг жавобларида, албатта, севги ҳақида жиддий гаплар бўлмас, кўпинча муҳаббат тўғрисидаги шеърлару айрим ҳикоялардан олинган парчалар билан тўлиб-тошарди. Зафар шаҳарга ўқишга кетгандан кейин қизнинг ота-онаси қистови билан турмушга чиқиб кетганини эшитди. Аввалига хуноб бўлди, эзилди. Зулайҳони бевафоликда айблаб юрди. Лекин кўп ўтмай у қизни эсидан чиқариб юборди. Эндиликда у қалин жилдли романлардаги ишқий саргузаштларни ҳам лоқайдлик билан ўқир ва уларга ишонмай қўйган эди. Муҳаббат қиссалари айрим романтик ёшлар ва умуман одамлар учун эрмак сифатида ўйлаб чиқарилган уйдирмалардан бошқа нарса эмас, деган қарорга келиб қолган

эди. «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра»лар ҳам ҳаммаси афсона-ку, деб ўз фикрини асослашга уринарди. Ҳозир у ана шуларни эслаб уйга чўмган эди, Кароматнинг навбатдаги «ҳужуми» хаёлини бўлди.

— Учинчи марта севаман, деб уйламанг.

— Мен ҳам умид қилаётганим йўқ.

— Мени ҳам биронтаси севса эди! — қиз ўзининг беихтиёр ҳаракати натижасида титраб кетгандай бўлди, баданига ёпишиб турган пуштиранг жун кўйлаги остидаги кукраги бир қалқиб тушди. Зафарнинг қараётганини сезган Каромат унинг нигоҳидан яширмоқчи булиб, қўлларини куксига қовуштирди. Қизнинг ҳаракатларини кузатиб утирган Зафар уни ноқулай вазиятдан халос қилиш ва кўнглини кўтариш учун суҳбатни давом эттирди:

— Хушторларингиз бордир...

— Борликка бор, лекин мен уларни севмайман-ку, мен севган одам мени севса деяпман.

— Ў-у!.. «Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас», денг. Ҳали ёшсиз, орзуингиз амалга ошиб қолар, — Зафар энди қизнинг саволларига самимий, астойдил жавоб қайтаришга ҳаракат қиларди.

— Энди амалга ошмаса керак. — Кароматнинг кўзлари бирдан хира тортиб, маъюслашиб қолди.

— Нега бундай деб уйлайсиз?

— Турмушга чиқишим керак.

— Нима учун?

— Шароитимиз шунақа. Рабига ҳам шундай дейди. Сиз қандай маслаҳат берасиз?

Унинг шароити қанақалиги, нима мақсадда бундай деяётгани билан Зафар қизиқмади. У яна аввалги лоқайдлигига, масхарабозлигига қайта бошлаган эди. «Бу суҳбатлар шунчаки вақт ўтказиш учунгина-ку», деган фикрни ўз онгида қатъийлаштиришга уринарди.

— Мен ҳам қўшиламан, — деб қўя қолди.

— Кимга турмушга чиқаман, сизгами? — Қизнинг овози дадиллашди.

Зафар эса ўз оҳангида жавоб берди:

— Нега энди, хоҳлаган кишингизга.

— Агар сизни хоҳласам-чи?

Зафар яна тутилиб қолди, хуноби ошди. «Нега бу қиз менга ёпишиб олди? Ҳазиллашяптими ё синмоқчими? Бунақа ҳазил, бунақа бемаъни синовларнинг нима кераги бор экан унга? — уйлади у. — Барибир ёқтирмаслигимни билади-ку! Қиз болада гурур бўлмаса қийин-да. Ё шунча гап-сузлардан фаҳламаяптими? Бунчалик овсармас-ку! Ё кўнглимни юмшатиб, менда ўзига нисбатан меҳр-шафқат уйғотмоқчими? Овора бўлади!.. Қизиқ, одатда қизларга ёқиш учун уни нуқул мақташинг, дунёда яккаю ягона малика қилиб кўрсатишинг керак, дейишарди. Мен бу қизни бирор марта сийлаб, хушомад қилганимни эслай олмайман. Аксинча, кесатиқларимни ҳар ҳолда англаши керак. Тугри-да, нимасини ҳам мақтайман? Дунг пешонасиними ё япалоқ бурниними?»

— Айтинг-чи, — яна суроққа тута бошлади қиз, — сизга иккимиздан қайси биримиз кўпроқ ёқамиз: Рабиғами, менми?

Бу антиқа саволдан Зафарнинг ниҳоятда ҳайрати ошиб, энсаси қотди. Ҳатто, «бу қизнинг эси жойидами ўзи», деган мулоҳазага борди.

— Менга иккинги ҳам бирдай.

— Ҳеч фарқимиз йўқми?

— Фарқингиз бор, жуда катта! — Зафар қизиша бошлаган эди. — Иккинги икки оламсиз, фақат менга баб-баравар ёқасизлар. — У асаби қўзиганидан «Рабиға кўпроқ ёқади», деб юборишдан ўзини аранг тийиб қолди.

— Шунақаси ҳам булар эканми? — Каромат ҳамон ёш боладай йигитнинг жигига тегарди. Афтидан, у

ҳам Зафардан кесатиқлари, масхаралари, қолаверса ҳисларини тушунмагани, қадрламагани учун уч олмоқчи эди.

— Баъзан булар экан, — кескин, бироз баландроқ овозда жавоб берди Зафар.

Орага жимлик чукди. Кейин қизнинг кунгли қаттиқ ўксиганини билган Зафар сал мулойимлашиб суради:

— Ўзингиз биронтасини яхши кўрганмисиз?

— Йўқ... Сизнинг характерингизга ўхшаш характерли йигитни учратмагандим... — қизнинг овози хаста, синиқ эшитилди. У анча бушашиб қолган эди.

— Қандай характер? — қизиқсинди Зафар.

— Босиқлик, жиддийлик. Бу хислатлар ўзингизга жуда ярашади. Рабиганинг орқасидан бир-иккитаси эргашиб юришади. Эркакка ўхшамайди. Рабиганинг қаршисида шунақа қисиниб-қимтиниб ўтиришадики, шунақа мулойим гапиришадики, уларнинг олдида артистлар ҳам ип эшолмайди. Кошки ўша гаплар юрагидан чиқса. Башараларига тушириб қолгим келади. Чидаб туролмай, чиқиб кетаман. Рабига ҳам кулади. Сиз дилингизда борини айтасиз. Масалан, мени ёқтирмаганингизни ҳам яширмайсиз. Пок, ҳалол одамсиз. Мана, неча кундан бери иккаламиз ёлғизмиз... Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлганда...

— Бу хушомадми? — Зафар жилмайди.

— Кўнглимдагини, тўғри гапни айтяпман.

— Миннатдорман.

— Ташаккур.

Кулишди. Кейин Зафар стулдан Кароматнинг каравотига ўтиб ўтирди. Қиз қаршилиқ кўрсатмади, аксинча, сочини босиб ётиб қолган экан, ёнбошладида, чиқариб қўйишни илтимос қилди. Зафар бу ил-

тимосни бажарди, албатта. Лекин, шу лаҳзада кутилмаган ҳодиса юз берди. Қизнинг бир сиқим, майин қора сочи йигитнинг кафтлари орасида юмшоқ сиргалар экан, томирларида нимадир ўрмалагандай, эти ёқимли жимирлаб кетди. Димогига хушбуй, эҳтиросни қитиқловчи ҳид урилди. У қўйиб юборгиси келмай, сочни бир зум кафтида эзгилаб, силаб турди. Шунда Зафарнинг ёдига тўсатдан улуг бир адибнинг «хотинлар жисмоний ёки руҳий хислатларимиз учун бизни яхши кўришади, деб ўзимизни алдаб юрамиз, аслида ҳамма нарсани баданнинг биринчи марта баданга тегиши ҳал қилади» деган сўзлари келди. Кейин «тавба, бу қиз қўрқмайди-я...», деб қўйди ичида.

Зафар тунги соат бирларда хонасига чиқди. Бироқ алламаҳалгача ухлай олмади. У ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилар, ҳар замон-ҳар замонда «уҳ» тортиб қўярди. Тонгга яқин кўзи илинди шекилли...

Эрталаб нонуштадан кейин Зафар соқол олишга киришди. Каромат унинг шимига дазмол босди. Улар ўртасида ҳеч қандай гап бўлмагандай эди. Шаҳар айлангани чиқишди. Гагарин хиёбонини, анҳор бўйларини кезишди. Зафар кинога киришни таклиф қилган эди, қиз «айланиб юра қолайлик», деб унамади. Суҳбат мавзуи анҳор сувининг совуқлиги, арчаларнинг яшиллиги ва кўп яшашлик хислати, гуллар, умуман табиат, қисман кинолар ва айрим борди-келди гаплардан нарига ўтмади. Кўпроқ Каромат сўзларди. У ниҳоятда хурсанд эди. Юпқагина, ихчам ва бежирим кўйлақда бўлгани учун елкалари, кўкраклари аниқ билиниб турар ва бу ҳол Зафарнинг ҳам эътиборини ўзига тобора кўпроқ торта бошлаган эди. У қизга тез-тез зимдан кўз ташлаб, мийигида кулимсирар, «дурустгина экан-ку», деб қўярди ўзича. Ўз навбатида, йигитнинг шодон кайфияти Кароматни янада завқлантирар, у очилиб гапирар ва

кулар эди. Зафарнинг диққатини айниқса қизнинг иккита қилиб урилган сочлари жалб этарди. Шунчалик ажойиб сочи борлигига авваллари эътибор бермаганига таажжубланарди. Ҳатто ана шу сочларни кечқурунгидай қўллари билан ушлашни, кафтлари орасига олиб силашни хоҳлаётганини аниқ сизди. «Камчиликсиз инсон бўлмайди, фақат ундан яхши хислатлар қидириш ва топа билиш керак, деганлари рост шекилли», — хаёлидан ўтди унинг.

... Гарчи бу сайрни Зафар аввал юрагидан истамаган ва таклиф этмаган бўлса-да, уни ҳурмат қилгани, унга овқат пиширгани, уни деб дугонасиникига кетмагани ва нима бўлса ҳам уни зериктирмагани, умуман, катта одамгарчилик қилгани учун бу армонли ёш қизнинг ана шу инсонийлигига яраша лоақал одоб юзасидан жавоб қайтариш, унинг кўнглини кўтариш ўзининг йигитлик бурчи эканлигини ҳис эта бошлаган ва бундан ўзи ҳам бир қадар мамнун эди.

Сайрдан кейин Каромат шаҳар чеккасида яшовчи амакисиникига кетди. Кечқурун келмоқчи эди, келмади. Зафар негадир уни кутди, қўмсади. Бирон ишга қўли бормади. Эртасига эрталаб ҳам, кечқурун ҳам келмади. Йигит куни билан ҳеч қаёққа чиқмади. У кечга бориб астойдил хавотирлана бошлади, безовта бўлиб қолди. Ҳар хил хаёлларга борди, ўзини койиди. Кимсасиз ётоқда ўтган биргина куннинг ўзида у чунонам диққат бўлдики, юраги тарс ёрилиб кетаёзди. Кечани бир амаллаб ўтказди-да, кейинги куни эрталаб ўзини овутиш, вақт ўтказиш учун шаҳарга чиқиб кетди. Лекин, узоқ юролмади.

Ётоққа қайтиб келиб ҳайрон бўлиб қолди. Поллар чиннидай қилиб артилган, унинг куйлаклари, сочиқлари ювилиб балконга ёйилган, иккита шими дазмолланиб каравотга ташлаб қўйилган, ҳаммаёқ саранжом-саришта эди. Зафар, кўнгли жойига тушиб, енгил энтикди. Столдаги бир варақ қоғозда

қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Зафар ака, мен Рабигаларникига кетдим. Хоҳласангиз кечқурун олиб келишга борарсиз. 15-ётоқ, 23-хона. Каромат».

Зафар кечқурунни кутмай, ҳозирнинг ўзидаёқ йўлга тушди. Ташқарида ёмғир томчилай бошлаган эди. У ялангбош, ёмғирпушсиз чиққанига афсусланди. Кириб чиқишга эринди-ю, кетаверди. Ярим йўлга етганда кутилмаганда рўпарасидан Каромат чиқиб қолди. Аммо, Зафар кутган ҳодиса руй бермади. У жуда қуюқ кўришсак керак, деб ўйлаганди. Йигит ажабланмади, ҳаяжонланмади, қалбида ҳам ҳеч қандай ҳис қўзғалмади. Совуққина сўрашишди.

Шиддатли ёмғир остида ётоққа қайтишди. Зафар негадир шошилмасди. Йўлнинг икки томонида ёмғирдан ивиб, донлари эгилган, шумшайиб қолган жўхориларга қараб ачинди. «Эссиз, вақтида ўриб олишмабди-да», деб ўйлаб кетди.

Улар Кароматнинг хонасида чой ичишди. Зафар унинг нима учун йўқ бўлиб кетгани ҳақида сўради, Каромат келинойисига ёрдам берганини айтди. Кейин йигитга «тескари қараб туринг», деди-да, ечина бошлади.

— Хонамга чиқиб кета қолай, ухласангиз, — Зафар қизга қарамай гапирди.

— Йўқ, йўқ, ухламайман, фақат чарчаганман, дам олиб ётмоқчиман, холос. Амакимнинг болалари тинкамни қуритишди. — Каромат ечиниб, ўзини адёл ичига олди.

— Бўлди, утираверинг.

— Қаерга ўтирай? — Зафар нимага бундай савол берганини ўзи ҳам тушунмади.

— Истасангиз жойингизга — стулга, хоҳласангиз ёнимга...

Улар тунги соат биргача ўтиришди. Зафар бир ўзи қолиб анчагина зериккан, бунинг устига ҳо-

зир уйқуси ҳам қочган эди. Каромат ҳам ухлаш тўғрисида индамасди. Аксинча, жиянларининг шўхлиги, қилиқлари, қизиқ-қизиқ сўзларини, одатларини ҳикоя қилиб, кулдириб ётди. Энди улар унча ётсирашмай қолганди. Эҳтимол, бунга бир-бири билан куришмаган кейинги икки-уч кун ҳам сабаб бўлгандир. Қизни эркаламоқчи буларди-ю, лекин нимадир тўсқинлик қиларди. Балки, аслида бунга ҳожат ҳам йўқдир.

Зафар адёлни тузатиб қўйиш баҳонаси билан қулини Кароматнинг бўйнига олиб борди. Афтидан, унда яна қизнинг сочларини ушлаш истаги тугилган эди. Бу ҳолнинг тўсатдан бўлгани учунми, қиз чўчиб қўлларини кўтариб юборган эди, адёл сурилиб тушиб, усти очилиб, ялангоч кифтлари, томоги остлари кўриниб қолди. Гарчи Кароматнинг юзлари бугдойранг бўлса ҳам, бадани офтоб кўрмагандай оппоқ, рангсиз, лекин жозибали эди. У «уятсиз», деди-да, дарҳол адёлни томогигача тортиб, тескари қараб ётиб олди. Бу пайтда, Зафарда ҳам аллақандай пинҳоний майллар жунбишга келиб, юраги тез-тез ура бошлаган эди. Бу юрак уни нимагадир ундарди. У уйлабми, уйламайми, қулини адёл остидан қизнинг бели томон узатди.

— Жиминг, бўлмаса хонангизга чиқариб юбораман. — Кароматнинг сўзларида кескин оҳанг йўқ эди. Бундан дадиллашган Зафар тез-тез, қисқа-қисқа нафас олиб қизнинг устига энгашди. Лаблари унинг юзига тегай-тегай деб қолди... Каромат Зафарнинг қулини нари суриб, унга ўгирилди:

— Нима қилмоқчисиз? Барибир сизда ҳеч қандай ҳис йўқ-ку, Зафар ака? Энди ҳалоллигингизни ҳам йўқотмоқчимисиз?.. — Қизнинг овозида таҳқирланишдан нолиш бўлса-да, лекин қатъий эди. У яна тескари қараб олди ва адёл билан бошини ҳам ўради. Кейин адёл остидан эшитилар-эшитилмас «энди ухлайлик», деди.

Зафар қаддини ростлаб ўрнидан турди, бир лаҳза уй суриб қолди, сўнг қизга хайр ҳам демай тез-тез юриб чиқиб кетди. Хонанинг чирогини ҳам ёқмай, деразаларни ланг очиб юборди. Ташқаридан баданни жунжиктирувчи намхуш шамол ёпирилиб кирди-да, жон ҳолатда деворларга урилиб, яна орқага қайтди. Зафар мезоннинг салқин шабадасидан энгил энтикиб, титради, бироқ у бу ҳолдан нечукдир роҳатлангандай, қалби ёқимли ҳислардан тўлқинлангандай бўлди. У наздида тобора тиниқлашиб бораётган юлдузли осмонга одатдагидан ўзгача бир иштиёқ ва ҳавас билан тикилар экан, узини қанча хотиржам ва осойишта тутишга уринмасин, юраги бесаранжом типирчилар, ҳаяжони тобора ортар, кўнгил қаъридан аллақандай туйгуларга йўғрилган наволар отилиб чиқмоққа талпинарди. Йигит узини майдондан буйин эгиб чиққан курашчидай сезар, лекин мағлубликни тан олгиси келмас, шундай бўлса ҳам «ҳариф»ининг голибона, бироқ илтижولي, чақноқ, аммо маъюс нигоҳи кўз олдидан кетмас, «энди ухлайлик» деган сўзлари қулоқлари тагида гоҳ гамгин, гоҳ тантанавор жарангларди.

ЎФИЛНИНГ ТАШВИШИ

Бугун дарси йўқлиги учун Ҳамроев кечроқ турди. Ўзича бадантарбия қилаётган бўлиб керишганча айвонга ўтди. Кунчиқар тарафдаги деразани очди-ю, қўшни йўлак рўпарасида ярқираб турган оқ «Жигули»га кўзи тушди. Шу заҳоти бадантарбия ҳам ёдидан кўтарилиб, хотинини чақирди:

— Хоним, ҳў хоним!

Ошхона тарафдан овоз келди:

— Нима дейсиз?

— Қўшнилардан биронтаси янги машина олдими?

Сочларини наридан-бери турмаклаган, енги калта гулдор бахмал халат кийган ўттиз ёшлардаги жувон пайдо бўлди.

— Нима деяпсиз ўзингизча гўнғир-гўнғир қилиб? Ҳамроев дераза рафидан ўмганини кўтариб, хотинига қаради.

— Анави янги «Жигули» кимники, деяпман?

— Ҳавасингиз келяптими?

— Дарров гапни бурасиз-а, — деди Ҳамроев хотинининг сирли жилмайиб турган кўзларига қараб.

— Пулимиз туриб, машина ололмасак, — деди Қумри жиддий тортиб. — Одамга алам қилмайдами? Ахлат ташийдиган шофёрниям «Москвич»и бор-у, кимсан — институт домласи, кандидат олим пиёда-кавуш...

— Мени қўйинг-у, кандидатнинг хотини, кимсан — Қумринисо пиёда юрса денг?

— Жа, ҳазилга олишга устасиз-да. Қаерда бўл-саям, ишқилиб, сувдан қуруқ чиқасиз.

— Ўзингиз аҳволни билиб-кўриб турибсиз-ку, хоним. Кандидатликниям «ёзди-ёзди» балосига йу-лиқиб аранг ёқладик. Кўз тегмай турсин, ВАКка-ям ёзишмаса бўлгани. То ҳужжат қўлга тегмагунча одамни кўнгли тинчимайди. «Ютганим ўзимники, чайнаганим — гумон» дейдиган замон ҳозир.

— Мен богдан келсам, сиз тогдан келасиз-а, ўртоқ Ҳамроев, — расмийликка ўтди хотини.

— Ниятингизни пайқаганим учун куйиб-пишяп-ман-да, ахир. Бугун машина олсак, эртага ёзишади. Ана ундан кейин текшир-текшир: маошинг қанча, боланг нечта? Шунча пулни қандай жамгаргансан?..

— Агар маош ҳисоб-китоб қилинадиган бўлса, машина учун манаман деганларниям кучи етмайди. Лекин ҳамма олиб ётибди. Олиб бўлишди ҳам. Баъзилар турт-беш мартадан янгилашди.

— Ҳар ким кўнглига келган номаъқулчиликни қиладиган, топган топалоқники, деган замонлар утиб кетди.

— Ҳозир ҳам йўли бор... — яна сирли жилмайди Қумри.

— Қанақа йўли? — сўради Ҳамроев ҳовлиқиб.

— Анави, ҳавасингизни келтириб ярақлаётган оппоқ «Жигули» шунақа йўл билан олинган.

— Сал очиқроқ гапиринг, хоним, одамни бўғмай.

— Хатип аканинг отаси урушга борганми-йўқми, ишқилиб, иккинчи группага тўғрилашибди. Текинга «Запорожец» беришаётган экан, пул қўшиб «Жигули» олишибди.

— Аскиячининг қизиман деб, пайрови келса-кел-маса гапираверар экан-да!

— Сураб кўринг ўзидан.

— Хуш, нима демоқчисиз?

— Сизнинг отангиз ҳам урушга борган-ку. Ярадор булиб қайтиб келган, дердингиз шекилли... Мана, ҳукуратимиз қарорлар чиқаряпти, уруш қатнашчиларини тақдирлаш, эъзозлаш тўғрисида...

Ҳамроевнинг бароқ қошлари чимирилиб кетди. Қаншарида кесишма чизиқлар ҳосил бўлди. Бир қўлини белига тираганча, иккинчи қўли билан соқоли олинмаган иягини «гирт-гирт» қаший бошлади. Кейин яна хотинига тикилди. Лекин Қумри эрининг кўзларидан ҳеч қандай маъно уқмагач, сўради:

— Қалай, зўрми фикрим, ўртоқ Ҳамроев?

— Унчалик зўрмас-у, жон борга ўхшаб турибди...

Ҳамроев қишлоқдаги уйларига таксида етиб борганида отаси қариялар билан жамоа хўжалиги боғига ток кўтаришга кетган экан. Ҳовлида хас-хашакларни йигиштираётган кенжа укасини жўнатди.

— Акам қайтмоқчийкан, тезроқ борармишсиз, дегин.

— Тайинламасанг ҳам, сени эшитса етиб келади, ҳаллослаб, — деди сӯриток остидаги чорпояга дастурхон ёзаётган онаси. — Ҳмм, нимага шошиляпсан, болам, тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик, иш кўп-да, буви.

— Ишинг улгур ҳеч озамайдиқан-да, а? Мундай, хотин, бола-чақангни опкелиб, бир кеча ётиб кетай демайсан. Яхшиям ун-ун икки чақирим жой... Ке, чой ичиб турайлик.

Ҳамроев индамади. Бувимга айтсамми-йўқми, деб иккиланарди. Чорпояга утирди.

— Буви, отам урушдан иккинчи группа инвалиди бўлиб келганман дермиди?

— Нимайди?

— Ўзим, шунчаки эсимга тушиб кетди.

— Ҳа, шунақа дериди.

— Пенсия олармиди?

— Ҳа, оларди шекилли.

— Қанча оларди, эсингизда йўқми?

— Йўқ.

— Кейин олмай қўйганми?

— Туманга бориб, комиссадан утиб туриш керак экан. Отангни уша пайтдаям бунақа дахмазаларга тоқати йугиди.

— Ҳозир уларнинг пенсияси ошиб кетган.

— Ким билади дейсан, мен яхши тушунмасам. Маҳаллада эшитиб, бир-икки айтиб кўрдим, қўл силтади-қўйди.

— Ўқ теккан жойлариям бор-а?

— Иккала қўймичида пиялани ўрнидай чуқурчалар бор, бир бало ўпириб кетган, дейди. Яна у ер-бу ерларида маккадай, мошдай асколкалар қолиб кетган, дейди. Онда-сонда безовтаям қилиб туради...

Бувиси айтгандай, Ҳамроевнинг отаси кўп ўтмай, куча дарвозасидан шитоб кириб келди. Ҳамроев ўрnidан ирғиб туриб, пешвоз чиқди... Отаси йўл-йўла-

кай енглари, елкалари тупроқ юқи қора тунини ечиб, сўриток устунига илди.

Қучоқлашиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашганча чорпояга келиб ўтиришди.

— Уканг «тез юраркансиз» деб борди, нима гап, тинчликми? — сўради чол.

— Тинчлик, ота, тинчлик. Бир гап чиқиб қолди... — Ҳамроев зимдан қариянинг кузига қаради.

— Хўш-хўш, гапиравер ўғлим, — деди ота оғзидаги луқмани апил-тапил ютиб.

— Ҳозир бувим билан ҳам гаплашиб ўтирувдик.

— Нимани? — бетоқатланди ота.

— Мана, Галабанинг катта байрами яқинлашяпти, — узоқдан гап бошлади Ҳамроев, — урушда қатнашганларнинг иззат-ҳурматини жуда жойига қўйишяпти. Сиз ҳам урушда булгансиз. Лекин менимча, буни кўпчилик билмайди.

— Кўпчилик билиб нима қилади? — сўради ота ўглининг муддаосига тушунмай, ошкора ажабланиб. — Нима демоқчисан ўзи?

— Мана, айтайлик, урушда қатнашганлардан кўпчилигининг сурати бор, сизники йўқ. Одамга таъсир қилмайдими?!

Ота индамай, қўлидаги пиёлани, бир ҳўплаб чойи билан ўгириб ўтираверди.

— Бир оғиз айтсангиз булмайдими?

— Кимга?

— Масалан, хўжалик раисига, ё қишлоқ совети раҳбарларига.

— Шунини мен айтишим керакми?

— Мен айтишим мумкин. Ҳужжатлар бордир, ахир? — деди Ҳамроев гапини мақсадга яқинлаштириб.

— Ҳамма гап шунда-да, ўғлим. Ҳужжатлар йўқолган.

Ҳамроевнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

- Йуқолган? Қачон? Қанақасига йуқолади?
- Шу ерга уй солиб кўчиб ўтганимизда.
- Ҳўҳ-ҳў, неччи йил булибдию... Тайинлироқ жойга қўймовдинларми?

– Ҳамма қоғозларни битта чорсига тугиб юрардим, – деди боядан бери индамай, суҳбатга қулоқ солиб ўтирган она. – Уйимиззи ўғри урган. Пул булса керак, деб уша тугунни олиб кетишган, балога йўлиққурлар.

– Кейин топилмаганми?

– Ўғри қайтариб опкелиб берармиди, – деди ота самимий жилмайиб.

– Йўқ, энди-да... – деди Ҳамроев хижолатомуз. – Сизда йуқолган булса туман марказида – ҳарбий комиссариатда, архивдами... Тиклашга уришиб кўрмаганмисиз?

– Бир бориб кўрганман. Топилмаган.

– Қачон?

– Ўн йилча бурун.

– Архивдаям, ҳарбий комиссариатдаям йўқ эканми?

– Йўқ экан, ёниб кетибди.

– Нима ёнади?

– Архив.

– Ҳамма ҳужжат ёниб кетган эканми?

– Ҳаммасимас, шекилли. Ишқилиб, меники топилмади-да.

– Бир бориб кўрмаймизми?

– Қаерга?

– Архивга, ҳарбий комиссариатга.

– Э, қўйсанг-чи, ўғлим. Бир иш чиқишига кўзим етмайди.

– Таваккал-да, ота, биздан нима кетяпти. Ҳозир неча сўм оляпсиз?

– Қирқ беш сўм.

– Урушга қатнашиб, жамоа хўжалигида эллик йил ишлаб оладиган пулингиз шуми? Нимага бунча оз?

— Мен пенсияга ўтадиган йиллари хўжалик пахта режасини бажармай, шунақа бупқоган.

— Агар иккинчи группангиз тикланса, юз сўм атрофида оласиз.

— Унинг учун югуриш керак, камисадан утиш керак.

— Нима қипти, ўтасиз, мана, мен бирга бораман, ёрдам бераман.

— Ҳозир соппа-соғман-ку, ўғлим.

— Уқ теккан жойларингиз бор-ку, баданингизда осколкалар қолган. Ҳозир янги қарорларга кура бирон жойида уқ изи бўлса ҳисоб экан... Ўтганлардан эшитдим.

— Э-э, қў-е, ўғлим? Орадан қирқ йил ўтиб, энди камисага бораманми? Бу — сен айтганчалик осон иш эмас. Камида қирқта чигириқдан ўтказишади, эшитган қулоққаям яхшимас, пул учун юрибди, дейишмайдим... Ҳеч кимдан каммасмиз. Манави укангни уйлаб олсак, бошқа каттароқ ташвишимиз йўқ. Сен — ўзингга тинчсан. Қўй, ўғлим.

— Гап фақат пулдами, ота?! Гап — қадр-қимматда! Одамлар билиши керак-да! Уч йил қон кечсангиз-у, бирон рўйхатда бўлмасангиз...

— Билганлар билади, ўғлим.

— Э, бу қайсар одам барибир бормайди, болам, бекорга овора бўласан, — деди айвонда, пастаккина курсида ўтириб пиёз тўғраётан она.

Ҳамроевнинг боши қотди.

— Майли, группамас-у, ҳеч бўлмаса урушда қатнашганингиз тўғрисидаги ҳужжатни тиклаб қўйсак зиён қилмасди, ота. Бизга, невараларингизгаям фойдаси тегарди...

Қария ўғлига қаттиқ тикилди.

— Сизларга қанақа фойдаси тегиши мумкин?

— Отамиз уруш қатнашчиси деб, бошни бемалол кўтариб юрамиз-да.

— Нима, ҳозир бошингни кўтаролмай қолдингми? — чол кампири томон ўгирилди. — Бунингни топган гапини қара, онаси?..

— Унақа демоқчимасдим, — дудуқланди Ҳамроев, лекин нима деб хаспушлашни ҳам билмасди. — Барибир қизиқ-да... Урушга борганингизни билса — бирикки тенг-тушингиз билар-да... — чайналди у. — Бирон жойда номингиз ёзилиб қолса, невараларингиз оппоқдадамиз урушда бўлган деб юришса, ёмонми?

Ота чойни бир ҳўплаб пиёлани бушатди-да, дастурхонга тўнкарди.

— Сен ўзи шу масалани ҳал қилгани келганми-сан?

Ҳамроев отасининг қиёфасидан унинг самимий сўраётганини ҳам, киноя қилаётганини ҳам тушунмай, бир зум нима дейишини билмай қолди. Ниҳоят:

— Боя айтдим-у, ўтириб-ўтириб, қадрингизни ўйлаб кетдим, — деди у овозига мулойим тус бериб. — Айниқса, қишлоқда уруш қатнашчиларининг суратини кўрганимдан кейин... Урушнинг охирида кетиб, ярим йўлдан қайтиб келганларниям сурати бор... Ўзимниям койидим... Шу пайтгача эсимга келмабди.

— Овқатланиб оламизми? — деди ота.

Ҳамроевга жон кирди.

— Овқат қочмас, ишимиз ўнгидан келиб қолса, қайтиб келиб девзирадан ош ермиз, — деди у аския қилгандай.

Қозонга ёғ қуяётган она ҳай-ҳайлаганча қолди.

Туман марказига бориш учун икки чақиримча наридаги қўшни қишлоқдан ўтадиган катта йўлга чиқиш керак эди.

Асосий масала гаплашиб бўлингани учун ота-бола энди бафуржа ҳол-аҳвол сўрашиб, шаҳар бозоридаги нарх-наволардан, қишлоқ турмушидан суҳбатлашиб кетишди.

Бекатда одам кўп эди. Туманлараро қатнайдиган автобус онда-сонда юрар, шунинг учун тиқилинч келиб, дам бекатдан анча нарига бориб тўхтар, дам мутлақо тўхтамай ўтиб кетар эди.

Аксига олиб ўша томонга юрадиган енгил машина ҳам кўринмасди.

— Мана, ота оламда йўл азобидан ёмон нарса йуқ. Бизниям тез-тез келиб тургимиз бор-у, шунисидан безиллаймиз-да, — Ҳамроев гапни машинага бурмоқчи бўлди-ю, яна тилини тийди. «Ҳали эрта» деб уйлади.

Иттифоқо, уларнинг ёнида бир «Москвич» тўхтади.

— Қани, ўтиринглар, — «Москвич» эгаси машинанинг орқа эшигини очди. Ҳамроев отасига қаради.

— Ўзи туманга борятувдингизми, Шамсиддин? — сўради ота.

— Ие, қизиқмисиз, Соли ака, — деди Шамсиддин. — Халилжон кучада машина пойлаб ўтирса, уятмасми? Ҳар замонда бир келадиган одам, меҳмондай гап...

«Ў, садағанг кетай-ей, бу ёғи келишгандан ҳам зиёда бўлди-ю» — уйлади Ҳамроев.

— Оббо, Халилжон-эй, чолдан бир хабар олай, дебсиз-да, — деди Шамсиддин газ педалини босаркан, елкаси оша орқага қараб. — Солижон акам ҳали бардам...

Шамсиддин йўл-йўлакай Ҳамроевга ҳамду сано ўқиб кетди: уни болаликдан таниб юриши, яхши фарзанднинг отага обрў келтириши, ота бундай қобил ўғил билан гурурланиши зарурлигини таъкидлаб, шундай ўқимишли ёшларнинг кўпайишига истак билдирди, уларга омонлик тилади.

«Бир балоси бор-ов» — уйлади Ҳамроев.

— Машина бузуқми, ё... — сўраб қолди бир пайт у яна Ҳамроевга ўгирилиб. Ҳамроев дафъатан нима деб жавоб қайтаришга ҳайрон бўлди.

— Келинингизнинг унчалик раъйи йуқ...

У шундай деди-ю, отасига зимдан қараб қуйди.

— Доно хотин экан, — деди Шамсиддин. — Бунақаси кам учрайди ҳозир. Буям булса — толеингиз...

Машина бир қаватли куримсизгина бино — «Архив» олдида тўхтади. Ҳамроев чўнтагини ковлаётган эди, Шамсиддин илло-билло, хафа буламан, деб қўймади.

— Ким у? — сўради Ҳамроев отасидан, машина орқасига оҳиста бурилиб, Шамсиддин қайта-қайта қуллуқ қилиб жўнаб кетгач.

— Араб қишлоқдан. Бир куни «угил унди битир-япти, Халилжонга ишониб турипмиз», деятувди... Ростданам машина олволсанг бўлмайдими?

«Ана энди мавриди келди», кўнглидан ўтказди Ҳамроев.

Лекин отаси сезгир одам, шубҳаланиб қолсачи? Биринчидан, ҳали ҳеч гап йуқ, буладими-бўлмайдими, номаълум. «Шу ниятда мени судраб юрипсанми?» деб отаси қаттиқ ранжиши, қўл силтаб қайтвориши ҳам мумкин.

— Энди ният қилиб турибмиз, — деди у бино эшигига қараб қўяркан.

— Ўзинг кириб чиқавер, — деди ота четроқдаги уриндиқ томон юрар экан.

— Сиз-чи?

— Мен утириб тураман.

— Сиз кирмасангиз қанақа булади?

— Аввал бир сўраб-суриштириб куравер-чи, керак бўлсам чақирасан, кираман. Лекин қаттиқ-қуруқ гапирма. Айб фақат улардамас.

Ҳамроев туппа-туғри бошлиқ қабулига кирди.

Бошлиқ — ўрта ёшлардаги, сийрак сочи яқиндагина олдирилган, юзи бужурроқ, бурни катта одам экан. У креслога суянганича қўлларини хиёл кўта-

рилиб турган қорнига чирмаштирган ҳолда хонанинг унғ бурчагига қўйилган «Юность» телевизорини куриб утирарди.

Ҳамроев гапни отасининг урушдан қандай келганидан бошлаб, ҳукуматимизнинг уларга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги билан якунлади.

Бошлиқ кўзи билан қулоғи телевизорда, бошини ликиллашиб утирди.

— Майли, айтаман, қараб кўришади, — деди ниҳоят иккала қўли билан ялтироқ стол четини чертаркан. Остонада буйдоргина (қаншарининг хиёл пастлигини ҳисобга олмаганда), келишган қиз пайдо бўлди.

— Манави домла бир илтимос билан келибди, — деди бошлиқ бошини хиёл кўтариб. — Наззорага бошлаб боринг, мени айтди денг, бир қараб берсин. Яхшилаб қарасин!

Қоши тўғри, лаблари юпқа, кўз қорачиқлари ўйнаб турган Наззора: «Бир зумда қараймиз», деди-да жигарранг столи тортмасидан четлари титилиб кетган катта дафтарни олди. У керакли жойни тезда топиб очди, ўзи айтгандай «бир зумда» қараб чиқди ва дафтарни «шап» эткизиб ёпди:

— Йўқ.

— Шуми? — ҳайрон булиб сўради Ҳамроев. — Бошқа дафтар йўқми?

— Йўқ.

— Бир туманнинг одами шу дафтарга сиққанми? Тушунмадим.

— Нимага тушунмайсиз, мулла ака? Архив ёниб кетган. Ёнганидан қолганларини рўйхат қилиб қўйганмиз.

— Ҳаммасини-я?

— Ҳаммасини.

— Демак, бошқа жойда бўлмайди, денг?

— Бизда йўқ.

— Яна қаердан суриштириш мумкин?

— Райсобесдан.

Анча ҳовуридан тушган Ҳамроев шалвираб, лекин аҳволини отасига сездирмасликни дилига туғиб, ташқарига чиқди. Қолаверса, ҳали умид узишга эрта. Ҳали энг асосий жой — ҳарбий комиссариат турибди. Уша ердан талаб қилиш мумкин...

Бу нима деган гап узи? Урушдан иккинчи группа инвалиди бўлиб қайтган одамнинг ҳужжати йўқолиб, номи учиб кетса-ю, ҳеч ким ҳеч нарса билмаса!

Нима гап бўлганини сезган ота «айтмадимми» дегандай қараш қилди, оёғи тортмайгина ўғлига эргашди.

— Бекор овора бўляпмиз-да, — деди у яна ижтимоий таъминот идораси ҳовлисида қоларкан.

Бу ердан ҳам ҳеч гап чиқмади. Ҳамроев бушашиб орқасига қайтди.

Ота бир четдаги суянчиги йўқ, иккита билакдай тахтачадан иборат ўриндиқда бошини кўкрагига солинтирганча, тирсақларини тиззаларига тираб мудрарди. Ҳамроевнинг кўзига у афтодаҳол одамдай кўриниб кетди. «Чакки қиляпман шекилли-да, ростданам бир гап чиқиши даргумонга ухшайди. Агар ҳарбий комиссариатдан ҳам ҳеч қанақа маълумот топилмаса, тамом, яна Қўмрининг тили узун бўлади. Отам-ку, неча марта «қўй, ўғлим», деди-я... Йўқ, ҳали сўнгги умид бор, — асосий умид!»

Пешонасининг тепа қисми ва жағининг учи хиёл ташқарига ўсиб, қаншари, бурни ичкарироқда қолган майор архивлардагиларни бепарволикда айблаб, қимматли ҳужжатларнинг йўқолиб кетганига афсусланди. Буларга ҳеч қандай амалий ёрдам бера олмагани учун узр айтди.

— Наҳотки ҳужжатларни архивга топширишда ақалли биронта дафтарга қайд этиб қўйилмаса? — деди Ҳамроев узини босишга тиришиб.

— Архивга топширишнинг қонун-қоидаси шунақа бўлса нима қилайлик, уртоқ гражданин.

— Турт сўм пул олиш учун саккизта қоғоз тўлдирилади-ку.

— Сиз бизни бухгалтерия идоралари билан адаштиряпсиз, уртоқ гражданин. Мен аҳволингизни тушуниб турибман, лекин начора. Унглаб бўлмайдиган хато, номаъқулчилик юз берган. Кейин менга бекор таъна қилияпсиз, у вақтда мен бу ерда ишламасдим.

— Тавба, тавба! Миллион-миллион йил илгариги нарсалар, қоғозлар, ҳужжатлар топиляпти-ю, шундай муҳим ҳужжатлар қирқ йилга етмаса...

— Фалокат-да, фалокат, уртоқ гражданин, бунақа бўлиши бировнинг хаёлига келган дейсизми... Илгариги замонларда электр бўлмаган. Ҳозир ана шу электр деган балодан ўт чиқиб, қанча-қанча кутубхоналар, музейлар ёниб кетяпти-ю, битта тумanning архиви нима деган гап? Аслида-ку, бу ҳеч қандай бахтсизлик билан тенглаштириб бўлмайдиган фожа. Айбдорни жойида майдалашга арзийдиган йўқотиш. Лекин атай қилишмаган, қолаверса, улар аллақачон бошқа ишларга ўтиб кетишган. Афсуски, ишдан бушатишни қаттиқ жазо ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, биров ишсиз қолмайдиган бизнинг мамлакатимизда бу жазо айбдор учун лотереясига ютуқ чиққандай гап.

— Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, уртоқ майор! Бир одам бир неча йил қон кечиб, яримжон ҳолда қайтса-ю!..

— Ўйлаб кўрганман, уртоқ гражданин, кўп ўйлайман, лекин бефойда, ҳеч нарса ўзгармайди. Қолаверса, отангиздаям айб бор. Агар ҳарбий билетга, ўз тақдири учун катта аҳамиятга молик тарихий ҳужжатларга жиддий муносабатда бўлганида, аввало, уларни йўқотмас эди. Агар йўқотмаганда ҳеч

қанақа муаммо йўқ эди. Ҳозир иккаламиз бунақа қизаришиб турмаган бўлардик.

— Қисқаси, тиклашнинг иложи йўқ, денг!

— Бор иложи.

— Қандай? — Ҳамроевнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Бир варианты бор — агар отангиз ётган госпитал номерини билса, ақалли жойлашган ерини тахминан, маълум белгилар асосида тасвирлаб беролса, Ленинграддаги ҳарбий музейга мурожаат қилиб кўриш мумкин. Лекин бунга кафилик бериш қийин, шунақа хатларимизга аксарият топилмади, деган жавоб оламиз. Чунки бизнинг ўзбекларни биласиз-ку, айниқса, у пайтда жудаям содда эди, тирик қолганимга шукур деб, бошқа ҳеч нарса билан иши бўлмаган. Номидан хат ёзаётганларимизнинг кўпчилиги фронтда бўлган жойларини, ё даволанган госпиталининг ақалли битта характерли белгисини эслаб қололмаган. Ҳаммаси ҳавойи гаплар: «катта кўчанинг бўйида, икки қаватли олди ромли бино эди, икки-уч чақирим нарида мурча ё бозорча бор эди», деган чучмал сифатлардан нарига ўтишмайди. Бунақа белгиларни Россия, Украинанинг ўша пайтдаги ҳамма шаҳар ва қишлоқлари тўғрисида ҳеч иккиланмай айтавериш мумкин. Бунақа жойларнинг юздан тўқсон тўққизтаси вайрон бўлиб, изиям, ўрниям қолмаган.

— Бошқа варианты-чи? — сўради бетоқланиб.

— Бошқа варианты — комиссия. Агар баданида чиндан ўқ изи бўлса...

— Снаряд парчалари ўпириб кетган-ку!

— Ўша ўпирилган жойга қараб... лекин қийин. Чунки ўша жароҳат меҳнат қобилиятини тўла ё ярим йўқотган, деган хулосага асос бўла олиши керак.

— «Уруш қатнашчиси» деган қоғоз бўлсаям майлийди...

— Буни қилса бўлади. Отангиз қани ўзи?

— Ҳовлида ўтирибди.

Майор курсидан туриб, дераза ёнига борди. Ташқарига бир оз қараб турди.

— Шу пайтгача бизга келмаганмиди?

— Ўн йилча бурун бир суриштирган экан.

— Госпиталда қанча ётган дедингиз?

— Ҳаммаси бўлиб тўрт ойга яқин. Етти марта жангга кирган экан...

— Қаранг, қандай ажойиб одамларимиз бор-а...

— Маслаҳатларингиз учун катта раҳмат, ўртоқ майор, — деди Ҳамроев. Унинг боши говлай бошлаганди.

— Ҳай, айтгандай, ўртоқ гражданин, комиссия ойда икки марта бўлади. Истасангиз комиссия расига қўнғироқ қилиб айтишим мумкин. Олдиндан бир суҳбат ўтказилса ҳам бўлади. Чунки бу жиддий масала.

— Ҳозирнинг ўзидами?

— Ҳа, ҳозирнинг ўзида.

— Яхши бўларди...

— Унда сизлар поликлиникага ўтиб бораверинглар. Бош врачга кирасизлар — Соатов. Яхши одам. Ҳозир ўзида. Яқинда гаплашувдик. Ўйлайманки, ишларингиз ўнгидан келади. — Майор дераза рафида турган қизил аппарат дастагини кутариб, номер тера бошлади.

Ҳамроев остонага чиқиши билан ўтган-кетганга анграйиб ўтирган отаси шошилмай ўрнидан турди.

— Кетдикми, ўғлим, жуда қийналдинг, — деди чол чамаси ўғлининг кўзига қарашга ийманиб, дўпписига қўнган чангларни қоқаркан.

Ҳамроев қизариб-бузариб, тутилиб, майорнинг маслаҳатларини айтди.

— Фойдаси йўқ, ўғлим. Бекор хуноб бўлганинг қолади. Мана, уруш тугаганига қирқ йилдан ошди.

Ҳали биров «урушга қатнашмаган экансиз» деб таъна қилгани йуқ. Сен ҳам хавотирланма.

— Комиссия раисига бир кириб курсакмикан? Зора...

— Йуқ, углим, сен комисса қанақа бўлишини билмайсан. Беш-унта одам ечинтириб, майна қилгандай, ҳаммаёгингни бир четдан куриқдан утказишади. Уқ изиниям роса текширишади. «Ростдан урушда текканми бу уқ?» деб ҳам сўрашади...

— Ётган госпиталингизни эслолмайсизми, ота? — яна юрак ютиб сўради Ҳамроев илинжлардан ҳамон воз кечолмай.

— Э, қаёқда дейсан? У пайтда кузимга госпиталнинг номери куринармиди. Унинг устига, энди битта госпиталга кирганимизда «Гумм!» этади-ю, инқиллатиб бошқа жойга олиб кетишади...

— Хизмат қилган ҳарбий қисмингизнинг номериниям билмайсиз-да, а?

— Э, қизиқ гапни гапирасан-э, углим... Урушда энгдик. Омон қолганлар қолди. Улмасак нафақа беришади, деб урушга кирибмизми? Умуман, тан-жони соғ одамга нафақанинг нима кераги бор?! Қариб, ишга ярамай қолганда бошқа гап...

Ҳамроевнинг олдида энди битта ташвиш қолди. У хотинига нима деб боришини уйларди.

1990 й.

НОТАНИШ ГҮЛ

Уқишни битириб бир йилча ишловдим. Бошим огрийдиган бўлиб қолди. Бу — қон босимим ошганидан далолат эди. Олти йил муқаддам университетга киришда шундай бўлган. Узиям, жонимни жабборга берворганман-да ўшанда. Шундай қилмасликнинг иложиям йуқ эди. Қишлоқдан жунашимда одамлар нималар дейишмаган...

— Отаси қўнгиз отмаган-у, боласи тўнгиз отмоқчи...

— Ҳе, сен кимингга ишониб кетяпсан ўзи?

— Бел бақувват бўлиши керак, укам, бел. Бунинг учун қизил, кўк ялтироқ қоғозлардан ўрама белбоғ бойлаш керак...

Кечасио кундузи ўқидим. Миям ёрилиб кетай-ёрилиб кетай дерди. Тақир қирдирилган бошимни муздай сувга пишиб-пишиб, яна сатрлар, саҳифалар қатига шўнгирдим. Аввал, икки чаккам ўқтин-ўқтин зирқираб юрди. Аҳамият бермадим. Кейин оғриқ тез-тез қайталаниб турадиган бўлиб қолди. Врачга анальгини цитрамонларнинг кор қилмаётганини айтган эдим, у астойдил текшира бошлади.

— Мумкин эмас! — хитоб қилди тухумсимон бошининг ўртасида яккам-дуккам сочи қолган кекса доктор.

— Қон босимингиз ошибди, — деди у яна. — Тавба! Ҳалитдан-а... Жудаям барвақт. Нима, асаб чатоқми?

— Унчаликмас, доктор, — жавоб бердим. Мен у пайтда қон босими нима эканлигини билмасдим.

— Уйқу қалай, уйқу?

Мен тўгрисини гапирдим. Доктор тутақиб кетди.

— Мана, кўрдингизми! Ҳамма бало шунда! Сиз ёшлар режимни, тиббиётнинг оддий қонуниятини билмайсиз, билсангиз ҳам қўл силтайсиз! Режим, тартиб бузилиши натижасида инсон организмидаги бир аъзо ёки тўқима заифлашиб, иккинчи бири зўриқади. Оқибатда умумий мувозанат издан чиқади. Дунё ҳам, тириклик ҳам мувозанат асосига қурилган, укам.

Мен «ахир, инсон автоматмас-ку», демоқчи бўлдим-у, индамадим. Доктор бир талай дори-дармонларга қоғоз ёзиб берди, нима еб, нима ичишим кераклигини ўқтирди, режимга қатъий риоя қилишни қайта-қайта тайинлади.

— Энг муҳими, — таъкидлади у, — Қон босимим бор, деб уйлайверманг. Бу фикрни миянгиздан бутунлай чиқариб ташланг, қувноқ юришга ҳаракат қилинг.

Беғам, қувноқ бўлиш фақат инсоннинг ўзига боғлиқми?

Ўқишга тушиб кетдик. Икки ойга яқин пахтада бўлдик. Чигирткалар чириллаб, сойлар ёқимли шовуллаб турадиган кенг далаларнинг ўзига хос латофати ва сирли оқшомлардаги ўйин-кулги, ҳар турли кечалар, рақслар, қизлар... этаги пастак адирларга туташ бетутун лозазор осмонга термилиб ширин ҳаёл суришлар ва ниҳоят чарчоқ гашти билан донг қотиб ухлашлар таъсир қилдими ё бошқа сабабми, пахтадан қайтиб келганимда қон босимимдан асар ҳам қолмаган эди.

Мана олти йилдан сўнг яна кутарилибди. Тугриси, бунга тагин уйқусизлик (газетачи асосан тунда ишлайди-да) сабаб бўлди, шекилли.

Яна бир дунё қоғоз, ўгитлар, тавсиялар...

Мен ҳаб дорилар ёрдамида даволанишдан воз кечдим. Чунки ички аъзоларим уларни яхши ҳазм қилмайди: бош оғриғига бирон нима ичсам, дам ўтмай қорним мижий бошлайди. Қолаверса, ҳар доим чўнтакда дори-дармон олиб юриш — омонат яшашдан, тиббий бангиликдан бошқа нарса эмас.

Кўпчилик маслаҳатига кўра оқар сувда муолажа қилишни маъқул топдим.

Илгарилари Гагарин хиёбонидан ўтиб қолсам, Тошкентни қоқ иккига ёриб оқадиган Анҳорнинг «морж»ларга мўлжалланган махсус жойида чўмлаётганларга ҳавасим келарди. Айниқса, соҳилда ялангоч, ялангоёқ қор кечиб юрганларнинг иродаси, жасоратига қойил қолардим.

Августнинг охирлари. Носранг сув ҳорғин ва оҳиста оқарди. Бандининг ожизлиги туфайли кузнинг

элчи шабадасига ҳам қаршилиқ кўрсата олмаган, ҳали бутунлай саргайиб улгурмаган яккам-дуккам чинор, акас япроқлари сув бетида билинар-билинемас қалқиб борарди.

Сувда барг кўрсам «ариқ бўйида ўлтириб, умр утишига сол назар», деган ҳикмат ёдимга тушади. Япроққа тикилганча, бутун вужудим, идроким ташқи, моддий оламдан тамом узилиб, киприк қоқмай туриб қоламан. Назаримда баргга кўкламда жон, ранг, умр ато қилган оби ҳаёт энди уни елкасида авайлаб, сўнгги йўлга жимгина олиб кетаётгандай...

Соҳилда анчагина одам бор эди. Мени бошқача куз билан кузатаётганларни фаҳмлаб қолдим. Кейин билсам, улар соҳилнинг доимий «мижоз»ларидан бўлиб, янги келган одамни ўзларича муҳокама қилишар экан.

Табиийки мен ҳам «морж»ларга қизиқсиниб қарардим. Энг аввало, калта қирқтирилган мошгучруч, сийрак сочини ёш йигитчалардай пешанасига тушириб, ўнг томонга тараган, бурни япасқи, лекин узун ияги чўзинчоқ, худди юзига мослашгандай осилган қорни лўла болишни эслатувчи қария эътиборимни тортди. У соҳилда у ёқдан-бу ёққа ўрдакка ўхшаб юрар, қўшқўллаб қорнини кўтариб-кўтариб қўярди. Анҳорга терс қўйилган ўтиргичда орқасини офтобга тоблаб суҳбатлашиб ўтиришган икки аёлдан бирининг қиёфаси, кўриниши янада гаройиб эди. Эллиқ ёшлардаги бу хотин ниҳоятда дароз эди. Унинг айрим ташқи аъзолари бир қарашда гуё мутаносиб: манглайи кенг, қоши энлик, кўзлари йирик, яноқлари, бақбақаси килкиллаган, сузмали халтадай сийнабанди чокларидан ситилай-ситилай деб турибди, оёқлари ингичка, бошининг ўртасида анжир шафтоли шаклида турмаклаб олган борми-йўқ сочи омонат ўрнатиб қўйилгандай, сал қимирласа тушиб кетадигандай туюларди. Ёнидаги қизғиш сочлари

пахмоқ, соққаси кичкина кузларининг атрофи серажин жувон шеригининг акси: ориқ, этсиз юз тузилиши ихчам, лекин қул-оёқлари беухшовроқ эди. Кузларининг уйноқлиги, овозининг жарангидан унинг ҳали ёшликка даъвогарлигини, ҳуда-беҳуда хандон отиб кулишидан кўримсизлигини қувноқлик пардаси билан ниқоблашга ҳаракат қилаётганини пайқаш қийин эмас эди.

Бир оздан сунг уларнинг мен билан иши бўлмай қолди. Мен ҳамон оёқларимни сувга солганча силлиқ тош зинада утирар, ўрганмаганим учунми, чўмилмоқчи бўлганим ва ҳозирги ҳолатим ўзимга эриш туюлар эди... Ниҳоят таваккал қилиб шўнгидим. Оҳ, нақадар маза, роҳатижон! Илиқ, ёқимли сув гуё баданимни силаб-сийпалаётгандай, эркалатаётгандек. Сувнинг шу қадар ҳузурбахшлигини унутиб юбораёзган эканман. Шундагина мен анча йиллардан бери оқин сувда мириқиб чўмилмаганимни эсладим. Югур-югур, вақтни қизганиш... Дам олиш кунларининг уз ташвишлари бор: бозор-ўчар, борди-келди дегандек... Чумилишга фурсату имкон қайда! Хаёлимда қишлоғимиз чеккасидан ўтадиган Қорасув анҳори, туқайзордаги Катта кечик, Кичик кечик деб аталувчи чумиладиган ҳавзалар жонланиб, жимир-жимир қила бошлади. Ҳар куни мактабдан чиқибоқ, у ерга югурардик. Кечиклар болалар билан тўлиб кетарди, қий-чув, тўполон. Ким кимни сувга пишган, кимнингдир уст-бошини яшириб қўйишган... Қоронги тушгунча аҳвол шу эди. Кўпларнинг отаси ёки онаси хипчин билан ҳайдаб кетишарди. Ўша пайтларда болаларга иш йўқмидийкин? Энди у ариқлар ҳам, туқайлар ҳам йўқ, ўрни пахтазорга айлантирилган...

Бу хаёлларни қувишга ҳарчанд ҳаракат қилмайин, тубидаги оппоқ тошлари кўриниб турган тиниқ, мовий тусдаги сув кўз олдимдан кетмасди. Чун-

ки мен ҳозир анҳорда қушдай енгил тортиб, яйраб сузар эканман, бир неча лаҳзага булсин, болалигимга қайтган эдим. Шунча йилдан бери табиатнинг бу бебаҳо неъматидан, дунёнинг фарогатидан бебаҳра юрганымдан афсусланардим. Айни чоғда оқар сувнинг шифобахш хосиятини тиббиётчилар ҳам яхши билишади-ю, унча аҳамият беришмаса керак, деган фикр миямда гимирларди. Болалигимда бир баҳор ҳамма ёгимга яра тошиб кетди. Ичиладиган, суртиладиган дорилар наф бермагач, отам бир куни эрта-лаб мени Қорасувга етаклаб борди-да, муздай сувда зурлаб чумилтирди. Ўшанда уйга дағ-дағ қалтираб, йиглаб қайтдим. Онам ҳам: «Нима қилганингиз бу, ҳали қишнинг заҳри кетгани йўқ, қош қўяман деб, кўз чиқарасиз-ку» деб койинди. Отам парво қилмади. Ҳиқиллаб юриб, бир ҳафта чумилдим. Кўзимни чирт юмиб бир калла ташлайману, илон чаққандай жон ҳалпида қиргоққа тармашаман... Яралар секин-аста кўчиб туша бошлади, йигирма кун деганда баданимда фақат хол-хол қизгиш доғларгина қолди.

У пайтларда деярли битта трусиди, яланг юрардик. Офтобда қорайиб жизганагимиз чиқар, қизиган тупроқ товонларимизни куйдирса ҳам «пах-пах»лаб, оёқларимизни кўтариб-кўтариб босиб, тез-тез қадам ташлаб кетаверардик... Айтгандай, аҳолиси икки миллиондан зиёд бу шаҳри азимда шу анҳордан бўлак чўмиладиган каттароқ ариқ ё ҳовуз бормиди, деб ўйлаб кетаман. Қизиқ, шунча одам умр бўйи фақат ҳаммомда, ванна ё тогораларда чўмилишармикин? (Ўзинг-чи, дегани одам йўқ.) Катталар-ку майли, болалар-чи? Эсиз, минг-минглаб болалар, ўсмирлар қулоч отиб сузиш гаштини билишмайди, бир-бирларини сувга пишиб, шўнгиб қочишмайди, еру кўкни бошларига кўтаришиб қийқиришмайди, баданларини қуёшга тоблаб ётишмайди...

Қарама-қарши ўйлар, турфа хаёллар ҳам шу кеча қониқиб ухлашимга халал бермади. Мудом эзиб юра-

диган курунмас огир юкдан халос бўлгандек, узимни энгил ҳис этардим, димогим чоғ эди. Эртасига соат ун икки бўлишини сабрсизлик билан кутдим (тушлик вақтим ҳисобидан чўмиламан-да).

Яна янги чўмилувчилар пайдо бўлган эди. Қирқ ёшлардаги, бадани қоп-қора, кўзлари чақчайган, қаримсиқ аёл шундоққина ҳамманинг кўзи унгида сувга кўкси баравар тушди-да, қора лас сийнабандини бемалол ечиб, қиргоққа, қари тол тагида тартибсиз сочилиб ётган кийимлари устига ирғитди. Буришиб осилиб кетган кўкракларини тезроқ сув остига яширишни, афтидан, хаёлигаям келтирмасди...

Сувга тушгим келмай, соҳилдагилар даврасига яқинлашдим...

— ...тунов куни бозорда, — гапида давом этди семиз, кўкракдор аёл менга бир қараб олгач овозини пасайтириб, — бир дона тухумни ўттиз тийин деб утиришибди! Тепамда Худо! Ёқамни ушлаб қопман. Эски пулга уч сўм, ундан олдингисига ўттиз сўм-а! Уруш вақтидаям бунчалик бўлганмас. Ҳай, ноинсоф, мунча ҳаддингдан ошмасанг, сал пастроқ туш, ўзинг туғиб чиққан булсанг ҳам, дейдиган одам йўқ. Олганлар сўкиниб-сўкиниб кетишяпти. Парвосига келтиришмайди.

— Уруш вақтини... қўйинг, отам замонидаги... гапларни, — деди докадай юпқа оқ труси кийган, бу етмагандай боядан бери уч-тўрт қадамгина нарида қуёш томонга қараб аргимчоқ ўйнаётган йигирма етти-йигирма саккиз ёшлардаги тор елка, кенг думбали йигит. Ҳамма ўша тарафга ўгирилди. Ўзига эътиборни жалб этганидан мамнун йигит ҳамон ҳансираганча, сўзларни бўлиб-бўлиб давом этди: — Ун тийинлик... бензин... Қирқ тийинга... йигирма беш тийинлик... лезвие... бир ярим сўмга... чиқдию... тухум, ҳар қалай, овқат...

— Қимматлашмаган нима қолди ўзи? — деди бақалоқ чол унга-бунга жаланглаб.

— Одам... — йигит анча ҳозиржавоб экан.

Мени даврага олишди. Ўзларини таништиришди. Соҳилда «Моржлар жамияти» тузилган (шу ерда яна бояги йигит луқма ташлади: асли, «Беморлар жамияти» эди-ю, қулоққа хунук эшитилади, деб узгартиришди-да... Бу гап, тўгриси менга наша қилди, анчагача эслаб-эслаб, кулиб юрдим, кейин эса ўз кулгиларимдан кўнглим хижил тортди), бақалоқ чол (Гриша амаки) унинг янги сайланган президенти экан. У ва Александра Петровна (семиз, кўкракдор аёл) қон босимини, пахмоқ соч (Алла Якобсон) радикалитини даволаш учун чўмилишаркан. Қирғоқдаги асфальт йўлакда лўкиллаб чопаётган кишининг ёши олтмиш еттидалигини айтишганда, ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Баданида деярли тириш йўқ, териси тоза ва таранг бу одамни эликларга боргану сочи эрта оқариб кетибди-да, деб ўйлабман. Бир вақтлар икки марта инфаркт бўлган, дейишди. Ўн етти йилдан бери қишин-ёзин чўмиларкан. Ҳозир ўзи пенсияда экан. Балиқдай яланғоч сузаётган бояги аёл ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Гриша амаки менга қўл силтади:

— Парво қилманг, қон босими ҳозир кимда йўқ, дейсиз. Бу аср касали. Умуман, ҳамма касал...

Шу кун мен учун огирроқ ўтди. Сув бўйига даво, ором излаб келсанг-у, нуқул нарх-наво, турли дардлар ҳақидаги гаплар баттар эзиб, зада қилса...

Бир неча кун «Морж»лар машварати»га аралашмай, чеккароқда чўмилиб юрдим.

Чўмилувчилар борган сари кўпайиб, Анҳорнинг тепаси ва этак томонларидаги тахминий чегараларни аллақачон бузиб ўтишган эди. Мен холи жой истаб, кундан-кунга юқорига жилиб, Анҳорнинг энг серқатнов кўпригигача, шаҳарнинг гавжум даҳасига

яқинлашиб қолгандим. (Азалдан кўпчиликка тоқатим йуқ эди.) Мабодо, «моржлар жамияти» кенгайиб, мени қувиб бораверса, нима қиламан, деб бошим қотарди. Асли сув тиниқ эмас, бунинг устига... ҳар хил касали борлар билан бир жойда чумилгим келмасди...

Кунларнинг бирида... Анҳор ёқалаб соҳилга яқинлашар эканман, «морж»лар паккасидан анча берида, шундоққина сув лабидаги яқиндагина текис арраланган тол тўнкасида ёлғиз ўтирган қизга нигоҳим тушди-ю, беихтиёр секинлашдим. У Кайдалов суратини чизган Лайлининг нақ қувноқ тимсоли эди. Ўтирган ҳолатда ҳам қадди-қомати ярқ этиб кўзга ташланар, айниқса, чалиштириб олган оёқлари болдир деган мана бунақа бўлади, деяётгандай эди. Олдинги Шарқ қизлариникидай иккита қилиб ўрилган сочлари орқасига турмакланганди. Хушбичим, мўъжаз сийналари ярим очиқ ҳолда, тортинмай утириши, баданининг бениҳоя оппоқлигига қараб шимол ёқлардан келган, деб тахминлаш мумкин эди. Чеҳрасидаги илиқлик, дум-думалоқ, тиниқ, фируза қорачиқларида ловуллаётган ёлқин аъзойи баданини яллиғлантираётгандек эди.

Қиз олдидан утар эканман, биринчи бўлиб салом берганида хижолатдан қизарганимни туйдим. Эшитилар-эшитилмас алик олдим у тезладим.

Апил-тапил ечиниб, ўзимни сувга отдим-да, ихтиёримни оқимга топширдим. Оқим мени «сув париси» томон олиб борарди. Бироқ, ёнгинасидан утаётганимда ҳам у мени сезмади ё эътибор бермади. Сувни қаттиқроқ чопиратиб суза бошладим, ҳатто сув томчилари сескантирса ҳам қиз қайрилиб қарамади. Соҳилга чиқиб у ёқдан-бу ёққа лўкиллаб югура бошладим. Ўзимнинг беўхшов ҳаракатларим билан ҳаммани қойил қолдирадигандай, пойма-пой жисмоний машқлар қилдим. Қиз эса, ҳамон ажиб

бир маъсумона сукут сақлар, шунчаки қуёшда тоб-ланиб ўтирибдими, хаёл суряптими — аниқлаш қийин эди. Ҳаммасидан ҳам бошқаларнинг унга парво қилмаётгани мени кўпроқ таажжубга соларди. Наҳотки одамлар гўзалликка нисбатан шунчалик лоқайд бўлишса!

Шу куни соҳилда одатдагидан кўпроқ тенти-раб юрдим. Шунча вақт ичида (қарийб бир соат!) қиз ўтирган ўрнидан қўзгалиб ҳам қўймади! Сабртоқатига, бардошига офарин-э!

Уни кўп уйладим. Оёқларини чалиштириб, назокат билан сезилар-сезилмас жилмайиб (у асли кул-маса ҳам, азбаройи истараси иссиқлигиданми, табас-сум қилаётганга ўхшаб кўринарди, чамамда) ўтирган қиёфаси куз унгимдан кетмасди.

Журъатсизлик қилдим-да. Қиз бола жони билан ўзи салом берувди-я. Ҳе, ландавур, дейман ўзимга ўзим. Ёзувчилар ё тажрибали ошиқлар таъбири билан айтганда ажойиб бир «саргузашт-роман» бошланиб кетармиди...

Бир ҳисобда яхши бўлди. Балки эрта-индин юртига жўнаб кетар, мабодо икки огиз ширин сўзига илиниб, боғланиб қолсам... Эҳтимол, бугуноқ йўлга чиққандир, балки эртага соҳилга ҳам келмас...

Бироқ... эртасига у ўз жойида, айнан кечаги ҳолатда ўтирарди.

Саросимага тушганимни сездирмаслигим керак эди...

— Салом, сув париси!

— Кеч келдингиз-ку, бугун?

Чиндан ҳам ишхонада бир оз ушланиб қолиб, кечадан йигирма минутча кечиккандим. Имкониётдан фойдаланиб ҳазил қилдим:

— Эрта келганингиз билан барибир ўтирибсиз-ку. Кечаям сувга тушмовдингиз.

— Қаёқдан биласиз, балки сиз кетгандан кейин чўмилгандирман. Қоидаси ўзи шунақа-ку, аввал бадан қуёшда тобланади.

— Бугун ҳам...

— Эҳтимол... эҳтимол умуман чўмилмасман.

— Тоза қизиқ қиз экансиз-ку. Бундан чиқди, бу ерга фақат офтобшувоқ учун келаркансиз-да?

— Топдингиз.

— Демак, сувдаги эмас, соҳилдаги сув париси.

— Худди ўзи.

Қиз яшнаб кулди.

«Сув париси»нинг зериккани, суҳбатдошга муҳтожлиги аниқ эди. Полина Минскдан келибди. Бу ерда холаси бор экан: Тошкент зилзиласи пайтида инженер угли билан келиб, шу ерда яшаб қолишибди. Жиянини кўпдан бери Ўзбекистонни кўришга қистаркану Полинанинг вақти булмас экан. Бу йил кутилмаганда унинг даволовчи врачлари серқуёш республикаларнинг бирида дам олишни тавсия қилибди. Баданида ультрабинафша нурлар, аниқроғи қуёш нурлари камайиб кетганмиш.

— Қалай, Ўзбекистонимиз ёқдими сизга?

Полина елкасини қисиб, бироз иккиланиб турди.

— Таърифини кўп эшитганман. Холам ҳам икки гапининг бирида Тошкентни мақтарди. Назаримда биз томондан катта фарқи йуқдай.

— Наҳотки?!

Овозимнинг томогимни қириб ўтганини сезган Полина сал қизарди.

— Жаҳлингиз чиқмасин. Фикримни ҳозир изоҳлаб бераман сизга. — Қизнинг товуши тобора майинлашарди. — Тўғри, сизларнинг энг бебаҳо бойлигингиз қуёш, ҳарорат. Шунинг учун ҳам... чанг кўп экан. Чанг — саломатлик кушандаси.

— Ахборотингиз учун бизда «қуёшга қараган ҳовлига табиб кирмайди», деган нақл бор.

— У ерда «табиб» дейилган, «врач» эмас, кейин «ҳовли», «дом»мас...

— Нима фарқи бор?

— Фарқи катта. Табиб бир вақтлар булган, сизнинг таъбирингиз билан айтганда, бир қаватли уйлар қуёшга қаратиб солинадиган замонларда. Ҳозирчи, мана, Тошкентни олиб кўрайлик, хўш, сиз бу ерда неча фойиз уй-жой қуёшга қаратиб солинган, деб ҳисоблайсиз?

— Ҳозир бунинг иложи йўқ-да. Одам купайиб кетган. Шаҳар шароити... Қолаверса, у нақлни сўзма-сўз ҳам тушунмаслик керак-да.

— Гапингиз тўғри. Одам кўп. Шаҳар шароити. Бош режа... Бош режани мослаштира бўлади-ю, лойиҳачилар қуёшни эмас, «оригинал» бўлишни, кўпроқ одам жойлашни, мукофотни ўйлашади. Лекин, гап фақат бундагинамас. Қишлоқларда-чи?.. Демоқчиманки, қуёшнинг ўзи билангина иш битмайди. Чунки ҳар қандай ижобий нарсанинг маълум даражада салбий хусусияти ҳам булишлиги аниқ, шу жумладан, қуёшнинг ҳам.

— Айбга буюрмайсиз...

— Маҳмадоналигим жонингизга тегди, шекилли. Узингиз гап очдингиз-да. Бас қилишим мумкин.

— Қанақа қиз билан суҳбатлашаётганимни билгим келувди.

— Ҳар қалай, сиз таърифлаган сув парисидан каттароқман. Фармацевтика институтини тугатганимга икки йил бўлди.

— Э, гап бу ёқда денг. Унда сиз билан мунозара қилиш учун менга йўл бўлсин!

— Нега энди? Унчаликмас. Хўш, суҳбатни давом эттираммизми? Қўйинг, яхшиси бугунча тўхтайлик. Сиз энди чўмилинг. Ишга боришингиз керак. Мени деб гап эшитиб юрманг яна. Ихтиёримизда ҳали

бир неча кун бор, баҳслашиб улгурамыз. Умуман олганда икки киши уртасидаги баҳс осонликча ҳал бўлмайди-я.

— Ҳар қалай учинчи одамнинг аралашмагани маъқул.

— Учинчиси ортиқча, демоқчисиз-да?

— Ҳа, албатта...

Полина эртасига яна уз паккасида мени илиқ та-бассум билан кутиб олди. Қул бериб сурашдик. Мен унга икки дона жоноқи олма олиб келгандим.

— Ўзбекистонимиз қуёшида пишган мевадан та-тиб қўй, дебсиз-да. Бунақасидан биздаям бор, фақат таъми булакчароқ.

Биз энди анча қадрдонлашиб қолгандик. Соҳил буйлаб ёнма-ён юриб суҳбатлашар эканмиз, қанча ҳаракат қилмайин, Полинанинг қуёш таъсироти-да секин-аста оч пушти тус ола бошлаган баданига, бенуқсон қоматига тез-тез ўгринча қараб қўйишдан ўзимни тия олмасдим.

— Ҳалиям йигитларингизнинг назари оч экан, — Полина бошини мен томон хиёл буриб, кузларимга сирли синовчан тикилди. — Одамга бирам галати қарашадики... Бу ҳам қуёш ҳарорати туфайлими?

— Гўзалликни қадрлашади-да, — дедим вазиятни ҳазил билан хаспўшлаш учун.

— Ҳо, бошқалар қадрлашмас эканми?

— Уларнинг кўзи тўйиб қолган.

— Сизларники-чи?

— Ҳамма ёмон кўз билан қарайвермайди-ку, тўг-рими? Қолаверса, табиат гўзалликни фақат қиз-ларнинг ўзи учунгина ато этмайди...

— Унда, айтинг-чи, сизнинг севган қизингизга ҳамма қарайверса, майлими? Ахир, кимнинг қандай маънода тикилаётганини пайқаш қийин-ку.

Мен елка қисдим.

— Демак, рашк қиласиз, қизғонасиз?

— Бизда қуполроқ мақол юради: «Ит ҳам ўз ялогини қуриб олади».

Полина тўхтаб менга угирилди. Бир лаҳза тикилишиб қолдик. Унинг қорачиқларида нимадир «ялт» этгандай бўлди. Нималигини аниқлаб улгурмасимдан у нигоҳини олиб қочди.

— Анави қизалоқни қаранг, — Полина анҳорга тушиладиган зина панжарасидан ушлаб олиб, сувни чопиратиб ўйнаётган ўн бир-ўн икки ёшлардаги қизалоққа ишора қилди. — Қандай бахтиёр! У ҳали севги нима-ю, рашк нималигини билмайди.

Менинг диққатимни қизчадаги бошқа бир нарса жалб этди. Ҳеч ҳожат бўлмаса ҳам у сийнабанд тутиб олганди. Албатта, уни ўзи эмас, онаси тутиб қўйган...

Полинанинг гапларига бош иргаб қўя қолдим. Кузимга у сал ўзгаргандек кўринди.

— Энди мен кетаман. Ҳаво айниди. — Полина кийина бошлади.

Чиндан ҳам мовий осмон бағрида ҳалигина эринчоқлик билан кезиб юрган ола-чалпоқ булутлар ўрнини дудсимон қорамтир булутлар галаси эгаллаганди. Бирдан атроф рангсиз, хира парда билан чулгангандай бўлди-да, анҳор узра йирик-йирик, сийрак томчилар тушиб, сокин сув сатҳини жимирлатиб юборди.

Полина кийимда тагин ҳам очилиб кетди. Кукрагига тўр қадалган оқ кофтаси ичидан кийган корсет уни хипчабел қилиб кўрсатар, корсаж эса қоматини янада бўрттириб намоиш этарди.

Уни трамвайгача кузатиб қўйдим.

— Эртага келасизми?

— Ҳаво очилиб кетса. Ёгадиганга ухшайди.

— Унда мен сизни тушликка таклиф қилсам-чи? «Шодлик»ка. Яхши ресторан.

— Уйлаб кўрамиз.

Полинани «Санъат саройи» бекатида кутиб олдим.

— Тузуккина кийинаркансиз-ку.

— Нима, камбагал булса керак, деб уйловдин-гизми?

— Йуқ, одми кийиниб юрганингизга...

— Тўғри, кийимда гап кўп. Айниқса, қизлар учун... Сиз узингизга олманг-у, бир омади гап. Уқишга кирганимда битта арзон пиджагим бор эди. Иккинчи курсга ўтганимда дурустроқ костюм кийдим. Униям савдода ишлайдиган бир танти огайним тугилган кунимга совға қилувди. Шунда сизга ёлгон, менга чин — курсимиздаги ўттизга яқин қиз битта-битта, тўп-тўп бўлиб табриклар чиқишган. Ўшандаги аҳволимни кўз олдингизга келтиринг! Шунинг учун ишга киргач, бир йил қисиб-қимтиб шу костюмни олиб қўйдим, учрашувларга кийиб тураман, деб.

— У, шунақами ҳали, қизлар билан тез-тез учрашиб тураман, денг, ёмонсиз. — Полина кулиб, кифтимга секингина нуқиб қўйди.

— Ҳали яп-янги чамамда...

Орага бир оз жимлик чўкди.

— Ёмғирнинг қуйишини қаранг. Худди баҳор-а!

— Ёққани яхши, чанг босилади.

— Сизларга яхши-ю, лекин мен ёмғирдан қочиб келганман-да бу ёққа.

— Менимча, табиатдан қочмаслик керак... Илгарилари балиқ ови жуда расм эди. Бугун онда-сонда, битта-яримта қармоқ кутаргани кўрасиз. Уям пенсионер ё врач буюрган бемор...

— Қармоқ солиб ўтиришга вақт борми дейсиз. Ҳамма пул топиш пайида. Соатлаб сувга тикилишга бардош ҳам, юрак ҳам керак...

Официантка келиб, гапимиз бўлинди. У урта ёшларда эди, аллақандай рангга қуюқ бўялган қо-

воқлари, ёпиштирма киприклари уни болаларни қўрқитиш учун тасвирланадиган олабужига ўхшатиб қўйган эди.

— Мана сизга табиатдан узоқлашишга жонли мисол, — дедим официантка жилгач, писанда билан, — пари-пайкар кўринаман, деб ишонса керакда... Кечирасизу, ортиқча бўёқлар нимагадир шама қилаётгандай туюлади...

— Унда нима учун йигитлар...

— Йўқ, Полина, — гапини кесдим, — ақли расо, эс-ҳуши жойида йигитлар унақаларга ҳеч қачон «шундай хотининг бўлса», деган маънода суқланиб қарашмайди...

Мен «қаттиқ кетиб юбормадиммикин», деган ҳадикда гапдан тўхтаб, Полинага қарадим. У юзлари сал қизаринқираган кўйи, кузларини ердан олмай утирарди. Нигоҳимни пайқаб, бошини кўтарди ва ажабтовур хижолатомуз жилмайди.

— Ҳаммаси цивилизация, кино — телевизорнинг таъсири...

— А, йўқ. Берилмаслик ҳам мумкин-ку. Ахир, инсон онг, идрок билан яшайди, чуқурроқ мулоҳаза юритса бўлади-ку. Хўш, сиз нимага бўянмайсиз?

— Хоҳламайман.

— Бўёқларнинг зарарини билганингиз учунми?

— Йўқ, урганмаганман. Ойим бўянмасди. Отам ёмон оларди, сизга ўхшаб... Бир куни унинг ойимга: «Эрсиз, жазманталаб хотинлар ўзини ҳар кўйга солиб юришади» деяётганини эшитиб қолганман.

— Унда эри борлар-чи?

— Аёл зоти шунақаки кўрганини қилади. Буям эркакларнинг тамаки зиёнини билиб туриб чекишидай гап. Қайтанга сизларники хавфлироқ. Бўёқ одамнинг сифатини, тамаки ичини адоий тамом қилади. Қўйинг, бекорга асабингизни бузманг. Аёл-аёллигича қолади. Бўёқ, пардоз-андоз жамият учун муҳим муаммо эмас-ку...

Ташқарига чиқдик. Ёмғир шаштидан тушган, ҳаво бир қадар тозаланиб, майинлашган, босим енгиллашган эди. Осмон ҳам оғир юк ташвишидан хориж бўлгандай, чеҳраси ёришган эди.

— Қани, бошладикми, ўртоқ қуёшпарвар?

— Кечирасиз, Полина, кеча нимагадир булакчароқ бўлиб қолувдингиз.

— Кечани қўйинг, бугунги кундан, келажакдан гаплашайлик. Шундай қилиб, ойда ҳам доғ бор, дегандай, қуёшнинг инсон саломатлиги учун акс таъсирига келиб тўхтовдик. Юқори ҳарорат касаллик юқтирувчи жуда кўплаб қурт-қумурсқалар, ҳашаротларнинг жони-дили...

— Сиз бир нарсани эътибордан соқит қилиясиз. Полина, бизнинг халқимиз мана шу қуёшга суяниб яшайди, ана шу қуёшга ишониб пахта экади, ана шу юқори ҳарорат юзимизни ёруғ қилади, — дедим босиқлик билан.

— Ҳа, айтгандай, узр, бу ёғини ўйламабман, — Полина менга қарамасдан бош иргади.

Қиз ҳалқоб сувларга тикилганича шуурсиз одим ташлар, афтидан уни хаёл чулғагани. Айни вақтда у аёл зоти тўғрисидаги фикрларимни, дунёқарашимни секин-аста парчалаб бораётгандай эди. Унинг сукутида одамни хавотирга солувчи нимадир бор эди. Бир пайт менга ярим ўгирилган эди, бежирим лаблари ва мижжаларининг четида хиёл табассум жилва қилгандай бўлди. Бу табассумнинг маъносини дабдурустдан англамадим. Полинанинг дилидан қандайдир галати фикрлар кечаётгани аниқ эди. Бу оламда қуёшга қувониб юраверишнинг ўзи кифоями, демоқчи бўлдимикин? Бирдан қизнинг кўзлари менга ачинаётгандай туюлди-ю, эгим жимирлаб кетди. Кўнглимдан бир-биримизни яхши тушунмадик шекилли, деган ўй чақмоқ чақиб ўтди.

Биз «Пахтакор» стадиони ҳовлисида утардик. Анҳор бўйига чиққанамизда Полина тўхтади.

— Эртага кетяпман.

Бу гап менга томдан тараша тушгандай бўлди.
Қизга таажжуб билан тикилдим..

— Ҳали вақтингиз бор эди, шекилли?

— Ҳа, яна уч-тўрт кун турсам бўларди. Ёмғир ёғиб қолди. Бу ёғи — куз. Қуёшнинг ҳарорати ҳам ҳар доим бирдай иситиб туравермайди-да. Баҳсларимиз, учинчи қўл қисмагунча барибир ҳал бўлмайди.

— Учинчи — бу вақт-да?

— Вақтгинамас.

Полина билан хайрлашиш оғир бўлди. Унинг оппоқ, мулойим кафтини қисаётганимда, кўзларимиз тўқнашганида юрагим орзиқиб кетди. Бироқ Полина ўзини сокин ва хотиржам тутарди, унинг равшан қарашларида нозу карашма кўлкаси эмас, сипо бир латофат, қатъият жилваланар эди. Полина бекат томон қизалоқдай чопиб бораркан, елкаси оша ортига ярим ўгирилиб қичқирди.

— Унутма, ватаним Беларусия!..

Трамвай жилиб кетгач, қизнинг бегона ўлкалардаги саёҳат чоғида илк бор дуч келган нотаниш, сержозиба ва сирли гул каби хотирамга муҳрланиб қолажаги, бу гулнинг ўзига хос бўйи димогимда бошқа ҳид ва исларга аралашиб кетмасдан узоқ йиллар яшаши ҳақидаги фикрми, орзуми хаёлимни банд этди.

Анҳорга унча оёғим тортмай қўйди. Мен энди чумилишдан совиб қолгандим (эҳтимол, бу уткинчи ҳолдир, зора шундай бўлса, ахир мен энди умр бўйи чўмилишга, яъни даволанишга маҳкум одамларданман!).

Соҳилда одам ҳамон кўпайиб борарди. Бу «морж»-лар тўдасидан қочиб, мен аллақачон катта кўприкдан ўтиб кетган эдим. Назаримда Анҳорнинг иккала соҳилини ҳам бошидан охиригача ҳадемай янги жамият аъзолари мустаҳкам эгаллашадигандай эди.

Лекин булар орасида Полинага ўхшаган қизни қайтиб учратмасам керак.

АНДИША

Гира-шира тонг. Икки қишлоқни оралаб ўтган анҳор суви овозсиз, живир-живир қилиб оқади. Унда-бунда диккайган қамишларга илиниб қолган яшил бақатўнлар, бўғими қизгиш сувўтлари юқорига ўрма-лаётган тўда-тўда, катта-кичик илонлардай нотекис ва ҳар йўсин бетиним қилпанглайди. Тонг арафасида замин билан осмоннинг юз кўришуви онларини кўзатган одам аввал қорайиб кўринган тиниқ анҳор сувининг секин-аста зангорлашганининг, кейин эса тупроқ тусига кира бошлаганининг гувоҳи бўлади. Кўкда юлдузлар бир-бир сўнгани сари сувнинг назоқати, жозибаси хира торта боради.

Ана шу анҳор устига солинган кўримсизгина, аммо «оқ олтин»ликларни марказий йўл билан боғлайдиган бирдан-бир кўприкнинг ёғоч тўсигига тирсак тираган икки киши сув оқиб келаётган томонга — шарқ уфқига жим тикилиб туришади. Сунбуланинг кун чиқишдан эсаётган салқин шабадаси бирининг калта енги, елкалари, кўкрак чўнтакларига ҳашам-қуроқлар қадалган нафармон кўйлаги, иккинчисининг тўрт чўнтакли узун кумушранг кители барларини ҳилпиратади.

— Юпун кийинибмиз, жунжикяпман, — деди нафармон кўйлакли шеригига ярим ўгириларкан, худди тафт берадигандай энсиз гардишли оч ҳаворанг шляпасини ажинсиз тор пешонасига тортиб. — Ўзлари-чи, Карим Раҳимович?.. Ҳозир юз-юздан бўлганда кетармиди? — У шеригининг жавоби аҳамиятсиздай эътиборсизлик билан сўзида давом этди. — Эрта-лаб ичиш яхши одатмас-у... кечқурун, меҳмон деб, кўпроқ сийлаворибсизлар-да! Қалла денг ванг, бунинг устига манави шамол...

— Нонуштага шавла буюриб қўйганман, — деди барваста жуссасига нисбатан тор ягринли, кенг,

мисранг юзли Карим Раҳимович сувдан кўз узмай, шеригидан шундай гап албатта чиқишини олдиндан сезгандай ўйлаб ўтирмасдан, аммо хотиржам ва ҳиссиз оҳангда. — Ҳаммаси бўлади, Хайрулла Бозорбоевич, — қўшиб қўйди у таъкидлаб, кейин бошини ёнига ўгириб бармоқлари қисқа, йўгон, думбоқ кафтларининг қора, қалин тук босган орқасини оғзига қопқоқ қилиб эснади.

— Бултур ҳам совуқни эрта тушиб қолди, деб юрганаканмиз-да, бу йил ёмон келди... — Хайрулла Бозорбоевич муҳим нарса эсига тушгандай бутун гавдаси билан бурилиб, унга астойдил тикилди, бироқ айтсамми, айтмасамми, деган хаёлда бир лаҳза тараддудланди-ю, афтидан айтса бўлаверади, деган қарорга келди. — Эски тутларни даладан чиқарибсизларми, раис?..

— Ҳа, қартани ўртасидан ўтган ариг бўйидаги тутлар. Аригди вазифаси қолмади, тутлар ҳам қариди. Мақсад, бир қарич бўлсаям ерга ер қўшиш.

— Қурт боқиш-чи, — ажабланди вакил. — Баргинглар ошиб-тошиб ётибдими, дейман?

— Қайирдан ўзлаштирилган ерга уч минг туп кўчат экувдик, бу йил росмана барг берди.

— А-а, — деди Хайрулла Бозорбоевич кичкина оғзини катта очиб, «шунақами?» деган маънода. — Чиқарилган тутларни нима қилдинглар?

Карим Раҳимович вакилга хижолатомуз, синовчан тикилди: намуноча бу чирик тутларга қизиқиб қолди, ишқал чиқадиган томони йўғиди, шекилли... Биронтаси ковлаштирдимикин?..

— Рўйхат билан хўжалик аъзоларига тарқатдик, — жавоб қилди раис елка қисиб, иккиланиброқ. — Жуда баҳайбат булиб кетувди, уч-учида бир тутам-бир тутам новдаси бор, чиқиб кесишга, оворагарчиликка арзимади... — У жим қолди, аммо шеригининг жон

қулоғи билан тинглаётганини сезиб, гапни давом эттиришни лозим кўрди. — Ҳазир, кичикроқ оила бир тупи билан қиш чиқаради, озгина кўмир қўшса...

— Қолдими? — ошкора қизиқиш билан сўради Хайрулла Бозорбоевич.

Раис прокурорнинг даромади маънисини янада чуқурроқ англаш ниятида унга тезгина, аммо синчковлик билан бир қараб олди ва кўнгли таскин топди.

— Шу иш билан хўжалик мудирини шуғулланувди-я, — деди у хижолат булганини яширмасдан, — қолмади шекилли-да... Яна бир сўраб кўриш керак, гаражга бир-икки туп опкелтириб қўйдим, деяётгандай бўлувди.

— Хотин зотининг ношукрлигини биласиз-ку, — деди Хайрулла Бозорбоевич, айнан шу масалада раис билан фикри бир жойдан чиқишига умид ва ишонч билан. — Газда пишган овқат совуқлик эмиш. Чойхона паловингизни мақтайсиз, чунки ўчоқда ош маза-ли чиқади, дейди. Э, хомкалла, чойхона паловга дуо кетган, бугдаям ширин булаверади, десам, сира унамайди... Ҳовли утинга тулиб ётибди, у ердан-бу ердан обкебириб туришади... Хотин киши-да, хотин киши... Худди мени бошқа ишим йўқдай...

Раис вакилга галати қараш қилди.

— Ҳали сўраб кўрамиз. Тут тугаган бўлса, узумди зангиям бор, уям тут-утиндан қолишмайди. Қаерга қўйишни билмай, фермага ташитяпмиз.

Хайрулла Бозорбоевич яна жиддий тортди.

— Хотин билан маслаҳатлашайлик-чи, бўлаверади деса, бир-икки арава...

— Майли, хотирингизни жам қилинг. Бир огиз гап-да.

Хайрулла Бозорбоевич «Оқ олтин»га кечагина вакил бўлиб келди. Ўттиз беш ёшлардаги прокурорнинг ёноқ суяклари бўртиқ, калта, япалоқ иягининг

уртасидаги данак сиққудай чуқурча гапирганида уйнаб турар эди. Қошлари қуюқ, қора, кўзлари хиёл қисилган, бурни, лаблари — рисоладагидай. Фақат, тишларининг нотекислигидан тепа жагининг чап томонидаги бир жуфт тилла тиши сал ярашмай тургандай туюлади.

Янги вакил назоратни магазиндан бошлади.

— Ҳамма далада бўлса, икки бирдай одам пашша қўриб ўтирадимиз бу ерда, — деди у тавозе билан қўлларини кўксига қўйиб турган ёш эр-хотинларни бош-оёқ кузатиб чиқаркан. — Келинпошшани қаранг, — раисга мурожаат қилди у, — кўланкада, кун кўрмай ўтиравериш пахтадай оқариб кетибди. Пахтага чиқишсин, — амр этди вакил овозини яна сал баландлатиб, бир унисига, бир бунисига кўз югуртираркан. — Кечқурун тўққиздан ўн биргача дўкон очишсин. Икки соатда дунёни сотиб олиш мумкин. Дўппидай қишлоқ... — Вакил шу жойда бир тўхтаб олди, чунки... куёвнинг кўксига қовуштирган қўллари икки ёнига шалвираб тушган, келин — нозик, хушқад жувон эса бошини солинтириб, пастки юпқа, пуштиранг лабини ҳадеб тишлаб-қимтир, ингичка, майин киприклари пир-пир учарди. Вакилнинг овози бирданига бир неча парда пасайди. — Барибир кундузи ҳеч ким кирмаса бу ерга...

Раис эшик ёнида қўлларини орқасига чалиштирганча, оёқларини кериб турар, афтидан ўзи ҳам бир фикрга, бир қарорга кела олмаётгандай эди: Хайрулла Бозорбоевич, умуман олганда ҳақ, ҳақ бўлмагандаям юқорининг вакили, юқорининг вакили бўлмаган тақдирдаям ҳозир магазинчиларни ҳимоя қилиш — вакилга эътироз билдириш деган гап, вакилга эътироз билдириш — оддий одамлар олдида унинг обрў-эътиборига раҳна солиш демак... Бу таомилга тўғри келмайди. Кейинроқ, мавриди билан қулогига шипшиб қўйиш мумкин, холос.

Кейин куча айланишди. Уч кучанинг унг му-
юлишидаги дарвоза ёнида, тахта курсичада Гани
ота оппоқ соқолли жағини ялтираб кетган юлгин
ҳассасига тираб ўзини офтобга солиб ўтирар, гужа-
нак бўлиб олганидан ихчам жуссаси янада кичкина
тортиб, озгин кураклари сурп яктагини туртиб ту-
рарди.

Чол раис билан пўрим кийинган нотаниш меҳ-
мон истиқболига урнидан турмоқчи бўлди, лекин
уларнинг бир неча қадам нарида тўхтаб қолишганини
кўриб шаштидан қайтди.

— Нима қилиб ўтирибди? — паст овозда сўради
вакил чолга ишора қиларкан.

Раис чолнинг тараддудланиб, аммо бошини бур-
май зимдан гапирувчига назар ташлаганини кўриб
турарди.

— Мазаси йўқ, — жавоб берди у деярли пичир-
лаб, кейин бир оз ўйлаб тургач, қўшиб қўйди. —
Қаричилик...

— Яхши, лекин марҳамат қилиб уйда утирсин ё
ҳовлисига кун тушмайдами? Ўзингиз биласиз, ҳозир
оптовшувоқ қилиб утирадиган маҳалмас... Мени хў-
жаликнинг ҳар йилги шуҳратини таъминлайсиз, деб
юборишган бу ерга, уртоқ Раҳимов! Ўзингиз била-
сиз...

Карим Раҳимович оғринди, юзлари беихтиёр бу-
ришиб, манглайи тиришди. Хўжаликнинг шуҳрати
раисга керакмасми? Бу ердагилар қашиниб ўтири-
шибдими? Умуман, вакил ким, бурчи нима ўзи?..
Бунақалардан ҳамма хўжаликларда бор, ойлаб ётиб
олишади. Уларнинг ойлик оладиган вазифаларини
ким бажараркин?..

Улар нари кетишди. Раис отанинг жамоа хўжа-
лигига пойдевор қўйганлардан бири эканлиги, узоқ
йиллар звено бошлиги бўлиб, туман, баъзи йилла-

ри, ҳатто вилоятда энг юқори ҳосил олгани, пахтага ярамай қолганидан бери богдорчилик ишларига қарашиб турганини айтмоқчи булувди-ю, ҳозир мавриди эмас, деб фикридан қайтган эди. Ҳозир мавриди келди, деб ўйлади. У тусиққа орқа қилиб, тирсаклари билан таяниб олган вакил томон икки-уч қадам ташлади.

— Хайрулла Бозорбоевич, бир-иккита қариялар бор. Ишга ярамайди, қаровчиси йўқ...

Вакил индамади. Иккиси ҳам жим қолишди.

— Сиз билан биззи шу ерда туришимиз жа ноқулай-да, Хайрулла Бозорбоевич, — дея ўртадаги жимликни бузди раис гавдасига ярашмаган майинлик билан. — Чорва фермамизда бир гаранг қоровулимиз бор, сумбатдаям Алпомиш билан баслашади, итга суяк, сичқонга кепак олдирмайди. Бу ерга ҳар йили ушани қўямиз, одам тугул пашшаниям утказмайди.

— Бугун бир кўрайлик, дедим-да раис, кўнглингизга олманг, — деди вакил анчадан кейин. — Шундай аёзда оёғи қотган товуқдай изиллаб туришга кимнинг тоқати бор?..

— Хўжалик аъзолари ҳам тушунишади, — деди раис кийимининг у ер-бу ерини тузатган булиб.

— Сиз одамларни билмайсиз, раис, — вакил қаддини ростлаб, қўлларини кўкрагига чалиштирганча у ёқдан-бу ёққа оҳиста юра бошлади. — Энг яхши, ҳақиқий инсон деганингиз ҳам баъзан кўзингизга чўп солиб кетади. Шахсий манфаатига озгина зарар етказадиган бўлса, тамом, пайғамбариданам воз кечворадиганлар йўқ эмас... Биз унақаларни, э... бир кунда қанчасини кўрамыз.

— Ҳа, тўғри, — ён берди раис прокурорнинг касби, вазифаси тақозоси билан чиндан ҳам ҳар хил кишиларга дуч келишини ботинан эътироф этиб. — Беш қўл баравармас... Лекин бир жойда ишлайверсангиз, қўл остингиздагиларни феъли...

Чап биқиндаги тор кўчадан қадам товуши эшитилиб, раиснинг гапи чала қолди. Қоп кўтарган дароз, қотма бир одамнинг қораси кўрингач, вакил ҳам сергакланди. Саросимага тушган йўловчи дам раисга, дам нотаниш меҳмонга қараб юришини секинлатди. У учинчи бригада аъзоси Қурбон эди. Раиснинг эти енгил жимирлашди — кеча унга ўзи жавоб берган эди. Вакилнинг қисиқ кўзлари жиягида истеҳзоли кулдиргичлар пайдо бўлди.

— Бу ёғи қандай бўлди, раис? Бу дўстимиз ҳам ҳалиги айтган қарияларданми? Ҳеч ухшамайди-ю... Анча-мунча отни тойиштириб қўяр шу туришида.

Карим Раҳимов ерга қаради. «Ҳали бу ҳолваси, — кўнглидан ўтказди у, — раиснинг ўзи жавоб берган деса, урди Худо...»

Қурбон иккиланганча бир-бир босиб келаверди, вакил салмоқли қадамлар билан унга пешвоз чиқди. Раис ҳам яқинлашиб борди.

— Ҳа, ўртоқ, йўл бўлсин, узоққами, дейман?

Қурбон юкли чипта қопни елкасидан тушириб, йўлнинг бир четига ўрнатиб қўйди-да, кафтларини бир-бирига қоқиб, қўлтигига артди.

— Ассаломалайкум, — у аввал меҳмон, кейин раис билан кўришмоқчи эди. Вакил саломига алиқ олмади, Қурбоннинг қўлини қўйиб юбормай, кўзларига тикилди.

— Хўш?

Қурбон бесаранжом кўзларини жавдиратди.

— Шу... беш-ўн туп аноримиз бор эди, ёрилиб кетиб увол бўляпти...

Меҳмон Карим Раҳимовнинг тундлашган юзига тикилди. Раис бир қадам нарида, бу можарога мутлақо алоқаси йўқ одамдай ҳамон бошқа ёқлардан кўз узмас, гўё бошқа хаёллар билан андармон, лекин икки ён чўнтагидаги қўллари кителининг этакларини тешиб чиққудай туртиб турарди.

— Гапини эшитяпсизми, раис, анор увол булаётганмиш, — Хайрулла Бозорбоевич яна йўловчига юзланди. — Пахта-чи, пахта? У увол булса майлими?!

Қурбон ҳадеганда жавоб беравермади. Раис безовталана бошлади: энди айтади... Ундан кура ўзи айта қолса-чи, бир қошиқ қонидан кечинг, жавоб берувдим, деб бечоранинг жонига ора кирса-чи!..

— Бир нарса десангиз-чи, раис, — деди вакил унинг қўнглидан утаётган гапларни уқиб тургандай, бетоқатлик билан.

— Буни бунақа одати йугиди, бир нарса дейишга-ям ҳайронман.

Вакил қошларини чимириб, яна Қурбонга кинояли назарини қадади.

— Булмаса, гап бундай, ўртоқ. Бир-иккита нордон гапларим бор эди-ю, раисингиз ўртага тушяпти. Шунинг учун ҳозир яхшиликча қопингизни кўтарингда, изингизга қайтинг. — Унинг иягидаги чуқурча ўйнаб кетди. — Пахтага чиқинг!

Қурбон мултиллади.

— Тезда бориб-ла... унча-мунча бозорлигам қиладиганидим... Савзи-пиёз... дегандай...

— Гап битта! — вакил терс угирилиб, Қурбондан узоқлашди.

Қурбон ер остидан раисга қаради. Раис носранг агдарма этигининг тумтоқ учи билан ер чизарди. Қурбон қопни жаҳд билан силтаб кутарди-да, икки ҳатлаб анҳорнинг қирғоғига олиб борди, бир тортишда боғичини узиб, қопни пастга агдарди. Чаноқ-чаноқ бўлиб ёрилган анорлар, ёқутдай қип-қизил доналар анҳорнинг ҳар хил майса, йўсин босган лабига сочилиб, бир қисми думалаб сувга тушиб кетди: «чўлп-чўлп» деган овоз эшитилди.

— Кимга учакишяпсан, ҳў олифта?! — турган жойидан калта бўйнини чўзиб қичқирди вакил. — Девона аразласа хуржунига зиён! Асли бозордаям би-

ров бир тийинга олмайдиган мато экан-ку... Мартава қилишини қаранг...

Қурбон қиргоқда туриб қолган ёриқ анорларни бармоқларининг учи билан туртиб-туртиб ариққа тушириб юборди-да, қопни икки-уч қоқиб, буклаб-буклаб қўлтигига қистирди. Бир неча қадам босиб вакилнинг ёнида тухтади.

— Биринчидан, ука, — гап бошлади у шошилмай, дона-дона қилиб, — бешигимни терватиб қўйишган бўлсангизам «сен»ламанг, арпангизни хом ўрганим йўқ. Иккинчидан, мол яхшими, ёмонми ҳар қалай пешона тери... — Қурбон раисга бир кўз ташлаб қўйди-ю, боя ўзи чиққан тор кўчага шитоб билан кириб, кўздан гойиб бўлди.

— Мана, тушунган одамлар!.. Яна буларнинг тили узунлиги, ўзи кал, таъби нозиклиги-чи, «сен»лаб бўлмайдимиш... Мурвати бўшаб кетган ҳаммасини... Пешона теримиш, нимага шама қилипти ўзи у... Ҳа, пешонангдан ўргилдим... Шошма ҳали...

Раис вакилнинг гапларига аҳамият бермади, у ўз хаёли билан банд эди. «Чакки бўлди, чакки бўлди... — уйларди у. — Озиб-ёзиб бир марта жавоб сўрагани учун хўп девдим. Орага бригадири тушувди... Яхши ишчи, яхши одам...»

— Қаттиқроқ туриш керак, раис, — унинг фикрини бўлди вакил, — арзимаган бир халта ёриқ анор, тўртта сасиган беҳини кўтариб бозорга кетишаверса...

— Энди, Хайрулла Бозорбоевич, ҳафтада бир бозор, бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув, дегандай, одамзодниям ками битмайдикан... Уйлаб кўрсангиз, хўжалик ишчиларигаям осон тутиб бўлмайди, вақти келса бир неча ойлаб дам олмай ишлашади. Қонунан олиб қарасак... — раис сўзларим таъсир қилиптими ё йўқми, деган маънода вакилга қараб қолди.

— Зато, қишда бир ой ортиқ маза қилиб дам олишади! — Вакилнинг лабидаги чуқурчаси-ю, қовоқлари

пирпираб уча бошлади. — Қолаверса, қонун бошқа, ҳаёт бошқа, раис, ҳар қандай қонунниям шароитга, вазиятга мослаштириш мумкин... Аслида, қонунни биз рӯкач қилишимиз керак. Мен сизни деб жон куйдирияпман, одамларингизга ёмон кўриниб. Сиз булсангиз...

— Умуман олганда шундайку-я, лекин рўзгор деган нарса билан ҳам ҳисоблашишга тўғри келади-да, Хайрулла Бозорбоевич, — эътироз билдирди раис, биздаям қайсарликдан унча-мунча бор дегандай. — Қишлоқда ҳамма нарса текин дейишади баъзилар. Гирт ёлгон. Суву унча-мунча мевадан бошқа ҳамма нарсани сотиволишади. Меваям борда бор, йўқда йўқ. Ҳозир купларнинг ҳовлисида гул, кўк сепишга ер бор, холос. Одам борган сари зичлашиб кетяпти. Эҳтиёж — куч, талаб катта ҳозир. Қишлоқда ҳамма нарса бор деб ўрганишганиданми, магазинга печак қанту ароқни босиб жунатишади...

— Шунинг учун тушунтириш ишлари олиб бориш керак. Уч ой-уч ярим ой кампаниями, чалгимаслик чорасини кўриш лозим. Уларни августнинг охирларида, теримга тушмасларидан олдин уч-тўрт ойлик емишини гаглаб олишга ўргатиш керак.

Карим Раҳимович бундай фавқулодда фикрни ҳаёлигаям келтирмаган, бирон жойда бўлак кимсадан эшитмаган ҳам эди. У кўзларини катта-катта очиб, деярли анграйиб, вакилга қараб қолди. Нақадар оқил-лона гап! Ростдан ҳам шундай тажрибани амалга ошириш, эҳтимол мумкиндир.

— Бу-ку, олижаноб гап-а, — деди раис ўзини мумкин қадар босишга ҳаракат қилиб, — лекин у маҳалда кимдадир пул бўлади, кимдадир йўқ...

— Пули йўқларга қарз уюштириш керак!

Раис «энди қия кетди» дегандай бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳе-е, у пайтда гоҳо хўжаликнинг ўзи ҳам қарз олиб ётади-ю банкдан.

— Бир йўлини топиш керак-да, — анча паст тушди вакил таклифи жуъали бўлсаям, ижроси мушкуллигини ботинан тан олиб. — Улимдан бошқасини чораси бор, дейишади кексалар... Умуман, тадбиркорлик, талабчанлик раҳбар одамга ҳеч қачон зиён келтирмайди. Сийласанг чориги билан тўрга чиқади, деган гап ҳам эскилардан қолган. Боягига ухшаб...

«Ҳа, — хаёлдан ўтказди раис, — тўгриликка тўгрику-я, аммо барибир шу ишчилар билан муросаю мадора қилиш керак-да, эртага, балки ҳалиёқ кўз-кўзга тушади. Бу бўлса беш-ўн кун бақириб-чақириб кетади... Чакки бўлди... Мендан сўраган, деб бир оғиз айтмади, айтолмади-я. Нимадан чучиди? Шу, укаси тенги йигитнинг салобати босдимми ё унинг фалон раис одамларини талтайтириб юборибди, дейишидан ҳадиксирадими?»

Ахир, Қурбон жужабирдай жон-а, умрида чурқ этиб бўйин товламайдиган одам-а... Камбагал овга чиқди, кетидан говга чиқди, дегандан бўлди. Бунинг устига болаларининг ҳаммаси майда. Каттаси энди бешда ё олтида ўқийди... Лекин ўгил бола экан, раис майли деган деб, ақалли мундоқ бир шамаям қилмади-я...»

Нима бўлсаям, пайтини топиб, иложи бўлса, шу бугуноқ Қурбондан узр сўраб, унга тасалли, ўзига-ям таскин беришни дилига тугиб қўйди. Лекин кеч-қурун идорага кираётганда тор йўлакда Қурбонга дуч келиб, каловланиб қолди. Бу тўқнашувни улар узоқ вақтгача эслаб юришса керак: шу лаҳзада иккаласи ҳам кўзларини, балки бутун вужудларини яшириш учун жой қидиришар эди. Эҳтимол, бир неча сониялик сукут, тараддуд иккисига ҳам соатдай туюлгандир.

Ниҳоят Қурбон тилга кирди.

— Узр сўрай деб келувдим, — деди у бошини маъносиз, мақсадсиз тўлгаб. Нигоҳи жадваллар-расмлар

ёпиштирилган деворда эди. — Бунақа булишини билганимда сираям йулга чиқмасдим. Сизни хижолатга қўйдим... — Қурбон буйнидаги юкдан халос бўлиб энгил тортгандай раисни эҳтиёткорлик билан ёнлаб утиб, шитоб юрганча ташқарига чиқиб кетди.

Раис турган жойида карахт бўлиб қолди. Котиба қизнинг гаплари қулогига кирмади, бир-бир босиб хонасига ўтди-ю, диваннинг бир четига огир чўкди. Оддий бир жамоа аъзосининг зарбсиз калтаги унинг аъзойи баданини эзиб юборгандай эди. Нима бу, очиқкўнгилликми ё таънами?.. Кўприк, қопни анҳорга ағдараётган Қурбон, бақатунлар қатида милт-милт қилаётган анор доналари, букчайганича ҳассасини ерга омонат босиб, калишини судраб ҳовлисига кириб кетаётган қария унинг кўз олдидан кетмасди.

1982 й.

ЭГАСИНИ ТОПМАГАН НАСИБА

Баҳорнинг ўрталари эди. Ҳаво ҳали унча исиб кетмаган, бунинг устига майдалаб ёмғир ёғаётган эди. Рихси бунақа маҳалда, кўпинча мижоз олмай, тезликни пасайтириб, икки томондаги ойнани ҳам тушириб қўйиб, камқатновроқ жойларда айланиб юришни яхши кўрарди. Ўша куни ҳам шундай айланиб юрганди. Соат кеч саккизлар чамаси эди. Ипакчилик институтининг рўпарасида, бекат ҳам эмас, шундоққина яйдоқ йулда биров самолётга кечикаётгандай, иккала қўлини силкита бошлади. Рихси тўхтамоқчи эмас эди-ю, раҳми келди: «Бечора ёмғирда ивиб кетибди». Иккинчидан, бирдан мўмайроқ пул ишлаб, планни бажариб қўйиш мумкин, деган фикр миясига яшин тезлигида келди. Йуловчи кўриниши, кийинишидан хўжалик раҳбарларига ўхшарди: оё-

гида қора хром этик, дўпписини сувқоғоз билан бос-тириб, кукрагининг икки томонида ҳам чунтаги бор кулранг кителининг ёқасини кутариб олганди. Ёни-да сандиқдай келадиган жигарранг чамадон ҳам бор эди. У сураб ҳам утирмай, шоша-пиша орқа эшикни очиб, чамадонини уриндиққа ташлади, кейин ўзи Рихсининг ёнига утирди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди. Рихсининг пешонаси тиришди. «Ҳе, маданият-сиз, кайфиятни ҳам расво қилдинг», — деди у ичида.

— Яхшимисиз! — мижоз Рихсиникига икки бара-вар келадиган кафтини узатди. Сураша туриб, ка-мида бир ҳафтадан бери устара тегмаган яккам-дук-кам соқолига кўзи тушиб, Рихси яна бир ижирганиб қўйди.

— Хуш?..

— Қуштутга, — мижоз ростланиб утириб олди.

Рихси стартёрни босди. Машина ҳўл асфальтда шувиллаб елиб кетди. Ойнага чирсиллаб урилайётган ёмғир томчилари яна Рихсини ром этди. У мижозига эътибор бермай, тезликни оширди. Бироқ энди «Ушшоқ»ни мингирлаб хиргойи қила бошлаган эди, «меҳмон» ҳурр... деб юборди. У бошини осил-тирганича, пинакка кетган эди. Рихсининг кўнгли яна хижил бўлди-ю, индамади. Мижоз дўппи билан сувқоғоз орасидан йўғон бўйнига сизиб тушаётган томчиларни ҳам сезмасди. «Бояқишни чамадон чар-чатибди, шекилли, — кўнглидан кечирди Рихси орқа уриндиққа кўз қирини ташлар экан, — роса галати мижозга учраганга ўхшайман...»

— Келдикми? — Машина тўхтаб улгурмасдан мижоз кўзини очиб у ёқ-бу ёққа аланглай бошлади. Рихси унинг сезгирлиги, ҳушёрлигига қойил қолди. — Ҳозир чиқаман, — у эпчиллик билан машинадан тушиб, эшикни ҳам очиқ қолдирганича рупарадаги буралма кўчага шитоб кириб кетди. Рихси рулга умганини босиб орқасидан кузатиб турди. У катта-

катта қадам ташлаб борарди. Ёш булишига қарамай, суяги бузуқлиги — гавдасининг бироз бесўнақайлиги сабабли кексалардай лўкиллаб юрарди.

Рихси сигарет тутатиб, орқага суянди.

«Бирон институтда ўқийдиган ука-пукасини кўргани келган бўлса керак. Шу бугунни танлаганини... гап сўрай десанг, утирибоқ уйқуга тушди. Безовта кўринади-ю, хуррак баравж...»

Мижоз орадан кўп утмай, муюлишда пайдо бўлди.

— Иш пачава! — деди у ўриндиққа ўзини бор оғирлиги билан ташлар экан. — Кўнглимга келувди-я. Техникаям қизиқ. Бир ёқда одамлар ойга чиқаяптию, кап-катта самолёт ҳавода бир парча туман кўринса учолмай утиради.

Рихсининг сабри чидамади.

— Тинчликми ўзи, биродар? Мундай тушунтириброқ гапирсангиз-чи?

— Ҳозир, ҳозир... Юнусободга ҳайданг.

— Буёгиниям бир келишиб олсак бўларди, меҳмон. Ун тийинлик даврлар ўтиб кетган...

Мижоз шофёрга қарамай қўл силтади.

— Хотиржам бўлинг, хурсанд қиламан.

Рихсининг кўнгли бироз жойига тушиб, газни босди.

— Биз курсдошлар билан ҳар йили апрелнинг иккинчи шанбасида Тошкентда тўпланишга қарор қилганмиз. Мана беш йилдирки, анъанамиз давом этиб келяпти. Бу йил Ризоларникига йигилишимиз керак эди. Бир соатча кечикибман. Қоровул Ризонинг ишхонасидан уч-тўрттаси билан бирга чиқиб кетганини кўрибди. Адрес ташлаб кетишмабди, номардлар. Ризо яқинда домга кўчибди. Бирга ишлайдиганлардан бирини кўрдим. Уйни ювишга боришган экан. Сўрасам, «Фарҳод бозорининг орқасида, лекин кўпчилик билан машинада бориб, машинада қайтдик, уй номерларига қараш кимнинг эсига кеп-

ти, дейсиз», — дейди. Ҳозир кирган жойимда у ижарада яшарди. Улар ҳам аниқ билишмайди. Ризо билан қалин бир курсдошим бор. Борайлик-чи, унинг хотини билиши мумкин.

— Зора. Узоқдан келганга ухшайсиз?

— Кузингизга қаранг! Ёш бола!.. Избоскандан...

Рихси Избосканни эшитгандай бўлувди. Эслашга уриниб курди-ю, тополмади. «Ҳа-а...», деб қуяқолди. «Тавба, дунёда галати одамлар ҳам кўп-да, — уйлаб кетди ўзича. — Шундан-шунга от-арава қилиб, катта чамадонни кўтариб, қанча пул сарфлаб курсдошларини кўргани келибди. Ҳа, ўзинг томонда уч-тўртта улфатинг йўқми!

Курсдошлар эмиш. Ҳаммаси ҳар жойдан келган, тутуми, одати ҳар хил одамлар эл бўлармиди бир-бирига. Ўн йил бир синфда ўқиган ҳаммаҳаллаларинг бегона бўлиб кетишадию. Амал курсисига ўтирганини-ю қўявер, сени кўрса танимай, мабодо таниса, зўр келса бош қимирлатиб ўтиб кетади. Курсдошларам йўловчилардай гап-да. Уч-тўрт йил бирга ўқишади-ю, кейин ҳар қаёққа тарқаб кетишади. Бир кеча бирга утирдинг нима бўлди-ю, утирмадинг нима бўлди. Ҳа, энди, келишга кепсан, оғайнингни тополмадинг, кучама-куча санғиб юрасанми! Белбоги ечилмаганлардан серобга ухшайди. «Ўзбекистон»дан люкс жойни олиб, қўл-оёгингни узатиб ёт, дамингни ол, эртага ё Раззоқ, топарсан ўша ҳамтовоқларингни... Ҳимматинг зур бўлса, эртага ҳам сийлайверасан-да...»

...Меҳмон бу оғайнисиникидан ҳам шалвираб қайтиб чиқди.

— Йигитлар хотинини, қизлар эрини эргаштириб келиш йўқ, деб келишилувди, — у шахтидан тушиб, овози ҳам анча пасайиб қолганди.

— Хўш, қайси меҳмонхонага олиб бориб қўяй, — сўради Рихси унга ҳамдардлик билдирган киши бўлиб, мулоимлик билан.

— Қанақа меҳмонхона?! Ахир мен уларни топишим керак.

— Соат ундан ошяпти. Қаердан қидирасиз энди? Тайинли адресингиз йуқ. Тошкентдай катта шаҳарда адрессиз одамни топиш осонми? Кундузи булсаям бошқа гап эди. Адреслар бюросидан сураш мумкин эди. Боринг, бир муъжиза юз бериб, топдингиз ҳам дейлик, ахир унгача Избоскандан огайнимиз келиши керак деб сизни кутиб утиришмас. Нар и борса яна бир-икки соатда тарқалишади-да. Утиргандай буляпсизми... эртагаям худонинг куни бор-ку.

— Ҳамма гап шунда-да, дустим. Эрталаб биринчи рейсда қайтиб кетишим керак. Қолаверса, эртага уларнинг ҳаммасини топиш қийин. Топгандаям бугунгидай булмайти. Гап шунчаки утиришдамас, шунга ваъдалашганмиз. Ҳамма вилоятдан, ҳатто Қорақалпоғистондан, Туркменистондан ҳам келишадди. Шу яқинда туриб келмасам, уларни менсимаган, юзларига оёқ қуйган буламан. Қоида бузишни бошлаб берган буламан. Чунки бир гал узрсиз бир киши келмаса, кейинги сафар икки киши қатнашмайди, кейин уч ё тўрт киши... бора-бора бу одат тусига киради. Қадрдонлар бир-биридан совий бошлайди, тарқаб кетишга тўғри келади. Купгина анъаналар шунақа булиб йуқолиб кетади-да.

«Оббо, бу деҳқонми десам, файласуф чиқиб қолдику...»

— Хуп, биродар, нима қилиш керак энди? Шун и билиб қуйингки, сизни эрталабгача айлантриб юришга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йуқ. Ҳозир айтган жойингизга олиб бориб қуяман-да, қайтаман. Мениям ўзимга яраша тирикчилигим бор. Икки соатдан бери машинани банд қилиб юрибсиз, ҳар қанча хотамтой булганингиздаям барибир бир кишининг пулини берасиз. Якка пассажирдан ҳеч қачон фойда чиқмайди.

— Менга қаранг, дўстим, — мижоз ўриндиқда озроқ олдинга силжиб шимининг чўнтагини ковлай бошлади. — Сиз биладиган қонун-қоидани мен ҳам ўқиганман. Ҳозир менинг ихтиёримдасиз. Сезиб турибман, оз беради, деб ҳадиксираяпсиз. Планингиз борлигини ҳам, қорнингиз борлигини ҳам яхши биламан, тушунаман. — У чўнтагидан бир даста тартибсиз тахланган пулни сиқимлаб чиқарди. Тугриси, Рихсининг кўзи ўйнаб кетди. Нуқул йирик пуллар... мижоз даста ичидан битта элликталикни ажратиб, узатди. — Ҳозирча мана буни олиб туринг. Агар уларни топсам, суюнчисига яна бераман.

— Хўп, гапиринг, бойвачча йигит.

— Бойваччалик эмас, кунглингиз тинчисин деб қилдим, холос.

— Ҳа, яхши. Лекин нима бўлсаям, соат бирда паркка қайтишим керак.

Ёмгир кучайди. Томчилар ойналарга чирсиллаб урилганда чиқадиган оҳанг узгарди. Деразалардан совуқ шамол кира бошлади. Яқингинада бош ювган қизлардай дийдираб турган дарахтлар лип-лип ўтади. Мижоз қунишиб олди.

Рихси рулни қаттиқ қисиб ушлаганини анча юришганидан сўнг, ҳамроҳи гап бошлагандан кейингина сезди.

— Кечирасиз, сизни хафа қилиб қўйдим. Баъзан қишлоқилигимизга борамиз-да. Кўрмайсизми иш ўнгидан келмаганини. У ёқдаги ишлар яна расво.

— Қанақа иш? — суради Рихси йулдан кўзини узмай.

— Бригадирчилик. Ун гектарча еримиздаги ғўзани сел олиб кетди. Эртага соат ун иккига йигилишга чақиришган. Ҳозир мана бу ёмгир менинг ичимга ёғаётгандан ҳам баттар бўляпти.

— Сел олган бўлса, сизда нима айб? — Рихси мижозга бирров кўз ташлаб олди.

— Олдини олмагансан, дейишади-да.

— Селни олди қандай олинади?

— Селни ўзигинамас-да... сув кўпайиб, дарёдаги тўғонни уриб кетган. Ҳе, олса бригадирлигини олишади-да, жонгаям тегиб кетди ўзи.

— Индамай бушатишаверадими?

— Афсуски, бушатишмайди-да. Лекин, бошлаб санишади.

— Қизиқ...

— Ҳа, дунёнинг қизиқ ишлари кўп экан, дўстим... ўқишни битириб, жамоа хужалигига агроном бўлиб борувдим. Икки йил ишладим. Қолоқ бир бригадани ўнглаб берасиз, дейишди... хўп демай, илож қанча! Мана, уч йилдирки, уша қолоқ бригадани оёққа тургазамиз деб, ўзимиз типирчилаб ётибмиз. Шу уч йил ичида бетимиз ҳам, этимиз ҳам анча қалинлашди. Кунора идорада мактаб ўқувчисидай тикка турамыз. Бунисиям майли-ю. Баъзан болаларни шундоқ тиззага олиб эркалатишга ҳафталаб қўл тегмайди. Бир кун кайфичоглик қилиб мириқсак бир йилга татийди. Бугун ҳам бир ўшанақа заряд оламыз, деб келувдик-да, дўстим. Ўзимиздаям ҳар замонда улфатчилик бўлиб туради-ю, суҳбат мавзуси культивация, чопиқдан нарига ўтмайди. Бир хил пластинка...

«Тавба, бошида шунча ташвиш турибди экан. Эртага дакки ейишиниям билади. Курсдошларини кўриб кетиш, бир кўнглини ёзиб олиш учун ҳам-масига қўл силкиб кепти. Шунча оворагарчиликдан кейин топса яхши эди...» — дилидан ўтказди Рихси.

Момақалди роқ гумбурлаб, чақмоқ чақди. Япроқларга қўниб олган, булбулнинг кўз ёшидай томчилар ялтираб кетди. Момақалди роқ овози узоқлаша-узоқлаша тинди. Ёмгир ҳам тўхтади. Худди лозорни эслатувчи шаҳар чироқлари яна чарақлаб кўрина бошлади.

Машина Кукчадаги пасқам кучалардан бирига кириб борди. Лекин бу сафар ҳам мижознинг омади юришмади. У уриндиққа огир чукаркан, тирсакларини тиззасига қўйиб панжалари йўгон-йўгон ва узун-узун кафтлари билан бошини чангаллади. Шу алфозда бир неча дақиқа турди. Рихси уни йиглаяптими деб ҳам ўйлади. Шу топда унга қандай далда беришни билмасди. Бир оздан сўнг мижоз бошини кўтариб, Рихсига қаради. Унинг кўзларида илинж қолмаган, ночор ва аламли кўзларга ухшарди.

— Таваккал қилиб, ўша ёққаям бир борамизми? Униси-бунисидан сўраб-суриштириб кўрамиз. Зора ишимиз ўнгидан келса. — Рихси «Фарҳод» бозорининг орқаси деган жойнинг ниҳоятда катталиги, бу уринишдан натижа чиқиши эҳтимолдан мутлақо узоқлигини билса ҳам, мижозига ачиниб кетганидан сўнгги чора сифатида таклиф қилиб кўрди. Қолаверса, «нима бўлса булди энди», деган қарорга келган эди.

Мижознинг нажот кутиб қотиб қолган нигоҳига сал жон киргандай булди.

— Асли бошида шундай қилсак бўларкан. Майли, юринг-чи... сизни анча овора қиладиган булдим-да.

— Зарари йўқ. Топсак, қиттак-қиттак оламиз, бари эсдан чиқиб кетади.

— Раҳмат, дўстим, — мижоз яқин кишилар каби рапидадай кафтини Рихсининг елкасига қўйиб, миннатдорчилигини ифодалади.

Рихси «Фарҳод» бозорининг орқасига ўтиб, машинани бир четга тўхтатди. Учбурчак, квадрат шаклларда тушган кўп қаватли биноларни кўриб, ақлини пешлаш учун у ёқ-бу ёққа аланглаб, бир-икки дақиқа туришди. Кейин маслаҳат билан иккиси икки томонга юрди. Уй номерлари ҳаддан ташқари тартибсиз: 12-уйнинг ёнида 27-уй, лекин улар учун уйларнинг номерлари аҳамиятсиз, фақат «яқинда кучиб кел-

ган оила, эри институтда ишлайди, исми фалончи» деган маълумотлар бор эди, холос. Йулакларнинг рупараларидаги шийпон-суҳбатгоҳларда икки, учтадан бўлиб суҳбатлашиб утирган кампирлар ва чоллар, деразадан тушаётган ёругда «Прима»ни бурқситиб, тарсиллатиб домино уйнаётганларнинг айримлари елка қисиш билан жавоб беришар, бошқалари эса «ҳу нариги домга яқинда бир оила кўчиб келувди, шекилли», деб умид учқунларини яллиғлантиришар, аммо «бунинг эси жойидами ўзи», деган маънода қараб қўювчилар ҳам йуқ эмасди.

Рихси ҳафсаласи пир бўлиб, қайтиб келганида мижоз машина ёнида чўнқайиб утирганича сигарет чекарди. Рихсини кўриб ўрнидан қўзгалди.

— Бўлмади дўстим, уйдан чап ёнбош билан туриб чиққанга ўхшайман. Энди охириги илтимосим: мени аэропортга олиб бориб қўйсангиз. Биринчи рейсга билетни амаллаб, учмасам бўлмайди.

...Кутиш залининг холироқ бурчагини танлашди.

— Озгина мизғиб олсам етади. Ахир эртага тикка туриш учун ҳам мадор керак-да, — ҳазил қилмоқчи бўлди мижоз. Лекин бу ҳазилга унинг ўзи ҳам, Рихси ҳам кулмади... — Ҳа, айтгандай, яна бир илтимосим бор экан: шу чамадонда озроқ мева-чева бор эди, болаларга олиб кетсангиз.

— Қўйсангиз-чи...

— Йуқ деманг, — ўрнидан туриб чамадонни Рихси томон сурди. — Барибир қайтариб олиб кетмайман.

— Чамадон-чи?.. — сўради Рихси хижолат бўлиб.

— Қизиқмисиз, арзимаган нарса...

Рихси қайтди. Гаражга келиб чамадонни очди. Қават-қават қилиб тикилган иккита катта сув халтанинг ичига сув солиниб, ҳали бозорга ҳам чиқиб улгурмаган, янги, диркиллаб турган бодринг, помидор билан тўлдирилган, яхна гули гушти ҳам бор эди.

Рихси эгасини топмаган насибаларга анча тикилиб турди. Шу пайт чўнтагида пул чангаллаган бармоқларининг титраётганини сизди...

СОГИНЧ

Эгамберди қишлоққа ҳар замон-ҳар замонда борар, ҳар гал уни отаси қувонч билан кутиб олар, умид билан кузатиб қолар эди.

Бу гал қишлоққа бориши чўзилиб кетди.

Бу гал... ҳар сафаргидек бўлмади...

У қишлоғини, униб-ўсган ҳовлисини согинганди.

У отасини согинганди. Поезда, автобусда меҳрибон падарининг нурли чеҳрасини кўз олдига аниқроқ келтиришга ҳаракат қилар, лекин хаёллари чувалашиб, тасавури жонажон қиёфани аниқ илғаб ололмасди. Фикрини жамлаб, астойдил хотирламоқчи бўлар, аммо йўловчиларнинг шивир-шивири, чақалоқ йигиси-ю, онанинг боласи елкасига аста-аста тапиллатиб уриши, деразадан лип-лип ўтаётган, чинни осмонга елка тираб турган мирзатераклар, йул-йул улкан дастурхонни эслатувчи пахтазорлар, парашют нуха толлар ҳадеб уни чалгитарди. Ўйлари ниҳоясида эса, ижара уйидан чиқиб келаётганида онасининг орқасида туриб имо-ишора билан хайрлашиб қолган Саида гавдаланар, эркаланиб: «Фақат икки кунга, хўп?..» — дея пичирлаётгандай бўларди.

Эгамбердиларнинг уйи қишлоққа кираверишда, Катта Фарғона каналининг ёқасида эди. У шу жойгача ошиқиб, интиқиб келганди. Тиниб, ўзанига тўлиб, бироқ сокин оқаётган сувга бир зум тикилиб турди-ю, тўсатдан ғалати ҳолга тушди: назарида ҳеч нарса ўзгармагандай, ҳаммаси аслича, эскичадай, бу ерлардаги ҳаёт худди ана шу сув каби тўлқинсиз, шовқинсиз, бир меъёрда кечаётгандай кўринди.

Тепаси кўча томонга хиёл огиб қолган қадрдон дарвозага кўзи тушганда қалбидаги согинч туйғулари туйқус шамолдан енгил чайқалган денгиз тулқинидай бир қалқиди-ю, ичкари кириши билан яна пасайди.

Эгамбердининг тахминича анча ўзгаришлар бўлиши керак эди.

Ҳаммаси уша-уша. Ҳовлини тўрт томондан қисиб турган пахса гувала деворлар, кунчиқишдаги устига қорақоғоз ёпилган, пешонаси қора тандир ҳам, унинг ёнидаги тол ходалардан омонат ясалган товуқ катаги ҳам, айвони ўртадан бўлинган қатор уйлар ҳам, энг четдаги хонанинг ёнбошига тираб қўйилган калта шоти ҳам, тунукалари занглаб, тахталари қийшайиб кетган баланд сўри ҳам уша-уша... Фақат баргларнинг ранги ўзгарган. Эгамберди ўтган сафар келганида олма, урик, анор япроқлари ям-яшил эди, энди улар саргайиб, ҳатто, тўкилиб булаёзибди. Дарахтларнинг остидаги хазонлар енгилгина шитирлайди.

Эгамберди йулакда тўхтаб, тулиққан кунгли бўшашиб кетгандай, енгил тин олди.

Отаси анорларнинг тагини очаётган экан.

— Ота!

Абдухолиқ ака энгашиб, кўзларининг бор қуввати билан тикилганча бир лаҳза турди, кейин кафтларини, тердан саргайган, чангдан қорайган нимдошгина оқ сурп яктаги этакларини қоқиб, кела бошлади. Енглари тирсагигача шимарилган, этсиз қўлларининг сиртида, билакларида қон томирлари хаританинг махсус белги-чизиқларидай яққол бўртиб турар эди. Чувак юзидаги мошгуруч соқолига, ёппа қошлари, киприкларига юпқа қировдай чанг ўтирган, кекирдаги, кекирдагининг икки ёнидаги чуқурчалар қошиқ-қошиқ бўлиб куринарди.

— Эгамберди?!

Эгамберди бир неча қадам босди-ю, болдирларини, қўймичини сириб турган майда йўлли бах-

мал шимига монанд жигарранг, локланган туфлиси тупроққа ботиб, тухтаб қолди.

— Ҳорманг.

— Келдингми?

Улар қучоқлашиб кўришишди. Эгамберди отасини қаттиқ ё секинроқ қучоқлашни ҳам билмасди. Қизиқ, ахир у отасини согинган-ку! Нега энди у билан қандай кўришишни билмайди? Нега лалаяди?!

— Тинч юрибсанми? — Абдухолиқ ака ўглининг дам тўлқин-тўлқин сочларига, дам яқиндан бери астойдил қирила бошланган иягига ташналик, оталик ифтихори билан тикилар эди.

— Ҳмм, ўзингиз бардаммисиз?

— Шукур.

Абдухолиқ ака индамай ичкарига юрди. Эгамберди отасининг мисранг гарданини қоплаган тарам-тарам, катак-катак ажинларидан куз узмай сўзсиз эргашди.

«Сочи роса оқарибдими. Гавдасиям чўкканга ўхшайди. Қариб қолибди...»

Абдухолиқ ака ишком остидаги эни бир, бўйи бир ярим қулоч келадиган ҳаворанг чорпоя четига чўккалади, Эгамберди бериги чеккага, оёқларини ердан узмаган ҳолда, бир қўли билан тиралиб, омонатгина утирди. Чорпояга солинган қизил, кук-сариқ йўлли, икки қирғоги попукли шолчани офтоб ўнгдириб юборган эди: чорпоя ёз бўйи шу ердан жилдирилмаганга ўхшайди.

Ота кафтларини очиб, нималардир деб пичирлади. Эгамберди эшитмади, қўлларини юзига тортди.

— Ҳмм...тинчликми? Уқишларинг қалай?

— Яхши, кетяпти.

— Уртоқларинг ҳам ўқишяптими? Пойизда келдингми?

— Ҳмм...

Эгамберди у ёқ-бу ёққа аланглади.

каттароқ бир бог шох утин шаклига келар, кейин арқонни анорнинг йўгонроқ новдасига бир тортганда ечиладиган қилиб илаштириб, тупроқ остида қолиб кетмаслиги учун учини четга чиқариб қуйишарди. Сунгра ота хашак ёпиб, анор устига чиқарди-да, бутун огирлигини солиб тепкилаб турар, Эгамберди тупроқ ташлар эди. Кўмиб бўлишгач арқонни сугуриб олишар ва навбатдаги анорга утишарди.

Эгамберди ҳеч қовушолмас, анорнинг тиконларидан узини олиб қочар, тиконлар эса ўчакишгандай ҳали у ери, ҳали бу ерини тилиб кетар, отасига ўз аҳволини сездирмасликка уринар, бироқ тилинган жойлари жазиллаб ачишганда тиришаётган пешонаси «иситма»ни ошкора қилиб қўяётганидан беҳабар эди. Анор кўмиб-очиш Эгамберди ўқишга кетмасидан олдин ҳам бор эди. Лекин у пайтларда Эгамберди ҳашарчиларга чой бериб, бостирмадаги гарам хашакни анорзорга ташишга ёрдамлашиб турарди, холос. Анор кўмишнинг бу қадар машаққатли эканини тасаввур қилмаганди. У «энди катта йигит бўлиб қолдим-ку, бунақа ишларни қотириб ташла-сам керак», деб ўйлаганди. Эҳтимол, отаси ҳам шундай фикр қилгандир. Лекин, отаси ишга ўрганиб кетибди. Илгарилари — ҳосилотлигида, бригадирлигида уям ҳовлида иш қилмас, анор кўмиб-очиш, бошқа огир юмушларга аъзоларидан уч-тўрттасини жўнатар, ўзи баъзида, ҳатто «ҳорма, бор бўл»га ҳам гоҳо келмас эди. Энди эса, гурсиллатиб кетмонни уряпти. Асли, зоти меҳнаткаш-да. Эгамбердининг бобоси қарол ўтган экан. Отасида ўша бобосининг қони бор. Ундай деса, Эгамбердида бобосининг, отасининг қони йўқми? Ким билсин, у замонлар бошқачамиди: камбагалнинг қора меҳнатсиз куни ўтмас эди. Энди техника бор, ўқиш деган нарса бор, яшашнинг, пул топишнинг енгил йўллари кўп... эҳтимол, қон ҳам бирдай туравермас, авлоддан-авлодга бир хилда, бир

зайлда утавермас... Ахир замон ўзгаргандан кейин қон ҳам ўзгарса керак-да...

Эгамберди ишга жон-жаҳди билан ёпишиб, тиконли шохларни сесканмасдан қучоқлари орасига олиб, ерга босаётган отасига ҳаваси келди, айна вақтда, унга ачиниб кетди. Ёши етмишга қараб боряпти... Энди аъзо-ҳашарчилар йўқ. Демак, анор, анжир, узумларни баҳорда очиб тиклаш, кузда кўмиш, ёзи билан шудгордаги утларни юлиб, сув қўйиш, кейин чопиб ерни қайтадан юмшатиш, рўзгор ташвиши — ҳаммаси отасининг ўзига қолган. Ҳовлидаги олма, беҳиларнинг мевасини ҳам йигирма чақирим наридаги бозорга ўзи олиб бориб, сотиб келаётгандир... бу оворагарчиликлар ким учун? Ўзи учунми? Йўқ, мундоқ уйлаб, ҳисоб-китоб қилиб кўринг, мулла Эгамбердивой. Ҳар ойда почтадан кўзингизга суртиб оладиган сўлкавойлар қаердан келяпти? Мана шу, ҳозир тиконлари кўзингизга бало-қазодек кўринаётган анорларга сарф булган заҳматнинг қаримтаси эмасми? Булмасам-чи! Қўрадаги қўйлар-чи? Ҳар куни сизга ўхшаганлар белингизга сочиқни боғлаб, «Поморин» билан имиллаб тиш юваётган пайтингизда, отангиз қирнинг ортидан булса ҳам ўт ўриб, орқалаб келади, икки тутамини қўйларнинг охурига ташлагандан кейингина нонуштага ўтиради. Гапини эшитдингизми, «Синглинг ўғлига тўй қилмоқчи, таомил — мен сўқимини кўтаришим керак, иккита қўйни сал семиртириб сотиб, пулига қўшиб новвос оламан, ҳарна енгиллик...»

... Эгамберди шу хаёллар билан алламаҳалгача ухлай олмади. Бугун ишга киришиб кетолмаганлигининг сабабини анчадан бери жисмоний меҳнат қилмаганидан кўрди (ундай деса, пахта терди-ю... Э, пахтаниям ёлчитмади-да) ва эртага албатта астойдил уриниб, хижолатпазликдан чиқишни кўнглига тугиб қўйди.

Аmmo... отаси уйготганида, кун аллақачон ёйилиб кетган эди. Шартта урнидан туриб кетмоқчи бўлди, бироқ оёқ-қўллари унга буйсунмади: аъзойи бада-ни биров уриб эзиб юборгандай қақшар, керишгиси келар, кўзларига қум тиқилиб қолгандек очилавер-масди. Судралгандай ташқарига чиқди. Отаси анор-зорда куймаланарди. Эгамберди изза тортганидан нонуштага ҳам қарамай, ўзини чаққонликка солиб шудгорга кирди. Лекин отаси «Чойингни ичиб ке», деб қайтариб юборди. Абдухолиқ ака чойнакни дас-турхонга ураб қўйган эди. Эгамберди наридан-бери нон чайнаб, лаби куйиб-куйиб икки-уч пиёла чой ичган бўлди-ю, отасининг ёнига чопди. Абдухолиқ ака қандайдир ашулани хиргойи қилганича кет-монни қарсиллатиб урар, ердан бир текисда «хишт, хишт» деган сас чиқиб, енгил чанг кутариларди. Эгамбердининг назарида отаси кетмонни омонатгина ушлаб, фақат унинг йўналишини бошқариб турган-дай, қўллари даста узра осонгина бориб келаётгандай туюлди. У ҳам кетмон олди. Бироқ ёғоч соп кафтига қиррали темирдай тегди. Қули безиллаб, қаттиқ урол-мади, бармоқлари яхши сиргалмади, ерга кетмоннинг ярми ҳам кирмади. Шундагина у кечаги бирпаслик ишига кафтларининг қавариб кетганини кўрди. Ик-кинчи кетмон уриш биринчисидан ҳам азоб бўлди. Кетмон жуда секин қимирлаётгандай, гўё кутарганда ҳавода уни нимадир тутиб қолаётгандай эди.

Ўғлининг ҳаракатларини зимдан кузатиб турган ота чопишдан тўхтади.

— Кетмон утмасаканми? — дея мийигида кулим-сираб уз кетмонини Эгамбердига узатди. — Муни кўр-чи.

Эгамберди қизариб, ийманиб кетмонга қўл чўзди. Кафтига туфлаб, қулочкашлаб уришга чоғланди. Бироқ бу кетмон ҳам мўлжалга тушмади. У гап кет-монда эмаслигини англади. Фақат, аслида ўзига иш

қилиш унча ёқмаётганини тан олгиси келмас, тан олса ҳам, отасига сездирмоқчи эмас эди (бир-икки кун чидаб турса, кейин шаҳарга кетворади. У ёқда бунақа ишларни тушида ҳам кўрмайди). Лекин у кексаларнинг сезгир бўлишини унутганди. Отаси кетмонни «дўқ» этказиб ерга қўйди.

— Ручкага ухшамаяптими? Косиб бўлсан-қопсанда. Ке, юр, осонроқ иш қип турайлик. Гувала ташиймиз. Бостирмани ўнглаш керак. — Абдухолиқ ака уст-бошидаги чанг-чунгни силкитиб, оҳори кетиб, четларига ёг тепчиган дўпписини кафтига уриб қоқди-да, куча томон юрди.

Отанинг гапларида таъна оҳанги сезилмасди. Эгамберди ботинан севинса-да, буйнини эгиб, падари орқасидан жимгина эргашди.

Замбилда куча девори тагига уюб қўйилган гувалаларни ўттиз қадамча беридаги харобалашиб қолган бостирма ёнига таший бошладилар. Иш анча осон эди. «Бу бошқа гап!» — деб қўйди ичида Эгамберди. Фақат бир огиз гаплашмай бориб-келишаётгани кўнглини хижил қиларди.

Отанг билан беш-олти ойда бир кўришсангу ҳолаҳволдан, уйлаб-уйлаб топилган суроқ-жавобдан, айрим борди-келди гаплардан нарига ўта олмасанг! Балки отангнинг ўзи ҳам сал-пал сабабчидир. Чунки сенинг болалигинг отангнинг жамоа хўжалигида амалдорлик пайтига тўғри келди. Сен уни икки-уч кунда бир кўрардинг, унинг сен билан гаплашишга, суйиб-эркалатишга вақти бормиди. Кейин... кейин... онанг оламдан ўтиб, ўгай онага қолдинг. Тўғри, у сенга ёмонлик қилмасди, аммо нима юмуш билан машғуллигинг, қаерда юрганнинг билан ҳам иши бўлмасди. Рост, у билан гаплашиб ўтиришга ўзингнинг ҳам ҳушинг йўқ эди. Уйга индамай кириб, индамай чиқадиган одатни ўргандинг. Отанг билан шу пайтгача бирор марта сирлашмагансан.

«Ахир ота-бола ниманиям гаплашиши мумкин, — яна ўзига-ўзи тасалли берарди у, — отанинг дард-ҳасрати бошқа, ўгилники бошқа бўлса...»

— Кузингга қара!

Бироқ, Эгамберди «кўзига қараш»га улгурмади. Деворга қапишиб усган олманинг йўлак томонга эгилган йўгон шохига (ҳар гал шу ердан энгашиб утишаётган эди) пешонаси «дўқ» этиб тегди. Кўзидан ўт сачраб кетгандай бўлди.

— Қўй, қўй, замбилни ерга қўй!

Абдухолиқ ака бир ҳатлаб углининг олдига ўтди. Эгамберди пешонасини ишқарди, ота унинг қўлини четга суриб ўзи шохга теккан жойни силаб кўрди, жиддий шикаст етмаганига ишонч ҳосил қилди.

— Кўзинг қаердайди? Ёмон тегдими?

— А, йуқ... — Эгамберди замбилни кўтариш учун энгашди.

Эгамберди энди қўлларининг замбил кўтаришга безиллаётганини пайқади. Бармоқлари қотиб, яхши эгилмас, назарида замбилнинг дастаси қўлидан сирғалиб тушиб кетаётгандай булаверди. Қўлларига дам бергиси келар, икки марта «қовун» тушириб, тагин «Дам олайлик ота», дейишга бети чидамасди. «Яна уч марта... яна икки замбил ташийлик...», деб ўзига далда берар, аммо қўллари огирликни ҳис қилмайдиган булиб борарди; соп сирғалиб чиқиб кетай-чиқиб кетай дер, отасидан ҳам яширолмамай замбилни йўл-йўлакай силтаб-силтаб, ё тухтаб, оёқларини навбатма-навбат букиб сал кўтарардида, замбил дасталарини тиззасига қўйиб маҳкамроқ ушлаб оларди.

Учакишгандай, Абдухолиқ ака ҳам «ўглим изза бўлмасин», дебми, бу ҳолни сезмаётгандай, «бас қилайлик», демасди. Эҳтимол у ҳам хаёл гирдобига тушиб кетгандир: «Биттаю-битта ўглим ҳам шунақа

нозик бўлиб қоладими, бу аҳволда узини-узи қандай қилиб эплаб кетади? Бунақада мен оламдан ўтсам бари мевалар, бутун ҳовли хонавайрон бўлади-ю! Ер хароб бўлади-ю!», деб ташвиш чекаётгандир, ичидан эзилаётгандир балки...

Эгамбердининг қўллари увушиб, карахт бўлиб борарди. Босим кучайиши оқибатида қон тупланиб, билаги тирсагигача тошдай қотиб кетди. Энди у борган сари узини унглаш, қайтадан дастани маҳкамроқ тутиб олиш учун тез-тез тўхтаб бошлади.

«Яна бир замбил...»

Эгамбердининг дилини ҳаммасидан ҳам отам «атай қиляпти» демаяптимикин, деган хавотир кемирарди. Отаси эса ҳамон истиҳола қилар, бир нарса дейишдан тилини тиярди. Эгамберди кафтининг қаварган ерлари, гурра бўлган пешонасининг жазиллаб ачишаётганини ҳам унутиб, тишини тишига қўйиб борар, терлаб кетаётганини сезар, аммо чурқ этмас эди. Фақат қайтишда бир оз нафас ростлар, битта гувалани иккала қўли билан кўтариб замбилга солар экан, назарида гувала ҳам чўяндай оғирлашиб борарди.

«Шу охиргиси... энди нима деб ўйласа ҳам, дам олайлик, дейман...»

Эгамберди замбилни ердан аранг кўтарди. Энди оёқлари ҳам унга бўйсунмай чалишиб кета бошлади. Шундагина Абдухолиқ ака чидаб туролмади:

— Тўхта, мен ўнглаброқ ушлаб олай, ерга қўй.

Эгамберди қўллари қалтираб замбилни ерга қўйди.

— Ке, дам олволайлик...

Эгамбердининг мияси чарчоқдан, айни вақтда, ғазабдан луқилларди. Отасининг гапи масхарадай туюлди.

«Шу пайтгача индамай...»

— Шуни обориб тукайлик...— Эгамберди узини аранг босиб, энгашиб замбил дасталарига қўл чўзди.

— Қуй, деяпман, чарчадим.

Эгамберди отасининг «чарчадинг» деёлмаётганини, демаганини англади. Индамай, эгилганича турарверди. Охири Абдулхолиқ ака ҳам энкайди. Шу пайт Эгамберди билолмай қолди: замбилни отаси аввал кўтариб юбордими ё ўзининг қўлидан чиқиб кетдими, қарсиллаган товушни эшитди. Иликларининг орқасига гувала тегди, туёғи тешикка тушиб чўккалаган отдай, тиззаси букилиб, замбилга утириб қолди.

— Қуй, дедим-а, сенга. Қайсарлик қилдинг! — Ота яна боягидай бир ҳатлаб, ўглининг ёнига ўтди. Қўлидан тортиб туришга ёрдамлашди.

Эгамбердининг ранги оқариб, пешанасидан совуқ тер чиқиб кетганди. Енги билан юз-қўлларини артиб, жилмайди. Бироқ унинг бу жилмайиши аянчли ва аламли эди.

— Қани, юр, — отаси уни айвонга бошлади. — Ўтириб тур, — чорпоёга ишора қилди айвонга боришгач. Ўзи чойгумга ўт ёқди.

Эгамберди «мен...» демоқчи бўлди-ю, лаблари бир-бирига ёпишиб қолгандай очилмади.

Икки-уч пиёла иссиқ чойдан кейин Эгамберди ўзига келди. Бироқ билаклари ҳали ҳам таранг эди. Атай қилмаганини исботлаш учун отасига кўрсатди.

Абдухолиқ ака таъна ва ачиниш билан ўглига тикилди. Эгамбердининг йўгонлашиб, мушаклари билинмай кетган билагини кўк томирлари ирғиб чиққан, тикан тилган бармоқлари билан эзиб-эзиб кўрди.

— Ҳаракат қилдирвор, чойдан ич, бирпасда тарқаб кетади, қон тўпланиб қопти. Айтмаганингни қара-я, тилингни кесволадигандай...

Пешонасининг оғриғи ҳадемай босилди, иккинчи куни билакларининг шиши қайтди, кафтларидаги

оқ нурсилдоқ булиб қолган бир қават тери кучиб, қалоқлари ачишмай қуйди. Лекин энди юраги безиллар, жунашга ошиқарди.

Дарвозахонадан чиқишгач, Абдухолиқ ака дуога қўл очди:

— Эсон-омон етиб ол. Оллога омонат...

— Бупти, яхши қолинг, — Эгамберди отасига қўл чўзди. Абдухолиқ ака қўлини тезда тортиб олиб, бошини четга бурди: унинг мижжаларига ёш қалқа бошлаган эди...

Эгамберди туятиш анорнинг хил-хили битта-битта терилиб тўлдирилган жомадонни йиқилиб кетмасин деб болдирлари орасига олиб турар, чап қўлида ўзининг йўлдош портфелини тутқичидан оҳиста айлантириб ўйнар, аланглар, бу хатти-ҳаракатлари ғайриихтиёрий тарзда юз бераётганидан хабарсиз эди.

Иттифоқо, отасининг томоғига, хиёл кўтарилиб, тагин жойига қайтаётган бойёнгоқдай кекирдагига, кекирдагининг остидаги чуқурчага кўзи тушиб қолди.

Кўнгли бузилди... начора, айб фақат унинг ўзидами?.. Унга ўхшаганлар камми?.. Ахир уни отасининг ўзи папалаб ўстирмаганмиди, болалигимиз қиров босган шудгорда ялангоёқ, бўз иштонда, омочнинг кетида ўтди, у кўнлар энди сизларнинг бошингизга тушмайди, энди билакнинг кучи биланмас, бармоқнинг учи билан иш юргизиб яшайдиган замон келди, демаганмиди? Ўқишга ўзи оқ фотиҳа бермаганмиди, пешонасидан ўпиб, йўлинг ойдин булсин, деб жунатмаганмиди?..

У йўлга тушди. Қайрилишга яқин қолганда секинлаб, ортига ярим ўгирилди. Отаси кўринмади. Гувала деворлар, қийшиқ дарвоза уни таъқиб қилиб келаётгандай эди.

АЛАМ

Равшанни санаторийга олиб бориш хаёлимдаям йўқ эди. Касаба уюшмамиз раиси: «Путёвка икки кишилик, болалардан олиб кетарсиз. Хоҳламасангиз, куясиз», деб қолди.

— Айни муддао-ку, — дедим хурсандлигимни яширмай. — Битта ўғлимиз нимжонроқ...

— Ана, кўрдингизми, математика эзиб қўйган бўлса керак-да бола бояқишни... бунақа профкомни қаёқдан топасиз. Битта ош сиздан — Андижонни дев-зирасидан!

Мактаб директоридан ижозат, синф раҳбаридан тавсифнома ундириб, иккаламизга поликлиникадан санаторий-курорт варақаси тўлдириш учун икки кун югурдим: бирини топсанг, бири йўқ...

Равшан эса, опа-укаларига мақтаниб, такадай иргишлагани-иргишлаган.

Самолётнинг купираётган денгизсимон булутларни кемадай ёриб ўтиши, иллюминатордан гоҳ чайн-вордга, гоҳ макетга ўхшаб кўринган ер рангининг дам сайин ўзгариб туришидан ҳайратга тушган Равшаннинг кўзлари чарақлаб, ҳадеганда елкамга суркалади — миннатдорчилигини изҳор этади.

Икки кишилик хонага киргач, «қалай?» — деб сўрадим бош томонидаги тахта тўсигига яп-янги, гулдор сочиқчалар ташланган юмшоқ, ораста каравотларга ишора қилиб.

— Ву! — деди Равшан бош бармогини ниқтаб ва худди уйдагидек бўйнимдан қучоқлаб, юзларимдан чўпиллатиб ўпди.

— Қани, танласинлар жойни, — дедим ўғлимнинг сочини тўзгитиб.

Равшан дераза ёнидаги каравотга сувга калла ташлагандай ўзини отди, бироқ шу заҳоти пружинадай сапчиб турди-да, хонани кўрикдан ўтказа бошлади.

— У-у, жа зур-у, дада! — деб қўярди у ярақлаган жигарранг шкаф, тумбаларга, душли ваннахонналарга оғзи очилиб.

— Во-о, дада! Бияққа қаранг-а! — деди у ҳаяжонланиб, олди пастак панжарали айвончадан тева-ракни томоша қиларкан.

Манзара чиндан ҳам ажойиб эди. Санаторий имо-ратлари чуқурликда жойлашган булиб, жануб ёқда қатлам-қатлам олам кўзга ташланарди: биз турган бино олди кучат чинорзор, ундан сал баландроқда — санаторий ҳовлиси билан маҳаллани ажратиб турув-чи асфальт кўчанинг у юзида катта-кичик дўконлар, бозорча, улардан тепароқда кунчиқишдан кунботиш-га қараб ястанган, жайдари тол, мирзатераклардан иборат ям-яшил дарахтзор, бир поғона юқорида, дарахтзор билан туташ, бесаноқ бугдой уюмлариси-мон баланд-паст новвотранг адирлар... ундан нари-да олисда туялар карвонини эслатувчи ҳалқа-ҳалқа тоғлар сукут сақлаб турар, энг юксакда эса кўкиш ҳарир либосдаги ямоқ каби лахтак-лахтак булутлар гарбга томон аста-аста сузиб борарди.

Санаторийнинг гавжум ҳаётига шарпасиз шўн-гиб кетдик. Икки оқшом кинога кирдик. Қарасам, ошиқ-маъшуқлар ойдин кечаларда, хилват кўчалар-да қўлтиқлашиб юрадиган фильмлар...

— Равшанбек, бунақа кинолар сизга тўғри кел-майди, ўғлим. Яхшиси ухлаб дам олиш керак...

— Болалар учун бўлса, кўрамиз-а?

Ваъда бердим.

Энди кечқурунлари фойедаги доналари кичикроқ муштдай келадиган шашка асосий эрмагимизга ай-ланди.

— Вой, мунча ёқимтой, ақлли бола бу, кички-нагина бўлиб, буваси тенги одамни бурчакка қисиб қўйибди-ю, — дея Равшаннинг бошини силаб, ё соч-

ларини тўзгитиб ўтишарди қўшни хоналарда тура-
диган аёллар.

— Углингиз жуда ширин-а, — дейишарди зерик-
кишганида Равшан билан қувлашмачоқ ўйнайдиган,
уни гапга тутиб ўтирадиган ҳамшира қизлар.

Равшаннинг шундай бўлишига якка-ёлғиз ўзим
сабабчидай магрур жилмаяман; гуё одамларнинг, ху-
сусан аёлларнинг углим баҳонасида менга, Равшан-
нинг онасига ҳаваслари келаётгандай...

Аслида, ўзим ҳам Равшанни яхши кўраман:
ройиш, кўнгилчан... Опа-укалари сурашса, лоақал
суқланиб туришганини сезиб қолса, қўлидаги ширин-
лигини «ма», деб бериб қўяди, жуда кўзи қиймаса,
ўзига ярмини олиб қолади. Танг аҳволни тушунади-
ган, озга кўнадиган, қисқаси, гап уқадиган бола.

— Болани эс эзиб қўйяпти, — дейди баъзан аяси.

Равшаннинг ҳам менга меҳри кучли. Ишдан кел-
ганимда эшик қўнгирогига биринчи бўлиб югуриб
чиқади ва остонадан ўтмасимданоқ бўйнимга осила-
ди. Роса берилиб ўқиб, ё ёзиб ўтирган пайтимдаям
«дада, бир ачом қилволай», деб киради. Ётиш олди-
дан «яхши ухлаб туринг, дада», деб икки юзимдан
ўпиб чиқиб кетади ўз хонасига.

— Хизмат сафарига кетганингизда ичкикиб, касал
бўлиб қолмаса, деб юрагимни ҳовучлаб ўтираман, —
дейди аяси. — Болишингизни қайта-қайта қучоқлаб,
«оҳ-оҳ-оҳ, дадамни ширин ҳиди келяпти», деб ича-
гимизни узади. «Қўйсанг-чи, қаёқда ширин...» —
деб жигига тегсам, «э-э, сиз дадамни согинмайсиз,
согинганингизда билардингиз, ҳиди қанақа ширин-
лигини», дейди йиглагудай бўлиб...

Мана, энди иккимиз тенг ҳуқуқли (шундай бў-
лиши ҳам табиий: ахир, путёвка нархи катта-ки-
чикка барабар-ку) дам олувчи, даволанувчилармиз.
Равшан мен учун оқ-қоранинг фарқига етадиган
росмана ҳамроҳ, сирдош ҳамхона... У билан мас-

лаҳатлашишлар («хўш, энди нима қилдик, Равшан-жон?»), шашка уйнаш («марҳамат, шаҳзодам, юриш узларидан»), эрталабки муомала («қани, турмайдиларми, ош вақти бўп кетдию...») гоят завқли, гоят мароқли...

Тунда ой шундоққина айвончамиз рупарасидан димланган сув юзидаги коптокдай имиллаб ўта бошлайди. У деразамиз ромига урилиб, қоқ иккига бўлинган маҳал Равшан оппоқ чойшабга ўранганча, бир жаҳон бўлиб уйқуга кетади. Мен унга ифтихор билан қараб-қараб, қачон кўзим илинганини сезмай қоламан.

Ҳаммаси жойида-ю, фақат...

Болалар бўлимида ўрин йўқлигидан катталар корпусига жойлашган эдик. Равшан овқатдан кейин ошхона атрофида уймалашиб юрган болалар ичига узини уради. Бўйнига арқон солгандай, аранг олиб кетаман. Бошим қотиб юрувди, столимиздан иккита жой бўшаб, бахтимизга ўзимиз сингари ота-бола ўтиришди. Аввалига, улар бир-бирига у қадар ўхшамаганлиги учун ота-бола деб ўйламадим. Отаси ўртадан тикроқ, қадди-басти келишган, юзи чўзиқроқ, қопқора қошлари ўртада бурчак ясаб туташиб кетган, киприклари қалин ва узун эди. Кўзлари эса каттакатта, теварагига нам тепчиётгандай кўринадиган қорачиқлари оҳиста ҳаракатланиб, ўйнаб тургандай авровчи, аёллар таъбири билан айтганда «гар кўз», қисқаси хотин-қизлар узини багишлаш пайдан бўлишадиган эркакона қиёфали одам эди. Бола эса, аксинча, маккажўхори сўтасидай бўйчан ва қилва, кўзлари чумчуқникидай кичкина, киртайган эди. Отасининг қора сочлари қалин, табиий тўлқинли, боланинг сочлари рангсиз, сийрак; бир тутам пати пешанасининг бир томонига елимлаб қўйилгандай, қилт этмас эди. Қулганида кўзлари юмилиб, юзи баттар кичрайиб кетарди.

— Э, яхши бўлди. Тушдан кейин ош қиламиз ош-хонада. Улфатлар бор. Уч кун карам шўрва ичиб, бугун эрталаб турсам, болишим нам бўп қопти.

Кейинги кунларимиз ҳам машқ учун отилган ўқдай деярли бир хил, аммо гаштли ўта бошлади. Дам бизнинг, дам Солижонларнинг хонасида (купроқ уларникида, чунки бу хонада доим чой қайнаган, писта-бодом аримайди. Санитаркалар кириб чойнак-пиёлаларни қайноқ сувда чайиб, чой дамлаб бериб туришади, қатиқ, кук топиб келишади) чойхурлик қилиб, гап сотиб ўтирамиз. Қарта ўйнаймиз. Суҳбат охири касалимизга бориб тақалади.

— Шу қон босимиям жа бемаза, бетайин нарса экан. Қачон, қандай кўтарилганини билмай қоласан одам. Бу ёқда соппа-соғдай юраверасану дўхтирни қўлига тушдинг, тамом, қани, бир давлениянгизни ўлчаб қўяйлик, дейди-ю, ўҳ-ҳу, шунча давлениямнан қандай тикка юрибсиз, дейди. Ташқарига чиқишингиз билан миянгиз лўқиллаб, кўзингиз тина бошлайди.

— Ҳар куни қўғирма палов, қуй гўштига димлама есангиз, сизни қон босимингиз ошмай, карам шўрва ичганларники ошсинми?

— Э, гап овқатдамас, азизим, ёш дўхтирларингиз айтишаверади. Мен бир тажрибали дўхтирга учраганман. Ана у ҳақиқий врач, чунки ўз устида ишлар экан. Ҳамма соҳадаям ўзидан олдингиларни илми билан ўзиникини солиштирмаса, бойитмаса, икки пул. Чунки ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уни илдизи, замини бўлади. Айримлар илдизидан қирқиб олишади-да, кейин қуритиб қўйиб, қараб ўтиришади. Ҳалиги одам ўзи республикада хизмат кўрсатган врач экан. Уйига кирсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Қатор кетган уч хонали уйининг деворларига варақалар ёпиштириб ташлабди: асал йигирма неччиям дардга шифо, қимиз фалонча касалга даво.

Ушаларни уқиб чиқсангиз, узингизам, анча-мунча нарсага ақлингиз етадиган бўлиб қолади. Уйга бора солиб, шуларга амал қилсам тузалиб кетаман экан, деган тушунча тугилади.

Ўзиям, жуда истаралиг-у, тез одам экан, киришим билан, хўш, гапиринг, деди. Қон босимим бор, дедим. Томиримни ушлади, кузларимга тикилди, тилимни кўрди, ҳозир қон босимингиз жойида, деди. Кўтарилиб туради, дедим. Қанчага чиқади, деб сўради. Ҳа, шунчага, дедим. Отангизда ё онангизда бормиди қон босими, деди. Билмадим, дедим. Ҳеч шикоят қилишганини эшитмаганман, дедим. Беғам бўлинг, бошни камроқ, қўл-оёқни кўпроқ ишлатинг, деди. Овқат-чи, деб сўрадим. Кўнглингиз тортган овқатни енг, деди. Врачларингиз карам шўрва, ёвгон ич, деб хуноб қилишади-ю, дедим. Бекор айтишибди, мана, менам врачман. Ота-буваларимиз қиши билан қўй ёғи-қўй гуштига палов еб чиқишган. Қозоқ дўстларимизнинг тўрттаси битта бўрдоқи қўйнинг гуштини кўрдим дейишмаган.

— У сиз айтган қўйлар дори сепилмаган ўт еган, демадингизми.

— У пайтда дўхтир нима деркин, деб юрагингиз пукиллаб туради-ю, бунақа гап хаёлга келади, дейсизми. Телевизорни камроқ кўринг, деди. Бола-чақа бордир, деб сўради, бор, дедим. Ишдан келиб кўчада етаклаб айланинг, қувлашиб ўйнанг, уйда от бўлиб беринг, деди. Ие, кўчада югуриб юрсангиз, одамлар боласини уриш учун қувляпти, дейишар, дедим, парво қилманг, деди.

Кейин ўша дўхтир эллик йилдан кейин бир келасиз олдимга, деди. Хурсанд бўб кетганимдан, бир даста пул чиқарибман. Дарров ранги ўзгарди, денг. Бир юзимга, бир пулга қарайди. Охири эпчиллик билан даста ичидан битта уринган пулни суғуриб ол-

ди, қолганини эгаларига сарфланг, деди. Тушунмай чиқиб кетавердим. Ўша айтгандай, парҳез деган гапни эшитсам, ансам қотади. Ҳали-ҳали эслаб юраман. Бир борай, дейман-у, ана-мана, деб ҳеч қўл тегмайди.

— Қон босимингиз тузалмабди-ю, барибир.

— Э, қон босимидан-ку ўзимни шикоятим йўқ, ҳеч безовта қилмайди. Участка врачимиз доим давлатиб турмасангиз, миянгишга қон қўйилиши мумкин. Ичингиздагини бўшатиб юринг, кўпроқ камгап одамлар шу дардга чалинади, дейди. Шундан кейин, узимам жа ичимдан топмасман-у, кўпроқ гапирсам асакам кетадими, деб келганини қайтармайман.

— Хуллас, бу ерда қаерингизни даволатяпсиз, энди?

— Шу, унги болдиримда Дилшодни шапалогидай жой зинқиб оғрийди. Қишдаям, ёздаям, қордаям, ёмгирдаям, саратон-чилладаям бирдай симиллаб тураверади. Баъзи-баъзида кечаси, саҳарга яқин кучайиб қолади. Диагноз йиғирма-ўттиз хил бор. Ҳаммасиям бир четини олиб келиб ревматизмга тақашади. Ревматизмда бўғимлар оғрийди, ҳаво ўзгарса қўзийди дейсизлар, менда унақамас-у, десам, шунақа формасиям бўлиши мумкин, дейишади. Жуда бир бетаъсир, ҳеч нарса кор қилмайдиган оғриқ эди, назаримда шу ванна фойда қиляпти... бу, сизга гап ҳам бермадим. Боя айтганимдай, гап халтам жуда чуқур, тилниям ҳеч тушовламайман. Ўзингизда қанақа касаллардан бор?

— Менда радикулит. Бултур тўққиз ой ётиб қолдим.

— Яна тўққиз кун қолган экан-у... узр, ҳазил.

— Кимга айтсам ишонмайди, радикулит биздаям бор, бунақамас, деб.

— Ўша, диагноз тўғримас-да. Радикулитга қарши укол, дориларни шигаб бераверишган, улар бошқа

тўқималарингизни ишдан чиқараверган. Касалликни жиги топилса, бир ҳўплам совуқ сув эм бўлади, деган гап бор. Мана, игна санчадиганлар айтади: ўнтадан биттаси жойига тушиб қолса, марра бизники, деб...

Қарта билан, гап билан бўлиб, купинча куннинг қандай ўтганини сезмай қоламан. Фақат баъзан-баъзан қанчадан-қанча бебаҳо дамлар қатига чийланиб кетадиган эллик иккита қоғоз — эллик иккита вақт ўгриси, эллик иккита душмандай туюлади менга, лекин одамнинг юзи иссиқ.

— Газета-пазета ўқисакми, ёввойилашиб кетмайлик, — дедим бир куни.

— Э, қўйсангиз-чи, — қўл силтади Солижон, — санаторийга кўнгил ёзиш учун келинади. Ўқиш уйдаям бўлаверади. Минг ўқиганингиз билан барибир ёғи чиқмайди... Кечирасиз-у... бари ваҳимани уяси, бомба-сомбаларни ана шу ўқийдиганлар ўйлаб топишяпти...

Тушликдан кейин:

— «Тихий час»да бир оз мизғисакми, — дедим олдини олиб.

— Э, ёш боламисиз, — энсаси қотади шеригимнинг. — Бугун бир димлама қилайлик.

Чойхонадаям қарта ўйнаб кеч киритамиз-да, тўғри ошхонага жўнаймиз. Чой ташиб хўп дастёрлик қилган болалар олдироқда чопқиллаб кетишади.

— Буларни бир-бирига худо етказди, — дейди Солижон ака.

— Нимасини айтасиз, — маъқуллайман чин юракдан. Шеригим овқат маҳалида ҳам болаларнинг қилиқларидан ошкора завқланиб ўтиради.

Дилшод чучук томоқроқ экан. Отаси: «Уни ейсанми, буни ейсанми», деб огзига тиққудай бўлади, ўгли танлаб еб-ичиб, бас қилгандан кейингина ундан ортганини ўзи ейди.

Равшан янги уртогига тақлид қила бошлади: Дилшод нима овқатдан қанча еса, у ҳам уша овқатдан ўшанча еб, тўхтайди. Қисташга, биқинига киши билмас нуқишга тўғри келади. Кейин-кейин ниқтовлар ҳам иш бермай қўйди... Дилшоднинг соати бор экан, Равшан «менгаям соат олиб беринг», деб икки-уч кун хархаша қилди, ялинди... Санаторийга кираверишдаги автобуслар қайтадиган бекатда ҳар куни эрталаб икки-уч соат бозор қизийди. Кўчма магазинлар келиб, молларини чорси майдоннинг уч тарафига келин сепларидай ёйиб ташлашади. Бу ерда анча-мунча камёб матоларни топиш мумкин эди. Биз ҳам, Равшан иккимизга Тошкентдай шаҳри азимда анқонинг уруғи — пахтадан тўқилган майка ва ип пайпоқ сотиб олдик. Шу куни синтетика исканжасидан халос бўлган бадан ва оёқ панжаларимиз яйраб нафас олди.

Бир тонг бозорчага шериклар билан чиқдик. Тумонат одам. Нарса кўришга интилиб, эгилиб турганлар худди бир-бирига суяб қўйилганга ўхшайди. Муддати охирлаб қолганлар у бурчакдан бу бурчакка чопишиб, ўзларини у тўдадан бунисига уришади: ҳаммаси совга-салом харид қилиш пайида. Ким бир матоҳни четидан тутса, ҳамма «гув» этиб, ўшанга ёпишади.

Биз ҳам елкалар оша мўралаб, айланиб, тўғрироғи одамзоднинг молу дунёга мечкай қўй-мол каби ташланишидан ҳайратланиб юрган эдик, бир жойда Дилшод енглари генералларникидек оқ-қизил ҳошияли спорт кийимини кўриб қолиб, дадасини имлади. Равшан ҳам интилиб қарай бошлади. Ўмганимиз билан тўдани ёриб, ичкарироққа ўтдик. Лекин, уввалло, бўйнимни чўзиб, санаторийнинг темир панжарасига илиб қўйилган форманинг қоғозига тикиламан, кўзим илгамайди. Бир ёқда бақриқ-чақриқ... «Анави нарсангизни кўрсатинг», «Манавини нар-

хини айтворинг...» тилла тишга тўла оғзида сақич тинмай чарсиллаётган қошлари бароқ, дўмбоққина сотувчи қизнинг қўли-қўлига тегмайди.

Дилшод нуқул дадасини нуқийди.

Равшан менга мўлтирайди.

— Импорт, Японияники, жуда кам бўлади, — бизга тушунтира кетди Солижон, — ўзиям тоза ипак пахтадан, чўзилувчан, уч-тўрт йил бемалал кийса бўлади. Нархиям арзон — қирқ олти сўм. Равшанга-ям обераисизми?

— Равшанники бор, уйда, — дедим углимга секин кўз қисиб.

Равшан менга қараб бир зум анграйиб турди-ю, тўдадан суғурилиб чиқиб, бошини бир томонга қийшайтирганича жунаб юборди. Мен Солижоннинг гап-сўзи, хатти-ҳаракатига қизиқиб, жиллолмай қолдим.

— Дундиқ қиз, бир қиё боқшингиз қийин бўлди-ю, одамни жа интизор қилвордингиз, тиззаларимиз қалтираб кетяпти туравериб, — деди Солижон киприкларини пирпиратиб.

Сотувчиям Фаргонанинг қизи-да, аскияда, гапда бировдан қарздор бўлиб қолишни ёқтирмайди.

— Бизни олдимизга иликни тўқлаб келиш керак, меҳмон, кўряпсиз — харидоримиз кўп. — Харидорлар «гурр» этиб кулиб юборишди, лекин сотувчи қиз парво қилмай, ўз оҳангида давом этди. — Толиқиб қопсиз-да, эссиз... нима берай, акамжоним?

Тепки еган дакандай гарангсиган Солижон қўли билан матони кўрсатди, у оғзини очиб улгурмай, сотувчи шалвар-кўйлакни ихчамгина думалоқлаб Солижоннинг қўлтигига қистирди. Сезмай қолдим: Солижон қўлтигини очиб турдими ё сотувчи ўзи унинг қўлини кўтариб, остига тиқиб қўйдими...

— Қогозингиз йўқми, оппоқ қиз, — деди Солижон ҳам сир бой бергиси келмай. Энди у сал нафасини

ростлаб, узини ўнглаб олган эди. — Пахта қўйишга жа уста экансиз.

— Пахта бўлса-ю, сизга қўйишга ортмас эди-я, акамжоним, тезроқ бўла қолинг сизга ўхшаган қора кўзлар кутиб қолишди.

Яна кулги янгради, Солижон Дилшодни қўлидан тортқилаганча бир ҳамла билан тўда ичидан отилиб чиқди. Сотувчи қизнинг «қайтимингизни олинг, хотамтой тога, ҳали уйда кеннойимларга ҳисобини берасиз», деган сўзлари қаҳқаҳалар қатига сингиб кетди.

Солижон угли билан ётоққа, мен ошхона томонга юрдим.

Ичкарига ҳали одам қўйилмаган эди.

Равшан кўринмасди. Пиллапоянинг энг юқорисида олазарак бўлиб турувдим, ошхона эшиги очилди-ю, олдингилар орасида утиб кетаётган Равшанни кўриб қолдим. Шошилмай кириб бордим, Равшан ликопчадаги сариқ гилосдан бир сиқим олволиб, битталаб еяпти. Индамай ёнига утирдим. У, менинг келганимни гўё сезмагандай, эътибор бермади.

Нонуштани тугатай деганимизда шерикларимиз кириб келишди. Бояги форма Дилшодга жуда башанг, салобатли тус бериб юборган эди. Равшан ялт этиб бир кўз ташлади-ю, қайтиб диққат билан қарамади. Дилшод нуқул илжаярди.

Биринчи бўлиб Равшан туриб кетди, орқасидан мен ҳам чиқдим. Равшан ошхонадан анча наридаги майдончада, қўлларини катталардай белига тираб, бир тўда боланинг соққа ўйинини томоша қилиб турарди.

Шерикларимиз нонуштага ҳар куни биздан кейин киришадиган бўлиб қолди.

— Биз бозорга чиқ-дик, — дейди Дилшод бошини бир ёнга қийшайтириб, лабларини чипиллатиб.

Равшан бир Дилшоднинг оёгидаги чипор кроссовкага ё бошидаги ёзлик шляпасимон шапкачага, бир

менга қараб қўяди. Бу қарашнинг маъносини фақат иккимиз тушунамиз.

— Дилшодбек эркатой экан-да, — дейман кулим-сирашга уриниб.

— Узи биттагина, шуниям эркататмасак, кимни эркататамиз. Ҳаммамиз ҳам шу, бола-чақа деб юрибмиз-да.

— Папалаб ўстирилган бола мурт, журъатсиз одам бўлиб етишади, — дедим ўзимни босолмай.

— Келинг, баҳслашмайлик, — деди шеригим қўл силтаб. — Ахир бу ерга дам олиш учун, ана шу бош оғриғи гаплардан озгина чалғиш учун келганмиз-ку, нима дедингиз?

Биз санаторий ҳовлисининг этагига бориб қолгандик. Бетон ариқнинг нариги томонидаги қиялама адирнинг ёнбағрида, тахминан ярим гектар майдонда одам бўйи ўсган ола-чалпоқ маккажўхорининг сўлинқираган нимжон барглари сарғайиб, осилиб ётарди.

— Анови макказорни қаранг, — дедим Солижонга зимдан кўз ташлаб — фақат ёмғирга ишониб шунча меҳнат қилишган. Бу йил синамоққа жухори экишган, янаги йилга бошқа нарса, эҳтимол, пахта экишар...

— Тавба, одамзод қизиқ-да, — деди Солижон миёнида кулиб.

Хонага чиқиб, кийим алмаштириб улгурмасимдан, орқамдан Равшан ҳаллослаб кириб, кафтини очади:

— Қани, пулдан чўзинг-чи, «Морской бой»га.

Мен иккита ўн беш тийинлик узатаман.

— Купроқ бери-инг, — илтижо қилади Равшан. — Дилшоднинг дадаси ҳар куни бешта ўн беш тийинлик беради...

«Болани пулга ўргатмаслик керак...» Бу менга ўхшаганларнинг фалсафасими ё чиндан ҳам

шундай булиши керакми — баъзан ўйлаб кетаман, аммо хаёлимда ўғри тарозининг милидай бир нарса ликиллайверади-ю, тутқич бермайди, кўзни уйна-тиб, толдиради холос...

— Ҳадеб сарфлайверсак, пулимиз тугаб қолади, ўғлим, кейин кетишда нима қиламиз? Бу ерда қарз оладиган одамимиз йўқ, — дейман. Равшан гишавасини тўхтатади. У гапларимга чиппа-чин ишонарди. Лекин, бола-да, эртасига тагин пинжимга тикилиб, эрка мушукдай суйкалади.

— Дилшодлар «Чимён санаторийсидан эсдалик», деб ёзилган ручкадан ўнта олишибди...

Боланинг ҳамма илтимосини рад этиб, кўнглини чўктиравериш ҳам инсофданмас, дейман-да, битта ручкага пул бераман, пулимиз ортса, кетишда яна олармиз, деб тинчитаман.

Кечқурунлари одатдагидай Солижон кинога таклиф қилади. Мен дам олмоқчиман, деб узр айтаман.

— Равшан борсин булмасам, Дилшодбек билан кўриб келади.

Равшан, кўзлари чарақлаб, менга жону жаҳонини тиккудай жавдирайди.

— Йўқ, ухлайди, сал семирармикин, деган ниятда атай олиб келганман, врачларам кўпроқ дам олсин, дейишяпти, — дейман ноқулай булса ҳам.

Равшан яна мўлтирайди:

— Бо-ров-рай, дада...

— Йўқ, сенга мумкинмас, ўғлим.

Равшан бир оз аразлаб юради-ю, кейин ҳайтовур ёзилиб кетади.

Эрталаб нонуштада Солижон Равшаннинг елкаси-га қўл ташлайди:

— Э, Равшанбой-ей, кечқурун дадангни кўнди-ролмадинг-а, Дилшодбек маза қилиб кўрди, зўр, уруш кино экан...

Равшан бутун упка-гинасини кузларига тўплаб, «мана, эшитяпсизми», дегандай қараб қўяди менга. Овқат ейишдан тўхтаб, қошиқни ўйнай бошлайди... «Агар жўнроқ кино бўлса, бугун ўзим олиб кирай», деб кўнглимга тугиб қўяман.

Ташқарига чиққач, болалар ўйнаб кетишади.

Биз «ҳазми таом» учун бетон ариқ бўйлаб юрамиз.

— Шу... Солижон, айрим кинолар болаларни бузади, деб қурқаман-да, — усмоқчилайман.

— Иложимиз, қанча, — елка қисади Солижон, — тараққиёт... Энди удда қилиб бўлмайди барибир. Бу, сиз билан биззи хоҳиш-ихтиёримизгаям боғлиқмас.

— Ҳар қалай, болаларни сал эҳтиёт қилиш керакми, дейман-да, уз ҳолига қўйиб қўйсак... — зимдан назар ташлайман шеригимга.

— Бошда менам сизга ухшаб, эҳтиёт қип кўрдим: биринчи куни Дилшодни кинога олбормадим. Келиб, «кирмаганинг яхши бупти, мазаси йўқ экан», десам, дабдурустдан: «Иккита солдат бугдойзорда бир қизни тутволишадийканми?» — дейди. Телевизорда аллақачон кўрган экан. Шундан кейин, э, сендан яшириш бефойда экан, деб қўйдим... Ростиям, уларни қачонгача қуриқлаймиз, боримизда-йўгимизда барибир кўришади-да. Инсофни ўзига берсин...

Болага инсоф берадими? Ким, қачон беради уни? Бола нима қилади инсофни? «Ўзига инсоф берсин», деб кўпроқ хотинларга нисбатан айтиларди, энди болалардан ҳам қўлни ювиб, қўлтиққа артамизми?..

Болалигим эсимга тушиб кетди: жамоа хўжалиги идорасининг дастурхондай жойи оқланган ён деворида кўчма кино кўрсатилар, асосан эркаклардан иборат томошабинлар ажриққа ёнбошлаб ё чордана қуриб ўтириб олишар эди. Ушанда, тасвирда эркак билан аёл бир-бирига яқинлашган заҳоти (бундай ҳолат нимагадир ўша пайтдаги киноларда кам бўлгувчи эди)

киномеханик аппарат туйнугини кафти билан бир қанча муддат тусиб турар, қий-чув кутарилиб кетарди. Биз ҳам катталар қатори газабланиб, киночига эшиттириб-эшиттирмай сукинардик...

— Ҳзимизам зерикамиз-да, — давом этади Солижон мен индайвермагач. — Ёз куни узоқ... айниқса, кечқурунлари узингни қаёққа уришни билмай қоласан одам. Кино жонга ора кирапти. Дилшодни бир узини хонада қолдириб кетолмасам... буни устига, аясиям «дадангдан бир қадам ажрамайсан», деб қулогига қуйиб жўнатган, — гапининг якунини ҳазилга айлантиради шеригим.

Кечлик овқат маҳалида болалар биздан олдинроқ туриб кетишгач, Солижон қўшни столлардан бирига имо қилиб, шивирлайди:

— Анави, кўзлари пиёладай аёлга разм солдингизми, бугунни узида учинчи хил кийиниб чиқиши. Ҳали кинога яна бошқача ясаниб боради. Анчадан бери кузатаман. Бир кийганини устида қайтиб кўрмайсиз. Кеча эри келувди, яна янгиларини ташлаб кетибди, шекилли... Кўйнагини қаранг, кўйнагини, майкани узи, докаданам юпқа... ўспирин тугул, ҳассасига таяниб қолганларниям кўзини ўйнатворади... Ҳў, нариги столдаги тикмачоқдай оқойимнинг утиришини қаранг... Булар қайси кинодан кам...

— Ҳ-ҳў, Солижон, Дилшодбекнинг қулогини аяси бекорга бураб жўнатмаганга ўхшайди, — дейман у кўрсатган столларга зимдан назар ташлаб. — Дидингиз чаккимас...

Солижон яйраб кулди.

Санаторийга ҳар хил одам келади: ҳар хил касаллик билан, ҳар хил мақсад билан... Кеча Равшан билан «Морской бой»га борсак, бели букланиб, инқиллаб юраётган кампирлар ҳам рақсхонага кириб кетишяпти...

Ташқарига чиққаннимизда яна кино масаласи кундаланг булади. Мен таваккал қилмоқчи эдим, кионинг номини эшитиб тухтаб қолдим: «Узун тун». Эрон киноси. Узун тунда, яна, Эрон киносида нималар бўлиши мумкин?..

Боши берк кучага кириб қолгандай гарангсиб, Равшанга нима десамикин, деб турувдим, яна Солижон гап қистирди.

— Э, кўрса, кўравермайдами. Қизиқ одам экансиз, ахборотларни эшитяпсизми, эртага нима олам, нима сўз... мени тепамда Алининг қиличига ўхшаб, доим битта бомба осилиб тургандай... кечқурун, қайтиб тураманмикин, деб ётаман. Ярим тунлари уйғониб кетаман... эрталаб кўзимни йириб-йиртиб очаману тириклигимни билиб, «хайрият», дейман.

Бир ҳодиса эсимга тушиб кетди. Тошкентда ўша машҳур ва машъум зилзила рўй берган тонгда ётоқда биринчи бўлиб, энг қаттиқ қичқириб юборган одам ёши ҳаммамиздан катта, иккала кўзи ожиз курсдошимиз эди.

— Ҳали шу хаёллар билан яшаб юрибсизми, Солижон? Унда даволанишга келишниям ҳожати йўғиди, пул сарфлаб...

Мен ўзимни шунча тутишга ҳаракат қилсам ҳам, овозим титраб чиқди шекилли, Солижоннинг юзи тундлашди.

Мен узр айтдим. Равшанга кинога кирмаймиз дедим-да, чиқиб кетдим, у Дилшод билан пастда қолди. Бир пайт девор томонга ўгирилиб, газета варақлаганча мизгиб қопман. Равшан билан Дилшоднинг суҳбати қулогимга кира бошлади. Дунёда бировни гапига хуфёна қулоқ солишдан ёмон одат йўқ. Туриб кетмоқчи бўлдим, лекин уларнинг кайфиятига, уйинига ҳалал бергим келмади, иккинчидан болакайларнинг нималар ҳақида сўзлашиши мени

қизиқтирди албатта, қолаверса, бировмас, углим-ку, деб узимга тасалли бериб, индамай ётавердим.

— Сизлар нечтасизлар, — сўради Дилшод.

— Олтига, — жавоб берди Равшан.

— Мазза-а, зерикмайсан. Мен бир узим бир хил вақтда уйда сиқилиб ўлай дейман.

— Э, кўпчилик яхшимас.

— Нимага? Қани, юр.

— Кўпчиликка пул етказиш қийин, дейди дадам.

— Даданг нима иш қилади?

— Журналист... ушлаганингизни юринг-да...

— Дадам, журналистларга узатиб туришади, дейди-ю.

— Нимани узатиб туришаркан?

— Қуругидан-да, шуниям билмайсанми, калла.

— Гонорар олиб турадилар.

— Генерал дейсанми?

— Гонорар.

— Нима у?

— Газетага ёзганига пул олади.

— Кўпми?

— Билмайман. Сизлар боймисизлар?

— Бўлмасам-чи? Манави чиппакка.

— Сизи дадангиз нима иш қилади?

— Бизнесмен.

— Уҳ, тушдингиз: бир, икки, уч — дамка! Нима иш қилади?

— Ҳеч нарсани билмайсанакан-да. Савдогар, узоқ шаҳарга бориб мол гаплашиб келади.

— Қанақа мол?

— Ол-а... мол дегани — товар дегани, газлама, кийим...

— Мол гаплашиб келса бой бўладими?

— Олиб келиб магазинчиларга тарқатади. Чунки улар яхши мол топиб келишолмайди, яхши мол бўлмаса...

— Тушундим... сатр булдингиз...
— Картани опчиқайми?
— Мен карта уйнамайман-да.
— Даданг сўкадимми?
— Яхши болалар карта уйнамайди, дейди.
— Биз пулдан уйнамаймиз-у.
— Бари бирам-да. Яна уйнаймизми?
— Майли. Даданг жуда зиқна одамми? — сўради
Дилшод овозини пасайтириб.

— Ким айтди?

— Дадам. Уқийдиганлар қийналиб пул топишади, дейди. Қийналиб пул топадиганларни социям тез оқаради, дейди. Сенам аълочимисан?

— Ҳмм. Сиз-чи?

— Э-э... ўқишни ёмон кўраман. Дадам бошингни қотирма, тўрт амални билволсанг булди, ҳамма китобни ёдлаворганингдаям барибир институтга ўзингча киролмайсан, дейди. Ростиям бари аълочилар йиқилиб келишади.

— Менинг дадам ҳар йили мақтов қогози олсанг, институтга осон кириб кетасан, дейди. Ҳар куни кундалигимизни, дафтарларимизни текширади. Нима керак булса, дарров олиб беради, жудаям меҳрибон.

— Қуруқ меҳрибон, дафтар-қаламга меҳрибон, дегин. Тузукроқ кийиминг йўғ-у. Бозоргаям чиқмай-сизлар.

— Уйда устивошим кўп, юк бўлади, деб опкемаганмиз.

— Уйда меникиям тиқилиб ётибди.

— Дадангизни пули жудаям кўпми-а?

— Қанчалигини билмайман, кўп булса керак. Аям ўзингизга эҳтиёт бўлинг, беришганини олаверманг, одам ўлгур ёмон, бири бўлмаса бири ковлайди деса, дадам, йўқ, сен билмайсан, олмасам ковлашади, дейди.

— Мени дадам кўп пулни хосияти йўқ, касри бор, дейди.

— Э, пули кам одамни гапи бу. Мени дадам ҳечам унақа демайди.

— Дадам пули кўп одамлар яхши ухлашолмайди, дейди аямга.

— Яхши ухлолмаганиминан аямга, менга яхши-яхши кийимлар оберади. Кеча бозордан дадам зўр материал олди, костюм-шим тиктириб берадийкан. Ҳозир ушанақа материал мода экан.

— Менгаям костюм-шим обераман девди, ўзим унамадим. Пулимиз тугаб қолади, дедим.

— Опқочма.

— Рост. Кўйнагим кир бўп кетувди; дадам янги оламиз, деди. Мен юволақоламиз, деб кунмадим.

— Ким ювди кўйнагингни?

— Ўзим.

— Ҳе, қиз бола-ей...

— Нима қипти, одам деган ҳар қанақа ишни қип кетавериши керак, дейди дадам.

— Мени адам кийимларимизни санитаркага ювди-ради. Муллажирингдан чўзсанглар, ювиб дазмоллаб беришади.

— Дадам, одам деган кучи етадиган ишни ўзи қилиши керак, бировларга ялинмай, дейди.

— Э, биз ялинамизаканми, пул берамиз.

— Дадам ўқимаганлар шунақа бўлади, дейди.

— Ким ўқимаган экан? Мени дадам иккита ўқиш-ни тугатган. Битта қизил, битта кўк дипломи бор, биттаси пулат сандигимизда туради.

— Мени дадамни бир уй китоби бор.

— Мени дадам дунёни ҳисоб-китоб юргизади, бошқаси икки пул, ҳар доим шундай бўлган, дейди. То-шинг тугади.

— Яна ўйнаймизми?

— Бўлди. Юр энди, бизникига тушамиз.

— Нима қиламиз сизларникида?

— Магнитофон эшитамиз. Кўргансану, японский, зўр-да. Дадам ўша ёққа борганида менга опкелиб берган. Сени даданг яхши ухлайдиган — хуррак отмай. Мени дадам роса қаттиқ хуррак тортади. Ўзини хуррагидан ўзи чўчиб уйғониб кетади. Қани, тушдикми?

— Тушдик.

Шашка доналари шиқирлади. Кейин эшик очилиб, ёпилди.

Уйқум учиб кетди. Шу пайтда ўрнимда ким бўлса ҳам менинг ҳолатимга тушиши, менинг хаёлимдан кечган фикрларни ўйлаши турган гап эди. Мен, албатта, ўзим ва ўғлим, Солижон ва унинг ўгли, ҳаёт, умр ҳақида мушоҳада юритдим, Равшан билан Дилшоднинг гапларини тарозига солиб кўрдим. Уларнинг суҳбати нуқта-вергулигача хотирамга ўрнашиб қолган эди. Болакайларнинг ҳар бир сўзи жонли қиёфага кириб, ТИРнинг турли жониворлар шаклидан иборат нишонларидай кўз олдимдан қайта-қайта утар эди.

Қанча ётганимни билмайман, бир пайт Равшан пастдан чақириб қолди. Айвондан қарасам, шерикларимиз кинога отланишибди. Равшанни яна «гиж-гиж»лашганми ё ўзи эргашгиси келганми, беш-олти қадам орқада, улардан кўнгил узолмаётгандек, бутун вужуди ўшалар томонга огиб турибди.

— Нима дейсан? — сурадим совуққина.

— Бо-ров-рай...

«Майли, десаммикин», — уйладим. Лекин дарров эълондаги кино номи кўз олдимга келди... сўздан ҳам қайтмаслик керак, бола сирингизни, ҳавонгизни олади.

Равшан рад жавобимни эшитиб, ҳеч нарса демади, шартта бурилди-да, тез-тез юриб, чинорзор ўртасидаги чорси майдончага ўтиб кетди. Кейин ўйласам, ўша пайтда йиглагиси келгану ўзини одамлардан

четга олмоқчи, бошқа нарсаларга алаҳсиб, аламини унутмоқчи булган экан.

Энди хатони тузатиш қийин.

Равшанда, чоғи, мен унча эътибор қилмаган аллақандай феълу атвор — қайсарликми, ориятчанликми, ўзлигини намоён эта бошлагандай...

Кўнглим тинчимай, бироздан сўнг пастга мўраладим, Равшан кўринмади. Чиқаётгандир деб, кутдим. Дарағи булавермагач, яна қарадим — йўқ. Хаёлимга минг хил уй келиб, физиллаб ҳовлига тушдим. Боя беркиниб олганмиди, ё айланиб, қайтиб келганми, Равшан майдончада пайдо бўп қопти. Бир ўзи болалар сирпанчигининг трубаси ичига тош отиб ўйнапти.

Тоғ-адирлардан пастлаб, қуюқ дарахтзорлар орасидан сиргалиб утаётган оқшом пардаси бу атрофга ҳам соя ташлаб улгурган эди. Равшанни бошлаб чиқиб кета қолай, деб, чақирдим. Эшитмади шекилли, яна чақирдим. У тезгина бир қараб қўйди-ю, пинак бузмай, ўз машқини давом эттираверди. Яқинроқ бориб учинчи марта чақирдим.

— Нима дейсиз?!

Равшаннинг биринчи марта менга шундай кескин, қаттиқ гапириши эди. Уйда булганда-ку, эшитгулигини эшитиб, тегишини оларди-я, сафарда, бегоналар орасида, устига-устак, ўзинг ранжитганингдан кейин, тилинг айланмас экан.

— Кеч кирди, ўглим...

Мен гапимни тугатмасимдан у боягидай, мен томонга қарамай, қўл силтади:

— Э-э!..

Обрунинг борида, «шу жойдан» қайтишга тўғри келди. Хонага чиқиб, ўзимни ўринга ташладим. Каравот нохуш гичирлади. Равшаннинг кимсасиз боладай якка-ёлғиз ўйнаши, унда пайдо бўлган янгица феъл аломатлари, ўз нуқтаи назарим, Солижоннинг

фалсафаси — ҳаммасини галвирда элаб, анча ётдим. Фикр ва тушунчалар миямда тўлқин ичра қолган қайиқлардай тартибсиз чайқалар, тўлқиннинг паса-йишидан, бинобарин, қайиқларнинг уз йўналишига тушиб олишидан дарак йўқ: чор атроф туманли, бу-лутли эди.

Хаёл уммонининг чуқур гирдобига шўнгиб кет-ган эканман, эшикнинг қаттиқ шамол очгандай та-рақлашидан чўчиб, ҳушимга келдим. Равшан тўғри каравотига ўтиб утирди-да, чала-чулпа ечиниб, адёл орасига кириб кетди.

Муроса кўпригини қурмоқчи, орадаги гадир-бу-дирликни силлиқламоқчи бўлдим:

— Ҳа, ўғлим, чарчадингизми?

— Ҳамма болалар кетишди!— деди жавоб ўрнига терслик билан Равшан.

— Ҳамма билан ишинг нима?!

— Нима, ўзингиз, ҳар куни кино кўрсатади, де-гансизу келятиб...— мингирлади Равшан.

— Болалар бопи бўлмапти-да.

— Уйдаям шунақа деб, телевизордаги кинони кўр-сатмайсизлар... Бошқа болалар кўришади-ю...

— Нима, бошқалар билан киндигинг бирми? Бош-қалар томдан ташласа, сенам ташлайсанми?

— Мени ўртогим олдида уялтирдингиз...

Мен лаб тишладим. Лекин менинг ҳам сўзим-дан қайтгим, ўғлим олдида ўсал бўлгим келмас эди.

— Шашка ўйнайликми? — сўрадим бироз жим-ликдан сўнг.

— Йўқ! — деди Равшан зарда билан ва девор то-монга ўгирилиб адёлга бурканди.

Сездимки, тор ниҳоятда таранг, сал бушатмасам, иш чатоқ.

— Бўпти, ўғлим, бугун яхшилаб дам ол, эртага кинога ўзим олиб бораман.

Равшан адёлни қайириб, ярим ўгирилди.

- Керакмас!
- Қурмайсанми кино?
- Йуқ!

Мен, ҳазилнинг энди мавриди келди, деб ўйладим-да, жилмайиб ўрнимдан турдим. Равшаннинг каравотига хиёл энгашиб, кафтимни очдим:

- Қулни ташла!

Равшан юзимга қарамай қул бериб, тезгина тортиб олса-да, мен вазиятдан чиқиб кетдим, деб юз фоиз ишонгандим. Ҳамма нарсада, ҳар қандай муомалада ё ошкора, ё пинҳона чегара-чизиқ бўлади. Одамзод кўпинча ана шу чизиқни билмасдан ё бехосдан босиб қўяди-да, унинг кўп уй-режалари чархпалак бўлиб кетади.

— Индинигаям бормайсанми? — сўрадим яна Равшаннинг узил-кесил ваъдасини олиб, унинг хархашаларидан бир йўла қутулишни ўйлаб.

— Йуқ! — жавоб берди Равшан назаримда хийла хотиржамлик билан.

- Қулни ташла! — Мен яна кафтимни чўздим.

— Э-э!.. — Равшан адёл билан бошини бутунлай буркаб олди.

Сал ошириброқ юборибман, деб ўйладим, аслида анча ошиб кетган экан. Жўйимга ёнбошладим-да, китоб варақлашда давом этдим, лекин икки кўзим нариги каравотда. Равшан миқ этмас, ҳатто, нафас олишимга сезилмасди. Мен хотиржам тортиб, ўз машгулотимга берилиб кетдим. Беш дақиқалар кечган эди чамаси, қандайдир ноаниқ сас қулогимга чалинди. Аввалига у овознинг Равшанники эканлиги хаёлимгаям келмади, чунки овоз жуда узоқдан келаётгандай туюлди. Бошимни кўтариб, балкон томонга диққат билан қулоқ тутаётган эдим, беихтиёр Равшаннинг каравотига кўзим тушиб қолди. Адёл сезилар-сезилмас силкинаётган эди...

- Равшан!.. — Аста чақириб кўрдим.

Мина ташқи таъсирдан портлагандай, Равшан ана шу бир огиз суздан жунбишга келди. У ҳиқиллаб йиглаётган экан, дами ҳам қайтиб кетган бўлса керак, шахт билан устини очиб юборган эди, овози кутарилиб кетди. Боланинг йигидан юз-кўзлари қизариб, шишиб кетган, энтикиб-энтикиб, аранг нафас оларди.

Мен эсанкираб қолдим. Равшаннинг бу қадар таъсирчанлигини пайқамаган эканман. У тулиқиб йигларди, юрак-багрим эзилиб кетди. Лекин, ҳозир, шу ҳолатда ҳар хил ваъдалар билан уни юпатишга уриниш — оловга ёғ сепиш билан баравар эди. Бироқ унинг кўз ёшларига узоқ чидаш ҳам қийин эди. Сўнги чорани қўллашга мажбур бўлдим.

— Бас қил, ярамас! Энди калтак ейсан!..

Равшан пасайди, ҳиқиллаши сусая-сусая охири тинди, кейин ухлаб қолди. Аммо ўзим бошимни ёстиқлар орасига қанча ўраб-буркамайин, кўзим илинай демасди.

Равшанни хафа қилганим учун ўзимни қаттиқ койир, яна «бола-ку, бир ухлаб турса, гина-кудрати эсидан чиқиб кетади», деб ўзимга тасалли берардим.

Эрталаб кўзимни очдим у нариги каравотга қарадим. Равшан, қачон уйгонган, билмадим, шифтга тикилиб индамай ётар, қаншари ёнларида ёш излари қотиб қолган эди.

— Ҳа, Равшанбек, уйқу қалай бўлди? — сўрадим ҳеч нарса юз бермагандай.

— Яхши, — деди Равшан қисқа ва оҳангидан муносабатини, кайфиятини илғаб бўлмайдиган тарзда. Ҳар қалай, арази ёзилмаганга ухшарди.

Унинг юзлари қизариб кетган, кўкраги тез-тез кутарилиб тушарди. Хавотирланиб, ўрнимдан турдим-да, қўлимни Равшаннинг пешонасига қўйдим: ёняпти...

Тунларим ўғлимнинг бошида киприк қоқмай кеча бошлади.

Равшан зорланмас, ҳеч нарса сўрамас, саволга фақат «ҳа» ё «йўқ», деб жавоб берар, шифтдан кўз узмай ётаверарди.

Шу ҳиссиз, совуқ шифтга намунча тикилади? Нега эрмак топиб олгандай, лоқайд нигоҳини бир нуқтадан узмайди? Балки у аксарият кўп қаватли уйларга хос нақшсиз, унгсиз кўкиш шифтга хаёлан нималарнидир ёзиб-ўқир?.. Гоҳида пичирлаётгандай ҳам бўлади... Ё аясини, опа-укаларини согиндимикин?!..

Равшаннинг кўзи илинган пайтларда болани ўзига огдирган мўъжизани, рўёни қидириб, шифтни қаричма-қарич, қайта-қайта назардан ўтказаман. Аммо, қўлдан ўтар қилиб чаплаб кетилган гадирбудир сувоқда чинни дарзидек илон изи чизиқлардан бўлак диққатга арзигулик ҳеч нарсани, ҳеч бир маънини илғамайман...

Мен тилсиз, қулоқсиз бир парча этдан тўрт мучаси бут онгли зот яратиш жараёнини жуда узун, ниҳоятда таҳликали масофалиги ҳақида бош қотириб кетаман. Қоронгида бокиралик билан унинг азалий ва абадий рақиблари бўлган жиҳатлар орасидаги чегарани фикран пайпаслаб қидираман, тополмай, хунобим ошади. Назаримда, умуман тополмайдиганга ўхшайману титроқ босади...

Солижон билан Дилшод чиқишади. Равшан бошини ярим буриб, қўл учини бериб сурашади-да, яна тепага термилади.

— Э, жуда ялқов бола чиқдинг-у, тур-да, энди, — дейди Солижон менга кўз қисиб.

Равшан унга бир лаҳза тикилади, кейин бошини девор томонга ўгириб олади.

— Айтмовдимми сизга, мана, оқибат..., — дейди Солижон менга юзланиб, бошини сарак-сарак қиларкан. Унинг писандасими бу, раҳмдиллигим — юзидан ўқиш қийин эди.

Мен ўзимни бир оз тутиб ўтирдим. Лекин ичим гимирлайверди. «Доно файласуф» энди чегарадан чиқиб кетган эди. У билан ортиқ ҳамсухбат, ҳамроз бўлолмаслигимга кўзим етиб қолди.

— Менга қаранг, оғайни, — дедим унга тик боқиб, — кечирасизу, фақат қилиқларингиз ёқимсиз десам, гапларингиз ҳам совуқ экан.

Мендан бунақа шартакиликни кутмаган Солижоннинг кўз соққалари кенгайиб, олайди, у стулдан даст турди.

— Ие, мен сизни туппа-тузук одам десам, ўлингиздан баттар тегма нозик, сиркаси сув кўтармаслардан экансиз-ку. Асли қуруқлардан қуруқ гап чиқади ўзи.

— Даф булинг! — деб бақирганимни биламан...

Кўзимни очсам, тепамда пиёлада сув кўтарган санитар қиз, унинг ёнида Равшан даг-даг қалтираб турарди.

— Уйга кетайлик, дада, — деди Равшан шоша-пиша. Аразлашиб қолганимиздан бери «дада» сузини ўглимнинг тилидан биринчи бор эшитишим эди. Мен бош қимирлатдим. Равшаннинг чеҳраси очилиб кетди.

Муддатимиз тугашига эса ҳали яна бир ҳафта бор эди.

НАСТАРИН ГУЛЛАРИ

«Тезюрар» автобус одатдагидай тиқилинч, эшик-лари ҳам осилиб чиқаётганлар, туртилиб тушаётганлар билан тирбанд эди. Ёшлар орқа эшикка, ёши ўтганлар эса олди эшикка ўзларини уришади.

Олдинги эшикдан бир-бирларини елкасидан, белидан, буксасидан суриб юқорига — автобус ичига интилаётганлар орасида қучоғида бир даста оч пушти гулли ям-яшил настарин, иккинчи қўлида «Спи-

дола» кутарган чол ҳам бор эди. Приёмник қирраси юпқа кийимдаги юмшоқ баданига ботиб, ижирганган ё «аллақандай шох-шабба»дан оппоқ, баҳорий либосларини эҳтиёт қилишга уринаётган қиз-аёллар елкалари оша аранг қайрилиб, хўмрайишар, аммо қария таънаомуз, газабли нигоҳларга парво қилмасди. Аксинча, «Ҳа, нимага бақраясан, олдинга қарасангчи, жилсанг-чи, кутарил, ҳа, яна бир погона...» деб, аёл, эркаклар орасини ёриб утиш учун якка кифт булиб, бутун гавдаси, вужуди билан талпинарди.

Ниҳоят, у бир амаллаб ичкарига кириб олди. Тугрироғи, ади-бади айтишиб обру топмасликларига кўзи етган йўловчилар чолга йул бушатишди.

«Ишламайди» деган маънода тирқишига тиқиб қўйилган буклоғлиқ қоғоз саргайиб кетган, мурвати узиб олинган темир касса ёнидаги чаппа утиргичнинг дераза томонида сочлари типратикон найзаларидай ҳар томонга тиккайиб ўсган, сабза урган мурти ҳали қирилмаган йигитча жигарранг дипломатини тиззалари устига қўйиб «ур-сурлар», бақириқ-чақириқларнинг унга асло дахли йўқдай, ташқарига қараб утирарди.

Чол худди ана шу ерга, ана шу йигитча тепасига бориб қолган эди:

— Қани, тур, жойни бушат, — деди у.

Дарвоқе, уни чол дейиш ҳам аслида ножоизроқ, у яноқ суяклари хиёл туртиб чиққан юзлари қипқизил, қовоқлари ичига ботган кўзлари уткир, сочи, мўйлови мошгуруч, кўкимтир, бир оз тиришган томирлари буртик қўлларидан куч ёгилиб турган киши, боринги, мўйсафид эди. Унинг овози ҳам уткир эди.

Йигитча чучиб тушдими ё шундай буйруқни ҳис қилиб, кутиб ўтирган эканми, ток ургандай сапчиб ўрнидан туриб, четланди.

Мўйсафид «раҳмат»ни ҳам насия қилиб, худди узининг қонуний ҳақини талаб қилиб, унга машақ-

қат билан эришгандай, бамайлихотир ястаниб утирди. Шундан кейингина боши узра девайлаб турган йигитчага ўзи билан ёнидаги аёл оралигига ишора қилиб: «сўмкангни қўй» деди.

Мўйсафид «Спидола»ни тиззасига, настарин қучоқлаган қўлини дипломатга қўйиб олди. Қариликка бўйсунгиси келмай обдан буянган эллик ёшлардаги аёл янги ҳамроҳига бир чимирилиб қаради-да, дипломатдан ошиб ўтган «бесўнақай» тирсакдан, настарин шохларидан биқини, шалвираб, килкиллаб турган ялангоч қўлини эҳтиёт қилиш учун ўзини чапга ташлади.

Мўйсафид тўрт гулли одатий дўпписини Ғафур Фуломчасига — бурчагини пешонасига тўгрилаб кийган, кун иссиқ бўлишига қарамай камзул, устидан пиждак кийиб олган эди. Дазмолланмаган, оҳорли оқ қўйлаги куни кеча сандиқдан олинган бўлса керак, нафталин ҳиди келарди.

Шода-шода, нимпушти гулли настарин автобус ичига баҳор тароватини таратар, бироқ унинг унча ўткир бўлмаган майин, ҳаловатбахш ҳиди нафталин ва аёллардан келаётган анвойи атир-упа, буюқ ҳидлари уммонига томчидай сингиб кетарди.

Автобус силкиниб, мўйсафид чайқалганида настарин шохлари аёлнинг оғир исиргалардан солинчоғи чўзилиб кетган қулоғига, жигарранг сочларига тегиб гашини келтирар, у «бунча бефаросат», дегандай ёвқараш қиларди.

Мўйсафид жуссаси савагичдай, юзлари майиздай, бир қулоғи чиноқ киши эди. Эътибор берган одам унинг «Спидола» тутган қўлида иккита бармоқнинг ўрни бўшлигини пайқаш мумкин эди.

Аёлнинг, балки автобустаги бошқа айримларнинг ҳам жигига тегаётган нарса мўйсафиднинг гулларигина эмас эди. Ахир, гул кимга, қай бир ҳиссиз инсонга ёқмайди? Яхши-ёмон ҳидлар айқаш-уйқаш бўлиб кетган диққинафас автобус ичида-я? Балки

шунга қарамай, «шу оддий дарахт шохларини гул деб кутариб юргангани, сал нақароқ... бўлса керак», деб уйлагувчилар ҳам бордир-ку, лекин гап фақат бунда эмас эди. Мўйсафид утира солибоқ «Спидола»нинг қулогини бураб юборган, «Ушшоқ»нинг ҳазин нола-си таралар, ашула оҳанги ғала-говурда дам эшитилиб, дам эшитилмай қоларди.

Қаро кўзим кел-е мардум...

Қаро кўз-у-ум келе мардум –

лиг эмди фан қилгил...

– Тоза бачкана экан-у, кап-катта одам, – гудранди кимдир.

– Овозини учиринг, амаки, бу сизга Қамбар буванинг чойхонасимас, – деди яна биров баралла.

Мўйсафиднинг лаблари титради, кўзлари пирпирари.

– Мусиқани, ашулани бугишга ҳаққинг йўқ! Мен радиони хоҳлаган еримда қўяман, хоҳлаган еримда эшитаман, – деди у буйин томирлари бўртиб.

– Ростданам, амаки, жамоат жойларида умумий тартиб-қоидага риоя қилиш керак, – деди башанг кийинган, чипор галстук таққан ўрта яшар бир одам.

– Менга отам ҳам насиҳат қилганмас! – деди мўйсафид деярли қичқириб.

– Купчиликнинг энсасини қотиришга ҳаққингиз йўқ, – буш келмади чипор галстукли. – Биров тушунади, биров тушунмайди, бировга ёқади, бировга ёқмайди...

– Э ўргилдим, сендақа даллолдан. Ҳамма ишни ўзингдан чиққан даллоллар бузади. Буни гапини қаранглар-а... Ҳўй, гапингга сал туз солсанг булариди... Тўйчи ҳофиз кимга ёқмайди-кан?..

– Бунақа хижолат маршларингизни даври ўтди...

– Оғзингга қараб гапир, – деди мўйсафид ҳамон асабий ҳолатда. – «Ушшоқ» беш юз йилдан бери

тилдан-тилга, ҳофиздан-ҳофизга утиб келяпти. Сендақалардан миллионтаси утади, «Ушшоқ»лар яшайверади. — Унинг қўллари қалтираб, лабларининг унғ бурчи юзи томонга тортишиб уча бошлади. Транзистор овозини яна баландлатиб қўйди.

Юзинг висолига етсун десанг кўнгулларни...

Чипор галстукли «бу билан ади-бади айтишиб обрў топиб бўлмайти», деган қарорга келди шекилли, жавоб қайтармади, жимиб кетди.

Мўйсафид бўйнини чўзиб, айқаш-уйқаш булиб туришган эркагу аёлларнинг паст-баланд кўкраклари орасидан галстукли киши томон газаб билан мўралар, «Ушшоқ» хижолат марши эмиш, бунақа ашулаларни даври утган эмиш! Астагфирулло...» деб, тишларини гижирлатарди.

Радиони жаҳл билан учирди. Хуллас, чолнинг асаби қақшади. Лекин унинг бодроқ гулли настарин буталарини жони-жаҳонидай бағрига босиши, асабларини тинчитиш учун бўлса керак, йигирманчи йилларга хос олифталарча мўйловли лаб-даҳанини гуллар, гулбаргларига ишқаб-ишқаб пишқариши (шундай пайтда унинг ихчамгина боши настарин шохлари орасида кўринмай кетарди) баъзиларга эриш туюлиб, кулгисини қистатарди.

— Ҳукуматимиз сенларни жудаям талтайтириб юборди, — деди у гуллардан бош кўтариб, оломон ичига кўз югуртираркан, кимларнидир мўлжалга олиб. — Ановининг шимига қаранглар, туллаган итнинг терисига ўхшайди, дорбозларнинг иштонидай, кетига ёпишиб турибди... — Мўйсафид, узининг қиёси наша қилдими, бирдан хахолаб кулиб юборди.

— Сизни ёшлигингизда бунақа шимлар йугидада, бўлганда киярдингиз, — деди танқид қилинган йигит мўйсафид кулгидан тийилгач.

— Сендақалигимда кийим тўғрисида уйлашга вақтимиз ҳам, имконимиз ҳам бўлмаган.

— Нима, энди шуни аламини оляпсизми биздан? Узингиздан кўринг, бевақт тугилгансиз.

— Ҳеч ким бевақт тугилмайди. Гап қаерда, қандай тугилишдамас, кимдан тугилганликда, қандай тарбия топишда... Сочингни аҳволини қара, худди алвастини ўзисан-ку, а?!

— Одамни шахсиятига тегманг!

— Сенда шахсият нима қилади?! Одамни сирти қанақа бўлса, ичиям шунақа булади.

Энди яқин-атрофдагилар даҳанаки жангларни гап қушмасдан, берилиб тинглашар, чолга орқа утирганлар ярим ўгирилиб томоша қилишарди.

Йигитнинг ори келди.

— Ҳаддингиздан ошманг, бобой!

— Имоним комилки, сендақалар юртни ҳимоя қилишга ярамайди, — деди мўйсафид йигитнинг дагдагасига парво қилмай.

— Ким ярайди? — луқма ташлади биров.

— Менга йигирманчи йилларда тугилганлардан армия тузиб беришса, ўзим билардим...

— Нима қилардингиз? — сўради кимдир жўрттага.

— Қўли қичиётган, тили қичиётган урушқоқларни янчиб ташлардим.

— Сиз айтган одамлар қариб қолишган-ку, — ўсмоқчилади яна биров.

— Менам олтмишдан ошиб, етмишга қараб кетяпман. Ўша йилларда тугилганлар қаришмайди, улар содиқ, имони бутун одамлар...

— Сиз ўзи урушда қатнашганмисиз, амаки?

— Рейхстакка биз байроқ тикканмиз, ука. Қвантуна на лопату брали...

— Ўҳ-ҳу!.. Қаҳрамонлик беришганми?

— Биз қаҳрамон бўламиз деб урушмаганмиз.

— Қаҳрамонлик беришмаган-да, беришганда жон деб олардингиз-а. Ҳозир селкиллашиб осиб юрган бўлардингиз.

— Туполонда бировга тегиб, бировга тегмай қолган-да. Амакимиз камсуқумроқ бўлса керак... — гап қушди нарироқдагилардан бири.

— Менга қара, ҳў болалар, сенларга, ҳаммангга бир нарсани айтиб қўяй: нима иш қилсанг қил, қанақа уст-бош кийсанг кий, нима десанг де, фақат чизиқни босма.

— Қанақа чизиқ?

— Гапимни бўлма, мен омади гапни айтяпман, яна қайтараман, чизиқни босма, қонунга хилоф иш тутма.

Хуллас, мўйсафиднинг гап халтаси чокидан сўкилиб кетган эди. У ҳозирги одамларнинг хатти-ҳаракатларидан, хулқи, одатларидан шикоят қилар, пул топиш, кун кечириш айримларга писта чақишдай гап бўлиб қолувди, илгаригидай, бир тўда кишилар, амалдорлар еганини сингдиrolмай чўчқадай семириб ётишувди, мана, ўшаларни кўрадиган кўз бор экан, уларни сўрайдиган тил бор экан... Аммо бунақа кўзлар кам, бунақа тиллар кам, ҳамма нарсани кўриб, ҳаммани сўраб улгуролмайди... — дерди у баланд овозда ҳали унга, ҳали бунга қараб. — Мен тўғрисиани айтавераман. Мен ҳеч кимдан қўрқмайман. Мен шафрангземан¹...

— Об-бў... — деди биров ижирганиб.

Шу пайт кимдир гўё мўйсафидга аччиқма-аччиқми, унинг овозини босиш учунми, аллақандай транзисторни варанглатиб қўйиб юборди. Шовқинли мусиқа остида хорижий тилда (қайси тилдалигини дабдурустдан англаш қийин, қолаверса, бундай қўшиқларнинг мазмуни билан ўзгалар тугул уларнинг ашаддий ихлосмандлари ҳам қизиқиб ўтирмайдилар, бу ерда энг муҳими — шовқинли оҳанг,

¹ Шизофреникман демоқчи (шизофрения — руҳий касалликларнинг бир тури).

тугрироғи, оҳангдор шовқин) қушиқ айтаётган ким-санинг томоғи йиртилгудай бақириги янгради. Шундай қушиқ эшитганингда санъаткорнинг томири буртиб чиққан томоғи, чиранганидан қизариб, мисранг тусга кирган юзи шундоққина кўз олдинга келиб қолади.

— Ҳа, мана шу-да, а, сенларни зур музиканг! Уни-ни учир жазавангни, ким бўлсанг ҳам!

— Аҳ-ҳа, қалай экансиз, бобой? Шунақа, сизники бизга ёқмайди, бизники — сизга... Пичоқни олдин узингга ур...

— Э, Худо урган маҳмадона экансан-ку... Сен узингники билан меникени солиштира. Меники юракдан айтилган ашула — одамни сел қилади, сеники — томоқдан чиққан бир нарса, одамни тентак қилади.

Ўсмир ҳазилкаш эди.

— Бугун байрам-ку, амаки, иккаламиз одамларни кунглини кутариб кетамиз-да, — деди.

Ўртада тик турганлар оғишмай, ким гапирса ўша томонга бўйнини чўзиб қарашади, кимдир мийигида жилмаяди, кимдир оҳиста бош чайқайди.

Муйсафид гап орасида настарин гулларига бесўнақайроқ бурнини суркаб-суркаб қўярди.

— Тугри, бугун байрам, лекин ҳаммагамас, — деди у, бироқ ўзи билан баҳслашаётган ўсмир томонга қарамади, афтидан унинг учун болакайнинг ранги-тусию кимлигининг фарқи, аҳамияти йўқдай. — Сени отанг урушга ё борган ё йулдан қайтган бўлса керак...

— Билиб-билмай ҳақорат қилманг одамни... Урушга борган битта сизми? Сиз ҳам ўз хоҳишингиз билан борибсизми, чақиритиб, қўлингизга паттангизни бериб жўнатишган-да...

— Гапни бўлма, мен омади гапни айтяпман, битта сенгамас, қават қилиб гапиряпман. Гап эгасини

тошар, топмаса ўзимга қайтиб келар... Сен жирракиликка ўрганма, муштдай туриб. Лекин тўғри, ҳаммамиз байрам қилишимиз керак. Ғалабани байрам қилишимиз керак. Аммо, йигирма миллион эркакка аза тутишни ҳам эздан чиқармаслигимиз керак. Ҳаммаси қирчиллама ёшида кетишган... Йигирма миллион эркакдан миллион-миллион есир, миллион-миллион етим қолган. Эҳтимол, ўша етимлардан бирининг боласидирсан. Йуқ, сен етимни боласига ўхшамайсан, етимга ўхшамайсан. Агар ўхшаганинда ўзингдан катталарни иззат-ҳурмат қилишни билардинг, одобни билардинг, шаккоклик қилмаган булардинг...

Бекатларда йуловчилар асосий тартиб-қоида асосида тушар, янгилари чиқишарди, яъни ёшлар орқадан чиқиб, гоҳ ёнбош билан, гоҳ умган билан сирғалишиб, олдинга сурилишар, олдинги эшикдан чиққанлар ўрта майдонда тиқилишиб, эркагу аёл бир-бирига қапишиб туришар ва бу қапишишлар, турган гапки, орага тасодифан тушиб қолган битта-яримта ёш-ялангни ҳисобга олмаганда, бировга завқшавқ багишляпти, дейиш қийин эди.

Мўйсафид ҳамон гапдан тинмас, ёнидаги аёл унга дам-бадам ўқрайиб қарашдан ва ўзини тортишдан, ялангоч баҳор офтобида хийла қорайган билагию елкасини настарин шохларидан ҳимоя қилишдан зерикмас, афтидан унинг тушадиган бекати ҳам ҳали узоққа ўхшарди...

Махсус темир ушлагичга деярли осилиб кетишаётган, орқароқда ё кабина томонда мўйсафидни бемалол кузатиб туриш имконига эга бўлганларнинг айримлари ундан юзини ўгириб олишар, баъзилар эса, аксинча, бу гаройиб сергап ва жирраки чолдан нигоҳини узмай, унинг ўзича тутаб-ёнишларини мамнуният билан томоша қилиб, бири боғдан, бири тоғдан сўзларини жон қулоғи билан тинглаб боришарди.

Муйсафид ҳали у, ҳали бу йуловчини нишонга олиб, заҳрини сочиш учун сабаб, баҳона ахтарарди. Ёнидаги аёлнинг ҳадеб қимтиниб-чимирилишлари ҳам охир унинг энсасини қотирди.

— Биззи хотин бечоралар усма нималигини билмасиди, ҳозир кучадаям, автобусдаям ҳар хил бўёқларнинг сассиқ ҳидига чидаб бўлмайди, — деди у гапни эгасиз қилиб. — Завод-фабрикаларниям шунақа нарсаларни чиқараверганига ҳайронман.

Аёлларнинг айримлари мийигида жилмайиб қўйишди. Кимдир ижирганиб, ёнидагиларга қараб, пичирлаб сўкинди: олдин ўзингга қарамайсанми, сассиқ чол, дўппингни ягири чиқиб, ҳаммаёгингдан нафталин ҳиди келиб ётибди-ю, бошқаларга ақл ургатасан...

Эркаклар мириқиб кулишди.

— Ана шу завод-фабрикаларниям режаси бор, отахон, — дейди кимдир муйсафиднинг қитиқ патига тегиш учун.

— Мелисада бор-ку режа, улардаям булади, тўғри, лекин гап бундамас. Жа, меъеридан ошиб кетди. Хотинларнинг асосий иши шу бўлиб қолди. Қайси бинонинг бурчагига қарама шунақа хона, тўрттасининг бошига пақир кийдириб қўйган, тўрттасининг тирногини чархлаб ўткирлаётган, худди у тирноқлар билан пичан ўришадигандай...

— Э, узиям ҳамма нарсага аралашаверадиган одам экансиз-да, отахон, — деди йуловчилардан бири сабри чидамай, — хотинларни тирноғию бўёгининг нима огири тушяпти сизга?

Муйсафиднинг авзойи яна ўзгарди, киприклари пирпираб, гапирувчига ҳезланди.

— Ие, вей, қизиқ одам экансан. Автобусни ичи ҳар хил сассиқ ҳидларга тўлиб кетганини сезмаяпсанми? Мен кантужин бўлганман, бунақа ислар бошимни огритади. Ҳў, қизим, анави ойнани сал очиб қўйгин,

тоза ҳаводан жиндай нафас олайлик. Иннайкейин, ҳў ука, менга қара, муштумдай невараларимиз дарс қилиш ўрнига лавини буяб, қошини теряпти.

— Олдин ўзингизни ана шу невараларингизни тийиб олинг, кейин кўчадагиларни терганг, — деди бир аёл.

— Тергаб кўрдим, — деди мўйсафид қоронгига тош отгандай овоз келган томонга жаланглаб. — Тергасам, ҳамма буянади ҳозир, буянмаганларни қолоқ, қишлоқи, деб устидан кулишади, дейди. Десаям, тергайверардим, ўғлим бу — вабо, дейди, келиним тараққиёт, дейди. Тараққиёт шунақа бўлармиш. Тараққиётинггаям қарамасдим-у, саксон саккизта статьяни ўқиб беришади. Бу ахир сен билан бизни боламиз-ку, десам, йўқ, ҳамма нарса давлатники, дейишади... Хотинлар-чи, десам, улар ҳам... дейишади...

— Тўғри-да, нима, хотинлар одаммасми? — луқма ташлади кимдир.

— Хотинлар — одамларнинг дусту, деган Райкин. Кимлардир кулишди, кимдир «об-бў...» деб қўйди. Кимдир уф тортди.

— Бир сафар гап қўшмасаларинг ўзи тинчиб қоларди, — деди кимдир секингина.

Лекин мўйсафид эшитди.

— Ҳў, биродар, — деди у бўйнини чўзиб, — сиз мени тентак деб ўйлаяпсиз чамамда. Шифранзе бўлганман, рост, лекин каллам жойида, қулогим ҳам...

— Буважон, жуда куйканак одам экансиз, сиздақалар кам ҳозир, — деди мўйсафиднинг рўпарасида ялтироқ тутқичга осилиб турган дўмбоққина жувон. Лекин у ўзига гап тилаб олишини билганида, зинҳор огиз очмаган бўларди, албатта.

— Анави ёқанг қургурни сал ёпсанг-чи, қизим, мўмин-мусулмон бандаларнинг фарзандига ўхшайсан.

— Ёқаси йўқ-ку, амаки, бўлса ёпади-да.

— Ҳаваси кеп кетди чолнинг, — пиқиллади кимдир.

Жувоннинг юзи зумда нафармон тус олди. У қаддини тикроқ тутди-да, ёқасиз кўйлагининг елкаларидан тепага тортиб-тортиб, оқ майдондай очилиб ётган томоги остини сал ёпган бўлди.

Яхшики, мўйсафид аскияларга эътибор бермади. Настарин буталаридан икки-учтасини ажратиб олди-да, жувонга узатди.

— Хафа бўлмагин, қизим, мен отанг тенги одамман. Омади гапни айтдим сени ўз қизимдай кўриб. Ма, манави гулни ол.

Жувон иккиланди. Иккиланиб-иккиланиб олди гулни, беихтиёр шоша-пиша ҳидлади, кейин кўкрагига босди. Сунг эшитилар-эшитилмас қилиб «раҳмат» деди. Ўзи ҳам гулдай очилиб кетди.

— Шунча гулни қаёққа олиб кетяпсиз ўзи, амаки? — сўрайди яна бир жувон жарангдор овозда.

— Свиданияга-да, — деди бошқа бир шаддод аёл.

— Биттасига шунчами? — гапни илиб кетди учинчиси.

— Биттасигамас-да, амакимизнинг сергайратлигини кўрмаяпсизларми? — деди шаддод овоз.

— Гул — хотин-қизларнинг жони-дили, — деди мўйсафид хушнуд кайфиятда. — Мен буни, айниқса, фронтда билганман. Энг оғир дамларда битта қиз, бир дона гулни бутун рота йигитларига ҳидлатиб, уларни руҳини кўтариб юборарди. Ўзимиз ҳам санитаркамизга бир дона гул топиб келиш учун кечалари бир неча чақирим ерга эмаклаб-писиб бориб келардик... Оламда яхши хотинлар кўп... Манглар, сизларга аталганлариям бор, атайлаб кўп олиб чиққанман. — Мўйсафид шаддод жувонга катта бир бутоқ настарин узатди, луқма ташлаган аёлга ҳам гул бермоқчи бўлиб, елкалар орасидан мўраллади-ю,

аёлнинг нимасидир (эҳтимол, буёқлари ё кийинишидир?) ҳафсаласини пир қилди шекилли, тараддудланиб қолди. Кейин гулни шу пайтгача лом-мим демай, баъзан-баъзан майин жилмайиб келаётган урта ёшлардаги хотинга узатди. «Мана, синглим қатордан қолманг...»

Тезюрар автобус йирик-йирик бекатларда тўхтар, йўловчиларнинг кўпи янгиланиб турар, мўсафид эса ҳамон жойида, ҳамон гапирар, ҳамон кўнглига ёқиб қолган қиз-жувонларга гул улашарди. Қучоғидаги настарин камайиб, ихчамлашиб борарди. Ёнидаги аёл ҳам энди тақдирга тан бергандай мўсафидга ёвқараш қилмас, ҳатто ёт эркак тирсагига тегиб турган ялангоч қўлини тортиб олиш ҳам эсидан чиқиб қолгандай эди.

Йўловчилар энди мўсафидга ўрганиб қолишган, у гапирмай қўйса, зерикиб, бир-бирини секин туртиб, имо қилиб қўйишарди: бу антиқа чол кимлардан нолийди-ю, нимага куюнади, нима сабабдан боши оғрийди — йўловчилар учун барибир эмасми, вақт ўтса, манзилга етиб олишса бас-да!

— Нимага энди сиренни кўтариб юрибсиз, тоға? — деб ўсмоқчилади кимдир мўсафид ҳадеганда индай-вермагач. — Қизил гул, атиргул, чиннигул бор — ҳам чиройли, ҳам ҳиди ўткир...

— Ҳозир бир дона чиннигулнинг бозор баҳосига давлат менга бир кило гўшт беради. Бола-чақам билан уч-тўрт кун қозон қайнатамиз. Ҳатто министри ҳам шофёрига атиги уч дона чиннигулга пул беради. Ўзим кўрганман. Яна, «Ўзбекистон — гуллар ўлкаси» деб ёзишади, мақтанишади. Сирен — менга ёқади. Ўзим экканман. Атайлаб экиб ўстирганман...

— Гулга нима сабабдан ишқибозсиз ўзи, амаки?

Мўсафиднинг лабларига, мижжаларига табас-сум ёйилади. Лекин индамайди.

— Сиренда бошқа бир сир ҳам бўлса керак, боя амаким сал учини чиқарди-ю, — дейди йигитлардан бири. — Фронт, санитарка, деб...

Мўйсафид жиддий тортди.

— Бор, лекин айтмайман. Сенларга айтмайман.

Автобус секинлади. Мўйсафид ёнидаги аёл қафасдан қутулгандай (гул тегмагач, у яна тумтайиб олган эди), дик этиб урнидан турди. Урнига бекатда янги чиққан сипогина аёл тортиниб, қимтинибгина жойлашди.

Мўйсафид қўлида қолган сунгги шода настарин бутасини янги ҳамроҳига тутди.

— Ма, қизим, сенга буюрган экан.

Аёл гулни ийманиб олди. Қарийб пичирлаб раҳмат айтди.

Манзилга яқинлашиб қолган автобус ичига галати бир сукунат чўқди. Гуё ҳамма настарин ҳақида уйларди, чунки йўловчилар анча сийраклашган салонни гул ҳиди тутиб бормоқда эди.

ЭҲ, ДИЛБАР, ДИЛБАР...

Сиртқи булимларга кириш имтиҳонлари бўлаётган пайт. Мени навбатчиликка тайинлашган. Аввалига роса жигибийроним чиқди. Ҳамма курсдошларим таътилда, уз она юртларининг соя-салқин боғларида дам олиб, дарёларда чўмилиб, балиқ овлашиб юришса-ю...

На чора, навбатчиликка киришдим. Чорсудаги ҳуқуқшунослик факультети биносида абитуриентлар иншо ёзишарди. Мен билагимда қизил боғич, пойлоқчилик қилгандай серрайиб турибман. Гоҳо у ёқдан-бу ёққа юриб қуяман. Вазифам имтиҳонга алоқаси йўқларни, абитуриентларнинг қариндош-уруғ, ёр-биродарлари, ҳайбаракаллачиларни ичкарига киритмаслик. Эшикни маҳкам тамбалаб қўйганман.

Остонада бетоқат турганлар эшик ойнасидан ичкарига муралашиб чуғурлашади, нималарнидир илтимос қилишади. Ҳатто, баъзилари «бир дақиқага» деган ишора билан мени имлашади. Мен кўрсаткич бармоғимни лабимга тикка қўйиб, «тинч бўлинг» деган ишора билан жавоб қайтараман. Чунки, уларнинг нима демоқчи эканлиги маълум: «Қанақа мавзу тушди?», «Мени киритворинг...». Аслида уларнинг кўзига балодай кўринаётганим, аммо ноиложликдан илтимос қилишаётгани, мулойимлик, хушфёзлик билан мурожаат этишаётганини сезиб тураман. Қийналаман. Бунинг устига домлалар кириб-чиқиб туришади, эшикни очиб беришим, орқаларидан беркитишим керак.

Аранг икки соатни ўтказдим. Фала-говурда миям говлаб, кўзларим тиниб кетаёзди. Бунинг устига кун иссиқ, мен турган коридор эса дим. Артинавериб, рўмолчам сувга пишиб олгандек бўлиб қолди. Қўйлагим баданга ёпишиб кетди. Жуда хунобим ошиб турган эдим, иккинчи қаватдан зина панжарасини ушлаганича секин-секин тушиб келаётган бир қизни кўриб қолдим. Юрагим аввалига самолёт бирдан пастлаган пайтдагидай «шувв» этиб кетди, кейин гупиллаб ура бошлади. Бу — ўша, мен хаёлан чеҳрасини, қадди-бастини тасаввур қилиб, қўмсаб, излаб юрган қиз эди. Бахмалдай қоп-қора қошкўзлари, «кўксига соя солган» киприклари, иккита қилиб ўрилган узун, қалин сочлари, бўёқсиз тиниқ яноқлари мени бутунлай шошириб қўйди. Мен ҳамон унга термилиб турардим. У эса лоқайд бир тарзда, менга парво ҳам қилмай эшик томонга ўтиб борарди. Назаримда маъюсроқ, хафароқ кўринди. У имтиҳондан биринчи бўлиб чиққан эди. Яхши ёзолмабди шекилли, билмайдиган мавзуси тушганга ўхшайди, деб хаёлимдан ўтказдим. Лекин, нима бўлса ҳам ҳозир унга бир нарса дейишим, лоқал

танишишга замин ҳозирлашим керак эди. Бироқ нима дейишни билмасдим. Жаҳли чиқиб турган булса, «тошингизни теринг», деб шарманда қилса-чи?.. Уйлашга вақт йўқ. Эшикни очиб бериш учун йўналар эканман, таваккал қилмоқчи булдим:

— Ҳорманг, яхши ёзиб чиқдингизми? — бор журъатимни йиғиб шу сўзларни айтдим, юрагим янада қаттиқроқ уриб кетди. Ҳадик билан унинг жавобини кута бошладим. У гўё шундагина ёнида одам борлигини пайқагандек, менга ялт этиб қаради, оҳистагина, ҳали мен умримда эшитмаган майин ва жозибадор овоз билан «раҳмат», деди. Кузларига, моҳир рассом чизган суратдагидай лабларига бир лаҳза энгил табассум қалққандай булди. Эшикни қандай очганим, қизнинг қандай чиқиб кетгани эсимда йўқ. Фақат ташқаридагиларнинг уни ураб олишганини кўрдим, «нима тушди?», «нимани ёздингиз?» деб суроққа тутишгани қулогимга чалинди.

Шу кундан эътиборан ҳаловатимни йўқотдим. Навбатдаги имтиҳон бир ҳафтадан кейин булиши керак эди. Кунларни илк бора учрашувга ваъда олган ошиқдай бениҳоя бетоқатлик, сабрсизлик билан ўтказдим. Унинг сурати-ю, билинар-билинемас табассуми кўз олдимдан кетмасди.

Ниҳоят, ун биринчи август ҳам келди. Шу куни жуда эрта турдим. Соқолни қайта-қайта қиртишладим. Кечқурун ювиб, дазмоллаб қуйган шимкўйлакни кийдим. Имтиҳон бўладиган жойга ҳаяжон билан етиб бордим, лекин ҳали ҳеч ким йўқ эди. Вақт ўтказиш учун қаватдан-қаватга, коридорнинг у бошидан-бу бошига юриб турдим. Абутириентлар бирин-кетин кела бошлашди. Бироқ, мен кутган одамдан дарак йўқ. Имтиҳон ҳам бошланди. У ҳамон кўринмасди. Шундан кейин ҳар хил хаёлларга бордим. «Иншодан «икки» олган булса кетиб қолдимикин-а? Ўша куни бекорга маънос кўринмаган

экан шекилли-да». Бундоқ сўраб-суриштиришнинг ҳам иложи йўқ. Ахир унинг исм-фамилиясини билмасам... Иншодан ўтмаганларнинг деворга осиб қўйилган рўйхатига кўз югуртираман. Айрим фамилияларни ўзимча тахмин қилиб кўраман. Икки кўзим эшикда. Тез-тез ташқарига чиқиб, тўпланиб турганларни бирма-бир кўздан кечираман. У эса йўқ. Домлалар тушликка ҳам чиқишди. Энди унинг иншодан йиқилиб кетиб қолганига ишонч ҳосил қила бошладим. Лекин юрагимнинг бир чеккасида кечроқ бораман деб, қайси бир паркда ўқиб утиргандир, тушдан кейин келиб қолар, деган умид ҳам йўқ эмасди. Бир-иккита абитуриентлар мени тушликка таклиф қилишиб, унамаганимга қўймай судраб кетишди. Факультетнинг шундоққина орқасида жойлашган «Роҳат» ошхонасига бордик. Абитуриентлар менга хушомад қилиб, анча сийлашди.

Қайтишда қизиқ бўлди. Факультет яқинидаги дўконча олдида иккита қиз газ сув ичиб туришган экан. Менга таниш бўлган икки урим сочни кўрдим-у, юрагим ҳаприқиб кетди. (Одатда сочи узун қизларнинг ҳусн жиҳатидан бундайроқ булишини кўп кузатганман. Назаримда у табиатнинг бу қонуниятидан мутлақо мустасно эди.) Биз уч-тўрт киши кулишиб бораётган эдик, бирдан қизлар биз томонга ўгирилиб қолди. Чиндан ҳам менинг кўзларим янглишмаган экан. Уларнинг бири ўша эди. Унинг ёнидаги ихчамгина жуссали, оқ-сариқдан келган, но-зиккина қиз тилла тишларини кўрсатиб жилмайганича биз томонга юрди ва «кечирасиз, мумкинми?», деб менга ишора қилди. Ўзим нима қилишимни билмай келаётган эдим, унинг таклифи айни муддао бўлди. Худди табиб ўз оёғи билан келгандай. «Марҳамат», дея уларга яқинлашдим. «У» билан саломлашар эканман, қўлларим титраётганини ҳис қилдим.

— Узр, исмингизни билмаганимиз учун нима деб мурожаат қилишни билмадик, — ўзини оқлай бошлади мени чақирган қиз.

Мен исминни айтдим.

— Меники Наима, — қиз яна жилмайган эди, тилла тишлари қуёш нурида ялтираб кетди. Лекин, мени шеригининг исми кўпроқ қизиқтирар эди. «У» бошини бир томонга хиёл эгганча, кўзлари билан ер чизиб турарди.

— Дугонангизники-чи? — сўрадим Наимадан.

— Биз ҳали танишганмиз йўқ, ҳозир учрашиб қолдик. Ўзи айта қолсин.

У яна уша кунги одати буйича менга ялт этиб қаради ва шивирлагандай исмини айтди, бироқ бу шивирлаш назаримда жон олгувчи қудратга эга эди.

— Дилбар...

Унинг кўзлари ҳамон ғамгин боқарди. Кўзлари кулса ҳам, вужуди кулмаётганини сезиш мумкин эди. Эҳтимол характери шунақадир ё бирон сири бордир...

Улар имтиҳонга тезроқ киритиб юборишимни илтимос қилишмоқчи экан. Бажонидил розилик билдирдим.

Имтиҳон бошланди. Наимани имтиҳонга киритиб юбордим-да, Дилбарни сиз кейинроқ кирарсиз, деб олиб қолдим. Ўрнимга бир болани тайинлаб қўйиб, иккимиз бўш аудиториялардан бирига кирдик. У ёш боладай итоаткорлик билан эргашиб борарди. Мен унга озроқ консультация бермоқчи эдим. Лекин у мендан кўпроқ нарса биладигандай туюлди, назаримда. Нимани сўрасам тўхтамасдан, аммо шошмай, дона-дона қилиб жавоб берар, грамматик таҳлилни ҳам бехато бажарарди.

— Консультацияга ҳожат йўқ, шекилли, — ҳазиллашдим.

— Ҳадеб имтиҳон топширавергандан кейин уста бўлиб кетаркансиз-да, — кулди у.

Маълум бўлишича, бу йил учинчи марта университетга кириш имтиҳони топшириши экан. Икки йил кундузгига ҳаракат қилибди. Бўлмабди. Ҳар гал танловдан утмай қайтиб кетар экан. Бундан икки ой бурун отаси вафот қилибди. Шунинг учун бу сафар сиртқига топширибди. Ўзлари Фарғонанинг чекка бир қишлоғида туришаркан. Мен бу йил албатта ўтасиз, деб унга таскин бердим.

— Сиз ёрдам берсангиз.

— Албатта, қўлимдан келганича ...

О, унинг шаҳло кўзлари... Ўзи кулмаса ҳам кўзлари табассум билан порлар эди. Ҳозир ҳам узун-узун киприклари орасидан ёш сизиб, мижжаларини намлаб турибди-ю, аммо кўзлари кулимсираяпти. Мен бу қадар жозибали кўзларни ҳеч қачон учратмагандим. Мен унга иродали бўлиш керак деб насиҳат қилган бўлдим. Тарихдан, шоирлардан мисоллар келтирдим. Чеҳраси ёришди. Шу билан орамизда қандайдир яқинлик юзага келгандай бўлди.

— Мана, роса тайёрландик, — дедим мен кулиб, эшикка йўналар эканмиз, — энди бемалол, баланд руҳ билан кираверсангиз бўлади. Ҳа айтгандай, тўрт қониқтирадим?

— Агар тўрт бўлиб қолса... у ёгини кейин айтаман... — у ҳам кулди.

— Бўпти, келишдик.

— Мен чиққунча кетиб қолманг яна, ҳар замон-ҳар замонда кўриниш бериб тулинг, далда бўласиз.

Дилбар кириб кетгач, эшик ойнасидан кузатиб турдим. У стол устига тескари қилиб қўйилган билетлардан бирини олиб утирди. Чеҳраси очиқлигини кўриб, кўнглим равшан тортди. Шундай бўлса ҳам, «бардам бўлинг» дегандай имо қилдим. У шаҳло кўзларини чиройли юмиб-очди-да, бошини аста қимирлатиб, «хотиржам булаверинг» деган ишора билан жавоб қайтарди. Унинг кўз юмиб-очиши

шунақа чиройли, шунақа жозибали эдики, бутун вужудим ёқимли ҳисларга тулиб, беихтиёр энтикиб юбордим. Ҳа, уша дамлар жон уртовчи лаҳзалар эди. Унинг киприклари учида ўйнаган табассум жилвалари ҳали ҳамон эсласам қалбимни ларзага солади. Ушанда унинг ичкаридан қандай отилиб чиққани, қанчалик хурсанд ва бахтиёрлигини кўрганингиздами... Табриклаш учун узатган қўлимни шундай қаттиқ қисдики, бармоқларим қисирлаб, зирқираб кетди. Оппоқ, юмшоқ бармоқларда шу қадар куч мужассам булажагига ҳанузгача ақлим бовар қилмайди. Тўгриси, қучоқлаб олишига ҳам сал қолганди ушанда, одамлардан истиҳола қилди. Кейин «ҳай-ҳай»лашимга қарамай қўлимдан тортиб пастга судраб кетди. У беш олган, худди «ўқишга қабул қилиндингиз» деган буйруқни эшитгандай узида йўқ шод, тўлқинланиб, тулиб-тошиб сўзларди. Унинг чиройи очилиб, янада гўзаллашиб кетганди. Кулганда садафдек текис, чиннидай оппоқ тишлари кўз қамаштиргудай ярқираб кетарди.

Чорсу бозори орқали истироҳат боғига жўнадик. Йўл-йўлакай суҳбат жilовини у бошқариб борди. Фақат оиласи ҳақида гап очилганда яна бироз маъюс тортиб қолди. Ёлғиз онаси унинг йўлларига кўзи тўрт бўлиб ўтирганини айтиб хўрсинди. Мен ҳазил-ҳузул билан мавзунни ўзгартиришга уриндим.

— Неччига кирдингиз?

— Неччига кирганга ухшайман?

— Дастлаб кўрганимда ўн олти-ўн еттиларда бўлсангиз керак деб ўйловдим, лекин уч йилдан бери имтиҳон топшираман деб ҳайрон қилиб қўйдингиз.

Дилбар яшнаб, мароқланиб, ифтихор билан кулди.

— Шунақа ёшга ухшайманми? — у бошини бир томонга хиёл эгиб, самимий ҳам ошкора мамнунлик билан менга тикилди.

— Ёш ҳам гапми, энди очилай-очилай деб турган қизил гул гунчасининг узгинаси.

— Войбуй, жуда ошириб юбордингиз-ку. Шоир-масмисиз ишқилиб?

— Унча-мунча ёзиб тураман.

— Ҳа, шунақа денг. Унда муболагага ортиқча эрк бериб юборманг-у, тугрисини айтиб қуя қолай: йигирма икки ёшдаман.

— Йуг-э... Мактабни ун еттида битирган бўлсангиз...

— Икки йил ишлаганман.

— Э... Барибир уз фикримда қоламан. Мен учун ун етти ёшдасиз.

Биз богнинг бир чеккасидаги ўриндиқда утирардик. Дилбар сочининг бир ўримини олдиға ташлаб ўйнар, сочининг жингалак учлари ерга тегай-тегай деб турарди. Мен унинг аскардай саф тортиб турган киприкларига, оппоқ буйни, билакларига, бежирим бурни, силлиқ, нимранг лабларига тез-тез ўгринча қараб қўярдим. Қизнинг мунис ва меҳрибон боқиши, болаларча соддалик билан кўзларини жавдиратиб туриши, булароқ, келишган қомати, суратдай чеҳраси мени тамомила лол қилиб қўйган эди.

Богнинг пастки томонида оқаётган ариқ буйига тушдик. Сув сепишдик, қувалашдик. Бир маҳал у қулини мушт қилиб олди-да, «агар очиб олсангиз, кафтимда сизга аталган бир нарса бор», деб қолди. Бироқ мен ҳар қанча уринмайин, бармоқларини ёза олмадим. Тугриси, нозик ва латиф бармоқларга озор етказиб қўйишдан чўчиб, ортиқча куч ишлатгим келмади. Охири ўзи очди.

— Ҳеч нарса йуқ-ку?

— Агар ўзингиз очиб олганингизда кўрардингиз, — у қувлик билан жилмайди. — Энди кетдик.

Дилбар Ўзбекистон кўчасида, узоқ бир қариндошлариникида яшаётган экан. Кўзатиб қайтдим.

Ҳар куни йилдай туюлган яна бир ҳафта ҳам утди. Ушанда вақтнинг кечиши қанчалик қийин бўлганини ёлғиз ўзимгина биламан. Мен ўзимга ўхшаган бекорчиларни топиб олиб, кун бўйи шахмат ўйнар, кунлар орасидаги масофани қисқартириш учун кечқурун барвақт ётиб, эрталаб кеч турмоқчи бўлардим. Аммо аксига олиб, алламаҳалгача уйқум келмас, азонлаб уйғониб кетардим.

Бу гал у мендан олдин келибди. Унинг факультет эшиги ёнида бир ўзи, бир қўлида китоб-дафтар, иккинчи қўлида банди узун қизил гулни айлантририб ўйнаганича, йўл қараб турганини кўриб юрагим орзиқиб кетди. Менга нигоҳи тушиши билан унинг ҳам қуралай кўзлари чақнагандай бўлди. Қадрдонлардай қўл бериб кўришдик. Назаримда, у бугун тамоман очилиб кетгандай эди. Гулли оқ крепдешин кўйлагида ўйнаётган қуёш нурининг акси юзларига жило бераётган, яноқлари яна ҳам оқариб, тиниқлашгандай, оқ ранглар ичида қош-кўзларининг қоралиги янада бўртиб тургандай эди. У мени бениҳоя мулойим ва майин, фарогатбахш табассум билан кутиб олди. Бу табассум жуда самимий эди. Оддий кийиниши, ўзининг соддалиги, бўёқсиз лаблар ва кўзларнинг латофати, жозибаси безовта қалбим қаърида типирчилаётган туйғуларимни жуштириб юборди. Шундагина Дилбарнинг мени мафтун қилган фазилатлари — ундаги соддалик ва табиийлик эканлигини сезиб қолдим. Йигирма икки ёшгача гул юзларига губор инмаганлиги унинг ёшлик, гузаллик бир умр тарк этмайдиган қиз-аёллар тоифасидан эканлигидан далолат берарди.

Мен ана шундай маъсума қизнинг меҳрига ва ҳурматига сазовор буламан деб сира ўйламаган эдим. Ҳозир унинг менга майли борлигини кўп йиллардан бери ана шундай соҳибжамолга орзиқиб юрган ошуфта йигитлик юрагим баралла сезиб турарди.

Мен ана шу лаҳзанинг ўзидаёқ унга дилроз айтишга тайёр эдим. Лекин ҳали эрта, деган мулоҳазага бориб ўзимни тийдим.

Дилбар тарихдан «тўрт»га топшириб чиқди. У ҳаяжонланар, бахтиёрлигидан ўзини қўярга жой тополмаётгани аён эди. Томирлари гуп-гуп уриб турган ва қизиб кетган кафтларини авайлабгина қисдим. Бир сония нигоҳларимиз тўқнашди. Унинг жонона кўзлари кўп, жуда кўп нарсаларни ваъда қилаётгандай, ўзининг бутун ҳароратини багишлашга ҳозирдай эди. Мен бу нигоҳлардан назокат ва нафосат, ҳаёт ва муҳаббат китобини уқигандай бўлдим.

Биз сўзсиз юриб кетдик.

Шу куни узоқ айландик. Даставвал марказдаги хиёбонга ўтдик. У ерда учта гул — иккита очилган ва битта гунча сотиб олдик. Дилбар «нега учта олдингиз», деб сўраган эди, мен «ўзингиз уйлаб топинг», деб жавоб бердим. У қизаринди... Гулларни тўйиб-тўйиб, симириб-симириб ҳидлади, сўнг менга тутди. Кейин пиёда машҳур ошиқлар сайргоҳи Анҳор бўйига келдик. Дилбар ариққа қуюлаётган булоқни кўриб, сув ичгиси келиб қолди. Қиргоқ тик бўлиб, пастга тушиш мушкул эди. Бир амаллаб тушдим-да, ҳовучимда сув олиб Дилбарга тутдим. У бир қўли билан кўйлаги барини орқага тортиб энгашган эди, бир ўрим сочи елкаси узра ошиб тушиб билагимга, пешанасидаги яккам дуккам зулфи юзларимга тега бошлади. Баданим жимирлаб кетди, қўлларим қалтираб, сувни тўкиб юбордим. Лекин, у менинг ҳолатимни сезмади, атай қилди деб уйлади.

— Алдоқчи! Боринг, ичмайман сувингизни.

Мен атай қилмаганимга аранг ишонтирдим. Бир неча марта ҳовучимни тўлдириб сув олдим. У мириқиб ичар, мен эса унинг гавдасини бир оз олдинга ташлаб, қанотларини ёзиб парвозга шайланган қушдай туришини, каптар бўйин томогининг кил-

киллашини завқ билан томоша қилардим. Охирги сафар ҳовучимдаги сувнинг ярмини ичиб, қулимни силтаб юборган эди, сув кўйлагимга тукилди. У қиқирлаб қочди. Мен қулимдан тортиб қўйишни илтимос қилдим. Дилбар қулимдан тортди-ю, аммо қиргоққа чиқишим билан қўйиб юбориб яна қочди. Мен жаҳлим чиққандай жойимдан жилмай туравердим. Дилбар йигирма қадамча нарида тўхтади.

— Қани, етиб олинг-чи.

Индамай, жўрттага қовогимни солиб олдим.

— Кичкинасини сувга ташлаб юбораман. — Дилбар гунчага ишора қилиб, қиргоққа яқинлашди. Чопиб бориб, қулидан ушлаб қолдим.

— Нега каттасини эмас, кичкинасини ташлаб юбораман дедингиз?

— Шундай демаганимда чопиб келмасдингиз-да.

— Ташласангиз, иккитасини ташланг, эди...

— Йўқ, ташласам учовини ташлайман. — Дилбар сузларининг қанчалик таъсир этганини билиш мақсадида кўзларимга тикилди. Бундай пайтда нима ҳам дейиш мумкин? «Қандай яхшисиз, қандай ақллисиз-а», дейишдан бошқа муносиб сўз тополмадим.

Кейинги учрашувларимиз ҳам ана шундай фароғат тўла дамларга бой, нашидали утди. Иккимизнинг айтарли жиддий ташвишимиз йўқ эди. Фақат Дилбар аҳён-аҳён муштипар онасини қўмсар, унинг ёлғизгина фарзанди, кўзининг оқу қораси эканлигини айтиб соғинар, хавотирланар, мандат комиссиясининг чўзилиб кетганидан ранжиб қўярди. Албатта, юрагининг бир чеккасида «яна олдинги йиллардагидай бўлмасмикин», деган ҳадик ҳам йўқ эмасди. Мен эса унинг ўқишга киришига юз фоиз ишонар ва ўзини ҳам ишонтирардим. Ахир учта фандан ўн уч балл олиш ҳазил гап эмас. Бундай натижа билан ҳатто кундузги бўлимга ўтиш мумкин! Шунинг

учун мен хотиржам ва мандатнинг чўзилганидан бир қадар мамнун ҳам эдим.

...Мана, бугун йигирма бешинчи август. Мандат комиссияси бўлиши керак. Эрталаб Дилбар билан факультет биноси олдида учрашдик. Қабулхонада делоларни тартиблаштиришга озроқ ёрдам берган бўлдик. Мандатнинг соат ун бирдан ун тўртга қолдирилганини маълум қилишгач, кучага чиқдик. Дилбар яна безовталана бошлади, оҳиста, хаёлчан қадам ташлар, кўзлари ҳам хира тортган, шўхлиги, жушқинлиги йўқолган эди. Дам-бадам дили ғашлигини айтиб зорланарди. Мен унга таскин бериш, кулдириш учун анча ҳаракат қилдим-у, лекин дуруст натижа чиқаролмадим. Дилбар қатъиятли қиз эди — сал нарсага жаҳли чиқиб, салга очилиб кетавермасди. Соат иккида қайтиб келдик. Бироқ мандат яна сурилган — соат бешга кўчирилган эди. Утириб кута бошладик. Дилбарнинг энди ҳеч қаёққа жилишга райи йўқ эди. Бино ичи тўс-тўполон. Ғала-говур. Абитуриентлар бири у ёққа, бири бу ёққа югурган, нималарнидир ўзларича муҳокама қилишган, утамизмикин-а, дея бир-бирларига савол беришган, мандатнинг бўлавермаганидан жигибийрони чиққан, айримлари ҳатто сўкинган... Ҳаммасининг юраги така-пука, кўзлари бесаранжом, овозларида саросима. Баъзан бир нечаси тартибсиз тапир-тупур қилиб коридорнинг у бошидан бу бошига ўтишади, қабулхонадагилардан: «Бўладими ўзи?», деб сўрашади. Қабулхонадагиларнинг баъзилари ётиги билан тушунтирмақчи бўлади, айримлари эса бақририб, остонадан нари кетишларини талаб қилишади, эшикни тарақлатиб ёпиб қўйишади. Яна очишади, яна сўрашади, яна ҳайдашади...

Мандат соат бешда ҳам бошланмади. Яна икки соат кейинга қолдирилди. Лекин еттида ҳам бўлмади. Кўпларнинг очликдан силласи қуриди. Кўнгил бир

ёқли булмагунча овқат утадимми? Айниқса, шаҳарлик ёш-ёш жувонлар безовта була бошлади.

— Эмизикли боламни ташлаб келувдим.

— Овқат пиширишим керак эди.

— Хужайин бугун улфатларини чақирмоқчийди.

Афсуски, «ҳолинг нима» дейдиган кимса йўқ эди.

Биз ҳам уларга ҳар замон-ҳар замонда ачиниш билан назар ташлаб қўярдиг-у, ҳамдард бўлолмасдик. Дилбар ҳам уҳ торта бошлади. Суҳбатимиз унча қовушмай қолган эди. Бунинг устига айрим абитуриентлар мендан ҳам мандатнинг нега булмаётганини сўрашар, сиз айтсангиз-чи, деб илтимос қилишарди. Уларга мен ҳам, қабулхонадагилар ҳам оддий, кичик одамлар, уларнинг раҳбарлари, катталари келиши керак, шуларнинг дараги йўқ деб, изоҳ беравериб безор бўлдим. Лекин секин-аста гўё бу ишда менинг ҳам айбим бордек, хижолат була бошладим. Дилбарнинг сўзсиз илтижоли нигоҳларидан кўзимни олиб қочишга уринардим. Бу нигоҳлар сизнинг қўлингиздан ҳеч нарса келмаслигини, оддий талаба эканлигингизни тушунаман, хижолат булманг, деяётгандай туюларди менга.

— Сиртқиларга шунақа паст назар билан қарашадими? — бирдан сўраб қолди у.

— Ҳар доим бунақа булмайди. Фақат шу сафар...

— Мен уч йилдан бери кўряпман-ку...

Мен жавоб урнига аламли кулимсираб, елкамни қисдим. Дилбар гапида давом этди:

— Қабул қилиши шунақа бўлса, ўқиши қандай буларкин?

— У ёғи ҳар кимнинг ўзига боғлиқ, — мен жавобнинг урни келиб қолганидан анча дадиллашдим. Аммо у обдан ўйлаб, пишитиб гапирмоқда эди:

— Барибир ўқитувчилар дарс бериши, ниманидир ўргатиши керак-ку? Ҳар ким ўзи ўқиб, ўрганиб олаверадиган бўлса, шунча қийинчилик, азобу изти-

робларнинг нима кераги бор? Фақат диплом олиш учунми?

Мен «эх, бунчалар соддасиз, Дилбар...», демоқчи бўлдим-у, аммо бусиз ҳам ҳилвираб турган руҳини тушириб, кузги баргдай титраётган қалбига зарба бергим келмади. «Ҳа, диплом учун...» деб қўя қолдим. Дилбарнинг жавобимдан қониқмаганини сезиб турибман. У индамай қолди. Деразадан кетаётган-келаётган одамлар оқимини томоша қилмоққа тутинди. Бироқ, аслида унинг кузлари маъносиз боқарди. Энди унинг ҳолати менга ўтди. Юрагим сиқила бошлади. Мен «ҳозир келаман», деб ўрнимдан турдим-да, биринчи қаватга тушдим. Бир йигитдан сигарет сўраб олиб, энди туташтирган эдим, зинада Дилбар кўринди. Мен унга чекмайман деган эдим, яширишнинг иложи бўлмай қолди.

— Мени алдагани уялмадингизми, — эркаланиб гапирмоқчи эди-ю, овози ўзи истамаган ҳолда бошқачароқ чиқди, табассуми ҳам ярим очилган лабларининг икки четида поёнига етмай қотиб қолди. — Иродангиз меникидан ҳам бўшми дейман, — у яна ҳазилни давом эттирмоқчи бўлди, аммо сохтагарчиликни эплай олмаслиги сезилиб қолди.

— Жуда бошим оғриб кетди, — баҳона қилдим мен. Кейин қўшиб қўйдим: — Ҳозир чиқаман. — Бу, мени бироз холи қолдилинг, деганим эди. У тушунди.

Бир неча кундан бери чекмаганим учун сигарет жуда ширин татиб кетди. Симириб-симириб, лекин бамайлихотир чекиб, анча туриб қолдим. Дилбар яна тушди.

— Бўлди, ташланг энди. — У менинг ташлашимни ҳам кутмай, тугаб қолаёзган сигаретни қўлимдан олиб, папирос қолдиқлари уюлиб ётган бурчакка ташлади-да, сутранг туфлисининг учи билан эзгилади.

— Қани, юринг энди.

Мен итоаткорлик билан унга эргашдим.

— Мени хафа булади деб уйламанг, бунақа кутишларга, бунақа изтиробларга кўникиб қолганман. Фақат сизни қийнаб қўйганимдан хижолатман. Бошингиз ҳалиям огрияптими? Қорнингиз ҳам роса очгандир? Кетаверсангиз ҳам буларкан.

Дилбар осойишта ва хотиржам сўзларди. Аммо негадир, унинг сўзлаш оҳанги менга эриш туюлди. Чунки менинг тасавурумдаги ун етти ёшли қиз бундай гапларни шу тарзда айтмаслиги лозим эди. Мен бир нарсалар деб гўлдираган бўлдим.

Ниҳоят мандат бошланди. Деканнинг сиртқи бўлимлар бўйича ўринбосари (исм-фамилияси ёдимда йўқ) мандат комиссиясининг қарорини, сўнг танловдан утганларнинг рўйхатини ўқиб эшиттира бошлади. Ҳамма юрагини ҳовучлаганча, вужуди қулоққа айланиб, бениҳоя интизорлик билан ўз номларини кутар, умидвор кўзларининг бор куч-қуввати, нури билан декан ўринбосарининг оғзига тикилиб туришарди. Секин-аста енгил энтикишлар, гурурли томоқ қиришлар, сассиз чапаклар қулоққа чалина бошлади. Ҳадемай, қанча фамилиялар ўқилиб кетди. Аммо Дилбарнинг исми-шарифи чиқмасди. Рўйхат ҳам туғади. Дилбарнинг юзлари аввал қизарди, кейин бирдан оқариб, турган жойида титраб кетди-ю, бироқ дарҳол ўзини тутиб олди. Қий-чув, тўс-тўполон бўлиб кетди. Номи чиқмаганлар гувиллашиб, қабулхона эшигига ёпирилишди. Дилбар ҳамон карахт бўлган одамдай жойидан қимирламасди. Коридорнинг уртасида икки-мизгина қаққайиб туриб қолдик. Мен унинг кўзларига қарашга ботинолмас, ҳозир йиглаб юборади-ю, чопганича ўзини қабулхонага уради, деб уйлардим. Йўқ, у йигламади, ҳеч қаёққа югурмади ҳам.

— Юринг, кетдик, — мажолсизгина, қарийб пичирлаб, енгимдан тортди. Шундагина мен ўзимга келдим.

— Шошманг, мен ҳозир суриштириб чиқаман. Бундай бўлиши мумкин эмас! Ахир ун уч балл билан-а?!

— Менга ҳам шуниси алам қиляпти. Ун, ун бир балл олган қизлар ҳам ўтишди. Лекин ҳозир фойдасиз. Ҳалиги одам бу мандат ҳали узил-кесил эмас, яна бўлади, деди-ю, ажабмас...

Менинг ҳам бирон нарсага эришимизга кўзим етмасди. Дилбарнинг фикрига қўшила қолдим. Секин-секин қадам босиб, пастга тушиб кетдик. Йўлда ҳам деярли сўзлашмадик. Мен унинг иродасига, сабр ва матонатига қойил қолиб борардим. Агар унинг ўрнида бошқа қиз бўлганда борми, аюҳаннос солиб, ҳаммаёқни бошига кўтарарди. У эса шундай бўлиши табиийдек, хотиржам, бир маромда одим ташлаб кетяпти. У яна менинг овқат емаганим ҳақида гап очди. Мен бу гал унинг меҳрибонлиги, олижаноблигини айтишдан ўзимни тия олмадим.

— Умидсизликка тушманг, Дилбар, эртага албатта суриштирамиз, сиз албатта ўқийсиз. Бу ерда қандайдир англашилмовчилик юз берган бўлиши керак.

— Эҳтимол... яна ким билади дейсиз... Айтинг-чи, Камол ака, ҳозирги пайтда одам ўқишга ўз кучи билан кириши мумкинми? Қишлоқда менга айтишарди...

— Нега мумкин эмас? Мана, мен...

Бу сўзларнинг оғзимдан қандай чиқиб кетганини билмайман. Эсласам, ҳозир ҳам баданларим увишиб, совуқ тер чиқиб кетади.

Дилбар аввал мандат бўлган кундагидай титради, кейин ранги оқариб, шалвираган қўллари билан де-раза раhini ушлаб қолди.

— Сиз бошқа гап...

Дилбар ортиқ сўз демади. Мен ҳам, фақат хайрлашиш олдидан қизара-бўзара, тутила-тутила эртага қабулхонага боражагимни айтдим.

Шу оқшом кечаси билан узимни койиб, азобла-
ниб чиқдим. Дилбарнинг дилига озор етказганимга,
унинг мендан қаттиқ хафа бўлганига ишончим ко-
мил эди. Бироқ у эртасига қабулхонага келди. Кел-
ганда ҳам, ҳеч нарса бўлмагандек, очиқ юз билан,
хушчақчақ ҳолатда кириб келди. Афтидан кечқурун
айтган сўзларимнинг беихтиёр чиқиб кетганини ан-
лаган ё хафа бўлса ҳам, кечирган, унутган эди. Мен
баттар усал бўлдим. Гуё унинг тантанавор кайфияти
менинг ожиз ҳисларим устидан кулаётгандек эди.
Аслида, гумонларимнинг беҳуда эканлигини унинг
кейинги муомалалари равшан қилиб қўйди.

Қабулхонада йигирма саккизинчи куни қайта
мандат бўлишини айтишди. Шундан кейингина биз-
даги умид шамол кулини учуриб кетган чўгдай яна
яллиглана бошлади. Орадаги дилхиралик ҳам бир
қадар барҳам топди.

Белгиланган куни яна қабулхонаю коридорлар
абитуриентларга тўлди. Бу гал ҳам ўтган сафаргидек
мандат соат ун иккидан тўртга, кейин кечроққа, ун-
дан сўнг эртасига қолдирилди. Бироқ, эртасига ҳам,
индинига ҳам мандат бўлмади. Биринчи сентябрь
куни яна бир-икки кундан кейин мандат бўлиши
эҳтимоли бор, дейишди. «Бир-икки кун» олти кунга
чўзилди. Ва ниҳоят, олтинчи сентябрь куни мандат
комиссиясининг қарори узгармаганлиги, мандат-
нинг бўлмаслигини билдиришди. Шундагина Дил-
барнинг киприкларида ёш йилтиллагандай кўринди.
Аммо у ўқишга киролмагани учун эмас, онасини
соғиниб, унга ачиниб, кўнгли бўшашиб кетган эди.
У яна худди ўқишга киролмаган мендек, менга дал-
да бера бошлади.

— Майли, хафа бўлманг, ўқиши қурсин, кирма-
сам кирмабман-да...

Шундан кейин ётиб қолгунча отиб қол, қабилида
иш тутиб, унамаганига қўймай, уни деканнинг ол-

дига бошлаб кирдим. Декан аввалига индамай, га-
пимни бўлмай қулоқ солди, гавдасини кресло
суянчигига ташлаб, гуноҳкор одамдай остонада бо-
шини қуйи эгиб турган Дилбарга бошдан-оёқ, бамай-
лихотир разм солиб чиқди, сўнг юзини менга ўгириб,
ниҳоятда совуққонлик ва бепарволик билан деди:

— Бу қиз кимингиз бўлади?

— Ҳеч кимим, фақат шунчаки таниш, домла...

— Шунчаки таниш денг? Муддаоингиз?

— Муддаоим... Шу қизнинг жойлашиб қолишига
ёрдам берсангиз девдим, домла, агар иложи бўлса...
Уч йилдан бери келар экан...

— Уч йилдан бери денг, ҳе, беш йил, олти йилдан
бери келаётганлар бор, укам. Чидаганга чиқарган.

— У имтиҳонлардан яхши утди. Менимча бу ерда
қандайдир англашилмовчилик бўлган.

— Англашилмовчилик? Қанақа англашилмовчи-
лик? — Декан ўрнидан қўзғалиб, креслони олдига
сурди ва тирсакларини стол рахига қўйиб, менга
астойдил ва жиддий тикилди, бароқ қошлари чими-
рилиб, лаблари пирпиради, бурун катаклари кенга-
йиб кетгандек бўлди.

Мен бир лаҳза саросималаниб қолдим. Бироқ мо-
домики, кўкрак кериб келдимми, энди чекинмасли-
гим керак. Таваккал қилдим.

— Ахир, домла, ун бир, ҳатто ун балл билан ҳам
ўтишди-ю...

— Ун балл билан? Ким утибди? — деканнинг қош-
лари чимирилди.

Мен ишни хом қилганимни тушундим. Буёгини
яхшироқ суриштириб олмаган эканман. Каловланиб
Дилбарга қарадим.

— Хуш, гапиринг йигитча? — Декан тантана қи-
лаётгандай истеҳзоли кулимсиради. Жонимга Дил-
бар ора кирди:

— Мен билан топширган бир-иккита қизлар...

— Ҳм... — декан бир оз сукут сақлаб туриб қолди. Мен кукрагимга шабада теккандай сал дадилландим. «Энди илинди-ёв...» деб ўйладим. Декан яна Дилбарга юзланди:

— Қаердан келишган экан?

— Сирдарёдан, Хоразмдан...

— Ўзингиз қаерликсиз?

— Фаргоналикман.

— Ҳм, мана гап қаёқда! — Декан калаванинг учи топилди, дегандай қулидаги қаламнинг орқасини столга секин уриб қўйди-да, креслога чўкди. — Бу — сир эмас, айтишим мумкин. Сиз, дипломант укам, шу чоққача беҳабар бўлсангиз, билиб қўйинг. Ҳар қандай хўжалик, муассаса ёки корхонадагидай бизда ҳам режа бор. Ҳар бир вилоятдан белгиланган миқдорда талаба қабул қилинади. Ўзимиз билганча биридан ўнта, бошқасидан йигирмата олишга ҳақимиз йўқ. Бу қизингиз ўтолмаптим, демак, Фаргона вилоятининг нормаси бажарилган экан. Энди тушунарлидир?

Яна чидаб туrolмадим. Бешинчи курсдаман-ку, энди нима қила оларди, деган мулоҳаза билан фикримни айтишга жазм қилдим.

— Кечирасиз-у домла, ахир бир одам имтиҳонларни яхши топширса, ўқуви, қобилияти бўлса-ю, режадан ортиқча деб қолиб кетса, кимдир режани тўлдириш учун аранг илашиб ўтса...

Аммо мен яна хатога йул қўйгандим. Сузимни тугатмасданоқ декан ўрнидан сапчиб туриб кетди:

— Ҳой бола, ўзингнинг қандай ўқишга кирганинг эсингдан чиқдими? Ўша илашиб ўтганлардан бири ўзинг-ку! Энди тилинг бийрон бўлиб қолдими?! Агар биз сени ўқишга олиб хато қилган бўлсак, ҳали ҳам тузатишимиз мумкин. Ўқишни ҳам қойил қилиб қўйганинг йўқ! Аллақандай қизлар, хотинларнинг орқасидан элчиб юргунча диплом ёзишни ўйлаш керак! Ҳали олдингда давлат имтиҳони турибди!

Миям луқиллаб, қалтирай бошладим. Дилбар ҳунграганича ташқарига отилди. Унинг орқасидан мен ҳам узимни эшикка урдим. Аммо кучага чиққач, Дилбарнинг яшиндан қочгандек чопиб кетаётганини кўриб, тўхтаб қолдим. Ҳозир унга қайси юз билан қарайман-у, нима дейман? Тугри ошхонага бордим-у, икки стакан винони бегазак ичиб юбордим. Ҳаммаёгим қизиб, вужудим ловуллаб ёнаётгандек эди.

Шу куни кечгача кучаларда тентираб юрдим. Дилбарни декан олдига бошлаб кирганимга минг бор пушаймон едим. Хиёбонларда бошимни чангаллаб, у ўриндиқдан бунисига ўтиб ўтирдим, юрдим. Аммо бу афсус-надоматлар энди беҳуда — булар иш булган эди. Шу куни ётоққа қачон келганим ва қандай ухлаганим ёдимда йўқ.

Эртасига уни излаб бормоқчи булдим-у, яна юзим чидамади. Мен туфайли бегуноҳ, бокира бу қизнинг ҳақоратланиши, «аллақандай... хотинлар...» қаторига қўшилиши унинг маъсума қалбини вайрон қилган бўлиши турган гап эди. Кейинроқ, сал совигач қишлоғига хат ёзаман, деган тасалли билан ўзимни овутдим. Сабрим чидамади, уч-тўрт кундан кейин унга узундан-узоқ узр айтиб, аҳвол сўраб, ором тилаб хат ёздим. Жавоб келмади. Уч-тўрт ҳафта ўтиб кетди. Бу орада қабул комиссиясига дахлдор таниш аспирантдан ғалати гап эшитдим: мандат куни имтиҳондан утганлар рўйхати ёзилган ведомост-варақалардан бир варағи йўқолган, аниқроғи, одамлар сонини камайтириш учун атайин йўқотилган эмиш. Аввало бу миш-мишга ишонмадим, қолаверса, уни исботлаш қийин эди.

Ниҳоят, Дилбардан қисқагина, ҳиссизгина ёзилган жавоб олдим. Дилбар бундан бир неча кун аввал бир йигитга унаштириб қўйилганини айтиб, булажак турмуш ўртоғининг ҳам ўзига ўхшаб ўқимаган, од-

дий йигит эканлигини алоҳида таъкидлаган (шу жойда ручкани босиб ёзганлиги сезиб турарди) ва энди менинг ортиқча безовта қилмаслигимни сураган, акс ҳолда ораларига рахна солиб қўйишим мумкинлигини эслатган эди. Ичимда нимадир узилгандек, юрагим санчигандек бўлди. Бошим айланиб, кўзим тинди, беихтиёр эгилиб қолдим. Шу пайт туйқусдан кўтарилган шамол қўлимдан тушиб кетган хатни хас-хазонларга қўшиб, чирпирак қилиб учуриб кетди. Унинг орқасидан қувишга мажолим етмай, ўтириб қолдим...

Кўзнинг вазмин ва бугиқ шамоли таҳдидкорона увиллар, тепамдаги ҳали қаддини тўла тутиб улгурмаган чинор шохлари зорланиб қисирларди.

ЗОР-ИНТИЗОР

Ёқуббек Яқвалхўжаевга бағишланган

*Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин борурида ихтиёрим йўқдир.*

Бобур

Ишдан қайтаётганимизда кучсиз шамол эсиб, ёмгир шивалар, атрофни куйинди, хазон босган бетон ариқчалардан кўтарилаётган ачимтир ислар, йўл четлари ва гулпушталарда сўнгги кунларини яшаётган майса-гиёҳлар, анвойи гулларнинг сўнгги, кишини орзиқтирувчи ҳидлари тутиб кетган эди.

Бундай маҳал одамда беихтиёр бирон кўнгил яқини билан гоҳ у, гоҳ бу томонга қиялаб ураётган ёмгирни дераза ортидан томоша қилганча, ўтган-кетгандан суҳбатлашиб ўтиришга майл уйғонади.

«Зарафшон» ресторанининг миллий таомлар бўлими шу жиҳатдан айни муддао жой.

Ёмгир манзараси узимиз кутгандай эди: ҳар ер-ҳар ери тўрт хил рангли ромб нақшлар билан сир-

ланган ойналарига «чирс-чирс» урилаётган томчилар эгри-бугри жилгачалар ясаб, тинимсиз равишда бири иккинчисини қувалаб тушар, ром гирдига етгач, бири ўнгга, бошқаси чапга симобдай йургалаб кетарди.

— «Кун қизариб чиқса томингни тузат...» Халқимиз нақадар доно-я, — деди Даврон ака калта чарм тўни чўнтагидан янги «Коинот» сигаретасини олиб очаркан. — Эрталабки ҳавони қаранг-у...

Шеригим гапини тугатиб-тугатмай гавдасини орқага ярим буриб, нарироқдаги столда ўтирганларга тикилиб қолди.

Мен ҳам ўша тарафга қарадим, лекин ҳеч қанақа гайритабиий ҳолни пайқамадим. Фақат қулогимга стуллардан бирига ётқизиб қўйилган «Океан» транзисторидан элас-элас таралаётган қушиқ оҳанги чалинди:

*...Биздек ғарибни йўқлаб, дилдор хуш келибсиз.
Ноумид айламасдан мунглиг фақирингизни,
Кўнглини бир олай деб, бисёр хуш келибсиз...*

— Ҳалима опа куйлаяпти, — деди Даврон ака менга юзланиб. Овозидан анчагина таъсирлангани сезилиб турарди.

Ҳайронман, табиатан хушчақчақ Даврон ака унча-мунча нарсага дарров мутаассир бўлаверадиганлар тоифасидан эмас эди.

— Бирон воқеа эсингизга тушиб кетдими? — сўрадим, қизиқиб.

Даврон ака узун сўлиш олди. Кейин сигаретни устма-уст торта бошлади.

— Ҳа, — деди у ниҳоят, чиганоғини столга, муштини яноғига тираб, ташқарига ўйчан тикиларкан. — Ушандаям шунақа куз маҳали, худди бугунгидай кун қизариб чиқувди, — дея ҳикоя қила

бошлади ёмгирдан кўз узмай. — У пайтда биз ҳали Фулжадайдик. Аниқ эсимда йўқ: ё тўртинчида, ё бешинчида ўқирдим. Тўнғич акамнинг уй-рузгори бошқа. Ҳовлида онам, кичик акам ва янги тушган келинойим билан турардик.

Онамнинг анчадан бери тоби йўқ. Кечаси уйда, кундузи кунчиқишга қараган айвонимиздаги гулдор панжарали тахта чорпояда ётади, ё қат-қат болишларга суяниб китоб ўқийди.

Гоҳи-гоҳи онам узоқда туя карвонларидай чўзилиб ётган тоғларга тикилиб қоларди. «У-у, қани энди қанотим булса-ю, пирр учиб, ана шу тоғлар ортига утиб кетсам», дерди бошини чайқаб. Кичик акам аллақандай заводда ишларди. Якшанба кунлари ҳосил йиғиштириш учун даладаги богимизга саҳар кетиб кеч қайтарди. Келинойим уйда кир ювиб, овқат пиширарди. Мен мактабдан келгач, кучада ўртоқларим билан ўйнардим, ё келинойимга утин ёриб берардим.

Онамнинг қандай касаллик билан оғригани ёдимда йўқ. Уйимизга бирор марта доктор ё табиб келганини, онамнинг дори ичаётганини кўрмаганман. Лекин, қип-қизил, дўмбоқ юзлари кичрайиброқ қолганини, тўмтоқ ияги остидаги териси салқиланиброқ бораётганини сезгандай бўлардим.

Тўнғич акам хабар олгани келганида онам нуқул Андижон тўгрисида гапирарди. Уша воқеа юз бермасдан уч-тўрт кун бурун онам акамни қистовга олиб қолди, денг. Унинг акамга илтижо қилгандай мўлтираб: «Ўзи кетиш ниятларинг борми, болам, одамни жуда интизор қилдинг-ку», — деб зорланганлари ҳам ҳали-ҳали қулогимда.

— Анжанга қайси юз билан қайтиб борамиз ўзи, буви? — сўради хонтахта ёнида чўк тушиб ўтирган акам онамга ҳадик билан қараб. — Маҳалла-кўй, эл-юрт олдида бош кўтариб юришни айтинг.

— Шундай деб, орқага сура-сура, даданг оламдан утиб кетди, бизни мусофир жойда, аросатда қолдириб, — деди онам кўзларига ёш олиб.

— Мусофирлигимизни ҳеч ким юзимизга солмайди-ку, — деди акам ўжарлик билан.

— Солишган, болам, у вақтлар ҳали сен гур эдинг.

— Дадамнинг қабри-чи? — деб сўради яна акам қовогини уйиб.

— Бўлмаса, бир йўла мениям шу ерга кўмиб, кейин жунамоқчимисизлар? — деди бўғилиб кетган онам.

Акам индамади.

Онам ҳиқиллаб-ҳиқиллаб яна давом этди:

— Дадангни тупрогини яратган Эгам бу ердан олган эканки, шу ерни сунибди, қандоқ қиламиз, болам... Бизни у ҳукумат олдидаям, бу ҳукумат олдидаям тариқча гуноҳимиз йуқ, билсанг. Отанг бир адашди, холос. Катталарни кунглини топиб гаплашсанг бўлади. Кетганлар кетишяпти. Мана, Асқар ҳожилар кузги хирмонни олиб, жунашармиш. Аъзам қори раҳматлини ўгиллари ҳам ҳаракат қилиб юришганмиш... Уринган, интилган одам догда қолмайди, ўғлим... Дадангни қабри жудаям бегона бўлмас, замон тинч, омонлик бўлса, ўзларинг ҳам келиб зиёрат қилиб туришарсан... Одамни гўри қаерда қолсаям руҳи кунгил яқинлари билан бирга юради, болам.

— Шундай боғ-роғларимизни ташлаб кетиш одамга жа алам қилади-да. Ҳовли-жойларни... Ҳазилакам пул, ҳазилакам меҳнат сарф бўлдими... — деди акам бошини кўтармай, мингирлагандай.

Онамнинг ранги оқариб акамга ўқрайди.

— Сен, ҳали, шунга чузиб юрибсанми?

— Кечиринг буви, у ёқда қийналиб қолмасмикинмиз, дейман-да. Еримиз бўлмаса... Уй-жой сотиб олиш керак. Ер беришган тақдирдаям ҳосилни бир йил кутишга тўғри келади. Бой-бадавлат меҳрибонлари-

миз йўқ у ёқда. Ҳали қанақа ишга кирамиз... Дарров иш берақолишадими денг...

— Ҳаммаёқ мўл-кўлчилик, арзончилик эмиш-ку, — деди онам сал тутилиб.

— Бошқа миш-мишларга қараганда жудаям унчалик эмасга ухшайди, — деди акам дадилланиб. — Юрт катта урушдан чиққан. Сал кам беш йил — айтишга осон. Ҳаммага ош авлиё, нон пайгамбардир. Буни айтишармиди. Ўзингиз уйланг, деҳқон кетмонини, ишчи заводини ташлаб беш йил уруш қилса, сичқонлар ҳам қирилиб битса керак. Ўзидан ошинадиган одам топилиши даргумон-ов... Бир кун жанжал чиққан уйда қирқ кун барака булмайди, бир йил уруш кўрган халқ ун йилдаям ўзини тиклолмайди дейишади. Бир йигит ун саккиз-йигирма ёшда қаторга киради...

Онам қаддини болишдан кўтариб, астойдил ўтириб олувди, акам гапдан тўхтади.

— Менга қара, — онамнинг жаҳли чиқди шекилли, ияклари қимирлаб кетди. — Андижонга оёгим етиб қолса, бас, гадойлик қилиб бўлсаям сенларни боқаман. Бу ерда буғдой нон егунча, Толзорда кунжарага тиқилиб ўлсам ҳам розиман...

Якшанба эди. Кўчада ўйнаб-ўйнаб, ҳарсиллаб уйга кирсам, онам газабланиб қолди:

— Бормисан, Даврон, йўлингга қарайвериб кўзим тешилай деди-ю.

— Ҳа, нима ишингиз бориди, буви? — дедим чорпояга яқин бориб. Онам менга камдан-кам қаттиқ гапирарди.

— Расидан артистлар келишибди. Ҳалима ҳам бормиш. Қаерга, кимникига тушдийкин, билиб келгин, — деди онам нимагадир овозини пасайтириб.

— Қанақа Ҳалима? — сўрадим гап ким ҳақидагилигини тахминан билиб турсам ҳам.

— Вой, нимага ўзингни овсарликка соласан, ўзимзинг Ҳалима-да. Ҳалима Носирова! Неча марта

гапирганман сенларга, — деди онам менга галати қараб.

— Ҳа-а, эсимга тушди. Нима қиласиз? — сўрадим ҳамон ҳайрон бўлиб.

— Сен буюрган ишни бажаравергин, — деди онам. Уша тобда мен билан ади-бади айтишишга ҳуши-тоқати йуқ эди.

— Қаердан биламан?

— Масъуд афандингдан сўраб кўр-чи.

Йул-йулакай Ҳалима Носирова ҳақида ўйлаб кетдим. Нимага билиб кел, деди? Меҳмонга чақи-рармикин?... Ўзи ким экан у? Қанақа аёл у? Нимага онам у тўғрида кўп гапиради?

Ҳалима опа ҳақида онамнинг тўрт қатор шеъри ҳам бор эди. Уни кўпинча ашулага ўхшатиб, хир-гойи қилиб юарди. Менгаям ёд бўлиб кетган.

*Ҳалимажон, Ҳалима,
Ким йиғлайди, ҳолима?
Юзингга юз қўймадим,
Дийдорингга тўймадим...*

Масъуд афанди жуда билимли, ҳамма янгилик-лардан хабардор адабиёт муаллими эди.

— Расиданмас, Ўзбекистондан дегин, хумкалла. «Қизил юлдуз»га тушишган, аммо қайси бири ким-никига жойлашди — бунисини билолмадим. Уша маҳаллага бориб сўрасанг, айтиб беришади, — деди Масъуд афанди мени биринчи марта кўраётгандай синчковлик билан тикилиб. Тараддудланиб қолган-нимгами, муаллим қўшимча қилди: — Агар Ҳалима Носировани билмоқчи булсанг, у Абдузўхур бойни-кида.

Уйга гизилладим. Топшириқни қойиллатганимдан суюниб, онамга баланд овоз билан ахборот бердим.

— Абдузўхур бойникини биласанми? — сўради бо-лишларга суюниб ўтирган онам, учлари икки ёнига

осилиб турган оқ шойи рўмолини хиёл титраётган бармоқлари билан тузатаркан.

— Йуқ, — дедим бушашиб.

— Билмасанг, бориб билиб ке. Дарвозасини куриб қуйсанг, булди. Паттихон аянгдан сурасанг, курсатиб қуяр, лекин мени айтди демагин.

Ичимда ҳайрон булдим-у, яна йўлга тушдим. Паттихон ая андижонлик Юнусбек бойнинг хотини. Уша, «Қизил юлдуз» маҳалласида туришарди. Улар билан анча-мунча борди-келдимиз бор эди.

Юнусбекни Фулжадаги катта бойлардан дейишарди. Узининг ун заводи, Жиргалонгда эшигиям, тешигиям йуқ поёнсиз боғи бор, боғда оламдаги жамики мева, узум хилларидан топилади, деб таърифлашарди. Лекин, шуниси қизиққи, у одамнинг уз уйи йуқ экан, энг зур бойларнинг дангиллама ҳовлиларини ижарага олиб ўтиришаркан. Сабабини сўрашса, «мен бировнинг юртига том солмайман», деб жавоб бераркан. Юнусбекнинг бу тутумини биров олифта бойваччалик, биров зиқналик, яна бошқа биров ҳафсаласизлик, деб баҳолашарди.

«Қизил юлдуз» биздан унча узоқ эмас эди, лекин аксига олиб, Паттихон ая банд экан.

— Артист кўрмоқчимисан? Бизникигаям тушган, унча-мунчасимас, Тамарахоним! — деди у ўзида йуқ жилмайиб. Ушанда аянинг қилиги менга хотинларга хос мақтанчоқлик, гупуришдай туюлди-ю, аммо барибир Тамарахоним деганини куришга қизиқиб қолдим.

— Дам оляптилар, бирпас кутиб турсанг, уйғониб қолади, — деди ая ниятимни фаҳмлагандай.

Мен айвон четидаги чор қирра устунга суянганча ўтириб, анча кутдим.

— Узоқ йул уринтирган-да, — деди учоқ бошида куйманаётган ая бетоқатланаётганимни сезиб. Назаримда уларникига қанақа улуг меҳмон келгани-

ни кўриб кетишимни, бориб онамга айтишимни истарди.

Ая тут новдаларини, овозини чиқармаслик учун тиззалари билан омонат букиб, чала синдириб учоққа тикар экан, ўзиям айвон тўғрисидаги уйнинг эшигига қараб-қараб қўярди. Унинг юзлари гувуллаб ёнаётган олов тафтида тандирдан янги узилиб сув урилган гижда нондай бўғриқиб кетган, бир чимдимгина бурнининг учида сумалакдай осилиб турган тер томчисини сидириб ташлаш ҳам эсига келмасди.

Айвон тўғрисидаги эшикка, юпқа, калта дарпарда тутилган деразаларга тикилавериб кўзим толди. Иннайкейин, ҳар қанча пойлашга ҳам рози эдим-у, у ёқда онамнинг йўлимга термилиб ётганини ўйлаб, ноилож урнимдан турдим.

Паттихон ая бош чайқай-чайқай, Тамарахонимдай катта артистни кўролмай кетаётганимга ачинди. «Отинойини сўраб қўй, мендан хафа бўлмасинлар, жоним билан кўрсатиб қўярдим-у, кўриб турибсан, ҳозир бир қадам ҳам жиллолмайман, болам», деб кўчагача чиқди.

Паттихон ая айтган бурилишлардан ўтгач, икки-уч одамдан сўраб, Абдузуҳурбойнинг болахонали, салобатли уйлардан иборат ҳовлисини, қўш табақали нақшдор дарвозасини кўз остимга олдим-у, уйга чопдим.

Онам энди аллақандай китобни тиззасига қўйиб, бош қимирлатиб ўқиб утирарди. Бу гал унинг чиндан ҳам китоб ўқиётганига ишондим. Чунки сўзларини чала-ярим тушундим. Ўша пайтларда онам Хўжа Ҳофиз, Аҳмад Яссавий, Суфи Оллоёр номларини кўп тилга оларди. Ўшалардан бири бўлса керак. Лекин акаларим хатга кўп қараманг, деб тайинлашгани учун анчадан бери китоб ўқимай қўювди.

Мени кўриши билан тилларанг гардишли кўзойнагини кўзидан олди.

— Мунча қоранг учиб кетди, болам, — деди у китобни ёпиб, ёнидаги сариқ гулли мато ёпилган хонтахтга устига қўяркан.

— Паттихон аяникига Тамарахоним тушибди! — дедим худди у артистни аввалдан биладигандай.

— Курдингми? — сўради онам қовоғини сал очиб.

— Йўқ.

— Абдузўхур бойникини топдингми?

— Топдим.

— Яхши. Энди келинойингга ўтин ёриб бер.

Онамнинг авзойи бузўқроқ бўлгани учун ортиқча гап қўшмай «хуп» деб қўя қолдим.

Урик ўтин саржинлари тахлаб ташланган бостирмага етмасимдан онам келинойимни чақирди:

— Зийнатхон, мен бир пастга тушай, она қизим.

Келинойим йўл-йўлакай майда ўрилган узун сочларини турмаклаб шоша-пиша борди-да, онамнинг чорпоя остидаги калишини туррилади, қўлтигидан суяб, ерга туширди.

Мен ҳам чопиб бориб, онамнинг иккинчи қўлтигига кирдим.

Ҳовли этаги тарафга бошлаётган эдик, онам: «Йўқ, у ёққа бормайман, манави, сўртак тагида бирпас юрай», деб қолди.

Келинойим ҳам, мен ҳам ялт этиб онамнинг юзига қарадик.

— Ётавериб белларим қотиб кетди, — деди онам ҳовли томон қадам ташларкан, бир келинойимга, бир менга ўгирилиб. — Бугун сал тузукка ўхшайман.

— Уғлингиз келадиган вақт бўлиб қолди, бувижон, мени уришади, — деди келинойим қоп-қора, чиройли кўзларини жавдиратиб.

— Ўзим айтиб қўяман, қизим, уришмайди. Сиз бугун чалароқ қовуриб бир ўзимизни анжанча ош қилинг, сарёққа. Ошни кўнглим тусаб қолди, ҳам сал мадор бўлади. Хом овқатлар авзойи баданимни

бушаштирворди. Сиз қозонга уннайверинг, биз мана, укангиз билан секин айланиб турамиз.

Бироз юрганимиздан кейин онам елкамдан қўлини олиб, қулогимга шивирлади:

— Сен ҳам ўтинингни ёриб, келинойингга қараш. Сув-пув келтириб бер.

— Сиз-чи?

— Мен ўзим юравераман, манави сўртак устунларини ушлаб-ушлаб... Борақол, ўғлим.

Мен елкамни қисиб, бостирмага ўтдим. Кузим онамда. Онам икки қўлини белига тираб, беш-олти қадам юради-да, устунни ушлаб нафас ростлайди. Унинг олтиндай товланиб турган ҳусайни доналаридан узиб олиб пуфлаб-пуфлаб еяётганини курганимдан кейин, согая бошлаганига ишонч ҳосил қилдим.

Акамнинг келишига келинойим онамнинг ўзи юра бошлаганини айтиб, суюнчилади.

— Ҳа, хайрият, хайрият, кушойишини бергани рост бўлсин, — деди акам онамнинг юз-кузига астойдил тикилиб. — Лекин кўп юрманг, буви, бирданига кўп ҳаракат қилиб бўлмайди, уриниб қоласиз. Кунда-кунда, оз-оздан...

Онам мен қириб берган турп билан анчагина ош еди.

Дастурхон йигилгач, онам билан акам яна Андижон ҳақида, у ердаги Толзор маҳалласи ҳақида, аллақачон оламдан ўтиб кетган боболарим, Ҳалима Носирова ҳақида суҳбатлашиб, анчагача утиришди.

— Андижонни, Толзорни кўришга кўзим етмай қолди, шу, Ҳалимани бир кўрсам ҳам армоним йўқ эди, — деди онам рўмолининг учини дам бу, дам у кўзига босиб.

— Ҳалима опа «жон деб борардим-у, раҳбарларимизни олдидан бир ўтиш керак», деди. Раҳбарларига учрашишга юрагим дов бермади, ким бил-

син, нима хаёлга боришади, — деди акам буйнини эгганча, пиёладаги чойни айлантириб совутаркан. — Кукламгача сабр қилайлик-чи, ажабмас, йўлимиз очилиб кетса... Акам ҳаракат қилиб юрибди-ю. Жа, бўлавермаса, ўзим астойдил киришаман.

— Айтганинг келсин илойим, ниятингга етгин, ўғлим, — деди онам жонланиб. — Акангдан бир хабар олиб қўйсанг буларди, дараги йўқ, кечадан бери чап қовоғим учади...

— Қизиқсиз-а, буви у сиздан хабар олмай...

— Ёшсан-да, ҳали, ўғлим, бола-чақанг купайганда биласан...

Онам чиндан ҳам тузалиб қолгандай эди. У уша оқшом ҳар кунгидан тийракроқ, гаплашиб ўтиргиси борлиги сезилиб турарди. Куни буйи боғда ишлаб чарчаган акам кўзлари юмилиб-юмилиб кетса ҳам, анчагача ўзини тетикликка солиб ўтирди. Кейин, энди ётинг буви, бугун анча уринибсиз, деб ўрнидан турди.

Онам-иккаламизнинг жойимизни солиб бергач, келинойим ҳам чиқиб кетди.

— Энди сен ҳам ухла,— деди онам ўрнига ёнбошларкан.

— Сиз-чи? — сурадим.

— Нимагадир уйқум қочиб турибди. Хурсандчиликданми... Сен ухлайвер, бир маҳал буп қолди. Бугун анча чарчадинг.

Онам анча юпқалашиб қолган оппоқ кафти билан пешонамни силай бошлади.

Лекин, мениям кўзим илинай демасди.

Ичимда нимадир сиртга чиқмоқчи бўлиб гупураётганга ўхшарди. Суюняпманми, хафа бўляпманми, ўзим ҳам билмасдим. Мени акамнинг «кукламгача сабр қилайлик-чи», деган гапи ўйлантирарди. Андижонга кўчиб кетсак, бувимнинг орзуси ушаларди... Мен бувимнинг у ёқдаги қариндошлари билан

қучоқлашиб кўришаётганлари — қувончдан лов-лов ёнаётган юзларини кўз олдимга келтираман. Узиям, бувимни ҳамма дугоналари ўраб олишса керак, байрам бўп кетса керак... Бизни роса меҳмон қилишади... Бирдан бошқа нарса эсимга тушиб қолди. Мен-чи? Мен нима қиламан? — деб ўзимга-ўзим савол бераман. Ахир синфдошларим, ҳамма ўртоқларим бу ерда қолишади-ку! У ёқдагилар менга бегона-ку. Журавой, Нураҳмад, Муҳаммад сингари яхши ўртоқлар топилармикин?.. Онамнинг тилидан намунча ўша, тоғ ортидаги юрт тушмайди-а? У ёқ бу ердан ҳам яхшимикин? Бу ердан чиройлимикин? Онам билан акаларимнинг гапларига қараганда у ёқда тол кўп шекилли. Тол ҳам яхши, таги салқин бўлади. Бу ерда эса терак кўп. Ҳаммаси баланд-баланд оқ терак. Ҳамма кўчаларнинг икки чети қатор кетган терак. Оппоқ кийинган паҳлавонлар саф тортиб туришгандай... Ўртага тушган йўл-йўл қўланкаси бирам чиройлики... Худди бир текис чизиқлар чизиб қўйилгандай... Дунёда бунақа тераклар, бунақа теракзор кўчалар бошқа бўлмаса керак...

Лекин онамга тоғлар ортидаги юртга қайтиш, ҳатто кўкламгача яшаш ҳам насиб этмаган экан.

* * *

— Онам мени уйғотганида тонг энди ёришиб келаётган эди, — дея давом этди Даврон ака совиган чойдан ҳўплаб. — Зериктириб қўймадимми ишқилиб? — сўради у мендан. Даврон аканинг феълени яхши билганим учун гапини бўлмайд тинглаятувдим, шундан шубҳаланди чоғи.

— Мутлақо! Бир чақалик фойдаси йўқ, қайтага асабни бузадиган баҳс-муҳокамалардан минг марта афзал-ку ҳикоянгиз, — дедим кулиб.

— Унда ўзингиздан кўринг, — деди Даврон ака кулгимга синиқ жилмайиш билан жавоб қайтариб. — Хуллас, онам саҳар уйғотди.

— Ҳм-м... — дедим ижирганиб.

— Тур, ўғлим, мени кечаги жойга бошлаб борасан, — деди онам.

Бирдан уйқум қочиб, кўзларим мошдай очилиб кетди. Ахир шунча кундан бери ётиб, кеча аранг ўн беш-йигирма қадам юрган одам қаерга бориши мумкин?

— Қайси жойга? — сурадим шоша-пиша.

— «Қизил юлдуз»га-да, — деди онам хотиржам.

— Қандай етиб борасиз, буви?

— Етиб бораман, ўғлим, бугун жудаям яхшиман, соппа-согман. Булақол, тезроқ ювиниб, тузукроқ кийинвол, — деди онам янада мулойимлик билан. Шундагина онамнинг тўйга кетаётгандек оқ сийдам кримжажит кўйлак, қора бахмал камзул, амиркон макси-кавуш кийиб, ясаниб олганини кўрдим.

Акам, албатта, азонда чиқиб кетган, лекин келинойим ҳам куринмасди. Онамдан сурадим.

— Бувисиникига кетди. Бир хабар олиб келсин, мен билан овора бўлиб, қачондан бери боргани йўқ, бечора, — жавоб берди онам келинойимни яна кечагидай узундан-узоқ дуо қилиб.

— Ўзи нимага боряпмиз, буви? — сурадим кўчага чиққанамизда.

— Ҳалимани бир кўрай, ўғлим, — деди онам, — фақат секинроқ юргин болам, ҳасса тутмаган одам, манави таёққа ўрганиш қийин бўляпти.

— Бошқа, зўр ҳасса қибберайми?

— Йўқ энди, болам, вақт кетади. Юравер, гаплашиб бориб келамиз.

— Сиз ўзи Ҳалима Носировани танийсизми? — сурадим яна.

— Нимага танимас эканман, танийман. Ҳалимани танимаган борми... У кўчага чиққанида орқасидан бир маҳалла қиз-жувон эргашиб юрарди... Ҳалима бутун Анжанга бўлакча файз киритворган. Қанча

гумроҳлар ортидан болта кутариб ҳам юришган. Ҳалима ҳаммасини доғда қолдирди. Ажаб қилди. Мана энди, бутун оламини ўзига қаратиб, сайру саёҳат қилиб юрибди. Толеи баланд экан. Эри катта шоир... Ўзи юртнинг маликаси... Эҳ, Анжан, Анжан... — Онам гапини тугатолмай хурсиниб қўйди.

Мен акаларим ва онамнинг меъдасига тегиб кетган саволимни яна бир марта такрорладим:

— Буёққа нимага кеп қолганмиз ўзи, буви?

Бу саволга ҳар гал ҳар хил жавоб эшитардим. Кичик акам елка қисади, тўнгич акам катта бўлганинда биласан, деб қўярди. Онам эса: «Э, болам-а, фалакни гардиши-да, ризқимиз шу ерларга сочилган экан, тегиб еб юрибмиз-да», — дерди чуқур энтикиб.

Уша сафар онам бошқачароқ жавоб берди:

— Э-э, буни мен ҳам билмайман, уғлим. Бир алғовдалгов замон бўлди-ю, ҳамма уяси бўзилган аридай тумтарақай тўзиб кетди.

— Анжан яхшими?

Бу саволниям неча марта берганман. Бу саволга ям онам ҳар сафар турлича жавоб қайтарарди. Бу гал:

— Э, қақилдоғ-а, хўп одамни юрагини эзадиган гапларни сўрайсан-да, — деди.

— Буви, Андижондан кеп қолишган бошқалар ҳам кўп-у, улар юришибди-ю...

— Ҳа, нимасини айтасан, болам. Унақалар кўп дунёда. Уларга куни қаерда яхши ўтса бас... Сендан гинам йўқ, акаларинг тушунмаяпти-ю мени, сенга йўл бўлсин, ҳали гўдаксан... Ҳой, тош тепмай юр, деяпман...

Ушанда чиндан ҳам онамни зигирча тушунмаганман. Фақат кўнглимдан шундай гаплар ўтувди, холос: онам Ҳалима Носирова билан бир вақтлар бир маҳаллада яшашган, уни согинган... ўша опани кўргани кетяпмиз...

Онамни толиқтириб қўймай, деб бошқа гапирмадим.

«Ахир, ўзимизнинг Гулжа ҳам яхши-ку, — деб ўйлайман ичимда.— Чиройли. Дарахт кўп, кўм-кўк шаҳар. Маҳалламизнинг номиям зур: Ҳарамбоғ. Жирғалонгда катта боғимиз бўлса... Ўйларимиз дангиллама, болохонали... Ҳамма қўшниларимиз ўзбек. Икки қаватли ўзбек мактабимиз бор...»

Мактабимизнинг тахта поли шунақа ялтиллаб турардики, худди ойнанинг ўзи эди. Афандиларимиз бизга доим: «Пойафзалларингга нағал қоқтирмаларинг, полни расво қиласанлар», дерди.

Ҳозир ўйлаб кўрсам, маҳалламиз аҳли билан, умуман, Гулжадаги ҳамма ўзбеклар билан ниҳоятда оқибатли қариндошлардай иноқ яшаган эканмиз. Балки мен ушанда ҳамма одамлар ҳамма жойда шундай яшайди, деган тасаввурда бўлсам керак. Эҳтимол, бу ҳақда ўйлаш хаёлимгаям келмагандир. Аслида бунақа бўлиши мумкин эмаслигини, ундай аҳилликнинг маълум сабаблари борлигини кейинчалик англадим.

Анча юрганимиздан кейин барибир ўзимни тутолмай, яна: «Ўям сизни танийдими, буви?» — деб сўрадим. Нимагадир онамнинг Ҳалима Носировани танишига унча ишонгим келмасди. Маҳалладаги шовшувларга, Паттихон аянинг ўзини йўқотиб, босар-тусарини билмай қолганига қараганда, Ҳалима Носирова билан Тамарахоним деганлари довруғ қозонган, жуда катта артистларга ухшайди. Онам ўзи «ёшлигимда маҳалла ҳатлаб нарига ўтмаганман», дерди. Аммо, ҳеч қачон ёлғон гапирмасди. Паттихон аяникига юбораётиб бир марта ёлғонлади. «Мени айтди демагин», деди. Нимага? Бувим айтди, десам нима бўларди?

— Танийди. Мени танимаса, опоқдадангни танийди, — деди онам, кейин астойдил қулоқ тутиб турганимни кўриб, шоша-пиша қўшимча қилди: — Ме-

ниям сал-пал танирди, ҳозир билмадим, эҳтимол, ёдидан кутарилгандирман. Орадан қанча замонлар утиб кетди.

Кейин билсам онам, ушанда менга яна бир марта ёлгон гапирган экан. Айтишларича, иккала бобом ҳам Андижонда анча таниқли, нуфузли одамлардан экан. Ҳалима Носирова чиндан ҳам уларни таниши, ақалли улар туғрисида эшитган бўлиши мумкин, лекин, доим паранжи-чачвонга ураниб юрадиган онам, боя айтганимдай, Андижонда ҳам Толзордан бўлак жойни кўрмаган бўлса...

Икки гапининг бирида: имонимдан айрилмай, десанг, минбаъд ёлгон сўзлашни урганма, деб тайинлайдиган одам, ушанда мени нима учун алдаганига ақлим етмай, бир неча йилгача уйланиб юрдим.

«Танимаса, нима қиласиз бориб?» — деб қолишимдан хавотирланувдимикин?.. Ё, ростдан ҳам бир вақтлар бир-бирини танишармидийкин, дейман...

Йўқ, менимча йўқ...

Кейинчалик, онамнинг уша икки кун ичида менга бир эмас, бир неча бор ёлгон сўзлаганини англадим...

Аммо бу нарса ушанда менинг хаёлимгаям келмаганди. Мени бошқа бир жумбоқ таажжубга соларди: онам қандай қилиб бир кунда оёққа туриб кетди? Қандай куч унинг қувватсиз оёғига мадор, тахта бўлиб кетган белига жон багишлади? Қандай оҳанрабо, қандай сеҳр уни имлаб йўлга чорлади? Ҳалима Носирова ростдан яқин танишмикин? Бунчалик қадрдон бўлишса, нега у бизникига келмайди? Нимага ўз ҳамюртиникига меҳмонга бориш учун бошлиқдан ижозат бўлиши керак? Нима учун акам катталарга учрашга ботинмадийкин?..

Бу саволларимга орадан анча йиллар ўтгандан кейингина жавоб топдим. У гапларни акам хаста онамнинг кўнглини тинчитиш учун айтган экан, чоғимда.

Кейинчалик мен яна бошқа кўп нарсаларга тушундим: онамнинг мевазор боғли кенг ҳовлимизда қафасдаги қушдай мудом безовта, тоғлар ортига талпиниб яшаши боисини ҳам, мени алдашга ундаган сабабни ҳам англаб етдим. Лекин афсуски, кеч, жуда кеч англадим. Гоҳи-гоҳи уша пайтда англаганимда ҳам қўлимдан бир иш келмаслигини, унда ҳали жуда ёш эканлигимни уйлаб, ачинаман, ҳам ўзимга-ўзим тасалли бераман.

Булар, менимча, уша куни ва кейинчалик хаёлимдан кечган гапларнинг юздан, балки мингдан бири бўлса керак.

Хуллас, уша куни икки чақиримча масофани чамаси бир соатларда босиб ўтдик.

Онам ҳассага гоҳ таяниб, гоҳ уни менга бериб, қўлларини икки ёнбошига тираганча секин-секин қадам ташларди-ю, лекин инқилламасди, нолимасдиям. Йўлнинг ярмидан ўтганда у яна камгап бўлиб қолди. Фақат икки-уч марта: «Етай дедикми, болам!» — деб сўради. Ҳар замонда унга хавотирланиб қараб: «Ишқилиб, яна оғриб қолманг-да», десам, «Йўқ, бугун оғримайман, баракалла, ўғлим», — деб елкамга қоқиб қўярди. Беш мартами, олти мартами йўл четига чиқиб анча-мунча дам олди. Ичимда: «Шундай қийналиб нима зариликин», — деб ўйлайман-у, тилимда: «Қайта қолайлик, буви», деб кўраман. Онам ҳар гал: «Йўқ, ўғлим, мени шаштимни кесма, юрагим орзиқиб кетяпти», — дейди-ю, гапини исботламоқчи бўлгандай ўрнидан туриб, яна йўлга тушади.

Мен дам бетоқатланиб онамдан ўтиб кетаман, дам чумчуқларга алаҳсиб орқада қоламан. Онам жуда басавлат аёл эди. У юрганида кўча тўлиб бораётгандай бўларди. Анча чуқиб қолганини шу куни яхшироқ пайқадим: мажолсиз оёқлари увоққина гавдани аранг кўтариб кетаётгандай туюлди уша тобда менга.

Мен учун вақт имиллаб, ҳеч утмаётгандай эди. Кенг кучанинг икки юзидаги бўйлари баланд оқ тераклар шоҳида чириллаётган чумчуқлар ичимни қизитар, лекин онам уларга тош отгани қўймасди. «Жониворларга озор берма, болам, уяси бузилса, ватансиз қолишади, кейин бошқа жойга учиб кетишади... Паррандаларни ҳамияти кучли бўлади», дерди онам астойдил куюниб. Бу сузларга кулгим қистарди.

Кулгим қистади-ю, индамадим.

— Чумчуқларинг безовта-да, Давронбек, — деди яна онам, — кечга бориб ҳаво айнийди назаримда.

Онамнинг гаплари дадил, дона-дона эди. Мен шунча кундан бери ётган одам бирдан мунча жойга етиб боролмаса керак, деб уйловдим.

Назаримда, манзилга яқинлашган сари онамнинг қадди тикланиб, қадамлари шахдамлашаётгандай эди.

Хуллас, манзилга етиб борди, қаранг!

— Келдик, мана шу, — дедим яшил эшикка имо қилиб.

Онам безовталангандай, паранжи-чимматининг бир четини қайириб, дарвоза оша кўз ташлади-ю, кейин тез-тез юриб кучанинг ҳовлига қарама-қарши юзига ўтди.

Ҳайрон бўлиб орқасидан эргашдим.

— Кирамизми ўзи? — сўрадим мингирлаб.

— Шошма, ўғлим, шошма, нафасимни ростлаб олай, бирам тез юрдинги, одамни ҳаллослатиб... — деди онам менга қарамай ва паранжисини бошидан олиб, буклаб-буклаб жуфт терак тагидаги саргая бошлаган, қийиқдайгина ажриққа тўшади-да, секин, урнашиб ўтириб олди.

Ҳайратим баттар ошди: «Тез юрганам йугиди-ю, нима бўляпти ўзи бувимга, устига-устак манави ярашмаган қилигини», дейман ичимда жигибийроним чи-

қиб, Ҳарамбогда, ҳатто бутун Гулжада ўзбеклардан ташқари, уйгур, қозоқ, қирғизлар ҳам: «Отинойи, отинойи...» деб, соясига кўрпача ташлайдиган аёлнинг катта кўчада, аразлаган боладай утирганини биров кўрса нима деб ўйлайди?

Онамнинг ўзини бу қадар хокисор тутганини ҳеч кўрмовдим. Уйда, ҳатто топ-тоза курсиниям келин-ойимга яна арткизиб утирадиган, кийимига гард юқтирмайдиган, бошқалардан ҳам озода, саришталикни талаб қиладиган одам-а?!

— Чақриб чиқайми! — дедим ошкора норози оҳангда.

Онам бош чайқади.

— Сен бир айланиб ке, углим, мен бирпас дам олволай, узим... Сен бемалол ўйнаб келавер, — деди кейин мулойимлик билан.

— Мен-чи, мен кўрмайманми? — сўрадим шошапиша.

— Сен қўяқол углим, узоқдан келган. Эҳтимол, нотаниш шериклариям бордир...

Ҳафсалам пир бўлди. Лекин онам бир сузли аёл эди, барибир айтганини қилдирарди. Айниқса, ўша пайтда бемор онамнинг раъйига бўйсунитдан бошқа чорам йўқ эди.

— Бупти, аммо тезроқ чиқинг, — дедим узимни масаланинг моҳиятини тушунган одамдай сипо тутиб. Сўнг, рўпарадаги, нечундир бирдан ута маҳобатли, сирли туюла бошлаган ҳовли дарвозасига бир зум тикилиб турдим-да, куча бўйлаб зипиллаб қолдим. Кўп юрмай, секинладим. Бу маҳаллага кам келгандим. Бировникини қидираётгандай, йулнинг икки бетидаги девору дарвозалари, роми икки қаватли деразалари, оппоқ уйлари қолипдан чиққандай бир хил ҳовлиларга аланглаб, анча ергача бордим.

Ҳали кўчада одам сийрак эди. Онда-сонда дарвозасини гийқиллатиб чиқаётган эркак ё аёл менга

ажаблангандай қараб ўтишарди. Бу болакай саҳар-мардонда нимага довираб юрибдийкин, дейишяпти-микин деб ўйлайман. Онам ҳам қизиқ, касал одам, мени уйқуга тўйдирмай, ўзиям ухламай, азонлаб келди. Энди булса, умрида қилмаган қилиқ — тап этиб ажриққа ўтириб олди, дейман, хунобим ошиб.

Салқин шабада жунжиктиради. Хаёлимда анча вақт ўтгандай туюлди-ю, онам маҳтал бўлиб қол-масин, деб қайтдим.

Онам ўша-ўша ҳолатда: теракка суянганича кўчага ёнбош бўлиб ўтирарди, лекин икки кўзи яшил дарвозанинг дарча-эшигида, эшик ҳалқасида эди. Назаримда онам шу ҳалқанинг силкинишини, эшик-нинг очилишини кўрмай қолишдан чўчигандай жудаям сергак ўтирарди.

— Қирмадингизми? — сўрадим бетоқатлик билан.

— Ўзи чиқиб қолар, шошиб қаерга борардик, ўғлим, бугун мактабинг йўғ-у, — жавоб берди онам сабр қилишимни ўтингандай. Овози боягидан ҳам юмшоқроқ, ҳам хомушроқ эди.

— Танийман дедингиз-ку, кира қолайлик ё чақирайлик, — дедим.

Онам индамади. У бутун борлиғи билан рўпарадаги дарвозага талпиниб турарди, фикри-зикрида ана шу ҳовлидан бошқа нарса йўқдай эди.

— Ўйна, ўйнайвер, — деди онам ниҳоят титроқ овозда ва нимчасининг чўнтагини кавлаб бир сўм чиқарди.

— Ма, писта-миста олиб чақ.

Хурсанд бўлиб, яна бошқа томонга қараб югурдим.

Кучада ҳалиям одам кам. Жимжитлик.

Чумчўқлар ҳамон чирқиллашар, тераклар иккита-иккита бўлиб шивирлашаётгандай туюлади. Ялтироқ баргларининг тебраниб туриши подадаги улоқчаларнинг тинимсиз қулоқ қоқишига ўхшайди.

Кўзим олма-кесак териб, биз кирган кўчани кесиб утадиган катта йулга чиқдим. Томоша қиладиган тузукроқ нарсаям, писта сотадиганлар ҳам кўринмасди.

Энди қаёққа борсамикин, деб у ёқ-бу ёқни мулжаллайман.

Яна бир оз юрувдим, йулдан сал ичкарироқдаги «Қизил юлдуз» киноклубининг баланд, оппоқ деворига кўзим тушди-ю, суюниб кетдим.

Бинонинг чап ёнидаги ичи қоп-қоронги тўйнука ухшаган кассанинг олди ёғоч панжара билан тўсилган, тепароқда бир кун аввалги, «Котовский» номли уруш кино бўлади, деган эълон осиглиқ турарди. Кўз олдимга қора чарм шапкасида қип-қизил беш юлдузи бор, қайтарма ёқали пўстин кийиб, энли камар бойлаб олган, боши тақир, катта-катта кўзлари чақнаб турган одам келди. Бу кино менга бошдан-охиригача ёд бўлиб кетган, десам ҳам бўлаверади. Ўзимизнинг ўзбек клубида икки марта кўрганман, ЎқОқда, кейин ўрис клубида... Нима хаёлда қилдим, маҳалладаги ўртоқларимга кўрсатиб мақтанмоқчи бўлдимми, билмайман — атрофга кўз югуртирдимда, панжарага тирмашдим. Эълон анча баландда, панжара билан девор ораси ҳам узоқроқ эди. Эълонни кўчириб олгунимча тиззаларим, чиганоқларим оқланган деворга роса ишқаланибди. Икки кўзим атрофда, эълонни «карнай» қилиб қўлтиққа урдим-у, йул-йулакай кўйлак-шимларимни қоқа-қоқа изимга гизилладим.

Онам ҳамон ўша-ўша утиришда, қимир этмасди.

Бошим қотади: ўзи касалдан янги турган бўлса, нонуштаям қилмаганмиз. Қорни очмадимикин?

Ёнлари теракка ботиб кетмадимикин, дейман.

Киприк қоқмай тикилавериб кўзлари, қовоқлари толиб кетмадимикин?..

«Бу нима?» деб қолармикин, деган ҳадикда қозни орқамга яшириб, онамга аста яқинлашдим. Онам бунақа ножуя ишлар учун қаттиқ таъзир берарди. Ушанда булса, ўзимгаям, қўлимгаям қарамади, қозларни кўрмади ё кўрсаям парво қилмади.

— Кета қолайлик, буви, чарчагандирсиз, — дедим олдини олиб.

Онам лом-мим демади.

«Карнай»ни теракнинг новдаси орасига қистирдим-да, бир-бир босиб онамдан узоқлашдим. Ичимда «чақириб қолармикин», деб умид қиламан, йўқ, чақирмади.

Энди ҳовлиларнинг эшиклари очилган, болалар чунтакларини ёнғоқ, ошиқларга тўлдириб кучага чиқа бошлашган эди.

Айланиб-айланиб, болохонали уйлар уртасидаги кенг, чорси майдонда «доира» уйнашаётганлар олдидан чиқиб қолдим. «Эҳ, аттанг, билганимда соққа билан ошиқларимдан беш-унтасини олволарканман», дедим ичимда. Бир кўнглим: ҳали онам берган бир сўмга ошиқ сотиб олмоқчи ҳам бўлдим-у, яна, барибир бегона маҳалладан келган болага ютқазिशардим. Фирромлик қилиб бўлсаям, ютиб олишади, деб айнидим.

Томошага берилиб кетганимдан қаерда, нима қилиб юрганимниям унутиб юборибман. Бир пайт, ўзимга келдим «уҳ!» деб бошимни чангаллаганча оёғимни қўлимга олиб, Абдузуҳур бойнинг ҳовлиси томонга чопдим.

Орадан қанча фурсат ўтгани номаълум эди. Лекин мен айна пайтда етиб келган эканман.

Узоқдан онамнинг ўз урнида қийшайиб утирганини кўрдим-у, ҳафсалам пир бўлсаям, кечикмаганимга суюниб, қадамимни секинлатдим.

Ана шунда мен кутган ҳодиса юз берди... Лекин, бутунлай бошқача тарзда...

Шу ерга келганда Даврон аканинг мижжаларида ёш йилтиллай бошлади. Чуқур хўрсинди.

— Онам билан ўртамиздаги масофа ўн беш-йигирма қадамча қолган эди, — дея давом этди Даврон ака сигарет тутунини оғзи-бурнидан шиддат билан пуфлаб чиқарар экан. — Шу пайт қўштабақали нақшиндор дарвозанинг дарча эшиги «ғийт» этиб очилди ва енглари кенг, этаги тўпигигача тушган ҳаворанг йилтироқ кўйлакли, ўрта буй, думалоқ юзлари ширмондай қип-қизил чиройли аёл остона ҳатлаб ўта бошлади.

Мен ялт этиб онамга қарадим ва унинг соппа-сог одамдай ўрнидан сапчиб туриб кетганини кўрдим.

Ўша дақиқада меням бутун вужудим кўзга, қулоққа айланган эди.

Ўша пайтда хаёлимдан тахминан шундай фикрлар кечган эди: мана, ҳозир онам «Ҳалимахон!» деб чақиради, Ҳалима Носирова бегона юртда, бегона овозда ўз исмини эшитиб, қошларини чимиради, эслай олмай онамга тикилиб қолади, кейин, «вой улмасам, тушимми ё ўнгимми», дейди-ю, кулимсираганча қучоқ очиб кела бошлайди, онам ҳам тез-тез пешвоз юриб боради ва... улар узоқ айрилиқдан сўнг дийдор кўришган опа-сингиллардай бир-бирларининг багирларига сингиб кетадилар, анчадан кейин бош кўтариб, бири ҳайрат, бири ҳасрат билан кўзларига тикилишадилар, кейин яна қучоқлашадилар, кейин омон-эсонлик сўрашиб кетишади...

«Қайси шамоллар учирди, ургилай?» — сўрайди онам.

«Сизларни шамолнингиз-да, опажон, юринг энди, опкетайлик», дейди Ҳалима Носирова.

«Қанийди опкетсангиз...» — дейди онам яна йиғламосираб.

«Агар хоҳласангиз...» — деб тўхталиб қолади Ҳалима опа.

«Вой, хоҳлаш ҳам гапми, Ҳалимахон...» — дейди онам бармоқлари учини олдин Ҳалима опанинг, кейин узининг кўзларига суртиб...

Кейин, Ҳалима опа онамни ҳозиргина узи чиқиб келган яшил дарвозага бошлайди. Онам атрофга жаланглаб мени қидириб қолади...

Бироқ, бундай бўлмади.

Ҳали-ҳануз кўз унгимдан кетмайди.

«Ана, Ҳалима!» — деди онам гафлатда қолиб, учириб юборган қуши ортидан талпингандай, икки қўлини олдинга чўзди. Лекин овози титраб, синиқ чиққани учунми, Ҳалима Носирова эшитмади, азондан бери эшикнинг «тиқ» этишига интиқ бўлиб утирган аёлни пайқамади ҳам: у йўл четидан менга (онамга ҳам) қарама-қарши томонга илдам юриб кетди.

«Ана, Ҳалима!» — деган илтижо муножотдай, нидодай янгради ўзиям.

Хаёлимда тезлаб бориб, Ҳалима Носировани яқинроқдан кўрмоқчи бўлиб турувдим, аммо онамга тикилиб қопман.

Онам бошидаги чимматини юлқиб олди-ю, Ҳалима Носировани орқасидан бир неча қадам ташлади. Оқ рўмоли қийшайиб кетган, гижимлаб ушлаган чимматининг учлари ерда судралиб борарди.

Мен «нима қиялпсиз, буви?!» — деб қийқириб юборай дедим-у, тилим танглаймга ёпишиб қолгандай, гапиролмадим.

Ҳаворанг кўйлагининг этаклари тупиқларига урилиб, билинар-билинемас ҳилпираб бораётган Ҳалима Носирова озгина юргач, кўча юзидаги бир ҳовлига кириб кетди.

Эшик ёпилди.

Онам эшик ҳалқасининг тебранишдан тўхташини кутгандай, ўша томондан кўз узмасди.

Мен ҳам жойимда қотиб турардим.

Охири, онам узига келиб, рӯмолини тузатмоқчи, чимматини ёпинмоқчи бўлди, лекин, билмадим, ҳафсаласи келмадими ё бошқа сабабми, қули бошига етиб бормай, ёнига шалвираб тушди, кейин жуда секинлик билан орқасига бурилди, роса ҳоли қуриган одамдай яримта-яримта босиб бояги жойига утирди. Паранжисини олмоқчи бўлдими ё утирмоқчи бўлдими, терак остига энгашди-ю, чўккалаганча, елкаси билан теракка суялиб, жағи кўкрагига тегиб қолди.

Нимагадир юрагим «шув» этиб кетди. Югуриб бориб, онамни турта бошладим.

— Буви, буви, туринг, — дедим.

Онам жавоб бермади. Қўрқиб кетдим. Қўлтиғидан суяб тургазмоқчи бўлувдим, бошини сал кутарди: кўзлари ярим очиқ эди. Баттар ўтакам ёрилаёзди.

— Сув бер, болам, сув, — деди онам сўзларни ҳиж-жалаб.

Икки ҳатлаб терак қаторнинг нариги биқинидан шариллаб оқаётган ариқ бўйига ўтдим. Шошилишда баъзан мия ҳам яхши ишлаб кетар экан, Шартта бошимдан дўппимни олдим-у, сувга ботирдим.

Онам дўппимга оғзини теккизиб, лабларини намлади, томоғидан бир-икки томчи ўтдиам шекилли, кейин кафтини ёзиб, «бўлди», дегандай имо қилди.

— Юзимга сеп-вор, — деди бир оз жонланиб.

Сал ўзимга келдим.

Онам яна уч-тўрт дақиқа эшитилар-эшитилмас ҳансираб утирди. Рангиям оқариб кетувди. Аста-секин сергакланиб, юзига қон югурди, қаддини тиклади. Туришга чоғланыпти-ю, яна икки кўзи боя Ҳалима опа кириб кетган ҳовли томонда.

Мен ҳам ичимда ҳаворанг кўйлак яна бир марта кўриниб қолармикин, деб кутдим, кўринмади.

Паранжи-чимматларни наридан-бери юмалоқлаятувдим, онам: «Ҳеч бўлмаса чимматимни бер болам,

чимматимни, шундай катта кучада очиқ кетаманми, кўрганлар нима дейди», деб туриб олди.

Ҳассани онамнинг қулига тутқаздим-да, узим бир қўлтигига кирдим.

Онам Ҳалима опа кириб кетган ҳовлига зимдан яна бир қараб олди, шундан кейин йўлга тушдик.

Бу орада онамнинг башорати тугри чиқиб, ёмғир томчилай бошлади.

Кичкина бўлсам ҳам, уша пайтда гап сигмаслигини тушунардим. Фақат, аҳён-аҳёнда онамга секин куз ташлаб қўярдим. Шу пайтда унинг қиёфасини жудаям кўргим келар, лекин чиммат деган қора парда нафасимни бугарди.

Ярим йўлга борганимизда ёмғир тезлади.

Онам инқиллай бошлади. Аммо йўловчи кўринди дегунча ўзини бардамликка солиб оларди.

Назаримда онам борган сари оғирлашиб, мени эзиб қуяётгандай, юришимиз қийинлашарди. Ҳаво салқин бўлишига қарамай жиққа терга ботдим.

— Юпун кийинган экансан-ей, болагинам, ишқилиб шамоллаб қолмасанг гўрга эди, сенгаям жавр қиладиган бўлдим, — деди аҳволимни сезиб бораётган онам пичирлаб. Ўзининг юзидан ҳам сув қуюлар, бироқ у терми, ёмғирми — билиш қийин эди.

Уйга етиб келди-гу... онам бир соатча ётиб, узилди.

Даврон ака жимиб қолди. Бурнининг икки ёнидан ариқчалар ҳосил қилиб, бири иккинчисини қувалаб тушаётган томчилар дераза ортидаги ниначининг қанотларини эслатувчи неон лампалар нурида элас-элас ялтирарди.

Ташқарида эса, ёмғир энди симиллаб ёгарди.

Шаҳарнинг гужгон-гужгон чироқлари бирин-кетин «лип-лип» ёнаётган бўлишига қарамай, тун ёмғирнинг ҳарир пардасига ўралиб шитоб бостириб келарди.

Даврон ака атрофга қараб қўйди. Кафеда биздан ташқари яна бир столда тўрт улфат қолишган, ошхона ходимлари чироқларни бирин-кетин ўчириб, «туринглар энди», деган ишора беришмоқда эди.

— Онамнинг жойидан сапчиб тураётгани, «Ана, Ҳалима!» — деб бошидан чимматини шартта юлиб олганию Ҳалима опанинг қилпираб бораётган ҳаворанг кўйлаги кўз олдимда шундоқ суратга ўхшаб туради, — дея давом этди Даврон ака тез-тез гапириб. — Умуман ўша кун юрагимга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган. Яна бир нарса: онамнинг ўша тўрт сатрдан иборат хиргойиси қулоғимдан кетмайди:

*Ҳалимажон, Ҳалима,
Ким йиғлайди, ҳолима?..
Юзингга юз қўймадим,
Дийдорингга тўймадим...*

— Кечирасиз, сизниям кўнглингизни бузвордимми, — Даврон ака ёнидаги стулдан энсиз гардишли чарм шляпасини олиб, бостириб кийди. Столнинг бир четидаги қопқоғи узиб ташланган «Коинот» ичидан охирги сигаретни олиб ёндирди-да, қутисини гижимлаб, қиррадор, новвотранг шиша кулдонга ташлади. — Ушанда ўзим ҳам роса эллик кун деганда зўрға оёққа турганман, — деди у ва ўрнидан қўзгалди.

АЁЛ

У купенинг ярим очиқ эшигидан секингина мўралаб, ичкарида рўмолча билан елпиниб ўтирган ёш йигитни кўрди. Улар бир лаҳза бир-бирига қараб қолишди. Жувон галати бир ҳолатга тушди, нима қилишини билмай, йигитга мурожаат этди:

— Кечирасиз, саккизинчи жой шу ердами?

— Ҳа, шу ерда, кираверинг. — Йигит ўрнидан ирғиб туриб йўл-йўлакай рўмолчани тўрт буклаб, шими-

нинг орқа чўнтагига солди, кўйлагининг ёқаларини тузатиб, эшикни очди-да, аёлга йўл бушатиб, орқага тисланди. — Марҳамат...

Жувон остонага қадам қўйиб улгурмай, йигит чаққонлик билан иккинчи томондаги кўтариб қўйилган ўриндиқни илгакдан чиқариб пастлатди.

— Утиринг.

Аёл дераза ёнига омонатгина ўтириб, қўлидаги чоғроққина тугунни бурчакка қўйди. Йигит унинг қаршисига, аввалги жойига ўрнашди. Иккаласи ҳам ойнадан перронда туришган ва у ёқ-бу ёққа юришаётган, чопишаётган йўловчиларни сўзсиз кузата бошлашди. Бир оздан сўнг аёл бошини йигит томон бурди, йигит ҳам унга юзланди.

— Бир ўзингизмисиз?

— Бир ўзим эдим, энди икки киши бўлдик.

Жувон «галати йигит экан-у», деб кўнглидан кечирди. Яна бирон нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, фикридан қайтди.

Иккиси ҳам бир хил машғулотларини давом эттиришга тутинишди. Жувон ҳар замонда йигитга ва эшикка қараб-қараб қўярди. Айни вақтда, йигит ўзининг бундай хатти-ҳаракатларини сездирмай кузатаётгани ва билинар-билиномас жилмайиб турганини идрок қилар, бундан ҳам хижолат бўлар, ҳам жаҳли чиқарди.

Поезд силкинди. Кейин вагонларнинг уланган жойлари шарақлаб бир-бирига урилди. Поезд қўзғалди.

— Хайрият-эй, сал шабада келди-я.

Йигит орадаги жимликни бузишга журъат этди ва гаплашиб кетамизми, дегандай жувонга мулойимгина жилмайиб қаради.

— Ҳа-я.

Жувон ҳам исиб кетганини энди сезгандай, боядан бери кафтлари орасида гижимлаб ўтирган рў-

молчаси билан кенг ва силлиқ пешонасидаги, қора соч толалари ивиб ёпишиб қолган бўйнидаги терларни арта бошлади.

— Бунақа иссиқда самолётда учган яхши-ю, лекин уям ердан кўтарилиб олгунча уст-бошни шалаббо қилиб юборади. — Йигит узилиб қолган суҳбатни уламоқчи бўлди. — Нима дедингиз?

— Қайдам, мен самолётга чиқмаганман.

— Биринчи мартасида сал хавфлироқ туюлади: кўтарилаётганда, пастлаётганда юрагингиз шувиллаб кетади. Кейин ўрганиб қоласиз. Сўраганнинг айби йўқ, андижонлик бўлсангиз керак?

— Ҳа.

— Мен ҳам. Асакаданман.

Жувон кўҳликкина эди. Самимият, соддалик барқуриб турган қора кўзлари, уларни ҳимоя қилувчи узун-узун киприклари, бежирим лаблари ва ана шу юз тузилишига батамом мутаносиб бўлиқ ва жозибали қадди-қомати анча-мунча иродани шошириб қўйиши мумкин эди.

— Тошкентга ўйнаб келувдингизми? — Йигит ҳануз суҳбат жиловини бушатмасликка ҳаракат қиларди.

— Йўқ, синглим ўқишга кираятувди, — қисқа жавоб берди жувон.

Шу пайт купега икки сидра чойшаб кўтариб проводник кириб келди.

— Пулини тўлаворасизларми?

Жувон тугунини титкилай бошлади, йигит киссадан пул чиқариб проводникка узатди:

— Икки кишига.

— Вой, тўхтаг, ўзим бераман, — жувон шоша-пиша ҳамёнини ковлай бошлади.

— У ёғини ўзларинг келишиб оласизлар, — проводник йигитга қайтимини берди-да, унга хиёл табассум қилиб чиқиб кетди.

Жувон ўн сўмликни йигитнинг олдига қўйди.

— Пулингизни олинг.
— Унга майдам йўқ, қўяверинг.
— Вой, у нима деганингиз? Бегона одамдан қарз бўлиб қолайми?

— Биринчидан, бир уругда одамнинг бегонаси бўлмайди, ҳамма бир ота-бобонинг болалари, жумладан, биз ҳам, фақат шу пайтгача кўришмаганмиз ва исмларимизни билмаймиз, холос. Иккинчидан, инсон ҳеч қачон бир-биридан қарз бўлиб қолмайди, чунки инсон инсоннинг ҳисобига эмас, балки табиат ҳисобига яшайди. Табиат эса жамиятники, қолаверса, шу бир неча сўмни суришиб кетармиз.

— Қизиқ экансиз-ку, кўришмасак қаёқдан суришиб кетамиз.

Йигит уз фалсафасининг аёл онгига у қадар етиб бормаганини тушунди.

— Кўришмасак, мен рози. Қўйинг, яхшиси, мен ичишга чойми, сувми топиб келай. Шошилинда ичимлик олиш ёдимдан кутарилибди. Сиз ҳам чанқагандирсиз? — йигит ўрнидан турди.

Жувон чиндан ҳам чанқаган эди. Поезда кам юрганидан сув олиш хаёлига ҳам келмаган, бу ерда ичадиган сув бўлармикин, деб ўйлаб ўтирганди. Йигитнинг саволига нима десам экан, деб тараддудланиб қолди. Бироқ йигит аёлнинг жавобини кутмаёқ купедан чиқиб кетган эди.

«Яхши йигитга ўхшайди» — хаёлидан ўтказди жувон, кейин ўрнидан туриб, шошилмасдан иккинчи қаватга ўрин ростлашга киришди.

Орадан кўп ўтмай, йигит қулида бир неча шиша ва қогозга ўроғлиқ нарса билан кириб келди. Уларни купе столи устига қўйди-да, «мен ҳозир», деб яна чиқиб, иккита пиёла кутариб кирди. Қогоздан булочка, колбасаларни олиб тўгради, кейин пиёлаларни тўлатиб минерал сув қўйди, биринчи жувонга узатди.

— Ичинг.

Муздай сув аёлнинг баданини роҳатлантирди. У йигитга миннатдорлик билдирди:

— Раҳмат. Сувдай сероб бўлинг. Сизни анча овора қилиб қўйдим.

— Ҳечқиси йўқ. Сиздай чиройли аёлга хизмат қилсам қилибман-да. Қани, манавилардан олинг. Эрталабгача қорнимиз очиб қолади.

«Тавба, тушуниб бўлмайди. Тузук одам деб ўйла-сам, мақташга тушди. Мақтаган одамдан қурқ, де-йишади. Лекин...»

Айни вақтда жувон йигитдан унча норози ҳам бўлмади, чунки у ҳам барча аёл зотидан эди-да. Бироқ ҳар қалай, сир бой бергиси келмади.

— Хафа бўлманг-у, мен мақтагани унча ёқтир-майман.

— Мен ҳам ўзимни биров мақтаса гашим келади, аммо менга ёқиб қолган одамни, умуман яхши кишиларни мақташни яхши кўраман. Айниқса, ҳам ақлли, ҳам чиройли қизларни жудаям ҳурмат қиламан. Чунки ақл билан чирой ҳар доим ҳам мос келавермайди. Бу иккиси омухта бўлган жойда эса чинакам гузаллик вужудга келади, деб ўйлайман. Албатта, сиз ҳозир ичингизда «бир кўришдаёқ менинг ақлли, ақлли эмаслигимни қаёқдан била қолдингиз», деб ўйлаётгандирсиз. Тўғри, бир кўришда одамнинг қанақа эканлигини билиш қийин. Мен психолог эмасман-у, мутахассисларнинг айтишича, одамнинг характери ташқи кўринишида акс этиб турармиш. Хатти-ҳаракатида, ўзини тутишида, сўзларида... Мен ҳам ана шу қоидага асосланиб, сиз тўғрингизда хулоса чиқаряпман. Ўзим ҳақимда эса, бошқаларда ёмон таассурот қолдирмасман, дейман...

Йигитнинг фалсафалари анчагина давом этди. Аёл гарчи унинг мақсадларини тўла тушуниб етмаса-да, бу суҳбатдан зерикмади, аксинча уни берилиб тинглаб утирди. Вақт ўтганини ҳам билмай қолди.

Бу орада поезд Сирдарёдан ўтган, тун ҳам оғиб қолган эди.

Йигит ўрнидан қўзгалди.

— Энди дам олсак-а, гапиравериб чарчатиб қўй-мадимми, ишқилиб? Айтгандай, шунча суҳбатлашиб танишмадик ҳам...

— Бунинг аҳамияти йўғ-у.

— Умуман олганда тўғри. Майли, сиз ётиб олинг, мен чиқиб тураман. Кўрдингизми, ҳатто чекиш ҳам эсимдан чиқиб кетибди. Сиздан бошқа, ёқмайди-ганроқ ҳамроҳ булганда шу пайтгача ё бир неча марта чекиб ўзимни заҳарлаган булардим, ё бир уйқуни олардим. Мабодо сизга ҳиди ёқмайди-ган булса, ҳозир ҳам чекмай қўя қолишим мумкин.

— Кечирасиз, уйланганмисиз?

— Ҳа, ширингина ўғлим ҳам бор.

— Хотинингиз ҳидига чидайдами?

— Ҳа, аввал анчагача ўрганолмай қийналди, мен ҳам ундан узоқроқда чекиб юрдим. Кейинчалик кўникиб кетди.

— Ундай булса, ўзингиз биласиз.

— Майли. Унча чекким келаётгани ҳам йўқ. Бир айланиб келаман. Фақат, жойни алмаштирамиз, сиз пастда ётсангиз.

Йигит қайтиб кирганда жувон ўринга кириб, чойшабни бўйнигача тортиб олган эди.

— Чироқни учирайми? — сўради йигит.

— Майли.

— Эшикни-чи?

— Ёпиб қўя қолинг.

— Хўп. Яхши тушлар кўринг.

— Раҳмат, ўзингиз ҳам.

Аёл чойшабга бурканиб олди, аммо уйқуси ўчган эди. Йигит ҳақида уйлай бошлади: «Хушчақчақ йигит экан. Хотинини ҳам зериктирмаса керак. Ё уйда бошқача, кучада бошқачамикин? Йўғ-э, унақага

ухшамайди. Хуш, унинг эри-чи, узларининг ҳаёти-чи?.. Тўйдан олдин унчалик сўзамол бўлмаса ҳам қанақа чиройли, эритадиган сўзларни топиб гапирарди. Тўйдан кейин кўп утмаёқ камгап бўлиб қолди. Бир-биридан ширин иккита угилчалик бўлишди. Эри борган сари кам гапирадиган бўлиб боряпти. Эрталаб апил-тапил нонушта қилади-да, ишга кетади. Кечқурун остонадан «овқатинг тайёрми», деб киради. Овқатдан сўнг бир оз газета-журнал варақлаган бўлади, угилларини уйнатади, эркалатади. Кейин жуда чарчадим, деб ухлаш тараддудига тушади. Дам олиш кунлари бўлса улфатчиликдан бушамайди. Ростданам иши огир.

Эркак бўлгандан кейин улфатчилик қилади. Лекин, ҳар куни йўлига кўз тикиб ўтирадиган хотини-чи? Ахир у аёл-ку! Унинг ҳам илиқ сўзлар эшитгиси, эркалангиси келади. Авваллари унча-мунча эркалатиб турарди... Энди-чи... Мана, юзларининг лаб ҳароратини сезмаганига неча ҳафта бўлдийкин? Эсида, бир куни кечқурун жудаям эркалангиси келиб унга осилди. Эри бўлса ушанда қўлларини елкасидан олиб ташлаб: «Қўйсанг-чи, хотин, биз энди ёш бола эмасмиз-ку», деган эди-я. Ушанда у ҳам эрига: «Аёл киши бамисоли мушук, ҳамиша эркалангиси келиб туради, аёл киши бир умр болалигича қолади», — демоқчи бўлиб, яна шахтидан қайтганди. Энди бундан бу ёгига ҳам умр шундай ўтаверармикин-а?..

Аёл ухладими-йўқми — билолмади. Лекин, ҳар қалай, кўзини очганда тонг ёришиб қолган, купе субҳидамнинг мусаффо ҳавоси билан тўла, салқин шабада гир-гир эсарди. Шунга қарамай, у ўзини ҳорғин ҳис қилди. Эҳтиёткорлик билан ўрнидан турди (у деярли ечинмай ётган эди). Йигитнинг елкасидан аста туртди.

— Туринг, Асакадан ўтиб кетдингиз.

Йигит шоша-пиша кўзини очиб, деразадан ташқарига қаради.

— Кечирасиз, ухлаб қолибман. Қалай, яхши дам олдингизми?

— Раҳмат.

Йигит тезгина ювиниб, бир чойнак қайноқ кўк чой дамлаб келди. Аёл ҳам ювиниб-тараниб келиб жойига ўтирди. Йигит икки пиёлага чой қўйиб бири-ни аёлга тутди. Ўзиникидан бир ҳўплади-да, столга қўйиб йиғиштирина бошлади. Шу пайт поезд секин-лаб, узун гудок берди. Йигит пиёладаги чойни апил-тапил ичди.

— Мана, биз келдик. Яхши-ёмон гапларим учун узр. Хайр. Яхши етиб олинг. — Йигит тез-тез қадам ташлаб вагондан тушиб кетди.

Аёл йигитнинг туша солиб кимсасиз перронда сўлимгина, ёш бир жувоннинг елкасига қўл ташлаганини, жувоннинг ҳам йигит пинжига бош қўйганини кўриб турди. Кейин йигит вагон томонга бурилиб, хотинига аёлни курсатди. Иккиси ҳам унга бахтиёр табассум билан қўл силкишди. Аёл қўлини юк босиб қолгандай аранг кутариб, чала очилган кафтини бир-икки у ёқ-бу ёқ қилгандай бўлди. Кейин оғир хўрсинди.

Поезд юриб кетди...

НАЖОТ ФАРИШТАСИ

Шифои васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр.

Фузулий

У биринчи ва охири марта мени кургани келганида ўзимни бутунлай йўқотиб қўйдим. Сим тўри устидан махсус тахта қўйилган «шоҳона» каравотда ётардим. Шошганда «лаббай» эсга тушавермаганидай, дўппимни қидириб, ҳадеганда тополмайман. Ўша куни қишлоқ сартароши палаталар бўйлаб «са-либ юриши» уюштирган бўлиб, мен бир неча ойдан

бери тўзиб ётган сочимни устарада таг-туги билан қирдирган ва соқолга навбат етганида оғриққа чидмай, бунисини бошқа кунга қолдирган эдим. Ялтиллаган бош билан чақиртиканакдай соқолли ияк ва юз бир-бири устидан кулиб, мени не аҳволга солиб қўйганини, ҳар қалай, тасаввур қилиш қийин эмас. Дард билан овора бўлганим учун «бу ерда бўлажак қайнонам бормиди?», деб ўзимни овутибман-у, бирон уятли одам келиб қолар (Маъсуманинг қадам ранжида қилиши етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Тушакка михланганимдан бери у билан кўришмаган эдик), деб сира ўйламабман.

Соқолни яширишнинг-ку иложи йўқ, лоақал тақир бошимни беркитай, деб, тилим: «келинг-келинг» билан банду қўлим болишлар остини титкилайди, кўзларим тўрт тарафга аланглайди — мен излаган мато — дўппи ердаям, осмондаям йўқ.

Меҳмоннинг саволлари дона-дона эди. Жавобларимни англадими, йўқми-билмайман. Мен унинг ташрифидан юрагим паққа ёрилгудай қувонган бўлсам-да, тезроқ чиқиб кетишини хоҳлардим. Дилимдан ўтган гапни сезгандай, тезгина хайрлашди.

Маъсума монти қилиб келган эди. Хонадагиларнинг ҳаммасига (туққиз киши) биттадан ё етти, ё етмади. Монтининг мақтови ким оширди бўлиб кетди. Шериклардан бири бефаросатларча «кимингиз бўлади?» деб сураб қолса бўладими?! Мужмалгина жавоб бердим. Шундан кейин у одам:

— Мен умримда кўп пазанда аёлларнинг овқатини татиганман. Лекин бунақа лаззатли таомни емаганман, — деди.

Бошқалар ҳам уни қувватлашди.

Монтининг мазасидан ташқари тайёрлаш усули, яъни шакли ҳам тамоман янги: думалоқ ва қат-қат, юзасига, қатларига ошкўкларидан гўё доналаб терилгандай, хол-хол қилиб, меъёрида сепилган эди.

У кетди-ю, хона эшигидан оҳудай жавдираб кириб келиши кўз унгимда лавҳи сурат бўлиб қолди. Кузимни очсам ҳам, юсам ҳам, остонада ҳаво ранг, энги қисқа ва кенг, ёқасиз, ҳарир либосли малак пориллаб турар эди.

Бир ҳафтача электр устарада инқиллаб-синқиллаб соқол олиб юрдим, бироқ кейин оғриқ зўридан секин-аста яна аслимга тушиб қолдим. Узим бир томонга камалак бўлиб, уттиз қадамлик ҳожатхонага бориб-қайтгунча эна сутим оғзимга келса... Менга олифтагарчиликни ким қўйибди!..

Мен бирдан ётиб қолгандим. Арзимаган нарса сабаб бўлди. Анча йиллардан бери унғ болдирим, тўғрироги, ошиқдан сал юқори қисми оғриб юрарди. Духтирма-духтир, касалхонама-касалхона юравериб, ётавериб зада бўлдим. Ҳеч тузалай демайди. Оғриқ унчалик кучли эмас-ку, доим зинқиб, юракни эзиб, кўнгилни гаш қилиб туради. Соғ бўлиб соғмассан, касал бўлиб — касал. Лекин булар ҳолва экан. Бошидан ўтганми, ўтмаганми, бир танишим: «Совуқ бод бўлиб кетган, сандалга урик утинни чўгидан солиб, оёқни тоблаб ётиш керак», — деб маслаҳат бериб қолди. Жонинг оғриб, дардинг аришидан дарак бўлавермагач, ким нима деса ишонаверади-ган, дарров ўша муолажани синаб кўрадиган бўлиб қоларкансан. Бир ҳафта уриниб, эски яшик тахталаридан қўлбола сандал ясадим. Меҳмонхонанинг уртасидан, тахта полни арралаб, гишт, гувала териб, кулдон тайёрладим.

Февралнинг бошлари, ҳали ердан қор кетмаганди. Ҳовли этагидаги шохлари учидан қурий бошлаган қари урикни акам билан арраладик. Дарахтнинг айри жойига қисилиб қолган йўгон шох ҳадеганда чиқавермади. Икки қўллаб, жаҳд билан силтаб бир тортган эдим, белим «қирс» этгандай бўлди, шу пайтнинг ўзидаёқ эгилиш қийинлашиб қолди.

Хуллас, касалхонага тушдим.

Дарднинг чузилиб кетгани (Маъсума келганида икки ойдан ошган эди), огриқнинг сира енгиллашмаётганидан ҳафсалам пир бўлиб, ўзимга ҳам қарамай қўйган эдим. Албатта, тузалишдан умидни батамом узганим йўқ, аксинча, нимагадир кўнглим тўққа ўхшарди (огрийдиган касаллик тузалади, деган гап таскин берарди, менга чамамда). Лекин ойлаб узгарिशсиз ётиб қолганимдан кейин...

Бу ерга келганимда касалим ҳақидаги хулосалар хилма-хил эди: ревматизмнинг кучайган босқичи, ишиорадикулит, остеохондроз, бел-думгаза радикулити...

Бўлим мудури — даволовчи невропатолог ўттиз ёшлардаги, бўйчан, қотмагина, серҳаракат йигит Козимжон шаҳар клиникасидаги касаллик тарихимдан олинган кўчирмага бир кўз югуртирди-да, ўзимга қайтариб берди. Муъжазгина болгача, бигиздай тўгногичларни ишга солди, оёқларимни қайириб, бадантарбия машқларини бажартириб кўрди.

— Ўтиргич нервларингиз шамоллаган, — деди у дорига тавсия ёзишга киришиб. — Таниш-билишлардан борми? Бир-иккита ноёб дорилар керак.

— Ҳаракат қиламиз, — дейишди мени бу ерга олиб келишган икки оғайним.

— Яхши, — Козимжон тез-тез ва шарт-шурт гапирарди, — мана гидрокортизон, гумизоль, биохинол, кейин, плазма, агар топилса, плазмол... Тезлаштириш керак. Қон қуйиш станцияларида, айримлари асаб касалликлари шифохонасида бўлади. — Доктор менга юзланди. — Ётасиз. Сизни, албатта, тузатиб юборамиз, ҳадемай кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Кўнглимга ёруғлик тушгандай, дардим енгиллашгандай бўлди. Раҳмат айтдим. Муолажа бошланиб кетди.

Козимжоннинг тиришқоқ, мустақил фикрли, изланувчанлиги сезилиб турарди. Уколниям, ҳаб дори-

ларни, физиотерапевтик муолажаларни тўрт-беш кун синаб кўрар, нафи сезилмаса, дарҳол бошқаларига алмаштирар эди. Ҳазир, ҳар куни кам деганда икки марта кириб, ҳол-аҳвол сурар, «бугун сизга битта укол қилишади, жуда зўр, вилоятдаги танишлардан топтириб келдим», деб чиқиб кетар, орқасидан ҳамшира кириб укол қилар, чиндан ҳам жоним бир-икки соат ором олар эди.

Оғайнилар ҳам камёб дори-дармонларни битта-иккитадан, қўшни вилоят, ҳатто қўшни республикалардан топиб кела бошлашди. Лекин ҳамон дарднинг кўчишидан дарак йўқ эди. Аслида дарднинг томир-томиримга, бадан-баданамга урнаб кетишига ўзим сабабчи эдим. Ҳа, белим «қирс» этиб, эгилиш қийин бўлиб қолган куни «билармонлар» маслаҳатига кўра ҳаммомга тушдим-да, бир чорси туз солиб ванна қилдим. Ҳага келиб, урик утин чўгидан солинган сандалга кириб ётдим-у, туролмай қолдим...

Айтгандай, икки марта қон ҳам олдирдим. Биринчиси, айниқса, жуда аянчли ва азобли бўлди. Учкўприкдан икки юзи қассобларникидай тирсиллаб, ялтираб кетган, басавлат табибни топиб келишди. У мени тик турғизди-да (икки қўлтигимдан суяб, маҳкам ушлаб туришди), ўнг оёғимнинг ошиғи пастроғидан, кафтни ёнлаб бошмалдоққа қараб кетган йўгон томирни миқти бармоқлари, дағал кафти билан хўп эгилаб уқалади, силади, у ёқдан-бу ёққа сидирди — томирим манаман, деб бўртиб чиқиб қолди. Шундан кейин бир учи синдирилиб қиррадор қилинган шапалоқдай, узунчоқ қайроқтош билан томиримга тикка, шундай зарб билан, шафқатсизларча урдик, дод деб юбордим, назаримда, кўзларимдан ёш фавворадай тизиллаб отилиб чиқиб кетди. Бу ҳам анча маҳорат талаб қиладиган ҳунар бўлиб, вена қон томирдан тешик очилиши лозим экан.

Мен зарбнинг ва огриқнинг кучлилигидан томирим бутунлай узилиб кетди-ёв, деб уйладим. Томиримдан бир неча томчи қон сизиб, палосга оқиб тушди. Табиб ёнимдагиларга «маҳкам ушланглар», деб тайинлади-да, тош билан яна икки жойга ҳалигидай зарб билан урди. Кузларимни чирт юмиб, тишимни тишимга босиб турувдим, қисирлаб кетди. Ҳар галги зарбда бақирмасликнинг иложини қилолмасдим. Мен ўша пайтда ҳамма нарсага рози бўлиб кетдим. Табиб эса ўз ишидан, тўғрироғи, менинг қонимдан қаноат ҳосил қилмади.

— Қони қуюқ экан, шовуллаб оқиб кетиши керак эди, — деди у ёнидагиларга қараб. — Энди уч-тўрт кун кутасизлар, фойдаси сезилса, иккинчи оёғидан ҳам қон оқизамиз, сезилмаса... йўқ.

Фойдаси сезилмади. Лекин, шу орада қон оладиган яна бошқа табиб ҳақида миш-миш чиқиб қолди.

— Жуда уста экан. Ҳўкизни шоҳи билан сўраркан, чивин чаққанчалик ҳам огритмайдийкан, — дейишди.

Менга жони ачиб юрган оғайниларимдан бири унамаганимга қўймай, «мен ҳам қон олдираман», деб «Жигули»сида мени Яккатол қишлоғига — ўша табибникига олиб борди. Гоҳ ўтириб, гоҳ ёнбошлаб, инқиллаб-синқиллаб аранг етиб бордим.

Бу қон олувчи аввалгисининг тамоман акси: қотма, жиккаккина, бўйи ҳам пастаккина эди. Баланд остонадан ҳатлаб кириб борганимизда хандаққа ўхшаган чуқур, тахтаполсиз хонанинг ўртасида бурама мўйлови икки ёнга тарвақайлаган, қўлидаги эгри мугузни худди бурғу чалишга ҳозирланаётгандай тараддуд билан тутиб турган одамга кўзим тушди-ю, уни негадир илон уйнатувчига ўхшатиб юбордим.

Бу табибнинг қон олиш усули ростдан ҳам бутунлай бўлакча экан: йўгон сопли, учи найзасимон пичоқ билан тиззаларимнинг ички тарафидан чизиқ

тортгандай ёнма-ён тилди-да, сизиб чиққан қип-қизил, топ-тоза қонимни мугузда шиддат билан сўра бошлади. Шу даражада астойдил, ҳафсала билан тортдики, икки лунжи ич-ичига ботиб кириб кетди.

Айтганларидай, оғриқ унча кучли бўлмади.

Оғайним юрагидан шикоят қилган эди, унинг ик-кала кураги уртасидан қон олди.

Шундан кейин аҳволим яна баттарлашди.

Қўчқор ота адирлари орасидан ўтган қувурнинг уланган жойидан сизиб чиқаётган илиқ, шўр сув-га, Тожикистоннинг Ашт деган жойидаги тузли балчиққа қандай борганлариму у ёқлардан қай ал-позда қайтганларим ҳам бир дардли дoston...

Бу гапларни духтирларга айтиб буладими. Ўзим пиширган ошни ўзим еб ётибман.

Алам қиладиган жойи — лоақал утиролмаганим эди. Фақат ётар, ётгандаям фақат бир ён — ўнг ёнбош билан ётар, бирпас-бирпас чалқанча тушардим, яна ёнбошлардим.

Одамлар қандай қилиб узоқ-узоқ тикка тури-ша оларкин, оёқлари, бели толиб кетмасмикин, деб ўйлардим. Кейин: авваллари мен ҳам шунақа тик ту-раверармидим, дея ўзимга-ўзим савол берардим.

Кечалари тишимни тишимга босиб, мумкин қадар инграмасликка, ўзгаларнинг уйқусига халал бермас-ликка ҳаракат қилардим.

Баҳор изгиринидан чучиб, дарчаси йўқ дераза-ларни маҳкам ёпиб қўйишарди. Туққиз кишидан туққиз хил хуррак, туққиз хил босинқираш, туққиз хил ҳид чиқиб, хона темирйўл вокзалининг тунги кутиш залларидай димиқиб, бурқсиб кетар, шунда бош томонимдаги деразанинг бир табақасини минг азобда очиб, хона ҳавосини янгилардим-да, соат уч-тўртларда, ҳар қандай сергак қоровуллару зийрак итлар ҳам пинакка кетадиган маҳалда (ўғрилар ҳам худди ана шу пайтда «иш»га киришадилар) кўзим

илинар, узоги билан икки соатлардан кейин яна уйғониб кетардим.

* * *

Маъсума келиб кетгач, унинг хаёли билан ўзимни чалгитишга урина бошладим. Бир қарашда Маъсуманинг ҳусни жамоли ўн етти-ун саккиз ёшли йигитчаларни маҳлиё қилиб қўядиган даражада дейиш қийин — қомати самбитлигини ҳисобга олмаганда, эл қатори урта буйли, оқ-сарикдан келган қиз. Бироқ гўзаллик борасида ҳар кимнинг ўз қарашини, уз мезони бўлади. Маъсуманинг чеҳрасида, хусусан кўзларида шундай бир қудратли сеҳр бор эдики, бу сеҳрни мен «жозоба» деб атайман. Халқда эса бундайлар «истарали», «юлдузи иссиқ» деган иборалар билан таърифланади. Мен учун суратдагидай жонсиз гўзалликдан кўра жозоба минг бор аълодир. Чунки, гўзалликка сунъий йўл билан эришиш ҳам мумкин, жозобадорликка эса асло! Жозобалилик туғма ва умрбоқийдир. У бор жойда эҳтирос ҳам ҳеч қачон сўнмайди...

Назаримда, Маъсуманинг табассуми лаб бурчларида, кўз мижджаларида ҳосил қиладиган ҳар бир латофатли чизиқча менга ёд бўлиб кетган, лаб устидаги муйларининг энди кўтарилиб келаётган ҳовурсимон нафис ҳаракатга тушишини шундоққина кўриб тургандайман. Кулгуси қулоқларим остида жаранглаб кетганида унинг бир қолипдан чиққандай текис, ҳар бирига алоҳида ишлов берилган дурдай оппоқ тишлари орасидан тараладиган илиқ нурлар ҳамсўхбатининг, қаровчининг дили тубигача ёритиб, ҳароратга тўлдириб юборадигандай туюларди.

Огриқ ана шундай жозоба, сеҳр муолажасига яна қулоқ осмай қўя бошлаган кунларнинг бирида ўн беш-ун олти ёшлардаги ўспирин хонага кириб, мени сўрагандай бўлди. Қариндошларим ичида бунақаси

йўғиди, янглиш эшитдимми, деб ҳайрон бўлиб турган эдим, шерикларим беморларга жаланглаётган йигитчага менинг каравотимни кўрсатишди.

Йигитча содда, ҳатто, сал тўпорироқдай кўринарди. У салом ҳам бермай, хонадагилар билан сўрашишни хаёлига ҳам келтирмай, тез-тез қадам ташлаб, тўғри каравотим ёнига келди ва қўлидаги газетага ўроғлиқ нарсани узатди:

— Китоб деган экансиз, олиб келувдим...

Мен «бу болакай мени адаштиряпти-ёв...», деб хаёлимдан ўтказдиму яна иккиланибгина қўлимни чўздим. Газетани очиб қарадим. «Яшашни истайман» деган китоб экан.

— Буни ким бериб юборди? — сўрадим барибир ҳеч нарса англамаганимни яширмай.

— Масъума опам-да, — деб жавоб қайтарди ҳамон тепамда қаққайиб турган ўсмир бироз ажаблангандай.

— Э, шундайми, — дедим «энди эсимга тушди», деган маънода бош ирғаб.

— Хўп бўлмаса... — йигитча қандай кириб келган бўлса, шундай чиқиб кетди.

Бошқа юмуш йўқлигидан китоб ўқиш асосий машғулотим бўлиб қолган эди. Ҳар қандай қонуннинг қидирса топиладиган, гоҳо эслатмада ҳам қайд этилмайдиган истисноси бўлгани каби, ҳар қандай кучли огриқли, сурункали касалликнинг ҳам вақти-вақти билан вужуд дам олиб турадиган мавриди, ором пайти бўлади. Мен кундузлари ўнг ёнбош билан ётганимда (дард тунда кучаяр, деганларидай, кечаси қаёққа ағдарилсам ҳам барибир эди) ун беш-йигирма дақиқа, гоҳо ярим соатгача огриққа чидайман, шу фурсатда ўқийман, овқатни ҳам ёнбошлаган ҳолда, чап қўл билан ейман. Уззукун ётаман. Ҳаво исиб, касали енгил беморлар ҳовлига чиқиб кетишади. Бирни кўриб зикр қил, бирни кўриб шукр қил, деган жой экан

шифохона. Неврозга чалинган иккитаси бор: дардлари бир тутса, хонамизга врачлар, ҳамширалар танда қўйиб қолишади. Бошқа маҳал улар ҳам кундузи билан қорасини кўрсатмай кетишади. Хонада бир ўзим, инқиллаб-синқиллаб, у ёнбошдан бу ёнбошга ағдарилиб, чалқанча тушиб уқийвераман. Дард қанчалик батарин, оғриқ қанчалик зўр бўлмасин, вақтнинг ўтиши қанчалик қийин туюлмасин, барибир умр утаверар экан, ўтганда ҳам елдай ўтар, кун билан тун қувлашмачоқ ўйнагандай алмашаверар экан. Жон қанчалик оғриб азоб берса, ҳаётнинг қадри, тотти тобора ошиб бораверар экан... Мен қачондир, кимдандир эшитганим ва аллақачон хотирамдан кўтарилиб кетган бир нақлни шу ерда тез-тез ёдга оладиган бўлиб қолдим: «кўзларимда эшикнинг туруми айланиб турса ҳам, ўлмасам, яшасам бас...» дер экан одамзод. «Вақт — энг зўр табиб», деган ибора мен учун оддий сўзлардан иборат жумла эди.

Маъсума бериб юборган китоб унча қалин бўлмагани учун шу куниеқ ўқиб ташладим: қисса мендек, мендан ҳам узоқ дард чеккан, жарроҳлик столидан бир неча марта омон чиққан йигит, унинг орзу-ўйлари, мустаҳкам иродаси, сабр-матонати тўғрисида эди. Асар менда зўр таассурот қолдирмади, чунки унда бош қаҳрамоннинг ҳаёти, шифохонада кўрган-кечирганлари бир четдан (анча зерикарли тарзда) ҳикоя қилинган бўлиб, на ҳужжатли ва на бадиий асарга ўхшарди. Бемор саргузаштларининг баёни оғир дард азобини тортаётган одамни ларзага солиши қийин, шекилли. Менда ачиниш, ҳамдардлик туйғулари уйғонди, холос. Тўғри, асарнинг гоёси менинг мудроқ томирларимни ҳар қалай тебратиб ўтди. Лекин асосий гап бунда эмас, китобни бериб юборган одамда, унинг нияти, гоёсида...

Мен У келган пайтдаги аҳволимни, ташқи кўринишимни кўз олдимга келтириб, ўзимдан жиркан-

гандай қунишиб оламан, аламли гижинаман, уша ҳолатни ўзимнинг ҳам, Маъсуманинг ҳам хотиротидан чиқариб ташлашнинг иложи йўқлигини уйлаб, ич-этимни ейман. Қани энди унинг уша ташрифи туш бўлса!..

Энди ҳар куни эрталаб қўлтиқтаёқ ёрдамида инқиллаб айвонга чиқаман-да (хонамизда розетка йўқ), электр соқол олгични гириллатаман. Соқол олиб бўлгунча ҳалаки жонга тушиб кетаман, чунки ўтириш бир азоб, кўзгуга эгилиш, бир қўлда иякни тортиб, терини таранглаштириб туриш минг азоб. Лекин, булар ҳам ҳолваси экан...

* * *

Врач ҳар куни эрталаб, баъзан халат ҳам кийиб улгурмай кириб келади.

— Ўзгариш борми? — деб сўрарди у кўзларимга илинж билан тикилиб.

— Анча дурустман, бугун кечаси камроқ оғриди, — дейман ўзимни дадилликка солиб.

— Тўғриси айтиверинг, ўзингизниям, бизниям алдашингиз бефойда, — дейди у эртасига.

— Шунча ноёб дори-дармонлар ҳам таъсир қилмасая... — дейди индинига паришон сочларини гижимлаб.

Бир куни у қоровул билан бирга кириб келди. Қоровул ўттиз икки килоли спорт тошини кутариб олганди.

— Оёгингизга тош осамиз, — деди врач. — Зора, умуртқангиз тортилиб, қисилган жойлари очилиб кетса...

Бир неча чойшабни эшиб, қўлтигимдан ўтказишди-да, каравотнинг бош томонидаги тўсиққа маҳкамлашди. Оёқларимни жуфтлаб, эшилган чойшабнинг бир учи билан қўй ёки молни сиртмоққа ҳозирлагандай чандишди, иккинчи учини каравот

тўсиқлари орасидан чиқаришиб, тошнинг тутқичига боғлашди-да, осилтириб қўйишди. Машгулот бир ҳафта давомида ҳар кун икки маҳал утказиб турилди (ҳозир ўйласам, ўша манзара жуда кулгули туюлади).

— Қизиқ, ўзгаришсиз тек туриб оладиган бунақа дардни ҳеч учратмовдим, — дейди Қозимжон қулогининг орқасини қашиб. Энди у мени кўрганда, камроқ гапирар, хонамиздан тезроқ чиқиб кетишга ҳаракат қиларди. Мен яна ўзимни ноқулай ҳис қила бошладим.

— Вилоят шифохонасининг булим мудирини илтимос қилдим, — деди у бир куни. — Мени устозим — зўр мутахассис, келиб кўрсин-чи...

Барваста, юзи нотекисроқ тўртбурчакни эслатувчи, кузлари катта-катта, қошлари қуюқ, боши тақир доктор Қозимжоннинг хонасида мени ечинтириб, обдан текширди: бошқа врачлар каби болгачаси билан тиззаларимнинг кўзига, товонларимга, орқаларимга уриб, тўгноғичини оёқларим ости, қорнимда чизгандай юргизиб кўрди. Ота-онам, қариндош-уруғим, таржимаи ҳолим, қандай касалликлар билан огриганиму қайсилари билан огримаганимни сўраб-суриштирди.

Касалларни рўйхатга олиш ва сўроқ қилиш Чехов замонида, ундан аввал (Ғарб томонларда) айнан ҳозиргидай бўлмагандир. Эҳтимол, у вақтларда бир беморни кўрмоқчи бўлган бошқа врач унинг касаллик варақасидаги айрим одатий саволларни такрорлаб ўтирмагандир. Лекин ҳозиргилар ҳамма саволларни ўз услуби асосида қайтадан бошлайдилар. (Эҳтимол, бемор биронта жавобда адашгандир деб ўйлашар.) Энг муҳими, энг қизиги: «Илгари фалон касаллик билан огриганмисиз?» дея таъкидлаб сўрашади. Йўқ, десангиз сизга ҳайрат ва ошкора ишончсизлик билан тикилишади: худди ўша касал-

лик билан огриган бўлишингиз ҳеч истисносиз шартдай.

— Ангина безовта қилиб турадим, — сўради доктор.

— Йуқ.

— Ростданми?.. Ёшлигингизда йиқилиб-нетмаганмисиз? Яхшироқ эслаб кўринг...

Мен бош чайқадим.

— Наҳотки? Ҳовлинглар захми?

— Йуқ.

— Йуқ? Қизиқ... Майли, докторингиз сизга жуда ён босяпти, бизга боринг. Ҳар қалай вилоят касалхонаси... Текширамиз... Балки тузалиб кетарсиз...

Козимжон устозини кузатиб, тўғри хонамизга кирди, ёнимга ўтириб, бош эганича сукутга чумди. Бир оздан кейин кузларимга тикилди.

— Борасизми?

— Йуқ.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — бош ирғади Козимжон кифтимга кафтини қўйиб. — Ўзимиз тузатамиз!

* * *

Мен машинкани гириллатишда кунорага ўтдим. Назаримда, бу уқубатларим беҳудадай туюлар, гоҳида ўзимни ўзим қийнаганим алам қиларди. Шерикларим ҳам баъзан: «париваш бир келдию ўзингизга зеб бериб, соқол олишга ярайдиган бўлиб қолдингиз. Ўша пари яна бир бор қадам ранжида қилгудай бўлса, тойчоқдай диконглаб кетардингиз-ов», — деб аския қилишарди.

— Дард меҳмон, — узича далда берарди Тожиддин ака деган ёши улугроқ, камгап бемор.

— Ҳа, лекин бизнинг меҳмон жа сур чиқиб қолди, — дейман жилмайишга уриниб.

Мен ростдан ҳам Маъсумани кўп уйлайдиган бўлиб қолгандим. Лекин у дом-дараксиз, на ўзи, на

саломни бор... Дунёда кутишдан ёмони йуқ, дейишади, менимча энг ёмони касалхонада йул қараш. Ким, қачон келишини билмайсан, умидворлик ноқулай, ammo иззат-икроминг ана шу «келди-кетди»лар билан улчанишини уйлаб, барибир кутасан. Айниқса, сен юрагинг турида эъзозлаб юрадиган, бироқ кунглини аниқ билолмаган кимсангнинг йўлига кўз тикиш, ёш боладай ўзингни минг бора қатъиятсизликда айблаб, яна беихтиёр эшикка термилиш... Бу азоб дард огригидан кўра огирроқ, чунки унда изтироб қоришиқ. Бироқ, менинг оҳим худога етди! Тасодифми, бошқами, бошимга хумо қушининг қўнишими, билмайман, бир куни хонамиз остонасида яна Маъсума пайдо бўлди! Бу гал ҳайратим аввалги сафаргидан ўн, балки юз чандон ортди: Маъсума шифохона халатида эди!

Одатдагидай хонада бир ўзим ўнг ёнимга ён-бошлаганча китоб мутолаа қилмоқда эдим. Маъсумани кўрганим ҳам йуқ эди, қандайдир ички сезги мени эшик томонга қарашга ундади. Бошимни хиёл кўтариб, бўйнимни чўзганча анграйиб анча турдим чоғи. Қиз менга таниш, нафақат таниш, орзу бўлган табассум билан мен томонга юргандагина унинг туш ё хаёл меваси эмас, жонли вужуд эканлигига гумон қолмади ва гумоним энди хавотирга айланди.

— Нима булди? — сурадим ҳамма нарсани унутиб.

— Дардсиз одам одамми шу замонда, — Маъсуманинг лаблари, мижжаларидаги табассум мавжлари унинг бутун юзига ёйилди. — Юрагим ҳар замонда безовта қилиб туради, — шундай дегач, у мендан ҳолаҳвол сўрай бошлади. Менинг бутун ақл-идрок оламим агдар-тўнтар бўлиб, керакли жавоб сўзларини паришонлик билан, аранг топар эдим. Наҳотки, шу қадар ҳамиша баҳор, шу қадар қувноқ қиз... Демак, «Яшашни истайман» деган китоб саҳифаларининг четлари бекорга титилиб кетмаган экан-да... Одат-

да сурункали огир касалликни бошидан кечирган ё бирон фалокатдан омон қолганлар ҳаётларини ўлжа ҳисоблайдилар, хушчақчақ юришга, ҳаёт, тириклик қадрига етишга ҳаракат қиладилар... Наҳотки, Маъсуманинг хушчақчақлиги боиси ҳам?..

Саволлар, гумонлар, турфа туйғулар юрагимдан чашмадек қайнаб чиқиб, шууримга қуюлмоқда эди.

Қизнинг хатти-ҳаракатлари, муносабатлари менга ачинишми, одамгарчиликми ё бошқа нарсами — билолмай доғда эдим, чунки у шу пайтгача илтижолу боқишларимга, маъноли сўзларимга бирор марта лутфу карам ҳам, жавоб ҳам қилмаган...

Менинг ҳам қувончли, ҳам азобли кунларим бошланди.

Маъсума йўлакдан ўта туриб, хонамизга киши билмас мўралайди, ёлғиз бўлсам, киради, йўқса, секин имо қилади. Сузишишга шайланган новвосдай бутун гавдам билан бошимни бир томонга эгиб майда қадамлаб чиқиб бораман. Маъсума эшик ёнида тик турганича ҳол-аҳвол сурай бошлайди. Мен учун ниҳоятда қимматга тушадиган бундай меҳрибончиликни дўстликка ҳам, душманликка ҳам йўя олмай, хунобим ошади. Уни бефаросатликда айблашга зинҳор-зинҳор тилим ҳам, дилим ҳам бормайди. Ахир, яхши юролмаслигимни, бир жойда бир неча дақиқадан зиёд туролмаслигимни, қаддимни роз тутолмаслигимни биледи-ку! Биледи-ю, аммо ҳар кунни, ҳар сафар мени девор ёнига тикка қилиб қўйиб, одатдаги бир хил саволларга жавоб беришга, имкониятимдан ортиқроқ типпа-тик туришга мажбур элади. Оёқларим зирқираб, дармонсизликдан қалтирай бошлайман, номус кучли, қийналаётганимни сездирмасликка тиришаман. Қўлларимни орқамга қилиб, кафтларим билан деворга маҳкам тиралиб оламанда, огирлигимни дам у, дам бу оёгимга солиб тишимни тишимга босаман.

Бора-бора девор ёнида имкониятимдан кўпроқ фурсат туришга чидай бошладим. Лекин, юқорида бир томонга қийшайиб юрадиган бўлиб қолганимни эслатганман. Ҳатто рентген суратида ҳам умуртқамнинг камон ёйидек эгилган шакли аниқ чиққан. Сирасини айтганда, шаҳар клиникасини тарк этишимнинг сабабларидан бири ҳам шундай қийшайиб юришим билан боғлиқ эди. Даволовчи врачим — хушрўй ва мулойим жувон: «огриққа чидаб, эгилмасдан тўғри юришга ҳаракат қилинг, кейин ростланишингиз қийин бўлади», деб қайта-қайта танбеҳ берар, мен эса жоним қай йўсин ором олса, шу тарзда юришдан воз кечмасдим. Врачим, коридорда ҳассага суяниб, қийшайиб кетаётганимни кўрса, атай рўпарамга ўтиб, юришимга тақлид қилиб, ҳамиятимга тегаверди... Иккинчи сабаб... Асли, клиникага ётиш хаёлимдаям йўғиди. Ички касалликлар бўлими мудири бир оғайнимнинг яқин таниши экан, ўша орқали жойлашиб қолгандим. Шунинг учун бу бўлимда ижарачидай гап эдим. Негаки, менга асосан неврология бўлимидан чақирилган врач қарар эди. У назаримда хийла тажрибали эди, дастлабки куниёқ руҳимни анча кўтариб юборди.

— Ташвиш чекманг, тезда тузатиб юборамиз, бир қанча дорилар ёзиб қўйдим, бўлимдан талаб қилиб олинг, — деди у.

Лекин дорилар камёб экан. Топилгунча, деб ҳарфлар ва рақамлар билан аталувчи бир неча витаминлар тайинланди. (Муолажа витаминлардан бошландими, демак, касалинг ҳали аниқ эмас.) Ухлатиш учун димедрол, амидопиринга новокаин қўшиб укол қилишарди. Оғриқ кучайганда баралгин билан жон сақлаб турувдим, беш кундан кейин тугаб қолди. Невропатолог айтган ганглерон, румолон, валтаренлардан дарак йўқ эди. Бир куни невропатолог билан бўлим мудири бир вақтда текширувга кириб, айтишиб қолишди.

— Бунақада касал қандай тузалади? — деди врач бугилиб.

— Сизга ким ҳуқуқ берди ўзи, клиника дорихонасида йуқ дориларни тайинлашга, — баланд келди бўлим мудирини.

— Шаҳар дорихоналар бошқармасидан суриштириш керак.

— Фондимиз тугабди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб туришга мажбурмиз.

Икки ўртада менга ноқулай бўлди. Ўзи, муддатим ҳам аллақачон тугаган, фақат бет келиб айтишолмаётган (касалхоналарда бир бор даволаниш муддати 22—24 кун эди).

Уйда йигирма кунча ётдим. Қишлоқ аҳлининг эътиборини қозонган, халқ табобатидан озроқ хабари бор фельдшеримиз ҳам тузатиб юбораман, деб астойдил уринди-ю, аҳвол ўзгаравермади.

«Олдиндан оққан сувнинг қадри йуқ, деб шаҳарга кетдинг, туман шифохонасининг неврология бўлимида опичлаб олиб бориб ташланганлар ҳам бир ҳафта-ўн кунга қолмай оёққа туриб кетишяптикан», деган гаплар, таъналар такрорланавергач, шу ерга келган эдим... Ҳамма шифокорларнинг тили бирми, ҳайронман, бу ерда ҳам врачлару ҳамширалар гоҳ чин, гоҳ ҳазил билан қийшиқлигимни писанда қилишиб, менга таъсир ўтказмоқчи бўлишарди. Мен эсам: эпполмасам, огриса нима қилай? Менга ҳавас, деб уйлайсизларми? Ўрнимда булганингизда билардингиз, — дердим ёш боладай бугилиб. Баъзан оғриққа чидамай, врачми, ҳамширами, жеркиб ташлардим. Ахир жон вужуднинг нисбатан соғ жойидан ўзига паноҳ, ором изласа, гавда ўзига қулайлик яратишга ҳаракат қилса, илож қанча!

Лекин, Маъсумани жеркиб ташлай олмас эдим. Аксинча, унинг фармойишдай жаранглайдиган маслаҳатларини жоним қинидан чиқиб кетгудай бўлса ҳам, итоатгўйлик билан адо этишга тиришардим. У

эса ўз имтиёзи ва мавқеидан борган сари керагидан зиёд фойдаланар эди.

— Қани, қаддингизни тикланг-чи, мункиллаган чолларга ўхшамай, — дейди у мени ҳовлига бошлаб чиққач. Бир неча қадам олдинга утади-да, чақалогини юришга ўргатаётган она каби бир жаҳон табассум билан юришимни кузатиб туради. Унинг бу амрида қизларга хос навозишли енгил таҳдид, йигитлик қонини жуштирувчи жозиба, иззат-нафси қондирувчи меҳрибонлик, генералнинг буйругидай муқаррар мажбурийлик оҳанглари тантанавор жаранглаб турар эди. Ана энди, кафтларини тиззала-рига тираб, инқиллаб-синқиллаб, узоги билан қирқ-эллик қадамга бориб келгунча қора терга тушиб кетадиган, шунда ҳам бир неча марта тўхтаб, нафас ростлайдиган, ўнг биқини камалак бўлиб, бўйни ҳам табиий ҳолатидан чиққан, ўнг қулоғи кифтига тегай-тегай деб юрадиган беморнинг қаддини тутишга уринишини бир тасаввур қилиб кўринг.

Бирдан-бир мақсадим тезроқ бу кулгили ва аянчли ҳолатдан чиқиб кетиш бўлиб қолди. Огриқ, азобларга бардош бериш учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қила бошладим. Маъсуманинг ҳар бир буйруги йигитлик шаъни, орият истеҳкомига гоят мерганлик билан отилган камон ўқи эди.

— Қани, жой юмшоқ экан, деб ётавермай, юринг ташқарига. Хонада захлаб кетманг яна, — дейди Маъсума бир қўлини эшик кесакисига, иккинчисини белига тираганича, лабларининг бурчида ва мижжаларида одатдаги мадорбахш, ҳаётбахш табассум билан. Унинг дадиллиги, дангаллиги мени доводира-тиб қўяр эди.

Маъсуманинг келганига икки ҳафта бўлди. Мен аввалига бир қўлимни тиззамга тираб, кейин-кейин, қўл тирамай оз-оздан юра бошладим.

Ёз бошланиб, кунлар қизиб кетди. Ҳамхоналар врачнинг эрталабки кўригидан кейиноқ ўзларини

ҳовлидаги соя-салқинга, зах ерларга уриб кетишади. Ёлғиз ўзим хира пашшалар билан олишиб ётаман. Хона ошхона рўпарасида булгани учун деразани очишга задамиз. Хона димиқиб кетади. Хира пашшалар эса барибир тирқишлардан кириб олишади-да, худди иссиқдан зорлангандай бетоқатлик билан у ёқдан-бу ёққа тинмай визиллашади. Яна, гўё бошқа жой ўрин ўтмайдигандай, гўё сени калака қилаётгандай фақат қулоғинг тагида гингиллаб айланишади. Сил-тайвериб, қўлларинг толиб кетади. Бахтимга жуссаси муъжазгина, букри одамга ўхшаб бошини бир оз олдинга чиқариб юрадиган бадқовоқ палатадошимиз жонимга оро кириб туради. Ташқаридан келади-ю, иккала қўлига эски чармдан ясалган қўлбола пашша ўлдиргични олиб «ишга киришади». Қаравотлар оралаб, гавдасини янада олдинга энгаштириб, бир-бир қадам босиб тил уқмас жониворни дунёга келганига пушаймон едира бошлайди. «Шу махлуқни жуда ёмон кўраман, — дейди у ўзига-ўзи гапиргандай мингирлаб (худди пашшани яхши кўрадиганлар ҳам бордай). — Пашшалар илгари анча гўл бўлишарди, ҳозир калтакка чап бериб, одамни ўйнатади». Биттаям тирик пашша қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, галаба қозонган командирдай букри қаддини гоз тутиб чиқиб кетади. Бошқа шериклар мендан хабар олиб туришади, ташқарига юринг, деб қисташади. Унамайман: барибир узоқ ўтиролмагандан кейин, нима қиламан жонимни қийнаб, дейман. Лекин аслида, Масъуманинг ташрифини, унинг таклифини, тўғрироғи, фармойишини кутаман, у остонада фариштадек пайдо бўлиши билан аъзойи баданимдаги оғриқлар жоду қилингандай тарқай бошлайди, ё унутилади, таранг мушакларим гўё унинг кўз нурлари таъсирида бушашиб, пешонамдаги тиришларнинг ўз-ўзидан ёзилаётганини, кўзларимнинг икки четидан табассум зарралари таралаётганини ҳис этиб тураман.

Маъсума очиқ эшикдан муралаб, каравотларга тезгина кўз югуртиб олади ва ширин жилмайганича ташқарига ишора қилиб бош иргайди.

Мен ҳовлига чиққанда у улкан, сершоҳ чинорлар остидаги холи, овқатланишга мўлжалланган жойдаги курсилардан бирида ўтирган бўлади ва шубҳасиз, мени кузатиб туради. Мен қаддимни мумкин қадар тўғрироқ тутиб юришга тиришаман. Сўзсиз, оғриқ баттар хуруж қилади, гавдам мувозанатини йўқотаётгандай, бошим оғирлашиб кетаётгандай туюлаверади, унғ томонга оғишга мойиллик чидаб бўлмас даражада кучаяди, қўлларим беихтиёр тиззамга узанади.

Бир сафар мен яқинлашгач, Маъсума қарта чийлай бошлади. Икки қўли билан курсига таяниб, бир неча дақиқа, шунда ҳам оқ айиқдай икки томонга тебраниб аранг утирадиган одам қандай қарта ўйнаши мумкин? Лекин... менинг ўрнимда кимнинг, қайси йигит, қайси ошиқ (илинждан узга далил-исбот бўлмаган ошиқ!)нинг тили «Узр утиролмаيمان, ўйнай олмайман...» дейишга айланади?

Тўгриси, ҳайрат учқуни вужудимни бир лаҳза жимирлатиб ўтди: қиз боланинг, яна қишлоқ қизининг жамоат орасида бемалол қарта ўйнаши қандоқ бўлди? Лекин, шифохонада узоқ ётган одам, бу эрмак билан шуғулланган ёшу кексани, шу жумладан қиз болани ҳам кечиради.

— Нимадан ўйнаймиз? — сўрадим сир бой бермай, бир жуфт чала рандаланган узун тахта-столга ўмганимни суяб ўтирарканман.

Мен ўз жасоратимга қойил қолдим. Лекин бунга мендан кўра Маъсума кўпроқ ҳайратланди чоғи, «ялт» этиб кўзларимга қаради, қорачиглари гўзал, ўзига ишончи зўр қизларга хос қувлик билан чақнади.

— Кўнгиллари нимани хоҳлайди? — сўради у сўзларни чўзиб талаффуз этиб.

Мен ўз зарби гашти билан андармон булиб, қарши ҳужумга чап беролмай қолган боксчидай гарангсиб қолдим. Ниҳоят:

— Сиз нима десангиз, шу-да, — дедим ўтиргичда қулайроқ жойлашиб, — одатда шартни қизлар қўйишадию...

— Булмасам, — деди у уста қартабозлардай «шип-шип» қоғоз бўларкан, — ҳар кимнинг ҳиммати... Пирра!

Ўйнапман-у, хаёлимда: «ютқизсам нима бўлади-ю, ютсам нима қиламан?..» Шарт жуда мужмал: ютган тақдиримда ҳам ютқизиқ божини талаб қилишга ҳаққим йуқ. Барибир, деб ўйлайман яна, талаб қилиш мумкин бўлган чоғда ҳам, кўнглим ис-таган нарсани, лоақал ҳазил тариқасида айтишга ҳам тилим бормаслиги турган гап. Чунки, қизларнинг мен орзу қилган нозик шартга кўнмасликлари, кўнганда ҳам ижросига чидамасликларини биламан. Талабалик пайтимда, сабаби ёдимда йуқ, бир қиз билан тортишиб қолдик ва «ютқизгандан бир бўса», деб келишдик. У ютқизди. Мен гоят катта ишонч ва гурур билан шартни ижро этишга чоғланаётувдим, қиз ҳуқуқимни унга инъом қилишимни сураб, ўти-ниб қолди. «Айни муддао-ку», — севиндим ичим-да, — ахир бунақаси тушга ҳам кириши қийин... Ле-кин, ниҳоятда содда, гўл эканман. Мен юзимни зур иштиёқ билан, ўнғайроқ тутиб турдим, қиз бўлса, лабининг бир четини тегар-тегмас суркаб қўйди, хо-лос. Ҳисобмас, деб тархашлик қилиб кўрдим, лекин қиз ҳам анойи эмас эди: «шарт бажарилдими, бажарилди, секин-қаттиқлигини келишганимиз йуқ-ку, бунинг устига соқолингиз ўсиб кетибди», — деди хандон отиб куларкан. Роса алам қилган. Ҳозир ўшанақа шарт бўлиб қолса-ю, ўзим билардим-а, бун-дай шарт қўйишга журъат қаёқда! «Олдин сал рост-ланиб юрадиган бўлинг», дейишдан ҳам тоймаса ке-рак бу шайтон қиз!

Анча тетиклашиб қолгандай эдим. Ҳазиллар, ҳаловатбахш машгулот, тотли хотиралар кайфимни анча чоғ қилган эди, лекин бундай ҳавойи ҳолат узоққа чўзилмади. Оғриқ бирданига ҳар томондан хуруж қилиб қолди. Лекин бошда катта кетиб қўйганман, энди «чий» дейиш эркакнинг иши эмас! Оёқ зирқирашига дош бериш мумкин-у, думгазанинг ботиши, белнинг толишига тоқат қилиш мушкул эди. Ҳаттич тахта эмас, гадир-будир, қиррали тошдай, нақ суякка, суякдаги ярага тегаётгандай... Гоҳ у, гоҳ бу кафтимни тагимга қўйиб, ё у, ё бу ёққа оғиб оламан. Аъзойи баданимдан тер тепчий бошлаганини сезиб турардим. Аммо, уйиндан чиқишнинг иложи йўқ. Жисм-жонимдаги бутун куч-мадоримни ишга солдим, мушакларим зуриққанидан чакка томирларим лўқиллар, тер пешонамдан ҳам чиқа бошлади... Шунда Маъсума қогозларни йиғиштирди.

— Еттию саккиз. Эртага давом эттирамиз, — деди у менинг оғриқдан буришиб-тиришаётган юзимга қарамасликка ҳаракат қилиб.

Мен хонага бир амаллаб келдим-да, каравотга зурга ётиб олдим. Энди тинмасдан у ёндан бу ёнбошга ағдарилар, оёқларимнинг бирини қўйиб, бирини йиғиб-узатар, авжга минган оғриқ босилай демасди. Оғриқни таққа тўхтатиб қўядиган дорининг йўқлигидан, ўзимнинг чидамсизлигим, иродасизлигимдан жигибийроним чиқар, орияту ошиқликни ким қўювди шу алфозда, деб гижинардим. Уни қаёқданам кўрдим ўзи? Нимага энди у келиб-келиб, мен ётган касалхонага тушди? Бошқа жой қуриб кетганмиди?.. Наҳотки шу аҳвол давом этаверса? Наҳотки бу бедаво дарднинг поёни кўринмаса?!..

Оғриқ билан олиша-олиша, пинакка кетибман ва азбаройи толиққанимданми, шу кеча одатдагидан кўпроқ ухлабман. Шериклар ташқарига чиқиб кетишди. Мен эшикни ёпиб қўйиб, ҳайҳотдай хона-

нинг ўртасидаги бир чорпоя сиққудай жойда каравотларнинг раҳини ушлаб юришни, каравотимда ўтиришни машқ қилишга киришдим. Бутун вужудим титраб-қақшар, жон меники эмас эди. Аъзойи баданимдан тер шов-шув қуйилиб, кўзларимдан ёш тирқираб чиқиб кетди.

Ҳолдан тойгач, ўраниб ётиб олдим. Огриқ яна зўрайди. Мен шу пайтда Маъсуманинг остонада пайдо бўлишини, ташқарига имо қилишини сира-сира истамасдим. Ҳатто унинг дил ўртовчи табассумини ҳам кўргим йўқ эди. Чалқанча тушганча, каравотнинг иккала ён темиридан маҳкам ушлаб олдим-да, оёқларимни ҳадеб йигиб-узатавермаслик, у ёқдан-бу ёққа ағанавермаслик учун ўзим билан ўзим курашдим, назаримда ҳар доимгидан ортиқроқ вақт чидадим.

Менинг бу ҳаракатларим жисмоний машқлар ёрдамида касалликни даволаш эмас, балки огриққа чидаш учун малака ҳосил қилиш ниятидаги уриниш эди.

Ётавериб болдирларим остидаги гушт, мушакларим шалвираб, сузма халтадай осилиб кетган эди. Илгим ҳам қуриб қолаёзган чоги, босганимда тиззаларим қалт-қалт қилиб, миямга зирқироқ югурар, бутун танам титрай бошлар, тезроқ, иложи борича тезроқ ётиб олишни кўзлар, жойимга етиб келгунча огриққа қарамай, мункигандай шитоб интилардим.

Ниятим амалга ошадими, йўқми — билмайман, фақат, ошганда ҳам жуда қимматга тушажагига имоним комил эди. Майли, ҳар қанча қимматга тушса ҳам, ҳар қанча азоб тортсам ҳам, Маъсуманинг ёнида лоақал ўн-ўн беш дақиқа тебранмасдан қаддимни гоз тутиб ўтирадиган бўлсам, бас!

Тушга яқин огриқ пасайиб, овқатни озгина иштаҳага қўшимча зўрлик билан ҳар кунгидан кўпроқ, энг муҳими, ҳар кунгидан осонроқ едим. Назарим-

да, огриқ қаттиқ ҳаракатлар, зуриқишлар оқибатида сал карахт бўлиб қолгандай эди.

Овқатдан кейин шериклардан бири билан ёнбошлаганча бир неча қул пирра уйнадим.

Яна икки кўзим очиқ эшикда бўлиб қолди. Маъсума ташқарига ҳар кунгидан оз чиқдим, йўлакда кам кўринди. Утганда ҳам, ҳар кунгидай хуморбахш табассум билан саломлашиб эмас, кўз қири билан бир ҳуркак нигоҳ ташлаб ё умуман қарамай, бошини кутармай утиб кетар эди. Ё мени синаяпти, ё кечаги аҳволимдан ҳафсаласи пир бўлган ё хижолатда, деб минг хил хаёлга борар эдим. Утаётганида чақирай-чақирай деб, яна оғзимни қимтиб олардим.

Дам олиш вақтида, ҳайратомуз ҳол — мизгиб қопман. Уйгонсам, палатада яна бир ўзим. Чунки кун иссиқ, пашша кўп, ҳеч ким соат учдан бешгача чидаб ётолмас, турт-турт яримдан бошлаб битта-битта чиқиб кетишар эди.

Каравотимнинг оёқ томонида жилмайиб турган Маъсумага кўзим тушгандан кейингина уз ихтиёрим билан уйгонмаганимни англадим.

— Бугунча қарта уйнамаймиз, — деди у ниҳоятда майинлик билан, дилга малол етказмайдиган ва эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. — Яхшилаб дам олинг. Лекин, шафқат қилиш йўқ. Ҳисоб эсингиздан чиқмасин. Саккизман, деб суюнмай қўя қолинг. Саккиз — жуҳуднинг қўргони-я, ундан чиқиш гумон...

Эртасига мен уз машқларимни давом эттирдим. Билмадим, чиндан ҳам ўзим кутган малака ҳосил бўлдими ё дард чекина бошладими, ҳар нечук енгиллик туймоқда эдим.

Маъсума ҳар гал йўлакдан тахминимча хижолат бўлмасин деб, мени кўрмаганга олиб ўтаётган эди, шекилли. Бир сафар «ҳаддидан ошиб кетди» деб ўйлади чоги, эшикдан ярим мўралаб: «бугун беллашамиз-а, кучингизни эҳтиёт қилинг», деди-ю, жавобимни кутмай, кўздан гойиб бўлди.

Менда хасталикни енгилдан кўра Маъсума билан юрганда, у билан ёнма-ён ё рупарама-рупара утирганда, қарта уйнаётганда огриққа чидаш хоҳиши, қиз бола олдида йигитлик шаънимни ҳимоя қилиш иштиёқи кучлироқ туюларди. «Севги қизамиққа ўхшайди: қанча кеч келса, шунча хавфли», деган экан кимдир. Наздимда шунча азоб-уқубат етмаганидай ана шу хавф ҳам қор кучкини каби ёпирилиб келаётганга ўхшарди...

«Дам олиш вақти» тугар-тугамас эшик ёнида Маъсума кўринди ва ўзимиз англайдиган маънода бош иргади.

Мен баланд руҳ, ўзимга ишонч билан юриб чиқдим. Ўйиннинг қандай натижа билан тугаши, «ҳиммат» замиридаги шартнинг нимадан иборат бўлишини билиш истаги менга тинчлик бермас, бу туйғу, бу истак ақлу хаёлимни, қалбу вужудимни шунчалик банд қилиб олган эдики, ёруғ оламдаги бўлак жамики ташвишларни унутгандай эдим.

Дарҳақиқат, ўйинга жуда ҳам берилиб кетдим. Асосан эркакларнинг кўнгилочар машғулоти бўлган қартада ғалаба нашидасини суриш аҳди, ютқазиб қўйсам-а, деган хавотир, ниҳоят, қизнинг ютқизса қандай ҳолга тушишини кўриш илинжи фикрлашимга туртки бериб турди. Мен анчадан бери дуруст фойдаланмаётган (бунга эҳтиёж ҳам бўлгани йўқ эди) идрокимни яхшироқ ишга солиш учун бутун диққат-эътиборимни бир ерга жамлаб, кўзларимнинг нурини икки баравар сарфлаб бўлса ҳам, ўйналаётган ҳар бир қоғозни хотирамга мустаҳкам жойлаштириб олишга тиришар эдим. Пирра ўйинининг бирдан-бир сири шунда: қайси қарта чиқди, қайсиниси йўқ — эслаб, ҳисоблаб борсангиз, рақибингизга тушиб бермайсиз, бу — марра қўлга кирди, деган гап!

Маъсума ўйин давомида рақибам, агар енгсам, унинг қалбини ҳам забт этаман, деган умид мен-

га завқли илҳом, эҳтирос бағишлар эди. Назаримда «рақибам» ҳам астойдил уйнамоқда эди, фақат, қизларга хос қувлик ишлатаман, деб баъзида содалик қилиб қўяр, мен эса унинг зигирдай хатосини ҳам назардан қочирмаслик пайдан булар эдим. Бахтимга у чиққан қарталарни санашда оқсар эди. Ниҳоят, у уйинда бой берганига иқрор бўлиб, қўлини узатди. Бу оппоқ ва нафис бармоқларга биринчи бор қўлим тегди. Бу кафт ҳароратли, ҳузурли эди. Бу ҳарорат ва ҳузурнинг қон томирларим бўйлаб бутун вужудимга таралаётганини сезиб турдим, бу ҳарорат бир неча ойлардан бери иссиқ ўтмай музлаб ётган дардчил иликларимни қиздириб, қувват бўлиб қуюла бошлади.

— Шарти қачон бажарилади? — сурадим қизнинг безовта кўзларига тикилиб, шарт ифодасини унинг қорачигларидан қидириб.

— Шарти — эртага, — деди у кулиб, — лекин талтайиш йўқ, — қушиб қўйди қўлини тортиб олиб ўрнидан қўзгаларкан.

Мен ҳам даст турмоқчи бўлибман, бир нарса пастга тортгандай ўмганимни кутаролмадим. Белим қотиб, оёқларим уюшиб, кесак бўлиб қолган эди. Қўзғалиш натижасида қаттиқ огриқ турди, лекин бу огриқ энди мен учун у қадар даҳшатли эмас эди.

Мен галаба суруридан маст эдим. Ютқизиқ шартининг ижросини, гунча очилишига интиқ булбулдай, сабрсизлик билан кутиш қолган эди, холос. Нима бўлиши мумкин? Мен куп нарсаларни тахмин қилар, аммо бу тахминларимга ишонмай, дарров мулоҳазамдан қайтардим. Назаримда бу шарт олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган нарса эди! Шундай бўлиб чиқди ҳам! Менинг хаёлимда, асосан, яна бир «доно» китоб бўлса керак, деган фикр маҳкам ўрнашиб олганди. Чунки у бериб юборган китобдаги воқеалар, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини кейинча-

лик ўзи билан муҳокама қилган чоғимизда, албатта, кўнгли учун «асар менда катта таассурот қолдирди», деб айтган ва унга миннатдорчилик билдирган эдим. Бу гал Островский ё Мересъев жасорати ҳақидаги, умуман шунга яқин мавзудаги китобни кутган эдим. «Эртага» деган жавобдан фаразим қатъийлашган, биронтасидан айтиб юборган бўлса керак, деб ўйловдим.

Эрталаб турганимда ҳеч нарсадан дарак йўқ эди. Ўзим анча дуруст, тетикман. Соқол олиб, ювиниб, қайтиб кирсам, тумбочкам устида оқ чинни гулдон ва унда дид билан раста қилиб узилган, очилай-очилай деётган қип-қизил ва тўқ пушти атир гул гунчалари пайдо бўлиб қолибди. Бу гул-гунчалар ҳар қандай бадбин кайфиятдаги беморнинг ҳам чеҳрасини очиб, руҳини нурафшон қилиб юборадиган даражада чиройли, латофатли эди.

Мен нонуштани иштаҳа билан туширдим. Энди ше-рикларимнинг ташқарига чиқиб кетишларини, Маъсуманинг кириб, «қалай, тўлов ёқдимиз?» деб сурашини кута бошладим. Лекин ҳаво айниб, салқин бўлиб тургани учун эски боди борлардан иккитаси кўрпага бурканиб бамайлихотир журнал варақлашмоқда эди. Чошгоҳгача китоб ўқиб ётдим. Маъсума ҳам йўлакда кўриниш бермас эди. Иттифоқо, у эшик олдида ўша, дастлаб мени кўргани келган кундаги ҳаворанг, капалак нусха кўйлагига пайдо бўлиб, ташқарига имлади. Мен огриқни писанд қилмай, тикка ва шитоб юриб чиқдим. Маъсума куча дарвозага олиб борадиган йўлакдаги ям-яшил арча ёнида кутиб турарди. Шошилганимдан «раҳмат» ниям унутиб, «ҳа, йўл бўлсин?», дебман.

— Жавоб беришди, — деди у жилмайганича. Елкаларини хиёл кўтариб, қўлларини икки ёнга ёзган эди, хушбўй атир иси уфурди.

Мен яна каттароқ қовун тушириб, «нимага?» деб сурабман. «Э, хомкалла», — койийман кейин ўзимни ўзим қайта-қайта.

— Ётаверсангиз ёмон урганиб қоласиз, — деди у беозор танбеҳ бериб.

— Қизиқ бўптию, аслида... — гулга шама қилдим.

— Узингиз мени ютқазимни хоҳладингиз-да, — деди Маъсума гапимни булиб, — қиз бола, деб йул ҳам қўймадингиз. — Унинг овозидаги нозик ўпкалаш оҳанги тошга жаҳл қилган шаршара садоларидай ёқимли, таскинбахш эди. — Жон-жаҳдингиз билан уйнадингиз-да, узиям. Қани энди, тузалишга ҳам шундай уринганингизда эди... Лекин билиб қўйинг, чиққанингизда барибир ўчимни оламан. Унда аяб ўтирмайман.

— Менинг шартим бошқачароқ эди, — Маъсуманинг билакларидан тутмоқчи бўлдим.

— Ҳай-ҳай, бунақа келишмаганмиз...

Уни кузатиб қайтиб кирганимда журнал варақлаётганлардан бири маъноли томоқ қириб қўйди.

ЮРАК

Тунлари нимёруғ-нимқоронги ёз оқшомларидан бирида қирқ ёшлардаги сўлқиллама, басавлат жувон углининг дарсхонасига иккилана-иккилана кириб борди. Ўғил гулдор барқут ёпилган диванда ёнбошлаганча аллақандай суратли журнални ҳафсаласизлик билан варақларди.

Она остона ҳатлаб ўтди-ю, бир дақиқа тараддудлангандай туриб қолди. Ўғил онасига бирров назар ташлади-да, унинг нима мақсадда кирганини англагандай, қовоғини уйиб, индамай ўз машгулотини давом эттираверди. Она тез-тез қадам ташлаб, диван билан қарама-қарши томондаги девор ёнига қўйилган, орқасига шерозий гилам осилган ёғоч каравот ёнига борди-да, устига ипак тўр ташланган барқут болишларни гўё ростламоққа тутинди.

— Углим, биз даданг билан гаплашдик, — дея гап бошлади ва у тухталиб, ўглига зимдан синчков назар ташлади.

— Нима ҳақда? — гуё одоб юзасидан сўради ўгил.

— Энди катта йигит бўлиб қолдинг... — Она шундай деб, яна сукут сақлади. У ростлоглиқ ўринни қайта-қайта ростлаб, худди ножауя иш қилаётгандай ўглининг кўзларига қарамаслик чорасини изларди. — Бугундан бошлаб шу ўрин сеники... — давом этди у углидан садо чиқмагач. — Ўгил бола деган қўрқмайди.

Она сўзини тугатибоқ, ўгли гапини рад этиб қоладигандай, узун халатининг этаклари ва икки ёнида осилиб ётган белбогини ҳилпиллатиб, шоша-пиша орқасига қайтди. Яна остонада тухтаб анграйиб қолган ўглига ўгирилди.

— Эшикларни очиб қуямиз. Даданг билан кечаси сендан хабар олиб турамиз. Чироқни учирмасанг ҳам майли...

* * *

Рупарама-рупара хоналарни ўртача катталиқдаги даҳлиз ажратиб турарди.

* * *

— Йўқ, бунақада бўлмайди, дадаси. Биттаю-битта ўглимиз-а! Бир чорасини топмасангиз, эрта-кеч уйлантирганимиздаям хотинини уйготиб, «ташқарига чиқмоқчийдим, қараб турунг», деб юрмасин тагин...

— Мени жон койитмайди, деб ўйлайсизми, мен ҳам отаман, ахир. Жоним ачийди. Ҳамиятим огрийди. Врачлар билан гаплашяпман, маслаҳат сўраяпман. Қўрқоқлик — касалликмас, дейишяпти. Кейин-кейин ўзи ўтиб кетармиш, улгайганда қўрқмайдиган бўлиб қолармиш. Шунақа деб таскин беришяпти... Фақат...

— Нима фақат?.. Гапиринг тезроқ!

— Фақат, сочига эртароқ оқ тушиши мумкин эмиш.

— Ана шу-да. Ана шуниси ёмон-да. Биласиз-ку, сочи эрта оқарганни ёқтирмайман.

— Хуш, нима қилиш керак бўлмаса, сизнингча? Гапиринг.

— Қаратиб-кўрсатаверайлик, зора бирда бўлмаса, бирда нафи тегиб қолса.

— Кўрсатмаган профессору табиб қолмади-ку. Кўр-япсиз-ку, ҳали уни, ҳали буни гапига қараб, ҳар хил дори ичиравериб, дори ичиравериб, соппа-соғ юзини заҳил қип ташладик-ку. Энди, қўққис мия-пиясини ҳам заҳарлаб олиб, бу кунимиз ҳам ҳолва бўлиб тур-масин.

— Вой, нафасингизни иссиқроқ қилинг, дадаси, нафасингизни иссиқроқ қилинг. Тузукроқ бир ния-тингиз ҳам борми, ахир? Қачонгача кап-катта бола-ни қўйнимизда олиб ётамиз?

— Бу ҳақда аввалроқ ўйлаш керак эди. Бошда ўзингиздан нарироқ қилсангиз бўларди... Пинжин-гизга тиқавердингиз, пинжингизга тиқавердингиз...

— Гапириш осон... Менгаям ҳавасмиди?! Шуримга шурва тўкилиб қолишини қаёқдан билибман...

— Бир врач ғалати маслаҳат бериб қолди...

— Айта қолинг тезроқ, жўяли гапми? Нафи тегса бўлди-да.

— Жуда мушкул савдо. Ақлга сиғадиганмас... Бо-лани юрагини алмаштириш керак, деяпти.

— Алмаштириш керак? Кимнинг юрагига? Қанақа юракка?

— Шернинг юрагига.

— Вой-вой-вой, эси жойидами ўзи у врачни?

— Мен ҳам шуни ўйлаб қолдим.

— Сизни калака қилмаяптимиқан?

— Мени-я? Мени калака қиладиган одам ҳали тугилгани йўқ. Тугилмайдиам.

— Ҳа, хўп, ўзингизни босинг, дадаси. Мунча. Дагдагангиз зўр-ку. Шер қанча умр кўради?

— Илмий тадқиқотларда келтирилган маълумотларга қараганда, тутқунликда, яъни ҳайвонот боғларида, заповедникларда етмиш йил яшаган шерлар учрайди. Эркинликда бундан ҳам кўпроқ яшаса керак, албатта.

— Шернинг юраги ўтқазилган одам-чи? У тутқун ҳисобланадими ё эркинми?

— Тугриси, билмайман.

— Бошқа ҳеч қанақа чораси йўқ эканми, қуриб кетгурни?

— Йўқ, деяпти-да.

— Шундай қилса, ўғлимиз қўрқмайдиган булармикан?

— Шундай деяпти.

— Хавфлимасмикин? Кафиллик беряптими?

— Ҳар ҳолда оддий операциямас-да. Ё, тилхат ёздириб олсакмикин?

— Ана шунақасиз-да, бирпасда майнавозчиликка ўтиб кетасиз... Вой болагинам шурлиг-эй, шунақаям балога гирифтор бўладими-я...

— Қўяверсакмикин. Кейин ўзи ўтиб кетармикин...

— Қайдам, ҳали-вери ўтиб кетадиганга ўхшамайди. Кўряпсиз-ку бу болани, бир кеча ташлаб бир ёққа кетиб бўлмайди. Ҳали ҳарбийга борса, ҳаммага кулги бўлиб...

— Хўп, операциянинг муваффақиятли чиқишига ишондик, дейлик, шернинг ўзини қаердан топамиз? Яна, шервачча, бунинг устига эркаги...

— Керак бўлгандан кейин топасиз-да. Кўзимизнинг оқу қораси... Оғзингизнинг ели...

— Ҳамма нарса оғизни ели экан-да сизга. Ҳозир шердан кўра анқонинг уругини топиш унгайроқ. Қолаверса, «оғизни ели» деган гаплар қолиб кетди энди.

— Хонумонимизни сарфласак ҳам майли, бошингиз омон бўлса, омадингизга кўз тегмай турса, оқин сувлар тўхтаб қолмаса, ҳеч гапмас.

— Ўзингиз ҳам сал лақмароқсиз-да, хотинжон.

— Сизни асли бўлганингиз шу. Доим устимдан кулганингиз-кулган. Мени зигирчаям ҳурмат қилмайсиз, шундай ўгилни тугиб берсам ҳам. Шукур қилинг, тирноққа зорлар бор...

— Ҳа, бўлди, ҳазиллашдим. Ўзингиз ҳам пичоқ дамида турасиз-да.

— Кўнглингизга ҳазил сиққанига ўлайми...

* * *

Ўсмирнинг қулоқлари диккайди, қовоқлари керилиб, қорачиқлари кенгайди. Наҳотки унга чиндан ҳам шер юрагини ўтқазилса? Наҳотки, эртаклардаги баҳодирлардай довурак, шер каби шиддаткор ва мағрур, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган одамга айланса? Наҳотки, ярим тунда, зимистон кечаларда бемалол куча айланиб юра олса? Наҳотки ёлғиз қолганида даҳшатга тушиш каби ниҳоятда ёқимсиз ҳислардан, жамики таҳликалардан қутулиб кетса? Агар чиндан шунақа бўлса, муваффақиятли чиқишига ишонса, ишонтиришса, ҳар қандай оғир операцияга тайёр эди! Ҳар қанча азоб-уқубат тортса майли эди!

* * *

У узун темир столда қўл-оёқлари ҳалқали қайишлар билан боғланган ҳолда, ярим яланғоч ётибди. Атрофдаги одамларнинг кийимлари, деворлар, шифт оппоқ. Боши узра муаллақ осилиб турган оппоқ қозондан тушаётган қизгиш нурлар кўкрагини қиздирмоқда. Бошдан-оёқ оқ кийинганларнинг қай бири эркагу қай бири аёллигини ҳам дабдурустдан ажратиш қийин, чунки қошгача бостириб туширилган оқ сурп қалпоқ билан оғиз-даҳанидан

қаншаригача тортилган дока ниқоб уртасида бир-бирига ухшамаган, барчаси бирдай қаттиқ жуфт кўзларгина кўринади, бу кўзлар вазмин, эҳтироссиз ташвиш билан бир нуқтага — бемор кўкрагига қадалган. Қўлларида аллақандай темир-терсаклар шамширдай ялт-юлт қилади.

Ўсмир кўзларини чиппа юмади, қунишиб, гужанак бўлиб олишга уринади, бўлмайти, ҳатто, қилт этолмайти. Ахир, иккала оёғию иккала қўли чандиб боғлаб ташланган-ку.

Бунинг устига, ўсмир оқ қалпоқлари атрофидан чиқиб, қулоқлари узра тиккайиб турган қоп-қора ва мулойим соч толаларидан, уша қулоқларнинг (уларда негадир исирга йўқ эди) оппоқ нафис ва мўъжазлигидан, яноқларидаги билинар-билимас майин, тилларанг туклардан ва бошқа айрим жузъий белгилардан ҳамшира, яъни қиз бола бўлса керак, деб тахмин қилгани — оқ халатлилар унинг тиззаларидан, елкаларидан маҳкам босиб туришарди. Кўзларини очади — ўзини, ўз кўзларини уни икки ёнидан ураб, дон ейишаётган товуқлардай бошлари бир жойга гуж бўлиб қолган кишиларнинг қорачиқларида кўради. У бақирмоқчи бўлади, овози чиқмайди. Бирдан қизлар олдида бақиршиш қўрқоқлик-ку, уят, номуску, деган фикр кечади миясидан. Лабини қаттиқ тишлайди. Кўзларини яна юмиб олади. Ҳамма жим. Фақат, темир-терсакларнинг чақир-чуқур товуши эшитилади. Кейин кўкрагида чумоли карвони дамбадам чимиллатиб чақиб, у ёқдан-бу ёққа юраётгандай туюлади, нималарнидир «гирт-гирт» қияётган қайчи овози қулоқларига элас-элас чалинади. Бу овоз дам узоқдан келаётганга, дам ўсмирнинг ўзи бу овоздан олислашиб бораётганга ухшайди. У яна кўзларини эрингандай очади. Тўғрироғи, огирлашиб, мижжаларини эзиб турган қовоқларини куч билан кўтаради. Шундоқ ёнгинасида турган боши пақирдай доктор

қассоб сингари халатининг енглари тирсагига ча шимаради. Панжалар — дев чангалидай узун-узун, йугон-йугон панжалар одамларни, шифтни, бутун дунёни четандай тусиб қўйди. Кейин у панжалар усмир куксидаги чуқурликка тушиб кетди. Лойқа сувга чўккан нарсани тусмоллаб қидираётгандай анчагина тимирскилади. Сўнг юрагини чангаллаб торта бошлади, илдиз-пилдизи билан қўпориб олинган пиездай шарт сугуриб тепага кўтарди — устки қисми аллақандай илдиз шохчалардан иборат, ҳаммаёғидан қон силқиб турган бир парча қизғишгина гўшт...

Усмирнинг куз олдида юрагини машғала қилиб, одамларга йўл кўрсатиб бораётган Данко намоён бўлди. Данко ўшанда неча ёшда эди?.. Йўқ, эслолмади.. Унинг ака-укалари бормидийкин? Бу ҳақда ёзилмаган эди, шекилли...

Усмирнинг ҳамма ёғидан муздай тер қуюлиб кетди, аъзойи бадани бурга чаққандай қичиша бошлади. Ётган ҳолатда куракларини столга ишқалагиси, мириқиб, роҳат қилиб қашингиси келди. Лекин у, иттифоқо, вужудидаги ёқимсиз совуқ жимирлашнинг секин-аста пасайиб, бармоқлари, панжаларининг жонсизланиб бораётганини сезиб қолди. Боши тепасидаги оппоқ қозон, оппоқ қалпоқ ва атрофидаги оппоқ халатлар аввал секин, кейин тез-тез чархпалак бўлиб айлана бошлади, у нарсалар оқиш бир туман ичида айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Осмон тусидаги шифт ва остидаги стол тебрана бошлади. Кузларининг юмилиб кетаётганини элас-элас пайқади. Кейин яна кўзини очди... Докторнинг халати тердан баданига ёпишиб, оқ рангини йўқотган эди. Бурнининг устида гўё сумалакка айланган муздай томчилар усмир кўкрагидаги бушлиққа чакиллаб тушиб, этини жунжиктиради. У кўзларини дам юмиб, дам очар, тўғрироғи, у кўзлар эгасининг ихтиёрисиз очилиб-юмилар эди. Усмирнинг орқа этлари столга

ботиб кетди. Назарида, бу ерда узоқ — бир неча кундан бери туз тотмай, қимирламай ётгандай эди.

Доктор гўё секинлатиб кўрсатилаётган кинокадрлардай вазнсиз ҳолатда, жуда имиллаб ҳаракат қилаётганга ухшарди. Усмирнинг элас-элас идрок этишича, доктор унинг ичи-борини бир четдан ковлаб, ичак-чавоқларини ағдар-тунтар қилиб чиқаётгандай туюларди. Ҳар гал кўзлари юмилаётганда мана энди ҳушимдан кетяпман, деб уйлар ва ҳақиқатан ҳушидан кетар, кўзлари очилганда эса «ҳали ҳам ҳушимдан кетмабман», деган фикр кечарди унинг чала ишлаётган мудроқ миясида. У кўзини яна бир очганида жарроҳнинг панжасида бошқа бир юракни кўрди: кўзларини каттароқ очишга уринди. Бу юрак боя унинг кўкрагидан сугуриб олинган юракка қараганда ранги очроқ, ловиллаётгандай, диркиллаб, селпиниб тургандай эди. Доктор ана шу юракни обдан салмоқлаб, айлантириб кўргач, усмирнинг кўкрагидаги урадай бушлиққа шошилмасдан авайлабгина солиб жойлаштира бошлади.

Усмир яна кўзларининг юмилиб бораётганини пайқаб ётди... орадан қанча вақт ўтгани номаълум эди, бирдан нимадир дук-дук қилиб, уни силтаб, силкита бошлади: кўзлари каттароқ очилиб, нигоҳи равшанлашди: туман ичидаги бош, панжалар, шифт асл ҳолатга, асл рангига қайтди. Гўё кўкраги остида — ичида яна йиртқич чумолилар карвони саф тортиб йўлга тушди, аъзойи бадани чимиллай бошлади. Чумолилар тобора кўпроқ, ачитиброқ чақар, куксидаги янги юрак тобора қаттиқроқ гурсиллаб урар эди...

— Мана, марҳамат, энди...

Усмир ўзини ҳақиқий эркаклардай тутиб, дадил юриб кетди. Куксидаги юрак дам сайин баралла дукурлаб, узидан хабар берарди. Бу юрак бутун вужудини силкитар, гўё бутун дунёни ларзага солиш учун кўкрак қафасини қисирлатиб, қовурғаларини шах-

ди-шиддати билан икки ёққа қайтариб, ташқарига чиқишга уринарди.

Ўсмирнинг назарида гуё боши катталашиб, сочлари ҳурпайиб-тиккайиб кетгандай эди, қўллари қанотдай кўтарилиб, елкалар ўсиб чиқаётгандай эди.

Пишқиргиси келар, лекин докторнинг бир ойгача чучкириш, йуталиш, олти ойгача эгилиш, бежо ҳаракат қилиш, умр бўйи қаттиқ ранжиш, ҳаяжонланиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги эслатмалари ёдига тушиб, узини тутарди.

Автобусда яна ҳайрати ошди: одатдагидай тикилинч, лекин суякларининг зирқираши ҳуш ёқяпти, чаккалари лўққиллаяпти. Йўловчилар унга аксарият: «Ке, болакай, бу ерга, холироқ жойга ўтиб ол, бўлмаса бу одамлар миянгдаги бор билимларниям ситиб чиқарворишади», дейишарди. Ҳозир орқасида сумкаси йўқ. Кимдир унга: «Ху, йигитча, ҳазир бул, юрагингни сиқиб чиқаришвормасин яна», деди. Йигит гапирувчига ажабланиб қаради. Лекин индамади. Аввалига, ҳатто, қисилишлардан роҳатланди, кейин секин-аста лоҳас бўла бошлади. Автобусдан тушгач, кўкрагида санчиқли огриқ турди: юрак гуё қиррадор тошдай ботар, тикандай санчилар, юришни қийинлаштирар эди.

Уйга кира солиб, пар болишлар, юмшоқ кўрпачалар тўшалган каравотга омонатгина ётиб олди. Онаси пешонасини силади — ухлаб қолди.

Чучиб уйгонди. Уйгондими-уйгонмадими, ҳар қалай кўзи очилди (кўзи очиқлик ҳамма вақт ҳам уйгоқликни, бедорликни англатавермайди). Ҳаммаёқ жим-жит. Кўкраги бум-буш, сассиз. Атрофга аланглади. Ёнида эртақ-фильмлардагидай чала-ярим кийинган қиз сочларини оппоқ тушига ёйиб ётарди. Ўсмир яна гоят таажжубланди, ўз кўксига қулоқ тутди: у нафас олмаётган эди. Фақат, аллақандай, худди огир нарса тагига бостириб қўйилган соатнинг

бугиқ чиқиллашидай кучсизгина овоз эшитилди. Иккала қўли билан кукрагини омонат чангаллади. Во ажаб: кўксининг тикилган чоки сўкилиб қолган эди! У юракнинг жойида йўқлигини тахмин қилди. Бу тахминга ишончи комил эди. Эсхонаси чиқиб кетди. Апил-тапил кўрпа қатларини кутариб излашга тушди. Болишнинг тагини титкилади — йўқ, каравот остига энгашиб қаради — йўқ. Тун чироғи шуъласида ялтираётган қорамтир жигарранг жавонини очиб, кийимларини олди, пиджаги, шими чўнтаklarини йўқолган пулни қидираётгандай илинж ва хавотир билан қайта-қайта ковлади, чўнтаklarининг астарини агдариб, қоқиб курди — йўқ! Бирон жойда тушиб қолдимикин-а?.. Эслашга уринди. Йўқ, кеча тўппатўгри уйга келган-ку... Энди ота-онасига нима дейди? Мана бу қизга... Дарвоқе, ким ўзи бу? Бу ерга қачон, қаердан келди? Нима қилиб ётибди? Яқиндагина онаси «уйлантирсак..» деятувди. Шумикин?.. Ё онаси болам қўрқмасин, деб олиб кириб ёнига ётқизиб қўйдимикин? Ташқарига бирга чиқишади, дедимикин?

Бирдан ташқарига чиққиси келиб қолди.

Қизни уйготсинми? Донг қотиб ётишини. Жудаям уйқуси қаттиққа ухшайди. Нафас олиши ҳам сезилмайди-ку. Тирикмикин ўзи?..

Йигитча чўккалаганча, энгашиб қизнинг майда соч толалари қопланган кўкрагига қулогини тутди. Қулоқ терисининг соч қатламлари остидаги юмшоқ ва илиқ баданни сезди. Йигитча сесканди. Бу сесканиш ўзига ёқимли туюлди. Иккинчи қулогини тутди. Бояги туйғу, уша ҳолат такрорланди. Аллақандай муаттар ҳидлардан боши айлана бошлади. Қизнинг кўкрагига йиқилиб тушишдан чучиб, узини тортди, утирган ҳолатда қаддини тиклади... Яхшиси, деворни дупурлата қолсинмикин? Соат неччи бўлдийкин? И-е, у энди қўрқмайдиган бўлганди-ку...

У каравотдан оҳиста тушди-да, бир-бир босиб де-
раза ёнига борди. Пешонасини муздай ойнага босга-
нича, кўларини катта-катта очиб, ташқарига тикил-
ди. Ҳовли қоп-қоронғи эди. Илон чаққандай ўзини
орқага тортди, югуриб каравотга чиқди-да, тизза-
ларини қучоқлаб ўтириб олди. Энасининг уйидаги-
дай талтайиб, ялпайиб ухлаётган мана бу ойимчани
уйғотиш керак. Шунга ярамаса, нима қилиб ётибди
бу ерда?.. Бирдан юрагининг йўқолгани эсига туш-
ди. Яна беихтиёр чунтақларини, ён-верини пайпас-
лай бошлади. Беихтиёр... Қизнинг устидан гулдор
чойшабни тортиб юборди-ва кўзларини юмиб, дарҳол
ёпиб қўйди... Яна қулоғига юрак зарбининг заиф-
гина товуши чалинди. Қиз кўксига тўлқин-тўлқин
бўлиб ётган тўсдай қора, қалин сочларининг били-
нар-билимас кутарилиб-пастлаётганини, нозик бу-
рунчасининг мўъжаз катакчалари пуркаётган нафис
эпкиндан энгил чайқалаётганини кўриб қолди. Ик-
килана-иккилана, иймана-иймана кафтини ўша соч
тўлқинларига босди. Кафтига ажиб бир ҳарорат инди
ва бу ҳарорат томирлари орқали вужудининг ҳамма
бурчакларига тарқала бошлади. Тирноқларининг
учигача бу ҳароратдан илиб, зарбдан энгил силки-
ниб турди. Фақат, бу зарб ва ҳароратнинг елка томон
юрган бўлаги кўкрак қисмига етиб борганида бир-
дан жарликка тушиб кетгандек гойиб булар: шу ерда
зарб тинар, ҳароратни совуқ бир ўпқон ютиб юбо-
рар эди... Йигитча яна қиз устига боягидай энгашиб,
кафтининг ўрнига қулогини қўйди. Қулогининг ичи-
га соч толалари кириб, қитигини келтирди... Зарб
дам биттага, дам иккитага ўхшаб туюларди... Бу
тош қотган қизни уйғотиб, юрагининг йўқолганини
айтиш керак. Нима деркин? Эҳтимол, у бирон ерга
яшириб қўйгандир?.. Лекин, эркак киши учун «юра-
гим йўқ», деб айтиш жуда ўнғайсиз-ку.. Айниқса,
ёнида ётган қиз болага.. Яна умрида кўрмаган нота-

нишга... Барибир айтиш керак. Агар аразлаб кетиб қолса... аясини чақиради, яна у билан бирга ётаверади.

Қизнинг уйғониши анча қийин бўлди.

Йигитча уни нима деб аташни, нима деб чақаришни билмай, хийла вақт гарангсиб турди. Кейин, қизнинг оппоқ, ҳилва елкасидан журъатсизгина туртди, лекин бундай омонат хатти-ҳаракатлар билан иш битмади. Қизалоқни силташга, икки қўллаб тебратишга тўғри келди. Шундан сўнггина оғир уйқуга чўмган фариштанинг афсонавий нозик вужуди қимирлай бошлади: нозанин аввал оёқларини силтаб, устидаги чойшабни полга тушириб юборди, сўнг керишиб, қўлларини азот ёзиб, икки ёнига ташлади, ҳамон кўз очмасдан ҳомуза тортди. Йигитчанинг хаёлидан қизнинг кўзи асли шунақамикин ё киприклари ёпишиб қолдимикин (давоқе, қизнинг киприклари узун ва анча дағал бўлиб, бир-бирига киришиб кетган эди), деган уй кечаётган эди, ниҳоят...

Ниҳоят, кўзлар эринчоқлик билан очилди ва музтар нигоҳларга мағрурона, айни вақтда, «хўш, хизмат», дегандай бепарволарча сузилиб боқди. Кейин қўлларини икки ёнига тираб, бошини кутади, сарак-сарак қилиб, қоши, бурнига, елкаларига илашиб қолган сочларини орқасига тушириб юборди. Қизнинг бели эртақ фильмлардагидан ҳам хипчароқ, бадани ҳарир, шаффоф эди.

Йигитча довдираб, дудуқланди. Юрак ҳақида оғиз очмасликка ичида аҳд қилиб утирган эди, қандай гапириб юборганини сезмай қолди.

— Сизга юракнинг нима кераги бор? — дея кифтчаларини қоқди қиз, — Аянгиз, дадангиз бор. Сизга юргани оёқ, ушлагани қўл-у, егани оғиз бўлса кифоя...

Унинг кўзи қизнинг жажжи жинжалоғидаги билинар-билинемас силкинаётган катта олтин узукка

тушди. Кунгли бир нарсани сезгандай, момиқдай муштчани авайлабгина кафтлари орасига олиб, қулогига яқинлаштирди, йўқ, тўғрироғи, бошини қизнинг қўлига энгаштирди. Ё тавба, дукурлаб уряпти-ку! Юраги шунинг ичида бўлса-я?

Қизнинг ҳамон сузилиб турган кўзларига илтижоли мултиради.

— Энди иложи йўқ, шундай келишилган, — деди қиз қўлини совуққонлик билан тортиб оларкан, зураки эснаб. — Энди юрак шарт эмас бизга, энди учта нарса — мия, оёқ, қўл керак.

— Ҳаммаси аям билан дадамда бор, — деди йигитча аъзойи баданининг уюшаётганлигини сездирмаслик учун борлиги-ю, овозини тетик тутишга уриниб.

— Уларники ўзларига керак. Қолаверса, улар ҳадемай қаришади, миялари пула бўлиб, оёқ-қўллари шалвираб қолади. Ҳозирги замонда соглом оёқ, тўғри қўл жуда ноёб бойлик! — деди қиз овозини кўтариб. Унинг уйқуси энди ўчди чоғи, кўзлари каттароқ очилди.

Бу нигоҳлар йигитчага танишдай туюлди. Бу тим қора қорачиқли йирик-йирик кўзлар йигитга столда деярли ялангоч ҳолда чалқанча тушиб ётганида қўл-оёқларини қайиш ҳалқачалар орасига олиб маҳкамлаган, устига омонат ташлаб қўйилган оппоқ чойшабни сонига тушириб қўйиб, кўкраги, қорнига қандайдир мой суркаган ҳамширанинг кўзларига ўхшаб кетар эди. Ҳамширанинг оппоқ қалпоғи қошигача бостириб туширилган, оғиз-бурни дока-ниқоб билан тўсилган, шунинг учун йигитча унинг бошқа жойларини яхши кўролмаган эди. Тўғриси, яхшироқ кўриб, таниб олиш эсига ҳам келмаган, ҳатто бу ҳақда ўйламаган ҳам эди.

Бир каравотда учрашиб қолиш етти ухлаб тушига кирибдими!.. Эҳтимол, у эмасдир. Лекин жудаям ўхшаш. Ушандаям бу кўзлар ҳозиргидай жонланмай,

товланмай қараб-қараб қуйган эди. Қуллари унинг баданига текканда ҳам қизнинг қорачиқларида зарра сесканиш, ўзгариш юз бермаган эди (аксинча, бу хижолат бўлиб, ийманиб кўзларини юмиб олган эди). Мана, ҳозир ҳам кап-катта йигитнинг (тўғриси, ўзининг «кап-катта йигит»лиги ҳақидаги фикр айна шу лаҳзада илк бор хаёлидан лип этиб ўтди), обрў-эътиборли кишилар фарзандининг бутун бошли юраги, яна ўз юраги эмас, ота-онаси не-не машаққатлар эвазига қўлга киритишган шер юрагини угирлаб, узуги кўзига жойлаб олибди-ю, пинак бузмайди, уялмайди, хижолат ҳам бўлмайди-я!

Йигитча (энди уни шундай атайверамиз) қиз қошига чўккалади. Унинг ўзга чораси йўқ эди. Унга юрак, айниқса ҳозир жудаям зарурга ўхшаб туюлди (лекин нимага зарурлигини билмас эди).

— Илтимос, юрагимни беринг...

— Эсингиз жойидами ўзи, — деди қиз баттар беписандлик билан. — Омонат, сохта юрагингизни бошимга ураманми? Кукрагингизга қаранг — турибди.

— Нимага булмаса урмаяпти, — деди йигитча икки қўли билан кўксини чангаллаб.

— Унисини аянгиздан, дадангиздан сўранг.

— Йўқ, айтинг. Анави, узугингизнинг кўзидаги юрак-чи?..

Қиз энди «бу ростданам анча нақароқми», дегандай кўзларини катта-катта очиб йигитчага тикилди.

— Ўйлаб гапиряпсизми? Бир ҳовуч юрак митти узукнинг кўзига қандай сигади? — қиз шундай деди-ю, унинг юз-кўзида ёз эпкинидай бир жилмайиш зоҳир бўлди. — Узук ичидаги нарса сизнинг юрагингизни бошқариб турадиган мослама.

Йигит лом-мим демади. Анграйиб тураверди. Тўғриси, у қизнинг гапларига тушунмади. Сўзлар унга таниш эди-ю, магзини чақолмади.

— Ҳозир эртақлар замони эмас, — давом этди қиз нозик-ниҳол қадди-қоматини бұрттириброқ курсатиш учунми, бир тирсагига таяниб, оёқларини узатиб юборар экан.

— Ахир, сиз..

— Туғри, эртақ — жони-дилим. Эртақни ҳамма яхши кўради. Лекин... Ҳа айтгандай, ташқарига чиқмоқчимидингиз?

— Йўқ-йўқ, — деди шоша-пиша.

— Қани, ётиб ухланг бўлмаса. Устимни ёпиб қўйинг, — қиз ёнбош ётганча, тиззаларини қорнига тираб, гужанак бўлиб олди, ўрнаша олмади шекилли, лаҳза ўтмай оёқ-қулларини ёзиб юборди. Юзи пар ёстиққа ботиб, деярли кўринмай кетди. Бўйин ва елкаларини яна соч тўлқинлари қоплади.

«Шернинг ёлига ўхшайди», дея ўйлади йигитча қиз амрини адо этар экан ва енгил сесканди.

У қизга тегиб кетишдан эҳтиётланиб, бир ёнбоши билан ўрнига чўзилди. Лекин қиз танидан юпқа чойшаб орқали унинг баданига боягидай ҳарорат утиб, вужудини секинлик билан қиздира бошлади. Бироқ бу ҳарорат, боягидай кўкрагига етганида совиб қоларди. Гуё юраги ўрнида пайдо бўлган қандайдир гирдоб бегона ҳароратни ўз домига тортиб кетарди. Назарида бу гирдоб унинг ўзини ҳам ютиб юборадигандай туюлиб, ҳадиги ошар, қизга томон ўгирилиб, унга яқинроқ сурилиб олишни, унинг пинжига кириб кетишни ўйлар, лекин негадир бунга ботинолмасди.

Қиз ухладими, йўқми — билиб бўлмасди. Иттифоқо, нимадир «қитир-қитир», «шитир-шитир» қилиб қолди. Беихтиёр ён-верини пайпаслади — қўлига ҳеч нарса илинмади. Дераза томонга кўз ташлади-ю, ётган жойида сапчиб тушди: кекса бир шер тикка турганича олдинги икки оёғи билан ойнани тирнар, ўткир тишларини кўрсатиб, аста-секин

пишқирар эди. Шернинг ёли ҳурпайиб, елкаларига, тўшига тушиб турарди.

Йигит чойшабнинг остига шўғиб кетди, хиёл утмай, бошини юмронқозикдай чиқариб қаради: шер энди бир оёги билан ойнани тапиллатиб урмоқда эди.

У дод солмоқчи бўлди, овози чиқмади. Урнидан ирғиб туришга шайланди — туролмади — гужанак оёқлари ёзилмади, чўзилмади. Ёнидаги деворни жон-жаҳди билан муштлай кетди.

ҚОРҚИЗ

Холида билан Янги йилни, умуман байрамни илк бор биргаликда нишонлашимиз эди. Шунинг учун бир хонали мўъжазгина ижара уйимизда қолишга аҳд қилдик. Сирасини айтганда, Тошкентдай шаҳри азимда астойдил борди-келди қиладиган кўнгил яқинларимиз ҳам ҳали йўқ ҳисоби эди. Университетда бирга ўқиган оғайним анча қистади-ю, лекин уларнинг ижара уйи ҳам бизникидан кенг эмас эди.

Менимча, асосий гап бунда ҳам эмасди.

Биз ҳали қирқи ҳам чиқмаган келин-куёв эдик...

Ҳовлида бугун, бу кеча бизга халал берадиган кимса йўқ: уй эгалари — чол-камбир шу ерда юрадиган неварасини олиб, катта боғ-участкаси бор тўнгич ўглиникига Янги йил кутишга жўнаб кетишган эди.

Ўзбекнинг суйган таоми палов, айниқса, шодиёна кунларда, меҳмон келганда.

Холида қозонга унади. Мен дастурхон тузашга киришдим. Сўнг, ўчоқ атрофида, тўғрироғи, Холида-нинг атрофида парвона бўла бошладим. Бот-бот унга тегиниб қўяман. Холида қовогини уймоқчи бўлади, аммо эплолмайди.

— Жигимга тегаверманг, капгир еб қоласиз, — дейди кулиб.

Мен «аразлаб» уйга кириб кетаман. Дераза тақиллайди. Қарайман: Холиданинг ойнага босилиб ялпайган бурни, чарақлаган кузлари кўринади. «Тез чиқинг», деган маънода қўли билан имо қилади. Шошилмай, ўзимни жиддий тутиб, чиқиб бораман.

— Нима гап? — дейман овозимга расмий тус бериб.

— Дамлашга озгина утин майдалаб беринг, хужайин... — киприкларини пирпиратади Холида.

— Сизга неча марта айтганман, шу сўзни ишлатманг, деб.

— Нима, ёмонми?

— Ёмонмас, лекин эшитганлар мени феодал экан, дейишади.

— Ўзимни ихтиёрим, дейман.

— Сиздан сўраб утиришмайди.

— Сўрашмаса, яна яхши...

Қор бўлмаса-да, ҳар қалай қиш-да, ҳаво ачитиб турарди. Утин майдалаб учоқ ёнига ташладим.

— Қўлим совқотиб кетди, Холи, иситиб олай...

— Ана, ут ловиллаб ёняпти...

— Йўқ, бошқа жойда.

— Э, боринг-е, шилқим бола...

Мен уй томонга юрдим.

— Вой, анов одамни — бир ўзимни ташла-аб кириб кетишини.

— Нимадан қурқасиз?

— Бўжидан.

— Бўжи йўқ.

— Қорбобо келиб қолиши мумкин...

— Қорбобо келса яхшию, совга беради.

— Қанақа совга бераркин?

— Билмадим, берганда кўрамиз-да.

Ошни дамлаб қўйиб, кириб кетдик. Янги йил киришига ҳали анча бор эди.

— Келинг, бошлаб тураверайлик.

- Сабрингиз чидамаяптими?
- Чидамаяпти.
- Биламан, нимага чидамаётганини.
- Яхшисиз-да.
- Сиз — ёмонсиз...
- Бир яхшига бир ёмон...

Шампан устидан сочиқни олдим.

— Ҳамма байрам хурсандчилик учун ўйлаб чиқарилган. Соатга тикилиб ўтирамизми?

Шампан пақиллади, тиқини пастаккина шифтга тортилган гулдор қоғозни тешиб ўтиб, қайтиб тушмади.

— Мана Янги йил!.. Келинг, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг эртаси яхши.

- Маст бўлиб қолсам-чи?
- Уйимиздамиз-ку.
- Ижарадамиз, денг. Уришмайсизми?
- Сизни уришиб бўладими...
- Янги йилингиз билан! Сизга бахт тилайман.
- Раҳмат, лекин бахтим ёнимда ўтирибди.
- Меники ҳам.
- Унда келинг, бир-биримизга аҳиллик, яхши умр тилайлик.

— Келинг. Энг ёмон кунимиз шунақа бўлсин.

— И-е, шуми ичганингиз? Ваҳимангизни қаранг-у...

— Ичишимни хоҳлармидингиз?

— Йўқ... Лекин, бугун майлийди.

— Ош дам еди.

— Сиз утираверинг, мен солиб кираман.

— Ёрдам берай?

— Йўқ, ўзим...

Ошнинг гўштини тўграй бошлаганимда Янги йил жомига сал кам бир соатча вақт бор эди.

— Эшик тақилляпти-я... — деб қолди Холида.

— И-я, ким бўлдийкин, — қўлимни шоша-пиша арта бошладим.

— Қорбободир... Бирга чиқайлик, бемаҳалда...

— Йўғ-е... Биронта қўни-қўшнидир-да.

Маҳалламиз катта йўлдан анча ичкарида ва пасқамликда жойлашгани учун нисбатан тинч, шовқинсурон кам эди.

Осмон ҳамон бирдай гезариб турарди. Янги йилгаям қор ёрмади-я, ҳа нотанти табиат! Ҳали бевақт роса ёғади.

— Ким у?

— Мен, очинг, — деди ташқарида аёл киши безовталаниб. Овоз нотаниш эди.

Занжирни илгакдан чиқариб, дарвозани очувдим, аёл бир ҳатлаб остонадан утди-ю, эшикни қаттиқ ёпиб, унга суянди. Юзимга совуқ нафас урилди.

— Бекитинг, — деди у қарийб буйруқ оҳангида.

Мен кутилмаган меҳмоннинг ҳансираётганини ва кучадаги симёғочга ўрнатилган қадимий соябонли лампанинг суритокда қолган ток занглари орасидан тушаётган хирагина шуъласида унинг қошлари қоп-қора, ихчамгина юзлари оппоқ қиз эканини пайқадим. Лекин нима дейишни билмай, қизнинг амрига беихтиёр итоат этиб, унинг елкаси тўсиб турган занжирни илгакка солиш учун анча овора бўлдим. Афтидан, ўзини йўқотиб қўйганиданми, қўрқиб кетганиданми, сурилиб туриш қизнинг эсига келмасди.

Холида хавотирланиб аллақачон соябонли айвончага чиқиб олганди.

— Ким экан? — суради у турган ерида қичқиргудай бўлиб.

Шундагина ҳозирги туришимиз гира-ширада қандай кўринишини уйлаб, шоша-пиша орқага ўгирилдим.

— Меҳмон! — жавоб бердим Холидага. Кейин: «Қани, юринг», — дедим қизга.

У ортиқча такаллуф кутмай, ортимдан эргашди.

Бесаранжом Холида ҳамон айвончада нима қилишини билмай, гарангсиган одамдай бизга тикилиб турарди.

Айвонча зинасига етай деганда, ўзимни четроққа олдим.

Холида, ҳайратини яширмай, меҳмонга анграйганча, зиналардан пайпаслагандай пастга тушиб, қиз истиқболига юрди. Қул учида, омонатгина кўришиб, қисқа-қисқа ҳол-аҳвол сўрашдилар.

Ичкарига кириб, бир дам туриб қолдик.

Меҳмонимиз қордай оппоқ мўйнали ям-яшил пальтосини, қундуз телпагини ечиб, тортингандай юмшоқ бир ҳаракат билан Холидага узатди. Унинг бўйни ва елкаларини гоят текис қирқилган сақичдай қора ва силлиқ соч қоплади.

Қизни таомилга кўра, уйимизнинг тўрига ўтқаздик. Ўзбекда остона ҳатлаб ичкари кирган одам — каттами-кичикми, дўстми-ғанимми — меҳмон. Қолаверса, дастурхон устида бировни сўроқ-савол қилиш бизнинг руҳи-хулқимизга ёт.

Меҳмонимизнинг узи ҳам миқ этай, демайди. Ош-ни ҳар замон-ҳар замонда тирноқларининг буёгини авайлагандай, омонатгина ошаб ўтирибди. Холида иккимиз, унча юракдан бўлмаса ҳам, уни катта-катта олишга ундаймиз. Қиз эшитилар-эшитилмас раҳмат айтишдан нарига ўтмайди. (Менинг назаримда унинг бундай камсуқум, сиполиги бояги шаштига, ёшига, кийинишига мутлақо мос эмасдай...)

Холида менга зимдан қараб-қараб қўяди. Кўзлари саволли. Мен ўзимни кўрмаганга соламан.

Хона совий бошлади. Тўғрироғи, ўтиришдан файз, ҳарорат кўтарилди. Қизиқроқ гаплар топиб, даврани сал жонлантиришни ўйладим-у, бироқ нотаниш, тақаллуфсиз тунги меҳмоннинг сири босдим, миямга фикр, тилимга сўз келмасди.

Ҳадемай, қўллар артилди. Ташвишим ортди. Меҳмонимиз умуман гапирадиганга ўхшамасди. Холида ҳам мум тишлагандай утирарди.

— Мана, Янги йилгаям саноқли дақиқалар қолди, — дедим шунчаки гап ковлаш учун бир Холидага, бир меҳмонга назар ташлаб.

— Қорсиз унча ўхшамас экан, — деди Холида ҳам бир менга, бир меҳмонга қараб.

— Сизларга халал бердим-а, — деди ниҳоят меҳмон бош кутармай, дастурхон четини ҳафсаласизлик билан ҳимариб ўйнаганча.

Қизнинг ночор ва мужмал саволига жавоб беришни Холида иккимиз фикран бир-биримизга юклаб, бир-биримиздан кутиб ўтиравердик.

Дастурхондаги ноз-неъматлар мунғайиб қолгандай куринди. Меҳмонимиз хомушроқ эди. Мен унинг қорачиқларидан таржимаи ҳолини, тилига чиқолмай, юраги, бугзини тилиб-тирнаб айланаётган қиррадор сўзларини уқимоқчи булдим. Бемаҳалда, яна шундай айём оқшомида қандай қисмат шамоли не сабабдан уни бегона кучаларда тентираб юришга мажбур қилганини ва олдинда уни яна қандай савдолар кутаётганини тахминлаб кўрмоқчи булдим. Лекин Холиданинг ёнида, ундаги шубҳа, гумонларни кучайтириб, бу гаройиб, чақирилмаган меҳмоннинг носинашта кўзларига астойдил, синчиклаб тикилишни ножоиз деб билдим (балки ўша пайтда бу ишга юрагим ҳам дов бермагандир); тахминларим эса кўп, ранг-баранг-у, бироқ тахмин хулоса, ҳукм чиқаришга асос булолмас эди.

Дарҳақиқат, Холида бусиз ҳам мени, тўғрироғи, меҳмон иккимизни (ким билади, ўша пайтда унинг хаёлидан не ўйлар кечган экан, балки бизнинг кўзларимиздан, хатти-ҳаракатларимиздан ўз гумонини тасдиқловчи нуқталар, ҳолатлар қидиргандир, кутгандир, қийналгандир) зимдан кузатиб утирар-

ди. Қолаверса, қиз ҳам кўзларини бизга унча кўрсатавермас, гоҳ телевизорга, гоҳ ерга қадарди, холос. Афтидан, у нигоҳларимизнинг тўқнашиб қолишини истамас эди.

Фақат бурчакдаги экрани кафтдайгина «Весна» телевизори ҳаммининг жонига оро кириб турарди. Қўшиқлар, рақслар, ҳажвий чиқишлардан тузилган махсус «Янги йил базми» энг қизиқ паллада, қаҳқаҳа, бақирриқ-чақирриқлар экранни ёриб юборай, дейди. Лекин, биз миқ этмаймиз.

Кўзим Холиданинг кўзига тушиб қолди. У урнидан туришга чоғланаётган эди.

— Ташқарига чиқмоқчи эдим, бемаҳал буп қолди, — деди секин-секин гапириб.

Мен ҳам қўзғолдим.

— Ким ўзи бу? — сўради Холида айвондаёқ.

Елка қисдим.

— Билмасангиз, нима қилиб утирибди?

— Кўчада қувлашганми, кира солиб, эшикни бекитинг, деди. Нима бўлди, десам, ҳеч нарса, деди.

— Бир-бирларингга ёпишиб турувдинглар, шекилли?

— Холи!

— Ким экан бўлмаса? Бирон нарса дедими, узини таништирдими?

— Йўқ-да. Ё қорқизмикан...

— Қизиқ, қочиб киришга бизникидан бошқа жой қуриб кетувдимикан... Яна, бу таманнонинг писмиқлигига куяйми... Ҳали ётиб қоладиганга ўхшайди.

— Ярим кечада қаёққа боради?

— Ёқиб қолдими, дейман?

— Холи! Ахир одамгарчиликданмас-ку.

— Бўлмаса, сўрамайсизми, ким, ярим кечада бу ерга қандай келиб қолди?

— Ўзи индамаса тергов қиламизми, меҳмон ахир...

— Меҳмон эмиш... Эҳтимол...

— Йўғ-е, турқи унақага ухшамайдию...
— Тузуккина-ю, денг...
— Қўйсангиз-чи, Холи. Наҳотки мендан шубҳалансангиз.

— Қайдам, — сал шаштидан тушди Холида. — Меҳмонингиз жуда сирли чиқиб қолди-да.

— Мени меҳмонимми?

— Эшикдан сиз бошлаб кирдингизми, ахир?

— Барибир иккаламизнинг меҳмонимиз. Меҳмон отангдай улуг, дейишади. Сирини очиб қолар, очмаса, эрталаб бир амаллаб сурармиз. Умуман-ку, яхши бўлмади-я, нима қиламиз энди?

— Ажаб бўлди. Менга яхши бўлди, — маъноли кулди Холида. — Юринг энди, тагин меҳмонингизнинг кўнглига ҳар хил гап келиб юрмасин. Жуда кетворган олифтаю, туриш-турмушимизни эрмак қилиб кетмаса бўлгани.

Меҳмон қиз ҳамон тиззаларини қимтиганича паришон ҳолатда телевизор кўриб, тўғрироги, телевизорга қараб ўтирарди.

Экранни қоплаб олган улкан, гулдор нақшли соатнинг таёқчадай узун мили «12» рақами томон залвар билан одимларди. Кекса донишманднинг афсус ва ўкинч билан бош чайқашини эсга туширувчи «чиқ-чиқ» деган нохуш овоз хонада ягона ҳукмрон эди.

Одамзод ажойиб-да, Янги йилни, айниқса, унинг сўнгги дақиқаларида сабрсизлик билан кутади, Янги йилнинг кириб келишидан ўзида йўқ қувонади, лекин бу Янги йил унинг ёшига яна бир ёш қўшиб кетишини, Янги йил бедаво қариллик сари ташланган яна бир йирик қадам эканлигини уйлаб утирмайди!..

Биз ҳам — қорқиз (қани энди қорбобо ва қорқиз ақидаси ҳақиқатга айлансаю, бизнинг камтарин кулбамизга тортинмай қадам ранжида қилган гўзал ва сирли меҳмонимиз чинакам қорқиз бўлиб қолса!),

Холида ва мен — учовимиз Янги йилга, Янги йил саҳросига шу тариқа қадам қўйдик.

Одамлар эски йил билан янги йил ўртасидаги шамолдай тез, суратсиз ва тутқичсиз масофада гуё ниманидир, унутилмас ва муҳим бир воқеа юз беришини илҳақлик билан кутиб, бу воқеа уларнинг ўз ҳаётларида катта бир бурилиш ясаши мумкинлигига, шартлигига комил ишонч билан ўтиришгандай туюлади. Назаримда, шу кеча ана шу масофада фақат соатнинг одатдагидай бир марта «чиқ» деб утишию, дунёвий-тарихий санадаги битта рақамнинг ўзгариб қолиши (эҳтимол шунинг ўзи катта бир ҳодиса, бурилишдир) содир бўлди. Бизнинг тор, шифти пастаккина ижарахонамизда айтарли ўзгариш юз бермади. Холида ҳам, ҳатто қорқизимиз ҳам ўз кайфиятларида турабердилар. Демак, ҳаёт ўз изида, уз маромида, ўз қонуниятларига кўра илгарилайверади.

Телевизорда эса ҳамон ҳамма шод, хушчақчақ эди. Оташин табриклар ва қутловлар яна юксак оҳангли қўшиқларга, оққушона рақсларга уланиб кетди.

Лекин бизнинг гапимиз, суҳбатларимиз барибир қовушадиганга ўхшамайди.

Назаримда, энди биз учун эски йилми, янги йилми — аҳамияти йўқдай эди. Гуё интизорлик ва таҳлика билан кутаётган довонимиздан шундоққина сирганиб ўтиб кетганимизни, ҳатто сезмай ҳам қолган эдик.

— Нима қиламиз, ётамизми? — сўрадим Холидадан.

— Билмадим, — деди Холида меҳмонга назар ташлаб.

— Майли, — деди қиз урнидан тураркан.

У ташқарига йўналди. Холида «бирга чиқмай-сизми?», деган маънода имо қилди. Қўл силтадим.

— Меҳмонга қаерга жой солиб берамиз?

— Турга-да. Уртага — ўзингизга.

— Сиз пойгакка тушиб қоласиз-да.

Бошқачасига ҳеч тўғри келмайди. Мен тўрда ётадиган бўлсам (дарвоқе, биз ҳали каравот деган анжомлар олмагандик, шундоққина ерда ётишга ургангандик), қорқиз пойгакка тушиб қоларди.

Меҳмон кирди. У ётиб олсин, деб ташқарига чиқиб турдим.

Мен бошимни кўрпага буркаб олдим. Лекин ҳаливери уйқум келадиганга ўхшамасди. Холиданинг ҳам уйқуси учганлиги аниқ эди. Аммо у ҳам миқ этмасди. Назаримда, учаламиз ҳам шу кеча тишимизни тишимизга қўйиб, қаттиқроқ нафас олишдан ҳам эҳтиётланиб, бир ёнбошда тонг оттиришга тайёр эдик. Айниқса, Холида киприк қоқмаса керак, деб ўйловдим. Йўқ, тун барибир тунлигини қилар экан...

Алламаҳал уйғониб кетдим.

Ғайриихтиёрий қизиқиш билан бошимни оҳиста кўтариб, сурилиб менга анча яқин келиб қолган, одатича гужанак бўлиб ухлаётган Холида оша нариги ўринга кўз ташладим. Меҳмоннинг усти белигача очилиб қолган эди. У биз томонга хиёл ёнбошлаган кўйи, бир қўлини кўксига қўйиб, иккинчисини ёзганича, худди ўз қадрдон ўрнида ётгандай, қизларга хос назокат билан майин пишиллаб, эркин ва бемалол донг қотиб ухларди. Сочлари болиш билан битта бўлиб кетганди. Пушти ич кўйлагининг заррин тўрлари, томоғи остида ёйилиб кетган маржонлари телевизор устидаги стол лампаси нурида олис юлдузлардай жилваланарди.

Тан олиш керак, у ниҳоятда чиройли ва ёқимли ухлар эди. Шу ётишида «уйқудаги гўзал»ни эслатиб юборарди. Йўқ, қорқиз ҳам, «уйқудаги гўзал» ҳам, фаришта ҳам эмас эди! У — Янги йил меҳмони...

Эрталаб Холида уйғотди:

— Қорқизингиз хайр-маъзурни насия қилиб жуфт-такни ростлаб қопти. — Кечаси ундан аввал ухлаб қолганимга ва шу буйи тунда «уйгонмаганим»га қаноат ҳосил қилган бўлса керак, ё тонг ҳавоси таъсир қилганми, ҳар қалай, Холиданинг руҳи тоза, тетик эди.

Деразадан ташқарига қарадик. Майдалаб, қор ёғар, лекин ҳали бедана қадам, қошиқдайгина этик изларини кўмиб улгурмаган эди.

— Бирон нарсани ўмариб кетмадимикин?

— Ол-а... Умарадиган нарса бўлса ўмаради-да.

— Тавба... — Холида деразани очиб юборди.

Уйга муздай қор шамоли тоза ҳаво олиб кирди.

КЎЗЛАРИ ШАҲЛО

Дарсдан келиб, озроқ мизгиш ниятида энди каравотга чўзилган эдик, эшик мушук таталагандай қитирлади.

— Оббо, кечасини кечаси десанг, кундузиям тинчителишмайди-я. — Тилаб, яна нимадир деб гудраниб, бошини кўрпа ичига буркаб олди. Ижирганиб ўрнимдан турдим.

Остонада ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги дуркунгина қизалоқ турарди.

— Қатиқ оласизларми? — ийманибгина сўради у.

Шундан кейингина полдаги деворга суяб қўйилган жигарранг саватга кўзим тушди. Сават қовун турига ўхшаб чизилиб, бўёқлари порсилдоқ бўлиб кўчиб кетган эди. Яна қизалоққа қарадим. У қўғирчоқнинг ўзгинаси эди. Қуралай кўзлари узун-узун киприклари орасидан порпираб турар, эгри қош, думалоқ юзлари оппоқ, фақат икки яноги пушти лолани эслатар, қалин ва қоп-қора сочлари битта қилиб ўрилганди. Миқти жуссали, тўши хий-

ла буртиб қолган, назаримда, у ёшига нисбатан анчагина бўла эди.

— Қатиқ оламизми, Тилаб?

Тилаб юзини очиб, ётган жойида қизалоққа тикилди.

— Ие, Ақидага ўхшайдими?..

— Синглисиман, — қизалоқ ерга қараб, сандалининг учларини бир-бирига ишқай бошлади.

Тилаб оёқларини пастга тушириб утирди-да, чойшаб билан ўранди. Лекин эгни ялангоч — ҳатто майкаси ҳам йўқ эди.

— Отингиз нима?

Қизалоқ ялт этиб Тилабга қаради ва шу заҳоти яна бошини эгди. Юзлари қизариб кетганди. Тилаб эса одатда росмана етилган қизларга қаратиладиган табассумли нигоҳини ҳамон ундан узмасди.

— Адолат.

— Энди ҳар куни сиз қатиқ олиб келасизми?

— Ҳа, опам турмушга чиқди...

Ортиқ сабрим чидамади. Биринчидан, остонада қаққайиб туравериш ноқулай туюлар, қолаверса, Тилабнинг беодоблигига гашим кела бошлади.

— Нима қиламиз, Тилаб, қатиқ оламизми?

— Ҳа, албатта-да, шундай қизнинг қатигини олмасак бўладими?! Бирмас, иккита оламиз. Жуда шириндир-а, Адолат?

Мен «бас қиласизми, йўқми?», дегандай Тилабга қарадим, у ҳар қалай, қайта ураниб ётиб олди, лекин қизга ҳар куни қатиқ олиб келиб туришини тайинлади.

Қиз кетди.

— Яхши иш қилмадингиз, Тилаб!

Тилаб юзини очди. Кўриниши жиддий тортганди.

— Тинчликми, Алишер? Бирон гуноҳ қилдимми?

— Уялмайсизми, а, ёш болага шунақа гаплар гапиргани?

— Нимаси ёш, тирсиллаб турибдию. Эскиларнинг гапини эшитмаганмисиз, дуппи ҳақидаги... — Тилаб қулимсиради.

— Эскиларни қўйинг-у, замонга яраша иш тутиш керак. Ҳар қалай, бўйга етмаган. Бети очилади. Яна бемалол ялангоч утирибсиз.

— Шу пайтгача бети очилмаган, деб уйлайсизми? Ақиданинг синглиси-да.

— Мен Ақидангизни танймайман.

— Мен жуда яхши танийман. Умуман, сизга ҳайрон бўляпман, Алишер. Жуда ташвиш чекяпсиз, яхши кўриб қолмадингизми, ишқилиб? — Тилаб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Ҳазилнинг ўрни эмас, мен уйига айтиб борса нима булади, деб хавотирланяпман.

— Э, бегам бўлинг, айтмайди. Айтганда-чи? Шундай қизни ётоқхонага — йигитларнинг уясига қатиқ сотиш учун юборган ота-онаси бунақа гаплар бўлишини билмайди, дейсизми?

— Албатта. Улар бизни ўқигани келишган деб ўйлашади, қизларни айлантириш учун эмас...

— Вой-бўй, Алишер, жуда астойдилсиз-ку. Бунақа қизпарварлигингизни билмаган эканман. Нима, бузоқнинг ҳақи бор деб, сут ичмаслик керакми? Э, қўйинг-е. Кўрамиз ҳали ўзлариниям...

Мен Адолатни энди келмас, деб ўйловдим. Бироқ, эртасига яна худди ўша пайтда эшикни чертди — кечагидан дадилроқ чертди. Эшикни очишим билан совун, қатиқ, атирларнинг аралаш ҳиди димоғимга урилди. Юзи кечагидан ҳам тиниқроқ кўринар, сочлари силлиқ ва текис тараб ўрилган — яқиндагина бош ювгани сезилиб турарди.

Адолат ҳар куни у хонадан чиқиб, бунисига кириб юрар, ҳусни ҳам, тили ҳам кун сайин очилиб борарди. Албатта, бизнинг хонамиз олдида кўпроқ ўралашарди. Тилаб иккиси эшикнинг икки кесаки-

сига суянишганича узоқ-узоқ суҳбатлашиб туришарди. Бундай пайтларда одатда Тилаб фақат шалварда булар, аммо Адолат бундан заррача тортинмасди. Мускуллари уйнаб чиққан Тилабнинг келишган сумбати, қоп-қора жингалак сочлари ва ҳамиша билинар-билинмас кулиб турувчи кўзлари, хуллас, жозибадор чеҳраси, хушомадлари қизалоқни узига ром қила бошлагани шубҳасиз эди.

Адолат секин-аста эшикни белгили чертадиган, кейин-кейин эса тақиллатмасдан, бемалол хонага кириб келаверадиган бўлди. Анчагача ишим бўлмай юрдим. Лекин, бир куни Тилабнинг Адолатга ноҳўя қўл чўзаётганини кўриб қолдим. Қиз унинг билагига чирсиллатиб урди, бироқ Тилаб барибир уни чимчилашга уринарди. Бошқа бир куни хонага кирсам, Тилаб уни бурчакка қисиб, белидан гира солиб маҳкам қучоқлаб олибди, қиз бўлса, бошини орқага ташлаб, икки кафти билан Тилабнинг кўкрагидан итарганча, қатъиятсизгина юлқиняпти.

Гапиришга мажбур бўлдим. Ахир бирон кор-қол юз берса... Бошимиз балога қолиб кетади-ку! Унга жин урмаган тақдирдаям Тилабга қийин бўлади. Ёшлиқ қилиб, эҳтиросга бериляпти. Йўқ, олдини олиш керак!

Бироқ, Тилаб сўзларимга қўл силтаб қўя қолди.

— Виласизми, Алишер, унга тегажоглик қилаётган битта мен эмас.

— Бошқаларни қўйинг. Мен сиз ҳақингизда гапиряпман. Аҳир, виждон деган нарса бор...

— Виждон, ҳалоллик десангиз, яшаш жудаям зерикарли бўлиб кетади. Бунинг устига унга мен суркалаётганим йўқ. Ахир хушёқмаса, ўзини тортган бўларди. Кўряпсиз-ку, барибир кунда-шунда. Ғунажин кўзини сузиб турса-ю, тескари қараб кетсак, унда қанақа буқача бўлди. Жа онаси ўпмаган қиз бўлсаям бошқа гап эди. Албатта, сиз мен

учун жон куйдирыяпсиз, раҳмат, лекин бекорга ташвиш тортаяпсиз. Ҳеч нарса бўлмайди. Мана, Ақида тинчиб кетдию... Бунисидан ҳам баттар эди. Ҳзи... уларнинг оиласи сал мунақароқ. Ойиси шаллақи бир хотин. Қизларини мақтагани-мақтаган. Ақлли деб мақтаса майли-я, чиройли, келишган, кетворган, деб мақтайди. Ҳар замонда ҳзиям ётоқхонага келиб туради. Дадасиниям биламан. Пиёниста. Кўпинча бозорда кўраман. Халтасини қўлтиғига қисиб, қурут сотиб юради.

Орадан анча вақт ўтди.

Дарсдан келсам, эшик ичидан берк. Тақиллатдим. Бир оздан кейин очилди. Тилабнинг каравотида ўтирган Адолат тузиб кетган сочларини хотиржам ўрарди. Саросимада қолдим. Тилаб ерга қараганича, кулимсирарди. Адолат мен томон бир қараб қўйдида, ўз ишида давом этди. Хижолат бўлмагани, тортинмагани майли-ку, мени менсимаётгани алам қилди. «Йўқол!» деб юборишдан ўзимни аранг тийиб қолдим. Шу топда у кўзимга катта хотиндай кўриниб кетди, ҳолбуки энди ўн олтига ўтаётган эди... Катта-катта кўзлари нурсизланган, қовоқлари сўлишиб, барвақт етилган мучалари салқилангандай эди.

Орқамга қайтдим. Бироз айланиб келганимда у кетган эди. Каравотга ўзимни ташладим-да, қўлларимни бошимнинг остига чирмаштириб, шифтга қараб ётдим. Тилаб нимадир демоқчи бўлар, лекин ийманар, мазмунсиз тимирскиланарди. Охири бўлмади.

— Мени тўғри тушунинг, Алишер. Энди келмайди.

Дарҳақиқат, у йўқ бўлиб кетди.

* * *

Бир куни трамвайда биров елкамга қаттиқ нуқиди.

— Ҳа, оқаси, жигардан урдими, кўзингни узолмай қолдинг! Ё, умрингда қиз кўрмаганмисан?!

Сочлари елкасига тушган, тақа нусха мўйловли, аммо ўзи келишгангина барваста йигит менга газаб билан тикилиб турарди. Аввалига ҳеч нимага тушунмадим. Унинг билагига осилиб олган, буюқлардан ранг-руйи билинмай кетган жувонга кўзим тушгандан кейингина ўзимга келдим. Уни ё қатиқфурушга ўхшатдим, ё чиндан ҳам ўшанинг ўзи эди.

Йигитнинг гапларидан фақат «қиз...» деган сўзни англадим, лекин бу сўз жудаям эриш эшитилди. Нимагадир хижолат булиб кетдим.

Сунгги имтиҳонга тайёрланаётган эдик. Кимдир эшикни ийманибгина тақиллатди. Очдим. Остонада ун-ун икки ёшлардаги қизалоқ қўлида таниш саватча билан қуралай кўзларини жовдиратиб турарди.

ТАҚИҚ ЧИЗИҒИ

ёхуд қушлар хиёнат қилмайди

*(Ўзбекистон халқ рассоми
Обиджон БАКИРОВга бағишланади)*

Арслонбобнинг ям-яшил майса-япроқларга ҳукми ва заҳри унча ўтмайдиган саратони куз каби беозор, юракни яшнатадиган даражада мулойим бўлади. Ана шундай кунларнинг бирида сервиқор, ҳайбатли қоя-тоғлар пойида зангори гулли улкан гиламдек товланиб, жилоланиб ётадиган бу шинам ва оромбахш водийнинг субҳи содиқдаги сўлим ҳолатларини полотнога туширмоқчи бўлиб боргандим. Асосий нијатим Катта шаршара йўлида туриб, пастдаги қуюқ дарахтзорлар қуршовида ястаниб ётган Арслонбоб қишлогини чизиш эди. Бу жойни бултур кўз тагига олиб, янаги йилга албатта келаман, Худо хоҳласа, деб дилимга тугиб қайтган эдим.

Манзара чиндан ҳам ажойиб, бизнинг тилимиз билан айтганда ҳақиқий картинабоп эди. Катта шаршара томондан — Арслонбоб ота қоялари орасидан улкан машғаладек кўтарилиб келаётган қуёшнинг оч қизил нурлари қишлоқ устидан майин шуълаларини сепиб ўтиб, кун ботишдаги тик тепаликнинг сертош ёнбағрига урилади-да, теварак-атрофга фаворадай парчаланиб кетарди.

Бу ердан Арслонбобнинг ҳамма томони, хусусан мен ранг-тасвирга туширмоқчи бўлган қуйи қисми кафтдагидай кўриниб турарди. Иккинчидан, Катта шаршаранинг бир оҳангда бўғиқ гувуллаб эшитилиши асабларимга ором ва илҳом берарди. Кейин, мен баъзилардай хонада ё овлоқ бир маконда биқиниб олишни ёқтирмайман, аксинча, очиқ, гавжум жойда, одамлар орасида ишлашни, ижод қилишни хуш кўраман. Чунки, асосий ишдан чарчаган чоғларимда ўзимни чалгитиш, тетикланиб олиш, куч-қувват тўплаш учун ўтган-кетганларнинг суратларини шартшурт чиза бошлайман. Бунақа пайтда бир зумда атрофимга одамлар тўпланиб, мени ўраб олишади. Айниқса, қизлар кўп жойда. «Мени чизинг», «мени чизинг», деб оралардан қисилиб ўтиб, менга яқин келишга ҳаракат қилишади. Шунақа дамларда тезкорлик жуда иш беради. Хайриятки, менда шу хусусиятдан кўп бўлмаса-да, ҳар қалай бор. Қўлим-қўлимга тегмайди. Тўғриси, бунақа йўл-йўлакай қоралама сурат чизиб ташлаш мен учун чўт эмас. Кампир шафтолининг данагини ажратгунча бир нечтасини ясаб ташлайман. Энг муҳими, бундай машқ учун кўзнинг қири ўткиру, бармоқлар чаққон бўлиши керак. Бунда мўйқаламни омонат тутиб, ўз йўналишига қўйиб берилади. Лекин ошигич чизиладимми, бошқами, энг муҳими, сурат эгасига ухшаши шарт. Бунинг учун узоқ йиллик тажриба, малака бўлиши лозим расомда.

Уша куни мен асосий ишимни яримталаб, дам олиш ва эрмак учун югуртирма қораламалар чизаётган эдим. Одатдагидай атрофимда йигитлар, катталардан кўра болалар ва қизлар кўп эди.

Мен беш-олти дақиқада бир қораламани эгасига тутиб, эвазига ундан фақат қоғоз пули олардим, холос.

Қорамтир-қизгиш сочлари ўн тўққизинчи аср урфи бўйича қунгироқ қилиниб, елкаларига ташланган, кўзлари ёқимли кўкимтир, юзлари оппоқ, йигирма етти-йигирма саккиз ёшлардаги жувон тўда орасини ёриб ўтди-да, рупарамда қани бир маҳоратингизни кўрсатинг-чи, дегандай жилмайиб туриб олди. Мен ҳам уни беихтиёр чиза бошладим. Сизга суратини чиздираётган кимсанинг алоҳида кўзга ташланиб турадиган, тўғрироғи рассом эътиборини жалб этадиган бир жиҳати бўлса иш янада тез кетади. Бармоқларим шитоб ҳаракатдан тўхтамаган ҳолда, кўзларим аёлни астойдил кузата бошлади ва унинг нигоҳларига рўпара келганда ўзини четга олди, дош беролмади. Жувоннинг қорачигларида ўчмас табассум ва кишини довдиратиб қўядиган, хи-жолатга соладиган сеҳр бор эди, у: кўнглингдагини сезиб турибман, эҳтиёт бул ва ҳаддингдан ошма, дейдиган кўзлардан бўлиб, одамни сергаклантирар ва иккилантирарди. Бу тоифа қорачиглар гавҳари ҳар қанча гаму мусибатни ўз қаърига ютиб, шодликка айлантириб беради ва кўрсатади. Уларнинг асл ҳолати ва моҳиятини кўзнинг туб-тубигача пайпаслаб кўра оладиган шуургина пайқашни мумкин, холос. Бундай кўзларни оддий мойбўёқ ва мўйқаламнинг ўзи билангина ифодалаш мушкул, уларга жигар қонидан, десам лоф бўлару ҳар қалай кўз нури ва юрак қўридан анчагина қўшилиши керак.

Мен шу хилда оёқда туриб чизиладиган қораламаларга нисбатан ортиқроқ вақт сарфладим. Ёқимтой

кўзларни кунглимдагидай чиқара олмадим-у, аёлнинг сиймосини ҳар нечук анча ўхшатдим.

Жувон расмни олиб, раҳмат айтиб кетди. Тугриси, кейин мен уни икки-уч бор (унга ўхшаброқ кетадиган аёлларни кўрганда) эсладиму махсус ўйлаб ўтирмадим. Бизнинг соҳадагиларга ундан ҳам келишган, ундан ҳам чиройли қиз-аёллар кўп учрайди. Қолаверса, худди шу борада рассомлик санъати ҳам шифокорликка ўхшаб кетади: рўпарангизда бўйни, бели, қўл-оёқлари толиб, сиз айтган ҳолатларда соатлаб тик турадиган ё ўтирадиган одамга, хусусан аёл кишига олижаноб касбингиз туфайли сизга иши тушган мижоз сифатида қарашингиз керак. У ҳатто, ялангоч бўлса ҳам. Мабодо ёввойи эҳтиросларингиз гўзаллик қаршисида жўш уриб, кўнглингиз суст кетган тақдирда ҳам ўзингизни тия олишингиз, бебош туйғуларингизни жиловлай билишингиз шарт. Шундай қилиб, магриблик бу соҳибжамол аёлни ҳам бошқалар қатори унутиб юборган эдим. Тахминан уч-тўрт кундан кейин бирдан яна қаршимда пайдо бўлиб қолди. У одамлардан четроқда менинг машгулотимни жимгина, ўша мен таърифлаган нигоҳлари билан кузатиб турганига кўзим тушиб қолди. Унинг расм чиздириш ҳавасмандларининг камайишини, менга нимадир демоқчилигини сезиш қийин эмас эди. Бу ҳам таниш ҳолат: суратини ҳафсала билан, каттароқ, яхшироқ ишлаб беришимни илтимос қилади.

Нигоҳларимиз беихтиёр саломлашди. Гузал аёл маҳтал бўлиб кутаётганини сезган эркакда гурур деган бир қайсар туйғу ўзлигини намоён этгиси келиб қолади... Мен машгулотимни шошилмай давом эттиравердим. Вақт кечикиб, намозгарга яқинлашиб қолганлиги учун одамлар сийрак эди. Сунгги ҳавасмандни ҳам чизиб битирдим-да, этюднигимни йиғиштира бошладим. Биринчи бўлиб менда ишин-

гиз бормиди, дейишни ўзимга эп билмай турувдим, аёл ўзи яқинлашиб, салом берди. Мен алик олиб, унинг кўзларига саволомуз қарадим.

— Мени суратимни... кийимсиз чизиб беролмай-сизми? — деди жувон худди биров эшитиб қоладигандек шивирлаб.

Тўғриси, бундай кутилмаган таклиф ногаҳонда бир бўлади. Лекин боя айтганимдай, табибга ухшаб, биз ҳам ўз касбимизга дахлдор илтимосни рад этмаслигимиз керак.

— Майли. Ҳозирми? — дедим қизиқчилик учун этюдникни қайта очмоққа тутиниб. Аёл кулиб юборди.

— Зўрга турасиз экан-да.

— Менга иши тушган одамнинг ҳожатини дарров чиқарсам дейман.

— У, саховатпешаман, денг.

— Ҳаммагаяммас. Сиздай соҳибжамоллар бунақа илтимос билан камдан-кам мурожаат қилишади. Қолаверса, мен ўз соҳамни жуда яхши кўраман.

— Кеч бўлиб қолди-ку, — деди менинг ҳазиллашаётганим ё жиддий гапираётганимни англашга қийналган жувон саросималаниб.

Менинг эса шайтоним қўзиб қолган эди.

— Кечки шафақда аёл кишининг бадани янада жилоланиб, жозибали бўлиб кўринади, — дедим ярмидан кўпроги тоғ ортига беркиниб улгурган, бир карч тарвуздай қип-қизариб турган қуёш томонга ишора қилиб.

— Ҳар қалай, ҳозир эмас, кейин, албатта, бунақа, кучадаяммас... — деди мижозим жиддийлашиб.

Лекин, ажабки, унинг ўзи, сўзи жиддийлашса-да, кўзи кулиб турарди.

— Яхши, буюринг, хоним, қачон, қаерга? — мен шундай деб дўппимни қўлга олиб, гарбча таъзим қилдим. Аммо, бу қилигимнинг беўхшов чиққани ва

узимга ярашмаганини сезиб кулиб юбордим. Жувон кулмади.

— Эртага. Мен турбазада тураман, — деди у боши билан йўлнинг юқори томонига имо қилиб. — Еттинчи хона. Фақат, мавридини сиз белгиласангиз... Сурат қайси маҳалда яхши чиқади — ўзингиз биласиз... Исми Вера.

Менинг ёдимга лоп этиб Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» асари тушди. Унинг шикаста дили оташин муҳаббатга тўла қаҳрамони Вера билан қаршимда турган паривашни хаёлан қийслаб бошладим ва чиндан ҳам уларнинг ташқи кўринишларида, биринчи галда ложувард кузларида бир қадар ўхшашликлар топгандай бўлдим. Лермонтов Вераси эрига вафосиз бўлса-да, ўз суйганига, севгига садоқатнинг ажойиб тимсолидир. Бу Верани эса... билмадим. Нигоҳлардан инсон қалбини, бутун номаи аъмолларини ўқиш, унинг тақдири ва келажаги ҳақида башорат қилиш менинг қўлимдан келмайди.

Мен эрталаб асосий ишим — тонгги. Арслонбоб кўринишларини чизишни давом эттиришим зарур эди. Пешиндан кейинга, соат тўртга ваъдалашдик.

Эртасига келишилган вақтда этюдникни қўлтиқлаб, турбаза томон кетар эканман, тўғриси, онгимда турли қарама-қарши фикрлар, мулоҳазалар ўзаро жанг қиларди.

Одам боласи шунинг учун ҳам фаришта булолмайдики, у кўзга ўқловдай ташланиб турмайдиган, аксинча, саробдай жимирлаб, мўлжалдан чалгитадиган тақиқ чизигини билибми, билмайми, хоҳлабми, хоҳламайми босиб қўйганини гоҳи ўзи ҳам пайқамай қолади.

Мен кечаги пойма-пой ҳазилларимни эслаб, унгайсизландим. Нима деб ўйладийкин? Қандай тушундийкин?.. Нотаниш, синалмаган аёлга суюқ эркаклардай муомала қилганимдан уялдим, хижолат

булиб кетдим. Булар-булмасга тилимнинг богичи ечилиб кетавермас эди, ҳайронман, кеча нимага ўзимни бунчалик бўш қўйиб юбордим. Ҳойнаҳой, бунга асосан жувоннинг дадил боқувчи ва дадилликка ундовчи шўх кўзлари, суҳбатга тез киришиб кетадиган феъли очиқлиги сабаб бўлди, шекилли. Кейин менда ғарб аёллари ҳар қанча ҳазилни кутараверади, деган тушунча бор.

Менга Веранинг таклифи, ҳатто ўзи ҳам негадир сирли туюла бошлади. Унга яланғоч сурат чиздириш нега керак бўлиб қолдийкин? Уйига олиб бориб эри, болаларига қандай кўрсатади? Ё яшириб ўзи кўриб юрармикин? Ё бировга совга қилармикин? Йўғ-э... Ё ҳеч кими, тергайдиган, койийдиган одами йўқмикин? Сўққабош, бевамикин? Шундай келишган, рисоладагидай аёл-а... Наҳотки фарзандлариям бўлмаса?.. Бадани жуда чиройлимикин? Шундай бўлган тақдирдаям, кимга кўз-кўзлайди, ўзигами?.. Одатда расм чизишга кийимсиз туриб берадиганларга ҳақ тўланади... Узоқдан келган бўлса, пулга зориқиб қолдимикин?.. Бунақаяммасдир. Кийимлари кетворган, бўйнида йўгон олтин занжир. Ё нияти бошқачароқмикин?..

Мен ўзимнинг тақиқ чизигига яқинлашиб қолаётганимни бирдан сезиб қолдим. Фикримни чалгитиш ва турли бўлмағур хаёлларни қувиш учун «Астағфирулло»ни такрор-такрор айтиб, қадамимни тезлатдим. Дарвоқе, яланғоч расмини чиздириш учун ўз хонасига таклиф қилиш ҳодисаси менинг ҳаётимда биринчи марта содир бўлмоқда эди. Ёш, жонон бир аёл бўлса... хом сут эмган банданинг тамагир кўнглидан нималар кечмайди, дейсиз.

Еттинчи хона эшигини тақиллатдим. Эшик дарҳол очилди ва остонада Вера кўринди. Саломлашгач, «мен, ҳозир...» деди-да, эшикни ёпиб кириб кетди. Уч-тўрт дақиқадан кейин яна остонада пайдо бўлди.

Вера етовида кичкинагина даҳлиздан ўтиб, чоғроққина хонага кирдик. Хона жиҳозлари турбазанинг ўзи каби камтарона, яъни ғарибгина эди: рўпарада бир кишилик каравот, унинг бош томонида, дераза тагида тумба ва пойгак тарафда бир жуфт суянчиқли оддий курси бор эди, холос. Буёқлари кўча бошлаган пол эса шип-шийдам эди.

Тумба ёнида дераза рафига орқаси билан суяниб турган буйчан ва хипча, бугдой юзли, тундгина қиз мен билан қандайдир лаҳжада — узбекча билан тожикча аралаш шевада чучмалгина саломлашувди, ҳайрон булдим, мен уни узбек деб ўйловдим.

— Танишинглар, Фарида, — деди Вера менга одатича боши билан қиз томонга имо қилиб.

Табиийки, бу ерда таомил оврупача эди: чой-пойга таклиф, деган маънода. Албатта, мен ранжимадим ва дарҳол ишга киришиш учун этюдникни тумба устига қўйиб, ундан қоғоз, мўйқаламни олдим. Курсиларнинг бирини Верага, иккинчисини ўзимга мулжаллаб қўйдим.

— Утиринг, — буюрдим Верага. У мен кўрсатган курсига утирди. Мен ҳам жойлашиб, альбомни тиззамга қўйдим.

Фарида (мен кўз қирида кузатиб турдим) сассиз юриб халати билан каравотга чиқди, деворга қараб (бизга орқа қилиб) ётди-да, чойшабга ўраниб олди.

«Қоровул», — деб қўйдим ичимда.

Мен Вера боя халат кийиб чиққанида кўйлагу бошқа ич кийимларини ечиб қўйган бўлса керак, мана ҳозир халатни шундоқ елкасидан туширса, бас... деб ўйладим. Вера назаримда менинг буйругимни кутиб ўтирарди. Чиндан ҳам, «қани халатни ечмайсизми», дейишга тўғри келди.

Вера халатни оҳиста ечди-да, уялгансимон бошини эгиб, қўлларини ёнига туширди.

У қип-яланғоч эмас эди: эгнида чумилганда кийиладиган, баданидай оппоқ либос бор эди. Нимага

энди пляжда ишлатиладиган матони хонада тутиб олдийкин? Ё анча иболи экан, деб ўйласин, дедимикин.

— Анавиларниям ечасизми? — сўрадим узимни сипо тутишга ҳаракат қилиб. Кап-катта қизнинг пойлоқчиликка ёлланиши, Веранинг ўзи яланғоч сурагимни чизиб беринг, дея илтимос қилиб, бундай чала ечиниб ўтириши... мени калака қилишаётгандай туюлди. Мен, албатта масалага касб, санъат нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда ўйлаяпман. — Фурсатни ўтказмайлик, сизга икки соат вақт ажратганман, холос, — деб писанда қилиб қўйдим.

— Шундай чизаверинг, уяламан, — деди Вера менга ботинмайгина қараб.

Дарҳақиқат, оппоқ тиниқ елкалар ва тирсак юқорисидаги мушаклар, бежирим болдирларнинг мутаносиблиги, бўйин остининг кенг ва латифлиги жувоннинг келишган, жозибали бадани ҳақида бир қадар тасаввур уйготарди. Лекин чизиладиган нарса ё инсон, айниқса натурадан нусха кучириляётганда, қайси ҳолат ё қиёфадалигидан қатъи назар, аслига мумкин қадар монанд чиқмоғи учун тасаввур жуда аниқ бўлмоғи, бунинг учун эса ўша нарса, қиёфа ё вужудни ниҳоятда синчковлик билан кузатиб ўрганмоқлик, гўё аҳамиятсиздай туюлган ҳар бир белги, доғ ё холнинг ҳажми, шакли-шамойилию тусигача эътибордан қочирмаслик лозим. Бу рассомлик санъатининг бош талабларидан бири.

Айни дақиқаларда рассомлик нуқтаи назариданми ё шунчаки йигит киши сифатидами, Веранинг баданини тўлароқ, очиқроқ кўргим келаятган эди. Вера ўзига яраша ўжар экан. Қолаверса, кўнглига чиндан ҳам бошқа хаёл келмасин деб ортиқча қистамадим. Ахир, расмини қанақа ҳолатда чиздириш узининг ихтиёри-да. Менинг вазифам мижознинг кўнглига қарамоқ, буюртмасини адо этмоқдан иборат.

Расмбоп ҳолатни вужудга келтириб олиш ҳам анча инжиқ, машаққатли юмуш. Бу борада сураткашлардан қолишмаймиз: мижознинг буртиб куринадиган ўзига хос аъзо ё белгисини, жиҳатини топиб олиш зарур. Исталган бу нуқта (деразадан тушаётган ёруглик ҳам айнан ана шу жойни ёритиб туриши керак) қайси томондан аниқроқ, яхшироқ куринади — рупараданми, чап ёнбошданми ё ўнг тарафданми — худди жоду қилаётган сеҳргардай мижознинг атрофидан бир неча марта айланасиз. Мижозингиз сизга жовдираб, амрингизга мунтазир бўлиб қараб туради. Уни ўз ҳолига қўймайсиз:

— Мушакларингизни бушаштириб, эркин ўтиринг, курсининг чекароғига жилинг, чап оёгингизни ўнг оёгингиз устига қўйинг, йўқ, ундай эмас, болдирдан пастроққа, тўпиқ устига, ҳа, ана шундай... тиззаларингиз ёнма-ён, текис, лекин ораси бир кафт сиққудай очиқ турсин, бошингизни хиёл орқага ташлаб, сочларингизни бир силкиб юборинг, иягингиз, кўкрагингизни сал олдинга чиқаринг, чап қўлингизни ёнбошингизга тушириб, орқароққа, яна жиндай, курси четига омонат муштча қилиб қўйиб олинг. Гавдангизнинг белингиздан тепа қисмини ўннга нимчорак ўгиригиз, кўзингиз менда турсин. Яхши. Мана шу ҳолатда ўтирасиз. Гапириш мумкин, лекин вазиятни бузмасдан...

Ишга тушиб кетдим. Хона жимжит. Мўйқаламининг оппоқ қоғоз юзига беозоргина суркалишидан чиқаётган овоз бор, холос.

Фарида дегани ўша ётганича миқ этмасди. Ҳатто, нафас олганиям эшитилмайди. Назаримда бизнинг гапларимизни жон қулоғи билан тинглаб, тингшаб ётарди.

Мен жувон расмини чизишга астойдил киришдим, деб ўйладим-у, лекин негадир бутун шуурим у вужудим билан берилиб кетолмаётганимни се-

зиб турардим. Нимадир етишмаётганга ўхшарди. Кузларимга чўмилиш либоси парда янглиғ урилиб, хаёлимни чалгитар, шунданми, илҳом паримнинг қовоғи солиқ, унинг кўринмас, нозик бармоқчалари қаламимни тутиб қолаётгандек эди. Мен нимагадир бу соҳибжамол аёлда қандайдир сир бўлса керак, деб ўйлардим.

Ҳарқалай, ўша парда тўсилган жойга етганда тўхтаб, жувонга қараб кулимсирадим.

— Менга қаранг, Вера, сиз вужудингизнинг энг гузал, энг жозибали булагини, рассом учун энг муҳим қисмини яшириб ўтирибсиз. Бу билан сиз мени бир санъаткор сифатида, қанчалар ҳузур-ҳаловатдан, иштиёқли илҳомдан бенасиб қилаётганингизни қўйиб турайлик-да, масалага жиддий ёндошайлик. Ахир сизнинг келишган қоматингизни, суқсурдай баданингизни имкони борича, қобилиятим етганича мукамалроқ, чиройлироқ қилиб чизишим керак-ку. Мени сираям ишим чиқмаяпти. Биз рассомларнинг бурчимиз — гузалликни тўла-тўкис кўрсатиш... Бунақа чала-ярим ижод менга ёқмайди.

Вера янада ширин жилмайиб, киши дилига озор бермайдиган бир мулойимлик билан бош чайқади.

Энди қаттиқроқ ҳужумга ўтишга қарор қилдим. Ростдан ҳам, агар жувон мен айтгандай турса яхши бир асар яралиб қоладигандай туюлиб, шу туйғу менга тинчлик бермай қўйган эди. Мен анави, ўликдай гумдон бўлиб, тўғрироғи жосусдай писиб ётган қўриқчидан андиша қиляптими ё ҳадиксираяптими, деб ўйладим ва ёмон ниятим йўқлигини англатиб қўйиш керак шекилли, деган фикрга келдим.

— Сиз ўйламангки... Мен рассомман, — дедим овозимни атай сал кўтариб, — сиздақаларни кўп кўрганман, уларга кўникиб кетганман. Назарим анча тўқ. Сизни ўзингиздан кўра, ўша, яшириб турган жисмингиздан кўра менга чизаётган расмим муҳимроқ.

Сизнинг танангиз менга бир натура сифатида керак, холос... — Шундай дейишга деяпману, менинг гарб жентелменларига нохос дагал, думбул гапларим, ҳали мен билан сирдош бўлмаган навжувон, гурурли бу аёлнинг иззат-нафсини огритмаяптимикин, деган иштибоҳ кўнглимдан утяпти. Лекин энди ортга чекиниш ҳам мумкин эмас, мен учун бу субутсизлик, тилёгламалик бўларди.

— Қолаверса, — деб давом этдим, — мен сўраганим йўқ, ўзингиз илтимос қилдингиз. Мени бошқа ишларим ҳам кўп эди. Бунақа дарди ҳалила суратларни чумилиш соҳилларида истаганча чизишим мумкин.

— Эрим ўлдиради мени, — деди жувон шивирлаб. Овозининг эркаланувчи оҳангидан ранжимаганини пайқаш мумкин эди.

— Эрингиз борми? — сўрадим мен ҳам паст товушда.

— Бу ёқларда сандирақлаб юришимдан боши очиқ бўлса керак, деб ўйловдингизми?

— Сизни эркин қушга ўхшатувдим.

— Ҳар қандай эркин қушнинг ҳам ини, жуфти бўлади. Лекин қушлар хиёнат қилмайди.

— Ҳаммаси эмас... Қанақа қушлигига боғлиқ. Кейин сурат чиздириш хиёнатга кирмайди ҳам.

— Бегона эркакка яланғоч баданини курсатиш хиёнатмасми? Сизлар номаҳрам дейсизларми?

— Менимча бу кўнгилга, ниятга боғлиқ.

— Ўзингизниям, мениям кўнглимиз, ниятимиз тўгрилигига имонингиз комилми?

Мен бир лаҳза иккиланиб қолдим. Ўзим учун-ку жавоб беришим мумкин, лекин танимаган, синамаган бу жувоннинг ниятию кўнглини қаёқдан билай... йўқ, дейиш яна қизиқ...

— Мен рассомман. Ҳамма нарсага санъат нуқтаи назаридан қарайман.

Вера секин «пиқ» этиб кулди.

— Бир гап келди-ю, айтсам хафа буласиз-да...

— Айтаверинг, хафа булсам нима? Сиз билан кейин кўришамизми, йўқми...

— Аёлларга ҳам ҳамиша шу нуқтаи назар билан қарайсизми, демоқчийдим.

Мен у дилидагидан бошқачароқ гап айтди-ёв, деб ўйладим.

Жавобга ҳайрон бўлиб турувдим, аҳволимни сизди шекилли, гапни бурди:

— Тасаввур қилиб чизавермайсизми...

Демак, у анча бўшашибди.

— Тасаввур қилиб чизишим мумкин, лекин унда умумий — ҳамма қатори бўлиб қолади, — тушунтира бошладим оҳиста, хотиржамлик билан, айна чоқда ташаббусни қўлдан бермаслик учун. — Сизнинг расмингиз, яъни вужудингиз бошқаларникига ўхшамайдиган бўлиши керак... Аслидаям шундай... Ақалли бир кўриб қўйсам ҳам майли, — дедим талабни вазиятнинг йўналишига қараб юмшатиб.

Кейин мен эсимга тушса, «ўшанда нима хаёл билан жувонни шунча қистаб туриб олдим-а? Фақат расмини чизиш учунмиди...» деб анчагача хижолат бўлиб юрдим.

— Жуда ўжар одам экансиз, — деди Вера қўлларини елкасига олиб бораркан.

— Мен рассом сифатида қайсарлик қиляпман холос, ўз ижодимнинг яхши чиқиши учун ташвиш чекиш — бурчим.

Вера иккилангандай яна тўхтаб қолди ва бирров каравотга қаради.

Дарвоқе, пойлоқчи аллақачон донг қотиб ухлаб қолган, устидаги чойшаб сирғалиб, ярми пахта тушиб кетган эди. Қалин қора сочлари ингичка бўйнига ўралиб қолганди. У ёқимсиз пишиллаб, қийналиб нафас оларди: муъжазгина бурун катакларининг тора-йиб-кенгайиши шундоққина кўриниб турарди. Буям

етмагандай, бояқиш қошиқдайгина огзидан ҳам ҳаво тортарди. Бурни ичида ўсма булса керак... Уриндаги ҳолати, қиёфаси фэйзсиз бу жононча, афтидан, қуш уйқу эмас, тош уйқучилар тоифасига мансуб эди.

Вера енгил бир ҳаракат билан либос богичларини елкаларидан салгина туширди, менинг нигоҳим керакли манзара ва тусни илгаб улгурмай, яна қўллар кўтарилиб, богичлар жойига илинди. Ҳар қалай тасаввурим озгина бўлса-да, ойдинлашди-ку, деб таскин бердим ўзимга.

Инсон боласи, хусусан санъаткор бокираликни улуглайди, орзу қилади, лекин баъзан ўз эътиқодига қарши бориб, билибми, билмайми бокира булмаган нарсаларга ҳам талпинаверади. Мен бу гапларни ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб эмас, умуман айтяпман. Қораламани тугатдим. Лекин, барибир ундан кўнглим тўлмади. Мен буни бошдан фикр-хаёлни бир жойга жамлаб ишлолмаганимдан, орада бир неча бор чалгиганим, кайфиятим торларининг созидан чиқиб кетганидан ва тасаввуримнинг чалалигидан кўрдим. Қолаверса, либос ёпиб турган бошқа жойларни, хусусан инсон танасини тўлақонли кўрсатадиган бел, киндик атрофларини ҳам хаёлан чизган эдим.

— Мана, — дедим суратни Верага курсатиб. — Имоним комилки, қогозга ҳусну малоҳатингизнинг эллик фоизи ҳам тушмади. Мен сизни худди парда орқасида туриб чизгандай бўлдим.

Шу пайт каравот гичирлаб қолди.

— Менимча ёмон эмас, — деди аллақачон халатни елкасига ташлаб улгурган Вера суратни қўлига олиб ўз аксига бир қадар хижолат бўлиб боқаркан, — ишингиз чиқмаган бўлса, кейин давом эттирамиз, — деб қўшиб қўйди қарийб пичирлаб, энди гапниям бас қилайлик, деган маънода.

Мен ашқол-дашқолларимни йигиштира бошладим.

— Расмни қолдирайми ё олиб кетаверайми?
— Билмадим...
— Олиб кетақолай, яна анча-мунча ишлов берарман.

— Майлингиз.

Тезгина хайрлашиб, ташқарига чиқдим, эркин нафас олдим. Тор, кун яхши тушмайдиган хонада қадалиб ўтиравериб диққинафас бўлиб кетган эканман.

Йўл-йўлакай ўйлаб боряпман: икки соат оғзидан нафас олиб, тош қотиб ухлаган «қоровул», Веранинг эри, қушлар ҳақидаги гаплари, ўзи илтимос қилиб, яна ечинишга тархашлик қилишларида қандайдир сир бўлиши керак, деган тахмин онгимга ўрнашиб улгурган эди. Ана шу фараз боисми, бошқа сабабми, турбазанинг еттинчи хонасида нотайин бир илинжим қолиб кетганга ўхшаб туюларди.

Тақиқ чизигини босиб қўймадимми, деган хавотир эса кўнглимни гаш қиларди. Мен рассомман, мен фақат ижод қиламан, санъат асари яратаман. Аёл эса, мени хонасига расмини чиздириш учун таклиф қилган, холос. Мен — рассомман, тамом, бошқа ҳеч қандай гап ё хаёл бўлиши мумкин эмас, дердим ичимда қайта-қайта...

Мана шундай вазиятларда гоҳо била туриб тақиқ чизигини босиб ўтишга тўғри келиб қолади: кийимсиз номаҳрам аёлга назар солмоқликнинг ўзи гуноҳи азим. Лекин холис ният, касб тақозоси билан бўлса... Тўғриси, бу жуда мураккаб ва машаққатли жараён, ўзаро ички беомон курашлар жараёни. Эркак зоти ҳар қанча қатъиятли, тақводор, холис ниятли, кўравериб кўзи кўниккан бўлмасин, касби тақозоси биланми, бошқами, аёл кишининг, Тангри томонидан буюк бир сеҳрли ва сирли мўъжиза сифатида яратилган бу гўзал мавжудотнинг нафис вужудига нигоҳи тушган лаҳзаларда хаёлининг қай

бир бурчида ўзи истамаган ножоиз, тийиқсиз бир иштиёқми, ҳавасми гимирлаб қолиши эҳтимол. Бундай саросимали ҳолатдан ўзни бутунлай узоқ ва холи ҳисобламоқлик ҳақиқатга бир мунча хилофдир. Инсон онгига, ақли-идрокига буйсунмайдиган ҳиссиёт деган олифта, кажбахс бир туйғу борким, у саратонда харсангни ёриб чиққан ажриқдан ҳам жангарироқ, қудратлироқдир ва ҳар бир ҳужайра, ҳар бир томирни селпиб ўтиши мумкин. Ҳар қандай савобу гуноҳ ишларнинг, эзгулигу ёвузликларнинг, муҳаббату нафратнинг ташаббускори ва тарғиботчиси энг аввало кўз, кейин сўздир.

Ўша яширин, тизгинсиз кучга, асов галаёнга бас келмоқлик, олишувда поклик ҳимоячиси ирода ва имоннинг голиб чиқмоғи, бу — бошқа гап.

Аксарият рассомлар бундай қалтис, таранг аҳволга, менимча, аёл ечина бошлаган гулувли чоғда тушади-ю, қўлидаги мўйқалам ҳаракатга келгач, гирдобдан чиқиб, ҳушига, узлигига қайтади ва енгил тин олади (назаримда уни навбатдаги гуноҳга қўйилажак қадамдан илоҳий куч асрайди). Одатда, бундай пайтга нисбатан «имони устун келди» деган ибора ҳам қўлланади. Бу баҳсталаб таъбирни уйлаб кўриш керак: имонли дегани, ҳар қалай, ҳамма нарсадан тақво қилмоқ, чекинмоқ дегани эмасдир. Ахир эркагона гурур, йигитча шиддат деган тушунчалар ҳам бор... Албатта, булар менинг шахсий мулоҳазаларим...

Ижара уйимда Веранинг ярим ялангоч суратини мойбуёқда катта қоғозга кучиришга ҳаракат қилиб кўрдим. Лекин, бу иш ҳали чала, деган ҳардамхаёллик иштиёқни бўғиб турарди. Қанча уринсам ҳам бу фикр миямдан ҳеч чиқмасдан туриб олди. Бошладим-у, қўлим узидан-ўзи тўхтаб қолаверди. Шундан кейин қораламанинг ўзига қайта ишлов

беришга киришдим. Либосли жойлардан юқори ва қуйи қисмларни анча эпақага келтириб қўйдим. Либос ўрнини ишлашга жўрттагами, қайсарлигим тугибми, ҳафсала қилмадим, қўлим ҳам бормади.

Тугрироги, мен гўё мураккаб сюжетли хаёлий бир қисса ўқиётган эдим-у, қизиқ жойида тўхтаб қолдим. Асарнинг давоми, хотимаси фавқулудда гаройиб, кишини кучли ҳаяжонга соладиган воқеа билан тугаши керак...

Белгиланган вақтда яна турбазанинг еттинчи хонаси эшигини қоқдим. Эшик бир оз ҳаял билан очилди. Верани кўриб кўзларимга ишонгим келмади: унинг юзлари оловдай ловулар, ўзига обдан оро бергани шундоққина сезилиб турарди: қош-кўзларини бежирим қилиб қорага бўяган, бу ранг оппоқ юзи ва каштан тусли сочлари билан ғалати, юракни жизиллатадиган уйғунлик касб этиб, аёлнинг ҳуснига ҳусн қўшиб юборган эди. Ундан қимматбаҳо ширин атир ҳиди гупиллаб уфурарди. Эгнидаги, ўтган галгидан бошқа, сафсар гулли, таги ҳаво ранг халат жуда ҳам ярашиб, уни яшнатиб, ёшартириб турарди.

Хонага киргач, ҳайратим яна ортди: муъжазгина столга (уни қўшнилардан олиб чиққан бўлса керак) камтарона, лекин шинам дастурхон тузалган эди. Қизил олма, тоғ ёнғоғи, қуртоб... Қисқаси Арслонбобнинг мева-чевалари... Ўртада бир шиша коньяк ҳам бор эди. (Ўтган сафаргининг ҳиссасини чиқармоқчи экан-да, деб кўнглимдан ўтказдим.) Стол ёнига рўпарама-рўпара иккита курси қўйилганидан дастурхоннинг бир жуфт одамга мўлжаллангани аён эди.

— Ўтиринг, — Вера мени турдаги курсига таклиф қилди. Унинг лабларию кўзларида ҳуркак бир табасум жилва қиларди.

— Нима муносабат билан? — сўрадим ўтира туриб.

— Бугун менинг тугилган куним.

— Табриклайман, — дедим жойимдан қайта қуз-галиб, ноз-неъматлар оша Верага қўл узатиб. — Утган гал айтмабсиз. Қуруқ келибман.

— Чизган расмингиз энг катта совга... Манави шишани очамизми?

— Очамиз, — мен коньякни шитоб очдим-да, ик-кита пиёлага булбулнинг кўз ёшидай қуйиб, бирини жувонга узатдим.

— Бахтингиз учун. Гузаллик сизни умрбод тарк этмасин...

Тилимга шундан бошқа сўз келмади.

— Яхши тилагингиз учун ташаккур, — бош иргади Вера.

Мен қадаҳни лабимга теккизиб, қуйиб қуйдим.

— Ичмайсизми? — сўради Вера ҳайрон бўлиб, кейин кулимсираб давом этди: — ё оқидан кетармиди?

— Йўқ, мен асли ичмайман, чекмайман...

— Учинчисиям қўшилса, фаришта бўласиз-қўясиз экан... Узр, ҳазил... Ичмасангиз қандай илҳом келади? Ижодкорларнинг аксарияти хуш кўришади-ку буни?

— Мен илҳомни сизга ухшаган соҳибжамоллардан оламан.

— Кийимсиз ҳолатдами? — мугамбирона жилмайди аёл.

— Иккала ҳолатдаям, — жавоб бердим қиёфамдаги жиддиятни ўзгартирмай. — Айтгандай, шахсий қоровулингиз куринмайди?

Жувон мен учратгандан бери биринчи марта шарақлаб, садаф тишларини кўрсатиб кулди.

— Ким айтди уни сизга мени қоровулим деб?..

— Айрим воқеа-ҳодисалар изоҳсиз ҳам англаши-лаверади, — дедим совуққина ва аёлнинг ажабланишига парво қилмагандай, маъдан сувдан ҳўпладим.

— Ҳушёр экансиз, — таслим бўлди Вера.

— Буни билишга ҳушёрликнинг ҳожати йўқ, энг ибтидоий фаҳмдан бир чимдим бўлса кифоя, — дедим қўлим баланд келаётганидан ҳаволаниб. Ғалабани мустаҳкамлаш учун яна ҳужумга ўтдим: — менга ишонмагансиз-да, а?

— Ана энди оширвордингиз, — деди Вера менга астойдил тикилиб. — Дастлабки фаразингиз тўғри: Фариданинг қоровуллик хизмати йўқ эмас (бунинг учун у эҳтимол ҳақ ҳам олар), лекин ўша куни у меҳмон эди. Мен расм чиздиришни бошқа кунга қолдиришим мумкин эди, овора қилсам, хафа бўласиз, деб уйладим. Фаридага сизнинг келишингизни, тўғрисини айтдим. У мен халал бераманми, деб суради. Ҳа, десам бошқача хаёлга бориши мумкин эди. У қайнсинглим бўлади.

«Эҳ, аёллар аёллар...»

— Қайнсинглим?!

— Ҳа, ҳайрон бўляпсизми? Эрим мусулмонлардан, форс.

— Ҳм-м... гап бу ёқда денг. Эрингиз рашк қиладими?

— Ўлгудай.

— Сизга қийин экан. Умуман, чиройли хотинларни ўзигаям, эригаям қийин. Ҳамдардлигимни қабул қилинг.

— Ҳар қалай осонмас, лекин кулманг. Сиз осиеликлар барингиз ҳам кўп масалада бир-бирингиздан қолишмасангиз керак.

— Яъни, феодал демоқчимисиз?

— Чиндан ҳам сиз фикрни тез илгаркансиз. Ҳавасим келяпти... Хотинларингизни қаттиқ тутишларингиз ёлғонми? Лекин, узларингиз остонадан ўтибоқ буйдоқ ё сўққабош «булиб» оласизлар.

— Сизга ўхшаганларнинг кўзи тегиб, сал қолувди умумий ашулага қўшилиб кетишимизга.

— Ҳаммаси қайта жойига тушди, деб уйлаяпсизми?

— Қафасдан чиқиб кетган қушни осонликча тугиб бўлсиз, демоқчисиз-да. Гумонингиз тўғри, лекин энг муҳими бу борада «тараққиёт» тўхтади деб, ҳисоблаш мумкин. Бутунлай тўхтамаган бўлсаям, ҳар қалай секинлади, бу «жараён» аҳоли ўсишидан орқада қолсаёқ марра бизники... — қарасам, гап чуваланиб кетадиган, энди амалий ишга ўтсак ҳам булар, дедим.

— Ҳеч нарса емадингиз?

— Едим, раҳмат... Ўзингиз-чи? Ичмадингиз...

— Мен ҳам ичмайман. Сизни меҳмон қилмоқчийдим, холос.

Стolni кўтариб, хонанинг бир бурчагига жилдирдик-да, курсиларни ўтган галги жойларига қўйдик.

Мен «ечиниб туринг», дедим-да, ўзим тескари қараган кўйи дераза тоқчасидаги этюдникдан нарсаларни ола бошладим. Мен жувоннинг вужуди ҳар қанча жозибали бўлса ҳам, ҳайратимни, ҳаяжонимни сездирмаслигим, умуман ўзимни босишим керак, деб ўзимга-ўзим аҳд қилардим.

Ўгирилдим. Вера бир кафтини чап кўкси остига, иккинчисини тахминан жигардан пастроққа қўйиб беркитиб турарди.

Яна нима майнавозчилиги экан бу, деб уйладим-да, қўлларингизни олиб, ўтган сафарги вазиятга кириб ўтиринг, дедим.

Бугун ўз феълимга ажаб танг қоляпман. Ҳеч қачон бунча узоқ вақт жиддий ва совуққон бўлиб туролмасдим. Умуман, совуққонлик табиатимга ёт туйғу эди. Образга жуда киришиб кетган актёрга ўхшайман, деб кўнглимдан ўтказдим. Бунақа кайфият билан қандай расм чизаман, ҳайронман. Келаётганда шахдим бутунлай бўлакча эди. Қачон, нимага шунақа бўлдим ўзи? Аёлнинг ўзига ортиқча оро бергани салбий таъсир қилдими ё эркаклар тўғрисидаги

аччиқ мулоҳазалари гашимга тегиб қўйдими... менимча, у ҳаммас, бу ҳаммас...

Вера қўлларини олувди... нимага кўзим тушди денг? Кафтлари билан тўсиб турган жойларида кўзга яққол ташланган чандиқ излари бор эди. Тепадаги, чап кўкси остидаги чандиқ изи қийраҳонига ошқозон томонга кетган бўлиб, узунлиги бир суямдан калтароқ, пастдаги чандиқ изи эса тиккасига тушиб кетган, унинг узунлигини тахминлаш ҳам қийин эди.

Мен яшин ургандай қотиб қолгандим. Вера эса, мана, кўнглингиз жойига тушдими, шу чандиқларни кўрмоқчимидингиз, деяётгандай майин ва хижолатомуз жилмайиб ўтирарди.

Мен қувноқ кўринадиган кўзлар тубида чўкиб ётадиган мунг, гусса тўғрисидаги фикрни эсладим.

Бир қарашда, жувоннинг ўт пуфаги ва кўричаги операция бўлган экан, деб ўйлаш мумкин эди. Лекин нафис, шаффоф бадандаги қорамтир ва совуқ чандиқлар жарроҳ пичогининг тигларидан қолган изларга ўхшамас эди. Бундай чандиқлар, фақат эркакларгагина ярашмоғи мумкин, улар ҳам мардона жанглardan хотира бўлса...

Буни албатта сўраш керак эди. Лекин тил бормасди.

Вера фикрларимни, сўроқларимни кўзларимдан, ҳолатимдан ўқиб ўтирган эди.

— Булар эримнинг иши...

Бошимдан яна бир пақир муздай сув қуйиб юборилгандай бўлди. Аъзойи баданим совиб бораётгандай эди.

— Рашк туфайлими?

— Рашк туфайли.

Хаёлимга лоп этиб, Ширвонзоданинг рашк сабабли гузал хотинини лаънатланган бир уйга қамаб қўйган ва оқибатда ҳалок қилган эр ҳақидаги ҳикояси келди.

— Асос бормиди?
— Бор десаям бўлади, йўқ десаям...
— Буни қандай тушуниш керак?
— Буниси энди, сир... — деди Вера саволимга гашлангандай... Балки чиндан ҳам эслаш малолли ва огир тарихдир. Буниси энди унинг шахсий иши, сир сақламоққа ҳар кимнинг ҳуқуқи бор-ку.

— Фарзандларингиз борми? — гапни бурдим.

— Йўқ. Тугмаганман.

Шунинг учун териси таранг, вужуди ёш кўринар экан-да, деб уйладим.

— Демак, эрингиз сизни жудаям қаттиқ яхши кўрар экан-да.

— Яхши кўриб, улдириб қўйишига бир баҳя қолди.

— Демак, сиз ҳам уни яхши кўрасиз?

— Яхши кўрмаган тақдиримда ҳам барибир у билан яшардим.

Мен яна тушунмадим, дегандай елка қисдим.

— Сабабини ўзим ҳам яхши билмайман... Шунақа бир сири бор... Кейин, унинг муҳаббатидан ва нафратидан қочиб қутулишнинг иложиям йўқ.

— Шунақа даҳшатли одамми?

— Даҳшат ҳам гапми... — кулди Вера.

— Қандай чидайсиз?

— Менинг ўрнимда бошқа ким бўлсаям чидарди.

— Сизнинг вужудингиз жудаям нафис-да. Мен эрингизни қўлларида ойболта кўтарган баҳайбат... бир одам сифатида тасаввур қиляпман.

— Жаллодга ўхшатыпман, деб қўя қолинг. Биров тўгрисида гойибдан узил-кесил хулоса чиқариб бўлмайди. Фаридани кўринг-у, уни кўринг. Фақат бугдойрангроқ...

— Фаридангиз қилтириқ-ку. Эрингиз ҳам шунақа хипчами?

— Қиличдай-да, семиз одамларда муҳаббат ҳам, нафрат ҳам кучли бўлмайди. Туйгулар ёгда сирганиб кетаверади.

Ўхшатишни қаранг, чаккимас!

— Қаттиқ севадиган, нафратланадиган одамлар семириб кетмайди, десангиз тўғрироқ бўлармикин. Лекин, юз фойиз шундай дейиш ҳам хато, менимча.

— Албатта. Ҳар қандай хулоса ҳам нисбий бўлади...

— Ҳа, айтгандай, эрингиздан шунчалик қўрқар экансиз, бу расмни унга кўрсатасизми, ё?..

— Бу жувон эсини еган шекилли, деб уйлаяпсизми?

— Унда, мана шу, гўзал даврингиздан хотира сифатида ўзингиз яшириб кўриб юрмоқчимисиз?

— Қайсаргина эмас, ёш боладан баттар қизиқувчан ҳам экансиз. Ё ҳамма рассомлар шунақа бўладими?.. Сизга буни аҳамияти йўғу ё борми?

— Ҳақини тулаганимдан кейин, нима қилсам мени ишим, демоқчимисиз?

— Ана энди ўзингизга келдингиз. Эҳтимол ёқиб юборарман, ё биронтасига совға қиларман.

— Яланғоч суратингизними?

— Ҳа, нима бўпти. Балки, мени мана шундай ҳолатда бир кўриш учун ҳамма нарсага рози бўлиб юрган одам бордир.

— Фақат расмингизними?

— Ҳа, фақат, расмимни...

— Бечора...

— Ким бечора?

— Ҳа-я, буни уйлаб кўриш керак экан...

— Хўш, нима қилдик энди? Аввалги ҳолатда чи-заверасизми? Манавини тутиб олайми? — Вера гапни асосий мавзуга буриб, чўмилиш либосини курсатди. Шундагина чўмилиш либоси тутиб олишининг сабаби бу ёқда экан-да, деган фикр келди миямга.

Нима дейишни билмай қолдим. Хаёлимда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетганди.

Боядан бери илгаритдан таниш ва қадрдон икки эркакдай бемалол гаплашиб ўтирганимизданми, жувоннинг ҳозирги ҳолатига кўзим шунчалик кўникиб қолган эканки, бирдан менда унинг суратини чишиш истаги сўниб қолганини пайқадим. Шоша-пиша карахт бармоқлар билан кул босган қўрни титгандек, қалбим қатларини пайпаслаб кўрдим. Йўқ, бояги эҳтиросу ҳис-ҳаяжонлардан ном-нишон ҳам топмадим. Бу алпозда мутлақо ишлай олмаслигимга ақлим етди. Энг даҳшатлиси, юрагимда аёлнинг расмини чишиш иштиёқигина эмас, унинг ўзига бўлган қизиқишим, ҳурматиму хайрихоҳлигим ҳам бир зумда батамом сўниб улгургандай туюлди. Нега шундай бўлдийкин? Анави пичоқ излари туфайлими? Ё ана шу чандиқлар сабабини очиқ айтмагани учунми?..

Чандиқлар хаёлимда тақиқ чизиқлари бўлиб кўринди. Демак, жувон бу чизиқларни қачондир босган ё босмоқчи бўлган...

Мен аёлга қанчалик оғир ботишини тўйиб турсам-да, бошқа куни чизармиз, дедим мужмалгина қилиб. — Илҳом парим анави чандиқлардан чўчиб, тўгривоги эрингизнинг вазоҳатидан қўрқиб қочиб кетди, шекилли, — қўшиб қўйдим кулимсирашга тирришиб.

Ҳазилим ўринли чиқмаганини сездим. Вера ўрнидан оҳиста турди-да, каравот рахидан халатини олиб шошилмасдан, ошкора виқор билан кийинди. Курсисини орқага суриб, ташқарига чиқиб кетишим учун йўлни кенгайтириб қўйди. Ўзи курси орқасига ўтиб, икки қўлини суянчиққа қўйиб менга галати тикилиб турди...

Ҳар замон-ҳар замонда ёдимга тушса, ўшанда тўгри қилганманми, деб ўйлайман-у, ҳеч бир фикрга келолмайман.

Ўша саросимали ва англаб бўлмас лаҳзаларни, Веранинг, тўгривоги соҳибжамол бир аёлнинг ла-

тиф жуссасини хиёл олдинга эгиб, огринибми, ачинибми, тантана қилибми турган маъсум ва мағрур ҳолатини чизмоқчи бўлиб анча уриндим. Қанча қоғоз, бўёқ кетди, лекин кўнглимдагидай чиқмади. Баъзан, ҳаммасидан ҳам беҳуда совурилган бебаҳо вақтларимга ачинаман.

Шундан кейин мен аёлларнинг яланғоч суратини чизмай қўйдим.

ГАРОВ

Ошдан кейин, одатдагидай аччиқ кук чой устида гап бир тоғдан, бир богдан ўтиб, охири етти гектарлик йўнгишқазорда пайдо бўлган сайроқи беданага бориб тақалди.

— Уҳ-уҳ-уҳ, нимасини айтасизлар, эрталабда жонди ҳузури бўляпти-ю, — деди Олим ёқимли мусиқа тинглаётгандай бошини сарак-сарак қилиб.

— Ўзиям тезотар экан, жанвор, «бит-бил-диқ», «бит-бил-диқ», деганда юрак тўкилиб-тўкилиб кетяпти-да, — деди Сотим.

Чойхоначи утирганларга бир-бир қараб, ваъдани қуюқ қилиб юборди:

— Ким ўша беданани тутиб келса, биздан бит-та ош на-қд! Дев-зи-ра-га!

Ёнма-ён қўйилган, чоғроқ икки суридагиларнинг деярли ҳаммаси бу хушовоз парранда хонишига ишқибоз, лекин Темир полвонни ҳисобга олмаганда, чинакам, ашаддий беданавоз йўқ эди.

Темир полвон ўн йиллар муқаддам, қамоқдан эл ибораси билан айтганда «бурнига сув кириб, мулла минган эшакдай бўлиб» қайтгач, беданавозликка астойдил киришган эди-ю, нуқул ютқазиб, оломон ўртасида мулзам бўлиб чиқавергач, охириги урушқоқ беданасини аввал темирдай панжалари орасига олиб гижимлаган, кейин жодида қиймалаб, олапарига

едирган. Шу-шу беданавозлар даврасигаям, бедана бозоригаям яқин йуламай қуйган, ҳатто бедазорлардан ҳам узоқроқ юради, дейишар эди. Леқин бу анча эски гаплар. Одамзоддаги ишқивозликни қур босиши мумкин-у бутунлай учиб, кулга айланиб кетиши қийин. Ҳар қалай, чойхоначи ана шу илинжда булса ажабмас, бошқаларга эса, барибир — беданани ким тутиб келсаям, ош ўртада!

Темир полвон бир вақтлар курашга, совринга ўрганган эмасми, шартни эшитган заҳоти ичи гимирчилади, кўзлари бир чарақлади, гугурт чўпи билан тиш ковлаётган бармоқлари ҳаракатдан тўхтаб қолди. Ҳамманинг нигоҳи, умиди полвонда эди: кул остида чўг бор, фақат пуфлаб қўрни очиш керак.

Чойхоначи худди олдиндан келишиб қуйгандай, курунишидан қаттиқ, таранг дўпписини яримта кийиб, устидан кукқарга шойи чорсини чамбарак қилиб тангиган Зулун чайирга «қани, энди, курсат кароматингни», деган каби им қоқди.

— Ошни бугунгиданам ширин қилиш, мана, биззи гарданда, — деди Зулун чайир ўнг қули билан чап елкасига попиллатиб ураркан, полвонга кўзларини қаттиқроқ михлаб.

Темир полвон хотинига шилқимлик қилган «бир ҳароми»ни кетмоннинг орқаси билан уриб ўлдирган. У нобакорнинг аслида ахлоқсизлиги, Темир полвоннинг қишлоқдаги энг ҳалол одамлардан эканлигини тасдиқловчи гувоҳлар, далиллар кўпайиб кетгач, унга анча енгиллик берилиб, саккиз йилга кесилган.

Полвон «у» ёқдан қайтган, ўгил-қизларини кўрган-у, «гунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узармиди» деб хотинидан, йигирма икки йиллик ширин рўзгоридан юз ўгирган-да, тўнини елкасига ташлаганича уйдан чиқиб кетиб, янги жой қилган. Унга Араб қишлоғилик, эри қилтомоқ билан ўлиб кетган, майиздай бир бевани олиб беришган. Ўгил-қизлари

аҳён-аҳёнда унинг иссиқ-совугидан хабар олиб туришади.

Ошдан сўнг бир жуфт пиёла қўлма-қўл айланар экан, паловхўрлар бисотидаги бор гапни уртага тўкиб солиб, ўзларича дунёни элакдан ўтказишар, теша тегмаганроқ гап чиқиб қолса, ҳамманинг жони кирарди.

— Чойхонамизга фақат ўша «тезотар» етишмай турибди, холос, — деди ана шундай эрмаксеварлардан бири.

Чорпоянинг ёғоч қуббасига суянган, қорни оқ яктагини туртиб турган Темир полвон бир қўзғалиб қўйди, узатиглиқ оёғини йигиб, унисини узатди.

— Жуда қўлинг ўргилсин иш буларди-я, нонуштани Ҳуринисанинг қаймоғи билан шу ерда қилардик, — маъқуллади Сотим. — Боғи Эрамда, пар болишларга ёнбошлаб...

— Ўзини қаймоғи биланми, говмишиними, — ўсмоқчилади зимдан Зулун чайирни кузатиб ўтирган чойхоначи.

— Шу, Зулунбой кейинги пайтларда ўша парини ҳовлиси атрофида кўпроқ ўралашиб қолди-да.

— Тошболта ошиқдай, а?

— Бировнинг хасми-ҳалолога кўз олайтиришнинг оқибати яхшиликка олиб бормади, — деб қўйди Темир ака.

— Эскилар бировни ҳожатини чиқариш савоб, дейишган. Ахир уям Худони умидминан яратган бандаси. Уям тирик жон... бир ривоят бор, эшитган бўлсанглар... сиз билсангиз керак, полвон ака...

— Сиз, укам, ривоятингизни қўйинг...

— Эштайлик.

— Майли, айтиб берсин-чи...

— Бир йигит онасини саватга солиб, бошида кутариб кетаётган экан. Йўлда бир мўйсафид дуч келиб: «Онангни қаёққа опкетяпсан?» деб сўрабди.

«Маккаи мукаррамага, — дебди йигит, — мени отасиз боқиб ўстирди, энди дуосини олмоқчиман», — дебди. Мўсафид бошини чайқаб кулимсирабди: «Э, углим, онангни қийнабсан, ундан кўра эрга берганинда, сени ўла-ўлгунча дуо қиларди, етти ҳажни савобини топиб, жаннати булардинг», — дебди. Шунда Чули маликда чанқаб, мадори қуриган, ҳушидан кетиб ётган кампир саватдан инқиллаб-синқиллаб бошини кутариб: «Бунақа бамаъни гап бола пақирни хаёлига келармиди», деган экан.

Ўтирганлар ўз ҳаяжонларини ва ривоятга муносабатларини билдирмоқчи эди, Темир полвон икки қўлини кутариб, изн бермади.

— Сиз, Чайирвой, гапни чалгитманг, — деди у Зулуннинг қув кўзларига тик қараб.

Барибир Зулун унга эътибор бермай минғирлади:

— Менга қолса-ю, хотинлар билан қандай муносабатда бўлишни ўзим билардим... ким уларни оёқ-қўлини бойлаб олади...

Ўқ нишоннинг қоқ марказидаги тугаракка — Темир полвоннинг юрагига санчилди. Полвон ўтирган жойида бир қалқди: «Ҳа, номард, юзимга соляпсанми, шу топда сен билан нима бўлсам, бўлайми... э, йуқ... ҳаёти бир марта ҳаром бўлди, номи булганди, кўз очиб кўрган оиласидан ажралди... ўгли тенги... бир гапирди-да... ўзи дуруст йигит, кўнглида унча гидири йуқ. Бўлмаса, шунча вақтдан бери сездирарди...»

— Аёл киши оти-жўни билан заифа, дейилади, — деди Полвон тишини тишига босиб, — унинг ожизалигидан фойдаланиш пок эркакни ишимас.

— Кўнгли бўшлигидан денг, полвон ака, тўғрироқ бўлади.

— Эски гапларни ковлаштирмасангларчи-я... — деди Олим адоги кўринмайдиган, «тутай бошлаган» «айтишувга» барҳам бериш мақсадида. — Беданадан

гапиринглар, беданадан... жониворни сайраши ху-уп булакча-да. Жаҳон-оламда бошқа биронта парранда-даррандани овози уникага бас келмаса керак, дейман.

Зулун чайир камонни ҳамон таранг тутиб, унга янги уқлар жойлаш билан банд эди.

— Полвон акамизни илгариги шахди бўлганида-ю, ундан анча-мунча бедана-медана қочиб қутулолмасиди-я, — деди у бу гал Темир акага куз қирини ташлаб.

— Полвон аканг шахдидан тушсаям, жаҳдидан тушмаган ҳали, Зулунбой, чучварани хом санаб ўтирмагин, — деди чойхоначи мумкин қадар овозига жиддий тус бериб.

— Жаҳдидан тушганми, йўқми, билмадим-у, шу қорни эмаклашга мушайт қиладим, деган ҳадигим бор-да.

Кимлардир пиқирлаб қўйишди.

Темир полвон суянганда букчайиб қолган тўғри гавдасини куз-кузлаган каби шошилмай ростлади, ўмганини кенг ёзди, кафтларини тиззаларига тираб, Зулун чайирга тикилди. Чап кузининг ости уча бошлади.

— Қоринга тил тегизманг, Зулунбой, — деди у дона-дона қилиб, — сизга огири тушадиган бўлса, кўтарволаман.

Пиқирлашлар қийқириққа айланди.

Нариги сурининг бурчагида чордана қуриб ўтирган Чайир сонларига шапатилаб, ҳаммадан қаттиқроқ хандон отди.

— Унда, иккала қўлингиз банд, беданани чот босди қилиб ушлайсизми, полвон ака?

Кулги кучайди.

— У ёгини менга қўйберинг, Чайир бола, опкелиб сизга тутқизсам бўлдим.

Қаҳқаҳа авжга минди.

— Эй, Чайир-а, отанг тенги одам билан ҳазиллашиб, ўзингга гап тилаганингни қара-я, — деди Олим ака кук катак кўйлагининг шимариглиқ енги билан кўзларини артар экан.

— Э, ҳали шошманглар-чи... ҳозирги беданалар жа анқовмас, полвон бувам тутиб кетсин, деб оёгини кўтариб ётмагандир... Худо билади ҳали, Темир ака-мизни тўри тешилиб-нетиб қолмаганми...

Полвоннинг чап мижжаси пир-пир уча бошлади. У сержун болдирларини осилтириб сўридан тушди, гишт қолипидай келадиған, юзини чанг босиб, ичида тупроқ юқи қотган калишини тепиб-тепиб тўғрилаб кийди, ҳаворанг, лас белбоғи остидан тиришиб қолган яктаги этақларини тортиб-тортиб тузатди.

Полвоннинг ҳаракати билан ўрнидан ирғиб турган Зулун чайирнинг чақчайган кўзлари безовта, олазарақ эди.

Жимиб қолган ошхўрлар бир Полвонга, бир Чайирга қарашарди.

— Менга қаранг, Зулунбой, — деди Полвон боши шифтга тегай-тегай деб турган Чайирга курсаткич бармогини силтаб, — уриниб кураман. Тутиб келсам, сиз ош қиласиз, тутолмасам — мен...

— Катта кетманг, полвон ака, бу сизга курашмас чалиб-палиб эплагани...

— Огзингга қараб гапир, тирранча! Отангни қандай тупроқ ошаганини кўрганлар ҳали тирик.

Орага Олим, Қамбар чойхоначи тушди.

— Э, қизишманглар-э, кап-катта одамлар...

— Бедана — сабаб, яна бир ош еймиз-да, шунга шунчами?

— Харпанаям қилвороврамиз...

Темир полвон катта, вазмин қадам ташлаб, бир қаноти очиқ эшикнинг у қанотини ҳам тарақлатиб очиб чиқиб кетди.

Даврадагилар жонланиб, қайта жойига утирган
Зулунни уртага олишди.

— Яхши иш бўлмади, Чайирвой, сал оширвор-
динг, нима қилардинг гапга курашни тиқиштириб, —
деди чойхоначи бошини ликиллашиб, — биласанки,
Темир полвон қитмирликни ёқтирмайди, бировни
гирром йиқитганини ҳеч ким кўрганмас...

— Яхшиям ташланиб қолмади, денглар, узиям
Чайирни бир уриб, анави сири кучиб, қорайиб кет-
ган тунука чойнагимизга қопқоқ қип қўяриди.

— Пула қип ташлайман, моз пахта қип ташлай-
ман.

— Ҳай-ҳай, Зулунбой, пасроқ туш, пасроқ. Бол-
гачининг минг ургани — босқончининг бир ургани.

— Полвонни даври утган, Қамбар ака, — деди Зу-
лун чайир буйнини чўзганича нариги сўридагиларга
ҳам бир-бир қараб. — Ҳозир тупурса, соқолига ила-
шиб қолади.

— Яна билмадим-у... тажрибаси кўп, иннайке-
йин, полвонларда телба кучам бўлади. Пири қўлла-
ворса, тамом, Пирмаматиниям чирпирак қилворади.

Гапнинг этаги майдалашиб, чувалашиб кетди.
Кимдир Полвонга омад, Чайирга инсоф тилади, ким-
дир «Темир қассоб ютқазса нима қиларкин», деб
ўсмоқчилади.

* * *

Эрталабки хабар ҳаммани каловлатиб қўйди:
Темир полвоннинг кенжаси тўйига атаб боқаятган
буқаси йўқолибди.

Ярим кечада бедапояга кириб кетган Темир ака
тонг ёришганда сувга тушган мушукдай ивиб қайтиб
келса, бостирмадаги новвос йўқ эмиш.

— Шу, Қамбар айбдор, Чайирни гиж-гижлама-
ганда...

— Чайирни ўзидаям бор, биров «олкиш»ласа,
ташланаверадим...

— Айтдим-а, охири бахайр булсин, деб.

— Ҳамма гап гаровда. Полвонам қизиқ: ёши бир жойга етган одам, пушти камаридай йигитга ўчакишганини...

— Энди огир буласан, Зулунбой, ҳали-замон кела солиб, ёқангдан оладими... мол аччиги — жон аччиги...

— Ёқам тугул, пешимниям ушлатмасман.

— Яхшиси, кўздан нарироққа жилиб тур. Балодан ҳазар...

— Э, қўйсаларинг-чи, ундан тилим қисиқ жойи борми! Ё сўқимини мен ўғирлабманми?

— Элбурундан ваҳима қилмай туринглар-чи, топилиб қолар.

— Топилмаса, узиям, биздан кўриши турган гап.

— Битта одам хонавайрон бўп турибди-ю, қаёқдаги гапларни гапирасизлар, — деди охири Олим ака энса-си қотиб, — қассобга ёғ қайғу, дегани шу-да...

Ҳар қалай, кўпчилик кечаги гаровнинг, бугунги новвос воқеасининг қандай ечим топишини сабрсизлик билан кутар, ҳеч ким жойидан қимирлай демасди.

* * *

Чошгоҳга яқин чойхонанинг ланг очиқ эшигидан Темир полвон оқ, озода яктагининг этакларини ҳилпиллатиб, ёшига, жуссасига номуносиб енгил қадамлар билан кириб келганида утирганлар бир гувраниб, унинг йирик кўзларига тикилишди, айримлар ўринларидан туриб, ўзларини сал четга олишди, лекин мўйсафиднинг чеҳрасида болаларча табассумни кўриб, енгил нафас олишди: демак фалокат арибди. Бироқ, ҳамманинг кўзида савол аломати қолаверди.

Қамбар чойхоначи пешвоз чиқиб, Полвонга икки қўлини узатди. Полвон бир қўлини берди. Ажаблан-

ган чойхоначи унинг чап ёнига қаради. Полвон енгини тушириб, чиганогини хиёл букиб тургани учун чап кафти бармоқлари кўринмади, лекин нимадир борлиги аён эди: во полвон тушмагур-ей...

— Новвос топилганга ўхшайди, а, Темир ака? Тўйга буюрсин-э.

Полвон қулини тезгина бушатиб олиб, силкиди:

— Э, ундан каттарогини илинтирдик, Қамбарвой. Хайрият, юракда чўгдан ҳали бор экан.

— Ие, топилгани йўқми? — суради чойхоначи кўзлари чаногидан чиққудай булиб, бир полвоннинг огзига, бир шалвираган енгига тикиларкан. — Э, аттанг, хурсанд кўринганингизга...

Полвон чап қулини сал кўтариб, олдинга чўзди. Бармоқлари орасидан хазонранг бедананинг катта ангишвонадай боши, калтагина ва суйри қорамтир тумшуги чиқиб турар эди.

— Мана новвос, мана, — деди Полвон мийигида кулиб.

Ошхўрлар кўзларида савол аломатлари билан дам бир-бирларига, дам Темир акага қарашар, елка қисишар эди. Зулун эса жим.

Кеча бедана деса огзининг суви келаётганларнинг мужмал кайфиятини кўрган Полвон эса улардан ҳам ортиқроқ ҳайратда эди.

Кўпчиликнинг хаёли ҳамон новвосда эди.

— Узиям жуда етилиб, ялтиллаб кетувди, а Сотимбой? Кўз теккандай бупти-да.

— Нимасини айтасиз, Олим ака, камида бир яримтага оёгини ерга теккизмай обкетишарди.

— Икки минггаям, деяверинг.

— Беҳазил, бир яримдан бир мириям кам бўлмасди.

— Полвон ака икки йилдан бери ўзи емай, сўқимига едирыптувди-да, — гапга қушилди ниҳоят Чайир, индамай ўтираверишни ўзига эп билмай.

— Сизам хотинимни гапини қилдингиз, Зулунбой.

— Икки йилдан бери хотинингизниям оғзига уриб келгандирсиз-да, семиртириб сотсак, палон пул бўлади, атлас лозим обераман, кимхоб кўйлак обераман, деб...

— Зулунбой, энди, у ёғи бизи ишимиз-да, ё келин аянгизга ичингиз ачияптими?

— Новвосга ачиняпман, полвон ака, новвосга, шунчалик қилиш осонмиди, ўт, ем қиммат пайтларда...

— Ачинманг. Бош омон бўлса, мол топилади. Менга йигит кишини лабзи қиммат, ука. Кўп типирчиламай, ошни ҳаракатига тушинг энди ё қарз қип турайми?

— Унчаликмас, полвон ака, биззиям отамиз ўғлим деб кўчага чиқарган, биздаям дўппи бор, — Зулун чайир шундай деб, чойхоначига юзланди, — Қамбар ака, ошга майда-чуйда тайёрланг.

— Шошманглар, шошманглар, аввал тузукроқ кўрайлик, енг ичидаги беданами, чумчуқми, — луқма ташлади Сотим тракторчи. — Полвон акам ҳазилкашроқ...

— Э, Темир ака сиз айтган одаммас, — деди Қамбар бурчакдаги эски, жигарранг лиқилдоқ жавоннинг ичини титкилаб шиша оларкан. — Шунча йилдан бери кўриб келяпмизу... шу бугунди узидаям исботлаб қўйдию...

— Тегишдик-да, Қамбарвой, сизам сал турасиз-да...

— Майли, — деди Полвон Сотимбойга қараб, — кеча, олдин Зулунбойни қўлига тутқазаман, деб ният қилганман, ваъдаям берганман, Чайир ушлаб кўриб бир хумордан чиқволсин, кегин бош-почаси билан сизларга, нима қилсанглар — ихтиёрларинг... — Полвон чап қўлини баландроқ кутариб, бош ва курсаткич бармоқлари орасини кенгроқ очди.

Пиқиллаб кулаётганлар муъжизани эндигина пайқашгандек, уринларидан патир-путир туриб, бўйни, туши хол-хол ёқимтой қушчага анграйиб тикилишди. Шумшайиб, митти кўзларини жавдиратиб турган бедана бу ердаги тараддуду можароларнинг барисига ўзи айбдорлигини сезиб хижолат бўлгандай, бошчасини ичкари тортиб, қунишиб олди.

Қарши зарбаларга муносиб жавоб тополмай қизариб ўтирган Зулун чайир беданага эътибор ҳам қилмай, «палахмон»га солиб отиш учун «қиррали тошлар» излар эди.

— Майли, полвон ака, — деди у сўзларини ниқтай-ниқтай, — ўзингизда тураверсин, муздай бедапоёда ҳалаки жонга тушиб кетгандирсиз, қачон ушлайманикин, деб...

Зулуннинг ўзидан бошқа ҳеч ким кулмади.

— Ихтиёрингиз, Чайирвой, биз шартни бажардикда. Ишқивозлар кўп, мана, қўлимдан юволай деб туришибди.

— Дарров берворгингизам йўғ-ов, хуш ёқиб қопти, шекилли...

— Бедана гаштидан беҳабарсиз-да, Зулунбой. Буни ҳақиқий шинавандаси «бит...» деганини эшитса, хотинини қўйнидан отилиб чиқиб кетади. Одам деганда бир нарсага озгина ишқибозлигам бўлиши керак, Зулунбой...

— Бедана овлайдиган одам, бедана бўлиб сайраши керак, дейишарди, полвон ака, айбга буюрмайсиз, сиз хуроzi бўлиб сайрадингизми, модаси бўлибми?

Гурра кулги кўтарилди, лекин Полвон кулмагач, бошқалар ҳам дарҳол лаб-лунжларини йигиштиришди.

— Зулунбой, бир гап келувди-ю, углим тенгисиз...

— Келган меҳмонни қайтарманг.

Чойхоначи «ҳай-ҳай»лади.

— Э, қуйинглар энди. Мана Зулунбой, аччиқ кук чой ичиб утиринглар.

Суҳбат ипи ҳамон узоққа кетмай, бир жойда чигаллашиб ётар, йуқолган новвос тақдири айримларнинг ичига ҳамон гулгула солмоқда эди.

— Хотинни мелисахонага утқизиб қўйдим, топиб беришмагунча шу ердан бир қадам жилмайсан, дедим.

— Бу ёғи бугун якшанба — бозор... бугун буладиган бўлиб, бир ҳафталигини ғамлаб оладиган кун...

— Буқа жанвор аллақачон қогозга алмашиб, чунтакка тушиб кетдим, ҳали, денг...

— Э, топилса — жон худо, топилмаса — садқан сар... шунгаям ота гўри қозихонами.

Темир полвон суроқларга қисқа-қисқа жавоб берарди.

У беданани қандай тутгани, тунни қандай утказгани ҳақида мароқ билан ҳикоя қилишни дилига туғиб келган эди. Шом еб чиққан ой хира мистовоқдай бўлиб рупарага келганда эски қора дўппи кийиб уйдан чиққани, бедазорга кирган заҳоти ўзини ёш йигитчалардай сезиб, оламдаги ҳамма нарсани, ҳатто гаровни, Чайирни ҳам унутганини айтиб бермоқчи эди. Айниқса, бедана биқиниб ётган жойни топишга топиб, унинг жарангдор овозини бўғишга юраги чопмай, кўзи қиймай, бир неча қадам берида ўмганини шудринг шилта қилиб юборган кўм-кўк йунгичқага босиб, анчагача иккиланиб ётганини, жонон парранданинг субҳи содиқдаги дилўртар навосидан сел бўлиб, уни учириб юборишига бир баҳя қолгани — ҳамма-ҳаммасини бир бошдан, шошилмай сўзламоқчи эди. Бу нокас, беҳис бандаи гофиллар бўлса, тўтидай, нуқул новвос, деб мияни қотиришади, худди новвос ўзларига тегишлидай, шерикликка боқишгандай... ярага туз сепишдан бошқа нарсамас бу...

Гаплар, суҳбат ҳам энди узук-юлуқ эди. Темир полвон Зулун чайир билан ортиқ аския қилишмас, кўзлари дам-бадам тўқнаш келиб қолганида иккиси ҳам узини чалгитиш пайидан булар эди. Полвоннинг машқи анча пасайган, фақат энги ичида кафтига, кафти орқали бутун вужудига Чайир айтгандай ҳарорат бераётган пахтадай илиқ, пахтадай юмшоқ, пахтадай майин, бир сиқим патдан иборат мавжудот унинг руҳини кўтариб турарди.

Полвон бедананинг жажжи бошчасини буш кафти билан тўхтовсиз беозоргина силаб утирарди.

Нигоҳлар тўқнашувларидан бирида гушт-ёғ тўг-раётган Зулун чайир:

— Полвон ака, битта таклиф бор, — деб қолди.

— Хуш? — унга тикилди Темир ака.

— Ютуқ сизники. Шу беданани ошга босворсак қалай буларкин?

Сабзи тўг-раётган Қамбар чойхоначи урнидан туриб кетаёзди.

— Нима деяпсиз ўзи, Чайир, беданани сайрашини эшитамиз, деб тутдирдигу...

— Битта бўрдоқи новвос бадалига қолиб турибди дегин, — кулиб қўйди Сотим.

— Ҳа-да. Тўрқовоққа солиб, толимизга осиб қўямиз, хонишига қулоқ тутиб, қорнингни чертиб ётасан. Саҳарги сайрашларини айтгин... бир тишлам гуштни лиқ ютасан, кичик тилинггайм илашмай утиб кетади.

— Э, буям бир қизиқчилигиди-да. Тўрқовоғингиз йўг-у, барибир...

— Тўрқовоқ топилмас матомас. Кечқурун Салим беданавозникига одам жунатаман.

— Ҳозир бўлиши керагиди-да, ё полвон акамми дасторчасидан ярим палла кесволақоламизми, а? — Зулун чайир шарақлаб кулиб юборди. Бошқалар ундан ҳам оширишди.

Ҳеч ким сезмай қолди: Темир полвон чаққонлик билан дастурхонга чўккалади-да, эмаклагандай олдинга чузилиб, сўри четидан бир оёгини пастга осилтириб, «қуш тили» қилиб тўғралган гуштга пиёз, доривор қўшиб мижиётган Зулун чайирнинг жағига нуқиб, пишқирди.

— Қис-э, ҳажиқиз!.. Ҳе, иззатини билмаган!.. Чиқимга ачишиб кетдими, «ака» деб қўй, харажатни ўзим тўлайман.

Ҳамманинг нафаси ичига тушиб, чойхона сув сепгандек бўлиб қолди. Ташқаридаги тол баргларининг сунбула шабадаси билан шивирлашаётгани эшитила бошлади.

Зулун чайир ҳам аввалига гангиб, ранги оқарди, кейин кукарди, сўнг гезариб ўрнидан турди. Сурилар ёнидаги очиқ майдон томон икки-уч қадам юриб, Полвонга ўқрайди.

— Қани, туш бу ёққа, ҳе, қорнингга...

Полвон беданани Олимга тутқазиб, сўридан тушди.

— Нима дейсан, мараз?!

Полвон шундай дейишини билади — нимадир қарсиллаб, чап қулоғи шангиллаб кетди. У жон ҳалпида Зулунга ташланди, лекин бу гал тошдай мушт орқа миясига тарсиллаб тегди.

Шундан кейингина кўзи очилган ошхўрлар гурр этиб уринларидан туришди-да, иккига бўлинишиб, бир томон Темир полвоннинг, иккинчи гуруҳ Зулун чайирнинг тирсагидан тутишди.

Хитоблар янгради:

— Ҳе, уят-э!..

— Эшитган қулоққа нима деган гап!

— Сен ёшсан-у, бир гапдан қолсанг, отанг ўғлим демай қўядими?

— Туппа-тузук одам, сизни нима жин урди, полвон ака? Ярашмаган қилиғ-ей...

Полвон ҳам, Зулун чайир ҳам билагига осилганларни силтаб-силтаб четлатишди.

— Биттангам тумшуғингни суқма! — деб Полвон айтди.

— Ҳаммангни абжағингни чиқараман, — деб Чайир. Энди улар дакан хурозлардай айлана ҳаракат қилиб, бир-бирини пойлай бошлашди.

Олтмишни қоралаган Полвоннинг бесунақай жусаси ниҳоятда салобатли, япалдош юзларининг ранги тиниқ, тоза, фақат одатдагидан қизилроқ эди. Сулинқирагандай куринадиган териси ҳозир таранглашган, қорачиқларидаги эски ҳоргинликдан асар ҳам қолмаган эди.

Зулун қотма, урта бўй, кўзлари қарчигайларникидай ёниб турадиган, икки лунжи ичига ботиб, яноқ суяклари туртиб чиққан ўттиз ёшлардаги йигит эди.

Ёш ҳам, куч ҳам тенгсиз, олишув омонсиз кечадиганга ухшар эди. Томошабинлар бош чайқашар эди.

— Ҳазилни таги зил-да.

— Қўлига тушса, гижимлаб бир ерини узволади-я.

— Э, унисиям ушатқизмайди, тегирмондан бутун чиқадиганлардан...

Даврадагиларнинг энг каттаси ва энг кичиги ўртада, қолганлар четда эди.

Ҳаш-паш дегунча дайди, заранг муштлардан яна бир нечтаси мулжалга аниқ тегди. Буни атрофдагилар «тарс, тарс» деган товушдан пайқаб қолишар эди.

Зулун чайирнинг қўллари ҳолвачининг тешасидай калта, шунинг учун имкони борича узоқроқдан қоплондай сакраб-сакраб мушт отар, ҳар сакраганида «Ийя-а!» — деб қийқириб қўяр, сўкинар эди.

Темир полвон гапирмас, мушт теккан жойларини қашимас, фақат панжаларини чангак қилиб, умгани-

ни очиб, қаддини хиёл эгиб, бошини бироз олдинга чўзганча айланар, ҳарсиллаб нафас олар, тишларини гижирлатар эди. Кузлари эса қип-қизил эди.

Ёшлик билан қарилик, куч билан тажриба, чаққонлик билан залвар жанги эди бу.

Томошабинлар гоҳ унисини одобга, гоҳ бунисини инсофга чақиришар эди.

— Полвон ака, ҳозирги ёшлар билан ҳазиллашманг, буларга куч билан бас келолмайсиз. Илгариги қувватингизам қолмаган.

— Унг кеп қолса, пириниям аяшмайди булар.

— Бас қил, Зулун, кечирим сўра. Полвонга отанг ҳам тан берган.

Иккисининг ҳам қулоқлари том битган эди.

Иккисининг ҳам кўзларига қон тўлган эди.

Зулун чайир ҳамон у ёқдан-бу ёққа ирғиб, Полвоннинг дуч келган жойига мушт туширар, тобора баландроқ овозда «Ий-я»лар, тобора болохонадорроқ сўкишларни қалаштирар эди.

Темир полвон гижиниб-гижиниб, шиддат билан ташланар, лекин вазни огирлигидан лапанглаб кетар, ўзини аранг тутиб олар, Чайир эса аллақачон унинг орқа томонига ўтиб олган буларди. Полвоннинг кўзларидан ёш тирқираб чиқди. (Йўқ, огриқдан эмас, зинҳор огриқдан эмас!!!) Наҳотки, номига «полвон» қўшилгандан кейин елкаси ер искамаган, бировдан «сен» эшитмаган одам шу тирранчадан калтак еб ўтирса! Яна шунча томошабинни олдида-я... дунёниям галати ишлари кўп-да: бу, авлод-аждоди ўтган ота мерос ҳовли-жойини ташлаб келиб, пул топишга муккасидан кетганларнинг ошига ўлганини кунидан шерик бўлиб юрса-ю, аллақандай, отаси фалакни гардиши билан қаёқдандир келиб қолган нонхўр жибириқ қишлоқдаям, энди бу ердаям ҳеч кимга гап бермай, олифтагарчилик қилса!.. Қариганда нима кўргулик энди бу?.. Эртага ҳаммаёққа ёйила-

ди бу гап. Эл-юрт олдида, хотини, ўгил-қизлари олдида нима деган одам бўлади? Қандай бош кўтариб юради? Қани энди бу тирранчани белидан тутиб олса, боши бўйи кўтариб ерга урса-ю, орқасидан елини чиқарворса! Ҳамма эшитса! Майли, ҳар қанча мушт еб, ҳаммаёғи мўматалоқ бўлиб кетсаям, ишқилиб, бир тутиб олса бас, шу сафар дард қолмаса, кейин армони йуқ! Ақалли қулоқ-пулоғи қўлига кириб қолсайди!..

Уларни ажратмоқчи бўлганлар яна силтов еб, четга чиқишар эди.

— Эҳ, аттанг, ёмон бўлди, жуда ёмон бўлди, — деб бош чайқарди Олим ака.

— Соқоли оқарганда шу кўйга тушса-я, номи кетган полвон-а! — дерди Қамбар.

— Минг қилсаям ёшлиқ бошқа олам-да!

— Қизиталоқ, ўзиям жуда бикир йигит-да.

— Эпчиллигини қаранглар, мушук-а, мушук!..

— Отасини аламини оладиган бўлди!..

Полвон иккинчи марта пишқириб юборди, бу гал жуда қаттиқ пишқирди, шийпон ромлари зириллаб кетди, қари шернинг сўнгги ҳамла олдидаги бўкиригини эслатарди бу пишқириқ! Шапалоқнингми, муштнингми (у энди фарқига бормас эди!) зарбидан боши айланиб, кўзларидан сон-саноқсиз юлдузлар учиб чиқди. «Тамом, ҳаммаси тамом, бундай шармандаликни қон билан ҳам ювиб бўлмайди», деган фикр кечди хаёлидан. Аммо бирдан, фавқулудда тез ақли тиниқлашди: кўз олдидаги минг-минг ялтироқ заррачалар гойиб бўлди, оёқлари, гавдаси енгиллашиб кетгандек туюлди. Вужудига шижоат қуюлиб кирдим, ё қони гупуриб кетдим — ортига шиддат билан айланди, айлана-ётганида («Хайт!») навбатдаги ҳужумга қулай вазият пойлаётган Зулуннинг муштдайгина елкаси омбирсимон бармоқларига илашиб қолди, у рақибини ўзига тортишга (агар шу важоҳатида тортганида,

боёқишнинг қовургаларини уқалаб ташлаши ҳеч гап эмас эди!) сабри чидамади (балки бу ҳақда уйлашга ҳам улгурмагандир, уйласа ҳам қўлдан чиқариб юборишдан чўчигандир), Чайирни қаттиқ силтов билан («Ё, Али!») худди бир боғ маккапояни иргитгандай отиб юборди. Чайир уз ихтиёри билан сакрагандай учиб кетди — учаётганида бўйи чўзилиб бораётгандек кўринди, боши самовар урнатилган каттакон плитанинг сувоғи кўчиб, темири чиқиб қолган қиррасига урилди, ундан бутун гавдаси билан пастга ағдарилиб тушди, иссиқ плита девори билан сўри оёғи орасига қисилиб қолди. Питирчилади, лекин афтидан ўзи тура олиши гумон эди.

Полвон Зулуннинг туришини кутиб ўтирмади ҳам, айиқдай ташланди, Чайирнинг дўпписи қаёққа дир учиб кетган эди, унинг бир неча кундан бери сув, тароқ тегмай кигиз бўлиб ётган қалин сочларидан тутамлаб тургизди.

Зулун инграб юборди, унинг енглари икки ёнида қўлсиздай шалвираб, осилиб турарди.

Полвон бош бармоғини Чайирнинг киндигига тўғрилаб, пучайиб ётган қорнига чангалини бургутдай ботирди.

Зулун жон-жаҳди билан оғзини қимтиди, кўзларини юмди. Энгашмоқчи, қорнини ичига тортмоқчи эди, бўлмади — оёғи аллақачон ердан узилган эди.

Полвон: «Белини сўри қуббасига ё плитанинг ўткир бурчагига солайми, ё ташқарига отворайми-кан, қаерга урсам, орқасидан ели чиқиб кетаркин», деб ўйлар эди. Шу пайт боши узра типирчилаётган Чайирнинг милт-милт қилиб, тез-тез юмилиб очилаётган кўзларини кўриб қолди.

Полвоннинг юрагида нимадир гимирлади — ҳадикми, ачинишми, қониқиш ҳиссими, галаба нашидасими — аниқлаш қийин эди, балки ана шу туйгуларнинг омухтасидир.

Унинг вужудидаги оғриқлар босилган, аксинча, аъзойи бадани, жони ором олмоқда эди.

Йуқ, бир марта ер тишлаганни яна уриш — полвоннинг, мард эркакнинг иши эмас.

Полвон қулларини бўшатиб Зулунни ташлаб юборди.

Зулун орқасига бир-икки қадам гандираклаб, ўтириб қолди. Томошагўйлар карахт эди.

Полвон бош чайқай-чайқай, қаддини роз тутиб ташқарига йуналди. Унинг кенг елкалари билинар-билинемас тебраниб борарди.

Анчагача вазмин қадам товушлари эшитилиб турди.

Чойхонада муҳокама давом этди:

— Тажриба барибир тажрибалигини қилдими!

— Восқончининг бир ургани шу-да...

— Қаёққа кетдийкин энди бояқиш...

— Шундай ошни ташлаб... девзира, зиғир ёғига бўлаятувди-я.

— Қани, Қамбарвой, кўк чойдан қуй-чи, бош-қатдан бошлаймиз энди. Айтгандай, жизза нима бўлди, жизза?

— Куйиб кетибди.

— Эҳ, аттанг...

КЎНГЛИ ТЎҚ ОДАМ

Биз билан девор-миён хонага олтмиш ёшлар чамасидаги увоққина киши билан Ҳожимуқондан сал берироқ бир йигит жойлашишди.

Шифохона ё сиҳатгоҳда, умуман иккита ва ундан ортиқ аёллар жамияти вужудга келган жойда тева-рак-атрофдаги бирон-бир жонзотнинг бежо ҳаракати, модасиз қолган маъсума мусичанинг ўкинчли хониши ҳам диққат марказидан четда қолмайди.

Биз билан рупарама-рупара хонада бошлари ог-ригини даволатиш учун ётишган бири хипча, ик-кинчиси Винни Пухдай аёллар бир кун ичидаёқ янги қўшнилариимиз ҳақида анча-мунча ахборотлар туплашга улгуришганди.

— Улар ота-бола экан, — суюнчилашди, — тоғамиз жуда меҳнатқаш-у, аммо қўли юпқароқ, шекилли. Булмаса, ёши бир жойга етган одам ҳушидан кетиб қолгунча трактор ҳайдайдими...

— Бола-чақаси кўп булса, етказолмаса керак-да, бечора. Қишлоқларда хотинлар ҳалиям келганини қайтармай тугиб ётишибди. Эшитишимга қараганда, хўжаликларда ойлик ўрнига ҳар замонда бир-икки кило оқ ёғ бериб қўярмиш.

— Лекин ўгли келишган йигит экан, — деди хипча аёл шеригининг гапига парво қилмай. — Эртақларда-ги баҳодирларга ўхшайди.

— Э, бўлмайди, — қўл силтади «Винни Пух», — хотин кишини менга ўхшаган лорсиллагани, эркак кишини сизга ўхшаган хипчаси тузук.

— Э, улинг илоё, хаёлингиз қаёққа кетди дар-ров, — кулди шериги, — номаҳрамларни олдидаям уялмайсиз-а...

— Ҳм, булар ун етти яшар бўйдоқлармиди...

Ҳар қалай, аёлларни «тоға»нинг кимлигидан кўра йигитнинг алп қомати кўпроқ жалб этгани аён эди.

— Нима бўлсаям, яхши ўғил экан, — ҳамон му-ҳокамани давом эттиришарди қўшнилариимиз. Биз эса уларни жимгина тинглардик. Баъзи аёлларга эшитар қулоқ бўлса бас...

— Фарзанд бўлгандан кейин қайтарсин-да. Ёқим-тойгина экан, отаси бечора болалигида уни елкаси-дан туширмаган бўлса керак. Шўрликкина тоғам ана шу болаларини боқаман, деб шу кўйларга туш-гандир-да.

— Сиз шунақа дейсизу, ҳозирги ёшлар ичида ота-онасини шунчалик эъзозлаб, бошига кутарадиганлар кам.

— Бошига кутариб нима қипти, каляскада суриб юрибди, шу-да...

— Шуям катта гап-да. Ҳозир, ўзимиздан қиёс, ҳамма пул иташ билан овора. Ота болага, бола отага боқадиган замон булмаяпти...

Эртасига аёллар шундай вазоҳат билан ҳовлиқиб кириб келишдики, назаримда улар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгилик топиб олишгандай эди.

— Ҳай, қўшнилар, — деди семиз жувон, — тоғамиз тушмагур иштонини ҳўл қип қўяркан...

— Йигит бечора сўлоқмондай бўлиб, сестра хозяйкани олдига бузчини моксидай қатнаркан... Кечаси ҳожатхонага...

Булар ҳар қалай кулгили гаплар эмас эди.

Аёллар фавқулодда кашфиётларидан ҳайратга тушмаганимиз, уларнинг сезгирлигига офаринлар айтмаганимиз учун ранжишгандай, бир-бирига имо қилиб чиқиб кетишди.

Шеригим билан маслаҳатлашдик-да, ўзимиз ҳам узоқ тумандан келганимиз учун қўшнилардан хабар олиб, ҳол сўраб қўйишни лозим топдик.

Тоганинг мияси жароҳатланган бўлса керак, бизга анча қараб ётди, кейин девор томонга угирилиб олди.

Унинг каравотӣ ёнидаги юмшоқ курсида ўгли ни-магадир мош еган хўроздай гўдаиби утирарди. Менга шундай туюлдими, ё унинг буртиб чиққан кўкрак қафаси эгилиброқ ўтиришга имкон бермасмиди — аниқ билолмадим.

— Ёмон йиқилган эканда-а, — дедим нимадир дейиш керак бўлгани ва ноқулай сукунатни бузиш учун.

Йигит мужмалгина бош қимирлатиб қўйди.

— Энди ишни бас қилинг, бир амаллаб боқволамиз, демабсизлар-да.

— Дедик, — йигит журъатсизгина мингирлади, — узиям қайсар. Шу йил пенсияга чиқиши керак эди...

Тога ўзи ҳақида нохуш гап кетаётганини эшитдим ё сездим, угирилиб, йигитга қараб бир ижирганиб қўйди-да, яна аввалигича ётаверди.

— Яхши эшитмаяпти, — деди йигит гўё бизни тинчлантириш учун.

— Овқат-повқатни нима қиляпсиз?

— Шу ерга олиб келиб беряпман. Юрса боши айланиб кетади, — деди йигит тез-тез гапириб, — эрталаб ўзим бет-қўлини ювиб қўяман. Ҳожатхонага олиб бориб... елкасидан ушлаб тураман... Хонадаям шу, кийимини тез-тез алмаштиришга тўғри келяпти.

— Майли, ука, — тасалли бердик биз, — отага хизмат қилган кам бўлмайди, фарзанд шунақа пайтда асқотмаса...

— Ҳа, — деб улаб кетди шеригим, — оғир олманг, қаттиқ гапирманг, дуосини олинг.

— Отанг тўнгиз бўлса, бойлаб боқ, дейишган, — қўшимча қилдим мақол қўполроқ бўлса ҳам.

— Ота рози — Худо рози, — деди шеригим.

— Бирон нарсага зориқсангиз, ёрдам керак бўлса, тортинмай бизга айтаверинг, ён қўшни — жон қўшнимиз, — деб хайрлашдик.

Кечаси энди кўзимиз илинган экан, бирдан шовқин-сурон бўлиб қолди. Қўшнимиздан хабар олгани югурдик. Ҳамшира тогага оёқларини солиб ўтириши учун тиззага етадиган махсус идишда илиқ сув олиб кирибди-да, йигитга тайинлаб чиқиб кетибди. Афтидан нариги каравотда ёнбошлаб кузатиб ётган «Ҳожимуқон» мизғиб қолган бўлса керак (уни ҳам айбситиш қийин — семиз одамлар уйқуга мойилроқ бўлишади-ку), тога, боши айланганми, утиравериб зерикканми, ўғлини чақирса уйғонмаганми, хул-

лас урнидан тураман деган-да, оёгини идишдан чиқаролмай муккачасига полга йиқилган. Огзи-бурнидан оққан қон ванначадан тўкилган сув билан қушилиб, белбогдай жойда ифлос, хунук шилимшиқ ҳосил қилган эди.

Тога йиқилаётганда ё йиқилиб бўлгачми, жон-қолатда бақириб юборган, йигит уйғониб кетган, ҳамширалар ҳам югуриб етиб келишган, биз кирганда уни ҳали тургизишга улгуришмаган эди.

Тоганинг оёқлари ҳамон тўнтарилиб ётган идишнинг ичида, усти-боши шалаббо, юз-кўзлари, қошларигача қон суйкалиб кетган эди.

Беморнинг жуссаси бир сиқимгина бўлса-да, уни тургазишга қийналишар эди. Унинг бир қўлтигидан икки ҳамшира, иккинчи қўлтигидан йигит кўтаришмоқчи бўлаётган эди.

— Ҳай-ҳай, нима қиляпсизлар узи, лоақал анави идишни оёгидан олиб ташлаш керак-ку, — дедим мен ва шошиб ваннача томонга ўтиб, уни торта бошладим. Лекин бу тор идишнинг ичида тоганинг оёқлари букланиб қолганми, ҳадеганда чиқавермади. Қаттиқроқ тортгани чўчидим, оёқ-поёги билан сугуриб оламанми, деб. Хуллас, беморни ярим белигача кўтаришган жойида қайта ётқизиб қуйиб, ҳамма оёгидаги ванначага ёпишди. Ростдан ҳам тоганинг панжалари чангак бўлиб қотиб қолган эди, оёқларини битта-битталаб аранг чиқариб олдик. Ҳамширалардан бошқаларимиз, ҳатто тоганинг ўғли ҳам бироз жиргангандай ҳаракат қилар, мумкин қадар беморнинг кийимига, юз-кўзига тегиб кетишдан ўзимизни эҳтиётлардик.

Ниҳоят, беморни тургизиб, курсига утқаздик. Нашатир спирти ҳидидан у ўзига келиб, кўзини очди. Қўлоқларига сув кириб қолган қўй сингари бошини сарак-сарак қилди. Ҳамширалар елиб-югуриб тогора, графинда сув олиб келишиб, беморнинг

юз-қўзларини худди ёш болани ювинтиргандай юва бошладилар. Энди тоғанинг уст-бошини алмаштириш керак эди.

— Бошқа кийим олиб қўймаганмисиз сестраҳазяйкадан, — деб сўради ҳамширалардан бири.

Йигит индамади.

— Энди ечинтириб, чойшабга ураб ётқизиб қўйинг бўлмаса, — деди ҳамшира.

— Яланғоч қилиб-а? — ниҳоят даражада ажабланди йигит.

Ҳамширалар йигитга ундан ҳам баттарроқ ҳайратланиб тикилишди.

— Ҳа, биз ечинтирайликми бўлмаса дадангизни?..

— Кечаси яна ҳул қилса-чи?

— Ўзингизни чойшабларингиз билан ўрайсиз.

— Курпасиниям алмаштириш керак бўлади.

— Агдариб қўясиз.

— Кечаси... бир неча марта... бўлади... — деди йигит ҳиссизлик ва ланжлик билан.

— Унда ўзингизни курпангизни солиб берасиз.

— Мен-чи?

— Бир кечага бир амалларсиз, курсида утириб ухласангиз ҳам бўлаверади, — деди ҳамширалардан бири асабийлашиб, — ахир отангиз-ку!

Қўшнилариимиз энди бизнинг хонамизга қадам ранжида қилишмаса керак, деб уйловдик. Эртасига эрталаб киришди.

— Ҳай, қўшнилар, анави Ҳожимуқон деганларинг тоғамизни ўғлимас экан. Бечора тоғамизни ўгли туғул қизиям йўқ экан. Кечасиги воқеадан кейин полвон хайр-маъзурниям насия қилиб, саҳар жуфтакни ростлабди.

Бу биз учун чиндан ҳам кутилмаган, галати янгилик эди.

Тоға билан йигитнинг ташқи тузилишларида бирон-бир ухшашлик кўрмай ажабланиб қўйганим

эсимга тушди. Лекин нотаниш одамлар, хусусан гап ташувчи жувонлар олдида мулоҳазамни билдиришга андиша қилган эдим. Бу дунёда қандай гаройиб ҳодисалар бўлмайди, дейсиз. Оламда бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган ота-болалар камми?

— Бутунлай кетибдими? Эҳтимол бирон ёққа чиққандир — шаҳаргами... Ёш, сиқилиб зериккан бўлса... — ўсмоқчиладим ҳамон ишонгим келмай.

«Винни Пух» менга қараб қошларини чимириб, лабларини бурди.

— Гурними... йигиштириниб, ҳамширага мен ишимдан қоляпман, ўзинглар қаранглар, дебди яшшамагур...

— Тузук, индамасдан жўнавормай, огоҳлантириб кетибди.

— Ўлсин энди, шунгаям ярамаса... Ахир, нима бўлсаям одаму... — деди хипчаси шеригининг гаплагига гаши келгандай.

— Ўзи унча ёпишмайроқ турувди, кўзлариям бежороқ эди... — деди ҳануз газаб алангаси пасаймаган семиз хоним.

Ҳолваси бошқа жойда-ю, галваси бизникида, дегандай, музокара нонуштагача давом этди.

«Ҳожимуқон» қочиб кетганидан кейин икки кун ўтгач, тоганинг ёнида бир аёл пайдо бўлиб қолди. Ёши ўтиб қолган бўлишига қарамай истарали кўринадиган бу опа камгап, камсуқум эди. Хотинларга ҳам қўшилмас, гўё «Ҳожимуқон»нинг гуноҳи учун хижолат чекаётгандай маҳзун ва жимгина юарди. Ҳатто ҳар қандай эркагу аёлнинг енгидан кириб почасидан чиқиб кетадиган қўшниларимиз ҳам опа билан тил топишишга, унинг қўйнига қўл солишга анча уриниб кўришди-ю, бироқ дурустроқ натижа чиқмади, шекилли. Лекин ҳар қалай улар айрим маълумотларни билиб олишганди.

— Худо шифосини берса ҳеч гапмас, — ўзимча таскин бердим опага.

— Раҳмат, ука, айтганингиз келсин, — деди опа менга бирров назар ташлаб. Шунда мен аёлнинг кўзларидан ўзимча қандайдир маънолар илгамоқчи бўлдим, лекин илкис бир нигоҳдан ниманиям англаб бўларди.

Тоға билан бош қимирлатиб хайрлашар эканман, менга у кўнгли туқ одамдай, жуда хотиржам кўринди.

ЭСКИ СОАТ

Кун роса тиккага келган эди.

Кўкда зог учмайди, ҳаммаси ин-инига уриб кетган.

Туйгун иккаламиз шолизорни оралаб оқадиган Қорасувнинг ёйилмасида чўмилаётувдик.

Саратон жазирасида обдан қорайган баданларимиз оловдан чиқиб сувга тушгандай яйрайди. Биз энгашиб олганча, бир-биримизга сув сепиб, қийқириб кулишардик. Тепага отилаётган сувлар қиличга ўхшаб кетар, қуёш нурлари билан кесишиб, атрофга сон-саноқсиз яшин-чақмоқчалар сачратарди.

Чарчаб, қолдан тойгач, лойланиб силлиқланган ва қуриб-қотиб, ялтираб кетган суйри қиргоққа чиқдик-да, «пах-пах»лаб, қоринларимиз ва сонларимизни чўгдай тупроққа теккизиб, юзларимизни қўлларимизга қўйганча ётиб олдик. Баданларимизга худди қиздирилган игначалар санчила бошлади.

Атроф сув қўйгандай жимжит эди. Чигирткалар ҳам чирилламайди, бақалар ҳам қурилламайди...

Бирдан машина овози эшитилиб қолди.

Туйгун иккаламиз баравар бошимизни кўтардик.

— Ур-ра!..

Қишлоқдан бошланиб, пахтазору шолизорни кесиб ўтадиган сертупроқ йўлдан қаймоқранг «Волга» сиргалаётгандай оҳиста юриб келар, орқасидан кўпикдай кўтарилган қуюқ чанг атрофга секин-аста таралиб, гўзалар баргига қўнар, бир қисми эгатлар орасига, қолгани ҳавога сингиб кетарди.

Биз ҳамон қафтларимизга тиралганча, ярим белимизгача кўтарилиб қараб турардик, машина яқинлашгач, бирдан яланғочлигимиз эсимизга тушиб, апил-тапил сувга сакрадик.

«Волга» ёйилмамиз ёнидаги шох-шабба, чим бостирилган омонат кўприкка етганида янада секинлади. Биз қафтларимиз билан сувни икки ёққа ёриб ўйнаганча ҳайрон бўлиб тикилиб турардик.

Машина кўприкни қисирлатиб, қуёш тек қотиб турган тарафга ўтиб кетди. Кўприк сезилар-сезилмас лопиллаб силкинганида енгил чанг кўтарилиб, тагидан сувга шувиллаб майда тупроқ тўкилди.

Мен Туйгунга, Туйгун менга қарадик. Туйгун елка қисди. Мен ҳам.

Бу йўлдан машина ҳайдаганлар, велосипед минганлар дам-бадам ўтиб туришади. Тумандан, қўшни қишлоқлардан келадиган бу одамлар шолিপояларидан хабар олиб кетишарди.

Бирпас кузатиб турдик-да, «Волга»нинг яқин-уртада тўхтамаслигига ишонч ҳосил қилгач, сувга шўнғидик.

Пишқириб қиргоққа чиққаннимизда яна «Волга»га кўзим тушиб қолди.

— Ий-йи, Туйгун, машина ҳув анави ерга бориб тўхтабди, — деб хабар бердим.

Сонларига илиқ тупроқ сепиб ўйнаётган Туйгундик этиб урнидан турди. Оёқлари орасидан тўкилган тупроқнинг чанги ариққа ёйилиб, сув юзини хиралаштирди.

— Ҳм-им... — деди Туйгун буйнини чузганча Қорадарё тарафга тикиларкан. — Борамизми?.. — Бирдан таклиф қилиб қолди у «Волга» томонга бош ирғаб.

— Бориб нима қиламиз? — сўрадим қизиқиб.

— Шўпир куринмаяпти, шolini кургани кетган бўлса керак. Томоша қилиб келамиз...

Машина ҳайдашни орзу қилмайдиган, унинг кабинасига ўтириб, чамбарини ушлаб, айлантриб кўришга учмайдиган бола топилмаса керак.

Мен кифт қоқдим.

— Бўпти, кийиндик, — қистади Туйгун қанот боғлагудек типирчилаб. Кийимимиз битта калта иштондан иборат эди. Иккаламиз йўлнинг икки томонидаги шолиторни кузатганча чопқиллаб кетдик. Машинага етиб боргунимизча ҳам теварак-атрофда шофёрнинг қораси куринмади.

«Волга»нинг эшиклари берк, лекин олдинги иккакала эшиги тепасидаги ойнаси очиқ эди. Икки тарафдан ичкарига мўраладик.

Қуроқ кўрпача тўшалган уриндиққа шим, енги калта сариқ кўйлак пала-партиш ташлаб қўйилганди.

Қулогимга бирдан галати товуш чалинди:

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

— Ий-йи, соатиниям ташлаб кетибди, — деди Туйгун қўлини ичкарига узатиб, у кўйлак устида турган соатни олди ва бошини дарров ташқарига тортиб, атрофга кўз югуртирди. — Аваз, шўпир узоққа кетганга ўхшайди, ўмарамизми?

— Ўғирлаб-а? — мен ҳам бошимни кабинадан апил-тапил чиқариб, қўрқа-писа теваракка алангладим.

— Нима қипти, билиб ўтирибдими, оламизу қочамиз.

— Кегин нима қиламиз уни?

— Сотиб, пулини бўлишволамиз!

— Қимга сотамиз?

— Мен дадамни шупирига — Салим акамга айтаман, сотиб беради, лекин ҳеч ким билмаслиги керак, — деди Туйгун овозини пасайтириб.

Юрагим гуп-гуп қилар, назаримда Туйгуннинг юраги ҳам шунақа ураётгандай эди.

— Уғирлик яхшимас-да, — дедим ҳамон кузларимни жавдиратиб. — Одамни қули қалтироқ бўлиб қолади.

— Э-э, қари энангни гапини кўтариб юрибсанми? — деди Туйгун чор тарафда қотиб қолгандай қилт этмай турган бепоён шолизорни тез назардан ўтказаркан. — У ёқ-бу ёққа қараб тур, — тайинлади менга. Ўзи эса шофёрнинг яқин ўртада эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, бошини тагин ичкарига суқди. — Чунтагиниям қараб курайлик-чи... — У жигарранг шимнинг киссаларини шоша-пиша ковлай бошлади.

— Қуринмаяптими?

— Тезроқ бўл, қўрқиб кетяпман, — дедим бир кўзим кабинада, бир кўзим ташқарида олма-кесак териб.

— Ҳозир... пулиям боракан...

Қоровулликни унутиб, ичкарига энгашдим.

Туйгуннинг бармоқларига бетартиб тахланган пуллар илашиб чиқарди.

— Қўй, яхшиси, ўғирламайлик, кеп қолса, орқамиздан етволади.

— Э, етказиб жиннимизми... Шолипояларминан ўтиб, гўзани ичига уриб кетамиз.

— Бўлмаса, ё соатни олайлик, ё пулини. Биттасини қолдирайлик-да...

— Йўқ, иккаласини оламиз. Иккаласини олсак, бўлишишгаям осон: биттамизга — пул, биттамизга — соат... Соат сенга булақолади.

— Пулини бўлишиб қўя қолсак-чи, — дедим бўшашиб.

Мен совуққотгандай қунишиб, атрофдан куз узмасдим. Назаримда «Волга»нинг эгаси қаердадир бизни кузатиб тургандай, ҳозир келиб қолиб билагимиздан шаппа ушлайдигандай туюларди. Лекин Туйгуннинг таклифи, тўғрироғи, илтифоти кўнглимга гулгула солиб қўйган эди. Ростиям, соат менга тегса, Туйгунга ухшаб уртоқларимга мақтаниб юрардим, деган хаёл миямга ўрнашиб олди. Туйгунникидай янги, чиройли бўлмасаям, ҳар ҳолда, соат-да, бошқаларда шуям йўгу...

— Кетдикми, — деди Туйгун бир қўлида соат, бир қўлида пулларни гижимлаганча, киприкларини пирпиратиб. Овозининг қалтирашидан унинг ҳам иккиланаётгани, ҳадиксираётгани сезилиб турарди. — Ўзинг томонни яхшилаб қара, мен томонда пашшаям кўринмайди. Қочдик!

Ўзимизни шолитор ичига урдик. Орқамизга қарай-қарай уватлардан, марзалардан ҳатлаб, шоли ниҳолларини эзиб-янчиб югурардик. Оёқларимиз остидан сачраётган илиқ лойқа сув кўзларимизни ачиштирар, огиз-бурунларимизга кириб, кўнглимизни беҳузур қилар, лекин заррача эътибор бермай, секинлашни хаёлимизга ҳам келтирмай, яшиндан қочгандай учиб борардик.

Йўл қолиб кетди. Машинаям. Ниҳоят, Қорасувнинг торроқ жойидан сакраб ўтиб олдик. Энди буёғи пахтазор — анча бежавотир эди. «Волга» ҳамон жойида қотиб турар, унинг ён-верида ҳалиям одам кўринмасди.

Мен ўпкам огзимга тиқилиб, ҳарсиллаб қолгандим. Ўскин гўза ичига кириб, ўзимизни ерга ташладик. Шунда ҳаво етишмаётгандай, зўрга нафас олар, кўкрагим кўтарилиб-кўтарилиб тушарди.

— Бўлди, мунча ҳансирайсан? — деди Туйгун. — Энди бизни топиб бўпти.

— Нотўғри қилдик-да, Туйгун, ўғирлик яхшимас.

— Уғирлик ёмон булса, сен тегишингни олмай қўя қол, — бурнини жийирди Туйгун.

— Ҳо, нимага энди олмасаканман, шерикмиз-ку, — дедим алам билан.

Ғуза барглари шитирлади, чўчиб тушдим, ўзимни билмадиму Туйгуннинг ранги оқариб кетди.

Туйгуннинг Бўйногини кўриб, ўзимизга келдик. Итни аввалига сўккан булсак-да, шу заҳоти унинг бўйнини силаб-сийпаладик. Бўйноқ, уйларимизнинг яқинлигини эсимизга тушириб, бизга анча далда берган эди.

Улжаларни шу ерда булишдик.

Туйгун менга соатни узатди.

— Ма.

Соат эски, кўримсиз, қора латтага ухшаш боги узилай-узилай деб турибди. Пул — бошқа гап, истаган пайтингда хоҳлаган нарсангни сотиб олишинг мумкин: қармоқ ё камалакка резинками, пряник ё музқаймоқми...

Иккиланиб қолдим. Соатни нима қиламан? Аям нима деркин? Роса уришса-чи... Хўп, уришмасин ҳам, тақиб юрсам, болалар сураса, нима деб жавоб бераман? Кучадан топиб олдим, дейманми? Туйгун ҳеч кимга дамингни чиқармайсан, деб тайинлади. Ўзи айтиб қўйса-чи? Йўқ, айтмайди. Лекин, топиб олдим, деганимга биров ишонармикин? Қанақа лапашанг одам Аваз топиб олсин, деб кучага ташлаб кетибди, нимага энди бошқа биров топиб олмайди-ю, сен топиб оласан, деб калака қилишса-чи? Қорасув бўйдан топиб олдим, битта-яримта чўмилган одамники қолган булса керак, деб туриб олади, тамом...

Лекин бу гапларга ҳали анча бор эди. Мен соатни қулогимга яқинроқ тутиб кўрдим. Унинг товуши жуда ёқимли эди.

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

Уй-уйга тарқалдик.

Ҳовлига кириб борганимда аям тепа лаби тушиб кетган тандир ёнида кир юваётган экан, бақириб қолди:

— Қаёққа гумдон буп кетдинг?! Ақалли ариқдан бир пақир-ярим пақир сув ташиб туришга ярамай-санми?..

Аям томон чўчинқираб бордим-да, кир тогора ёнида турган буш пақирни юлқигандай олиб, кўчадаги ариққа югурдим. Пақирни муздай, тиниқ сувга ботириб, гавдамни бир томонга қийшайтирганча орқамга қайтдим. Қалайи пақирнинг остки қирраси болдиримга тегиб огритар, сув чайқалиб тукилар, лекин парво қилмасдим.

— Қаерга қўйй? — сўрадим дарвозадан кира солиб, эпчил-чаққон боладай.

— Қозонга қуй, қозонга, — буюрди аям бошини кўтармай, — учоққаям гўзапоядан бир тутам ташлаб қуй.

Темир учоқдаги суви ярим қозонга пақирни ағдараётган эдим, боядан бери бир кафтимда яшириб турган соат «чўлп» этиб тушиб кетди, «иҳ» деб юбордим.

— Нима бўлди, ландовур, чўг-пўгни босволдингми? — сўради аям ишидан тўхтаб ва қўлларидаги купикни сидирганча урнидан турди, — сен бола, бир нарса қилдинг-ов, — аям шундай деб қозон тарафга юра бошловди, ўзимни орқага тортдим.

Аям у ёқ-бу ёққа аланглаб бориб, қозонга энгашди. Мен бир неча қадам берида қўрқа-писа қимтиниб тургандим, аям важоҳат билан тикилди.

— Бу нима? — сўради у, овози қалтираб кетди.

Бир сапчиб тушдим, киприкларим тўхтамай пир-пирай бошлади.

— Соат, — жавоб бердим титроқ товушда.

— Куриб турибман, қанақа соат, кимни соати? — аям гўзапоя чўпи билан сув ичидаги соатни

тортиб чиқарди. У қўлидан бунисига олиб, у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрди. Мен ҳамон қоққан қоziқдай қимирламай, миқ этмай турардим. — Қаердан олдинг?

Бу гал аямнинг овози юмшоқроқ чиқди.

— Топиб олдим, — дедим сал дадилланиб.

Бу ёғи мен уйлагандай кетиши, яъни, аям: «Қаердан?», деб сўраши, мен: «Қорасув бўйидан», деб жавоб беришим керак эди, лекин ундай бўлмади. Аямнинг авзойи яна бирдан ўзгарди.

— Ҳув, бола, тул бошим билан тўрттангни шу пайтгача ҳаром аралаштирмай боқиб, катта қилипман. Қаердан олган бўлсанг, ҳозир жойига қўйиб келмансанг, гушингни нимта-нимта қиламан!

Мен даг-даг қалтираб, гапирай десам, тилим айланмасди.

— Сен бола, бировларга ҳавас қилмагин, — деди аям худди айтолмаётган гапларимни ёшланган кўзларимдан уққандай. — Туйгунга дум бўлволгансану ўша сени бир балога бошлаган. — Аям мен томон бир-икки қадам ташлади.

Мен дарвозани мўлжаллаб тисарила бошладим.

— Қочма, мени болам бўлсанг, манави матоҳни жойига қўйиб ке, тезда қўйиб ке. Айтганимни қилмайдиган бўлсанг, худди кунингни кўрсатаман.

Секинладим, лекин ҳамон «аям савалаб қолмасайди», деган хавотирда питирлаб турардим. Чунки аям бояги гўзапоя чўпини ҳали ҳам ушлаб турарди.

Аям дилимда кечаётган ҳадикни англадим, турган жойида соатни оёғим остига иргитди.

— Олган ёрингга қўйгину изингга қайт. Мақтабда уқиб, шуни ургандингми? Тезда олиб жуна!

Соатни «дўп» этиб тушган юмшоқ ердан олдиму қандайдир гайриихтиёрий қизиқиш билан шоша-пи-

ша қулогимга тутдим, юряпти: чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

Лекин шу аснода яна бир катта хатога йўл қўйганимни англадим: ялангоч елкамга гўзапоя чўпи тарсиллаб тегди.

— Сен нима деяпсан, демай, қулогига тутади-я, бу ҳаром нарсани!..

Бўйнимни қисганча дарвозадан кўчага отилдим. Жонҳолатда ариқчадан сакраб ўтиб, ҳаш-паш дегунчаёқ узимни пахтазор ичида кўрдим. Шундагина секинлаб, нафас ростладим, орқамга ўгирилмоқчи бўлдим, бироқ юрагим дов бермади. Дарё томонга тикилдим. «Волга» ҳамон жойида турарди... Бошим қотди. Етиб боргунимча шофёр келиб қолса-чи? У шоли ўтаётган бўлса керак, сувидан хабар олишга шунча узоқ йўқолиб кетмасиди, дедим ичимда. Туйгунни чақириб, унга бор гапни айтсам-чи?.. Э, у нима дерди, устимдан кулиб, мазах қилади. Шу, ўзи сен билан ўйнамаслигим керак экан, дейди. Уртоқчиликни уза қолайлик, деса-чи? Кейин ким билан ўйнайман?..

Маҳаллада қиз кўп-у мен тенги бола кам эди. Туйгун... мақтанчоқроқ бўлсаям, қизганчиқмас... Ҳар доим пули бўлади, бир нарса олса, менгаям беради... Унча аразчияммас...

Соатни олиб борса, бирдан шофёр келиб тутиб олса, пуллар қани, деб сўраса-чи?.. Э, қаёқданам бугун чўмилишга бордим... қаёқданам Туйгуннинг гапига кўна қолдим?.. Ўғирламайлик, деб қаттиқ турганимда, нима қилардийкин?.. Асли соатниям олмай қўя қолсам бўларкан, Туйгун зўрламасди, қайтага жон дерди... Соатнинг овози эса баралла эшитилиб турарди:

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

Мен пахтазор ўртасидаги ости қатқалоқ, икки қиргогини курмак, семиз ўт босган ўқариқдан тиккалаб борардим.

Шу ғузанинг ичига ташлаб юбора қолсам-чи?.. Аям кучага чиқиб кузатиб турган бўлса-чи? Орқага дадил угирилишга ҳамон журъатим етмасди. Юришдан тўхтамай, елкам оша қиё қарадим, лекин ариқ бўйидаги тутларнинг шапалоқ баргли новдалари дарвозамизни тўсиб қолганди.

«Волга» билан орамиздаги масофа борган сари узоқлашиб кетаётгандай эди. Машина кўзимга тобора кичрайиб, хунуклашиб кўринар, у бомбадай, етиб боришим билан портлайдигандай туюларди.

Ичим қизиб борар, елкам жизиллаб ачишарди. Лекин йўлим унмасди. Соатни тош орасига олиб мажақлаб ташлагим келар, аммо кўзим қиймас, кейин назаримда, аям қўлларини белига тираганча, тутлар орасидан қараб тургандай эди.

Назаримда, шофёр ҳам «Волга» ичида етиб боришимни кутиб пойлаб ётгандай эди...

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

Бу товуш энди чакка томчиларидай ёқимсиз эшитиларди.

Қани энди кафтимдаги шу бир парча чўгдан тезроқ қутулсаму дукурлаётган юрагимнинг шиддати ва овози сал пасайса!.. Дукурлаётган юрагимникин ўзи?

Йўлим купаяверганидан олдинга қадам ташла-япманми ўзи, деган хаёлга ҳам борардим. Кўринмас бир қўл оёғимдан тортса, аямнинг қадоқлари оқем бўлиб кетган кафтлари ортимдан итарарди. Мен қаттиқ кесакларга, ғуза шохларига қоқила-қоқила, йиглаб юбормаслик учун лабларимни маҳкам қимтиб борардим. Ичимда Туйғунни сўкардим.

Кўз ёшининг пўртанадай кучлилиги, баъзан уни тўхтатиб бўлмаслигини ўшанда билганман. Миждаларимга нам тепчий бошлаганини сездим.

Энди осмоннинг чароғонлиги ҳам, Қорасувнинг тиниқлиги ҳам, пахтазору шолизорнинг ям-яшил-

лиги ҳам ўз қимматини йўқотган эди. Кафтимдаги соатнинг овози олис-олисларга таралаётгандай эди:

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

Узоқда ялтираб турган «Волга» кўзимга балоқазодай кўринарди. Унинг ёнига етиб борадиганга ўхшамасдим.

Қорасувнинг пахтазорни тиккасига кесиб утиб, кўчамиз ёнидаги ариққа қуйиладиган шохобчаси қиргогида саф тортган, шохлари сийрак қари тутлар панасига ўтдим-да, дарвозамиз олдини кузатдим. Онам кўринмасди. Ичимга хийла ёруглик тушди. Бирдан икки бошли аждарҳога ўхшаш катта тутнинг чумчуқ ин соладиган кавагига кўзим тушди-ю, миямга бир фикр келди. Суюниб кетдим. Соатни уша кавакка яшираман. Кейинроқ оламану аямга сездирмай сотиб юбораман ё Туйгунга топшираман: менга соат керакмас, пулни бер, дейман. Унгача Туйгун пулни ишлатиб юборса-чи? Барибир унда ҳар доим пул бўлади: аяси ё дадасининг шофёри бериб туради. Эрка!..

Тут кавагининг огзи кичкина эди, қўлимни эҳтиёткорлик билан сугуриб олдим.

Энди бир оз вақт ўтказиб уйга бораман, дедим-да, тут каллакларидан, кавакларидан чумчуқ бола қидириб анча юрдим. Ўзимни чалгитмоқчи эдим. Булмади.

Қулогим остидан соат овози кетмасди.

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

Тутқатордан узоқлашган сарим бу товуш янада яқинроқдан эшитиларди.

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

Хаёлимда ариқ бўйидан юрадиган одам соатни пайқаб, уни топиб оладигандай, сирим ошкора бўлиб қоладигандай эди. Кўнглим тинчимади. Қайтиб бордим. Соатни кавакдан чиқариш учун анча уриниш-

га тўғри келди. Билагим озроқ шилинди ҳам, лекин хайриятки қон чиқмади. Аям сезиб қолиши мумкин эди.

Энди дардисар соатни гузанинг ичига, тупроққа кўмишга қарор қилдим. Кейин топишга осонроқ ерга, гуза баргига ураб кўмдим-да, ёнига чўпак суқиб, белги қўйдим. Уйга қараб бир неча қадам юрдиму яна секинладим. Соат худди кафтимда тургандай бир текис овоз берарди:

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

Тагин бир неча қадам юрдим.

Булмади.

Соат товуши қулогимни тешиб юборай деди: чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

Қайтиб бориб, соатни ковлаб олдим.

Наҳотки, бу бош огриғини жойига қўйиб келишдан бошқа чораси булмаса?

Йўқ, машина ёнига зинҳор бориш мумкин эмас. Шофёр тутиб олса, тамом... Нима қиларкин, урармикин ё қулогини чўзиб, қўйиб юборармикин? Шундай қилса, майлийти. Мактабга бошлаб бориб шармандасини чиқарса-чи? Ҳамма уни «ўғри» деб айтади...

Дарвозамизга яна бир қараб, аямнинг мени кузатиб турмаганига ишонч ҳосил қилдим, Қорасувга қараб юрдим. Ариқ бўйига етгач, кўзимни чирт юмдим-да, лаънати соатни қулочкашлаб шолизорга отдим. Отдиму қулоқларимга бармоқларимни тикдим.

Анчадан кейин кўзимни очдим, қулоқларимдан бармоқларимни олдим. Соат ҳамон чиқ-чиқлар, фақат энди унинг овози қаердан келаётгани менга номаълум эди.

У товуш ҳалигача қулоқларимдан кетмайди.

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

СУҶМОҚДАГИ ЁЛФИЗ ТОШ

Сиз тошнинг қариганини кўрганмисиз? Мен кўрганман. Қанақа тош дейсизми? Мармар ё ойдан тушган муъжиза тош эмас, шу, ўзимизнинг оддий, дарё тоши... Ана шундай тош ҳақида дилимдан ўтган гапларни айтиб, кўнглимни бушатмоқчиман. Оддий бир тош тўгрисида ниманиям гапириш мумкин, деб ҳайрон буларсиз. Чехов кичкинагина сиёҳдон ҳақида ҳикоя ёзиб бермоқчи бўлганини биласиз. Ахир, бу сиёҳдондан бир неча ўн баробар катта, бунинг устига, насл-насабию қаердан келиб қолганини ҳеч ким билмайдиган, аммо одамларга ташқи кўриниши кўп йиллардан бери таниш бўлиб қолган, яъни ҳар қалай анча-мунча тарихи бор тош-ку.

Мен бу тошни кичкиналигимдан, энди тилим чиқиб, нарсаларни бир-биридан сал-пал фарқлай бошлаган пайтимдан биламан. Ҳатто ундан анча аввал, онам кўтариб юрадиган чоғларда ҳам у тошга кўзим тушганлиги ва унга гудакларча қизиқиш билан қараганим аниқ. Эҳтимол, онамнинг бағрида туриб унга талпингандирман ҳам. Лекин, негадир эсимни таниган вақтларимда тошга жиддий аҳамият берганимни эслолмайман. У тарихий тошга айрича эътибор билан қарай бошлаганимга кўп бўлгани йўқ. Бу орада тош билан бир неча юз маротаба тўқнашгандирман. Гап шундаки, мен узоқ йиллар Тошкентда яшаб, қишлоққа бундан бир неча йил илгари қайта кучиб келган ва тош абадий маскан қурган азалий суҶмоқдан қайта юра бошлаган эдим.

Тош суҶмоқнинг ўртасида. Аслини олганда тош илгари ўртада эмас, анча четроқда бўлиб, ўнг томони кенг-мўл эди.

Дарвоқе, тош турган жойни яхшироқ тасаввур қилишингиз учун аввал суҶмоқни батафсилроқ тасвирлаб беришга тўғри келади, шекилли.

Суқмоқ уйимиз орқасидан маҳаллани қоқ иккига ёриб утган. Биздан тепада яна тўртта хонадон бўлиб, суқмоқ худди ана шу ердан, яъни маҳалла бошидан бошланган ва кун ботиш томонга қараб, икки-уч уринда кичкина қўлтиқ ясаб кетади. Суқмоқ илгари пайтларда ҳозиргидай сокин ва зерикарли эмас эди. Унинг узунлиги бир чақирим келмас, ёлғиз тош эса бизнинг уйдан бор-йўги тўрт юз қадамча нарида холос. Бир қарашда чакалакзорга ўхшарди бу ер: атроф қалин ут-ўлан, бутазор бўлгани учун шабада кам юрар, имиқ. Суқмоқнинг чап томонида тор, лекин анча чуқур, бошидан охиригача икки қиргоғида жингилу эрман қалин ва тартибсиз ўсиб ётадиган жилгасимон ариқча буларди. Унинг ичини ҳам ям-яшил, қирраси қиличдай уткир аччиқ ут қоплаганидан унда-бунда милт-милт қилиб кўриниб қоладиган сув кўлмакка ўхшар, астойдил қулоқ тутган кишигина оҳиста жилдираб оқаётганини эшитиши мумкин.

Суқмоқнинг ўнг тарафи эса томорқаларнинг этаги бўлиб, тол ходалардан қилинган чавралар билан тўсилган. У пайтларда гувала, гишт деворлар уриш ҳали расм бўлмаган эди. Ариқ билан чавра оралиги, яъни суқмоқнинг эни камида бир ярим қулоч келар, тош эса деярли ариқ лабида эди. Унинг ўнг ёнидан бемалол юрилаверар, ҳатто, тош бу суқмоққа ажойиб бир шакл, ўзига хос манзара бағишлагандай эди. Утган-кетган бир дақиқа ўлтириб нафас ростлаб олиши учун атайлаб келтириб қўйилгандай. Лекин атайлаб келтирилмагани аниқ эди. Мабодо шундай бўлганида, энди унинг кўзда тутилган хизматини ўтаб бўлганлигини инобатга олишиб, четга чиқариб қўйишни ҳам ўйлашарди. Лекин, бу ҳақда кейин фикрлашамиз, ҳозир гап суқмоқ туғрисида.

Суқмоқ учун фасл иккита эди: қиш ва ёз. Қаҳратон ҳамма ердаги каби бу овлоқни ҳам ўз забтига олиши

турган гап. Қор ҳам ҳамма жойда бирдай оппоқ ва бирдай залварли: ерни ҳам, томни, гиёҳлару дарахт шохларини босиб тушиб, қилт эткизмай қўяди, зўр келган пайтларида, ҳатто, катта тол, кўплаб мевали дарахт шохларини қайириб, синдириб ташлайди. Сўқмоқ қиргоқларида унақа, қайрилиб ё синиб тушадиган шохли дарахтлар кам эди. Лекин қор бошқа, масалан очиқ далаларга нисбатан бу маконга кўпроқ ёгадиганга ўхшарди: илонизи сўқмоқнинг ўзи ҳам, айниқса, ариқ кўрпа-кўрпа бўлиб осилиб ётган қор остида мутлақо кўринмай кетарди. Қишнинг асл қиёфаси, ҳақиқий салобатини намоён этадиган мана шу чиройли ва ўзига хос манзарани томоша қилиш, завқланиш, ўпкани тўлдириб-тўлдириб нафас олиш ва оёқ ботадиган қалин қорли сўқмоқда ёлғиз из қолдириш ниҳоятда гаштли эди.

Табиийки, хилват сўқмоқда баҳор ҳам кечроқ бошланар, майса-гиёҳлар сўқмоқ четларию, ариқча лабларини анча кейин кўкартирарди. Лекин сўнгроқ бу ернинг ҳусни ва латофати жуда бошқача бўлиб кетар, худди ана шу маҳалларда кўк чучвара учун жағ-жағ, отқулоқ истаган болалар кўпроқ изғиб юришарди.

Сўқмоқдаги ўт-ўланлар ёз бўйи, ҳатто кузнинг дастлабки ойларида ҳам бутунлай қуриб, қовжираб кетмасди. Лекин мезон эрта тушарди. Ёз этакларидаёқ, шоир таъбири билан айтганда «кўзларга қилич янглиг тортиладиган» оқ «ип»лар ҳар ер-ҳар ерда новдаларга илашиб, ерларда чувалашиб қоларди.

Сўқмоқнинг доим чанг бўлиб ётадиган яшил майсалари эса жуда узоқ — то янаги кўкламгача безавол яшайди. Ушанда ҳам бутунлай қуриб, йўқ бўлиб кетмасдан янги баҳорнинг сабза гиёҳларига қўшилиб кетади. Шунинг учун уларнинг умри қачон поёнига етганини ҳам билмайсиз.

Кузда эса барра кукатларнинг баргидаги шабнам шамолда енгил титраб, шим почасини, пойафзални шилта қилиб юборарди.

Кеч кузда сўқмоқ янада қоронгилашиб кетарди. Чунки чавра томондаги қари ўрик, олмаларнинг тарвақайлаган шохлари, уларга илашиб усган ток занглари ва ариқнинг у бетидagi — томлар билан тутқатор орасидаги қора толларнинг новдалари бир-бирига киришиб кетган эди. Капа бўлиб ётган, ўргимчаклар уя солиб юборган шох-новдалар орасидан ҳар замон-ҳар замонда битта-яримта юлдуз мўралаб қўярди. Кундузи ҳам деярли кун тушмагани учун доим зах ҳиди анқиб турар, ҳавоси намхуш, лекин енгил эди.

Хусусан, шу паллаларда сўқмоқ сукунат гирдобига гарқ бўлади. Куз намозгарида сайли бошлангандиган пашшаларнинг ниши қаттиқ ва захри кучли бўларди: бирпасда бетларингиз, пешонангиз, билакларингиз, умуман очиқ жойларингизни гурра-гурра қилиб ташларди. Уларга юпқароқ кўйлак-шимлар ҳам чўт эмас, уткир наштарини бемалол санчиб олаверарди. Ҳайдасангиз, жазавази тутгандай тўзишиб, гингиллашиб, баттар ёпишишади. Шунинг учун бунақа маҳалда сўқмоққа камроқ қадам ранжида қилган маъқул.

Сўқмоқнинг болалигимдаги эсимда қолган ҳолати ана шундай эди.

Орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Сўқмоқнинг қиёфасида анча-мунча ўзгаришлар юз берган. Лекин у барибир менга ниҳоятда қаровсиз, ташландиқ, файзсиз, тош эса унутилган, ғариб кўринарди.

Одамлар йилдан-йилга томорқаси чегарасини, яъни тўсиқ-чаврани озгина-озгинадан жилдириб-жилдириб, сўқмоқни қисиб, ариқ лабига олиб келиб қўйишган. Чавра ўрнига гувала деворлар уриб олиш-

ганди. Энди бу деворларни орқага суриб булмасди. Чап томон эса — ариқ... Йўл, энди икки киши рўпара келиб қолса ёнбошлаб утадиган сўқмоқча ҳолига келган.

Сирасини айтганда, маҳалламизнинг кун юриш томонидан янги йўл чиқарилгандан кейин бу сўқмоқдан одам кам юрар, онда-сонда, шошиб турган битта-яримта кимсагина ўтиб қолади. Гоҳи-гоҳида парманчак териб еяётган болаларни учратиш мумкин. Шунинг учун, кам депсалганидан ариқ лабию девор тагларини ялпиз, отқулоқ, момоқаймоқ, ажриқ каби қадимий утлар босиб кетган сўқмоққа ҳам, кекса ва танҳо тошга ҳам унча эътибор берилмай қўйган. Мен эсам, беташвиш болалигим кечган мана шу торгина, қадрдон сўқмоқдан юришни яхши кўрардим. Икки томондаги тарвақайлаб ётадиган мевасиз дарахтлар кесилиб, ўрнига анор, анжир экилган, сўқмоқ анча очилиб қолган, кундузлари бемалол кун тушиб, оқшом ҳам анчагача ёруғ эди. Сўқмоқнинг тароватига ўнг томондаги гувала деворлар бирмунча рахна солган, аммо ариқ қиргоғидаги жингилларнинг узун-узун новдалари ариқча узра камон ёйидай чиройли эгилиб, бир-бирига киришиб туради. Пушти, карнайча гулли печаклар сертикан наъматагу жингилларга чирмашиб, нариги бетга ўтиб кетган. Атрофдан таралаётган анвойи гуллар ва ўтларнинг омухта, ширин бўйлари (зах ва рутубат ҳидлари йўқолиб кетган) беғубор ва қадрдон болалигимни ёдга солади. Мен шунда болаликнинг чиндан ҳам ниҳоятда бетакрор, олам-олам қувончларни мургак бағрига бемалол сигдира оладиган, ўз устидан ҳам, бошқалар устидан ҳам ҳукмрон бўлган шоҳона бир даврлигини ўйлаб кетаман. Баъзан бир кунга, ҳатто бир неча соатга бўлса ҳам болалигимга қайтишни, ўша пайтда оддий, жўн, емак-ичмага ўйиндан иборат туюлган, кейинча серташвиш, серғалва, беором машаққатли

кечалар ва кундузларга, соатлар ва лаҳзаларга айланган ҳаётга, зангори ва мусаффоликдан кимёвий заҳарлар манбаи — ёмғир маконига айланган тунлару ва ҳумрайган осмонга, ҳаммаси яхши, меҳрибон бўлиб кўринадиган одамларга... балиқларга, гулларга, қушларга болаларча содда, бегидир, ишонувчан нигоҳ билан қарашни орзу қилиб қоламан...

Мен одатда ишдан чарчаб келганимда ё нимадан-дир кўнглимда бир тугун, хижиллик пайдо бўлиб қолса, шанба, якшанба кунлари эса ёзаётган ишим юришавермаса, ҳордиқ чиқариш, кўнгил чигалини ёзиш учун, илҳом париси билан бир оз холи дийдорлашиб, дардлашиб, ундан руҳ олиш учун алоҳида тайёргарлик билан сўқмоққа ўтар ва оҳиста, бир-бир қадам ташлаб унинг этагигача бориб келардим.

Мен бора-бора сўқмоқдан кўпроқ юрадиган бўлиб қолдим ва менга ўртада қаққайиб турган тош ортиқчадай, халал бераётгандай туюлди. Қайтишда, албатта ихтиёрий-мажбурий пакка — ёлғиз тош ёнида тўхтардим... Сўқмоқдан секин юриш шарт, негаки, аста ва у ёқ-бу ёққа қараб юрмасангиз, деворлар тагидан, дарахтлару жингиллардан тизилишиб, ниҳоятда зарил ва муҳим иш билан машгулдай шитоб ўтиб-қайтаётган ва уйларнинг тоқчасидаги қанд-қурс, қутидаги ёгли патир, қатламага (у пайтларда тўйлардан қайтган бунақа пишириқлар, ширинликлар кўп бўларди) бало-қазодай ёпишиб ётадиган худбин ва текинхўр кушанда — бетакаллуф қумурсқалар подасини тепалаб олишингиз мумкин.

Гоҳ-гоҳида илонларнинг ўзи кўринмаса-да, безовта қилганингиздан зорланиб вишиллагани ё ариқ ичидан бу газанда оғзидаги бақанинг ўлим талвасидаги аянчли, бўғиқ фарёди эшитилиб қолади.

Орадан шунча йиллар ўтиб, сўқмоқ анча ўзгариб кетган бўлса ҳам тошнинг ҳамон жойида турганига ажабланаман. Менимча, ҳамма унинг кекса ва оддий

тошлигини биларди. Лекин шунга қарамасдан уни йўлдан олиб ташлашни нимагадир ҳеч ким ўйламади. Ахир катта ҳам, кичик ҳам йўлнинг уртасида қотиб қолган бу тошни айланиб ўтишга мажбур эди. Наҳотки уни четроққа жилдириб, йўлни очиб қўйиш бир кимсанинг ақлига келмаса?

Бор-э, менга ҳам нима, эл қатори айланиб ўтавераман-да, деб қўл силтаб кетардим-у, кейинги гал тошни кўрганимда яна гашим келаварарди. Тошдан ҳам кўра, одамларнинг лоқайдлигидан кўпроқ гижинар ва куюнардим. Тошни четроққа суриб қўйишни ният қилиб, бир неча бор астойдил уриндим. Лекин тош катта эди, уни силжитишга бир ўзимнинг кучим етмасди. Қолаверса, бу атрофда жой тигизлиги (бир томон девор, иккинчи тараф — ариқ) сабабли, тошни анча нарига олиб бориш лозим эди.

Лекин, юқорида эслатганимдай, бу йўлдан одам жуда кам қатнар, икки кишининг айнан шу ерда рўпара келиб қолиши ногаҳонда содир бўладиган воқеа эди.

Бир куни, сўқмоқдан кетаётсам, рўпарадан бир йўловчи келиб қолди. Суюниб кетдим. У билан саломлашиб бўлгач, мана шу тошни четроққа олиб қўймаймизми, дедим.

— Нимага? — сўради у ошкора ҳайронлик билан.

— Нимага буларди, шу... ўтган-кетганга халақит беряпти-да.

Йўловчи тошга тикилганича, шалпанг қулоқларининг солинчигини қашиб туриб қолди. Бу ўрта буйли, қотма, қорачадан келган, кўзлари ўйнаб турадиган одам мен эс билгандан бери хўжаликда ҳали у, ҳали бу лавозимда ишлаб юрадиган Салим бақалоқ эди. У бир неча муддатдан кейин четлари гижимланган, оҳори кетган дуппили япалоқ бошини кўтарди-да, менга қўй кўзларини қадади. Унинг жи-

гарранг қорачиқлари шокосадай соққаларида худди қугирчоқнинг кузларидай тинмай айланарди.

— Тошнинг бу ерга қаердан, қандай, нима сабабдан, кимнинг буйруги билан келиб қолганини биласизми ўзи?

Мен Салим акага анграйиб, тугрироғи ҳайратланиб, беихтиёр елка қисдим. У сал «галатироқ» бўлиб қолганга ўхшайди, деган ўй ўтди кунглимдан.

— Бир этак болам бор, ука... — деди Салим бақалоқ сўзларни ниқтаб-ниқтаб... У хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жунаворди. Орқасидан қараб қолдим. Салим ака узоқдан чорқиррага ўхшаб кўринадиган бошини елкалари ичига тортиб, қуношганича (эрта баҳор бўлгани учун ҳаво сал ачитиб турарди) сўқмоқни пайпаслагандай аста-аста қадам ташлаб кетиб борарди. Бир гашим, бир кулгим келиб, мен ҳам йўлимга кетавардим.

Хийла вақтгача тош билан ишим бўлмади, тугрироғи, сўқмоқдан камроқ юрдим. Анча йиллардан кейин яна бир куни сўқмоқдан, айнан тош ёнида соқолини ҳамиша силлиқ қилиб олиб юрадиган, феъли ҳам мулойимгина синфдошимни учратиб қолдим.

Американинг қирқ иккинчи президенти Клинтон сайланган кунлар эди. Жудаям аниқ эсимда қолганлигининг боиси — Клинтон мен билан, йуқ, мен Клинтон билан тенгдош эканман, деб ўйлаган ва мана, мен ҳам юрибман, битта тилсиз, ғариб тош билан олишиб, деб кунглимдан ўтказган эдим.

— Зап учрадинг-да, Эшвой, шуни жилдирворайлик, — дедим энг шимаришга киришиб. Синфдошимнинг фикримни қувватлаяжигига шубҳам йуқ эди.

— Тошними? — сўради Эшвой жуда майин жилмайиб.

— Ҳа.

— Шу тошни-я?

Энсам қотди.

— Ҳа, шу тошни!

— Шундай ажойиб тошни-я? Қуй-э... — Эшвой бо-
шини дам у томонга, дам бу томонга қийшайтириб,
тошни гуё астойдил кузата бошлади, атрофга олаза-
рак назар ташлади. — Қара, тош бутазорга, сўқмоққа
қандай ярашиб турибди. Экзотика-ку. Бундай гузал
жой, чиройли манзара фақат Арслонбоб томонларда-
гина бўлиши мумкин. Шоҳимардонда ҳам йўқ. Бу
тошга ҳамма кункиб қолган. Сўқмоқни мана шу
тошсиз ҳеч ким тасаввур қилолмайдиган бўлиб кет-
ган. Сен ҳам хаёлан бир уйлаб кургин-а... Меним-
ча, сўқмоқ кўзи тушиб кетган олтин узукка ухшаб
қолади. Биз кўзимизга хунук кўринган нарсаларни
шартта йўқотишга ўрганганмиз, арзимаган нарса-
дан ҳам чўчиб, ҳадиксираб юрамиз — худди бизга
айнан ана шу нарса халал бераётгандай, йулимизга
гов бўлаётгандай. Мабодо салгина халақит беряпти
ҳам деб фараз қилайлик, хуш нима бупти? Шу жой-
да сал секинлаб, тошни ёнлаб ўтиб кетиш мумкин-
ку (одамзод ишининг мумкин қадар осон битишини,
беозор яшашни кўзлайди-да). Тўгри, шимнинг по-
часига сал-пал чанг тегиши мумкин. Бу ҳам катта
фожиамас, чертиб-чертиб юборсанг кетади. Барибир
ҳам сўқмоқдан чиқиб олгунингча кийимларингга
иложсиз анча-мунча губор, хас-пас илашади-да...

Мен синфдошимнинг оташин нутқини бардош би-
лан тингларканман, яхшиям биологлиги, агар тил-
чи-пилчи бўлиб қолганида бөрми... деб ўйлардим.

— Уни ҳам қуй-у, — тобора жушиб давом этарди
Эшвой, — бу тош сенга ўтмишимизни, болалигимиз-
ни эслатмаяптими? Шу тош атрофида кечқурунлари
бекинмачоқ ўйнаганларимиз, кафтларимизга қизил
найза тиконлари санчилиб, ачиштирганига қарамай
«ух-ух»лаб парманчак териб, тош супачада ўтириб, та-
лашиб-тортишиб, мацца қилиб еганларимиз... Баъзан,

ёдингдами, икки-учтамыз бир-биримизни суриб, тикчилишиб утириб олардик... Топган уйингни қара-ю... Ё сени бошқа ишинг йуқми? Ё... шунақа топшириқ олганмисан?.. Сенга ўхшаганлар шаҳарда ўқиб, озгина яшаб келишади-да, қишлоқни қайта қуришга тушади. Эсингдами, захини қочирамиз, пахта экамыз, деб шундай ажойиб тўқайзоримизга, билакдай-билакдай зогора балиқлар лапанглаб юрадиган Қорасувга қирон келтиришган эди. Энди битта чаваққа зормиз... Пахта экамыз деб, Мамашокир бува, Абдураззоқ бойлардан қолган боғ-роғлар урнини текислатишди... Менга қара, оғайни, шаҳар-шаҳарлигича, қишлоқ-қишлоқлигича туриши керак. Ҳамма қишлоқ шаҳарга айланса, унда ҳамма одам шаҳарликка айланиши керак. Унда нима бўлади, биласанми?

— Нима бўлади? — сурадим атай нима деркин, деб.

— Мувозанат бузилиб, ер бир томонга огиб кетади.

— Афандининг хамиртурушиниям сенга ўхшаганлардан олишган-да.

— Афандиям, ҳар қалай қишлоқдан чиққан содда одам. Ўзи калишсиз қолсаям, ҳаммага кулги улашиб юради.

Қарасам, музокара ва маърузанинг этаги кўринмайдиган.

— Ҳа, яхши, шу битта тошга шунча гапми, ўзи мактабдаям ўлгудай эзма эдинг, — дедим отдан тушсам ҳам узангидан тушмай. — Мен шаҳар унақа, қишлоқ бунақа, деб ёқангдан олаётганим йуқ-ку.

— Мен ҳам ундай демоқчимасидим, шунча йилдан бери турган тошга осилганингга гашим келди-да.

— Хуп, шуни четга олиб қўйсак нима бўлади?

— Осмон узилиб ерга тушади.

— Мени босиб қолиши мумкин, дегин.

— Унда сен ҳам омон қолмайсан... Қўй, бу гапларни, яхшиси уйга юр, чой қўйиб бераман.

— Раҳмат, ош қилиб бергандай булдинг.

Тан олишим керак, силлиқ синфдошимиз билан бўлган туқнашувимиздан кейин сўқмоққа ва айниқса, тошга бутунлай бошқача назар билан, ҳатто меҳрим товланиб қарайдиган бўлиб қолдим. Эшвойнинг узундан-узоқ, аммо анчагина таъсирли маърузаси афтидан менинг кул остида қолган болалик ҳиссиётларим, эҳтиросларимни туйқус келган шамол каби елпиб, алангалантириб юборган эди. Мен энди тошни астойдил кузатиб ўргана бошладим, унинг қисмати ҳақида ўйлаб, ундан фазилатлар ахтаришга тушдим. Албатта, биринчи галда тошнинг таржимаи ҳолини яратиш керак эди, мен шунга уришиб кўрдим...

Мен у тош ҳақида дастлаб шеър ёздим. Уни катта бир йигинда ўқиб, қарсак ва олқишлар ҳам олдим. Лекин тўғриси, шеърнинг бадиияти ўзимни қониқтирмасди. Ўйлаб кўрсам, у тош шеърга сигмаган экан.

У аслида чиндан ҳам оддий тош. Масалан, айтайлик, қабрга қўйиладиган, махсус топилган силлиқ тош эмас, қоятош ё ҳайкал ясаладиган қоришма тошлардан ҳам эмас, ўзимизнинг жайдари, дарё тоши...

У тошни йўлнинг қоқ ўртасига ким, қачон, нима мақсадда олиб келиб қўйган бўлиши мумкин? Менимча, ҳеч ким. Кимга зарил кепти! Тош азалдан шу жойда бўлган. Эҳтимол, дарё тоши эмасдир. Дарё узанларида бунақа чўнг тош кам бўлади. Унда ростдан ҳам қаердан келиб қолган бўлиши мумкин?.. Ҳар қалай, дарёга мансублиги ҳақиқатга яқинроқ. Бу ерлардан илгари катта дарё оққан дейишди. Ҳақиқатан ҳам, сув чиқармоқчи бўлиб қувур қоқсангиз, уч-тўрт метрдаёқ шигираган тошга тегади. Эҳтимол, дарёдан чиққанига жуда кўп йиллар, кўп замонлар бўлгандир. Балки тош ўша пайтда ёш, кичкина, бежиримгина бўлгандир. Эҳтимол, сал на-

ридан утадиган Қорадарё ҳайқириб оққан даврларда (ҳозир у дарёча бўлиб қолган) юқоридан, кун чиқишдаги дарё бошланган жойдан — қуёш тиги энг аввал тушадиган азалий метин қоялари абдий муз қотган қорлар билан қопланган Арслонбоб тоғлари пойидан думалаб-думалаб, ўз шерикларига — катта-кичик тошларга, ҳали у қиргоққа, ҳали бу қиргоққа, сув ялаб ялтиратиб юборган, мох босган заранг тўнгаларга урила-урила думалаб-думалаб келиб қолган ва шу ерда маълум бир сабаб билан мустаҳкам ўрнашиб қолгандир. Унинг танасидаги қорамтир чутирлар, кемтиklar шундандир балки...

Балки унинг олис жинсдошлари Венеция ё Миср, Индонезия ё Ҳиндистондаги дунёга машҳур обидалар таркибига сингиб ётгандир. Эҳтимол, у ҳам тақдир тақозоси ё фалакнинг гардиши билан бу ёқларга доддираб келиб қолгандир.

Ундай бўлса, узундан-узоқ йўлни босиб утгунча турткиланавериб, ишқаланавериб сийқаланиб, сийқаси чиқиб кетган бўлиши керак эди. Лекин, негандир унақа эмас. Эҳтимол, бир жойда узоқ турганидан шамол, чанг-тўзонлар баданини яна дагаллаштириб юборгандир.

Балки у ўз умри давомида қанчадан-қанча даҳшатли, қақшатқич қуюну буронлар, довулларни кўргандир, ҳиссиз танаси қаҳратонларда қақшагандир, саратонда ўт ютиб, олов пуркаб ётгандир. Чақмоқлар аъзойи баданини неча минг бор куйдириб, қозондай қорайтириб ташлагандир ва неча миллион бор сел-жалалар уни яна ювиб юборгандир. Балки у аввал тош эмас, қандайдир бошқа бир жисм бўлгандир ё бир неча хил майда-майда зарралар, моддалар қоришиб, қотишиб, кейинчалик шундай қаттиқ жисмга — тошга айлангандир. Эҳтимол, у қачондир, қаердадир шиддат билан портлаган оташин вулқон — лава ҳосиласидир. Балки қуюқ тутун,

туман, чангу булутлардан айқашиб-чатишиб яралгандир...

Тош асли оғир бўлади. Лекин бу тош ўзининг бошқа жинсдошларига нисбатан ҳам вазминроқдай туюларди сиртдан қараганда. (Эҳтимол, аслида ҳам шундайдир.)

Тошнинг шакли-шамойили ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ҳажми тахминан Бойчиборнинг калласидан ҳам каттароқ, лекин табиийки, думалоқроқ эди. Ерга ниҳоятда ўрнашиб, атрофи майса-гиёҳлар билан ўралганидан тўнтариб қўйилган ости текис қозонга ҳам ўхшаб кетарди. Тошнинг ана шу ҳолати ерга илдиз отиб кетгандай таассурот қолдирарди менда.

Тошнинг усти ҳам газ-учоққа ишлатиладиган қозоннинг орқасидай ясси, бир одам бемалол ўтирса бўладиган эди.

Менинг наздимда, унга анчадан бери ҳеч ким ўтирмас, биров устини артиб ҳам қўймасди. Лекин доим чанг-губор инмагандай тоза турарди. Менимча, бу ерга қишин-ёзин йўл солиб олган елвизакнинг кўринмас, юмшоқ этаклари уни доим елпиб, сийпаб ўтса керак.

Рангини тасвирлашга бир сифат камлик қилади. Умуман олганда, доим кўк ўт ейдиган сигирнинг ёғи олинган сутидай кўкимтир, заҳил деймизми... Мундоқ зеҳн солсангиз баъзи жойлари қорамтир, яна бир кафтдай ери оч жигарранг тусни эслатар, хуллас, ранглар чегарасини ажратиб бўлмайдиган даражада уйқашиб кетган эди. У ер-бу ерида мусичанинг бўйнидаги чеким-чекимга ўхшаган нуқта-нуқта қора доғлар ҳам тошга ҳусн бағишлаётгандай, жозибали куринарди. Бу ранглар ва доғлар тошнинг таржимаи ҳолини бойитишга ҳисса қўшадиган кўп асрли мураккаб, машаққатли кечинмалардан шоҳидлик бериб тургандай эди. Тошнинг мана шу ташқи аломатлари, белгиларига қараб, уни анча кек-

са, деб тахмин қилиш мумкин эди. Балки, у чиндан ҳам тош асридан бери у ёқдан-бу ёққа сурилиб юргандир, одамларнинг оёқлари остида ўралашиб, йулчўлларда қаққайиб тургандир...

* * *

Мен баъзан тошга узоқ-узоқ тикилиб, гуё йуқотган нарсамни мана шу кар, сўқир, карахт жисмдан топмоқчи бўламан. Лекин, назаримда тошнинг ўзи ҳамдардга, тасаллига муҳтождай туюлади. У ёлғизликдан мунгайиб, эзилиб ётганга, баъзан эса ошкора ҳиқиллаб йиглаётганга ухшайди. Ҳар қалай, менга шундай кўринади.

Менимча, у ёлғизлик изтиробларини, айниқса, тунда кўпроқ чекса керак: шомдан кейин бу сўқмоқдан битта-яримта дайди ит ўрмаламаса, одам боласи қадам босмайди. Балки, ойнинг бир парча шуъласи тошнинг зигирдаккина қисмини ёритиб-ёритмай ўтиб кетар...

Тошнинг сирти унчаям ярадор эмас, лекин эҳтимол, ботини (тошда қалб бўлмайди-ку) ярадордир, балки унинг афсус-надоматлари бисёрдир, деб ўйлайман баъзан. Эҳтимол, унинг ҳам бу хилват, овлоқ гўшадан чиқиб кетгиси, дам кўпириб, дам оҳиста чайқалиб, кечки шафақда мавжланиб ётган денгиз бўйларида офтобда тобланиб ётгиси келар, эҳтимол, у ана шу денгизнинг ложувард сувларини сачратиб чўмилаётган соҳибжамолларнинг бошига болиш ёстига курси бўлишни орзу қилар... Ложувард томчилар устига ёмғирдай ёгилиб тушишини, кун тиккага келган пайтдаги офтобшувоқнинг хуш ёқиш туйғусини ҳис этиш ҳам армондир унга...

У, балки қанча-қанча ошиқ-маъшуқлар суҳбатига, уларнинг сирли шивир-шивири-ю, бир-бирларига жон бағишловчи висол онларига гувоҳ бўлгандир. Афсуски, буни ҳеч кимга суюнчилаб айта олмайди.

Ҳеч қачон. Унинг билган ҳамма сирлари мангу ичида қолиб кетади. Яна, ким билади, дейсиз, Тангри таоло замон охиридами ё қиёмат-қойимдан кейинми, унга бирдан тил ато этса...

Қиёматдан кейин у янги дунёда қандай жисм сифатида пайдо буларкин?..

Мен шу тариқа, хаёлимда гужгон уйнаётган фикрлар огушида тош орқали сўқмоққа, сўқмоқ орқали тошга борган сари кўпроқ боғланиб қолаётганимни англайман.

Баъзи кунлари ишга атайин эртароқ жунаб, тонг палласида, эндигина тиг уриб чиқаётган қуёшнинг найзасимон нурларида наъматак ва жингилнинг майда қизил мевалари қизлар қулоғидаги мўъжаз тилла зирак каби йилт-йилт қилиб ҳавасни келтирадиган паллада тош ёнига бораман-да, унга рўмолчамни ёзиб ўтираман.

Ариқнинг нариги бетига тушган уйлар ортига қаторасига зич қилиб тут экилган бўлиб, унинг шохлари жингил новдалари билан туташиб, чирмашиб кетган эди. Тут каллакларида саҳархез қушлардан читтак (халқ тили билан айтганда қаймоқ олиб қочар)нинг (у зах, салқин ва пана жойларни кўпроқ хуш кўради) думини узоқ-узоқ, тинимсиз ликиллатиб туришини томоша қилиб ўтираман. Ҳар замонда, ҳозир жуда камайиб кетган сассиқпопишакнинг унча ёқимли булмаган овози эшитилиб қолади.

Мен илгари яхши аҳамият бермаган эканман, ё асли йўқмиди, булбул ҳам шу ерда пайдо бўлиб қолган эди. (Гап гузаларга заҳарли дорилар камроқ сепиладиган бўлган, мамлакатимиз мустақилликка эришган даврлар ҳақида боряпти.) Шунгача мен, Ўзбекистоннинг жаннатмакон Фарғона водийсида, Тошкент шаҳрида қарийб қирқ йил яшаб курмаган булбулни илк бор Пятигорскдаги Маъшуқ тоғларида ва иккинчи марта Праганинг «Golf» меҳмонхонаси ортидаги кўримсизгина хиёбонда учратган эдим.

Ҳақиқий ташна ва вафодор ошиқ рамзига айланган, ўзи миқтигина, хунуккина жониворнинг чинакам мунг ва зорлик, нолаю афгондан иборат хонишини, уни чўчитиб юбормаслик учун, нафасимни ичимга ютиб, жон қулогим билан тинглайман.

Бу хониш менда негадир маҳзун кайфиёт уйғотади, юрагимга ғалати, дилгир туйғулар қуюла бошлайди: булбул ёлғизликдан, рад этилган муҳаббат дардидан изтироб чекаётгандай, зорланаётгандай, тасалли ва мадад илинжида сенга ҳасрат қилаётгандай... Сен ҳам унга ҳамдардлик билдирмоқчи, меҳр-шафқат курсатмоқчи, таскин бермоқчи бўласан-у, лекин ўша дард ва изтироблар гирдоби сени ҳам ўз комига тортиб кетаётганини сезасан. Сезасан-да, шу митти бир парранданинг ҳолига тушиб қолаётганингдан орият қилиб, ўзингни қўлга олмоқчи бўласан-у, аммо эвини қилолмайсан, у гирдобдан чиқолмай қийналасан.

Мен Тошкентдай шаҳри азимда қанча яшаб келдим. Машҳур Анҳор атрофидаги гузал манзаралардан кўп баҳра олганман. Лекин, манави кўримсиз, овлоққина сўқмоқ ва ундаги ёлғиз тош...

Мен бир куни шу ерда утириб, кўпгина майсагиёҳлар, чечакларнинг номини яхши билмаслигимни ё унутганимни англаб қолдим. Ўшанда кўнглимдан шундай фикрлар кечди: шундоққина уйимиз остонасида ўсиб ётган, ҳамма жониворга, шу жумладан инсонга ҳаво бериб, жон бахш этадиган гиёҳларни билмаймиз-ку, яна: «О, она Ўзбекистон, жаннатмакон ўлка», деб кўкракка урамиз. Енгил-енгил нафас оламиз-у, бу ҳавони, жонни бизга қандай ўт-ўлан, гул-чечаклар етказиб бераётганини ўйламаймиз.

Нега энди мен шу қадар ҳаловатбахш манзарани илгарилари пайқамадим экан, деб ҳайрон бўлар ва ўкинардим. Менимча, одам кўнглидаги нарса шундоққина ёнида турса-да, уни узоқлардан излаб юради. Шундоқ ҳам бўладики, баъзан инсон хаёли-

да ниманидир қидираётгандай, нимагадир интилаётгандай бўлиб туюлаверади, лекин нимани, нега қидираётганини ўзи ҳам билмайди. Инсоннинг энг катта бахтсизлиги ҳам шундаки, у қидирган нарсасини кўпинча кеч ва мутлақо ўзи кутмаган жой ва вақтда топади. Агар шу тўқнашув бўлмаганда, умрим армон билан ўтар экан, деб бош чайқайди ва шу пайтгача орзуси ушалмай, кемтиклик билан яшаб келганига ачинади. (Мен қидирган нарсамни кеч топдим, демоқчи эмасман, шунчаки омади гап, деб айтдим холос.)

Бирдан тонгнинг салқин шабадаси эса бошлайдию тут япроқлари шивирлаб, ариқ ичидан ўсиб чиққан қамишлар шитирлашга тушади ва булбул ноласи қиёмига етмай узилиб қолади: у чўчиб ўчиб кетади ё сайрашдан тўхтайтиди.

Менинг ҳам ҳушим ўзимга қайтади. Ҳозиргина мени ваҳимали оғушида бешафқатлик билан чирпирак қилиб айлантираётган гирдоб бирдан саёзликка итқитиб юборгандай, гарангсиб, булбулнинг ҳасратлар ва изтироблар оламидан чиқаман-да, «эркак кишининг зах тошда ўтириши зарарлидир», деган мазмундаги ривоят эсимга тушиб, урнимдан қўзгаламан.

Мени бутунлай чулғаб олган мискин хаёлларни тўздириб, тарқатиб юбориш мақсадида бошимни сарак-сарак қилиб, шимим почасига илашган хас-чўп, губорни черткилаб, анча енгил тортиб, уйга қайтаман. Қандайдир умидбахш ўйлар, безовта туйғулар мени ошиқтираётгандай туюлади ва қадамимни тезлатаман.

Шу аснода, ортимдан тош овозсиз думалаб келаётгандай бўлаверади. Албатта у жонсиз жисмнинг юрмаслигини ичимда қайта-қайта таъкидласам-да, қандайдир куч зўри биланми, беихтиёр ўгирилиб қарайман: йўқ. Йўлда давом этаман. Салдан кейин

бояги шуур ва ҳолат яна такрорланади. Бу гаройиб туйғу — тош мени уйимнинг остонасигача кузатиб келади ва қайтиб кетади.

Гоҳо идорада утирганимда ё машинада кетаётганимда ҳам сўқмоқдаги тош куз олдимга келиб туриб олади.

Шунақа пайтда, яъни менда галати, тушунуксиз туйғулар пайдо бўлган дамларда бу тош ҳақидаги тасаввурим чаладай, унинг мен билмаган ўзига хос, айрича қирралари мавжуддай туюлаверади.

Иттифоқо, тош ҳақида менда янги фараз пайдо бўлади: бу бир-бировга тош отиш замонларида холис қолган, ҳеч кимнинг бурнини қонатмаган ягона тош эмасмикин?! Балки, шунинг учун маҳалладошларимнинг унга озор бергиси, уни безовта қилиб, иссиқ ўрнидан қўзғатгилари келмас...

Мен тошни ва сўқмоқни қўмсаб, соғиниб қолаётганимни ҳис қиламан, қишлоққа, уйга ошиқаман.

1993 й.

ЛАФЗ

Кеч кузда оддий тумов баҳона ётиб қолган Деҳқонбой аканинг дарди секин-аста сурункаликка айланиб, кўкламда баттар исканжага олди.

Отасига дори истаб туман марказига борган Одил журналист Карим Аҳадни Тошкентга кузатиш муносабати билан темир йул бекати биқинидаги чойхонада уюштирилган зиёфатга тасодифан қўшилиб қолди. Улфатларга бозорда рупара келиб, халталарини кутаришиб юрди. Кўчага чиқишганда улар билан хайрлашмоқчи эди, юр, ўт-пўт ёқишасан, деб, қўярда-қўймай бошлаб кетишди.

Дастурхонни ҳафсала билан тузашди: нархи фалон пул Эрон хандон пистаси-ю, юпқа пўчоқ бодом, иссиқхонадан янги узилган диркиллама помидор-

бодринг, чақалоқ калласидай хитой атлас олмасию, шираси сиртига сизиб турган оппоқ ноклари, Асака ҳусайниси, Одилнинг ҳали огзи тегмаган киви, ананаслар... Қисқаси, шунчаки ошхўрлик эмас, ҳақиқий маишат, базми жамшид эди. Карим Аҳаднинг дўстлари турли соҳа эгалари — савдогар, терговчи, солиқчи, қассоб, дукондор, тадбиркор, хуллас, қўрли-шудли йигитлар эди. Айримлари Карим Аҳаддан бир-икки ёш катта ҳам эди. Улардан тўрт-беш ёш кичик, муминтойгина Одил учун ана шундай сўзи ҳам, ўзи ҳам бутун, бообру инсонлар билан бир дастурхон атрофида утириш шараф эди.

Огайнилар қадаҳ сўзларида ҳамиша мана шундай оқибатли бўлиш, тезда-тезда дийдор кўришиб туриш насиб этишини тилашар, нуфузли бир газетада ишлаётган биродари билан фахрланишларини таъкидлашарди. Ўт ёқиб, ул-бул ташиб, учоқ билан сўри оралигида ҳолвачининг тешасидай қатнаб юрган Одилнинг бир кўзи, бир қулоги ушаларда эди.

Карим Аҳад ким гапирса, ўшанинг огзига қараб, боши билан тасдиқлаб, маъқуллаб утирарди. Пойтахтдай жойда ишлайдиган журналист ҳам шунақа камгап бўладими, дея таажжубланарди Одил. Айниқса, ҳаволаниш унинг табиатига тамоман бегонага ўхшарди. Ийиб, эриб кетди чоги, ниҳоят унинг ҳам тили ечилди, уч-тўрт кун аввал бўлим мудири лавозимига ўтказилгани, шунга... беш-ўнта кўнгил яқинларига бир чўқим ош қилиб бериш нияти борлигини ошкор этди. Ёронлар қутловни ёғдириб юборишди.

— Агар хоҳласанг, дўст, биз бориб хизмат қиламиз уша утиришингга, — деди Ботир ҳаяжон билан Карим Аҳаднинг кифтига кафт уриб.

— Овора бўласизлар-да, узоқ жой... — деди журналист ҳамнишинларининг бир унисига, бир бунисига оҳиста нигоҳ югуртириб.

— Шундай ювадиган иш бўлади-ю, овораси борми! Ишхонангда қадр-қимматинг, обрўйинг янаям ошади, уртоқ. А, нима дединглар? — дукондор ҳамтовоқларига юзланди.

— Жуда олижаноб таклиф, бунақа ақлли гап фақат сени каллангдан чиқиши мумкин, — деди тадбиркор Ҳусниддин.

Қаҳ-қаҳ уришди. Боши каттароқ Ботирнинг лақаби нишонга олинган эди.

— Борамиз! — дейишди қолганлар жўр овозда.

— Эркакча гап!

— Бормаган — номард!

Одил ҳаяжонланиб, завқ билан кузатиб утирган эди, Ботир қийқириб қолди:

— Ҳўй, Одил, сен-чи? Нимага хўшшайиб турибсан, аммангни бузагига ухшаб? Ҳамма боради дейилдими, ҳаммани ичида сенам борсан. Ё, сен ўзга сайёраликмисан?

Одил «мана шуниси ашаддийроқ экан, купроқ тортиб қўйди чамаси», деб ўйлаётган эди, солиқчи Зуфар гап солди:

— Бошқа қавмданмисан, дегин. Уртоқлар, бу йигит мениям дидимга ўтирди, илгари гаплашмаганимиз учун яхши билмасаканман, бўладиганга ухшайди, оёқ-қўли чаққонгинайкан.

«Нозиклигимга ишора қияпти шекилли», дилидан ўтди Одилнинг. У хижолат бўлиб, қизарди.

— Майли, ўйлаб кўрсин, — орага тушди Ҳусниддин.

— Нимасини ўйлайди! — кесди уни Рузибой ва Одилга қараб ияк қоқди, — бошида дўпписи бор. Аммо, дўппи кийишнIAM қонун-қоидаси бор, огайничалиш. Даладаги қуриқчига қопқоқ қилиб қўйилади, — у Одилнинг бошидан тўрт гулли, одмироқ тепчилган дўппини шартта кўтарди-да, «поп» эткизиб, саросимадаги йигитнинг чап чаккаси томонга қийшайтириб қўндирди. — Ўгил бола

дўппини мунақа кияди! Аммо, узиям узуқораси экан-да. Энди бошлаганда чеварни қўлига чипқон чиқиб қолганга ўхшайди.

— Узингда шуям йўғ-у, Қўзи! (Улфатлари қассобни шундай аташарди.)

— Бизики уйда.

— Келинчак идгаб ўтирибди, дегин.

— Ҳай, бўлди, биродарлар, ўтлаб кетдик, — Матисо қўлларини тепага кўтарди. — Пойиз жўнашига оз қоляпти. Одил ўзи билади, шароити кутарса...

— Шароит-пароит кетмайди, — панжаларини ёзиб, икки томонга сермади Саттор. У ҳам анча қизишиб қолган эди. — Зуфар айтгандай, дастёрликка тузук экан, бизга асқотади, так, што, боради! — У Одилга тикилди. — Тўғрими, борасанми, ё ростданам сал нақа...роқмисан?

— Боров-ра-ман, — деди Одил иккиланиброқ. Бир ҳисобда уни ўз сафларига, одам қаторига қўшишаётганидан ичида суюнди, бироқ Тошкентга бориб келишнинг ўзи бўладими? Улфатчиликниям ўзига яраша йўл-йўриги бор — аравани баравар тортиш керак. Ёнингдагилар пул хашлайверса-ю, сен кўзингни лўқ қилиб тураверсанг, бундан ўсал иш йўқ... Катта шаҳарда, йириклар билан юрган-да янаям дадил-дадил сарфлашга тўғри келади. Айтишларича, Тошкентда озиқ-овқат бу ердагига қараганда анча қиммат. Борди-келди, пойиз кира, меҳмонхона масалалари бор... Унинг ҳамёни эса қуруқ. Отаси анча абжир одам, ҳовлига қайта-қайта ҳар хил зиравор, редиска экиб сотиб тирикчиликни юргизарди, у ётиб қолди-ю, рўзғордан барака қочди. Одил бу ишларни унча эпполмаяпти. Россиягами, Қозогистонгами бормоқчи бўлиб онасига маслаҳат солган эди, у кўнмади.

— Акангни дарбадар юргани етар. Мана, еттинчи ой, бир сўм жўнатгани йўқ, хотин, бола-чақаси

мўлтираб утиришибди. Энди сенам касал отангни ташлаб кетворсанг, одамлар нима дейди, болам?

Одил изза тортди... Яқиндан бери Шермат бойнинг бир ҳафта ишласа, икки ҳафта хомашё йўқ, тўхтаб турадиган ип-йигирув корхонасига қатнапти, лекин ҳали қўли ойлик кўрмади. Бир ёқда отаси оғир...

Алқисса, икки ҳафтадан кейинги жумага тўхтадилар. Эртасига Карим Аҳад билан шаҳарни айланишиб, якшанба, тушдан кейин қайтадиган бўлишди. Дўкдорга беш-олти кило девзира юкланди (у мардикор ёллаб, гектар-гектар арпа шоли экарди). «Тошкентда девзира гуруч кам бўлади, совғагаям жуда айтади, қолган нарсалар уша ёқдан, бозордан топилади», дейишди.

Демак, пул йигилади, дилидан ўтказди Одил.

— Қанчадан туплаймиз, — сўради у мум тишлаб утираверишни узига эп билмай.

— Сен, Одил, — деди Матисо илжайиб, — келинчакдан... командировочний нима дейиларди, Зуфар? Ҳа, сафар варақасига, отангдан рухсатномага қўл қўйдириб олсанг булди, муҳрни узимиз босиб берамиз.

Кулги кутарилди.

— Жа унчаликмас, терговчи ака, — деди Одил қизариб-бўзариб.

— Тегишяпти, сўтак, — елкасига шапатилади Ҳусниддин. — Сен, куёвтура, янги рўзгорсан, қолаверса, отангни қарамоғидасан. Йўлкирангга пул топсанг бас. У ёғини ўйлама.

Одил «Ҳисобли дўст айрилмас», «Кемага тушганнинг жони бир» деган мақолларни чоғлади, лекин тилига чиқаришга журъат этмади, бу даврага ва ёшига ножоиз деб билди.

Карим Аҳадни поездга кузатиб, ҳар тарафга тарқалишди.

Белгиланган кун яқинлашган сари Одил дам ҳаяжонланиб, дам юраги пўкилларди. Шошиб қолмайин деб, ишидан аввалроқ-ла жавоб олди. Таниш-билишлардан қарз кўтаришни кўзлади. Лекин топишининг тайини йўқ одамга ким ҳам дадил пул тутарди. Берган чоғдаям, кейин уни узиш-чи?..

Отасининг ҳолати, кайфияти дурустроқ пайтини пойлаб, ийманибгина сўз очди. Кўнгли очиқ падари бузрукворнинг улфатбоз, одамохунлиги фарзандга аён эди, албатта. Фақат у ҳозирги вазиятда узининг қуюшқондан ташқари бу хоҳиши, аҳди бемор кишига оғир ботмасмикин, «мен нима аҳволдаман-у, юрагингга ўйин-кулги сиққанини қара-я», деб қолмасмикин, деган ҳадикда эди. Демаган тақдирда ҳам ичида дили огриса-чи?

Беихтиёр бош чайқади ва хатосини ўнгламоққа шошилди.

— Бориш ниятим йўқ, дада, шунчаки уларни гапини айтяпман, холос.

— Жуда-а яхши ўйлашибди, — деди шифтга қараб ётган Деҳқонбой ака бир лаҳзалик сукутдан сўнг.

— Ошна-оғайни деган бир-бирини яхши-ёмон кунларида ёнида туради-да. Каримжон — қишлоғимизни обрўйи, отасига раҳмат. Узиям анча бамаъни йигит. Боравур, ўғлим. Каримжон, нима бўлсаям, мусофирдай гап. Мусофирни йўқлаш — катта савоб.

— Бир-икки кун туриб қолишимиз мумкин, де-йишяпти. Сиз...

— Мендан ташвишланма, ўғлим, — Одилнинг гапини бўлди ота. — Тузукман, бир-икки кун нима деган гап. Оллога омонат, сафарларинг бехатар бўлсин. — У бармоқлари ингичка тортган кафтларини ёзиб, юзига суртди.

Одил каловланди.

— Булмаса, — давом этди Деҳқонбой ака дадилланиб, — бугун аянг билан томорқадаги редискани етилганини юлиб, тайёрланглар, эртага сотиб келсан. Камига аянг Қорасув бозорига қатнайдиган Саломатхондан олиб берар...

Барчин опа ҳайратланди.

— Шу пайтда-я?!

— Мен рухсат бердим, лафз қип қуйипти, — деди ота сал овозини кўтариб ва бошини Одил томонга угирди. — Пул топиладиган нарса, чўнтагингни ковлаб туровурмагин...

— Шу хотиндан қарз сўровриб бетим қомади, — деди она ранжиганини атайин сездириб ва қайрилиб ташқарига йўналаркан, Одилга бош иргади.

Айвонга чиқишгач уни қисди-бастига олди.

— Дадангни ҳолини билиб турибсан-у, Ташканда нима бор, болам?

Тушунтирган эди, Барчин опа баттар қизишди.

— Унақа, пешиндан кейин бойиганларга нима қилардинг илашиб? Кўрпангга қараб оёқ узатмайсанми?!

— Кўрпамизга нима бупти, ая, шу бўйи утиб кетмасмиз, бизгаям Худо бериб қолар...

Она бушашди.

— Ишхонангдан пул сўрамадингми?

— Сурадим, йўқ экан...

* * *

Келинчак шамиён қайириб, ишнинг пачавасини чиқараёзди.

— Кайф-сафо, денг! Бекоргинани айтибсиз! — гурр этиб тутақди Зилола қийгоч кўзларини пирпиратиб. — Олдимдан бир қадам жилмайсиз! Дард тутса, туғруқхонага Ойпошшани эри оборадим мени?!

Одилнинг шашти қайтди. Карим Аҳаднинг ошналарига қўшилганига, Тошкентга боришга ваъда

берганига афсусланди. Чакки қипти. Ҳалиям бўлса, бир сабаб кўрсатиб қўя қолсинмикин? Нима дейди? Отасининг бетоблиги-чи, ахир бу баҳонамас, сабаб-ку. Лекин ана, Ҳусниддин ака узрини айтувди, уни мазах қилишдию... Йўқ, ҳеч қанақа важ-корсонни инobatга олишмайди улар. Ўзиям нима деган одам булади? Карим Аҳад нима деб ўйлайди?..

Йигит онажонисига мўлтайди.

— Унга узингиз ётиги билан тушунтиринг, ая, бибурд буламан, яна кучада бош кутариб юришим бор...

— Ростданам бунақа паллада ёнида бўлишинг керак-да, ўғлим, — деди Барчин опа ёлғондакам чи-мирилиб, аммо ҳартугул Зилолани ҳовридан туширди. Қуш тилини қуш, аёл тилини аёл билади-да.

— Ой-кунингизга ҳали пича бор шекилли, қизим, Ташкан қочиб кетибдими. Қанча-қанча жувонларнинг эрлари йиллаб Россиядами, бошқа гурдами юришибдию... — деди қайнона эрка келинини бир четга тортиб.

* * *

Одил келишилган паккага — ўтган галги чойхонага ваъдалашилган муддатдан ярим соатча илгари етиб борди. Янги, катта «улфатлар» ишончини қозонаётганидан, сўзининг устидан чиққанидан боши осмонда эди. Ахир, отаси «қўй, ўғлим...» дейиши мумкин эди-да..

Унинг соати йўқ эди. Бир четдаги чоғроққина чорпояда дам-бадам девордаги гижжак гилофини эслатувчи мисранг осма соатга назар ташлаб, чойдан ҳўплаб ўтирди. Белгиланган муҳлат — тўрт ҳам бўлди, утди. Карим Аҳаднинг қадрдонларидан дарак йўқ эди. Одилнинг икки кўзи йўлда, энди келиб қолишар, ҳозир келиб қолишар деб, ишонч билан кутарди. Безовталаниб, ора-чура нарироққа бориб, катта кўчага қараб келади, яна ўтиради. Вақт

утмайди, қўли беихтиёр чойнакка югуради. Аччиқ кўк чой ошқозонини шилиб юборди-ёв. Лекин, келишувга биноан шу ерда қоринни яхшилаб тўйгазиб кейин поездга чиқишмоқчи эди. Ажабки, ҳалигача бирортасининг қораси кўринай демасди. Диққати оша бошлади. Мени ташлаб жилворишган бўлса-я, ё у барибир бормайди, боролмайди деб уйлашдимикин, деган шубҳа ичини кемирарди. Ё, улар уни шунчаки кўнгил учун қистаб қўйишувдимикин ё майна қилишувдимикин? Балки, балки... Ана шу куни «борасанми?» деб, қайта-қайта сўрашганида ҳардамхаёллик билан жавоб берувди, шунга улар кейин кенгашиб, ўша сўтакни қийнамай қўя қолайлик, деган қарорга келишдимикин? Дадил «бўпти, бораман» деявермаган экан-да. Лекин олдиндан узил-кесил бир нарса дейиш ҳам қийин эди-да. Отасининг рози бўлиш-булмаслигини аниқ билмасди... Самолёт ё машинада кетворишдимикин, деган хаёлга борарди у. Жўнайдиган вақт ё режа ўзгариб қолган бўлса, уни огоҳлантириб қўйиш ёдларидан кутарилдимикин, ё... лозим топишмадимикин?..

5 дан ошди, беш ярим бўлди — йўқ. Демак, кетишибди. Акс ҳолда, шу чоққача ҳеч йўқ икки-учтаси келарди-ку. Эҳтимол, бирон жойда маишат қилиб қолишгандир. Шу фараз ҳақиқатга яқинроқдай туюлди. Энди поезднинг жўнашига тақаб келишса керак. «Ғижжак» соатнинг калта «ф»симон таёқчаси «6», узун «12» рақамлари тепасига минди. Бор-йўги ўттиз дақиқа вақт қолди. Бирдан эсига чипта масаласи тушиб, темир йўл бекатига чопди. Ҳайҳотдай бинонинг бир бурчагидаги «касса» деган тирқишга бошини суқди.

— Тошкентга...

— Сиз учун топиб берамиз, яхши йигит...

Одилнинг энсаси қотди. Юз-кўзларига раққосаларникидай беаёв чапланган албастирсимон бўёқ ёш,

нафисгина қизни анча катта ва ҳаёсиз қилиб кўрсатар, боз устига унинг «ёқавайрон», сариқ, қизгиш, кулранг омухта сочлари эса увадани эслатарди.

Одил поезд ҳақи киракаш енгил машиналарга нисбатан анча жўн бўлса керак, деган тахминда эди. Чиндан ҳам кучага кам чиққанига амин бўлди.

Йуқ, улар келишмади. Биронтаси ҳам!..

«Демак кетишган!..»

Одилнинг тарвузи қўлтигидан тушиб, орқага қарай-қарай вагонга чиқди. Бир кўнгли қайтвораё ҳам деди-ю, яна иккиланди. Шунча гап-сўз, оворагарчиликдан кейин уйга нима деб киради? Мени лақиллатишибди, дейдими?.. Тошкентга умрида бормаганди, шуни ўйлаб сал дилтанг бўлди, сўнг одамлар сўраб-сўраб Маккани топишган-ку, ҳозир ҳамма ерда киракаш машина тўлиб ётибди, айниқса пойтахтдай жойда бу нарса муаммо бўлмас, деб ўзига тасалли берди.

Кечаси билан хаёли қочиб, бунинг устига темир гилдиракларнинг бесаранжом, ваҳимали тарақа-туруқидан ухлагандай ҳам бўлмади. «Э, қойил, угил бола...» дейишса керак...

Айтганидай, поезддан тушиши билан киракашлар ўраб, қўлтигидан кўтаргандай оёгини ерга теккизмай бекатга етказишди. Тамадди қилганиям имкон беришмади. Оқ-сариқ, ҳали мурти ҳам чиқмаган хипчагина «Дамас»чи машинани кенг, аммо улов тигиз кўчалардан гизиллатиб ҳайдаб кетди. Одил икки тарафдаги бир-биридан пурвиқор, зангори, мовий, қора ойналардан тикланган биноларга, қайчи-қайчи кўприк йўлларга анграйиб боқарди. Пойтахт — пойтахт-да. Бошқа шаҳарлар юз йилдаям бунақа даражага етиши даргумон-ов...

Ҳаш-паш дегунча муртсиз йигитча баланд бўйли, узундан-узун, деярли деразалардан иборат иморат рўпарасида машина тўхтаткичини гийқиллатиб эди.

— Сиз айтган жой — шут ака, кираверишдаги мелисага учрасангиз, танишингиз қайси қаватдалигини айтиб беради, — тушунтирди у ва Одилнинг қулидан пулни юлқиб олиб, яна шиддат билан тепкини босди. Одамгарчилиги дуруст, лекин жуда шитоб экан зангар, кунглидан ўтказди Одил шамолдай учиб бо- раётган «Дамас» ортидан бир зум қараб қоларкан, қоида-поида билан зигирча иши йўқ-а. Қандайдир амалдорнинг жиянчаси ёки бирон янги бойнинг ёл-ланмаси бўлса керак.

Одил у ёқ-бу ёққа жаланглади, ошхонага ўхша- ган жой кўзига чалинмади. Майли, Карим Аҳадни топсин-чи, эҳтимол ҳамма шу ердадир...

Бино йўлагидаги шапкани бостириб кийган, кў- ринишидан қурамасроқ мелиса кўрсатмаси билан девордаги жадвалдан Карим Аҳаднинг телефон ра- қамини топди-да (катта рўйхатда ҳамқишлогининг ҳам исм-шарифини кўриб, юраги яна бир ҳаприқиб олди), бурчакда осиглиқ қора аппаратга чўзилди.

— Алйў, Каримжон ака, мен келувдим, Одилман, Анжандан.

— Ий-ий... ҳозир, ҳозир тушаман.

Одил сал четга чиқиб, айланадиган темир тусиқдан ёнбош билан қисилиб кираётган, чиқаётган турли тоифадаги шошқин одамларни кузата бошлади. Улар бир-бирларини яхши танимайдигандай, бошларини хиёл қимирлатиб, фақат «яхшимисиз» деган бир ка- лом билан сўрашиб утиб кетишарди. (Бу ерда «Асса- лому алайкум» ҳалиям тўла қайтмабди-да...) Хусу- сан кираётганларнинг гов — утиш жойи банд бўлса, питиллаб, безовталаниб туришгани шундоққина се- зиларди.

Қисқа фурсатда йулакда Карим Аҳад кўринди. Унинг йирик кўзлари янада кенгайиб чарақлади.

— Бошқалар қани? — сўради у қучоғини очар- кан.

Одил шоша-пиша «келишмадими?» демоқчи бўлдию, тилини тишлади. «Э, каллаварам...»

— Энди келиб қолишар, мен улар билан хабарлашолмай, ўзим пойизга чиқувдим.

— Майли, хонада гаплашамиз, қани, юринг.

Меҳмоннинг эса қорни таталарди. Қўқон бека-тида тогора кўтариб чиққан жувондан олиб еган турттагина картошка хунонни поезд ярим йўлга етмаёқ сидириб, бояқишнинг ичакларини шип-шийдам қилиб бўлган эди.

— Сизни ишдан қолдираман-да. Яхшиси, биронта шерик бўлса, бозор-учар қилиб, чойхонада ошга та-ради кўриб турардик.

— Девзира опкемадингизми?

— Бору, озроқмикин...

— Қанча?

— Уч кило.

— Жуда яхши, етади.

* * *

Карим Аҳад Одилга Ёқубжон исмли ҳамкасбини кўшиб берди, тўғрироғи, Одилни унга тиркаб қўйди. Бўйдор, қошлари туташ, тўладан келган бу йигит ҳам андижонлик эди, гуручнинг дарагини эшитиб суюниб кетди, бир сиқим кафтига солиб, синчиклаб кўрди.

— Ўзиям қорақилтириқ шекилли, маладес. Шунга бошимиз қотиб турувди. Бойкечикникими ё Бутақараникими?

— Бойкечикники. Мақташдию...

— Э, яшанг, — Одилнинг елкасига қоқди Ёқубжон.

Олой бозорига киришди. Кўпроқ Ёқубжон пул харжлади, лекин Одил ҳам, шериги «ҳай-ҳай»ласа-да, қараб ўтирмади. Отасининг таъкиди қулоғида эди.

Тунги хунонми, поезднинг нотаниш ёқимсиз ҳидларими ё очликми, Одилнинг кўнглини беҳузур қи-

ларди. Бир-икки пиёла қайноқ чой ичиб юборса, даф булармидийкин... Тановул тугрисида бир неча бор огиз жуфтлади-ю, Ёқубжоннинг салобати босиб, ий-манди. Қаердаги чойхонага боришларини суради-ю, қанчада етишларини суриштиришга тили бормади.

Юнусободнинг бир чеккаси — янги чеклар урта-сидаги «Шинам» чойхонаси у қадар ҳашаматли бул-маса-да, файзли, энг муҳими, катта қатнов йулидан бирмунча овлоқда, баҳаво маскан эди.

Одил Ёқубжоннинг суяги бузуқроқлигига унинг қозонга эгилишини тасаввур қилолмаятувди. Мия-сида «ошни ўзингиз дамлайсиз», деб қолса-я, ҳая-жонланиб, ўхшатолмасам-чи, деган фикр гимир-ларди. Ҳамроҳининг сабзини шиппа-шиппа, қо-липдан чиқаётгандай бир текис туграшиданоқ ма-сала ойдинлашди-қўйди. У оғир бир юкдан хориж булгандай, енгил тортди.

Карим Аҳад соат бирларда шериклари билан кел-ди. Улар ўн тўрт киши булиб, асосан ёшлар, фақат уч-тўрттасининггина сочига оқ оралаган эди.

Ёқубжон ҳам паловни Сатторга ўхшаб, қийворган эди. Меҳмонлар таомни таърифлаб-тавсифлаб ейи-шаркан, Ёқубжон гуруч Андижоннинг девзираси эканлигини, уни бугунги зиёфат муаллифи Карим Аҳаднинг мана шу шинаванда ҳамқишлоғи, қадрдон укахони Одилжон олиб келгани, унинг ўт ёқишга ҳам усталигини («паловнинг оби-тобида, мазали бу-лиши асосан ошпазгамас, утпазга боғлиқ...») айтиб, ҳақиқатда ҳам шундай, дегандай унга жилмайиб қўярди. Ошхўрлар «Э, кам булманг, отангизга бал-ли», дейишар, Одил ўнгайсизланиб, ерга қарарди.

Меҳмондорчилик ҳаваскорона аския, ҳазил-ҳузул билан уйгун равишда чинакам кўнгилочар ўтириш-га, завқу сафо анжуманига айланди. Ҳамманинг кай-фияти зўр, руҳи баланд эди. Карим Аҳад ҳам ўзида йўқ эди, фақат у ҳар замон-ҳар замонда йўл тарафга

қараб-қараб утирар ва энгашиб Одилга «келишмади, а?..» деб шивирлаб қўярди. У йўлакдаги мелисага чойхона манзилени ёзиб қолдирган эди.

Меҳмонлар кузатилгач, Карим Аҳад: «ўша гап — гап, эртага бир Тошкентни айлантираман», деди. Одилнинг ҳам нияти шундай эди, илло отасини эслаб, дили гаш тортиб қолди. Бир кеча-кундуз унга бир неча кундай туюла бошлаганди. Кейин, чунтагининг ҳам қўри пасайди. Сафар, катта шаҳар, дарҳақиқат, анча-мунча ақчани кўрдим демасди. Бунинг устига, кечга яқин ҳаво айниб, осмон гезариб олди.

* * *

Эртасига эрталаб Одил туманлари марказида поезддан тушганида ҳаво очилиб кетган, аммо кечаси билан селдай ёққан ёмғирнинг заҳри баданни жунжиктирарди. Қатларида биллур томчилар ялт-юлт қилаётган майса-кўкатлар устини ҳарир чойшаб каби юпқа қиров қоплаган, худди чилла тонгидай аёз эди. Тоққа қор ёғибди шекилли-да. Уйда ўтин-кўмир тугаб, кунлар ҳам исиб кетгани учун тунука печкаларни чиқариб ташлашувди. Дадам совуқ емадимикин, деган гам босди Одилни. Бир томондан, синчков падари бузрукворига нима деб бориш хижолатчилиги уни қийнади. Ёлгон гапириш мумкинмас, ростини айтса, ўғлим бизга қорғоз дўппи кийдирган экан-да, деб ўйлаши аниқ.

Лекин, отасига ҳисоб беришга тўғри келмади.

Уйга киришига каравот ёнида чўнқайиб, эрининг билагини уқалаб утирган Барчин опа уйқудан уйғонгандай бирдан жонланиб, «дадаси, дадаси, Одилжон келди», деди. Деҳқонбой ака кўзларини оҳиста очиб, заиф нигоҳлари билан Одилни қидирди, уни топгач, паст, суст товушда пичирлаб, «бориб келдингми ўғлим, баракалла...» деди, кейин буш қўлини «яқинроқ ке...» дегандай, мажолсизлик би-

лан чўзди. Озгин бармоқлари титрарди. Одилнинг юраги «шув» этиб кетди, чўккалаб, ёноғини қиблагоҳининг сарғимтир тус олган сўлгин юзига авайлаб теккизди. Отанинг эти совиб бораётганди.

Одил ўзининг ҳам қалтираётганини сизди. Унинг усти юпун, уй эса муздай эди.

2009 – 2012 йй.

СИҲАТГОҲДА

Шаҳар четидаги узоқдан бугдой уюмларини, чалқанча тушиб, қўлларини икки ёнга ёзиб ётган қориндор одамлар, кенг панжали туёқларини олдинга чўзиб, олисдаги ўлжага кўз тиккан калта, пахмоқ думли шер каби ажабтовур шакл-шамойилларни эслатувчи катта-кичик адирларнинг сўлим оғушига жойлашган чоғроққина сиҳатгоҳ ҳовлиси оқшомларда гавжум, кундузлари эса ёзнинг қайноқ ҳарорати дам олувчиларни хоналарга қамалиб, эринчоқлик билан газета варақлаш ёки терлаб-пишиб ухлашга ундайди. Ичкари ҳам исиб кетгач, айрим шинавандалар қўрғоннинг кун ботишидаги тартибсиз экилган, ҳар қандай ҳавода ҳам кумушранг япроқлари ялт-юлт ҳилпираб турадиган бақатераклар соясидаги чойхонага йўл оладилар. Бошқалар эса кун қайтиши билан тарвайган «П» шаклида тушган асосий катта бино олдидаги хиёбонга ўрмалашиб, акас, арча ва бошқа игнабаргли дарахтлар, гулзорлар оралигидаги йўлакларда икки-учтадан булиб, оҳиста одимлар билан нигоҳларига чалинган дов-дарахту гуллар, ҳеч тап тортмай оёқлар остида керилиб юрган майналарни муҳокама қилиб, ён-атрофдагиларнинг узларини тутишлари, кийинишларига баҳо бериб, сайр этишади.

Ана шу паллаларда сиҳатгоҳга янги ташриф буюрган дам олувчи, магарам у аёл аҳлидан, боз

устига келишганроқ бўлса, дарҳол кўзга ташланади ва кўнгилхушлик саргузаштларига ўч навқирон йигитлар (баъзи катта ёшдагилар ҳам) сергак тортишиб, ўзларини тетикликка солиб, у ёқ-бу ёгини тузатишади-да, «қармоқ»нинг ипини бушатиб, унга сўзлардан хўрак ила бошлайдилар.

— Ий-йе, биззи санаторийдаям чиройли гуллар пайдо бўп қоптими? Ҳаммаёқни мушқу анбар ҳиди тутиб кетди, десак, гап буёқда экан-да...

Жувон ёки қиз гап отувчига гўё эътибор бермагандай, ҳатто, ҳеч нарсани эшитмагандай, чарос кўзлари билан ер сузиб, одобона хиром айлаб ўтиб кетади.

Янги дам олувчининг, башарти у умум диққатини забт этса, исми-шарифи ҳам тезгина қулоқдан-қулоққа ўтиб, ҳаммага тарқалади. Майин, ҳуш ифор таратиб, айрим димоқларни маст қилган гулнинг оти Нея эди. Уни кўрибоқ оёғи куйган товуқдек питирчилаб қолган шайдойи — бир гуруҳ ошхўрларнинг муваққат журабошиси, шинаванда, латифа айтиб, кўпчиликни жўжалардай эргаштириб юрадиган эрмакбоз Хужабарди уттиз беш ёшларда, ўрта буйли, ҳамиша енги узун кўйлак кийгани учунми, қўллари гавдасига номутаносиброқ — чўзиқроқ кўринар, кенг пешонасидаги қучқорча дўнгни яшириш ниятида нисбатан сийрак, силлиқ сочларини пастга тушириб, учини бир ёнга букиб тарар, қиргий бурнининг эти юпқароқ, ўртасига ярим палла бодом пўчоги жойлашгудек чуқурчали ияги ошиққа ўхшарди. Ҳар тонгда қиртишланиб, махсус ёгуна суркаладиган новотранг юзлари билинар-билинемас йилтираб турарди. Ниҳоятда сергайрат, серҳаракат, ҳар хил тадбирлар уюштиришга устаси фаранг бу йигитнинг ўхшамайдиганроқ бир жиҳати — майдақадамлиги эди. «Қимтиб босишларингизга борман-да...», деб кулишарди ҳазилкаш шериклари. Лекин унинг аччиги

чиқмас, қайтага аскияни ўзи давом эттириб, улфатларини баттар қитиқларди:

— Хотин киши бўлганимда борми, мана шу бедана юришларим билан анча-мунча эркакни атрофимда гирдикапалак қип қўярдим-да...

Икки жумла билан янги хоним кунглини мумдай эритиб ташладим, деб уйлаган Хужаберди икки кун ўтмай, Неянинг аввалроқдан таниш хонадошларини ишга солиб, уларникига меҳмонга чиқадиган бўлди. Албатта, бир ўзи шумғиядай суппайиб кириб бормаиди, чунки «меzbонлар» уч нафар...

У сиҳатгоҳ билан туташ маҳалладаги гул етиштирувчиларникидан бир даста қизил, пуштиранг чиннигул топиб келди-да, ошхўр-ҳамтовоқларидан бир жуфтини етаклаб (салафан халтада шампан ва бошқа майда-чуйдалар билан), узун-қисқа бўлиб йўлга тушишди.

Ўз уйидан сал узоқроқ, биров танимайдиган жойларда кучли жинс вакиллари билан утиришлар, базмлар уюштиришга айрим аёлларнинг оёқ-қўллари шунақа чаққон бўлиб, пазанда-бекалиги, орасталиги тутиб кетадики, бунинг сирини уларни яратган Эгамнинг узидан булак, ҳар қандай зўр руҳшунос ҳам тўла англаб етмаса керак.

Неяларнинг хонаси ҳам ана шундай фазилат ва саъй-ҳаракатлар самарасини кўз-кўзларди: ҳар бир буюм, нарса ўзининг жойиз, ярашиқли ўрнини топган, ортиқча, бежо бирон ашқол-дашқол кўзга ташланмасди. Таги оппоқ атиргулли оҳорли чойшаблар ёпилган учта каравот муъжазгина хонага шундай бартартиб, тежамкорлик билан қўйилган эдики, ўртадаги, одатда кичкина тумба ҳам аранг сиғадиган майдонга каттагина стол бемалол жойлашган, дастурхон эса худди бўлгувси куёв — йигитлар сардори кутилаётгандек, ута дид ва ҳафсала билан, шинам тузалган эди.

«Бу жононлар меҳмоннавозликка уйларида зинҳор-базинҳор бунчалик жон куйдиришмаса керак», деган уй кечди учала «қуноқ» кўнглидан, фикри-мизни қувватлашгандай. Балки, бараварига «қани энди хотининг шунақа саришта булса», дея орзулаган бўлишса ҳам ажаб эмас.

Хуллас, айтишувга ҳозирланишгандай, уч эркак бир томонга, уч қиз-жувон иккинчи тарафга рўпарама-рўпара, юзма-юз утиришди.

Меҳмондорчилик деймизми, дийдорлашув ё зиёфатми, нима булса ҳам, рисоладагидай танишувдан бошланди. Ожизалар хонасининг бекаси Муътабар исмли жувон эди. У тўлалигидан бақалоқсифат кўринар, юз тузилиши бинойидай, ўрилганлиги, қалин ва узунлиги билиниб турган тўқ жигарранг сочларини орқасига кулча илон тахлитида турмаклаган, туташ қошлари эркакларники монанд қуюқ ва ускинроқ, умуман олганда, беўрин пардоз-андозга урганмаган, аммо истараликкина қишлоқ аёли эди. Унга сал ташлаб босар ва ўзига нохуш бу нуқсон-қолатни мумкин қадар сездирмасликка тиришаётгани, ўзгалар ҳузурида, нозик пайтларда бир хаёли мудом ўша, оқсоқ оёғида бўлишини ҳам пайқаш қийин эмасди. Гапга унча қўшилмай, манзират-мулозаматлари қовушмайроқ ўтирган Салима нозиккина, оқсариқдан келган, ёноқлари ости ичига ботиқроқ, ихчам бурнининг ўнг ёнидаги мошдай холи унга ўзига хос кўрк багишлаб турар, огзи чой қошиқдайгина, лабларининг юпқалиги жаҳлининг тезроқлигидан далолат берар, нигоҳлари чиябўрилар орасига тушиб қолган кийикникидек безовта, ҳуркак боқарди. Мезбонларнинг учинчиси, ушбу издиҳом ва шунча уриниб-берилишлар «айбдори» ҳақидаги янги маълумотлардан бири шу бўлдики, унинг азон чақириб қўйилган номи хоси аслида Ноила экан.

Қоида бўйича аввал бир пиёладан чой қўйилди, сўнг бир қадаҳдан шароб ичилди-ю (бўйинини қисиб, кўз учида ёнидагиларни кузатиб утирган Салима финжоннинг қирини нимранг дудогининг нафис зиҳига теккизиб қўйди холос, қистовларга «ҳа» ҳам демади, «йўқ» ҳам), Хўжаберди узича «темирни қизигида бос», мақолига амал қилиб, тезроқ суҳбатни жонлантириш, хона соҳибаларининг, албатта, биринчи галда Нелянинг «юзини очиб» олиш учун латифа бошлаб юборди. Афтидан унинг афандилари бошқа жойларда қўл келган булса керак... «Кечаси битта болишдан ошиб ўтолмаган, шу баланд девордан ошиб ўтаман деяпсизми», деб тугалланадиган ва аёл эркакни бошлаб мот қиладиган латифа ростдан ҳам ўрнига тушди. Муътабар завқини яшириш учун бошини пастга эгиб, кафти билан даҳанини ёпди. Неля, яъни Ноила қаҳ-қаҳ отиб, очилиб-сочилиб кулди. Фақат пастки лабини маҳкам тишлаб олган ва юзлари лола тусига кирган Салима чой дамлаш баҳонаси билан ўрнидан туриб кетди.

Ҳа, айтгандай, Ноила тўгрисида шуни қайд этиш жоизки, у бир кўришда ҳаммани лолу ҳайрон қолдирадиган ҳусндорлардан эмас эди. Зеро, яқиндан қаралганда дастлабки тасаввурни хийла хира торттирадиган тоифа ҳам бўлади ёки аксинча. Кимларгадир Ноиланинг пахта гулли оқшайган халати ярашмагандай, озгин, бир елкаси хиёл ҳуккироқ куриниб, рангпарроқ бетлари аллақандай хасталиклар аломатини эслатиши ҳам мумкин эди. Аммо юракдан шарақлаб кула бошлагач, қовоғи, чеҳраси очилиб кетганиданми ё оғзи тўла олтин тишларининг чироқ нурида аксланганиданми, яноқларига қон югургандек, соғлом ва жозибали жувонга айланди-қолди.

Хона исиб, у халатини ечиб юборгач эса, уч жуфт эркак нигоҳи бир-бири билан кесишиб, йул, мўлжал талаша бошладилар.

Лимонранг енгсиз юпқа кофта Ноиланинг хийла таранг жуссасини сириб турарди. У бошини орқага ташлаб, чақчақ урганда унинг сумбати «фигура, гулбадан мана бундоқ бўлади», дея ифтихор билан, голибона селкилларди. Бунақа пайтда дастурхон устидаги қанддон, гулдонлар-у, ҳатто столнинг ўзи ҳам ҳарир пардачалик қимматга эга бўлмай қолиши турган гап. Ахир заифа наслининг усткидан ҳам ички либосларининг бежирим, чиройли бўлишига алоҳида эътибор беришлари бежиз эмас-да. Умуман, бу зот аксарият ҳолларда нишонни аниқ, тўғри олади.

Хуллас, давра Салимасиз гуриллаб кетди-ю, фақат буй етган қиз ва беш дона тухум тўғрисидаги ҳангомадан кейин Муътабар ҳам қизариб, «Э, булди қилинг-е, латифаларингиз қурсин, ўзингизданам баттар шарманда-я», деди юзини тескари угириб.

Ноила бутун имкониятларини ишга солган ҳолда расо қадди-бастини намоиш этиб, ҳамон шарақлаб, шох ташлаб хандон отганида курагигача тушадиган ёйиқ сочлари елкаларида тўлқинланиб тебранарди. Жувонни кулдираётганидан, унга шодон кайфият багишлаётганидан ўзида йуқ, иш фойдасига ҳал бўлаётганига заррача шубҳа қилмаётган Хужаберди оч назарини Ноиладан узмас, унинг қоматини, сочларини, энг муҳими — самимийлигини мақтаб, ҳадеганда «юракдан кула олган киши соф, беғубор бўлади, узоқ яшайди», деб қистириб ўтар, унга қўшилиб ўзи ҳам ёйилиб хахоларди. Иттифоқо, у «маҳбуба»сининг жоду кўзлари бошқа, совуққонроқ, тундроқ нигоҳлар билан бекинмачоқ уйнаётганини сезиб қолдию, ичи «шув» этиб кетди.

Вой уста Ўктам-эй... Уни огир-босиқ, мўминқобил деб юрса... «Ичимдан топ писмиқлардан қурқ», деб бекорга айтишмайди ўзи. Лекин Хужаберди Ўктамдан чакки ўпкаланаётганди. Аксар қиз-аёллар

шалдир-шулдир, дали-гули йигитлардан ана шундай базми жамшидларда шодиёна кайфият, хурсандчилик учун омил, восита сифатида фойдаланадилар-у, асосий муддаога келганда оғир-босиқ, қарашлари ўткирроқ эркакларни мақбулроқ кўрадилар. Уктам салобатли, зуваласи бутун, қош-кўзлари қора, томирлар хиёл буртиб турган мисранг билакларини, кўкрагини ўскин қора мўй босган, қарашлари жиддий ва бироз сирли эди. Орқаси, бугинлари оралиғида туклар тиккайган кафтлари кенг, илиқ — аёл кишининг қўли яйрайдиган ва ўзини эркин, бежавотир сезадиган кафтлардан эди. Бармоқлари узун панжанинг маҳкам, лекин беозор қисшини тасаввур қилиш мумкин эди.

Хўжабердининг назарида нотабиий, ноихтиёрий танланиш юз берди. У энди Муътабарни кўз тагига олди. Акбаралига эса Салимани «туғрилай» бошладилар. Бу «келишув»лар эркаклар ўртасида ўзаро имошоралар, «висир-висир»лар билан баён этиларди. Аммо ўз хаёл ва режаларининг хом ё пишиқлигини ўйлаб кўриш, айни дамда, ичи ва кўзи қизиган гофил хушторларнинг эсига келмасди.

Эрмакбоз раҳмсизларча қиргоққа отиб юборилган ва тупроққа беланиб типирчилаётган балиқдек оғзини каппа-каппа очиб, тўлганарди. Ахир, гул-у гулоб излаб, санамлар кўнглига ва хонасига йўл ахтариб икки кун у ёқдан-бу ёққа чопган, ширин орзулар илинжида тунларни режалар тузиб, бедор ўтказган, офтобда қолиб, ошиқ-маъшуқлар тўғрисидаги қиссаларда тасвирланадиган кимсасиз, юлдузлар шундоқ бош узра жилва айлаб, жаранглаб тўкилай-тўкилай деб турган, бағрида не-не ажойиб саргузаштлар пинҳон, сокин ва сирли адирларда соҳибқомат жононанинг нозик белларидан қучиб сайр этиш, унинг хуш бўйларини, энтикиб хуш ҳаво олишларини — ҳароратли нафасини яқин-яқиндан туйиш

уроқда йуқ, машоқда йуқ айёр «зарпечак»ка насиб этса, алам қилмайдими!.. Югурганники эмас, буюрганники экан-да!..

Бироқ дали-гули одамлар одатда узоқ гина сақлаб, ортиқча оҳ-воҳ тортиб, уз этини емайдилар. Хужаберди Муътабар атрофида хўроздай қанот ёзиб, гўё «бехосдан» у ер-бу ерига тегина бошлаб эди, жувон: «Кап-катта одам, ярашмаган қилиқларингизни қуйсангиз-чи, бола-чақангиз бўлса керак, меням оилам бор», дея бир-икки силтагандан кейин дами чиққан шардай шалвираб, бўшашди. Энди у ётиб қолгунча, отиб қол қабилида иш тутиб, ҳамон лаллайиб, «уятяпман, менга тўгри келмас экан», деб юрган Акбаралини қайраш, пишиқтириш, ишқаштириш билан астойдил шугулланишга бел боғлади. Акбарали Хужабердига қараганда, анча ёш ва бироз тикроқ, самимийлиги, соддалиги, қўймижозлиги шундоқ кулиб, жовдираб турадиган қўйкўзларидан аён йигит эди.

— Сизга ғалати-ғалати қараб қўяётганини сезяпсизми узи? «Шақ-шақ»ларнинг буйин бериши қийин холос, индамасларнинг таслим бўлиши осон, ҳалимдай нарса, ичингизга мушукдай кириб кетади. Омадингиз кеп турибди, вайваёкни боласини қўлдан чиқарманг, — деб ҳоли-жонига қўймасди эрмакбоз Алининг ўчини Валидан олиш илинжида. Охири бояқишнинг бошини айлантириб, икки пиёла «оқи»дан ичирди-да, ожизалар хонасига орқасидан итаргандай киргизиб юбораркан, машҳур кино қаҳрамони Нинанинг тоғасига ухшаб: «Қиз бола — асов той, минилмаган отга дастлаб эгар урилганда кишнайди, иргишлайди, юлқинади, лекин парво қилманг, буларнинг бари нозу карашма, амаллаб лавингизни лавига босолсангиз бас, мушукдай ювош торгади-қолади. Буш келманг...» дея қайта-қайта тайинлади. Бир нарсани баҳона қилиб Муътабарни

чақириб олди-да (Неля муолажада эди), у билан торгина йулакнинг нариги четига, нимқоронги бурчакка бориб, гүё қизгин суҳбатга андармон бўлишди. Уларнинг тўрттала кўзи «ҳарам» эшигида, хаёллари эса ичкарида эди.

Куп ўтмай, Акбарали ўша «Кавказ асираси» киноҳажвиясидаги Сааховдай эси оғиб, шиддати нуқтаи назаридан эса шампаннинг қопқогидай йулакка отилиб чиқди. Хўжаберди унга томон шитоб йўрғалади. Зураки жазманнинг кийимлари деворга ишқаланган чоғи, у ер-бу ери оқарган, чап ёноғи... қонталаш эди.

— Нима бўлди, Акбар? Тепдими, тишладими? — сўради Хўжаберди кулгидан ўзини аранг тийиб.

— Дард бўлди! Бало бўлди! Э, сиздақа устоздан ўргилдим! — деди Акбарали йиғлагудай бўлиб.

— Олдин сал мақтаб, орқа-бошини қашлаб, ийдирдингизми?

— Бунақа демовдингиз-у!.. — астойдил ўпкалади Акбарали.

— Э, узр, шуниси хаёлдан кўтарилган экан. Мен, энди, сиззи кўча кўрган йигит, ўзи яхши билади, дебман-да. Зарари йўқ, бошқатдан бошлаймиз. Жонжон деб турганиям олдинига шунақа қилади, биродар.

— Э, узингиз бошловринг!.. — Акбарали қўл силтаб, аламини зиналардан олаётгандай, бутун оғирлиги билан босиб, пастга тушиб кетди.

Муътабар ҳам ўзини тутолмай кулар, «яхши иш қилмадингиз», деб Хўжабердини койирди.

— Э, жуда лапашанг бола чиқди-да, — деди Хўжаберди куюниб, — йигит кишиям шунақа буладими?!

— Нима, сиздақа бўлиши керакми? — сўрайди аёл писанда билан.

Ўқ мўлжалга теккан эди. Шумгина эрмакбознинг қай ҳолга тушиб, дудуқланиб қолганини кўз олдингизга келтиргандирсиз.

«Фалак» гардиши шу даражада чаппа айланиб, чамаланган воқеалар остин-устун бўлиб кетишига қарамай, олтовлон кирди-чиқди, борди-келдини узишмасди. Нотавону омадли-омадсиз ишқибозлар чойхонада палов ё димлама пиширишса, албатта заифалар хонасига бир лаган киритиб юборишар, улар ҳам меҳмоннавозлик, оқибат қоидаларига биноан, ҳар замон-ҳар замон уйларидан овқату пишириқлар келганда ҳамсояларини таклиф қилиб, сийлаб туришарди. Шундай пайтларда ҳамма узини уртада ҳеч нарса юз бермагандай, ҳаёт жамият тамойиллари ва сиҳатгоҳ таомиллари асосида олга силжиётгандай тутаркан, Хужаберди Акбарали билан Салиманинг хатти-ҳаракатларига зимдан назар солиб, мийигида кулиб қўярди. Салима ўйга чўмгандай сипо ўтирар, Акбаралига (бошқа эркакларга ҳам) сабабсиз нигоҳ ташламас, жабрдийда «шогирд» эса, қизга худди ота-бобосининг қасди бордай хўмрайиб, гоҳо сал ҳадиксирагандай қарарди.

Эрмакбоз таъбири билан айтганда, ичидан пишган Ўктам қизлар хонасига танда қўйиб қолди.

— Бир йўла ичкўёв бўлволдиларми, дейман, биродар, — усмоқчилайди у ҳазил аралаш пичинг билан. — Биз билан гаплашишгаям ошинмай қолдингиз.

— Энди, буюргани-да, огайни, — жавоб беради Ўктам ҳам тагдор қилиб. — Биров — ташқи, биров — ички...

— Қандингизни уринг, лекин ҳар қалай, богнинг богбони бор...

— Ташвишланманг, жа, инсофсизларданмасмиз.

— Тегишяпман, — дейди сулҳпарвар Хужаберди.

Хуллас, чойхонада палов дамлашганди, бир лаган солиб беришди. Ўктам кутариб, қадрдон хонага қараб кетди.

У тури томондаги курсига энди жойлашган ҳам эдики, очиб қўйилган эшик урнига илинган дока

парда қайрилиб, остонада анвойи гуллардан тузилган каттагина гулдаста кўтарган чеҳраси очиқ, кўзлари кулиб турувчи савлатли бир киши ва унинг ёнида ун уч-ун тўрт ёшлардаги дуркунгина қиз кўринди. Ўтирганлар қизалоқнинг қуйиб қўйгандек Ноилага ўхшашидан уларнинг кимни йўқлаб келишганини дарров англашди ва худди бир ҳол юз берадигандай, бари гурр этиб уринларидан қўзғалишди. Ноила ёнидаги Муътабарнинг курсисини жилдириб йўл очишини ҳам кутмай, бир қўли билан унинг елкасига тиралиб, бир оёғини каравот четига қўйганча чаққон сакраб ўтди ва икки ҳатлади-да, эркакнинг елкаларига кафтларини омонат қўйиб, сарғимтир соқоли сал ўсиб қолган юзларига галма-галдан оҳиста лаб теккизгач, онасиникидай йирик-йирик, думалоқ кўзларини пирпиратиб турган қизалоқни бағрига босди, сўнг уларни дастурхонга таклиф қилди.

— Вот, мои приятели, — деди Ноила эркакка атрофдагиларни кўрсатиб (шўро замонининг фарзанди булган бу жувон танглайи уша даврдаги ҳукмрон тил билан кўтарилган, богчада ҳам, мактабда, оиладаю кўчада мудом уша лаҳжада сўзлашишни илғорлик белгиси, шараф деб билган муайян табақа вакиласи эди).

— Жуда яхши, қани ўтиринглар, — деди меҳмон ҳамон лабларидан табассум армай, Муътабар ишора қилган курсига — Ноиланинг ёнига утириш учун яқинлашаркан жойида серрайиб кафт очган Ўктам билан сурашди. Ноила қизининг қўлидаги тўрхалтадан бодринг, помидор, мева-чева ва ҳар турли ширинликларни олиб, дастурхонга қўйди.

Ҳамма ўрнашгач, Ноила «жўра»лари ва келганларни таништира бошлади. Қизалоқни менинг яккаю ягона эркатойим, Зоилам, эркакни эса, бизнинг азиз дадажонимиз, Эрқул акам, вилоятдаги каттакон бир ташкилот раҳбари, деди фахрланиб.

— Ғалла кампанияси жуда қизиб кетди. Узоқ туманга боғлаб қуйишган, уйгаям келиш йуқ. Зоилаям холасиникида ётяпти, — гүё узини оқлаб, хотиндан узр сўрай бошлади меҳмон. — Сиздан хабар ололмаепман. Биласиз, чўл зонаси. Техника кам. Бор кейслар ўриб улгурмаяпти. Камисия устига камисия... Юқориданам одам кеп турибди. Кун, кунора қўнгироқ қилишади. Ҳоким мени бир қадам жилдирмайди... Сиз ёнимда турсангиз, менга далда бўласиз, жигимга текканларни бемалол гадаблаволаман, дейди.

— Мендан сираям хавотирланманг, — деди Ноила елкаси билан Эрқул акажонисига суйкалиб, — соғлигим михдай бўп қолди, бу ернинг ҳавоси жудаям ёқяпти менга, шерикларни бир-биридан яхшилигини айтмайсизми, улар билан пачти опа-ука, ака-сингил бўп кетдик.

— Жуда соз-да, мана, кўрдим, кўнглим анча жойига тушди. Озиқ-овқатингиз қанақа буляпти?

— Ну, што вы? Всё есть здесь, Эрқул ака. Только, вот што, манави йигит ва унинг дўстларидан уялиб қоляпмиз, қаранг, қанақа паловлар пишириб беришади бизга.

— Нима, пулингиз тугадими? — сўради эр шошапиша чўнтагини ковлаб.

— Е-есть. Канешна немнога, но они не берут серавно.

— Уктамжон, ҳисобли дўст айрилмас, — деди Эрқул боядан бери индамай, нима қилишни, қаёққа қарашни билмай, Зоилани кўздан кечириб утирган йигитга юзланиб. — Унда Неляниям, мениям хижолат қип қўясизлар. Улфатчиликда ҳалфана деган гап бор, ахир. — У шимининг орқа киссасидан чарм ҳамённи олиб очди-да, бир даста мингталикини сугуриб, хотинига узатди. — Манг, улар олишмаса, чойхоначига берсангиз, айтган овқатингизни пиши-

риб беради, бирга баҳам курасизлар. Шуям муаммоми? Ҳамма ишниям қаловини топиш мумкин.

Қистовлардан кейин Эрқул Ўзганнинг девзира-си-ю, зигир ёгига дамланган, тепасига янги, хуштаъм саримсоқ босилиб, майда тўғралган барра кук пиёз сепилган қизгиш паловдан ҳавас билан, мақтаб-мақтаб, шошилиб-шошилиб уч-тўрт ошам олди-ю, қулини Ноила тутган сочиққа артди.

— Энди мени маъзур тутасизлар, — Эрқулнинг шод ва мамнун кузлари ўтирганлар нигоҳи билан бир-бир туқнашиб, ёнида — ёстиқдошида тухтади. — Соат еттида йигилиш бор, шунга етиб боришим керак. Катталарни оғзи жа шалақ бўп кетган... Илгариги мажлислар ҳолва экан. Яна келаман. Мендан ўпкаламай турасиз-да, Неличка, ўзингиз тушуна-сиз-ку...

— Вот, вы интересны, Эрқул ака, нега ўпкалар-канман. Лучше, вы о себе думайте. Соглигингизни йўқотиб қуясиз, бугдой, пахта деб...

— Куюнманг, саломатлик ҳозирча яхши.

— Кузатиб қуяйми, дадажониси?

— Йўқ-йўқ, қимирламанглар, ҳалиям мени деб ошни совутиб қўйдинглар. Биз ҳозир чиқамизу машинага ўтириб жунаймиз.

Ноила, ҳар қалай қулларини сочиққа наридан-бери суркади-да, завжаи муҳтарамининг кенг кифтларидан омонат тутиб, боягидай оҳиста ўпиб хайр-лашди.

— Аёлларга қандай яхши-я, — деди бироз қизаринқираган Эрқул тик турганича уни кузатаётганларга кўз югуртириб, — биз эркаклар кўпчилик олдида жуфти ҳалолимиз билан тузукроқ кўришолмаймизам.

— Аёлларнинг муҳаббати кучли бўлади-да, — деди елкасидан тоғ ағдарилгандай, анча ўзига келган Ўктам.

Кутилмаган, лекин, балки «узукка кўздек» урнига тушган луқма эгасига Муътабар кўз тагидан қараб қўйди.

Эрқул ҳаммага соғлик-омонлик тилаб, хушлашгач, Уктамга қўл чўзди.

— Камсуқум ва жиддийлигингиз менга маъқул тушиб қолди. Сиз билан танишганимдан хурсандман. Бу ердан чиққач, албатта бизникига ўтинг. Нея, бу йигитга кардинатларимизни тушунтириб қўйинг. Ўзим ёзиб берардим-у, шашиб турибман. — Шундай деб у яна умрдошига юзланди: — Пулни аяманг, биламан, сиз бекалар тежамкорликни яхши кўрасизлар. Мени уялтириб қўйманг.

Ноила бош имоси билан ваъда берди. Эрига ўзини жа уринтириб юбормасликни яна бир карра эслатди, Зоила иккаласи номидан ўтинди.

— Эртага ош бизни ҳисобдан бўлсин, а, Неличка, — таъкидлади Эрқул остонада орқага қайрилиб, — чойхоначигаям айтиб кетаман...

— Жуда сизга меҳрибон экан-а, — деди Муътабар ўзлари қолишгач. — Рашк ҳам қилмайдикан, уни ўрнида меники бўлганда борми, ҳозирнинг ўзида оёғимни ерга теккизмай, диконглатиб олиб кетган буларди, уйда камида бир ҳафта тергов берардим.

Салима афтидан нима деб қўшимча қилишга ҳайрон эди.

— Бечоранинг гаплари ширинлигини, сизлашини... — деди у бош чайқаб ва секин ўридан турдида, индамай ташқарига чиқиб кетди.

— Ҳа, жудаям яхши, — ҳамон эрини мақташда давом этарди Ноила. — Тушунган эркак, современный. Фақат жуда иши кўп. Қишин-ёзин камандировкадан бушамайди, ҳадеганда Ташканга чақиришаверади. Биз билан бемалолроқ утиришгаям вақтлари йўқ. Айниқса, вакиллиги ўзиниям, бизниям жонимизга тегади. Не панимаю, бугдой, пахтани қишлоқда

экишади-ю, шаҳардаги раҳбарларнинг бир оёғи уша ёқда... Фақат, мендан анча каттага ўхшайди, а? — жувон илтижо билан Муътабарга тикилди.

— Юзингизга айтолмай турувдим. Мен олдинига тоға-погангизми, дебман, — ўз таассуротини яширмади Муътабар. — Лекин қизингиз билан бирга кўрган одам сизларни опа-сингил дейиши турган гап, — андавалади яна.

Ўктам жим эди. Афтидан унинг фикри-зикри Ноила билан буладиган кечки сайрда эди. Эрқул олиб келган чаросдан қўшиб, ошни катта-катта оларди. Аёллар ҳеч замонда паловгаям узум қўшиб ейди-ми, дегандай унга ажабланиб қарашарди.

Салима қайтавермагач, Муътабар истаб чиқди, лекин тополмай қайтиб кирди.

— Ердаям, кўкдаям йўқ, — деди у астойдил ачи-ниб.

— Ўзи сал галатироқ экан, — лаб бурди Ноила. — Какая-та капризная што ли, или мнительная...

Муътабарнинг болдирига бир оёқ тегди. Залваридан билдики, йигитники. «Пиқ» этиб, унга ер остидан нигоҳ ташлади.

— Адашиб кетдингиз, почча, сал чапроққа узатинг.

Иссиқ овқат еяётган Ўктамнинг юзи қизарган-қизармагани сезилмади, лекин кўзларининг бежо жовдираганидан ўнгайсизлангани маълум эди.

— «Почча»ламай ўлинг, — деди гап нимадалигини англаган Ноила тирсаги билан шеригининг билқиллама биқинига нуқиб. — А, может адашмаган, сизни оппоқ, дўмбоқ оёгингизни давить хочет...

— Йўқ, адашди, — деди ўзини ноқулай сезган Муътабар гап чувалаштиришни эп кўрмай. — Ана, ишонмасангиз, ўзидан сўранг.

— Ну, тогда сиз тўғрилаб қўя қолинг, бечорани уялтирмай.

— Узи тўғрилаб олсин, кап-катта кишига ургатиш шартми, — Муътабар сўзим огир ботмадимикин, дегандай йигитга яна бир қиё қаради.

Уктам чайнашдан тўхтади.

— Биз ғарибни яккалаяпсизларми?

— Да-да, шуни айтинг, — қош чимирди Ноила. У узини янада эркин тута бошлаган эди. — Хафа булманг, Уктамжон, ҳали Хўжаберди аканинг қулогига шипшиб, гиж-гижлайман, буни бир адабини бериб қўяди.

Муътабар енгил кулди.

— Шунақа қилинг, ўртоқ, ўзиям ўша шилқим акангизга жа кўзим учиб турибди.

— Кўзингиз учяптими, бошқа ерингизми, уни ўзига айтасиз, моя дорогая.

— Сулаймон кетиб, жа тилингиз бурро буп қопти-я?

— А што, бурро булади-да. Эшитмадингизми, мени уялтириб қўйманг, деб тайинлади.

— Шунга икки кишилашиб ҳаракат қиляпмиз, денг.

— Ну-ну, Муътабархон, почча келсин, мендан кўрасиз...

Аёл қўлларини кутарди.

— Булди-булди, Нелахон, мен ҳеч қанақа туя курганим йўқ.

Кулиб юборишди.

Уктам каппа-каппа палов ошалашни келган жойидан давом эттирарди. Ноила унга ҳаваслангандай назар солди. Йўқ, бу назарда ҳавасдан ўзга яна нимадир бордай эди. Муътабар Ноила билан кўз уриштириб, мийиғида жилмаярди.

Бир маҳал остона ортида ҳамширалардан бирининг пўрдоққина гавдаси кўринди.

— Ҳўй, Муътабархон, шерикларинг кетди, нарсаларига укасини жўнатаркан, — деди-да, яна кўздан гойиб булди.

Ноила елка қисди.

— Ну-ну, жинними бу қиз, хайр-маъзурам йуқ-а?..
Ҳали срогиям тугамовди-ку...

Ташқарида мусичалар «ку-ку»лашиб, нар чум-чуқлар бетоқат чириллай бошлаган, оқшом яқинлашиб келарди.

Уктам Ноилага маъноли нигоҳ ташлади. Жувон кўзларини аста юмиб, бошини сезилар-сезилмас силкиди.

Бу пайтда чойхоначига пул бериб, эртагаликка хотини ва унинг ҳамроҳлари учун зўр девзирадан палов буюриб қўйганидан узида йуқ Эрқул мажлисдан кечикмаслик учун «Нексия»ни шиддат билан ҳайдаб, шаҳарга кириб борарди.

1984–2010 йй.

КЎКТОЙ

Оқ-қорани ажратиш палласига қадам қўйган чоғлариданоқ шахсий «Ҳаётий дастур» тузиб, унинг илк бандига «Узоқ умр кўриш» моддасини киритган ва ҳануз ўз маслак-ғояларидан огишмай, қингаймай, жавлон уриб яшаб келаётган Фотиҳ Бурҳонович нафақа ёшидан аллақачон ошган бўлишига қарамай, нуфузли бир корхонанинг ҳайҳотдай биринчи хонасидаги ўзи чинордан махсус ясатиб, буқаламун териси қоплатган оғир, салобатли креслони барқарор, мустаҳкам эгаллаб ўтирар, яқин ходимлари, халқ ибораси билан айтганда шотирлари атрофида гирди-капалак эди. Қўлларини қаерга, қаёққа узатса етиб, яна ошиб ҳам қоларди. Сергайрат, соғлом ва бикир эди. Инсон умрининг чегараланганлиги тўғрисида авваллари деярли бош қотирмасди ҳам, илло жуфти билан муросасининг носозлиги гоҳи-гоҳида панд бериб, унинг ҳам оддий жонзот наслидан эканлигини ёдига тушириб қўярди. Ҳузурида мўйловига болта ўтмас

не-не забардаст, баҳодир эркаклар қўл қовуштириб, ҳатто, айрим ҳолларда титраб турадиган валломат шу бир пачоқ, «кесак қисган» ожизасига (завжаи дилозори унинг тамоман акси — пастаккина, жиккаккина эди, ҳа, шу борада Фотиҳ Бурҳонович ҳаётидаги мутаносибликка хийла жиддий путур етган эди) ҳукм ўтказолмаганидан қаттиқ изтироб чекарди. У аёлини камдан-кам тилга оларди, мабодо у ҳақда гапиришга тўғри келиб қолса, андак мунгли табассум билан «бизнинг читтак хоним...» деган сўзлардан бошларди. Хотин чиндан-да анойи «мўмина»лардан эмас эди: жаҳли қўзиганда жужаларига тугилган хавф-хатарга қарши жон-жаҳди билан ҳурпайган эна товуқ каби энигаю бўйига «шоҳ»лаб, ваҳимали тусга кирар, киприкларию қошлари, ҳатто пир-пир учаётган юпқа лаблари узра сабза уриб, икки чеккага қараб ёнбошлаган олтин ранг, майин туклари ҳам хуружга келган типратиконнинг найзаларидек тикка-тикка бўлиб кетарди. Бунақа пайтда муҳтарам Фотиҳ Бурҳонович, кўпинча, рақибидан енгилиб, думини чотига қисганича вангиллаб жуфтакни ростлаган кўппакдай, ичида гудунглаб, куча сари йўрғалаб қолишни маъқул кўрарди: оч қорним, тинч қулогим. Фақат хоним билан ораларида кечадиган даҳанаки жангларнинг авж нуқтасида, сабр косаси тўлиб-тошиб, газаб отининг эгаридан учиб кетай, учиб кетай деяётган лаҳзаларда беихтиёр «Ҳаҳ, читтак!..» деб юборарди товушини бир неча парда кутариб. Балки «беихтиёр» ибораси бу ўринда унча чак босмас, ахир Фотиҳ Бурҳонович бутун заҳрию норизолигини, аламию озурдалигини ўзи ўйлаб топган ва наздида жуда ёпишиб тушган лақаб қатига жойлаб отарди, лекин шу билан бир оз хумордан чиқиб, енгил тортгандай бўларди. Бундан нордонроқ, бундан огирроқ койишни минбаъд лозим кўрмасди (аслида ҳаддиям сигмасди-я), зеро у ўзини анча маданиятли, зиёлина-

мо мардумлар сирасидан ҳисоблашларини хоҳларди. Нафсиламрини айтганда, у «дахшанда» билан ширингуручга сариёғ бўлиб кетишлари қийинлигига аввал-бошданоқ ақли етган эди, бироқ қўшилгани билан ҳар қандай вазиятда (!) «қўша қариш» талаб этиладиган шўролар даврида ёстиқдош билан унинг инон-ихтиёрисиз ажрашмоқ раҳбар кадр учун дурустроқ ҳаёт кечиришнинг асосий омили, гарови бўлмиш партия аъзолigidан, мансаб-лавозимидан қўлни ювиб қўлтиққа уриш, ўз келажаги пиллапоялари пойига арра солиш демак эди. Бунча қурбонга рози бўладиган амалдор саҳродаги соядай камдан-кам учрарди. Қолаверса, келинчак ҳам комсомол ходимлардан, яъни партия ва ҳукумат жорий этган аёллик ҳақ-ҳуқуқини аъло биладиганлардан эди, бинобарин, ундан тирик қутулишни ўйлашнинг ўзи хомтамаликдан, калтафаҳмлиқдан ўзга нарса эмаслигини Фотиҳ Бурҳонович жуда яхши англарди. Ахир у эсини емаган-ку, ўз орзусидаги мартаба-мавқега эришгунча не-не қабулхоналарда саргаймаган, қанчадан-қанча остоналарнинг тупроғини искамаган!

Аммо бот-бот юз берадиган давомли ва қизгин «муҳораба»лар, фикр ва дунёқарашларнинг муҳом муҳом зид келиши билан боғлиқ эзилиш, руҳий зуриқишлар оқибатида унинг толмас, метин юраги ҳилвирай, ҳил-ҳил жигари эса бандидан узилган чинор япрогидек бужмая бошлаган эди. Омад ҳам, дард ҳам бир келса қўшалоқ келади, дегандай, орада «э» йўқ, «бе» йўқ, зиқнафаслик ҳам илашиб ўтирибди. Буниси касалларнинг ашаддийси, одамни ўлдирмай қийнайдигани экан. Сатта ишхонада мажлис ўтказётганда, баъзан каттаконлар, уятли меҳмонлар даврасида тутиб, авж оларди. Томоги шагални босгандагидай гижирлаб, чала бўғизланган хўроздай хириллаб қолганида ўзини ургани тешик тополмай, қизариб, шишиб кетган кўзлари аланг-жаланг қила

бошларди. Хос шифокорлари тавсияси билан «Зомин» ва бошқа сиҳатгоҳларда даволаниб турарди. Муолажа таъсири икки-уч ойга етиб борардию яна арзимаган бир сабаб билан қайтовланаверарди. Бош гаранг — бир ёнда нагмагар «малак», иккинчи томонда зир-зир юрак, ўртада ширин жон ҳалак. Тонгсаҳарлар кўкка нола учар: «Гуноҳим не эди, эй фалак?»... Хулласи калом, жиддийроқ чора ахтармаса чатоқ аҳволи. Ахир ундан имдоду мадад умидворлар бисёр ҳали, ҳали режалар гала-гала — кичик ўғилқизлари, куёвлари, неваралари, бўлажак невара куёвларининг ўқишлари, иш-амаллари, уй-жойлари чала... Қолаверса, қачонгача олти юз — етти юз чақиримли масофага қатнайди — бир дунё пул, вақт сарфлаб? Бошқа чораси йўқмикин?..

Яна ўзининг неқбинлиги, топқирлиги, дангаллиги иш берди. Музофотнинг кун юриш тарафи этагидаги Яшил тоғни эслаб қолди. Ўша тоққа дала ҳовли тарзида кичикроқ бир нима солса қалай бўларкин? Бунинг учун, аввал бориб айланиш, ҳавоси ёқадими, самара берадими, йўқми, синаб кўриш керак.

Ўзи ихлос қўйган тиббиёт профессорларига муддаосини айтди. Соғлиқни сақлаш бўйича мамлакатдаги қатор нуфузли комиссиялар, ҳайъатлар аъзоси, кекса невропатолог уни қўллаб-қувватлади.

— Яхши ўйлабсиз. Албатта, тоғларнинг табиати, хусусияти ҳар хил, ўсимликлар, дарахтларнинг тури, кислород миқдорига, тупроқ, ҳаво таркибига, умумий иқлимга ва бошқа омилларга кўп нарса боғлиқ, бундан ташқари мижоз масаласи ҳам бор. Аммо барибир фойда қилса қиладики, зиёни йўқ. Натижа дарров билинмаслиги мумкин, холос.

Демак, фикр тўғри: тоққа кўчмоқ керак... Валлоҳи аълам, оиладан — гавго уясидан муайян муҳлатларга узоқлашиш «муолажаси»нинг зора барча иллатлар «дояси» бўлмиш дарди бедавога ҳам

нафи тегса!.. Ахир, одатда айрилиқ, ҳижрон тошбагирларни юмшатиб, меҳрни кучайтиради-ку. (Аслида ботинида ақл тиши билан баробар ниш урган яна бир мараз бор эди-ю, уни ўзи пайқамас, тўғрироги, аҳамият бермас, ўзига зарарсизлиги учун бегараз ва бехатар бир хасмол деб биларди. Одатда қотиб, қичишмай қўйган ярани ҳам анчагача хол билан адаштириб юрадилар).

* * *

Фотиҳ Бурҳонович ёру биродарларига, шунингдек жамоасига ҳам (торроқ доирада) уз ниятини ошкора этди. Гарчи у ҳал этувчи қарорни ҳамиша ўзи чиқарса-да, баъзида арзимаган масалани ҳам кўпчилик эътиборига, ҳукмига ҳавола қилган бўлиб, уларнинг ёқловчи сўзларини баённомага киритиб қўяр, зеро, машварат хулосаси оиласи ва бошқа тегишли идораларга кўрсатиш учун асосий дастак, кейинчалик юзага келиши эҳтимолли даъво, таҳдид, ихтилофларда пулат совут ролини ўйнайдиган муҳим ҳужжат вазифасини ўтарди. Унинг мансабдор сифатидаги асосий ақидаларидан бири ҳам узоқни кўзлаб иш тутиш, яна бир шиори — «эҳтиёткорлик ош талаб қилмас» эди.

Дам олиш куни у барвақт турди-да, Яшил тоғ сари йўл олди. Машриқдан мағрибга қараб ястаниб ётган тоғни ёнлаб ўтган унқир-чунқир, бир ёни пахтазор илон изи сўқмоқдан юриб, анча ичкарига борди-да, машинадан тушиб, юқорига тикилди. Олисдан бир қадар пакана, одми кўринган ҳар қандай бўйдор нарсанинг салобати унга яқин борганда билинади-ку. Аксарият тоғлар каби тепа тарафи суйри Яшил тоғ ҳам жуда юксак, ваҳимали бўлмаса-да, ҳар ҳолда маҳобатли, энг аҳамиятлиси — шимол тоғлари каби қалин қор кўрпасига ўранмаган, жанубдаги жинсдош-қариндошлари сингари гиёҳ ун-

мас тош қатламларидан иборат эмас эди. Аксинча, ҳарорат муътадил (албатта шаҳарга нисбатан бирмунча салқин ва шунинг учун ҳам оромбахш), қоятошлар буртиб, туртиб чиққан анча-мунча яйдоқ жойларини инобатга олмаганда, арча, ёввойи жийда, дулана, иргай, юлгун ва бошқа дарахт, усимликлар, чимдай анвои ут-улан, майсалар билан бурканган яшил ва кулранг омухта бир дунё эди. Пойиданоқ тоғ ҳавосининг тоза, енгил ва ҳузурбахшлиги сезилиб турарди. Қаҳрамонимиз инқиллаб-синқиллаб ун-ун беш қадам тепага чиқди, у ёқ-бу ёқни хийла кузатиб тургач, жой мўлжаллай бошлади, яна беш-ун қадам баландроқдаги икки-уч сўтихча нисбатан текисроқ, унғайроқ ёнбағрни кўз остига олиб, қайтди. Таниш-билишлар, шотирларини ишга солиб, огирроқ, мушкулроқ юмушларга мардикор ёллаб, бир ой деганда тоғ қўйнида муъжазгина бошпана қурди. Узоқ йиллар катта лавозимларда ишлагани, масъул маҳкамалар билан алоқани ҳамон узмаганлиги туфайли мазкур жойда иморат кўтаришга ижозат олиш, кадастрдан ўтказиш масалалари оғзининг ели билан ҳал этилди.

Тўғриси, Фотиҳ Бурҳонович аввалига қурилишнинг боришидан наридан-бери хабар олиб турувди, ўша ерда жисман ва руҳан енгил тортаётганини туйгач, астойдил бўлиб қолди. Бошда ишонмаганиданми, унча парво қилмаган «читтак хоним» эса, ҳа деса «тоққа кетдим» деган истехзо аралаш голибона оҳангдаги гапни эшитавергач, баттар ҳурпайиб юрди. Макон битгач, раҳбар хотини, фарзандлари, куёвлари иштирокида оилавий кенгаш чақирди ва кечки пайт бир сидра кўрпа-тўшакни машинага ортиб, ун бир ёшли набираси Санжарбекни ёнига олиб, тоққа чиқиб кетди.

Дастлабки кечалар хийла ички безовталиқ билан ўтди. Гарчи, сир бой бермасликка уринишаётган набира билан бобонинг кўзлари бир-бирларининг оғзида-ю, хаёллари, қулоқлари ташқарида эди: ҳализамон қандайдир увиллаш, ириллаш эшитилиб қоладигандай... Ахир нотаниш, бунинг устига тоғлик, хилват ерлар... Ҳар нарса бўлиши мумкин-да. Читтак хонимнинг заҳарханда пичинглари: «Билганингизча дуо-пуо ўқиб ётинг, тагин, жин-пин чалиб, бу кунингиз ҳам ҳолва бўлиб қолмасин. Ўзингиз майли-ю, болага бир зиён етмасин-да...» Лекин уларнинг паноҳгоҳидан хийла нарида, тоғнинг тепароқ қисмларида милтиллаб кўринган яккам-дуккам чироқлар уларга таскин берди. Барибир, бирмунча муддат Фотиҳ Бурҳоновичнинг ўзига эриш кўриниб юрди бу тутуми. Одамлар нима деб уйлашяптикин?

Лекин кун бўйи шовқин-сурондан, машина баллонлари, асфальт йуллардан, панароқ-чеккароқдаги уюм-уюм ахлатлардан бурқсаган димиқтирувчи ҳидлар, газ исларидан карахт димоги, ачишган бурун катаклари, кўзлари, тани-жонининг яйраши олдида оғзига кучи етмаганларнинг «миш-миш»лари чикора! Зеро, томогидаги гижирлаш, ўпкасидаги «хир-хир»лар пасайиб, нафас олишининг хийла равонлашгани, кўкрагидаги санчиқларнинг пайсал топаётгани аниқ сезила бошлаган эди.

Фотиҳ Бурҳонович лўла болишларга ёнбошлаб, Сан-жарбек чўк тушганича шам, хитой қўлчироги ёруғида дарс тайёрлашар, бир-бирига эртак, топишмоқлар айтиб, «шаҳар» олди-берди қилишар, сўнгра батареяли радиоприёмникни паст қўйишганча пинакка кетишарди. Кейин аккумулятор билан «LJ» телевизоридан олиб чиқишди. Раҳбарни-ку, куни бўйи қўшиқ, мусиқа сассиқ кекирдак қилиб юборарди (ишхонасига тушган янги, икки қаватли «Элита»

ошхонасининг замонавий гарб эстрадаси ишқибози, қишда ҳам рангли кўзойнак тақиб, боғичи муш-дай қизил ё сафсар галстугини доим оқ кўйлагига тўгноғич билан қистириб юрадиган тақа мўйлов, дароз шефи ундан ҳам зурроқ чиқиб қолди), аммо мультфильмга муккасидан кетган боласи тушмагур тумтайиб, мингирлаб, қуймади.

Эрталаб хизмат машинасида уйга бориб нонушта қилишгач, бобо набирани мактабга ташлаб, ишга ўтиб кетар, кечки пайт барвақтроқ овқатланишардида, янги масканга — «Ором қасри»га жунашар ва афсонавий, романтик ҳаёт огушига шўнғишарди. Сўқмоқ ҳам кенгайтирилиб, шағал ётқизилиб, анча эпаккага келтирилган — дуқир-дуқирдан безилламай бемалол юриш мумкин эди.

Чинакам роҳатга кириб қолган эди Фотиҳ Бурҳонович. Энди тоғ пойида машинадан тушиши биланоқ ўзини тетик, бардам ҳис қила бошлар, табиатнинг бутун ҳусну малоҳатини ўзида мужассам этган тоғ манзарасининг, яшил бахмал ўт-уланларнинг бегубор ва ёқимлилиги кўзларини яшнатиб, баҳридилини очиб юборарди. Бу ернинг намозгар паллалари, айниқса тунларининг латофати таърифига сўз топиш маҳол эди: ой яқин ва йирик, доғларининг шакли-шамойилигача яққол кўзга ташланар, чанг, тутун пардаларидан холи оловранг-пушти юлдузлар ниҳоятда тиниқ, равшан чарақларди. Бу ҳолат, бу нафосат, бу мусаффолик қаҳрамонимизнинг руҳиятини янада яйратиб, кучига-куч, шижоатига-шижоат қўшарди. Ёруғ оламнинг шунча гўзаллиги, нашъу намосидан бебаҳра юрган бир гофил эканлигидан афсусланар, қанча оқшом, кечаларни «читтак» билан арзимаган (!), уткинчи нарсаларни талашиб-тортишиб, бўғилиб, беҳуда сарф қилганига ачинарди. Ҳаммасидан ҳам уйдаги галва-ғишавалардан, Маликаи Турандотнинг юракни заҳарланган ўқлар каби

ўйиб, илжиратиб утадиган кесатма-қоқитмаларидан қулоғи тинчиб қолганига хурсанд эди. Бу борада ҳам жиддий ўзгаришлар юз бера бошлаганди. «Яна тоққа кетасизми?», «Бугун биз билан қола қолмайсизми?» каби журъатсизлик, ишончсизлик ва андак илтижо йўсинида айтилган бу гаплар қулоғига эриш эшитилар, ҳатто, иззат-нафси ором оларди.

Соф ҳаво билан тула сокин маъвода Алпомишдай қотиб ухларди. Азон палласидаги саҳарҳез булбул, қорақуш, қорашақшақ ва бошқа нотаниш паррандаларнинг ранго-ранг дилрабо хонишлари дилнинг роҳати, хафақоннинг малҳами эди. Чигирткаларнинг чириллаши ҳам асабларни аллаларди гуё.

Кейин-кейин Фотиҳ Бурҳонович дам олиш кунлари шу ерда қолиб, тоғни айланиб юришни одат қилди. Ўз ҳужрасидан юқорироққа — тоғнинг тахминан қоқ белига кутарилиб, дурбинда анча паст ва нари шаҳардаги ари уясини эслатувчи ҳаётни (туғрироғи, вазиятларни) кузатаркан, кўнглида вас-васанамо ҳиссиёту иштиёқ пайдо бўлди. Ҳамонки, тоғда мазгил қурар экансан, иложи борича юксакроқ ерни танлаш керак экан, деган фикр қулоғи ичига кириб олган суваракдай тинчини, оромини бузди ва у янги жой чамалашга тушди. Метин қоялар камлиги, юза қисмининг оддий қора, сариқ тупроқдан иборатлиги Яшил тоғнинг асосий фазилати эди. Майдароқ бўлса-да, дов-дарахт кўп, ўт-ўлан қалин, кун кам тушганидан улар узоқ яшарди ҳам. Энг муҳими, тоғнинг ёнини шилиб, кесиб, саҳн, майдон яратиш хийла машаққат тугдирса-да, ҳар ҳолда мумкин эди. Лекин шунча баландга қурилиш ашёларини кўтариб чиқиш муаммоси-чи? Одам боласи елкасида ташиб удда қилишини тасаввур этиш қийин. Аввало, бу ергача зина-йўл солиш керак...

— Йул солиш-ку «но проблем», шеф, — деди қурилиш буйича кўп йиллик малакага эга, анча уқувли ва шу боис норасмий маслаҳатчи рутбасини эгаллаган ходим мўлжалдаги паккани кўздан кечириб, азмойиш оларкан. У кўп жиҳатдан раҳбарнинг ишончини қозонган шотирлардан, фақат бир қусури бор эди — баъзи исм ва сўзларга тили келишмай, кўпинча ноқулай аҳволга тушиб қоларди. Масалан, «Фотиҳ»ни — «Фатҳ», «Бурҳонович»даги «р» билан «ҳ»нинг урнини нуқул алмаштириб — айрим ҳудудларда «тутлар» сўзини «тултар», «йигитлар»ни «йигилтар» тарзида талаффуз этишгандай — қовун тушириб, ён-атрофдагиларнинг «пиқ-пиқ» кулгисига, шефнинг манглайи тиришишига сабабчи булар ва шоша-пиша узрхоҳлик қилиб, ялтоқлана бошларди. Лекин раҳнамонинг олижаноблиги, кечиримлигини мудом суистеъмол қилавериш ҳам инсофдан эмас-ку. Маслаҳатчи «хўжайин», «шеф» дея мурожаат қилишга утди. Унга таассубан бошқалар ҳам... Дастлаб Фотиҳ Бурҳоновичнинг энсаси қотиб, гаши келганнамо юрди, кейин-кейин мослашиб кетди. Мана энди ана шу атамалар қулогига камроқ чалинса хавотирга тушадиган бўлиб қолган. — Аммо, бу ерга ашёларни фақат эшакда олиб чиқиш мумкин, — давом этди мулозим хўжайиннинг ўзгара бошлаган авзойига эътибор бермай, — мардикор, усталар ҳам хизмат ҳақини баландроқ сўрашади. Шунча юқорига тушиб-чиқиш осонмас. Нимжонроқ одамнинг бир кутарилишда силласи қурийди.

— Эшакда? — сўради ифлос жойни босиб олгандай афти бужмайиб кетган шеф. Эшак деган жонзотни унинг иқи суймасди. Номи ёқимсиз, афти-ангори ҳам келишимсиз бу ҳайвоннинг хусусан вақт-бевақт бор овозда фаросатсизларча ҳанграши ва яна

бошқа айрим шармсизликларини курса таъби жуда тирриқ булиб, юзини шартта тескари ўгириб оларди.

— Ҳа, эшшакда. Ҳам жуда арзонга тушади. — Бошлиқнинг ўтидан кириб, кулидан чиқадиган маслаҳатчига унинг феъл-атворидаги айрича жиҳатлар беш қўлдай аён эди, — унга ем берилса, бас. Иккита хонага кетадиган ашё-ю, ашқол-дашқоллар одам кучи ё бошқа йул билан ташиладиган бўлса, хонумонингиз совурилади.

— Ҳмм... От-чи, от бўлмайдими? — суради ҳамон энсаси юшмамаган Фотиҳ Бурхонович.

— Йўқ, — иягини тебратди бош шотир. У ишхонада, шефнинг хонадони ва ўгил-қизлариникидаги қурилиш-таъмирлов ишларида, бошқа шахсий, рўзгор юмушларида ҳам фаол қатнашиб юрганидан хожасига фикри, эътирозини нисбатан очиқроқ, эркинроқ билдирар, раҳбар ҳам унинг жўяли маслаҳатларига қулоқ тутарди. — От дегани текис майдонда пойга ё улоқ чопишга, олифтагарчилик учун минишга яхши, лекин у икки дунёдаям эшакнинг вазифасини бажаролмайди, бу ерга юк билан икки марта чиқса, тили итникидай осилиб қолади. Ҳачир тузукроқ эди-ю, аммо у йўқ-да бизда.

Шеф столни маром билан чертиб, бироз сукут сақлади, кейин ўмганини кўтарди.

— Ҳмм... Бўлмаса, ёшроқ, кўркамрогидан топинглар, — тайинлади у. Фотиҳ Бурхоновичнинг сохт-сумбати кишида тўпорироқдай тасаввур уйғотса-да, у ўзини нафис дид эгаси, назокатли шахс деб ҳисобларди. Ўрни келса-келмаса, «Итинг ҳам чиройли бўлсин» деган мақолни бот-бот такрорлаб туришни канда этмасди. Гарчи чирой-ҳусндан бир марта панд еб, бир умрга куйган эса-да, сут билан кирган эътиқодидан чекинолмасди. Маслаҳатчига эса унинг ҳозирги иддаоси бўлакча наша қилди.

«Қошига усма қўйдириб, термилиб утирармикин, — уйлади у, — тавба, эшакнинг кўрками буладими, иш берса ҳисоб-да». Эсига латифанамо бир ҳангома тушди. Бозорда бир харидор сигирнинг елини пастда қолиб, бошқа жойларини (албатта, бўғозқисирлигини аниқлаш мақсадида) астойдил, синчиклаб текшира бошлабди. Шунда, мол эгаси шоир одам экан, гаши келганини сездирмай, «Тақсир, буни ўзи нима хизматга кўзлаяпсиз?» деб сўрабди. Аскиянинг таг заминидаги маънони уққан даллолару оларманнинг ўзи ҳам роса мириқиб кулишган экан. Шотирнинг дилига ҳам шунга яқин бир ажаб савол келди-ю, юмор туйғуси чалароқ хўжайиннинг тутақиб, шайтонлаб қолишидан чўчиди. Аммо, аймоқи ҳазилкаши бўлганда жуда кетарди-да... У мийгини бураб, шайтонини жиловлади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давра, мулоқотда Фотиҳ Бурҳоновичнинг юз-кўзини жиддийлик, тундлик асло тарк этмасди. Ўзига қолса, у ҳам очиқ чирой билан, ёзилиб гаплашишни (ўшандайларга жуда ҳаваси келарди) хоҳларди. Лекин қош-қовоғи тепадан бир нарса босаётгандай, беихтиёр осилиб кетаверарди. Орқаворотдан унга «сўхтаси совуқ», «қовогидан қор ёгилади» каби «таъриф»ларни ёпиштиришларини ўйлаб, диққати ҳам ошарди, аммо «муаллиф-мусавирлари» унга шундай турқи-атворни раво кўришган бўлса, бояқишда не иложу не гуноҳ! (Бунда, оббахолам, болалигида раҳматли катта бувисининг «кулаверма, бойўғли тишингни санаб қўяди», деб берган «таълим»ининг ҳам ҳиссаси йўқ эмасдир.)

* * *

Фотиҳ Бурҳонович, умрида эшакка иши тушмаганидан уни алимсинмагани. Ўзининг-ку, икки дунёдаям ачима ҳайвон бозорида шалтоқ мол-қўйлардан авайланиб, якка кифт бўлиб юришини тасаввур қи-

лолмасди, инчунин ўгиллари ҳам ижирганиб, бош тортишди. Яна шотирларнинг ўзларига инсоф тилашдан ўзга чора қолмади. (Шеф улгуржиноқ пулли савдо-сотикларга ходимларнинг фақат ўзларини юбормасди.) Лекин одамзод шунча кенг ва жаннатнинг ёруғ дунёдаги нусхаси булмиш Заминга қаноат қилмай, минг даражали ҳароратда ҳам эримайдиган тош, қоришма жисмлардан иборат самовий сайёраларга учай-учай деб турган бир замонда хар зотининг озайиб, табаррук бўлиб кетганини (нимага эҳтиёж, ҳожат пасайса, ўша нарса ўз-ўзидан камайиб, йўқолиб бораверади-ку) унга зориққан кишигина биледи. Бозорга аҳён-аҳёнда битта-иккита эшак чиқар, улар ҳам қариб, шарти кетиб, парти қолган эди. Бунақа дирдовларнинг тоғ тугул, оддий йўлда ҳам дадил юришига ишонч йўқ.

— Ҳмм... ажабо, битта эштак топиш шунча қийинми, а?! — дея ҳайрон ва жигибийрон буларди раҳбар. Тоғнинг ўзи чамалаб қўйган ерига тезроқ болои равоқ солиш иштиёқи, жаҳди унинг ичини қиздирарди. — Қайси депарада кўпроқ булади ўзи у қуриб кетгур?

— Афғонистонда, Австралияда...

— Майнавозчилик қилма!

* * *

Ниҳоят «анқонинг уруги» топилди: тўрт оёқли, тумшуғи тўмтоқ, қулоқлари елпигичдай, калта дум, кўзлари мовий, бутун танаси кўкимтир... Бунақасини «кўк эшак» дейишарди. Фотиҳ Бурҳонович болалигида ўртоқлари билан қир-адирларда мол-қўй боққан даврларида тўп-тўп бўлиб, «қувди-қувди» қилиб юрадиган ҳангию мочағарларни кўз олдига келтирди. Кўк эшак уларнинг биронтасигаям ухшамасди.

— Ҳмм... Жуда қангил-ку бу, — деди шеф «ноёб топилма»нинг у ёқ-бу ёгини синчилардай назардан утказаркан.

— Булар ҳам одамлардақа — қотма, чайири меҳнаткаш, семизлари ишёқмас, тепса-тебранмас бўлади, — уқтирди шотир.

Ўзи ҳақидаги киноялардан ранжиган жонивор озгинлигидан хижолат чеккандай, бошини ҳам қилиб, рапидадай қулоқлари билан андак шилпиқлашган маъюс кўзларини тўсиб турарди.

— Ёшиям бир жойга бориб қолган-ов...

Кўк эшак «унчаликмас», дегандай, калласини журъатсизгина чайқади.

Мулозим бу гал қиттак ҳазил гап қотишдан ўзини тиёлмади.

— Бир ҳисобда шунисиям тузук, — деди у маънодор томоқ қириб, — ёш булса, кечалари мочагарини қўмсаб уйқуси қочади, ипини узиб, кетиб қолади, кейин орқасидан тўрва кутариб, кўчама-кўча, маҳаллама-маҳалла «Бизни ёрни кўрган борми?» деб истаб юришга тўгри келади.

Жониворнинг ҳамиятига ранж етиб, бошини тиклади. Орият камарини гилофидан озгина чиқарган ерида синалмаган янги хўжайиннинг жигига тегиб қўйишдан ҳадиклангандай, тўхтади, камарни жойига қайтарди.

Фотиҳ Бурҳоновичга эса, ростдан ҳам мутойиба ҳайф эди. У одатича «ҳмм...» деб тўнгиллади-да, қўлига калтак олиб, эшакнинг айри ёғочдай туртиб чиққан думгазаси остидан — ичига ботган сағрисидан итариб кўраркан, унинг туёқларини ерга маҳкам тираб, гандиракламасликка ҳаракат қилаётганини пайқаб қолди.

— Хийла иш кўрганга ўхшайди. Ишқилиб, ялқов ё қайсариданмасмикин?

Кўк эшак бошини буларга терс буриб, бир-икки ер тепинди. У афтидан эътирозини ифодаловчи жиддийроқ хатти-ҳаракатлар содир этишдан тийилиб, ўзини огирликка солар, зангори қорачиқларидаги

норозилик учқунларини ҳам курсатмаслик пайида эди.

— Шуниям аранг топдик, лекин ҳали яна анча иш беришига жавоб! Эшак билан итнинг жони савил бўлади, деб бекорга айтишмайди. Бу ҳақиқий тоғ эшаги экан. Ҳар қандай гураша ходим сизни қулингизга тушганда ипакдай майин тортиб қолгандай, буям чаққон буп кетади.

Шефнинг мижжалари, лаб бурчларига табассум инди.

— Ҳай, майли, — деди у тақдирга тан бергандай. Бошқа истаб кўринглар, дейин деса, тагин вақт йўқотишни мулоҳаза қилди, ортиқ кутишни истамасди.

* * *

Иш бошланди. Эшак «ҳайт!» деса ҳуркиб, сапчиб тушар, кўзини юмиб, тайсаллаб, ортига тисариларди.

— Ана, айтмадимми?! — бугилди шеф.

— Менимча бу жоҳилроқ одамни қулида таёқ еб, безиллаган, яхши гапириш керак.

Фотиҳ Бурҳонович гижинди.

— Ҳмм... Сизлаймизми?.. «Эшакбой ака» дейликми?

— Эшак зотини қорни яхши тўйса, бас, ишлайверади, — деди шотир нигоҳини шефдан олиб қочиб, кўк эшакнинг ёли деярли тўкилиб битган бўйнига шапатиларкан. — Ҳа, зангар, ишқилиб, бизни ўсал қилмагин-да! Шалпанг қулоқларингга қуйиб ол: «Яхши бўлсанг, ошингни ейсан, ёмон бўлсанг бошингни», деган мақол сенларга айтилган.

Бош шотир ҳақ эди. Ростдан ҳам кўк эшак аслида жуда ройиш, итоатгўй экан. «Нафақа» ёшидан утиб кетган бўлишига қарамай, шефнинг ўзига ўхшаб, ҳаракатчанлигини айтмайсизми! Тоғ пойига уюлган

арава-арава, тонна-тонна семонларни унинг елкасига ортиб ташишга киришдилар. Фотиҳ Бурҳоновичнинг омади чопган эди. Жонивор уқувли, қобил шогирддай, эсли-ҳушлигина экан. Наридан-бери эланган зина-йулакдан икки-уч марта етаклаб, ордан халачуп билан енгил ниқтаб ҳайдаб чиқишгач, кейин қийин-қистовсиз узи ҳарсиллаб, тумшуги ер пуркаб, тепага ўрлайверадиган бўлиб қолди. Пастга тушишда эса кўпинча уни шотир, ишчилардан икки-учтаси миниб олишарди.

Фотиҳ Бурҳоновичнинг юраги эса қувватланиб борарди. Дастлаб бир неча қадам кўтарилса ҳансираб, нафаси оғзига тиқилиб юрди, аммо у тоқатли, чидамли, машаққатларни мардонавор енгил қобилиятига эга эди. Секин-аста камида юз метрга — янги қурилиш кетаётган жойга илиги, юраги, жигари қалтирамай, илдамроқ чиқа бошлади.

Шундан кейин шефни эшак минишга ҳам ўргатишди...

Бир куни ишдан ҳориб, машқи пастроқ келган Фотиҳ Бурҳонович тарадудланиб, кафтини пешонасига соябон қилганича тепага тикилди. Ҳушёр, содиқ шотирлардан яна бири кўк эшакнинг чанг-чунгини қоқиб, тозароқ бир тушакни икки буклаб туқими устидан ёпди-да (эгар-жабдуги йўқ эди), «утиринг, хўжайин», деди.

— Э, қўйсанг-чи, — қўл силтади раҳбар. У фақат болалигида тенгқурлари билан эрмакка синашта эшакларни минган эди.

— Нима қипти, минволовринг, қийналмай, бирпасда чиқволасиз.

Бошқалар ҳам сидқидилдан даъват этишгач, азбаройи толиқиб турганидан, «ҳа, майли, буям бир эшак ўйин-да», деб, шотирлари ариқчасифат ерда жиловидан тутиб туришган ҳанги ёнига иккиланиброқ, сал лапанглаб юриб борди. Қўли билан тиззаси тагидан

кўтариб, ўнг болдирини эшак тепасидан қийинчилик билан ошира бошлади. Шотирлардан бири ҳар эҳтимолга қарши эшакнинг нўхтасини жағи остидан маҳкам қисиб турар, бошқалари шефнинг кифтидан суяб, думгазасидан, сонидан ҳимо беришарди. Фотиҳ Бурҳонович не замонлардан бери бирон нарса минмаган, оёғини бу қадар юқори кўтармаган эди. Хаёлида шимининг оғи чокидан сўкилиб кетадигандай туюларди. Шунингдек, у йиқилиб-нетса бирон ери лат ейишидан эмас, шотирлари, бегона мардикорларга мазах бўлишдан хавотирланарди.

Хуллас, уни кўк эшак устига бир амаллаб, полздаги қуриқчидай чунқайтириб утқиздилар. Жафокаш жониворнинг бели сал эгилди.

— Мени кўтарадими ўзи бунинг? — деди Фотиҳ Бурҳонович ёнига жиндай ўгирилиб.

— Э, қўрқманг, бу махлуқ сиздақадан иккитасини кўрдим, демайди.

Кўк эшакка гапнинг силтама оҳанги хуш келмадими, ё аксинча, керилдими, сўзловчига ер остидан кўзларини гилайлатиб, думини ликиллатиб қўйди. Бу ишоратларда «сал оширвординг-ку, ошна...» деган мазмун ҳам йўқ эмас эди.

— Олди роққа жилволинг.

— Сал энгашиб ўтиринг, — дейишди гамхўр мулозимлар нотавон харнинг димоғ-фироғига эътибор беришмай.

Ростданам, центнерлаб юк ташиётган чайир уловга бир давангирнинг тоши нима деган гап! Кўк эшак қулоқларинидинг кайтириб, қўйруғини тебратиб, юқорига томон дадил ўрмалаб кетди ва ҳаш-паш дегунча манзилга етиб чиқди. Эгарсиз уловда ўтириш бироз ноқулайлигини, бир-икки марта орқага сурилиб тушиб кетаёзганини (яхшиям шотирларининг огоҳлантиришгани) ҳисобга олмаганда, қарийб жони озор чекмади. Фақат усталар бир-бирига им қоқиб, жилмайиб қўйишди.

Энди кук эшак кундузи бинокорлик ашёлари, анжомлари ҳамда шотирлар, уста, мардикорларни пастдан юқорига, юқоридан пастга ташир, эрталаб-кечда эса хужайин билан неварани олиб тушиб, олиб чиқарди.

«Тавба, жудаям бегараз, бечиқим дастёр, тайёр лифт-а, шундай ажойиб нарсани менсимай, бурнимни жийриб юрибман-а», деб қуярди раҳбар ўзича. Мана, ҳеч ким ҳеч нарса деб гапираётганиям йуқ (уйлашса уйлашаётгандир, хўп, нима бупти?!), хонлигидан, Фотиҳ Бурҳоновичлигидан ҳам тушиб қолгани йуқ. Турган-битгани фойда экан бу баччағарни — худди тоза асалдай...

Шундан кейин шефнинг эшакка муносабати, муомаласи бутунлай ўзгариб, унга алоҳида эътибор билан қарай бошлади. Ёмғир-жалаларда (тогда тез-тез ёгингарчилик бўлиб туради-ку) очикда қолиб кетарди шумшайиб. Кичикроқ бўлса ҳам, махсус бостирма — охури билан тиклатди. Ҳар куни эрталаб шотирларга ўт-емини вақтида бериб туришни тайинлайдиган бўлди. Уни эркалатиб, Куктой деб номлади. Хожасининг бундай иззат-икромни, марҳаматидан терисига сигмаган жонивор янада сидқидилдан хизмат қилишга киришди... Афсуски, бошқалар унга бунчалик меҳр-мурувват, илтифот кўрсатиш лозим деб ҳисоблашмасди. Уни ҳамма тушликка утирган пайтдагина сув ичиб, хашакланиб олиши учун тўхтатишар, бўлак маҳал тиндиришмасди. Икки ишчи унинг елкасига бир дунё тахта-ёғоч ё шиферни ортиб, маҳкам боғлаб жўнатиб юбориб, ўзлари то у қайтиб тушгунча ажриқда танбалларча олчайиб ётишларини кўрганда Аллоҳ суйиб яратган махлуқотнинг худбин, айёр ва раҳмсизлигидан дили огрир, лекин буни асло сиртига чиқармасди. Илгари қурумсоқ, ночор эгалар қўлида очин-тўқин қолиб

юргани, бу ерда меҳнат оғир бўлса-да, ҳар ҳолда емиши тайинлигини юз-хотир қилиб, даммини ичига ютарди. Фақат жуда ҳолдан тойиб, гандираклай бошлагандагина, йиқилиб тушиб, кетига таёқ ейиш ё ҳайдалишдан қўрқиб, унга юк ортувчиларга илтижоли мултирар, буни пайқаган зийрак шотир унга дам беришни таклиф қиларди. Шунақа кезде Куктой бориб ўша меҳрибон, олийҳиммат кимсанинг жағи, қулоқларидан ялаб олгиси келарди. Зеро, у сабрли, шукрли ва яхшилиқни биладиган эшак эди.

* * *

Қурилиш битгач, Фотиҳ Бурҳонович Куктойни ўзларига доимий уловликка тайин этди. Эрталаб набира билан пастга миниб тушиб, жиловини бўйнига ташлаб қўйса, бояқиш узи индамай тепага чиқиб кетар, кечки пайт Санжарбек бир ҳуштак урса (ҳуштак чалишни шеф ҳам ҳар эҳтимолга қарши машқ қилиб турарди), зингиллаганича етиб тушарди. Жониворда қайсарликдан асар йўқ, жинсдошларига ўхшаб дайдиб ҳам юрмас, маслаҳатчи айтгандай, эҳтироси қузиб, бесаранжом бўлмас, хунук ҳаракатлар ҳам қилмасди. Умуман, ҳар замонда ерга аганаб, тупроқ чангитишини демаганда, ортиқча ноҳуя қилиги йўқ эди. Эшакни бефаросат махлуқ деганлари унчалар тўғри эмас экан. Куктойнинг фаҳм-фаросати, эзлиги шу миқёсда эдики, Фотиҳ Бурҳоновичнинг мажлиси ё меҳмондорчилиги чўзилиб, кечикишса, тоғ пойида, шу яқин-атрофда ўт чимдиб айланиб юрар ё оёқ-«қўл»ларини узатиб, хўжайин ва хўжайинчани бедор кутиб ётарди.

Куктой тунлари бамисоли яқин ҳамсоя, бинойидай далда ҳам эди, «қўрқмай, хотиржам ухлайверинглар, мен уйгоқман, ҳушёрман», дегандай, тепиниб, калта пишқириб турарди. Ҳанграши валинеъматига унча ёқмаслигини сезиб қолганидан кейин азалий,

қавмий амали-одатидан ҳам чекинган, кечаси бир-икки марта хуморбосдига астароқ қангиллаб қуяр, кундузи вазиятга қараб қанграб оларди. Хожаси минганда эса, унинг димоғини булғамаслик учун думини қаттиқ қимтиб юарди.

Фотиҳ Бурҳонович милтиқ опчиқиб, эшик ёнидаги девор бурчагига осиб қуйгач, янада хотиржам тортди. (У овчилар жамиятига, нафақат унга, балки музофотдаги бирон масалада асқатиши мумкин бўлган жамики жамият, уюшмаларга фахрий аъзо эди.) У жиддий зарурат ва эҳтиёж тугилмагани боис, деярли ишлатилмаган, қайиш тасмаси ҳам яп-янги қўштигига бот-бот фахр ва қониқиш билан назар ташлар экан, қичишадиган жойини олдиндан қашиб қўйиш тадбирини ишбилармонлик фаолиятининг асосий йўригига айлантириб олгани учун ўзидан, ақли-заковатидан мамнун бўлиб (ҳозир бунақа танқис матоҳни қаердан топарди-ю, қандай сотиб оларди?), жилмайди. Шунда (умуман, ҳар доим хурсандлигини ифода этганида) унинг хийла чузиқ, чеккалари бужмайган лаб-лунжига тансиқ табассум ёйилиб, чилопчиндай тугарак, кенг, қон ситилиб чиқаман деб турган бетлари баттар тарвайиб, янада тирсиллаб кетганга ўхшарди. Қурол унинг назарида тоғ тепасидаги ёлғиз, хилват уйга узукка кўз қўйгандек ярашиб, қандайдир кемтикни тўлдириб тургандай туюларди.

Энди раҳбар набирасининг орқа томири тортиб қолса, бир ўзи ҳам чиқиб келаверади. Қўрқадиган, хавфсирайдиган бир нарса сезилмасди. Бошида чиябўри, ёввойи чўчқа бормикин, деб ўйловди. Ҳозирча улардан дарак йўқ. Фотиҳ Бурҳонович илондан ўлгудай чўчирди, бу мудҳиш газандани телевизорда кўрса ҳам бир сесканиб тушар ва гузал аёлларни шу турқи муз махлуққа қиёслайдиган японлардан ҳам, хитойлардан ҳам жуда хафа бўлиб кетарди (унинг

«читтаги» тоифасидаги хотинлар менгзалса бошқа гап!..). Тоғ ҳар хил илонларнинг конимасмикин деб ҳадикланувди, хайриятки, шу чоққача бирон марта уларга рўпара келмади. Нозиктаъб, муътабар «меҳмон»нинг ўтакасини ёриб, балога қолмайлик, деб ўзларини тортиб юришибди, чамаси. Шундай бўлса-да, бозордан туки ўскин йўгон арқондан бир боғламини опкелтириб, ҳужра атрофига айлантириб чуваб чиққан, унинг ёнидан бир сидра кигиз тўшаб қўйган. Якшанба кунлари йигитчалардай, ихчам спорт либослари, бутса ё красовка кийиб, Санжарбек йўлдошлигида тоғ айланар, каклик, чугурчуқ, тоғ чумчуғи отиб, қозонга босишар ё сихга тортишарди.

* * *

Бир куни Фотиҳ Бурҳонович боз юқорига — тоғнинг устига чиқди, бу ердан борлиқ-далалар, боғлар, шаҳар янада гаройиб — ундан анча қуйида ястаниб ётгандай, фуқаро-бандалар чумолидай майда, шунчаки ивирсиб юришгандай кўринарди, у янада руҳлангандай бўлди. Иттифоқо, шеф юксакка кўтарилган сари ўзини аввалгидан-да соғ ва қудратлироқ, улугвор ва устуворроқ, ҳар ишга, ҳар нарсага қодирдай ҳис этаётганини англади, шу жойда умри, амаллари тагин-да безавол, барқарор буладигандай... Тубандагилар қўллари билан у томонни кўрсатиб, бир нималар дейишаётганга ўхшарди. Сирасини айтганда, олам ва одамларга тепадан энгашиб қарашнинг мароқли ва нашъали эканлиги аввалдан аён эди унга. Юрагининг бир четида замин пастлик қилиб қолаётгандай, ўз даражотидан қаноат ҳосил этмаётгандай бир ҳиссиёт осколка парчасидай аҳён-аҳёнда гимираб қўяр, илло буни сезмаганга оларди. У табиатан ўз ҳис-туйғуларига ортиқча эрк бериб юборадиганлар тоифасидан эмаслиги билан бошқалардан фарқланиб турарди. Ҳар бир иш,

тадбирнинг қулай мавриди келишига ишонар ва уни умид-бардош билан кута оларди. Аммо ўзининг бундай яшаш услубини зинҳор-базинҳор мослашувчанлиги ё бироз шиддатсизлиги ҳосиласи деб билмасди, жилла қурса, ўзгаларда шундай тасаввур уйғотишни истамасди. Касалликлар жараёни тезлаштиришга ёрдам берган эди.

Шеф худди ана шу ерда — тогнинг қоқ қиршовида қад ростлаяжак ҳужрани кўз олдига келтираркан, ширин энтикди. Магарам, тили мазкур атамага дудуқланиб, огриниб айланар, бу сўз жўн, одми бир қурилмани — бечораҳоллар кулбасини ифодаламиш гариб калимадай туюларди, фақат уни Бобурдек шоҳ, улуг шоир, мутафаккир олим ўзи Бароҳкуҳ тогида бунёд эттирган меъморий обидасига нисбатанки қўллаганини эслаб, ўзига тасалли берарди.

Энди тажриба, малаканинг етарлилиги, арзон ишчи кучининг муҳайёлиги, энг муҳими, юк ташувчи бебилиска улов — Куктойнинг борлиги унга қанот бағишламоқда, орзуларини шохлантирмоқда эди.

* * *

Табиийки, янги бино бурунгиларга қараганда қийинроқ ва узоқроқ муддатда битди, лекин шефнинг ичи янада ёришди. Энди Яшил тогда унинг бирмас, учта истиқоматгоҳи мавжуд эди, дарвоқе, уларни «хўтел» деса ҳам буларкан, чарчаб ё эриниб қолган кун пастки «қават»ларда тунаб қолаверишади. Паноҳгоҳларга «Қуйи хўтел», «Ўрта хўтел», «Юқори хўтел» дея от қўйилди. Айвонлари, устунлари, пештоқу шифтлари ёғоч уймакорлиги санъатининг нақш-гуллари билан ясантирилган ва у безаклар товланувчи зарлар ила оролантирилган мазкур иморатлар замон шеvasида «мини қасрча» дейилса ҳам бировнинг ҳаққи кетмасди. Хусусан, «Юқори хўтел» янада шинам ва кўркли чиққан эди.

Айниқса, лойиҳаси ҳавас ва ҳайратга лойиқ эди. Мужазгина пешайвон остидан кириладиган бир жуфт хона, уларнинг иккала ёнбошида энсизроқ, аммо узун соябон бўлиб, бино гуё қанотларини кериб, ўлжани ё ўзининг ҳудудини бир айланиб келишни мўлжаллаб, учишга шайланган, қоядан кутарилаётган улкан, қудратли бургутнинг тимсоли эди. Бу тарҳни Фотиҳ Бурҳонович қандайдир хорижий журналдан олганди. Ички деворлар тасвирий санъат асарлари билан жиҳозланди. Бир томонга маҳаллий рассомлардан бирининг мойбуёқда ишланган «Куз манзаралари» картинасини, иккинчи тарафга «Мона Лиза» портретини илдирди. Сирасини олганда, кўримсизгина, ҳатто тайинли қоши ё алоҳида эътиборни тортадиган жиҳати ҳам йўқ оддий бир аёл тасвирланган бу суратнинг бағоят машҳурлиги сирининг тагига етолмай боши қотарди (бошқалардан сўрагани тортинарди — бунинг сабаби равшан, албатта). Лекин, «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур» мақолига ҳам ўзича маъно берадиган Фотиҳ Бурҳонович учун муҳими билиш, моҳият эмас, балки эгалик, мавжудлик ва ўзгалар таассуроти эди.

«Юқори хўтел» анча салқин, ҳатто аёзроқ эди, кўрпа ё адёл ёпинишга тўғри келарди. Аммо дераза дарчасидан кираётган ажойиб шаббода хонани тоза ҳаво, муаттар бўйлар билан тўлдирад, улар орасида, айниқса, жийда гулининг хушбаҳра ифори уззукун техника асрининг хуш-нохуш, ёқимли-ёқимсиз ахборотлари, воқеалар, суҳбатлар тафсилотлари юки билан чўяндай оғирлашган мияга, юракка енгиллик, хушҳоллик бағишлар, янада яқин моҳи мунавварнинг шуъласи эса кишини завқу сурур уммонига гарқ айларди. Фотиҳ Бурҳонович вужуд-вужудидаги танглик, тарангликларнинг обдан ёгланган теридек тобора юмшаб, бўшашаётгани, чакка ва бўйинларидаги тиришларнинг ёзилаётганини

аниқ фаҳмлаб ётар, оёқ-қулларини ёзиб, ёш боладек мириқиб ухларди. Эрталаб ва оқшомлари, фазо тиниқ, сарин еллар эсиб турган чоғларда «хўтел» саҳнига чиқиб, атрофни томоша қилиш, шаҳарни олисдан кузатиш дилни яшнатиб, танани яйратувчи ҳаловатбахш машгулотга айланди. Шаҳарда, хусусан Фотиҳ Бурҳоновичлар ҳовлисида қуёш кўкўпар бинолар, дарахтлар панасида терак бўйи юксалгандагина, шунда ҳам чала-ярим, бир қадар рангсизланган, кичрайган тахлитда кўринади. Тогда эса, тонг ёришгандан салгина фурсат ўтибоқ хуршиди оламнинг аввал оч қизил шафағи уфққа таралиб, сўнг узининг илк кўкламда замин бетини ёриб чиқаётган бойчечакдай нозланиб, дам сайин, оҳиста-оҳиста, сезилар-сезилмас кўтарилиб жамол курсатишини энтикиб, ҳаяжон билан қарши олиш, ё унинг шом аро самонинг гарбий четида секин-аста пастлаб, каттариб, қонталаш тусда тоғлар ортига, уммонлар қаърига хомуш шўнғишини очиқ-ойдин, умрнинг бетакрор бир куни билан видолашгандай маҳзун алфозда узатиб қолиш таърифга сигмас мазкур онлар қадр-қимматини юракдан туядиганлар учун табиатнинг энг гўзал, энг хуш ва энг изтиробли манзараси, илоҳий, ибратли мўъжизаларнинг энг равшани, энг буюгидир. Қаҳрамонимиз шаҳар чироқларининг тунда узоқдан ва хусусан юқоридан юлдузлардай жозибали нур сочиши, товланишини ҳам шу ерда, дурбин ёрдамида кашф қилди. Куни билан унинг шаштини кесадиган диққинафас муҳит қиёфаси мутлақо ўзга жило касб этишини кўриб ҳайрон-ҳайрон қолди.

Хуллас, тани сиҳат, димоғ чоғ, кайфият соз эди. Ўзини дунёга қайта келгандек туярди. «Бор экан-ку, ҳақиқат!», «Бор экан-ку, ҳаёт!», дея ҳайқирарди болаларча завқ билан. Во ажабо, дардларининг давоси, мушкулунинг кушоди шундоққина тумшугининг тагида экан-ку, аҳмоқларча бир дунё пул сарфлаб,

қанча арз-дод, машаққатлар билан виза олиб, жонини баттар таҳликага қуйиб, Исроил деган мамлакатларда тентираб юрибди-я! Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари шудир-да!

Илгарилари Фотиҳ Бурҳонович тоғу тошларда қунқайган томларни кўрса, пастдан ер тегмадимикин, чироқсиз, телевизорсиз, гафлатда қандай кун кечиришаркин, деб таажжубланарди. Ҳолбуки, бундай жойда умргузаронлик қилишнинг гашти булакча экан — тиниб ўлмас бандаи бебақо, бесарнинг пешанаси тиришавермай, аксинча, тарс ёрилган юраклар дарзи битар экан. Энди шеф одамзоднинг шундай шароит, имкониятлар туриб (сайёрамизда нима кўп, тоғ кўп!), нуқул диққинафас шаҳарга — шовқин-сурон, олаговурга, чанг-тутунлар ичига ўзини уриши ҳақиқий гофиллик, гумроҳлик эканига имон келтирган эди. Айни вақтда, у мансаб-амалини кўзи қиймайдиган қанчадан-қанча муҳтарам зотлар-у, қули қисқа, но-чор ё ношудларнинг умри уникага ўхшаган касалликлар сабаб, ўз жонига ачинмаганлари ё ачиниб удда қилолмаганликлари туфайли бевақт завол топаётганини ўйлаб, ўкиниб қўярди. У ўзгаларга ачинишни инсон унвонлиқ мавжудотнинг онглилиги аломати, турдошлик туйғусининг инъикоси деган фикрда эди. Лекин, ўзининг ҳам зарурат бўлмаганда бу ерларга қадам босиш хаёлигаям келмаслигини ўйлашга гоҳ фурсати, гоҳ хоҳиши йўқ эди.

Тўғри, тоғда момақалдироқ даҳшатли қарсиллаганида осмон чок-чокидан ситилиб кетадигандай, чақмоқлар ер юзини ёндириб юборадигандай туюларди, бироқ бу ваҳимали жараённинг кечиши узоқ давом этмас, кейин дарахт япроқларию қат-қат майса-гиёҳларнинг қиёқ-баргларида нуқра томчилар жилланиб, манзара шунақанги жозибали бўлиб кетар, фалак мовий кўлдай тиниқлашиб, хуш ҳидлар таралиб, шунақанги осойишта, хушбахра палла бош-

ланардики, Фотиҳ Бурҳонович коинотнинг унга дохилу дахлсиз гам-ташвишларини, ҳатто «читтак хоним»нинг оҳанжамаларини ҳам буткул унутар, оғзини балиқдай каппа-каппа очиб, бора тозарган ҳавони ҳирс билан, ютоқиб симирар ва кунглининг қаъридан тилига беихтиёр: «Қани энди шу жойда минг йил яшасанг!..» деган нидо отилиб чиқарди.

Мухтасар гап — ҳамма ишлар олий ва аъло эди. Аммо, «ҳар тукисда бир қусур» мақоли бежиз тўқилмаган экан-да... «Эшакнинг юки енгил булса, ётоқ булади» деган гап ҳам рост эканми, ё қарилик охир-оқибат ўзини кўрсатдими, ё номус кучи, жонҳолатда ишлаш асносида ўзининг бор қувват-лаёқатини сарфлаб юборибмиди, Кўктойнинг шашти-шижоати секин-аста сусая бошлади. Бобо билан набира мингашиб чиқишаётганда, тушишаётганда жонивор ҳарсиллаб, оёқлари майишиб-чалишиб кетаётганга ухшар, баъзан бир зум-бир зум тўхтаб оларди. Ногаҳонда чўккалаб ҳам қолар, яна, сир бермаслик учун дарҳол қаддини ростлаб, ўзини тетикликка соларди. Зеро, у ҳамон хожасининг ўзи ҳақидаги дастлабки фикрлари (қарилик, ялқовлик, қайсарлик борасида) асоссиз эканлигини исботлашга тиришарди.

«Бирда бўлмаса, бирда қалтис иш кўрсатади-ёв, бу ҳароми», деди Фотиҳ Бурҳонович узига-ўзи.

Кўктой энди илгаригидай кечки пайт пастга тушиб турмас, ҳуштакка ҳам чопавермас ё уни эшитмасди. Хўжайин койиса, айб қилган боладай ерга қараб, туёқлари билан тупроқ титиб тураверар, тўғри, афв этинг ожиз қулингизни, дегандай қошу қулогини чимириб қўярди. Кундузлари у куч-қувват йиғиш мақсадида кўп-кўп ўт ер, дам олиб ётарди. Лекин бояқиш қанча чиранмасин, пуштипаноҳининг ундан ихлоси қайтиб, ҳафсаласи совиб бораётганини сезиб эзилар, ўксик, маҳзун кўзларида ёш гилтиларди.

Энди бу қирчангини тезда йуқотиш керак, деган қарорга келган эди шеф (у масалани шу сафар истисно тариқасида муҳокамага қўймади, биронтаси фикридан қайтаришга уринишидан ҳадиксиради) — бу унинг биринчи марта яккахонликда, мустақил қарор қабул қилиши эди. Фақат янгисини кўзи кўрмай туриб, эскисидан воз кечса, бутунлай уловсиз қолишарди. Юқори равоққа пиёда чиқиб-тушиш анча душвор ва хавфдан холи эмас эди. Баландлик ҳавосидан нафас олиш эса ҳаётий эҳтиёжга, улугворликнинг янги, қудратли омилига айланган эди.

Фотиҳ Бурҳонович шотирларига зудлик билан ёшроқ, бақувватроқ эшак топиб келтиришни амр этди: «Уруғи қирилиб кетмагандир!..»

Янги эшакни қўшни тумандан сотиб олиб келишди. У чиндан ҳам навқирон ва тийрак, этликкина, тиззалари дўмбоқ, қорамтир бахмал каби силлиқ юнглари, қуюқ ёли кўркам, кўзлари шаҳлосифат эди. Хуллас, эшакка анча меҳри тушиб қолган шефга гоятда маъқул келиб, беихтиёр бир қарсак урди, ҳатто, ўйинга тушиб кетаёзди. Унинг ўша пайтдаги алфозини кўрган одам арзанда қизи бола кўрмай юриб-юриб, бир йўла Ҳасан-Ҳусан туғибди шекилли, деб гумонлаши турган эди. Азбаройи суюнганидан эшакни топишда жонбозлик кўрсатган икки шотирни ойлик маошларининг олти фоизи миқдоридаги мукофот билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруққа ҳам оғринмай имзо чекиб юборди. Бу билан у яхшиликка яхшилиқ қайтариш, садоқатни муносиб баҳолаш, фидойиликни қадрлаш тарафдори эканлигини амалда исботлади.

— Энди бу азаматга бир муносиб от қўйсақ, — маслаҳат солди у шотирларига.

— «Қора гунон» деб атасак-чи, ўзига мос, — таклиф киритди маслаҳатчи.

— Қора филмон?

— Қора гунон...

— Қора гулом, дегин... Ҳмм... Дуруст, дуруст, — калласини ликиллатди шеф, — яхши...

Бош шотир яна қайта изоҳ беришдан ўзини тия қолди.

Экисини, энди у бозорга ярамайди, деб, узоқ бир яйловга ташлаб қайтишди.

— Сен озодсан, Кўктой! Турт томонинг қибла, айшингни суриб, туёгингни судраб юравер, — дейишди. Машаққатли меҳнатда эзилган, мутеликдан безиллаган жонивор шаталоқ отиб, боши оққан ёққа кетади, балки ўз қавмларини топиб, уларга қушилиб олар, деб уйладилар.

Энди ўз салафининг мансаби, огилини, охурини эгаллаган Қора гулом диконлаганича бобо-набираларни қуйига олиб тушар ва «Юқори хутел»га олиб чиқарди.

Аммо икки кундан кейин Фотиҳ Бурҳонович ярим кечада эшак ҳанграшидан уйғониб кетди, бирмас, иккитаси «ҳанг-ҳанг» қилар, бирининг овози ўткир, чийилдоқ, иккинчисиники лойга ботиб қолган тракторникидек гүриллаб, узилиб-узилиб чиқарди. Газаб билан ташқарига отилган шефнинг кўзи шом еган ойнанинг гира-шира ёруғида Қора гуломни искалаётган Кўктойга тушди. Шаштидан қайтди чоги, «ҳай, туриб тураверсин-чи...» деди. Лекин энди ортиқча бир емахўрни бекордан-бекорга боқишга огринар, икковининг жўрликдаги «оратория»сидан безор эди. Емишдан қисиш керак, шунда ўзи безиб кетади, деган хулоса чиқарди шеф. Охурни ундан ихоталашди. Аммо Кўктой беришса еб, беришмаса қаноат қилиб (хожасига ўхшаб сабрли-ку), жимгина ётарди. Яна бир неча бор уриб ҳайдадилар. Кўктой кундузлари кўринмай кетар, аммо кечаси огилда пайдо бўлиб қоларди. Буни Фотиҳ Бурҳонович икковининг «ким ўзди»га ҳанграшидан яққол сезарди.

Бу махлуқлардан биттасининг чинқиришига чидаш мумкин экан-у (шунда ҳам ноилож), илло, иккитасиникидан Яратганнинг ўзи асрасин экан. Уйқуни расво қилиб, кайфиятни бузгани бир навку-я, қулоқ пардани тешворадими, деб безилларди шеф. Куктой ўзи унча ҳангилламай қуйган эди-я, эшак эшакдан қолса, қулогини кес, деб, анови мишиқи хутик ут-емни қизғонибми, гашланибми ё гурлигиданми, айюҳаннос солса, буникиям тутади, шекилли-да. Тагин шунақа дупуратишардики, нақ отлиқ ёв бос-тириб келаётганга ўхшарди.

— Ҳмм... Э, аттанг, сен нобакорга отлар қуйиб юрибман-а, мен нодон. Барибир эш-шак экансан-да, — дерди шеф куюкиб, бўгилиб ва қулига кирган нарса билан Куктойни савалашга тушарди.

Овқатдан тортилганидан жисман ва хожасининг назаридан қолганидан руҳан сиқилган Куктой қулогидан ой кўринадиган даражада озиб кетди. Бироқ ҳали мадори, гайрати бор эди — бир неча марта ип узди (икковининг дупураши, тегишишидан зериккан шеф уни кечаси боглаб қуярди), бир гал уралашиб, йиқилиб тушган экан, бўгилиб ҳаром қотаёзганида арқонни кесиб ташлади (бадбахтнинг бўйнига пичоқ тортворай деб хезланди-ю, зилдай жасадни бир ўзи судраб пастга улоқтириб юборишга кўзи етмай, шаштидан қайтди). Энди у таъвиянинг афт-ангори ҳам хунуклашгандай, юнглари қари итникидай ҳурпайиб, тўзиб куринар, энг чатоги — қурилиш чоғлари орттирган яғири вақт ўтган сари кенгайиб, чуқурлашиб, ундан сассиқ бўй анқий бошлаганди. Бу ҳид тоғнинг хуш ислари билан сираям келишмас, таъбни хира қиларди. Фотиҳ Бурҳонович асабийлаша бошлади. Унинг шунақа ёқимсиз нарсаларга ҳеч тоби-тоқати йўқ, қизиққонлик қилиш, тутатиш эса зинҳор мумкин эмас эди. Бироқ шефни ута беҳис, бераҳм ва тошбагир деб бўлмасди. Куктойнинг мўлтайишини,

мижжаларига сизиб чиққан ёшни кўрганида шу жонивордай ювош-мўмин, итоатгўй ва ҳалимдай юмшоқ, боз устига калта бўй, бир қулоги чиноқ падари бузруквори ёдига тушиб, кўнгли бушашиб кетар ва эшакдан воз кечиш тўғрисидаги аҳдидан қайтиб қоларди. Бир куни ишхонада иттифоқо галати шивир-шивир қулогига чалиниб, этлари жунжикиб кетди. Нима эмиш, тоғдаги оромгоҳлардан энг машаққатли иккитасининг барпо этилишида энг кўп хизмат қилган, энг катта матонат ва қаҳрамонлик кўрсатган Кўктой эмиш! Уша иншоотлардан бирига унинг номини қўйиш керак эдиймиш. Ё, алҳазар, шу эшак-а? Мана шу қўтир махлуқ қаҳрамонлик кўрсатибдими? Фотиҳ Бурҳонович-чи, у ўйнабдими? Во, номаъқул бўзакнинг гўштини еганлар-ей. Шунчалигам фаросатсизлик, калтабинлик буладими! Ҳа, ташаббус кўтарган ким ўзи? Кечалари уйқудан қолиб бош қотирган, югуриб-елган, соатлаб телефон-бозлик қилиб қанча ишларни битирган ким? Лойиҳа топган, шунча маблағ сарфлаган, қурилишга ҳамиша бош-қош бўлган-чи? Ўроқда йўқ, машоқда йўқ бир бақироқ ўлимсанги, тиррақи ҳанги шундай ҳурмат-эъзозга лойиқ эмишми? Ҳе, итни боши мистовоққа чиқмай ўлсин. Ҳа, хизмат қилган бўлса ўтини еди, емини еди. Усти ёпиқ бостирмаларда ётди, таги кураб турилди... Бу ходимларга нима жин урган ўзи? Чиндан гапиришяптимикин ё майнавозчилик қилишяптимикин? Наҳотки, асосий жонкуяр ташкилотчи шахс билан оддий ҳаммол, яна ҳайвон ҳаммолнинг фарқига боришмаса?! Ишонган тоғда кийик ётмас, деб, келиб-келиб, доим оёгининг остида уралашиб юрадиган, кўзини ёгини ялаганлардан шунақа, куракка илашмайдиган фикр чиқса-я?!

«Ҳмм... тушунарли», деди шеф тишларини, уларнинг олтинлиги эсида йўқ гижирлатиб ва кўк эшакдан кўз юмиш борасидаги иккиланишларга узил-ке-

сил барҳам беришни дилига маҳкам тугди. Кимдан, нимадан, қандай алам олишни билмай юрувди, Куктойнинг сунгги хурмача қилиги дард устига чипқон бўлди. Бир куни, ем талашишганми ё аламиданми, навқирон рақибини, хожасининг янги эркатойини тепиб, жағини қийшайтириб юборибди (бояқиш неча кунгача ут чайнашга қийналди).

— Во лаънати-ей! Во муттаҳам аблаҳ-ей!.. — хуноби ошди тажанг шефнинг. — Ҳа, яхшилиқни билмаган, давлатига дам берган хунаса! Ҳайвон!.. Эшшак!..

Фотиҳ Бурҳонович, шунингдек, виқор, салобат касб этиш мақсадида (ҳар қанча жаҳли чиққан чоғда ҳам!) секин одим ташларди, бир қарашда оёғига ем тушганми, деб ўйлаш ҳам мумкин эди, ҳозирги лўкиллаши эса чўғни босиб олган дакан хўрознинг беўхшов питирлашини эслатарди.

У Куктойни қиршовга олиб бориб, бир тепиб ағанатиб юборишга чоғланди-ю, яна, ўлмай қолса (бу зорманданинг жони қаттиқ-ку!) ишқал булишини ўйлаб иккиланди ва бирдан калласи хитой движогидай ишлаб, тунд чёҳраси ёришиб кетди. Сарғиш мўйлови, калта кузалган қумушранг соқолига сачраган оқ кўпик аралаш тупурғиларни артишни ҳам унутиб, ичкаридан қўштиғни кутариб Санжарбек билан чиқди, қуролни унга тутқазиб, ўзи анча машаққат билан энкайганича пишиллаб-гудраниб Куктойни қозиқдан еча бошлади. Шефнинг хатти-ҳаракати, сўкиниши обрў-мартабасига, гавдаси ва ёшига ноҳос бўлса-да, вазиятга мос эди. Арқонни зарда билан силтаб-силтаб, шўринг қурғурни шоҳсупа чеккасига етаклаб борди. Қўлай йиқилишини чоғлаб, ёнбоши билан турғазди-да, бобосининг хатти-ҳаракатидан ҳайрон, ранги ўчиб турган набирани чорлади.

— Бу ёққа ке, манави бадбахтни ушлаб тур!

Санжарбек иккиланиб, секин қадам ташлади.

— Нима қилмоқчисиз, опоқи, отиб ташлайсизми?

— Ҳа, тез-тез юр.

— Ҳайдаворақолайлик, опоқи...

— Куряпсану, ҳайдасак қайтиб келяпти. Қариди, барибир, бир куни қийналиб ўлади, кейин бизниям қийнайди. Ҳозир бир уқ билан осонгина жон беради-қўяди, биз ҳам бу бедаводан қутуламиз. Ана, янгиси гижинглаб турибди. Қимирлама, хоңасаллот, жилсанг узингдан кур... Ҳаром ўласан, — милтиқни боладан юлқиб олган Фотиҳ Бурҳонович нишонидан кўз узмай орқасига тисарила бошлади. Куктой феъли айниган соҳибининг нима қилмоқчилигини англамай, бошини буриб, унга мултираб тикилди. Шефга эшакнинг айнан шу ҳолати зарур эди (ичида ундан жуда мамнун бўлди), қурол милини сийрак юнглари кечки шафақда ярқираётган дўнг, товоқдай пешонанинг қоқ уртасига тўғрилади.

— Маҳкам тутиб тур, силжиб кетмасин, ўзинг орқароққа жилвол, — деб тайинлади шеф набирасига. Шу пайт бирдан қалбида шафқатсимон бир туйғу гимирчилаб қолди, у иккинчи кўзини ҳам юмиб тепкини босди. Тоғ силкингандай, ўзи ҳам орқасига силтаниб кетгандай бўлди. Санжарбек чинқириб юборди, нимадир гупиллади, нимадир дупиради. «Бола қўрқиб кетди», деб ўйлади Фотиҳ Бурҳонович ва кўзларини аста очди. Куктой сал нарида оёқларини силтаб-силтаб кетиб борар, ерда эса... елкаси қипқизил қонга бўялган бола типирчилаб ётарди. Шефнинг ёши ўтиб хира тортган, боз устига юмиб олган кўзлари унга панд берган эди. У шоша-пиша огилга қаради. Аргамчини узиб қочган Қора гулом анча нарида ит қувгандай, шаталоқ отганича тоғнинг орқа тарафига чошиб борарди.

Санжарбекни кўтариб, айвондаги кигизга ётқизди. Устунга илинган сочиқни йўлак четида турган

кумушранг бидондаги сувга пишиб, неварасининг кифтига босиб қўйди-да, уйдан дори қути олиб чиқди. Бесўнақай бармоқлари қалтираб, боланинг жароҳатини дока билан боғлашга киришди. Юзлари бугриқиб кетган, чаккаларидан, қаншари дўнг бурнидан тер қўйилар, нуқул пишиллаб-ҳарсилларди. Ярани уқувсизларча боғлагач, биқинидаги телефонга ёпишди. Ҳайдовчига, бош шотирга қўнғироқ қилди.

Боланинг инқиллаши ҳартугул пасая бошлади. Фотиҳ Бурхонович кети билан кигизга ўтираркан, нимадир «тирс» этди — шим чокидан кетган эди.

— Ҳа, лаънати-я!.. — сўкинди у ва огилхона томонга юзланиб яна гижинди. — Ҳа, номард!.. Аёлларниям ёши, келишгани вафосиз бўлади ўзи!..

Шефнинг ёдига тўсатдан эртага бу ерда эҳсон баҳонасида «уй кўрди» бўлажаги, шаҳардаги казозолардан териб (улар орасида катта идораларнинг чўнглари ҳам бор), қатъий рўйхат асосида элликта одам айтгани тушди-ю, эси огиб, кузи олайди. Мияси лўқиллаб, чаноқни тешиб чиққудай нуқий бошлади. Таклиф этилганларнинг ҳар бирига «аломат бир «лифт»им бор, ўшанда чиқасизлар (ахир кўпчилиги икки юз метр тугул, йигирма қадам ҳам кўтарилолмайдиганлар-да!), уни зангори духоба ёпинчиқлари билан ясантириб қўяман», дея таъкидлаб, мақтанувди. Ўзи ҳам умрида бир мириқиб кулмоқни, кейин «ҳаммангизни ҳангимга миндирганман», деб аския қилиб юрмоқни дилига туккан эди. Шунингдек, йигинда ўзи каби ёши ўтиб, ора кунда поликлиникага чопиб, уйига «Тез ёрдам» чақирадиган, табиб, экстрасенс излаб, дуч келганга зорланиб юрадиган дарддошларига тажрибалари, ўзининг айни вақтдаги қирчиллама йигитлардай ҳолати ҳақида сўзлаб беришни, уларга ҳам шундай йўл тутишни тавсия этиб, қаторига чорламоқни ният қилувди, бу борада қандай маслаҳат ё кўмак зарур

бўлса, гарданига олажагини билдирмоқчи эди, айримларга гапнинг учини чуваб ҳам қуювди.

У ҳамиша сўзининг устидан чиқиб келган, лафзсизликни ўз мавқеига гўр қазिश билан баробар деб биларди. Энди нима бўлади? Эртагача қаёқдан топишади уругига ўт тушган бу байталмонни? Мартабали меҳмонларни шунча баландга қандай олиб чиқишади? Энди унинг ўзи роса таъна-дашномга қоладиган бўлди-да. Таъна-дашном ҳам гапми, шармандаси чиқади, шармандаси!..

— Ҳа, ноинсоф, кўрнамак шайтон, шундай улуг режани белига тепиб ўтирибди-я!.. Қарга-қузгунларга ем бул...

Фотиҳ Бурҳоновичнинг бирдан тили тутилди, ун қўли билан оёғи увишаётгандай туюлди. Кўзлари бўзрайиб, оғзини хиёл очганича шаҳар ёққа қия тикилиб қолди.

Аксига олиб, бугун тоғда ҳам кун исиб кетган, қилт этган шабада йуқ эди.

2009 й.

МУҲАББАТ БАДАЛИ

Надимнинг ёши ўтиб қолган бўлса-да (Ҳиндистонда қирқ ҳам улуг ёш ҳисобланади), бошқа касбхунари йуқлиги учун ҳамон рикша¹ ҳайдарди. У икки бора рўзгор тутган, аммо фарзанд кўрмаган, аёллар эса турли баҳона-сабаблар билан уни ташлаб кетишганди. Эндиликда Лакновдаги отамерос кичкинагина ҳужрада танҳо кун кечирар, эрталабдан қаро шомгача арава тортиб, итдай чарчар, бирон арзон ошхонада наридан-бери тамаддиланарди-да, уйга мадори қолмаган оёқларини судраб бориб, остонадан

¹ Соябонли ёки соябонсиз арава, извош.

ўтарди-ю, ўзини қачонлардан бери йиғилмаган ўринга отар ва шу заҳоти донг қотиб, ўша бўйича эрталаб, қуёш тиг уриб чиқиб келаётган паллада аранг кўзини очарди.

У авваллари турли жойларда киракашлик қилиб юрган, ўзи яшайдиган мавзеда Миллий банк қурилиб, олди гавжумлашгач, ҳам уйига яқинлиги учун шу ерни асосий пакка — бекат қилиб олганди.

Бир куни аравани четроққа қўйиб, кекса имли танасига суянганча мудраб ўтирганди, аёл кишининг рикшачилар билан савдолашаётгани қулогига чалиниб, ўрnidан турди-да, даврага яқинлашди. Турли ёшдаги бир неча киракаш ўртасида дам униси, дам бунисига юзланиб, икки-уч рупия¹ талашаётган лиму ранг сарийли, қора, ялтираган сочларини орқага силлиқ тараган, юзлари чиройли, мижжаларига кажал² сурган хоним Надимнинг кўзига иссиқ кўринди, астойдил тикилиб, уни таниди-ю, аъзойи бадани жи-мирлаб, ўзини орқага тортмоқчи бўлиб турувди, жувон унга нигоҳ ташлаб қолди. Рикшачининг юзлари гулмаҳордай³ қизариб кетганди, лекин аёлда заррача ўзгариш юз бермаётгани ва парво қилмаётганини кўриб, вужудидаги таранглик бушашди. «Хайрият, танимади!..» Танимадигина эмас, аксинча, унинг ўскин, бароқ соқолига, сурранг узун кўйлагига қараб афтини сал буриштиргандек бўлди. Надим, танбеҳ бериб, огоҳлантириб турадиган ёстиқдоши ё бошқа яқини йўқлиги, инчунин, ўзининг ҳафсаласизлиги, тоқатсизлиги туфайли соқолини бор бўйича ўстириб юборганди. Сочининг олди қисми кўришга, мўйлови ейишга халал бера бошлагач, қайчида ўзи наридан-бери кузаб оларди.

¹ Ҳиндистон пул бирлиги, уша пайтда ҳозиргидай қимматга эга булмаган 1 АҚШ доллари 3,7 рупийга тенг эди.

² Сурма билан аралаштирилган модда.

³ Қип-қизил гулли усимлик.

Энди унда хонимга нисбатан ошкора қизиқиш туғилди, бармоқлари учини жуфтлаб, пронам бажо этди, яъни ҳурмат изҳор қилди ва: «Бибисоҳиб¹, айтган жойингизга, ўша нархга мен олиб бориб қўяман», деди кўзи унинг нигоҳи билан тўқнашиб қолмаслиги учун бўйинини эгиб. Хоним рикша зинасига мени кўтарармикин, дея ҳадиксирагандай оёқ қўйди. (Биз тарафда бўлса, албатта бирон киши жўмардлиги, аёлпарварлигини намоиш этиш иштиёқида илдам бориб қўлтигидан ё тирсагидан йўлаб юбориши мумкин эди, илло ҳинд одатлари ва одобига кўра эркак кишининг бегона хотин зотининг қўлтиги у ёқда турсин, қўли учига ҳам бармоқ теккизиши раво эмас. Шунинг учун Надимнинг ҳам ичи қизиса-да, бу фавқулодда қадрли ва «нозик» миждозининг жойлашиб олишини сукут сақлаганча кутишдан ўзга чораси йўқ эди.) Айни дамда, Надим жувондаги зоҳирий ўзгаришларни кузатарди. Ёшлигида овози янгроқ, кўзлари чақноқ, жиккакроқ қиз эди. Энди унинг қарашлари жиддий ва бирмунча кибрли кўринар, гавдаси булагина, салобатли эди.

У рикшани юраги ҳаприқиб, турли ҳиссиётлар гирдобида енгил энтикканча тортиб бораркан, аёлга қарагиси, қачонлардир унинг дилига кўп алам-изтироблар солган ўша ҳусни малоҳати, ўша жозибаси малоҳати нафақат сақланиб қолган, балки бир неча чандон ортган рухсорига тўйиб боққиси келар, лекин аввало бу истакни рўёбга чиқариш даражасида орқага қайрилишнинг имкони йўқ, ҳам ноқулай, қолаверса, бибисоҳибнинг койиб қолишидан чўчирди. Ҳа-да, у катта идораларда юрадиган баланд мартабали инсон, бу, ҳатто ёш болалар ҳам кўзга илмайдиган энг паст аъмол эгаси — ҳаммол бўлса... Агар таниб қолса-чи? Унда балки бошқача, бир вақтлардагидек самимий

¹ Хоним.

сўзлар, ундан ҳол-аҳвол сўрар... Йуқ, бунга йўл қўйиш асло-асло мумкин эмас. Ахир унинг олдида нима деган одам бўлади? Унга танилиб, шармандаси чиққандан кўра, ўзини илоҳий Бҳагирадҳи¹ ё нахрул муҳаббат — ишқ дарёси Жамуна қаърига отгани, Яма² тангриси уни ўз комига тортгани яхши эмасми? Нотавон кўнгилга қўтир жомашов деб, сен шу ҳолинг билан мендек бир асилзода хонимга ошиқ бўлувдингми, демайдимми? Бундай кўргуликдан Кришнанинг³ ўзи асрасин...

Манзил унча узоқ эмас, шаҳарнинг ғарб томонидаги янги мавзенинг бошланишида — тахминан ўн беш дақиқалик йўл эди. Надимнинг тили, кўзлари қанчалар тугён урмасин, сокин ақл, иззат-нафс ва ҳадик қаршисида ожиз эдилар. У «Рикшачи, тўхта!» деган буйруқни эшитмагунича, бир огиз чурқ этмади. Хаёлида юз марталар ортга ўгирилган боши ҳақиқатда бунга бирон марта ҳам журъат қилмади. Ақалли кўз қирини ташлашга ҳам ўзини ҳақли деб билмаган киракаш фақирона ва ҳақирона бир алфозда лўкиллаганча ҳам яқин, ҳам олис масофани босиб ўтди. Бир жойда — кўчанинг хийла сезиларли қия ерида анча чиранишга тўғри келди, упкаси оғзига тиқилиб қолай деди, бироқ у ўзининг машаққат чекаётганини сездирмаслик, ҳансиругининг ташқарига чиқиб кетмаслиги учун ҳазилакам тиришмади. Яхшиямки, извошда утирган киши улов ҳайдовчининг кўзларидаги зўриқишни, юзидаги қизаришни, чакка томирларининг бўртиб кетганини кўрмайди.

Тўхташга амр бўлганида нечоғлик суюнганини Камадева-ю⁴, унинг ўзигина биледи — шундагина у тин олиши ва аравадан тушаётган мижозига бир

¹ Ганг дарёсининг яна бир номи.

² Ажал худоси.

³ Бало-қазолардан сақлаш тангриси.

⁴ Севги маъбуди.

эмас, бир неча бор, фақат, андишасизларча безрайиб эмас, киши билмас тарзда, беозор қараб олиши мумкин эди.

— Ма, ҳақингни, рикшачи!

Надим ўзига келди ва хонимнинг унга чўзилган оппоқ, биққигина қули кафтидан енгил титраётган бармоқларига тангалар жиринглаб тукиларкан, қарийб пичирлаб раҳмат айтди. Хоним унинг миннатдорчилигига аҳамият ҳам бермай, огир гавдасига номуносиб енгил қадамлар билан юриб бориб, ҳовли эшиги ўрнидаги бамбук говни нафис бир ҳаракат ила очиб кириб кетди. Бошмогининг ёқимли тақиллаши Надимнинг қулогида, сарийси этакларининг енгил, чиройли ҳилпиллаши нигоҳида қолди.

Надимнинг манглайи, томоги ости, билаклари тердан, балки тердангина эмас... ялтирар, оёқлари бир қадам ҳам босгиси келмасди. Агар бошқа жой бўлганида йўл четига чиқиб бирпас нафас ростларди, лекин бу ердан тезроқ кетиш керак.

У бир амаллаб кулбаи вайронасига етди-да, ҳаяжондан, саросимадан, хавотирдан бўшашиб шалпайган жуссасини таппа ташлади ва кўзларини юмди. Миясидаги хотира қатларини титкилади. Хаёли йигирма йиллар орқага — ўтмишга парвоз қилди...

Улар бир коллежда ўқишганди. Сабоҳ чиройли қиз эди. Уни орзулаганлар кўп эди. Ҳа, Сабоҳ бой хонадоннинг қизи бўлгани сабабли уни орзу қилишарди, холос, унга йигитчасига гап отиш, «қармоқ ташлаш»га, муҳаббат изҳор этиш тугул, ўз майли ва муносабатини англашиб қўйишга ҳам ҳеч бирининг ҳадди сиғмас, юраги дов бермасди. Қимматбаҳо сирға-билагузуклари, тоза матоли сарийларининг ўзиёқ уни ўзгалардан — қизлардан, йигитлардан ажратиб, бир неча поғона кўтариб турарди. Ўша пайтларда ҳам у коллежга файтонда келиб-кетарди. Шайдоларнинг бир имтиёзи бор эди — ўртадаги «бетараф

ҳудуд»га дахл қилмаган ҳолда, узоқроқдан, вазиятга кура, бирров қараб олмоқ, тикилмоқ, термулмоқ ва ғойибона суҳбатлашмоқ... Ахир одамнинг ўзидан кўра минг бора эркин хаёлини чеклаб, тақиқлаб бўлмайди-ку. Ана шу хаёл, тасаввур қанчадан-қанча бедаво ишқ аҳлига қанот бағишлаб, таскин беради. Надим маликаи бемислга бошқалардан — ошиқу беқарорларнинг ҳаммасидан ҳам мен кўп ва қаттиқ мубталоман, деб ўйларди. Балки, ўзгалар ҳам шундай фикрда бўлишгандир. Ахир севги деган балои азимнинг ҳам миқдори ва даражасини ўлчайдиган асбобускуна йуқ-ку. Ҳа, нима бўлгандаям Надим Сабоҳни жимгина суярди. Эҳтимол, қиз ҳам йигитчанинг мўлтираб қарашлари, ортидан кузатиб қолишлари сабабини фаҳмлар, бечоранинг дарди хийла кучлилигини ҳис этарди, балки шунинг учун ҳам у баъзи-баъзида ҳуқуқсиз, журъатсиз ва омадсиз хушторларни мийиғидаги табассум билан тақдирлаган чоғда бу мурувватдан, бу олиймақом ҳимматдан Надимга ҳам бир улуш тегарди. Улар гоҳо-гоҳо, юзма-юз келиб қолишганда ўзаро саломлашишарди ҳам. Бундай маҳалларда Надим каловланиб, боши айланар, назарида оёқлари, гавдаси ердан анча баландлаб кетгандай туюларди. Лекин бироздан сўнг товони яна ерга дўқ этиб тегар, зеро, бу муомалаларни оддий одамгарчиликка йўяр, ахир у барчага шундай муносабатда-ку, дея (балки аслида ҳам шундайдир) ўзини совутар ва овутарди.

Надим ҳам, агёрлар ҳам Сабоҳ ишқида яна шунинг учун ҳам хуфиёна куйиб-ёнишардики, шўх ва шаддод бу қизнинг дангаллик одати ҳам бор эди — ҳаммага, ҳатто муаллимларга ҳам дадил, шартта гапирарди. Унинг бирон талаба билан яқинлиги тўгрисида эса, ҳатто миш-миш ҳам чиқмаганди. Бирдан қиз коллежга келмай қўйди, бир неча кундан кейин эса уларнинг оиласи қаёққадир кўчиб кетгани

ҳақида гап тарқалди. Шу-шу Надим Сабоҳни қайта кўрмаганди. Узоқ вақтгача қаттиқ укиниб, соғиниб, тез-тез эслаб юрди. Уни кўз олдига келтирса, юраги эзилиб кетгандай бўларди. Лекин, сўнги марта қачон уни хотирлагани аниқ эмас эди. Ҳолбуки, Надим муҳаббатининг биринчиси ҳам, охиргиси ҳам шу эди. У ўзининг ижтимоий ҳолати, иқтисодий аҳволини дурустроқ чамалай билмайдиган бир даврда, ҳамма нарсадан мен кучлиман, зўрман дейдиган, ҳар қандай гов-тўсиқни, чеклаш, тақиқларни, мумкин-мумкин эмас, жоиз-ножоиз, бой-камбагал, юқори-қуйи мазҳабу, табақа деган қиёсу тафовутларни тан олмайдиган, борки соҳада устуворликка, голибликка даъвогар магрур ва қайсар ёшлик ҳамда унга куч-қувват, шиддат ва жасорат ато этадиган хаёлпарастлик — романтикликнинг қудрати ва таъсирида қизга кўнгил қўйган эди. Надим шундай деб ўзига таскин берарди. Лекин, қалби ул малоикани бутунлай чиқариб юбормаган эди. Бир кўришдаёқ жигиллади. Аммо Сабоҳ хоним ўзининг бир вақтлардаги муштоқу зорини танимади. Ростдан танимадимикин ё ўзини танимаганга солдими? Йўқ, танимаганга солса англашиларди, у умуман диққат-эътибор қаратгани йўқ. Наҳотки шу даражада ўзгариб, хунуклашиб кетган бўлса?..

У урнидан туриб девор-токчадаги ашқол-дашқоллар орасидан шапалоқдай синиқ кўзгуни топди. Ойна юзасини қалин чанг қоплаган эди. Надим уни қачонлардан бери ишлатмаганди. Кўйлаги пешининг орқаси билан артди-да, ўзининг аксига астойдил тикилди. Битта-иккита оқ оралаган сочи қоши билан, қалин, ўскин мурти қоп-қора соқоли билан қўшилиб кетган, қаншарининг ёнларида бир оз тукдан холи жой, ичига ботган бир жуфт қароғ ва танҳо бурунгина кўзга ташланарди.

Қош қорайиб қолган эди. Субҳидамда ўзини тартибга солишни дилига тугди. Иккинчи токчадаги қо-

рачироқни ёқди-да, яна чўзилди. Чуқур энтикди, бошини сарак-сарак қилди. Ахир у ҳам коллежни бир амаллаб бўлса-да, ҳар ҳолда битирган эди. Лекин иши ҳеч юришмади. Узини у ёққа урди, бу ёққа урди, ҳар хил маҳкамаларда югур-етим вазифаларни бажариб юрди, шундан нарига ўтолмади, косаси ҳам оқармади. Бунинг устига оилавий турмушда ҳам омади чопмади. Ака-укадан ҳам ёлчимаганди. Тақдири азал манглайига шуларни битган экан, на чора? Аммо бугунги тасодиф ёруғ дунё неъматларидан, умид-ҳаваслардан совиб, могорлаган қалбини озгина олов, ёғду билан илитиш, поклаш ниятидаги Лакшмининг¹ инояти эмасмикин?..

Шуларни ўйлаб ётар экан, чироқ шуъласида шифтда нимадир йилтиллаб кўринди, астойдил тикилди ва у нарсанинг эски, йўгон миҳлигини пайқади. Ажаб, шу пайтгача кўзи тушмаган экан. Уни ким, нимага қоқувдийкин?

Қорачироқнинг пилиги липиллаганда миҳ гоҳ кичрайиб, гоҳ узунлашгандай булар, бу ҳолат негадир Надимга эриш туюларди. У чироқни пуфлади.

Эрталаб барвақт уйғонди, синиқ кўзгу билан қайчини қўлига олган ерида тараддудланиб қолди. Сабоҳ хоним бугун ҳам келармикин ўзи? Балки кеча банкка шунчаки бир иш юзасидан ташриф буюрган-дир. Йўқ, соқол-муйловини қиртишлаб қўйса, аёл уни таниб қолиши мумкин...

Соч-соқолига салгина қайчи урди. Аммо арава-сининг ичини супуриб-тозалади, ўриндиқни, ён тўсиқларни, ғилдиракнинг гупчаги, кегайларини, ялтиллаб кетган шотиларни нам латта билан артиб чиқди. Лекин шотилар орасига кирганда рикшачилик амалининг нақадар тубанлиги, ўзининг икки-та узун ёғоч ўртасида от — ҳайвон ўрнида туриши қанчалик аянчли эканлигини дастлаб иш бошлаган

¹ Бахт ва давлат, гўзаллик маъбуди.

кунидагидан ҳам чуқурроқ туйди ва шилимшиқ бир нарсани ушлаб олгандай, башараси буришди, эти увишди. Бу «касб»ни йигиштириш керак, деган уй кечди дилидан.

У шу куни мижоз истамади, ҳатто қул кутарганларга ҳам қарамай, тўғри Миллий банк биносига қараб борарди. Ҳали эрта бўлгани учун рикша ҳам, банк ва узга муассасаларга кириб-чиқувчилар ҳам кам эди. Аравани четга тортиб қўйди-да, ўзи пананга — азим имли остига ўтиб, келаётганларни кузатиб утирди. У нимагадир Сабоҳ хоним шу банкда ё қўргон ичидаги бошқа бир маҳкамада ишласа керак, деган фарозда эди. Шу сафар фаҳми унга панд бермаслигини тилаб, маъбудларга¹ илтижо қилди. Келувчилар кўпайган пайтда — соат саккизлар арафасида узоқдан устида бир аёл киши утирган извош кўринди. Надим беихтиёр туриб кетди, юраги худди коллеждалик пайтларидагидай дукиллаб ура бошлади.

Улов яқин келиб тўхтади ва ундан Надимнинг кўзларини ярақлатган кимса — бугун зангори сарий кийган, билаги, елкаси билан тирсагининг ўртаси оқ ва бўлиқ Сабоҳ хоним аста тушди-да, киракашни рози қилиб, ҳеч кимга қиё боқмай, ён-атрофга умуман назар солмай, оқ туфлиси пошналари билан асфальтни енгил туқиллатганча қўргон томон йўналди. Демак, у ҳам аксарият соҳибжамол қиз-жувонлар сингари извошда кўз-кўзланиб, солланиб юришни яхши кўради, шекилли. Демак, қайтишда ҳам албатта «файтон»га утиради, агар шу жойга ишга келган бўлса, ҳар куни қатнайди.

Надимга кунни қандай кечкиртириш гами тушди. Унинг кўнглига тамадди ҳам, кира қилиш ҳам сизмасди, назарида у бир ёққа жилгудай бўлса,

¹ Ҳиндларда Худо кўп деган ақида ҳамон мавжуд.

кутаётган азиз мижози ўша маҳалда чиқиб, кетиб қоладигандай. Бугун ҳам хонимнинг айнан унинг рикшасини танлашидан умидвор эди.

У юрди, турди, бирпас-бирпас айланди, дарахтга суяниб, пон¹ шимиб ўтирди, ўйлади, қувонди, гашланди. Ниҳоят, қуёш оғиб, унинг гардиши кенгайиб, нафармон ранги ёқути райҳонга дўна бошлагач, қалбига бир оз ёруғлик, илиқлик инди ва илинж ниш урди. Айни кечаги, хизматчилар ишдан қайтадиган паллада аравасини узоқдан кўринадиган ерга жилдириб, ўзи унинг ёнида ҳовли тарафдан кўз узмай турди. Одамлар бирин-кетин, жуфт-жуфт булиб чиқишарди-да, қай бирлари пиёда, қай бирлари чеккаларга қўйилган енгил машина ё мотоциклларини миниб жўнашарди.

Бекатда Надимникидан ташқари яна иккита извош бор эди, холос. Чунки одатда яқинроққа борадиганлар, кексалар ё камхаржроқ саноқли кимсаларгина рикша ёллашарди.

Лакшмининг чиндан ҳам бу ғарибу бенавога шафқат назари билан боқаётгани аниқ эди. Бир пайт Сабоҳ хоним якка ўзи бир-бир босиб чиқиб келди-да, нигоҳи Надимнинг араваси ва унинг ўзида тўхтади. Эҳтимол бибисоҳибга ҳам афт-ангори кўримсизроқ рикшачининг ройишлиги, камсуханлиги ва бир маромда юриши маъқул тушиб қолгандир. Тугри, унинг «қўнқа»си янги эмас, ортиқча жиҳозлардан ҳам холи — атрофига аллақандай қийқим матолардан шокилалар осилмаган ва орқасига хумор кўзли жононларнинг эркак йуловчилар кўнглини бесаранжом қиладиган катта, рангли суратлари ёпиштирилмаган, содда, аммо бикр эди. Ўқи доим мойланиб турилгани боис, тегарчиклари гийчиллаб мижознинг жигига, асабига тегмасди.

¹ Зирavorлар қўшиб чайналадиган усимлик япроғи.

Хуллас, озги қулогига етган Надим ҳаяжонланиб, беихтиёр қадамини шигаётган эди, танбеҳ эшитди.

— Мен шошаётганим йўқ, эй!.. Бугун сенга нима бўлди? — деди хоним. Унинг овози ҳамон уқтам, ҳамон амрона эди.

— Афу этинг, маликам, — узр сўради Надим секинлаб, бошқа сўз демади. Ортиқ калом айтмоққа ожиз ва ночор эди, зеро, хонимга бундан зиёд жавоб ва изоҳнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Илло, кутилмаган, истеъмолда кам «маликам» ибораси хушёқдими, жилмайиб қўйди, таассуфки, бу сийлов эгасига етиб бормади — шотилар орасидаги одам-ҳачирга орқага ўгирилиш ноқулай ва ножоиз, қолаверса, Надимнинг ичи-борини «уни ранжитиб қўйдим», деган хавотир кемириб азоб бермоқда эди. Оёқлари энди тикан киргандай авайланиб босарди.

Надимнинг калласи янада эгилиб кетганини кўрган Сабоҳ хоним «бечора, хафа бўлди чоги», деб ўйладими, бошқа сабаблими, ҳар ҳолда, «Рикшани яхши ҳайдар экансан», деди. Энди майинлашган бу товушда раҳмдиллик, илтифот, аёлларга хос меҳрибонлик ва навозиш зоҳир эди. Надим бошини кўтарди ва унинг дилида умид учқунларими, нимадир йилтиллаб, багрини нурга тўлдиргандай ва бу нур унинг шуурини ҳам ёритгандай бўлди, ёришган шууридан беихтиёр «ўзимни танитсам у нима деркин, менга қандай муомала қиларкин, юзи-кўзида қандай ўзгариш юз бераркин?..» деган фикрлар ўта бошлади ва дарҳол ниятидан қайтди, дарҳақиқат, буниси энди қуюшқондан чиқиш эди. Бир замонлар оёқлари изини кўзларига тўтиёдек суртишга тайёр, ортидан соядек эргашишни бахт деб ҳисоблаган ва табассумли назари билан яна бир бора сийлашидан умидвор бўлиб юрган, қачонлардан бери жамолини лоақал тушда бир кўрмакка зор зоти мукаррама, гулрў санам унинг, ҳа, айнан унинг рикшасида ўтир-

са ва бу фақир у нотавонга шундай соҳиби малоҳатга жиловдорлик толеи насиб этиб турса... Шунинг ўзи олий саодат эмасми? Лакшми уни бундан ортиқ яна қандай марҳамат билан эъзозлаши керак?.. Надимнинг тасаввурида боя анча оғир гилдираётган арава-си бирдан енгиллашгандай, ҳозир билаклари ва илигида Лакновнинг энг узоқ бурчакларини, ҳатто бутун Ҳиндистонни ҳам бемалол айланиб чиқишга етарли куч мужассамдай туюлди, лекин ҳадемай манзилга етиб қолишларини уйлаб, қадамини яна озроқ секинлатди. Хаёлида эса «қани энди Сабоҳ хоним яна нимадир деб гапирса...», деган истак, умид айланар ва уни сармаст айларди. Яна кўнглининг бир чеккасида «ибисоҳибдан уйини сўраб, эрталаб ишга олиб бориб қўяйми, десаммикин?», деган андиша ҳам гимирлади. Лекин бу мулоҳазанинг ҳам палагда эканлигини Надим яхши англади, кўнгил, хаёл деган поёни йўқ карвонсаройларга нималар кириб-чиқмайди — одам боласи нималарни орзу қилмайди? Шунга қарамай, барибир Надимнинг кайфияти чоғ эди. Ёқимсиз, лоҳас этувчи иссиқдан нафаси бўғилиб турган одамга туйқус келган салқин шабада қанчалик ҳузур бериб, танасини яйратса, хонимнинг беҳос айтган икки оғиз калимаси ҳам Надимга шундай фароғат бағишлади, унинг манглайидаги тиришларни ёзиб юборди, кўз олдини хиралаштириб, дилини хижил қилиб турган қорамтир парда тўзиётган оппоқ парга айланди ва у парлар извошнинг йўлига ёрқин шуълалар бўлиб сочилди.

Шу оқшом пахтаси ёпишиб кетган ялангқават кўрпача Надимни гўё партушакдай аллаларди. Фақат бир фикр уни алламаҳалгача ухлатмади. Ниҳоят, шундай қарорга келди: соч-соқолини яхшилаб кузайди, қани у танирмикин, агар шунда ҳам танимаса... Йўқ, Сабоҳ хоним уни шубҳасиз таниб қолади, орада яқинлик юзага келади ва унга қулфи дилини

очишга имкон тугилади. Ахир изҳор этилмаган розини — бу огир аммо оромбахш юкни шунча йилдан бери пинҳона кўтариб келмоқда, майли, уни нариги дунёга ҳам элтишга тайёр ва қодир, лекин агар уни сездириб, билдириб қўйса, омонатни эгасига етказган холис кимсадай руҳида бир енгиллик, ҳаловат туярмидийкин...

Бунинг учун Надим сўзни «ушанда қаерга, нимага кучиб кетувдинглар?» деган савол билан бошлайди. Ўз-ўзидан олтин дамлардан гап очилади, коллежда ўқишган пайтларини, гўр ва ҳовлиқма ёшлик билан боғлиқ баландпарвоз орзу-ҳавасларни, яқин ва у ёки бу фазилати билан кўзга ташланиб турадиган сабоқдошларини тилга олишади. Кейин... кейин... «ушандаям ҳозиргидек жуда барно эдингиз, кўпчилик талаба-ўспиринлар ҳар куни эрталаб коллеж дарвозаси олдида сизнинг келишингизни интиқлик билан, кўзлари нигорон бўлиб кутишарди, улар орасида, улар орасида...» деб атайин дудуқланади. Шунда Сабоҳ хоним жумлани давом эттириб: «улар орасида сиз ҳам бор эдингиз...», дейди хушнуд жилмайиб. «Ҳа», деб жавоб беради Надим қизариб-бўзариб ва бибисоҳибнинг гурур ва меҳр чақнаган кўзларига секин назар ташлайди... Хўш, кейин-чи? Кейин жувон ундан ҳол-аҳвол сўрайди албатта, ва... Дарвоқе, оиласини суриштириб қолса-чи? Унда тўғриси айтилади, пешонага муқим бир хотинга эрлик қилиш ёзилмаган экан, Лакновдай катта шаҳардан муносиб бир ҳамроз, ҳамроҳ чиқмади, Лакновдан ташқарига эса мен чиқмадим, умрим Лакшмига тавалло билан ўтяпти, дейди... Кейин-чи? Кейин... суҳбат бошқа мавзуларга улашади... Балки хоним ўзи тўғрисида гапириб берар...

Надимнинг башорати бу гал қисман амалга ошди.

Тонгда у айтганини қилди: сочини ҳам, мўйловини ҳам кескин калтайтирди, соқолини эса, батамом қи-

риб ташлади. Энди унинг бир оз буртик ёноқлари, кенггина манглайи, рисоладагидай қулоқ-бурни, тўмтоқроқ — эркагона ияги, энг муҳими, кечадан бери гавҳари қувватланиб, булакча чарақлай бошлаган кўзлари ялангликка, озодликка чиққандай далланг куринди... Сўнг анчадан бери совун тегмаган юзларини ҳафсала билан ювди, бугма ёқали қора ридоси ўрнига энглари узун, ёқасиз, ҳаворанг панжоби кўйлагини кийди, оёгига шиппак илди.

Асфальт йўлда шипиллаб бораркан, сандалининг овози четга ёйилиб, ҳамманинг диққатини жалб этаётгандай туюлди, шунингдек, пойафзал қанчалик енгил, бежирим бўлмасин, барибир илдам босишга монелик қилаётгандай эди. Уни ечиб, араванинг икки кишилик, сандиқсимон ўриндиги остига тиқиб қўйди.

Миллий банк бекатида ҳамкасблари уни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган муъжизага дуч келгандай, анграйиб қаршилашди.

— У-хў, бобужи¹, янги қаллиқ топилдими, дейман?

— Унинг қармоғига кечаги «лаққа» илинган бўлса керак.

— Ҳазир бўлсинлар, Надим соҳиб, хуракка қўшиб, ўзлариниям камарга тортиб кетмасин тагин...

Рикшачилар хандон отишди. Лекин Надимнинг жиддий турганини кўриб, дарҳол лабларини қимтишди ва бунинг сирини ўзинг айт бўлмаса, дегандай, унинг оғзига тикилишди. Надим қўл силтаб, тескари ўгирилди. Шерикларининг бемаврид, беҳисларча ҳазили унинг иззат-нафсини оғритганди.

Иш вақти тугаб, кўп хизматчи-ходимлар, мижозлар жўнаб кетишди. Негадир Сабоҳ хонимдан дарак йўқ эди. Надимнинг юрагида гулгула ўрмалади. Бирон юмуш билан келаётган бўлса, кеча ишини бити-

¹ Жаноб, бу ерда кесатиқ маъносиди.

риб қайтганмидийкин? Бир огиз «Шу ерда ишлай-сизми?» деб сўраб қўймабди-я. Наҳотки бугун уни кўрмаса?..

У барибир пойлашга аҳд қилди. Бир қанча муддат ўтиб (аслида саноқли дақиқалар Надимга жуда узоқдай туюлди), дарвоза яқинида аёл кишининг сиймоси гавдаланди. Бу — ўша, унинг юрагини аввал жигиллатиб, сўнг потратган дилрабою дилоро эди.

Рикшачилар мижозларини олиб равона бўлишган, фақат Надимнинг араваси ҳар кунги жойда илҳақ ва интизор кутарди. Бибисоҳиб бугун оч қирмизи тусдаги либосда эди. У ҳовлидан шошиб чиқаётган эди, таниш рикшани кўриб қадамини секинлатди. Файтонга «қўшилиш»га шай бедовдай гижинглаб турган Надимга ҳам нигоҳи тушган хоним беихтиёр тўхтади, киприклари ҳайрона пирпиради. Надим эса жилмайиб қаради, лекин иккиси ҳам лом-лим дейишмади. Бибисоҳиб иккилангандай арава зинасига оёқ қўяркан, афт-ангори бутунлай ўзгариб, одам сиёқи кириб қолган ҳаммолга зимдан синовчан назар солди. Бу пайт Надим шотилар орасига ўтиб, икки қўлида уларни кутариб турарди.

Анчагача ё унисидан ё бунисидан садо чиқмади. «Барибир танимади, хотирлай олмади-я, — ўйлаб борарди Надим, — ё орият қилиб ўзини ҳамон таниманганга соляптимикин... Демак, энди бошқа гап-сўзга, шама-ишорага ўрин йўқ. Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолгани дуруст чоги...»

— Мен сизни қаердадир кўрганга ўхшаяпман-а, — деди бир оздан сўнг Сабоҳ хоним бирдан «сиз»лаб.

Рикшачининг томирларида қон тўхтагандай бўлди, кутарилган оёғи беихтиёр бир лаҳза муаллақ туриб кейин ерга қунди. «Демак, эслади!..»

Бу ёгига унинг сабри чидамади, сичқон-мушук ўйинини давом эттиришга тоқати етмади.

— Бир пайтда ўқиганмиз, — деди елкаси оша хонимга бирров кўз ташлаб ва дарҳол ўзини оқлаш

учун қўшимча сўз қотди: — Ғурлик қилиб, коллеж имтиҳонларини яхши топширолмагандим. — Аслида бунга мана шу малакнинг бирдан гойиб бўлиб қолгани ҳам сабаб эди. Анчагача уни қўмсаб, кечалари юраги эзилиб, бедор тонг оттирган талаба йигитчанинг ўқишдан кўнгли совиб кетганди. Қайтиб узини қўлга ололмади. — Тақдир мени яна синовга ташлади, — давом этди Надим, — бу синовдан ҳам утолмай юрибман. — У ҳайрат ва таажжубда эди: дилида бошқача жумлалар тузар, тилидан эса бутунлай узга каломлар сирғалиб чиқарди.

Аёл яна огзига мум солгандай жимиди. Демак, собиқ коллеждоши унинг хокисорона ва илмоқли иддаосига муносабат билдириб, андак кўнглини кўтариб қўймакни лозим кўрмади.

Энди оламда гилдирак чармининг вишиллаши ва рикша эгасининг тапичкасидан таралаётган «шип-шип» овозгина мавжуд ва улар гоят нохуш эшитиларди.

Надимнинг ҳам тили танглайига ёпишди. Манзилга етиб, тўхтаганда ҳам Сабоҳ хоним тарафга қарашга журъат этмай, ерга боққанча сабрсизлик ва ҳаяжон билан кутиб турди. Хоним извошдан оҳиста тушиб, тирноқлари пушти лакли, панжаси хиноли қулини узатаркан, Надим бошини салгина кутарди, дастини беихтиёр, кишанга тутиб бераётгандай, қалтираб чўзди. Шунда... Шунда зилдай огирлашган кўнгир тус кафтига тукилган тўртта танга чўгдай туюлди, уларни зарда билан, шоша-пиша киссасига тиқди-да, арава шотисини шиддат билан орқага буриб, жадал юриб кетди.

Унинг кулбаси шундоққина йўл буйида бўлиб, кўчанинг нариги бети ҳар хил ўсимлик ва ўт босган бепоён пасттекисликлар эди. У аравани одатдаги жойига — уйчаси девори ёнига ҳафсаласизлик билан қўйди-да, қайтиб чиқиб йўл қиршовига чўнқайди. Тиззаларини қучоқлаб олисларга тикилганча хаёлга

чумди. Анчадан сунг сонига нам тегаётганини сезиб кўзини очди. Юрагидан томаётган алам ёшлари шалварининг анча қисмини ҳуллаган эди. Чунтагидан бояги тангаларни олиб, синчиклаб кўра бошлади. Туртта металл пул. Симобий бир жуфти беш рупиялик: олд тарафига гуллар орасига «5» рақами, орқасига эса Ҳиндистон давлатининг рамзи — уч бошли шер тасвири чекилган, қалин, икки қаватли, хийла салмоқли танга. Унгсиз зангор тусдаги иккитаси катта лекин юпқа ва енгил, олди томонида етти бурчакли шакл ва шакл ўртасида «1» рақами, унинг иккала ёнида шолинингми, бугдойнингми бошогининг нақши, ортида эса яна ўша — уч бошли шер. Чақаларнинг унисида ҳам, бунисида ҳам ҳинди ва инглиз тилларида «Ҳиндистон» ва «рупия» сўзлари, танга зарб этилган саналар битилган. Аввалги бир жуфти — ўн рупия пешона тери кира ҳақи, хўш, кейинги иккитаси — икки рупий-чи?.. Бошини кўтарди. Қуёш ботиб, қизил шафақнинг парча-парча шуълалари осмоннинг жануб ёқларидаги лахтак-лухтак кўкимтир булутларда аксланар, кун чиқишдан босиб келаётган қоронғилик ўша шуълаларни ҳам ўз домига тортиб, олам тусини тобора хиралаштириб борарди.

Яна кафтидаги «бойлик»ларга тикилди. Улар эскирган, қўлдан-қўлга ўтавериб сийқаланиб кетган эди. Наҳотки, ҳамма нарса — ҳаёт ҳам, орзу-умидлару муҳаббат, ҳатто оддий муносабат ҳам шу чақаларга боғлиқ бўлса?.. Хўш, чақалар Надимга нима берди? Тугри, кундалик емиш, қора чироққа мой, арзон-гаров кўйлак, шиппак берди. Хўш, яна нима? Шунча йил ишлаб, арава судраб, лоақал битта велосипедрикша ё скуторга¹ ҳам ошинолмади... Аммо бугунги-

¹ Муравейга ўхшаган уч гилдиракли, аммо усти ёпиқ, кира-кашликка мўлжалланган улов тури.

си ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Бундан ортиқ шармандалик, бундан ортиқ таҳқир бўладими...

Нега у ҳар кунги, келишилган ҳақни беравермади? Иккита майда тангани қандай хаёлда, нима мақсадда қўшиб қўйдийкин? Ўзини саховатлироқ, олижаноброқ курсатиш ниятидами ё аввалги куни арзимаган баҳони савдолашганини ўйлаб, унда орият ҳисси ғалаён қилдими, ўша зиқналигини хаспушламоқчи бўлдимикин? Ё унга силаи раҳм қилгиси келиб кетдимикин? Ё, ё... сенинг муҳаббатинг мен учун икки чақа, деганимикин бу?.. Қарийб чорак аср қалби тўрида пинҳон асраб-авайлаб, йиллар қуюни, қашшоқлик, қийинчилик туфонларида гард юқтирмай, шикаст етказмай ардоқлаб олиб юрган ишқининг жавоби шуми? Наҳот бу узоқ йиллик беозор, беэътибор, беҳиммат ошуфталигининг бадали бўлса?.. Қани энди, тақдир уни уша беписанд, ҳаволиқ нозанин билан қайта учраштирмаган бўлса-ю, ўсмирликдаги бегараз, мусаффо севги нашъаси, завқи-сурури, тотли армони ва У ҳақдаги ўша, дастлабки бегубор тасавури билан ўлиб кетса... мингдан-минг рози эди!..

У чўзиб бир «оҳ» тортиб, аста ўрнидан турди-да, тангаларни қулочкашлаб пастга — қорайиб, катта ўпқонга ўхшаб ётган жарликка улоқтирди. Кейин йўлнинг ўртасига чиқди-да, бошини ҳам қилганича кун ботишга қараб аста-секин юриб кетди.

Сабоҳ хоним ҳар куни ишдан чиқаркан, бекатда киши билмас кимнидир қидирар, хизматга шай турган рикшачиларнинг ҳеч бирига рай билдирмас, хийла фурсатдан сўнг тўғри келган рикшага индамай ўтириб, уйига жунар, умидвор кўзлари атрофга нигорон бўлиб борарди...

2007 – 2009 йй.

ШУМ ХҲҮРОЗ

Пачаққина қизил хурозимиз, аниқроги хуроз-чамиз бор. Ҳзи чала очилган, жуда нимжон эди, биз уни улиб қолади, узоқ яшамайди, деб ўйлардик. Алпанг-талпанг босиб, аранг юрарди. Лекин чиндан ажал бошқа экан, соппа-сог, дикир-дикир чопадиган бир қанча жўжа қийгирга, каламуш ё мушукка ем бўлиб кетди-ю, «ўлимтик»ка жин ҳам урмади, афтидан, уни уша кушандалар ҳам назарга илишмади. Росмана қадам ташлай бошлаганда ҳам доим онаси ва тухумдош шерикларидан орқада, «дум» бўлиб пилдираб, «чий-чий»лагани «чий-чий»лаган эди. Туклари ҳам анча кейин чиқди, унгача жиш-баба бўлиб юраверди. «Ога-опа»лари уни хуш кўришмас, эна қанотлари остига, патлари орасига ўзлари кириб олиб, «ини»ларини суриб, йўлатишмас, бошқа маҳалларда ҳам бекордан-бекорга чўқилашгани-чўқилашган, кўз-қулоқлари атрофини қонатиб юборишарди. Болалар купинча жужахурозларни калтак билан ҳайдаб, «кичкина»ни ажратиб қўйишарди. Шуринг қургур нуқул бўйнини эгиб, қочиб-писиб юрарди. Айниқса, дон сепилган жойга яқинлашишга зор эди. Қай биринингдир тепкисидан икки газ нарига улоқиб, думалаб кетар, унгланиб олгач, бир четга чиқиб қунишиб, чирқиллаб турарди. Одамнинг раҳми келарди. Кўримсизлигидан болалар ҳам суюшавермас, алоҳида боқиш керак шекилли, десак, чийиллаб жонга тегади, дейишарди. Қалтаклар, тепкилар пишириб, чиниқтириб юбордими, кейинкейин тетиклашиб, дадилланиб кетди. Ҳамон ориқ, қилиқлари ёқимсиз эди-ю, аммо абжир, кўзлари уткир эди. Фақат анча қўрқоқ бўлиб қолганиданми ё тепкилардан, чўқилашлардан безиллабми, чекка-чекка, кенгроқ жойларда ёлғиз утлаб-донлар, тезда-тезда емиш топиб, «қу-қуқ...»лаб бошқаларни

«зиёфат»га чорларди. «Меҳмонлар» (асосан макиёнлар, хўрозлар пачақнинг ўлжасига шерик бўлишни ўзларига ор билишарди чоги) қувончлари ичига сигмай, текин луқма илинжида бир-бирларини туртиб-итариб чопишарди. Лекин етиб келишай деганда «мезбон» кўпинча тумшуғи билан уйнаб турган чувалчанг ё қандайдир қуртни бир чуқиб, «лиқ» этиб ютиб қўя қолар ва изза тортиб, ҳафсаласи пир бўлган макиёнларга кеккайиб, «қалай, бопладимми?» дегандай қараш қилар, кейин ўзини паҳлавон фаҳмлаб, уларга ҳужум бошларди. Лекин айнан ушанақа пайтда ҳар доим ҳам муродини ҳосил этолмасди бояқиш. Нарироқда донлашаётган катта хўрозлардан бири (баъзан икки-учтаси тенгдан) бўйинини чузиб, қанотларини ҳурпайтирганича ракета тезлигида етиб келиб, каратэчасига бир тепиб учириб юборарди. Сийқа, бетаъсир пачақ эса хафа бўлмас, қолаверса, кучи етмаслигини ҳис этгани учунми, зўпидинга ўдагайлашни хаёлигаям келтирмас, ўрнидан тура солиб, чанг қанотларини қоқиб-силкиб қўярди, холос. (Турқи-тароватидан қатъи назар, пўрим, четингина эди.) Бир оздан сўнг узоқроқ, четроқда ёлғиз юрган макиённи кўзлаб, бир нарсалар терган, кукат чимқиган бўлиб, унга яқинлашиб бораверарди. Бирдан макиён қийиллаб қолар, аммо бу гал омад кулиб боқиб, рашкчи жазманлардан бири етиб боргунча ишни битириб, «эгар»дан тушишга улгурган пачақ нарироққа бориб, «нима, сизларга мумкин-у, менинг ҳаққим йўқми, кичкина деб ўсал топаверасизларми, ҳали кўрамиз...» дегандай, қувиб келган хўрозга бақрайиб қўярди.

Бир неча бор бозордан қайтди. Тарашадай озгинлиги туфайли харидор унинг баҳосини сўраб ҳам қўймасди. Суйиб юборайлик, десак, пичоққа ҳам ярамайди — унинг гўштини еб маза топиш амри маҳол. Бу орада қанча хўрозлар қозонга тушиб, меҳмонларга тортилиб кетди.

Секин-аста пачақ бошқа гаройиб қилиқлар чиқара бошлади. Бир куни намозшомдан кейинроқ, товуқлар энди қуноққа чиққан пайтда улардан бири қийқиллаб, безовта бўлиб қолди. Қушниларнинг ити дап қилдимикин, деб, апил-тапил югурдим.

Товуқларга ҳовли этагидаги эскироқ бостирмага тол ходадан ёнбошроқ ҳавоза шаклида уч қатор қуноқ ясаб қуйилган — биринчи, пастки қатор жўжаларга, иккинчиси ўртача хўроз-макиёнларга, учинчи — юқори қават катталарга мўлжалланган. Бостирма-катакнинг олди қийшайиб-майшайиб ётган симтўр билан наридан-бери тўсилган. Ақлсиз ҳисобланадиган жониворлар биз кўзда тутган тартиб-қоидага тўла риоя қилишмаса-да, ҳар ҳолда, табиий-ихтиёрий равишда ўзларича бўлинишиб оларди. Ходаларнинг оралиғи ярим метрдан зиёдроқ бўлиб, баландга чиқолмайдиган майда товуқчалар, шубҳасиз, биринчи қаторда тунашарди. Пачақ хўроз имкони ва мавқеига мос равишда иккинчи қаватга жойлашган эди. У бир неча бор энг тепадаги сафдан — «ложа»дан урин олишга уриниб кўрди-ю, аммо катта хўрозлар сигдиришмагач, қайтиб тушар, тақдирга тан бериб, ўз қаватида пинакка кетарди.

Бошқа жиддий ихтилоф деярли сезилмасди.

Катак ёнига борганимда товуқлар тинчиб қолишган, жимжит эди. Хитой қўлчирогини тўғрилаб, санадим — 27 та, демак, ҳаммаси бор.

Эртасига яна ўшандай ҳолат юз берди. Товуқми, хўрозми, бир нарса гирибонидан олгандай, жон ҳалпида қийқиллади. Лукиллаб, яна бордим. Яна тинчиб қолишган, осойишталик эди. Тагин қўлчироқни қаратиб, ҳисоблай бошладим. Шунда бир ўзгарिश эътиборимни жалб этди: иккинчи қатор сал бушаб, юқори қават зичлашиброқ қопти. Диққат билан разм солсам, пачақ хўроз ўз қаватида йўқ (унинг жуссаси, ранг-туси отнинг қашқасидай таниш-ку). Тепани синчиклаб қарасам, орада қисилиб, бужмайиб кўринди.

Катталар қаторида ётгилари кепти-да, во бочча-ей, ҳа, унгайроқ узингнинг жойинг яхши эмасми, дедим-у, қайтдим. Лекин уйқум қочди, пачақнинг қитмирлиги менга наша қилар, унинг ажабтовур ҳолати кўз олдидан кетмасди. Одатда, товуқ деган махлуқ калласини кифтига босиб ё бошини елкалари ичига тортиб ухлагучи эди. Ўзи хўрозларнинг белидан ҳам келмайди-ю, учиб бораётган чурракдай нозик буйнини, кичкина бошини чўзиб, анча кўтариб олибди. Тумшуқчаси бошқаларникига қараганда аллақанча олдинга чиқиб турибди. Эҳтимол, илгари аҳамият бермагандирман, ҳар қалай, парранда зотининг бу тахлит мизгишини ҳеч кўрмагандим. Худди тикка турганича пинак сураётган одамга ўхшайди. Вой тирранча-ей...

Эртасига эсласам, кулгим қистаб, пачақ хўрозни дурустроқ кўриб қўйиш мақсадида уни кузата бошладим. Кичкинагина калласининг каттагина жойида қон тепчиб, қотиб қопти. Хийла уйладим, кейин, ҳа, демак, кечқурун бабақ хўрозлар уни чўқишган, шундан «олтин» бошини эҳтиётлаш учун олдинга чўзиб олган булса керак, деган фикрга келдим. Вой ярамас-ей, нима зариликин унга?

Кечаси анчагача ухламай, қани бугун нима буларкин, деб, тингшаб ётдим. Энди кўзим илинган эканми, яна қийқиллаш эшитилди. Лекин, овозни фарқлолмадим — пачақникими ё бошқасиникимиди? Бордим. Қарасам, пачақ хўроз кечаги янги жойида гўлайиб ўтирибди, икки ёни холигина. Ий-е, деб, ажабланиб турсам, пастда хўроз «қўқ-қўқ-қў...»лади. Чироқни энгаштирдим — бабақлардан бири ерда турибди. Ҳайрон бўлдим: у олижаноблик қилиб ўрнини пачаққа бўшатиб бердимикин ё ўчакишиб тушиб олдимикин?

Бошқа товуқлар ҳам «қо-қоқ...»лашиб, безовта бўла бошлашувди, ҳай, ўзларинг келишиб оларсизлар деб, қайтдим.

Уч-тўрт кун товуқларнинг бақир-чақирига парво қилмадим, баттар бўлларинг, деб ётавердим. Баъзи кечалар безовта бўлишмади ҳам.

Бир оқшом яна ичим қизиди. Бугун ростданам ит-пит кирган бўлса-чи, деган шубҳа кўнглимга гулгула солди. Қаттиқ қақиллашяпти-ю, деб қадамни тезлатдим.

Пачақ хўрознинг икки биқини анча бўшаб қопти. Иккинчи қатордаги ўрта жўжалардан бири биринчи қаторга утибди, унинг ўрнини бояги куни ерга тушиб олган хўроз эгаллабди. Яна бир атлас бабақ ерда ҳурпайган калласини силтаб-силтаб, қип-қизил, ар-расимон тиглари йигдай тожисини селкиллайтиб, позмон бўлиб турибди. Пачақ менинг шарпамни сезиб, хижолат чеккандай сал қўзгалиб, кўзларини бежо пирпиратди. Шу жинқарчада бир иш бор-ов, деган гап келди дилимга. Азбаройи қизиққанымдан пойлашга аҳд қилдим. Пачақ хўрознинг бир фазилати бор эди — қургур, баъзи хўрозларга ўхшаб, вақтибемаҳал чақиравермас, пайти-пайтида болохонадор қилиб қичқирарди: «Қуқ-қи-қуқ-қуввв!..». Айниқса, азонда ҳаммаёқни жаранглайтиб юборар — ҳар қанча тош уйқудагилар ҳам уйғониб кетарди. Овози зўр бўлмаса-да, дурустгина ашула айтадиган ҳаваскор хонанданики сингари шира, оҳангдорлик бор эди. Афтидан у унининг уткир ва ўзгачароқлигини ўзи ҳам яхши билар, бошқалар менчалик шаклан ва мазмунан мафтункор қичқиролмайди, деб ўйларди. Демак, унинг саҳар эркин ва баланд овозда ҳайқирмоғи, атрофга жар солмоғи учун қулай шарт-шароит — юқорироқ минбар, кенгроқ майдон зарур бўлган. Лекин кап-катта хўрозлар пастга нимага, қандай тушиб қолишяпти — мана шуниси жумбоқ эди.

Кеча сутдай ойдин эди. Хўрозлар қийқиллайдиган маҳални мўлжаллаб, Штирлицдай эҳтиёткорлик билан бостирма яқинига бордим. Чеккароқ, аммо то-

вуқлар яхши кўринадиган жойга утин ёрадиган тўнкани оҳиста жилдириб, астойдил урнашиб олдим. Қани, кўрай-чи, пакана нима ҳунар кўрсатаркин? Қизиталоқ, ҳолига қарамай, намунча гердаяркин ўзи, намунча урин, мавқе талашаркин? Дарвоқе, уни тухумлар менинг саъй-ҳаракатим билан кўпайяпти, майдароқ булса нима қипти, зато, сони бисёр, деган ҳаводорлик ҳам ҳовлиқтираётган булиши эҳтимол. Инсоф юзасидан айтганда, пачақнинг иддаосида жон йўқ эмас эди. Айрим кўнгилчан макиёнлар кичкин-тойга раҳмлари келганиданми ё, барибир тинчитмайди, у югуроқ суллоҳдан қутулиш душвор, деб уйлашармиди ё абжирлигини қадрлашармиди, ҳар нечук, яқин-атрофда катта хўрозлар кўринмаса, бечора етимчани ортиқча ҳаллослатмай, «писиб» қўя қолишарди. Ўзиям жуда уддабуррон-да, бир эмас, бир неча бабаққа чап бериб, догда қолдирарди. Яхшики, ҳозирги хўрозлар жазман-рақиблари билан «булар-булмас»га бўғишиб-тепишавермайди. Макиён сероблиги, кўнгилларининг тўқлигиданми, уларни ҳам қисди-басдига олиб тергаб, рашк, ҳамият ўтида узоқ қоврилиб ўтиришмайди, бирпасда шахтларидан тушиб, жигилдон гамида изгишда давом этаверишади. Хуллас, бу сур, безбет пачақдан ҳамма нарсани кутиш мумкин...

Кузатиб ўтирибман. Иккинчи қатордан яна бир ўрта жужа биринчи қўноққа ўтган (тўғрироғи қувилган), пастки икки қават ҳам анча жипслашганди. Кеча ерга тушиб олган хўроз иккинчи қаторда ўзининг собиқ қаватдоши, «тақдирдоши» билан ёнма-ён ётарди. Уларнинг бўла-була сумбатлари икки тарафдаги макиёнлар, жўжалардан кескин ажралиб кўринарди. Тепада эса иккита бабақнинг урнида пачақ хонзодадай ёйилиб, эркин ўтирарди.

Икки кўзим қўноқларда. Товуқ зотининг ингичка холада ўтиришига, чиқалдакдан ҳам хипча оёқлари

йириккина ҳажмдаги гавдани бемалол тутиб туришига, уйқусида панжалари ёзилиб, мункиб кетмаганига қойил қолиш керак. Бу ҳам Оллоҳнинг бир каромати-да...

Сал бўлмаса, кўзим кетиб қолаёзган экан, бир пайт пачақ хўрознинг қимирлаётганини пайқаб қолдим-у, бутун вужудим нигоҳга айланди. Пачақ унг тарафга секин-секин силжиб, донг қотиб ухлаб ётган бабақ ёнига борди-да, қулогиними, кўзиними бир чўқиди. Бабақ чаён чаққандай чинқириб юборди, панжалари ёзилиб, мувозанатни йўқотди чоғи, «дуп» этиб ерга қулади. Лекин товуқ ҳам мушук монанд, ҳар қанча баланддан ҳам оёқлари билан тикка тушаркан. Фақат бабақнинг оёғи билан бирга қалин патли тўши ҳам ерга қапиша тушди. Эҳтимол, кечасилиги учун шундай булгандир.

Ё, алҳазар!..

Бошқа товуқлар ҳам каллаларини кўтариб «қоқоқ...»лашиб юборди. Ердаги бабақ яна бир-икки «қў-қўқ...»ладию жимиб қолди. Бесаранжомлик узаро низодан келиб чиққани сабабли ортиқча шовқин кўтармай, бирпасда тинчишган эди. Пачақ эса (дарвоқе, энди уни «пачақ паҳлавон» дейиш ҳам мумкин) қилғиликни қилиб қўйиб, ҳеч нарса кўрмагандек, митти, уккиникидек йилтироқ кўзларини уйнатиб, хотиржам тарвайиб ўтирарди — кенг уйнинг келинчагидай. Во, баччагар-ей, во, туллаг-ей!..

Хўш, айтинг-чи, шу воқеадан кейин ҳам «товуқ мия» иборасини ақли ноқис деган маънода истифода этиш мумкинми?

2009 – 2010 йй.

ҚУШНИ КЕЛИНЧАК

Ижодий ишлар билан шуғулланиш мақсадида тез-тез қишлоқдан тонг қоронгусида шаҳарга — уч қаватли бинонинг иккинчи қаватидаги уйимизга келаман. Кучанинг нариги бетида — рўпарада музранг деворлари баланд ҳовли, у билан кўча ўртасида йўлак, кейин ариқча бўлиб, унинг икки қирғогида ўртача бўйли, қадимги мис кўзаларга ўхшатиб шакл берилган арчалар саф тортган.

Қушни уй ўрами тугаган жойдан унғ тарафга қараб кетган каттагина халта кўча қисқа ва кенглиги боис кўчадан кўра кўпроқ чорси майдонга ўхшайди. Хонадон ҳудудини чегараловчи девор бурчакдан ўша ёққа қараб давом этган ва ҳовлига ҳам айнан майдонга юзланган катта, маҳобатли, аммо сассиз очиладиган темир дарвозадан кирилади.

Ҳар келганимда ана шу хонадондан чиқадиган ўрта бўйли, ихчам жуссали, шалвар-лозимни тупигигача тушириб, рўмолни бўйнигача танғиб оладиган ёшгина келинчак майдонни (гарчи қарама-қарши тарафда ҳам ҳовли бўлса-да, негадир у ердан кўча супуришга биров чиқмасди) тугатиб, ташқи йўлакга ўтган бўларди. Табиийки, мен уйга яқинлашганда машина тезлигини пасайтирар ва бу ҳол келинчакнинг диққатини жалб этиб, у супуришдан тўхтамаган ҳолда ёнбошидан ё қўлтиғи остидан оҳиста, шунчаки қараб қўярди.

Ёзув столим кўчага қараган хонада бўлгани учун деразадан дам-бадам, ихтиёрий-беихтиёр ташқарига нигоҳ ташлаб ўтирардим. Келинчак кўчанинг ўзларига дахлдор чеккалари, йўлак ва арчалар тагини супуриб, ахлатларни ҳар жой-ҳар жойга тўплаб кетар, кейин уларни оловкурак билан йигиштириб, елим пақирларнинг бирига, бошқасига эса ариқчадаги аллакимлар бефаҳмларча ташлаб юборган буш баклаж-

ка, оқ-қора салафан халталар, музқаймоқ қоғозларию хас-хашакларни бир четдан, эринмай териб солгач, бир қўлида пақирлардан бирини, иккинчисида пақир банди билан супургини қўшиб кўтарган ҳолда аста-аста, шарпасиз ичкарига йўл оларди.

Мени келинчак яна бир одати билан ҳайрон қолдирарди. У ўз юмушларини жуда бамайлихотир адо этар, уйга кириб кетишга асло ошиқмайдиганга, бу кундалик машгулотдан ҳеч зерикмайдиганга ухшарди.

Орада ҳовлидан каттароқ ёшдаги пастак, юриштуриши, хатти-ҳаракатидан жангари ва заҳаргина аёл (менимча, қайнона) бир-икки чиқарди-да, дарвоза олдида қўлларини биқинига қўйиб серрайиб турганича келинчакни бирпас-бирпас кузатиб, кириб кетарди. Шу бўйи у жувон ишни тугатай деганда пайдо булар ва худди топшириқ ижросини қабул қилиб оладиган бошқарувчидай супурилган, ахлат тўпланган ерларни бир четдан, синчиклаб назоратдан ўтказар, баъзи ўринларни қайтадан супуртирарди.

Тозалов якун топганда қуёш энди тиг уриб чиқаётган буларди.

Қайнона-келин зичлаб ёпиб кириб кетишган темир эшик икки соатлардан кейин, тахминан саккизларда очилар, аниқроғи, келинчак уни очиб, бир табақасини, ёпилиб кетмаслиги учун танаси билан тутиб турар, ҳовлидан бирин-кетин иккита — бири қора, бири симобранг хорижий маркали енгил машина чиқиб кетгач, дарвозани ичкаридан тақа-тақ беркитар, шу бўйи кечгача унинг катта табақалари қайта очилмас, ҳатто, бирорта одам ташқарига чиқмас, ҳар қалай, менга шундай туюларди. Аҳён-аҳёнда қопқанинг дарча-эшиги қияланиб, ташқаридан келадиган битта-яримта эркак ё аёлни бағрига олар, лекин деворлари қалин, ҳайбатли (агар ана у маъсума

келинчакка ҳақоратдай туюлишини ўйламаганимда қарийб тирқишсиз бу деворларни ҳеч иккиланмай «турманикига ўхшаган...» дея сифатлаган бўлардим) бу хонадон у ерга кирганки кимсани домига тортиб, ютиб юборадигандек туюларди. Ҳар ҳолда ҳовлига кираётганларни кўрардим-у, чиқаётганларга негадир кўзим тушмасди (албатта, мен кечгача бошқа иш қилмай, фақат қўшниларикига кирган-чиққанларни ҳисоблаш билан овора бўлмайман-ку).

Авваллари у билан саломлашмасдик. Ер остидан бўлса-да, қараётганини кўра-била туриб, индамай ўтиб кетавериш ноқулай туюларди. Бир куни машина ойнасидан бошимни чиқариб, «Ҳорманг, қизим!» дея ҳол сўрадим. Жувон ишдан тўхтамай ва мен тарафга ҳам қарамасдан эшитилар-эшитилмас «Раҳмат» деб қўйди. Шу тариқа биз сўрашадиган бўлдик. Лекин салом-алигимиз ўша икки оғиз сўздан нарига ўтмасди. Бундан ортигининг ҳожати ҳам йўқ эди. Ахир бир-биримизни тузукроқ танимасак... Бунинг устига бир сафар овозимни сал кўтариброқ гапирибман шекилли, келинчак энкайган ҳолда ярим ўгирилди-да, нимтабассум билан кўрсаткич бармоғини лаблари устига тикка босиб, «тиш-ш...» дея беозоргина огоҳлантирди.

— Жуда баланд-ку, — деворга ишора қилдим товушимни пастлатиб. Жувон ҳамон қаддини кўтармасдан бошини сарак-сарак қилди. Шундан кейин биз пичирлашиб саломлашишга ўтдик.

Мен одатдагидай, яна онда-сонда деразадан беихтиёр кўз ташлаб қўяман. Келинчак бошқа йуловчилар, хусусан елкаларига турфа сумкалар илганича, ёйиқ сочларини селкиллатиб, баланд пошналарини тақиллатиб утаётган анвойи кийимлардаги қизлар, жувонларни зимдан кузатиб қоларкан, ўз ишини бир текис, бир маромда бажараверар, шу тарзда бир соатдан ҳам узоқ кўча супурарди. Ҳар за-

монда, қатнов кам маҳалларда белини бир оз тиклаб қаддини унглаб олгани инобатга олинмаса, тухтамасди ҳисоб. Фақат нафас ростлаш пайтида ёқ-бу ёққа жаланглайвермасди.

Қишда ҳам унчалик эмас, лекин кузда унга жуда раҳмим келарди. Биз тарафдаги улкан чинор, бақатеракларнинг тарвақайлаган шохлари кучанинг нариги юзига энгашган бўлиб, саргайиб, қовжираган барглари нуқул келинчак супурадиган ҳудудга тўкиларди. Бунақа пайтда у хазонларни этаксимон матога солиб, бир ёнига қийшайганича ҳовлига таширди. Наҳотки шундоқ катта эшикда бояқишга кўмаклашадиган биронта одам бўлмаса, дея таажжубланардим.

Ҳомиладорлигида ҳам бирор кун ўз юмушини канда қилмади-ёв. Фақат ой-куни яқинлашиб, эгилиш, юриш қийинлашиб қолганда ва кўзи ёригандан сўнг маълум бир муддат бояги назоратчи аёл — қайнона кўчани наридан-бери супуриб кириб кетарди. Кейин «вахта»да яна келинчак пайдо бўлди. Яна ўша ҳолат, яна ўша хатти-ҳаракат, яна ўша назорат ва яна ўша салом-алик...

Тагин озроқ муддат ўтгач, келинчак оҳанжамали, қимматбаҳо коляска билан чиқа бошлади. Энди навниҳол жувон уч-тўрт қадам супургач, аравачани яқинига жилдириб олар ва шу тахлит ўша катта майдон, йўлак ва арчалар остини, бетон ариқчани бир бошдан ҳафсала билан, аввалгидан ҳам кўпроқ вақт давомида супуриб, тозалаб чиқар, чақалоқ гингшиб қолса, сўргичини тўғрилаб қўйиб яна ишида давом этарди.

Қишин-ёзин шундай эди.

Бир куни келинчакдан «Сингиллардан борми?» деб сўрадим ботиниб. У бош чайқади ва «Ўглингиз бормиди? Афсус, йўқ-да...» деди паст, мулойим товушда.

— Ягонаман, денг...

Шунда жувон қаддини кутариб менга ростмана юзланди. Шундагина унинг жилмайганини, юзкузини равшан курдим: у гоятда хушруй эди.

2015 й.

SOBFA

Чол-кампир ўзларида йуқ хурсанд — уларга Америкадан, кимсан, чет элда ўқиб, ўша ёқдаги катта бир маҳкамада ишлаб қолган набираларидан совга келган эди! «Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю япроқ» дегани шудир-да. Ўзиям буладиган бола эди-да, набиралари — иши доим юришгани-юришган эди. Унинг қачон ўқиб-ёзгани, дарс тайёрлаганини сезишмас, лекин кундалиги нуқул «5» баҳо билан тўла буларди. Сағирни Оллоҳ қўллаши рост экан. Эр-хотиннинг яккаю-ягона қизлари турмушдан ажралиб қайтиб келгач, тўрт яшар ўгилчасини олиб қолиб ўзини бошқа бир лойиқ-қобил инсонга узатиб юборишган, яъни бола гирт етим эди. Тўгри, бобожон билан бувижон овунч ҳам дастёр бўлган жигаргўшаларини эл қатори бўлмаса-да, ҳар қалай, иложи борича дурустроқ едириб-кийдиришга уринишарди. «Бола бўлса, шўх бўлсин», деб бекорга айтишмас экан. Ерга урса кўкка сапчийдиган, боз устига, ўлгудай қайсар эди, уни одам қилишгунча эр-хотин етасасига етишган. Кўнгли ярим деб, авайлашарди, бошқа иложлари ҳам йуқ эди, биров сал қаттиқроқ тегиб қўйса, аразлаб бирон қариндошлариникига қочиб кетар, юз тавалло, бир дунё ваъдалар билан аранг қайтариб келишарди. Унга инсоф тилаб Яратганга илтижо этишар, ўзини кечасию кундузи дуо қилишарди. Худо ёрлақадими, дуолар ижобат бўлдими, ишқилиб, мактабда дурустгина ўқиди.

Коллежни битиргач, грант ютиб олдию, уммон ор- тига ўқишга кетди. Бундан айниқса бобонинг боши кукка етди. «Гап»дош жўралари «Мени ўглим Анг- лияда ўқияпти», «Мени қизим билан куёвим Аме- рикада, яқинда фарзанд кўришди, боласи Америка фуқароси бўлди!..» дея огиз кўпиртиришса, уларга жуда-жуда ҳаваси келар, гап қўшолмай, жимгина укинарди. Кейин у ҳам ўша мақтанчоқ жўралари қатори кукрагига дадил ура оладиган бўлган эди.

Шундан бери чол-кампир азиз невараларини уй- лашгани-ўйлашган ва яна тинмай унга омад тила- шарди. Кечалари алламаҳалгача унинг қилиқларини эслаб, феъл-атворини муҳокама қилиб, хислатларини санаб, бири қўйиб, бири алқаб ўтиришарди. Анчадан бери ундан дом-дарак йўқ, жуда-жуда соғинишган, ҳам хавотирланиб юришган эди. Хушхабар келгач, ҳаммаёқ булут билан қопланиб, қоронгу булиб тур- ган бир пайтда бирдан қуёш чарақлаб чиққандай, олам ҳам, бобожон билан бувижоннинг диллари ҳам ёришиб кетди. Юқорида зикр этилган жўралардан бирининг ўгли Қўшма Штатларнинг Техас штати- дан, суюкли набираларидан дуои салом билан совга олиб келиб қолди. Муштан каттароқ, жуда чирой- ли, бежирим қоғоз қути зарҳал лента билан ўраб- чирмаб боғланган ва лентасининг учлари капалак шаклида тугилган эди. Чолнинг қўли қалтираб, бо- гични ечгунича ичи қизиб, тоқати тоқ бўлган кам- пир охири «э-э, жуда ношудсиз-да, бу ёққа беринг» деб қутини тортиб олди. Аммо тугун қўргур тошдай қотиб кетган экан. Қайчи билан қийиб юборишга эса кўзлари қиймасди. Зардоли ранг лента-ип кўзни қамаштирадиган даражада ялтироқ, жозибали эди. Лекин қийишдан бошқа чора қолмади.

Қутининг ичидан қўнгироқ чиқди. Ўша пайтда бо- бонинг кўзлари қандай яшнаб кетганини кўрсангиз эди... Қўнгироқ худди мис кукуни сепилгандай ял-

тироқ ва галати тарзда товланарди. Бир томонга қийшайтириб қарасангиз, олачипор, бошқа тарафга ёнбошлатсангиз сип-сийдам бронза тусда жилваланарди. Анқайиб қолган кампир чолнинг қулидан матоҳни юлқиб олди-да, у ҳам айлантириб кура бошлади. Шу аснода қунгироқнинг ичидаги тили танасига тегиб кетди шекилли, пастроқ, ингичка бир сас таралди.

— Овозиям жуда бошқачайкан-а, — деди аёл қунгироқни яна ағдариб, у ёқ-бу ёгини синчиклаб, ҳайрат билан томоша қилишда давом этаркан.

Карахт булиб қолган чолнинг кўзлари ҳам қунгироқ билан баробар айланарди. Қунгироқни хотинидан олиб, тебратиб-силтаган эди, боягидан-да гаройиб садо чиқди — у жуда жарангдор эди. Кампир янада қаттиқроқ чалиб кўрди — тиниқ оҳанг акс садоси уйда узоқ ва ажабтовур янграб турди.

— Вой боласи тушмагур-ей, берворган совгасини қаранг, жуда галати нарсайкан-а...

Кампир қунгироқни кўтариб, кўча томонга ошиқди. Бобо унинг орқасидан «ҳай-ҳай»лаганича қолди. Қушни аёллар ҳам хориждан келган табаррук буюмни қулма-қул қилиб куришаркан, таажжубларини яширмай, бахтиёр бувижоннинг қувончини баҳам куришиб, совганинг чиндан ҳам камёб ва ноёб ашёлигини таъкидладилар. Фақат улардан бирови: «Бу, ҳалиги, мактабда чалинадиган қунгироққа ўхшайдими? Бу нимага ишлатиларкин?..» деди ўсмоқчилагандай. Бу гап оловга бирдан сув сепилгандай, орага нохушроқ бир жимлик солди. Балки жувон соддадиллик билан ўз мулоҳазасини беихтиёр айтиб юборгандир. Лекин, кампир бу жиҳатини ўйлаб кўрмаган эди. Чиндан ҳам қунгироқни нима қилишади? Уни қаерда, нима учун чалишади?..

Бу саволга эрининг ҳам жўяли жавоб бериши қийин кечди.

— Бу сенга буюммас, сувинир, тушундингми, ўқи-
маган кампир? — деди у вазиятдан чиқиш учун ўйлаб
топган гапидан мамнун бўлиб.

— Сувинирлигини кўриб турибман, чала ўқиган
чол, сиздан тайинлироқ гап чиқармикин, деб сўра-
дим, холос. Буни маънисини чақишолмай, хотин-
ларни роса бошлари қотди. Менам нима дейишни
билмадим.

— Нима қилардик, чолиб, бир-биримизни ўйга-
тамиз, кампир, — синиқ жилмайди чол.

— Э, ҳазилингизни қўйинг.

— Бунда бир гап бор-ов, — деди мўйсафид бошини
ликиллатиб. — Жуда қимматбаҳо бўлса керак.

— Айтгандай, хатини ўқидингизми, нима депти? —
сўради аёл.

Бобо хонтахта устига ташлаб қўйилган юпқагина,
қошиялари пухта елимланган конверт ичидан чиққан
бир парча қоғозни олиб кампирга узатди.

— Узинг ўқий қол.

— Кузойнагим қаерда қолдийкин, — у ёқ-бу ёққа
аланглади аёл. — Ўқибера қолинг.

Чол овоз чиқариб ўқий бошлади.

«Қимматли бувижон ва опоқдада! Ишларим
яхши, маошим ҳам чаккимас. Совга бериб юборяп-
ман. Каттарогини ўзим борсам, олиб борарман. Бу
ёқда энг зўр нарса — ҳисоб-китоб билан яшаш экан.
Узр, шошиб турувдим, вақтим зиқ. Хайр...»

Опоқдада билан бувижон бир-бирига сўзсиз ти-
килиб қолишди. Кампир қўнғироқни ҳафсаласизлик
билан қўлига олиб, яна секин чалиб, у ёқ-бу ёққа
аганатиб кўрди. Кейин кифт қоқди-да, қуруқшаган
лабини буриб, эрига узатди. Бобо ҳам бир зум хо-
тинига, сўнг тухфага чимирилиб қараб турди-да,
уни жигарранг шифонер тепасидаги чанг босган
дори шишачалари ва бошқа майда-чуйдалар орасига
тўнтариб қўйиб қўйди.

2015 й.

ФОТИҲА

Уч кундирки, гуркираб усиб келаётган ёшида автоҳалокатга учраб ҳалок бўлган марҳумнинг олтмиш иккига кирган басавлатгина отаси кучага сув септирарди.

— Нарироққача, нарироққача сепинглар, кўлла-тиб-кўлла-тиб уринглар, кун иссиқ, бирпасда қуриб қоляпти, — деб тайинларди у энгларию почаларини шимариб, шакароб қилиб сув сепаётган ўсмир йигитларга. Бошқаларга эса дарвозанинг икки ёнига териб қўйилган курсиларни бир хилига, янгироқ ва кўркемрогига алмаштириб қўйишни буюрарди. Хонадон соҳиби, падари бузрукворнинг барча кўрсатма ва йўл-йўриқлари сўзсиз ва жойида адо этиларди. Ота фотиҳага келувчиларнинг кунгил сурашларига, таомил юзасидан билдирган ҳамдардликларига наридан-бери, «Ҳа, энди қандоқ қиламиз, Оллоҳнинг иродаси, пойқадамларингга рози бўлинглар», дея жавоб қайтарар, аммо кўзлари сув сепилиб, супуриб-сидирилган куча бошидан кириб келиб, сал нарироқда тухтаётган янги, салобатли машиналар ва улардан тушаётган басавлат одамларда эди. Ҳайдовчиси унинг ўн саккиздан ўн тўққизга қараб бораётган ёлғизгина ўглини хизмат машинаси билан уриб юборган вилоят раҳбарларидан бирининг ташрифи кутилаётган эди. Дафннинг эртасига бўйнини қисиб кириб келган келишган, дарозгина ҳайдовчи фотиҳага «шеф»нинг ҳам қадам ранжида қилишидан хабар берган, ўзи ҳар қандай хизматга тайёрлигини айтган, аммо отаизор: «Онасининг, бошқа жигарларининг ҳам кўзларига кўринмай турганингиз маъқул», деб уни тезгина кеткизиб юборган эди.

Уч кундан бери илҳақ. Нимагадир бугун келишига умид қилганди. «Фотиҳачилар сепсилиб, ота-онасининг кўз ёшлари сал тинганда борай», деган

бўлса...» Кеча «учи»га қўшиб, маъракасини ҳам ўтказишди. Мана, бугун келди-кетди анча камайиб, йиги-сигилар ҳам барҳам топай деб қолди. Бежиз вақт ҳамма нарсани даволайди, дейишмайди. Сирасини айтганда, ота хийла тушунган одам, ҳайдовчининг атай қилмаганини, айниқса, катта амалдорларнинг шофёрлари жуда эҳтиёт бўлиб юришини биларди, у инсон пешонасига битилганини кўрмай иложи йўқ, деган ақидага ишонадиганлардан, шунинг учун кўз ёшларини ҳам жа ортиқча тўкиб юборгани йўқ. Ҳа-да, йиги билан ўлган тириладиган бўлса, олам кўз ёшлари уммонига гарқ бўлиб кетмасмиди... Лекин йўл қаратиб қўйган одамнинг дараги йўқлигига диққат эди. Жанозанинг эртасига ва аввалги куни фотиҳачилар, келди-кетди билан андармон бўлди, кеча эҳсон қиламиз деб, ташкилий юмушлар билан чалғиб юрган, аммо ҳар эҳтимолга қарши тўрдаги бир хонага стол-стул опкиртириб (қишлоқда аксарият хонтахта ишлатилади ёки шундоқ палосга кўрпача тушаб меҳмон кузатилади), тўрт кишилиқ жой тайёрлатиб, қуюққина дастурхон тузаттириб қўйди: писта-бодом, қаймоқ, асал дегандай... «Сиз бирга бўласиз, деб маҳалладаги рутбаси, бўйи-басти меҳмонга салмос келадиган энг нуфузли одам — қўшниси, туман идораларидан бирининг бошлигидан илтимос қилиб, уни пишиқтириб қўйган, ошпазга эса, қозонда доим шўрва милдираб қайнаб турсин, деб тайинлаган эди. Ахир шундоқ мартабали киши келса-ю, уни қандай ярим коса суюқ ичирмай жўнатишади?

Ўша жой, ўша дастурхон ҳамон мунтазир (ота хонани қулфлаб, калитини чўнтагига солиб олган), масъул қўшни кечадан бери ишга ҳам бормай, шарафли вазифани қандай уйдларкинман, деб, «оламшумул воқеа» содир бўладиган дамларни ҳаяжон ва

андак хавотир билан кутар, ҳовлининг одамлардан пана қилиш учун катта гулдор мато билан тўсилган қисмидаги қозонда гўшт, картошкалари оби-тобида пишириб олиб қўйилган кобули шурва сумалакдай биқирлаб қайнарди.

Хонадон хожасининг ҳам, мансабдор қўшнининг ҳам муътабар меҳмоннинг бугун албатта ташриф буюришига ишончлари комил, зеро, эрталаб унинг фотиҳага келган муовинларидан бири ҳам шу ҳақда шама қилиб кетган эди. Бироқ, мана кун пешиндан оғиб боряптики, ундан ном-нишон йўқ, отанинг нигорон кўзлари эса ҳамон кучанинг нариги бошида эди. Унинг аҳволини юракдан ҳис этиб турган қўшни таскин беришга уринди.

— Йиғилишлардан бўшамаётгандир-да, ҳозир нима кўп, мажлис кўп. Ё ҳоким бирон топшириқ бериб қолгандир...

Падари бузруквор бош силтади.

— Тўғри айтасиз. Келса келар, келмаса, йўқ. Нима, у келса ўғлим тирилиб қолармиди. Бораман деб айттириб юборгани учун... ўзига яраша иззат-ҳурматини қилиб қўяйлик, девдим-да. Ё, ёқамга осилиб олади, деб чўчияптимикин... — деди у бушашиб.

Қуёш ботди, кун кечкирди. Эрталабдан бери наҳорсиз, тик оёқда турган мўйсафид чеккароқдаги стулга омонат ўтирди-да, тирсаklarини тиззаларига тираб, бошини иккала кафти билан маҳкам қисганича жимиб қолди. Бўйни эгилгач, дарозгина жусанинг бир сиқимгина бўлиб қолгани қўшнини ҳайратга солди. Бир оздан кейин у отанинг елкалари силкина бошлаганини кўриб, нигоҳини четга олди.

2015 й.

ХАЛТА КЎТАРГАН ЧОЛ

Жуссаси ихчамгина, бошини хиёл энгаштириб юрадиган, аммо рисоладагидай кийинадиган етмиш ёшлар чамасидаги оқ юзли, калта кузалган, қорасидан оқи кўп соқолли киши йилда уч-тўрт бора эгри-бугри, узун кучамиздан ўтиб қоларди. У бошқа қишлоқ, бошқа маҳаллаларни айланармиди, йўқми, билмайман, лекин шуниси аниқки, қайтишда бу йўлдан юрмасди. Бир қўлида сал қаппайган, иккинчисида бўш, сут ранг сунъий матоҳли ун қопдан тикилган халталари бўларди. У оҳиста қадам ташлар, назаримда ҳеч қачон шошмайдиган ва бирон нимадан асаби бузилмайдиган одамга ўхшарди. Томи, дарвозаси дурустроқ ҳовли эшиги олдига иккиланиб яқинлашарди-да, тирқишдан (қишлоқларда дарвоза кундузлари деярли ёпилмайди, ҳеч бўлмаса қия очиқ туради) секин муралаб томоқ қирар, биров кўринавермаса «ўҳў-ўҳў!» дея калта товуш берар ва «Атаганингизни олиб чиқинг», деб қўярди. У қанчалик секин гапирмасин, ҳовлида албатта биронтасининг қулоғига кирар ва «Тақсир кепти, тақсир...» дейишиб, гуручми, мевами, олиб чиқиб беришарди. Чамаси, у эшонлардан эмас эди, чунки бу борада унинг писанда қилгани ё гап учирганини ҳеч сезмаганман.

Одамлар у ким, нимага нарса йигиб юради (ҳар қалай, тиланчи ё девона эмаслиги аниқ) — қизиқишмас, фақат дарёнинг нариги томонида, биздан анча узоқ қишлоқлардан бирида яшашини орқаваротдан эшитишган ва унга нимадир назр қилиш зарурлигини билишарди, холос. Уни болалар яхши таниб олишган, кўча бошида қораси кўриниши билан «Халта кўтарган бува келди», «Халта кўтарган чол келди», деб уйларига хабар бергани чопишарди. Мўйсафид эса элчиликлари эвазига болаларнинг кич-

киналарини бошини силаб, каттароқларининг елка-сига оҳиста уриб, «Балли, азамат, балли» дея алқар ва уларни ёзда оқ яктаги, қишда эса нимча устидан кийган авра чопони чунтагида доим олиб юрадиган арзон, шимма конфет билан сийларди.

Тақсир ким нима берса оз-куп демас, баракалла деб, орқасидан қисқагина дуо қиларди, аммо азбаройи овози пастлигидан нималар тилаганини англаш қийин эди.

У орада анча муддат кўринмай қолди. Бир куни болалар ола-шовур билан «Халта кутарган бува»ни бир қора «Каптив»да келганлар тутиб кетишганини айтишди, худди оламшумул янгиликни хабар қилишгандай. Машинадан қора костюм кийиб, олагалстук таққан норгул-норгул икки йигит апилтапил тушиб, отани икки қўлтигидан тутиб, даст кўтариб орқа ўриндиққа ўтқазишганмиш-да, машинани учириб ҳайдаб кетишганмиш. Йигитлар уни «Каптив»га қараб судрашаётиб, «Бизни шарманда қилиясиз», дейишганмиш, ота эса «Мен тиланаётганим йўқ, ўзлари назр деб беришади, мени ўз ҳолимга қўйинглар», дея илтижо қилганмиш доимгидай мискин овозда.

Кейин «халта кутарган чол»нинг кучамиздан яна бир-икки марта ўтганини эшитдим. Ушандан сўнг умуман кўринмай кетди. Миш-мишларга қараганда, ўгиллари уни кўчага чиқаришмаётганмиш. Бу анчайин мужмал гап, унга ишонишни ҳам ишонмасликни ҳам билмайсан, одам.

Ҳа, дарвоқе, тақсирни қишлоқнинг чеккароқ кўчаси адогидаги уйлардан бирида — ўзлари томондан келин бўлиб тушган, эндиликда бир қиз невараси билан ўтирадиган аёлникида чой ичиб, нафас ростлайди, халталарни ўша бевага ташлаб кетади, деган гап ҳам қўлоғимга чалинган.

2015 й.

КЎЗ ЁШИГА ЧАЙИЛГАН ГУЛЛАР

Уша кунни якшанба, режалаштириб қўйган ишларим кўп: икки-уч соат ёзув-чизувларим билан шугулланиб, кейин узум хомток қилмоқчи, мевали дарахтларга шакл бермоқчи эдим. Энди ёзув столига ўтирган эдим, ҳамкасб дўстим телефон қилиб, «вақтингиз бўлса, келмайсизми, бир суҳбатлашардик», деб қолди. Овози гамгинроқ эшитилди. Жуда қадрдонлигимиз учун, ҳам хавотирланганимдан ҳамма режаларни стол устида қолдирдим-да, йулга тушдим. Нурсайд оиласи билан ажрашган бўлиб, шаҳар марказидан чеккароқдаги даҳада, аслида дала ҳовли сифатида қурилган чорбоғида бир ўзи турарди. Атрофда уй-жойлар камлиги боис, ҳудуд сокин ва қандайдир зерикарлидай кўринарди. Аммо дўстим шу хилватгоҳни ҳам файзли бир масканга айлантириб олган, чунки унинг табиати билан хилватнишинлик ўзаро уйғун келмасди.

Ҳамкасбим мени табассум билан қарши олди, албатта, бироқ унинг жилмайишини доимгидай табиий, дейиш қийин эди.

— Тинчликми? — сўрадим.

— Тинчлик, тинчлик, — деди дўстим бир оз жонланиб. — Бугун дам олиш кунни, ишга бормайсиз-ку, деб бир отамлашгим келди-да.

Ҳа, овлоқ жойда, боз устига, ёлғизликда зерикандир-да, дея хаёлладим, лекин бу шунчаки тахмин эди.

У якка яшаб ўрганганидан озиқ-овқат, рўзгор ишларига ҳам эпчил-чаққон бўлиб кетган, умуман, жуда шинаванда эди. Бир зумда чой дамлаб келди. Дастурхонда голланд пишлогидан тортиб, Украина сарёгийо кийик ўти асалигача бор эди.

Бир-икки пиёла чой ичиш асносида ҳол-аҳвол сўрашдик, ижодий ишлар тўғрисида сўзлашиб ўтир-

дик. Лекин Нурсайднинг тараддудланишларидан менга нимадир айтмоқчи бўлаётганини пайқадим. Дарвоқе, яқинда Тошкентга бориб келганидан хабарим бор эди, сафарининг қандай утгани билан қизиққан бўлдим. У бирдан яна хомуш тортди.

— Ҳа, бориб келдим, — бош силкиди. — Нафисани жойига қўйдик.

Нафиса дўстимнинг қандайдир қариндоши бўлиб, улар пойтахтда бир вақтда ўқишган эди.

— Худо раҳмат қилсин. Мазаси йўқмиди? — дедим шоша-пиша.

— Ҳа, жигардан кетди. Мениям хабарим йўқ эди, ўсма боридийкан.

— Ёмон бало бўлди-да бу ўсма дегани.

— Икки кун аввал, тошкентлик Ҳафиза деган дугонаси телефон қилиб, бир келиб кетсангиз, деб қолди...

— Хуш, хуш? — қистадим Нурсайдни галати бир воқеанинг ҳидини сезгандай бўлиб.

— Яхшиси, сизга бир бошидан гапириб бера қолай, ҳеч ичимга сигмаяпман, — деди дўстим креслога астойдилроқ жойлашиб оларкан. — Бу анча узоқ тарих. Нафиса кичик амакимнинг қайнсингилиси бўлиб, асли Андижонда яшар, опасини кургани биз томонга келиб турарди. Амаким уйланганда Нафиса ун, мен ун бир ёшда эдик. Биласиз, биз у пайтда қишлоқда турардик. Амакимларнинг уйи бизникига яқин, борди-келдимиз ҳам қалин бўлгани учун Нафиса билан ўша ерда кўришиб қолардик. У кўпинча иккинчи опаси билан келарди. Қишлоқда бошқа болалар билан танишмаслиги сабабли мени кўрса суюниб кетарди, лекин буни бошқаларга сездирмасликка ҳаракат қиларди. Чунки унинг опаси келишган ва керилганроқ, анча салобатли жувон эди. Шу боисдан мен ҳам у ерда тортиниброқ турардим-у, аммо ҳар қалай, келинойим Нафиса билан ҳалинчак

учишимизга (мен меҳмон, деб қизни кўпроқ учирардим) ва бошқа ўйинлар топиб ўйнашимизга монелик кўрсатмасди. Чунки у ичкари уйда тўплаб қўйган гапларини катта синглисига тўкишга тушиб кетса, Нафиса нима қилишни билмай, зерика бошларди.

Нафиса асли дадиллигиданми, ўзини эркин тутар, ичкаридан, ўзлари келтиришган пишириқ ва конфетлардан қизил духоба камзулининг чўнтакларига солиб чиқиб, менга ҳам берар, мен ийманиб, аранг олардим. Лекин, ёши улгайган сари қиз қишлоққа камроқ келадиган бўлиб қолди. Мен ҳам энди ҳадеб амакимларникига киравергани келинойимиздан хижолат бўлардим. Қолаверса, мен кийимларимиз, гап-сўзларимиз, юриш-туришимиздаги тафовутни илғаб, англаб борардим. Қўғирчоқдек чиройли Нафиса ҳамини янги ва ўзига жуда ярашимли либосларда келар, менинг эгним эса қишлоқона — кенгроқ, шалвираганроқ, ҳар қалай, ёпишиб турмайдигандай туюларди ўзимга (менимча, аслида ҳам шундай эди, чунки кўпинча акамнинг кичик келиб қолган устбошларини кийиб юардим). Бир куни, еттинчи синфда ўқирдим, дарсдан кейин даладан ўт ўриб келиб, ҳовлига ташлагач, ўша алфозда бир юмуш билан амакимларникига чиқувдим, бирдан Нафисалар келиб қолишса буладими! Қора футболкада, оёғимдаги эски чоригни чанг босган, шимимнинг почаларига лой сачраган аҳволда эдим. Қани энди ер ёрилса-ю, кириб кетсам, дейман. Менимча, баданимдан тер ҳиди ҳам анқиб турган бўлса керак. Ўшандан кейин анчагача амакимларникига қадам босмадим.

Нафисанинг дадаси катта бир дўконнинг мудури бўлиб, уларнинг моддий-молиявий мавқеи бизникида ҳам бот-бот муҳокама бўлиб турарди.

— Мансурбойни (амакимнинг оти) бир омади кеп қолди-да, — деб қўярди отам.

— Ҳавасингиз келяптими, сизам шаҳарликка уйланмаганкансиз-да, шаҳарликлар ашнақа чиройли, бой бўлишади, уларни иш-амали пул топишу яса ниш, бизга ўхшаб тезак ёпишмайди, агарат чопиб, ўт юлишмайди, — дея ғудранди аям.

— Ўзингам аранг турасан-да, мен кесатиб айтяпман, — дерди отам аямнинг кўнглини кўтариш учун, — ўзимиздан қўймасин...

Мен Нафисанинг илтимосига кўра унга бадий китоблар бериб турардим. У олиб кетиб, кейинги сафар келганида асар воқеалари ҳақидаги фикрларини айтар, менинг китоб қаҳрамонларига бўлган муносабатимга қизиқарди. Бир гал унга Тургеневнинг ўзбек тилида босилган, «Ася», «Илк муҳаббат», «Баҳор тошқинлари» ва бошқа қиссалардан иборат китобини берган эдим, ўқиб чиққач, «Ўша асарлардан қайси бири сизга кўпроқ ёқади?» деб сўраб қолди. Менга «Баҳор тошқинлари» қаттиқ таъсир қилган ва уни қайта-қайта ўқирдим. Нафиса унга «Ася» жуда ёққанини айтди. Кейинги гал «Чолиқуши» романи борасида баҳслашиб қолдик. Нафиса Комронни вафосизликда, журъатсизликда айблади, мен эса — Фаридани ўжарликда...

Поччасидан менинг шеър-пер ёзиб туришимни эшитган Нафиса улардан ўқиб беришимни тилар, лекин мен қизнинг бу ўтинчини қондира олмасдим. Машқларимнинг хомлигидан, унга маъқул келмай қолишидан хавотирланиб, ҳар хил баҳоналар кўрсатардим.

Хуллас, биз Нафиса билан тобора узоқлашиб, кам кўришадиган бўлиб борардик. Учрашган пайтларимизда ҳам илгаргидай бемалол очилиб-ёзилиб сўзлашишга нимадир халал берар, гапларимиз унча қовушавермасди. Аммо бир нарса — бир-биримизни кўрганимизда иккимизда ҳам қандайдир илиқлик, яқинликка ўхшаган бир туйғу куртакнинг ниши каби

уч берарди-ю, аммо ҳарорат билан тўйинмаслиги кур-
такнинг амал олишига, илиқликнинг жонланиши-
га монелик қиларди. Иккимизнинг қалбларимиз-
дан сизиб, кўзларимиз, тилларимиз орқали тара-
лишга интилган учқунларни шууримиздаги икки-
ланиш, истиҳола димлаб, тўсиб турарди, назаримда.
Бу менинг мулоҳазам, менинг тасаввурим, албат-
та. Нафисанинг дилидан нималар ўтарди — буни
яхши билмасдим, унинг маъсум нигоҳларидан ил-
гаганларим, уққанларимдан аниқ бир маъно чи-
қаришга қийналардим. Зеро, энди бўйи чўзилиб,
анча тўлишиб қолган қиздаги дадиллик, дангаллик
баҳорги гупуришлардан сўнг узанига росмана мос-
лашиб олган анҳор сувидай сокинлашиб, мавжи
анча пасайиб қолган эди. Энг асосийси, менда умид
ва уни озиқлантириб, қувватлантириб турадиган
омил йўқ эди. Нафиса, бамисоли мен севган, аммо
ҳар қанча чирансам-да, бўйим ҳам, қўлим ҳам ет-
майдиган юксак қояда унган атиргул эди. Уйимиз-
да қиз ҳақида бўладиган гап-сузлар менда шундай
тасаввур уйғотган эди. Бир куни қулогимга тушиб
қолган — онам, кунғлимдан кечаётган ҳолатларни
пайқаганми ё отамни синамоқлик учунми, Нафисани
келинликка мўлжаллаётганини шама қилди, шунда
отам унга жавобан: «Буни хаёлинггаям келтирма,
қудалар катта қизларини қишлоққа узатишганидан
афсусланиб, тилини тишлаб юришганмиш, бунисини
ўлақолсаям бу ёққа беришмайди, кейин улар, ўзинг
айтгандай, баланд дор...» деган эди. Отамнинг гапида
жон бор эди. Ҳовлимиз катта, аммо айвонли бир уй-у
бир даҳлиз ва яна мен уйланишим мумкин бўлган
қўшимча биттагина хонадан иборат яшаш жойлари-
миз ўша даврда бошқаларникига қараганда дурустроқ
ҳисобланса-да, шакл-шамойили, яъни лойиҳаси жу-
да жун, кўримсиз, боз устига эскириб ҳам қолган
эди. Бундай алпозни кўрган шаҳарликларнинг, жум-

ладан келиннинг ҳам пешонаси тиришиб, лаби бурилиши тайин эди. Ўзим ҳам уларни бу ҳолатга олиб киришни хоҳламасдим. Шунинг учун ҳам Нафисани уйимизга ҳеч таклиф қилмагандим.

Ўшандан кейин Нафисани ўйласам, кўзимга ўртамизда ўтиб булмас катта жарлик кўринадиган бўлиб қолган, бу эса мени шаштимдан қайтариб турарди.

Қисқаси, биз энди аҳён-аҳёндагина кўришар ва расмий салом-аликдан нарига утмасдик. Хабарингиз бор, мен икки йил ўқишга киролмаганман — бир гал имтиҳондан йиқилиб, кейинги сафар мандатдан ўтолмай... Учинчи йили омадим чопиб, Тошкент давлат университетига кирганимда Нафиса Чет тиллар институтининг 3-курсида ўқирди. Мен бу борада ҳам ундан орқада қолган эдим. Демак, тақдир ўзи бизни бир-биримиздан узоқлаштиряпти, дея ўзимга тасалли беришга уринардим. Аммо, бир куни қизнинг опаси — Зилола келинойим менга: Нафиса билан бир шаҳарда ўқияпсизлар, ундан хабар олиб, кўз-қулоқ бўлиб туринг, дегандай шамани қистириб ўтди сўз орасида. Шу вайдан дадилланиб, Нафисанинг институтига бориб, уни топдим. Мени кўриб, қизнинг чеҳраси ёришиб кетди.

— Вой, ўлмасам! Сиз?.. Нечук?..

Биз институт ҳовлисининг четрогидаги ёғоч скамейкага бориб ўтирдик. Опасининг гапини айтдим.

— Ҳа, шундай денг, мен ўзича мени истаб кепти, дебман... — Нафиса жиддий тортди ва қўшиб қўйди: — Шунисигаям раҳмат, ахир қариндошмизку, тўгрими?

— Аслида, сиз мендан хабар олиб турсангиз бўларди. Мен Тошкентда янгиман, — ялпизламоқчи бўлдим. — Бу ерниям аранг топиб келдим, — дедим-у, яна ўзимнинг қишлоқлик эканимни писанда қилгандай, хижолат тортиб, мавзуни бошқа ёққа бурдим. — Тошкент — катта шаҳар экан.

— Мен ҳам институтнию ётоқхонамизни биламан, холос. Секин-секин урганиб олармиз, — Нафиса шундай деб, менга илкис нигоҳ ташлади. Юзимга қарадими, эғнимгами, фарқлай олмадим. Уст-бошимни назардан ўтказди, деган фикр яшиндай миямга урди. Тўғриси, кийимим жудайла башанг эмас эди.

Ҳар ҳолда, кўришиб туришга ваъдалашдик.

Бир гал Нафиса ётоқхонамизга келди, ундан кейин мен бордим. Мен Нафиса билан кўчада ун-ун беш дақиқа ҳол-аҳвол сўрашиб қайтардим. Бир сафар ётоқхонасига кирдим. Хонада боя айтган, менга қўнғироқ қилган курсдош дугонаси Ҳафиза билан бирга туришаркан. Ҳафиза хийла шаддод, чаққонгина қиз эди, бизга чой дамлади, олдимизга қанд-қурс қўйди. Ўша куни Нафиса менга «Шеър ё бошқа бир нималар ёзиб юрарсиз», деб, шакл-шамойили ажойиб бир дафтар тўхфа қилди, ҳозир уни сизга кўрсатаман.— Нурсайд ўрнидан турди-да, ёзув столи кўриниб турган қўшни хонадан анча уринган, кулранг бўёқлари ўнгиб хиралашган, четлари титила бошлаган қалин, китоб нусха умумий дафтар олиб чиқиб, менга узатди (Дўстимнинг тезгина чиққанидан дафтарнинг ёзув столи устида туришини тахмин қилдим.) Дафтарнинг қатини очиб кўрдим. Чиндан ҳам унинг тузилиши гаройиб: муқовасидан яхлит кўринар, аммо ичи бошқача — иккинчи ярми бутун, дастлабки ярми кўндалангига тенг иккига бўлинган (яъни кесилган) бўлиб, бир бўлаги телефон рақамлари ва манзиллар, иккинчи қисми эса тезкор хабар ё қисқа фикрларни қайд этишга (ўзимча шундай деб фараз қилдим) мўлжалланган эди. Дафтар деярли ёзув билан тўла эди.

— Ҳа, чиндан ҳам эсдаликка арзийдиган экан, — дедим дафтарни дўстимга қайтариб.

— Борди-келдимиз давом этиб турди, — деди Нурсайд ҳикоясини тезроқ яқунлашга ошиқаётган-

дай. — Кейинги сафар Нафиса дугонаси билан келди. Аммо мулоқотларимиз ҳамон ҳол-аҳвол сўрашдан, Андижонга, хонадону оиламизга оид майда-чуйда янгиликлардан иборат бўларди, холос. Бирор марта Нафисани кино ё ресторанга таклиф қилганимни, бирор сафар унинг ёнига гул ё бошқа нарса кўтариб борганимни эслолмайман, аксинча, бир куни қизни жуда ноқулай аҳволга солиб қўйдим. Ўша воқеа ёдимга тушса, ҳамон ўзимдан жирканиб кетаман. Кунглимда Нафисага айтадиган гапларим куп эди-ю, лекин учрашганимизда уларнинг биттасини ҳам сиртга чиқаролмасдим. Юқорида зикр этилган мулоҳазалар, муносабатлар, қарашлар ва улар билан боғлиқ истиҳолалар ҳанузгача тилимнинг чигали ечилишига изн бермасди. Ўша куни, ёзги сессия имтиҳонларидан бирини муваффақиятли топшириб, кўнгил яқин курсдош йигитлар билан Пушкин боғидаги чойхонада ошхўрлик қилувдик. Табиийки, «қиттак-қиттак» ҳам бўлди. Айнан уша нарса қонимни жўштирди шекилли, дил розларимни изҳор этишга аҳд қилиб, Нафисанинг ёнига жунадим. Кун иссиқ эди, қизариб-бўзариб кетган бўлсам керак, ётоқхона қоровули — ўрта ёшли, миқтигина, қалин мўйлов қўйган, сўхтаси совуқроқ одам афтимга қараб туриб, «йўқ, сизни ичкарига қўёлмайман», деб, темир говни тўсиб қўйди. Мен қаттиқроқ гапирдим, яъни баланд келмоқчи бўлдим. Биласиз-ку, бунақа пайтда одам ўзини шер фаҳмлаб, ҳеч нарсадан тап тортмайди — ор-номусни, гурурни ҳимоя қиламан деб ўйлаб, аксинча, уларни бой бераётганини англолмай қолади. Лекин қоровул ҳам жуда жангарисидан экан, ўзи ҳабашдай қора, чўтир бир нусха эди. Хуллас, бақир-чақир бўлиб, қоровулхонага одам тўплана бошлади. Бир маҳал, ичкаридан чиқишдими, ташқаридан киришдими, Нафиса дугонаси билан пайдо бўлиб қолса бўладими?! Анави шармадаликни

куринг! Нафиса гап нимадалигини англаган шекилли, мени тирсагимдан тортиб ташқарига етаклади. Кучага чиққач, ҳеч нарса юз бермагандай, мендан ҳол-аҳвол сўрашга тушди, лекин менинг асабим бузилган, ўзимни ҳалиям босиб ололмаётган эдим. Тумтоқ-тумтоқ жавобларим ўзимга қуруқ ва ёқимсиз эшитиларди. Нафисага узр айтдим-да, бошқа куни келарман, деб қайтдим. Йул-йўлакай, ётоқхонага келиб ҳам ўзимни роса койидим. Аламимдан яна ичдим. Ўша кеча ухлаёлмадим. «Энди унинг олдига қайси юз билан бораман?» деган савол миямни тинимсиз пармаларди. Анчагача Нафисалар томонга қадам изи қилмадим. Унинг узи икки марта келди, афсуски, ҳар иккала сафар ҳам кўришиш насиб этмади (бир туриб, кўришмаганимизга хурсанд ҳам булардим) — бир гал Андижонга келган, кейинги сафар курсдош оғайним билан киногами, бир жойга кетган эканман. У ёққа эса менинг оёғим ҳамон тортмас, юзимнинг шувутлиги ҳали ювилгани йўқ, қачон, қандай ювилиши ҳам номаълум эди. Ҳеч қачон ювилмаса ҳам керак, деб ўйлардим.

Нафиса ҳам йўқ булиб кетди. Аслида энди йўқлаш менинг галим эди-да. (Мен ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаги гапларни айтяпман. У пайтда телефон деган нарсалар жуда муаммо, ҳозиргидай соткалар қаёқда дейсиз!)

Бу орада ёзги таътил бошланиб, қишлоққа келдим. Нафиса ҳам опасиникига келиб қолармикин, деб қулоқ солиб юрдим. Йўқ, дараги бўлмади. Аммо ҳар замонда ошиқларнинг омад юлдузи балқиб туради деган гап ҳам бор. Таътил тугаб, Тошкентга қайтаётган кезларим амаким чақириб қолди. Зилола келинойим беш-олтита дўлта-ёғли кулча, бир банка сариёғ тайёрлаб қўйган экан, олиб кетиб, Нафисага бериб қўйишимни илтимос қилди.

Талабалар шаҳарчасига борибоқ, юкларимни ётоққа ташладим-да, Нафисанинг ёнига жўнадим. Қо-

ровулхонага секин мураласам, бахтимга қоровул бошқаси экан, суюниб кетдим. Аммо у менга керакли одамнинг йуқлигини айтиб, хоналарининг калитини кўрсатган эди, тарвузим қултигимдан тушди. Нарсаларни қўшни қизларга бериб чиқдим-да, ҳафсалам пир бўлиб, бекатга келдим, трамвай кута бошладим. Бир пайт трамвай ҳам секинлаб келиб, гийтиллаб тўхтади. Олдинги эшикдан чиқишга ҳозирланиб, трамвайдан тушаётганларни беихтиёр кузатиб турувдим, бирдан Нафисани куриб қолдим. Бекатдаги одамларга туртилиб-сурилиб ўша томонга талпиниб бораётган эдим, Нафиса билан унинг ортидан тушган буйдор, келишгангина, фақат юзи рангпарроқ йигит ёнма-ён, ҳозиргина мен чиққан йўлакка қараб юришди. Уларнинг кетидан уч-тўрт қадам босдим-у, елкалари бир-бирига тегиб-тегмай боришаётганини кўриб, беихтиёр тўхтаб қолдим. Биз Нафиса билан ҳеч қачон бу даражада яқин юрмаган эдик, ҳатто скамейкада ўтирган чоғларимизда ҳам орамиз анча очиқ қоларди, деган фикр кечди кўнглимдан. Улар орқасига ҳам, ён-верига ҳам қарашмас, гуё ҳозир икковларининг оламида ўзларидан бошқа ҳеч ким йуқдай эди. Ўша дамларда менинг қалбим бирдан бўм-бўш бўлиб, ҳувиллаб қолгандай туюлиб кетди. Ётоқхонага минг хаёллар билан етиб келдим-у, ўзимни каравотга ташладим. Миямни, онгимни иккитагина сўз эгаллаб олган эди. «Демак, тамом!..»

Дарҳақиқат, куп утмай Ҳафиза келиб, Нафисанинг тўйига таклифнома ташлаб кетибди. Аксига олиб, ўша куни ҳам ётоқда йуқ эдим. Тўйга (Чилонзордаги бир кафедра эди) бормадим. Кейинроқ, кучада Ҳафиза билан тасодифан кўришиб қолувдик, ундан Нафисанинг курсдоши, дугонасининг тасвирлаши бўйича мен трамвай бекатида кўрган йигитга турмушга чиққанини англадим-у, ўшанда аниқ фараз қилганимга ва ўзимни тортиб тўғри иш тутганимга амин бўлдим.

Шундан кейин биз узоқ кўришмадик. Эсласам, уни кўргим келар, юрагим эзилиб-эзилиб қўярди. Олти йилдан сўнг амаким «Нафисахон углига тўй қиляпти, сениям айтиб юборибди, бирга бориб келайлик», деб қолди. Йўқ дейиш унгайсиз, қолаверса, ўзимнинг ҳам Нафисани ва унинг курсдошини, уларнинг ҳаётларини бир кўргим бор эди. Улар Кўкча мавзеида туришаркан. Ҳовли-уйлари ўртача. У маҳалда дангиллама уй-жойлар пойтахтда ҳам кам эди-ю... Нафиса келганимдан хурсанд бўлганини айтди, курсдоши ҳам. У «Нафиса сиз ҳақингизда гапириб туради» деди. Албатта, «гапириб туриш»нинг тафсилоти ни билгим келди, афсуски, бунинг иложи йўқ эди.

Нафиса бироз тўлишганиданми, кўзимга янада кўҳли кўринди. Аммо феъли ўша-ўша — оғир-босиқ, камсухан эди. Куёв эса, аксинча, сергайрат, гапдонроқ экан. Тўй-тўполонда Нафиса билан холи гаплашишга имкон бўлмади. Мен бунга ҳаракат ҳам қилиб кўрмадим, ниманиям сўзлашардик? Лекин, унинг айвондан у ёқ-бу ёққа нарса кўтариб ўтаётганда биз ўтирган уйга очиқ деразадан бирров нигоҳ ташлаганига кўзим тушганида юрагимнинг сал ҳаприққанини сезиб қолардим. Бироқ хайрлашаётганимизда Нафисанинг бизни бепарволарча, ҳамма қатори кузатганидан, демак, юрагим янглишибди, деб ўйладим-да, бир узун энтикиш ва уҳ пуркаш билан қалбимнинг туб-тубида ётган армонлар губорини пуфлаб юбордим-у, қандайдир енгиллагандай, кўксимни эзиб турган оғир юкдан ва сиқилишдан халос бўлгандай туйдим ўзимни.

Кейин яна бир бора кўришдик — қишлоқда. Амакимлар ўғил уйлаганда Нафиса аяси, ўртанча опаси ва бошқа яқин қариндошлари билан келган эди. Бу сафар ҳам биз шунчаки ҳол-аҳвол сўрашдик. Ана шу бўйича қайтиб учрашмагандик. Ўртамизда ҳеч нарса бўлмаган, деб ҳисоблаб, бунга ўзимни аллақачон

кўниктириб олган эдим. Нафисаларникига ҳам қайтиб бормайман, деб қуювдим. Аёл кишининг утинчини рад этиш қийин экан. Қолаверса, Ҳафизанинг маҳзун, титроқ овози менга «Али Қамбар» куйининг оҳангини эслатиб юборди. Мен бу титроқли ва ҳазин куйни яхши кўраман. Уни тингласам, кўзимга олис утмишларда кўксини чангаллаб оқ урганича тупроққа бош қўйган ошиқлар кўриниб кетади.

— Нафиса оғир ётибди, — деди мени келишган жойимизда — Хадрадаги «Ватан» кинотеатри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) олдида кутиб олган Ҳафиза. Аъзойи баданим титраб, юрагим музлаб қолгандай бўлди. Лекин ҳолатимни Ҳафизага сездирмаслигим керак эди. Унинг «Ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ», дея эътироз билдиришига қарамай, дўкондан бир даста атиргул сотиб олдим. Нафисанинг шу гулни яхши кўриши ҳақида гапиргани эсимга тушиб кетган эди.

Нафиса биз келганимизда чойшабни кўксидан пастроққача тортган ҳолда ҳоргин, маъсум кўзларини шифтга тикканича ётар, кўкси енгил, сезилар-сезилмас кўтарилиб тушарди. Бурма ёқали оппоқ куйлаги ва юзига ним ранг уфуриб турган қизгиш, юпқа шарф-рўмол чала ёпиб турган чаккаларидаги оқ оралаган сочлари уни жозибали ва улугвор қилиб курсатарди. Яноқлари сал сўлинқираган бўлса-да, аввалги латофатини йўқотмаган эди. Назаримда аёлнинг куч-қуввати, шижоатини сусайтирган хасталик унинг ҳусни-тароватига путур етказишга ожизлик қилган эди.

Ҳафиза каравот узра энгашганича дугонасининг юзларидан ўпиб, гулдастани унинг ёнбошига ётқизиб қўйгач (шу аснода у Ҳафизанинг қулоғига нимадир деб пичирлади, мен гул ҳақида гапирганини тахмин қилдим), каравот ёнига қалин гилам устидан тўшалган оҳорли лас кўрпачаларга омонат чукиб, юзимизга фотиҳа тортдик. Нафиса бошини биз томонга буриб олган эди.

— Хуш кепсизлар, — деди. Аранг эшитдим. Унга Худодан шифо тиладим. Эри «Мен ҳозир...» — дея ташқарига йуналди. Нафиса дугонасига «қарашиб юбор», дегандай имо қилди. Ҳафиза ҳам турди.

Нафиса «гилт» этиб ютинди. Ёнига узатилган чап қулини секин пастга тушириб, мен томонга чузгандай туюлди, мен унинг қони қочган нафис бармоқларидан омонат тутдим. У кафтимни кучсизгина қисиб қўйди-да, қулини тортиб, куксига қўйди. Бир оздан сўнг Ҳафиза билан Нафисанинг эри (исми Эркин) олдинма-кетин чой, патнисда ҳар хил емиш-ширинликлар кутариб киришди. Мен бу ерда узоқ ўтиролмаслигимни англадим. Кўнглим тўлиқиб, мижжаларимга ёш сиза бошлаганини ҳис этиб турардим.

Уша кеча меҳмонхонада қолдим. Эрталаб, соат олтиларда Ҳафиза телефон қилди. У ҳеч нарса гапирмас, фақат ҳиқиллаб йигларди.

Майитни қабристонга олиб кетаётганимизда Ҳафиза кечаги гулдастани менга тутқазди.

— Қабрга қўясиз. Кеча Нафиса менга тайинловди, — деди.

Гулбарглар шудрингда қолгандай ивиб кетган, назаримда унга анчагина кўз ёшлари томган эди.

Нурсайд юрак ҳапқиригини босиш учунми, ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Мен уни кўнглимдан бутунлай чиқариб ташлаганман, деб юрардим, — деди у рўмолчаси билан кўзларини артиб.

— Ҳа, таъсирли воқеалар, тайёр ҳикоя экан, — деб бош чайқаб қўйдим.

— Сиз ёзинг шуни, — деди дўстим бирдан жонланиб.

— Узингиз-чи?

— Йўқ, мен ёзолмайман. Бардошим етмаса керак.

— Афсус, билганимда магнитофонга ёзиб оларканман, — дедим вазиятни сал юмшатиш мақсадида. Лекин Нурсайд жилмаймади.

2015 й.

ЖУМА ЁМФИРИ

У жазм қилган ишига икки кундан бери тайёр-гарлик кўрарди. Аввалги куни ҳовлини айланиб, бежо ётган ўтин-чўп ва бошқа майда-чуйдаларни йиғиштириб саранжомлади, кучи етмаганларни ўглига буюрди. Келинга ҳовли анча ивирсиб кетибди, эртага супуриб-тозалаб қўйинг, деб тайинлади. Кеча тунда ҳамма ухлагани ўз уйларига чиқиб кетгач, катта сандиқни очди, ўлимлигига йиғиб юрган нарсаматоларни кўздан кечирди. Ҳаммаси жойида, бешта юз долларлик пул ҳам қўйган урнида — оқ сурп қатида турибди. Чўнтагида бор сумларни ҳам олиб қўшиб қўйди. Чамаси, етарли, етмаса, бир гап бўлар...

Анчадан бери жума кунини мулжаллаб юрарди.

Кеча эрталаб сартарошда соч-соқолини олдирди. Кейин шаҳарга кетди. Бозорга эмас. Сарой деган мавзедаги болалигидан маълум ва маъқул ҳаммомга тушиб, покланди. Уша ерда ички кийимларини алмаштирди, оҳорли яктак кийди. Уйда пайшанба деб палов дамлашган экан, емади, енгилроқ, ҳам ични тозалайди, деб, келинига бир сиқим гуручга ширингуч пиширтди, аммо барибир таъби тортмади, учтўрт қошиқ тановул қилган бўлди. Кичкина-шуқатой ўгил неварасини сустгина суюб-эркалади. Ўглига нималарнидир уқтириб-пишиқтириб қўйиш фикри йўқ эмас эди. «Ўлим ҳақ. Қазоим етиб қолса... ҳар пайшанба эҳсон қилиш, кўп одам йиғиш шартмас, қурбингга қараб, ҳар замонда беш-тўрт одамга икки-уч товоқ ош бериб, дуойи фотиҳа қилдириб қўйсанг, бас», демоқчи эди. Аксига олиб, шу куни ҳам букиб ичган шекилли, уйига кириб, гумдон бўлиб кетди. Ўзи уни «Ичиб келган кунинг кўзимга кўринма», деб огоҳлантирган эди. Ҳа, майли, барибир ўргатадиганлар кўп. Имом-домлага ўхшаган, «Ота-буванг

қилганини қиласан-да», дейдиганлар бор. Лекин лаҳадга қўйишни маҳалладаги энг тўғри, ҳалол одам, улим-йитимларда доим камарбаста булиб турадиган Шаҳобиддинга, омади гап, деб айтиб қўйган. Шунини эслаб, таскин топди.

Хуфтон намозларини шошилмай ўқигач, жойнамоз устида утирганича ўтган умрини ҳисобкитоб қилиб чиқди, қариндош-уруғлар, ёру биродарларини, оласа-бераса қилиниб юрган олиб-сотар ҳамкорларини бир-бир кўз олдига келтирди. Бирон кимсада йирикроқ ҳаққи ё қарзи борлигини эслолмади. У асли қарз деган нарсани ёмон кўрарди, ўглига ҳам бировда ҳаққинг қолса-қолсин, қарзинг қолмасин, деб тайинлагани-тайинлаган эди.

Ярим тунда туриб олди, бомдоддан кейин «Ихлос» сурасини минг марта такрорлади, калима келтириб яна анча утирди. «Ҳазрати Ёсин»га сабри етмади. Тонг оқариб қолаётганга ухшади. Ҳавонинг авзойи бузилганини кўриб, бир зум иккиланди, кейинги жумага қолдирсаммикин, деди, яна фикридан қайтди. Ёмғир — оби раҳмат, айниқса, жума кунгиси...

Ўз ҳужрасидан сассизгина чиқиб, енгил шиппак кийди. Айвон четидаги устунлар орасига тортилган сим дордан ўглининг бир пой қора пайпоғи ерга тушиб кетган экан, қоқиб-силкиб, жуфтнинг ёнига илди. Дорда оппоқ майка ҳам ёйиглиқ эди, олиб юзига бирпас босиб турди-да, уни ҳам гижимланган бўйи жойига қайтариб ташлаб қўйди. Кейин ўгли ва келини ётадиган хона томонга куз югуртирди, чироғи учиқлигидан хотиржам тортгач, зинадан оҳиста пастга тушиб, томорқа сари юрди.

Ёмғир битта-иккита томчиларди...

Томорқага утиладиган, азбаройи эскилигидан ранглари ўчиб, қуриб-қақшаб кетган, қийшайиб, таг томони ерни сирпайдиган булиб қолган пастак эшик гийтилламаслиги учун уни ёғоч тутқичидан тепага

оҳиста кутариб очди-да, ичкарига оёқ қўйди ва икки қўллаб, қандай очган бўлса, шундай, аммо мумкин қадар зичлаб ёпиб, йилтиллаб турган занжирни мих илгакка солди. Хаёлидан бу илгак, занжирни нимага қўйишувдийкин, деган фикр кечди ва болалик пайтларида томорқанинг қургон эмаслиги, яъни тўрт томони девор билан уралмагани ёдига тушди. Авваллари қишлоқ хонадонлари иккига бўлинар — ички, олди қисмида уй-жойлар, саҳнда эса узум ва бир-икки туп олма ё беҳи, қолган барча мевали-мева-сиз дарахт, экин-тикин ҳовлининг иккинчи қисмида — иморатлар орқасида бўлар, шунинг учун ҳам у ёқ томорқа (яъни томнинг орқаси) дейиларди. Уйлар четидан қўшни хўжалик чегарасигача давом этган ўқ деворнинг қулай ерига юқоридагидай дарча-эшик қурилар, ҳожатхона ҳам ана шу девор ортида, яъни кўздан панароқда бўларди.

Орқамда шарпа йўқмикин, дея, дароз қаддини энгаштириб эшик тирқишларига қулогини бирпас тутиб турди ва олдинга, яъни томорқанинг этак тарафи томон қадам ташлади.

Сўқмоқ энсиз бўлиб, икки қиргогини ажриқ босган, ажриқ орасида ўриб ташланган гўзагар, талха ва бошқа ўсимликларнинг чукарлари тиккайиб турар, шунинг учун аста, авайланиб юришга тўғри келарди. Сирасини айтганда, у шошаётгани ҳам йўқ.

У томорқа — бог этагидаги анча илгари кўз остига олиб қўйган ва ўшандан бери у ерга бот-бот ўтиб, азмойиш олиб келаётган жой — ўзи каби қари субҳони урик дарахти остини кўзлаб борарди.

Бу режа унда бир йил аввал қатъийлашган, бундай савдоларга сабаб бўлган ҳодиса эса роппа-роса қирқ йил бурун рўй берган эди. Ҳозир етмиш бешга кияпти, демак ўшанда айни қирчиллама ёшда — ўттиз бешда бўлиб, ҳозиргидай огир-босиқ эмас, сергайрат, шиддаткор ва анча гердайган эди.

Бултур қушни қишлоқдаги бир эҳсонда қотиллик ҳақида гап кетди. Жуда кескин фикрлар айтилди.

— Одам улдириш исломда энг огир жиноят — гуноҳи кабиралардан бири, — деди бирови.

— Ҳа, тўғри айтасиз, ҳар қандай осий банданинг гуноҳи кечирилиши мумкин, илло ширк келтирган билан бировни ноҳақ улдирганники афв этилмас экан, — қувватлади бошқаси.

— Қандай номаъқулликки, узига ўхшаган бир бандани жонидан айириб, унинг хотинини тул, болаларини етим қолдириб, беш-олти йил ўтириб чиқишади-да, яна ҳеч нарса курмагандай, маҳаллада бемалол бош кўтариб юраверишади. Пайгамбаримиз эрининг хунини талаб қилиб келган бир аёлнинг қўлига қилич тутқазиб, мана мен тайёрман хун тўлашга, деган эканлар. Ҳозир шунақа одам борми?.. Жазодан қутулиш учун жиннихонага ётволишданам тойишмайди.

Луқмалар унга жуда огир ботди, жон-жонидан утиб кетди. Худди уни назарда тутишгандай... Сенга тегишли бу, эшитиб қўй, дейишгандай. Ростданам, билиб гапиришдимиз, билмайми, у англамади. Бир кўнгли, ҳа, атайин сенга тегизиб гапиришяпти, деса, бир кўнгли «У булиб ўтган ишларни булар эшитишмаган, энди, бир омади гапни айтишяпти-да. Ўзимизни қишлоқдагилар ҳам аллақачон эсдан чиқариб юборишган...» дея уни овутарди. «Лекин ўзингнинг ёдингдан кўтарилгани йўқ-ку, доим ич-этингни еб юрасан-ку», дерди бошқа бир овоз кесатиб. Аслида бошқалар ҳам унутмаган экан...

Чорси шаклидаги, жаннатнинг бир парчасидек томорқа ҳам иккига бўлинган булиб, дарчадан тўғри йўлак очилган, ўнг томон анорзор, чеккароқда икки-уч туп анжир ҳам бор эди. Чапда эса анвойи мевалар: қўқон гилос, хурмо, олма, шафтоли, икки-уч нав урикнинг энг каттаси — энг этакдаги девор-

га ёпишиб усган, шохлари тарвақайлаган, танаси бақувват субҳони эди. Унинг ёнбошга кетган йугон бир шохи ниятини амалга ошириш учун жуда қулай булиб кўринарди.

У айбдорлигини, жиноятининг қанчалар огирлигини ўзи ҳам тан оларди. Умрига зомин бўлган ҳаммаҳалласининг ўгил-қизларини кўрса ўзини қаёққа уришни билмай қоларди. Кечалари уйқуси учиб, ташқарига айлангани чиқаркан, юлдузларга тўла сирли осмонга, қора тунни нурафшон айлаган тўлин ойга тикилиб, бир мўмин бандасини шундай мўъжизалардан маҳрум этгани учун Парвардигордан мағфират тилаб, илтижо қилар, пуштипаноҳсиз, бош эгасиз қолган бева-бечора онани, норасидаларни ўйлаб юраги эзиларди. Ўша — ўтган йилги, қўшни қишлоқдаги издиҳомда айтилган, унга калтак бўлган, юрагига тигдай теккан дашномлардан кейин энди ёруғ дунёда яшаши қийинлигига ақли етган ва қарийб қирқ йилдан бери бот-бот дилига ғулу солиб турадиган васвасага бўйин эгиш мавриди келганлигига ишонч ҳосил қилган эди. Лекин хотини ўтиб кетгач, унга қарайдиган — кирини ювиб, овқатини пишириб, ётар кўрпасини тушаб-йигиб қўядиган не-вара қизининг сепи тайёр эмас эди. Ўгли узига ухшаб арақхўр чиқди. Тўғри, у ўглининг ҳозирги ёшидан (қирқ бешга бориб қолди) анча илгари, аниқроғи, бошига ўша машъум кулфат тушганидан кейин, оғзига шайтоннинг сувидан бир қултум ҳам олмай қўйган, чекишни ҳам буткул ташлаган эди. Аммо арзандасини ҳеч йўлга сололмади. Унга қаттиқ тегишдан ўзини тияр, чунки одамкушлик балосидан сўнг Аллоҳнинг бирон бандасини «сен» демайман, деб ўзига-ўзи сўз берган эди.

Буни қарангки, унинг отаси ҳам ичувчи, яъни бу «касб» уларга ота-бобо «мерос» эди. Падари бузруквори шаҳар бозорида қовун-тарвуз олиб сотарди.

Унинг ёнида юриб савдо-сотиқни, яъни деҳқон билан савдолашишни, таллашиб-тортишишни, қисқаси, арзонга олиб қимматга пуллашни ўрганди, мева-чева бозорига ўрнашиб олди. Отасидан кейин ҳам шу «ҳунар»ни давом эттириб, шу йўл билан тирикчилик ўтказарди. Аммо жонини жабборга бериб юбормасди. Фазилат билан иллат — ўт билан сув, иккиси бир вужудда макон қурса-да, ҳеч қовушмайди, аксинча, иккаласи икки томонга тартади — фазилат фазилатга етаклайди, иллат иллатга судрайди. Ишёқмаслик ичкилик билан топишди. Ичкилик уни қартабозларга ошно тутинтирди. Тўғри, улар катта гардкамчи эмас, савдо юришмай қолган кезларда эрмакка беш-ўн сўмдан тикиб ўйнашарди, холос. Аммо кўнгилсизликлар, фожиалар арзимаган нарсалардан бошланади. Қартабозлик ҳам ичкиликка, гиёҳвандликка ўхшаган гирдоб — ўртасига тушиб қолган кимсанинг омон чиқиши даргумон, аксинча, унинг бир фалокатга гирифтор бўлиши ҳаётда кўп исботланган.

У қамоқдан келганида йигирма олти ёшли ўғил кашандаликка, майхўрликка муккасидан кетиб бўлган эди. Фарзанди унинг тарбиясини олмади, халқ таъбири билан айтганда, ота тийигини емади, қиблагоҳ ёлғизгина жигаргўшасини едириб-кийдиролмади, уйланишида ҳам асқатмади. Бу ташвишларнинг бари шўрпешона хотинининг зиммасига тушди: у ҳовлидаги меваларни (яхшиям ота-боболари экиб кетишган экан) тирноқлаб парваришлар, қуш-паррандалардан қўриб, сотиб рўзгор тебратарди. Ўғлини ака-укаларининг ёрдами билан уйледи. Аслида, туйни отаси келганда ўтказишни мулжаллашувди, келиннинг хаста онаси кўзим очиқлигида қизимнинг тиниб-тинчиганини кўрай, деб, қўймади. Хуллас, унинг тили ҳам қисик, ўғлига қаттиқ тегишга ҳадди сизмасди. Яхшилик билан кўп

айтиб кўрди, ерга қараб, «хўп-хўп» деди-ю, ўзгармади. Элликка киряпти.

Ўша воқеадан кейиноқ эр-хотин уртасига совуқчилик тушиб, оилавий муносабатлар дарз кетган, хонадондан ҳаловат, тотувлик йўқолган эди, у қамоқдан қайтганда ҳам илиқлик тикланмади. Аёл жуда азобланиб яшарди: у ёққа қараса — жигарлари, бу ёққа қараса — эри ва болалари. Бечора икки ўтнинг орасида куйиб-ёниб адойи тамом бўлди. Одам нима учун яшайди — оила қуриш учун. Ҳаётнинг мазмуни — оила. Оила — энг аввало, умр йўлдоши, танмахрам. У бўлмагандан кейин оила ҳам йўқдай гап экан.

Бошқага уйланиши қийин бўлди. Одам ўлдириб, салкам ун беш йил утириб чиққан қотил билан бир дастурхондан овқат еб, бир ёстиққа бош қўйишни тасаввур қила оладиган кам. Ниҳоят биттаси таваккал деб, розилик берган эди, кечалари босинқираб, чўчиб уйғонавергач, «Мениям бугиб-нетиб қўйса-чи?..» деган хавотирга тушиб, кетиб қолди. Азбаройи, тирикчилик учун бозорга чиқадиган мумин-мусулмон бир аёл билан ҳамдард, ҳамҳасрат бўлиб, унга умид боғлаб, жувон ҳам мойиллик билдириб турувди, кимдир қулоғига шипшитиб қўйганми, бирдан ўзини тортиб қолди. Шундан кейин тақдирга тан беришдан ўзга чораси йўқлигини англади. Шундан буён сўққабош, ичонгир ўғли, келини, уларнинг фарзандлари — икки қизи ва бир ўғли билан умргузаронлик қилишади. Унга қарашга эса неварақизларининг каттаси тайинланган. Аёлининг эзилиб, касалланиб ёруғ дунёни барвақт тарк этишига (марҳум унинг суюкли, ёлғиз тоғаси эди), ўглининг хулқи ўзгармаётганига (балки у отасининг жиноятидан, қамалишидан орият қилиб, алаmidан ичар, балки кимлардир «қотилнинг боласисан-да», дея юра-

гини эзишар...) узини айбдор деб биларди. Лекин, барибир маҳалла-куйдан хижолат чекарди. Ҳожи одамнинг фарзанди-я...

Каъбатуллоҳни зиёрат қилиб, ҳаж амалларини ўтаганлар бутун гуноҳлари тўкилиб, онадан янги тугилгандай покланади, деган гап унга умид, илинж бағишларди. Куп қийинчиликлар билан рўйхатга ёзилди. Судланганим учун бу қутлуғ ибодат ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилганмикинман деб қўрқувди. Олти йилда навбат келди. Шукр қилди. Аллоҳнинг уйдан ўзича енгил тортиб қайтган эди. Масжид имоми жума маърузаларидан бирида «қони ноҳақ тўкилган одамнинг хуни ювилмайди», дегандан кейин тарвузи қўлтиғидан тушиб юрган эди (масжидга ҳам қатнамай қўювди), юқорида зикр этилган йигиндаги муҳокама ва ҳукм дард устига чипқон бўлди.

«Ҳа, демак, бу дунёда яшашга чиндан ҳам ҳаққинг йўқ экан», дегандай бўларди кимдир.

— Одам ўлдирган бир менми? Дунё қотилларга тўлиб ётибди-ку? Чингизхон, Гитлер, Сталин миллионлаб одамларни қириб ташлашган-ку?!

— У бошқа масала, улар мусулмон эмас эди.

— Фақат мусулмон одам ўлдирса гуноҳкор бўладими?

— Ҳамма гуноҳкор бўлади, айниқса, мусулмон...

Шунақа пайтда узини қаерга қўйишни, бошини нимага уришни билмай қоларди. Устига-устак, марҳумнинг ўғил-қизлари йўл-чўлда рўпара келиб қолишганда ошкора терс қараб ўтишса, баттар ичидан зил кетарди.

Ҳа, бу ёқда — очиқда у нафратли қарашлар таъқибига дош бериш мушкуллигини, таъна-маломатлар найзаси қамоқ жазосидан-да ўткир ва шафқатсизлигини, одамнинг қалбини вайрон, юрагини мажруҳ қилишини обдан тушунди. У ёмғирдан қочиб, дўлга тутилгандай ҳис этарди ўзини. Айниқса,

марҳумнинг тунд башарали кичик ўгли унга «қаримта қайтадиган дунё бу, бир кунмас-бир кун сендан албатта отамнинг учини оламан» дегандай, қовогини баттар уюб, уқрайиб тикилар, қасоскорнинг энги ичида тигли бир ярог яшириндай туюларди. Аслида, у турмадалигида ўлганнинг аламзада фарзандлари оиласига, хусусан ёлғиз арзандасига бир зиён-заҳмат етказиб қўйишларидан чўчирди. Бахтига у хавотирланган кор-қол юз бермади. Очиққа чиққач, балки қариндошлик туйғуси йигитларни ёвуз ниятларидан қайтаргандир, эҳтимол ўзимдан қасд олишни чоғлаб юришгандир, деган гумон пайдо бўлди. Уларнинг гезариб, хўмрайиб қарашдан нарига ўтмаслиги эса унга таскин бермас, аксинча, шубҳаларини кучайтирар, бу машъум воқеа ҳам қачондир содир бўлиши мумкин, деган ҳадик ҳеч тарк этмасди уни. Кутилган, аммо қай тарздалиги номаълум кўнгилсиз ҳодисанинг чўзилиши, сурункали таҳлика одамнинг жисми ва юрагинигина эмас, балки руҳиятини ҳам пажмурда қилиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Шаҳарданми, бошқа қишлоқданми уй сотиб олиб, кўчиб кетишни ҳам куп мўлжаллади. Лекин шаҳардан жой олишга қурби етмас эди. Бошқа қишлоққа кўчиб борса, ёши бир жойга етган одам ёт маҳалла аҳли билан киришиб, сингишиб кетиши қийин, қолаверса, у ердагилар ҳам «Ким экан?» «Қаердан келибди?» «Нимага ўз юртини ташлаб чиқибди?» деб сўраб-суриштирамайди, дейсизми?

Гоҳо-гоҳо, ёвқарашлар, писандалар, таъналар жонидан ўтиб кетганда қабристонга борарди-да, марҳумнинг гўрига бош уриб йиглар, ундан афв этишини сўраб ялиниб-ёлворар, руҳининг безовта бўлмаслигини, болаларига тасалли беришини ўтинарди. Жабрдийда қасосчилар сал шаштидан тушармикин, деб бир-икки марта ўғлидан майда-чуйда ўтказиб юборди, лекин уни ҳайдаб солишибди.

«Отамизнинг қотили берган нарсани ейишдан ҳазар қиламиз, итимизга ҳам раво кўрмаймиз», дейишибди. Ўз қишлоғида ҳам туй-ҳашам, маърака-маросимларга аралашидан безиллаб қолди. Телевизорда кино бошланиши билан ўрнидан туриб кетарди — одам ўлдириладиган саҳна-ҳолатларни юраги асло кўтармасди. Кучада бошқалар ҳам бир-бирини нуқиб уни кўрсатишаётгандай, «анави-да, фалончининг қотили», дейишаётгандай туюларди.

Назарида энди унга биргина йўл қолган, бу — дор остига элтадиган йўл эди.

Дарчадан субҳони ўрик тагигача бўлган суқмоқ калта, нари борса, икки-уч дақиқалик масофа эди, аммо баъзан ана шундай қисқа манзилга етиб бориш ҳам ўнғай бўлмаслигини шу куни фаҳмлади.

У эсини танигандан бери Худодан жон қарздорлигини ёдлаб-уйлаб, ҳис этиб юрар, бахтсиз ҳодисадан кейин эса бу ҳисобга бандасидан ҳам жон қарздорлиги қўшилган эди. Бу икки зил юк унинг елкасидан тегирмон тошидай эзар, маҳбуслар гарданига солинадиган гул сингари қисиб, эркин, бемалол қадам ташлашга, ҳатто нафас олишга ҳам монелик қиларди. Масжиддаги маърузадан, издиҳомдаги таъна, танбеҳдан сўнг, энди уша қиёмат қарзларни узиш, мажбуриятни зиммадан соқит этиш муҳлати етиб келди, шекилли, деган уй шууридан кетмай қўйди. Дўппини олиб, бундоқ уйлаб кўrsa, жамиятга, эл-юртга ҳам на ўзи ва на ўғли тузукроқ бир наф етказмабди. Лекин назарида набираси олдидаги бурч ҳаммасидан муҳимроқ, ҳаммасидан зарурроқ эди. Маъсума қиз ўн-ўн бир ёшидан бошлаб, яъни етти-саккиз йилдан бери унга сидқидилдан хизмат қиларди. Унинг бўйи етиб, турмушга узатадиган палла яқинлашиб қолган, аммо сеп-сидирғаси, уларга қўшиб берадиган ҳеч вақолари йўқ, ичувчи, иши юришмаган ўғлининг сабзифурушлик қилиб топга-

ни булажак келиннинг ҳозирда урф бўлган мебели (девор шкафи), кийим-кечаги тугул, кўрпа-тушаги, пардасига етиши ҳам даргумон. Шунинг учун етмишдан ошган одам яна белни маҳкам боғлаб, бозорга чиқиб кетган эди. Ҳар қалай, бу соҳадаги уқуви, кўп йиллик тажрибасига ишонса буларди. Бозорни-ку, умуман ташлагани йўқ эдику-я, аммо шу пайтгача эрмак учун, вақт ўтказиш учун йигинларда камроқ қатнашиш, маҳалла-қуйдагилар, хусусан марҳумнинг яқинлари назаридан узоқроқ бўлиш учун шаҳарга бориб, савдо қилса қилиб, йўқса чойхонада ўзига ўхшаган бекорчилар билан валақлашиб, кунни кечкиртириб қайтиб келарди. Энди астойдил киришмаса булмаслигини англаган, невара-қизни бечора, уксик ҳолда ташлаб бу дунёни тарк этиш яна бир номардлик, яна бир ноҳақлик бўлади, деган фикрга келган эди. Аксига олиб, бирон ташкилот ё хўжаликда тузук-қуруқ ишламагани учун нафақаси ҳам ҳамин қадар — энг кам иш ҳақи миқдориди эди. Энди уйдан саҳар чиқиб кетиб, тонг қоронгусида бозорнинг катта, асосий дарвозаси олдида қишлоқлардан ёнгоқ мағизи, мева-чева ё бошқа маҳсулотларни олиб келадиган деҳқон, боғбонларни кутиб туришадиган ва енгил машиналар яқинлашиши билан уларга аридай ёпирилиб, молни эгасидан арзон-гаровга, қарийб юлқиб олишадиган ҳақиқий олиб-сотарлар — бозорнинг дарвозасини очиб, кечаси беркитиб кетадиганлар (ёш йигитлар, ўрта ёш аёллар, катта эркаклар) қаторига бир амаллаб (ҳаммани ҳам сигдиришавермайди) қўшилиб олди. Бу унинг ёшига, оппоқ соқолига, сохт-сумбатига муносиб юмуш эмаслигини яхши туярди. Лекин, бошқа қандай чора бор? Бошқа нима ҳам иш қиларди?.. Нима бўлса ҳам чидайди-да. Осон овқат борми? Ҳеч йўқ, мебелига етгулик маблаг тўплаб берса, қолганини отаси қарз-ҳавола кўтариб бўлса ҳам амаллар...

У хаёлан ўзи билан ўзи музокара қилиб, икки-ланиб-иккиланиб, орқасига қараб-қараб, секин-секин қадам босар, ички нимчаси остидан белига ураб боғлаб олган канождан тўқилган арқонни ушлаб-сийпалаб қуяр ва яна узини, хаёлларини тафтиш қилишга тушарди.

Хуп, мен-ку бир банданинг ҳаётига билмасдан, тасодифан зомин бўлибман, аслида, Худо шоҳид, бунақа ниятим йуқ эди, йиқилиб жони узилди, фақат йиқилишига менинг шапалогим сабаб бўлган, дейлик. Анави «доҳий»лар-чи, миллион-миллион одамларни билиб, атайин, қасддан қириб ташлашган-ку?! Қанчаларини тириклайин кумиб ё ёқиб юборишган. Улар орасида юз минглаб бегуноҳ норасидалар, аёллар, кекса-нотавонлар бор эди. Яна қанча-қанча инсонлар ўша подшоларнинг нобоп-ноқобиллиги, нодонлиги туфайли очликдан, қаҳатчиликдан ўлиб кетишди. Шунча одамнинг ёстигини қуритганлар ҳеч қанақа жазога тортилишмади-ку?! Тўғри, уларам ниятларига етишмади — осмонга устун бўлишмади. Уларниям икки қўли бошида кетди, бегуноҳ одамларни қириб-қақшатиб йиққан бойлиги, мол-дунёси, «донғи» ҳеч нарсага асқатмади, лекин қилмишларига яраша азоб-уқубат ҳам тортишмади...

Сўқмоқда ҳам қадамини тезлатишга халал бердиган нарсалар кўп эди. Кеча кечки пайтки қаттиқ шамолда ёнғоқ, ўрикдан синиб, узилиб тушган, ўша тўзонда ёпирилиб тукилган ҳул-қуруқ япроқлар кўрпаси орасида ярми кўриниб, ярми кўринмай айқаш-уйқаш бўлиб ётган чакалаксимон шох-шаббалар оёқларига ботар, уларни четга олиб ташлаш учун ҳадеганда тўхтаб, эгилишга тўғри келарди. Бошқа маҳал бўлганда бу ўтин-чўпларни бир жойга йиғиб қўйиш лозим эди, келини тутантириққа ишлатарди. Илло, ҳозир шошиб турар, ўгли ё келинининг гисираган товушни эшитиб, эшик тирқишидан ё де-

вор оша муралаб қолишидан хавотирда эди. Ҳолбуки, майда ва сийрак ёмғир зарраларининг баргу хазонларга урилиб заиф шитирлашидан ўзга бир сас йўқ, атроф тонг олдидан бўладиган зариф бир сокинликка чулганган эди. Лекин бу, ёмғир ҳидини инobatга олмаганда, кунгилга ҳуш ёқадиган осойишталик эмас эди.

Бирдан оёқлари чалишиб кетаётганини сезиб, ўзини тетикликка солди ва елкаси оша орқасига бир ҳуркак назар ташлаб қуйгач, суқмоқни эҳтиёткорлик билан тозалаб, юришда давом этди.

Рутубатли куз кунлари эди. Ёмғирли изгирин найзалари юпқа барра чопонни тешиб утиб, баданга тикандай санчилар ва сескантирарди. Шунга қарамай, боғдаги мевасидан енгиллаб, шохлари тиккайган ўрик, шафтоли, анор дарахтларининг ҳали ивиб улгурмаган, кечаги шамолда омон қолган, пушти, зардоли, олтин рангларга дунаетган япроқлари янада тозариб, янада тиниқлашиб, товланиб, кўзни оладиган даражада чиройли кўринар, фақат кечагина оламни яшил либосга буркаб дилларни яшнатиб турган, бандидан барвақт узилиб, хазон номини олган баргларнинг, саргайиб, учлари ерга бош қўя бошлаган турфа хил кўкатларнинг оёқ остида зорлангандай, гисирлаб синиши нохуш, аянчли эшитиларди. У ёқдан-бу ёққа ёпирилиб учаётган тўсдай қора қаргаларнинг ҳали қиш келишига анча вақт бўлишига қарамай қағиллашида, яъни, одамларнинг айтишича, «қор, ёғ, қор, ёғ» дея ўтинишларида илинж, умидворлик бордай туюларди. Бечоралар қор ёғиб, гўнглар кўмилса, айнан ўзларига қийин бўлишини идрок қилмайдилар-да. Бу уларнинг нодонлигидан бўлса керак. Ҳар қандай жонзот фақат ўз зиммасига юкланган, табиати, феълига хос вазифани адо этади-ку. Балки бунда ҳам бир сир, ҳикмат бордир. Эҳтимол, балки ана шу нодонлиги туфайли

қаргалар узоқ умр кўришар... Ерни қор босса, жамики қуш-паррандалар инига уриб кетиб, ҳамма егулик уларга қолар...

Шунча беҳисоб жониворлар ҳам умри билан, ризқи билан яратилган-а. Яна, қаргаларнинг турдошу нотурдошларидан ҳаддан зиёд узоқ — тахминларга қура, уч юз йил яшаши-чи... Зерикиб, тўйиб кетмасмикин ҳаётдан? Худо берган умрни яшайди-да. Демак, зерикишга, ҳаётдан тўйишга ҳақлари йўқлигини ҳис этишади. Қолаверса, қушлар ва бошқа жондорлар бир-бирини улдиришмайди, чунки уларда ақл йўқ, бўлса ҳам, кам, аммо фаҳм бор. Демак, бир-бирининг қонини тўкиш — ақлли зотларга хос бу феъл, бу қисмат фақат бандаларга ато этилган...

Хуллас, бир неча дақиқада етиб бориладиган сўқмоқ шу тариқа бугун жуда чўзилди. Яна, йўлнинг ярмида олдидан кесиб утаётган чипор илонга кўзи тушиб бир сесканди. Газанда ҳам тўхтаб, баҳайбат жониворга ажаблангандай қаради ва сира писанд этмай, кенг оғзидан пиликдай чўзилиб чиқаётган ингичка, айри тилини ўйнатиб бир зум тургач, вишиллаганича, зипиллаб хазонлар орасига сингиб кетди. Бадбахт саҳарлаб қаердан келяптийкин? Бунча тажанг бу? Ёмғир кучаяди шекилли... Лаънати-нинг дум-пумини босиб олмай, деб оёгини чекароққа ташлаган эди, қандайдир тўнғакка қоқилиб, мункиб кетаёзди. Гижинди. «Илон — хосиятсиз махлуқ» деб янди ичида. Бу ҳам етмагандай, яқин атрофда бойўғли чўзиб «қув»лади. Бу садо унга киноядай эшитилди (балки бу уккининг шу тундаги сўнги қичқиригидир). Шу кеча у тонггача деярли мижжа қоқмаган эди. «Ўлимга шошмасанг ҳам бўларди, — кўнглидан ўтарди унинг. — Ўзи, барибир тўрингдан гўринг яқинлиги аён, яшайдиганингни яшаб қўйдинг, яна қанча умр кўрардинг, ошиқмасанг ҳам, жонингни олгани ҳадемай келиб қолишарди...» Ба-

рибир осмонга устун бўлмаслиги аниқ. Эртагами, бир йилдан кейинми, қачондир ёруғ дунё билан видолашадиган кун келади-ку. Аслида мелиса қўлига кишан уриб олиб чиқиб кетган пайтданоқ ҳаётидан фэйз, мазмун йуқолган: темир идишда дарчадан узатиб берганларини (фақат одамнинг совуғини ошириб, жигилдонини қайнатадиган, кекиртирадиган овқатларни) еб-ичиш (худди ҳайвонот боғидаги ё бошқа қафасдаги ҳайвонларга ўхшаб, лекин у жониворларнинг ҳар бирига таъбига қараб, махсус егулик тайёрлаб берадилар. Уларнинг ҳар бирини ҳафсала билан, меҳр билан парваришлайдилар, чунки улар жамиятга, одамларга зарур; маҳбусларга эса — ҳаммасига бир хил емиш — хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам шу...) билан нафси балосининг эҳтиёжини қондириб, буюрилган, зиммасига юкланган ишларни ўлганининг кунидан, қўлининг учида бажариб, кунларини муайян тартиб-интизом асосида ва зугум остида ўтказишдан иборат умрнинг қандай мазмунию қиммати бўлиши мумкин?

Салкам ўн беш йил шундай кун кечирди. Ҳа, кун кечирди, яшагани йўқ. Қамоқда одамнинг дили доим гусса-ю, андуҳга тўлиб тураверади, ичи ҳеч илимайди, юраги ҳаприқмайди, кулгу, табассуми зўраки ва қисқа бўлади, шеригига, суҳбатдошига завқ бермайди, юқмайди. Тонг оттириш эса турган-битгани азоб: афсуслар, пушаймонлар, надоматлар киприк қоқтирмайди — тепангда девайлаб туриб олади, бигиз ўқталади, ҳоли-жонингга қўймайди. Биргина мароқли, умидбахш машғулот, эрмак — кун санаш, ой санаш. Маҳбуслар бу мусибат маконини ҳафтанинг қайси куни тарк этишларигача ҳисоблаб чиқишарди. Яна, тўйнуқдан юлдузли осмонга (ҳаво очиқ кечалари) тикилиб, ўзни чалгитиш... эди. Хайрият, гурбат қўргонидан, зулмат, изтироблар, таҳқирлар, таҳдидлар исканжасидан халос бўлиб, тунд

башаралар, уқрайган кўзлардан қутулдим, десанг, бу ёқда... Шу алпозда яшаб нима ҳузур-ҳаловат кўряпти? Узун кечаларни қисқартиришга шерик бўладиган ҳамдард, ҳамтун хотин ҳам йўқ. Биттагина ўғилнинг аҳволи бу — ора кунда кўзларига қон тулгандай, қизариб-бузариб келиб, асабини бузади. Эрталабдан кунни кечкиртиришнинг гами, ташвиши босади. Издиҳомларда кулишиб, яйраб утиролмасанг, тўртта одамга дадил қўшилолмай, ҳамсуҳбатларинг юзига тик қаролмай, бир нима деб қолармикин деб, хавфсираб, ҳадиксираб турсанг... Шу ҳаётми? Бировдан тилинг қисилмай, юзинг шувут бўлмай, қаддингни гоз тутиб яшасанг тузук. Акс ҳолда... Бозор ҳам жонга тегди. Қариган чогингда боланг, неваранг тенги, пулнинг, фойданинг олдида отасидан ҳам кечиб юборадиган сурбетлар билан мол талашиб, дахшанда бозор аёлларига масхара бўлиб юриш одамнинг ҳамиятига тегар экан. Бунинг устига, юраги ҳам қачондан бери қисади, сал илдамроқ қадам ташласа, сал огирроқ юк кўтарса, сал кескинроқ ҳаракат қилса, ҳансирайдиган, ҳарсиллайдиган бўлиб қолган. Оламда ҳаққи тугаб бораётганидан белги эмасми булар?... Йўқ, бир кун, бир соат, бир дақиқа бўлса ҳам унга белгиланган муҳлатдан илгарироқ, ўз ихтиёри билан омонатни эгасига топшириши керак. У дунёга елкасида шундай огир юк билан қандай боради? Яратган Эгам «Мен бандамга қарзга берган жонни нега олдинг? Қилгуликни қилиб қўйиб, юравердингми?» деса нима деб жавоб беради? «Лекин жаноза-чи, жаноза нима бўлади?» Жанозани барибир ўқишади. Шайтон васвасага солган дейишади. Бунақа ишлар ундан аввал ҳам бўлган. Балки чиндан ўша иблис уни авраётгандир. Ё, эҳтимол, ёзуги ўзи шундайдир. Балки шу ишидан кейин ўгли ҳам ҳушёр тортиб, бемаза одатларига чек қўяр, унда отага нисбатан ачиниш ва шафқат туйғуси уйғониб қолар. Ич-этини ейиш-

дан, тавқи лаънат аламларидан, юзи қоралиқдан халос бўлса, балки узининг ҳам руҳи енгил тортар... Ё, енгилламасмикин? Янада кўпроқ жабру жафолар тортиши керакмидийкин? Аммо, қачонгача давом этади бу?.. Ҳа-да, ахир у ҳам атай қилгани йўқ эди, бировни улдиришни хаёлигаям келтирмаганди. Инсон боласининг жон таслим этиши шу қадар осон бўлишини кўриб ўзиям ҳушидан айрилаёзган эди ўшанда. Бор-йўғи гап таллашиб қолишган эди. «Гирромлик қилдинг!» «Сен гирромлик қилдинг!..» — Қартабозлар учун одатий иборалар. Қарта ўйинининг моҳияти ўзи гирромликдан иборат-ку. Айвондаги чорпояда ўтиришган эди. Тиккалашиб кетишди. Иккови ҳам анча қизиби олишганди. Ерга тушишди. Журалар, ҳар доимгидай, ошхўрлик қилиб ўтиришувди. Бошқалар «ҳай-ҳай»лашди, лекин жиддий эътибор беришмади. Бирпаслик даҳанаки жанг деб ўйлашди. Ҳақиқатан ҳам «жанг» узоқ давом этмади. Айвон пойдевори баланд, саҳн эса анча паст эди. У муштга жавобан шапалоқ тортди — шапалоги кенгроқ, дагалроқ эди — ўсмирлигида, ёшлигида анча-мунча муштлашиб турарди — рақибининг айвондан пастга чалқанчасига қулаётганини кўриб турди, гурсиллаб тушганини эшитди. Ҳозир ўрнидан туриб кетади, деб хаёллади. Бироқ у негадир ўрнидан туравермади, типирчиламас, қимирламас ҳам эди. Ирғиб тушди. Рақиб эшитилар-эшитилмас хириллаб нафас олаётган эди. Енгил машина топиш қийин бўлди. Қишлоқларда автоулов кам эди у пайтларда. Туманга етказиб боришолмади, ярим йулда узилиб қолди. Кейин суд-тиббиёт таҳлилида аён бўлди — бетон зинанинг қиррасига текканида бўйнидаги аллақандай томир узилиб кетган экан. Бунга ачинмабдими, афсусланмабдими? Шапалоқ тортганига пушаймон бўлмабдими? Қарта, қимор деган балоларни ўйлаб топганларнинг аждоду авлодлари шаънига «ёғли» ҳақоратлар ёғдирмабдими? Ичкиликка ружу қўйгани

учун ўзини ўзи лаънатламабдими?.. Ўн тўрт йилу, етти ой афсусланди, андуҳ чекди. Шунча умри турманинг нимқоронгу, зах хоналарида ҳайф кетдику. Бу жазолар камми? Аслида қисқароқ муддатга ҳукм қилдиришнинг йўли, чораси ҳам бор экан, қамоқда айтишди: эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят деб, ҳатто «Ўзини ҳимоя қилган» деган модда қўйиш ҳам мумкин экан. Рақибни аввал қўл кўтарувди, бунга гувоҳлар ҳам бор эди. Лекин бу нарсалар унинг хаёлигаям келмаган ушанда. Адвокат ёллашни ҳам билмабди. «Ҳа, шунақа бўлди, айбдорман», деб бўйнини қисиб тураверган. Авахтадан қутулиб чиққач қанчалар суюнган эди! Аммо маҳаллада марҳумнинг ўглига, тўғрироғи, унинг нафрат тула нигоҳларига кўзи тушган чоғдан бутунлай битмаган, фақат юзаси қотган яраларнинг очилиб кетганини, бу жароҳат азобларидан, маломатлардан қутулиш қийинлигини ҳам, чидашга, тишини тишига босиб сабр қилишга мажбурлигини ҳам англаган эди. Лекин чидашнинг ҳам охири борлигини, сабр косаси ҳам бир куни тулишини, шунда дунё ташвишларидан, адоғи йўқ изтироблардан безган ожиз бандага фақат бир чора — ҳамма нарсага этак силкиш имкони қолишини, ҳатто жоннинг ҳам ортиқчалик қила бошлашини ўйламаган экан... Аммо... У ҳозир шимининг почалари шудрингдан шилта бўлганини ҳам пайқамасди. Ўрик остига яқинлашаркан, тиззалари қалтираётганини сезди ва нигоҳлари билан кеча қўл-оёқлари тирногини олиш баҳонасида қолдириб чиққан қўлбола курсичани қидира бошлади. Курсича негадир кўринмасди. Белидаги аргамчини ечишга тутинган бармоқлари титрар, юраги эса бесаранжом гупилларди.

Ёмғир тезлаб борар, у жуда майин, ёқимли ва... ҳузурбахш эди.

2015 й.

КУЛЧА
ҶИКОЯЛАР



СОҒИНЧ АЛОМАТИ

- Кипригингиз тўкилибди, — деди қиз йигитга. —
Қайси кўзингиздан, топинг-чи?
— Унг кўзимданми?
— Йуқ.
— Чапиданми?
Қиз кулди.
— Нимага куласиз?
— Унгдан бўлмагандан кейин чапдан бўлади-да.
Йигит ҳам кулди.
— Топсам нима буларди?
— Биронтасини согинган бўлардингиз.
— Иккала кўзимдаги кипригимдан тўкилган бўл-
са-чи?
— Унда иккитасини.
— Ҳали биттасини согинишни ўрганмабман-у, ик-
китасига йўл бўлсин.
— Шунақа денг, ҳа, согиниш ҳамманиям қулидан
келавермайди.
— Ҳа, энди, одамни киприги мустаҳкамроқ бўли-
шиям мумкин-ку?
— Бўлмаса шу пайтгача кипригим қолармиди,
денг.
— Ҳа-я, боракансизу, асал...
— «Асал» ламай ўлинг, битта сўзни айтолмай ну-
қул гапни айлантиради-я..
— Сизга ўхшаб одамни айлантиролмасам нима
қилай, гапниям бўлса айлантираман-да.
— Бўлмаса гапни айлантириб юраверинг... Хўп, хайр.
— Ҳей-ҳей!

ОЛАҚАНОТЛАР ВА МУШУК

Бир куни шаҳар бекатларидан бирида автобус кутиб турган эдим. Бирдан аллақандай қушларнинг аянчли қийқириги эшитилиб қолди ва шу заҳоти мендан беш қадамча нарида бир сап-сарик, хунук мушук пайдо бўлди: у жуда безовта ва бесаранжом эди. Шиддат билан югуриб, кучани кесиб утиб кетмоқчи бўлувди, машиналар кетма-кет гизиллаб ўта бошлади. Мушук узини бир у ёққа, бир бу ёққа ташларди. Шу пайт иккита олақанот тинимсиз қийиллаб ер бағирлаб учиб келишиб мушукка ҳамла қилишди. Мушук жон ҳолатда машиналар орасидан қочди. Қушлар уни таъқиб қилишда давом этишди. У мушук устида чарх уриб қийқиришар, унга тегартегмас бўлиб, у ёқдан-бу ёққа учишар, лекин афтидан уни чўқишга журъат қилмай, қийиллаганча худди самолётдай яна ҳавога кутарилишарди. Жон ҳалпида чопиб, қочиб кетаётган мушук қушлар тепасига келганида таққа тўхтаб, бошини эгиб, гужанак бўлиб, ерга деярли қапишиб оларди.

У гоҳ дарахтга тирмашар, шунда олақанотлар ўқдай учиб унинг ёнгинасидан утишар, мушук дарахтдан қайтиб тушар ва яна югурарди. У жонвор шу қадар қўрқиб, гангиб қолган эдики, кичкинагина жонига, жуссасига яраша панароқ жой тополмасди. Ҳатто, бир тавақаси очиқ эшикнинг иккинчи қанотидан тирмашиб ошиб ўтиб кетди. Сўнг кўздан ғойиб бўлди.

Шундан кейин ҳам анчагача қушларнинг нолакор қийқириги эшитилиб турди. Чамаси, мушук уларнинг полапонини еб қочган бўлса керак, деб тахмин қилдим. Фарзанд доғи паррандага ҳам нақадар аччиқ ва аламлиг-а!

НИКОҲ БАЗМИ

Шаҳар билан туташ хушманзара дарахтзор ичидаги эртакнамо ресторанга тамадди қилиш учун кирувдик. Ҳртадаги узун столга тахминан ўттиз кишига мўлжаллаб дастурхон тузаб қўйилган экан. Қизиқиб, кузатиб ўтирдик. Бир пайт эшикдан ясанган куёв, никоҳ либосидаги келин ва уларнинг жўралари, дугоналари кириб келишди. Улар камида ўттиз беш — ўттиз саккиз ёшдаги салобатли эркаклар ва кўркем аёллар эди. Биз ўзимизча муҳокама қилиб, бу биринчи турмуш эмас, деган хулосага келдик. Лекин дабадаба катта эди. Куёв ёнида ўтириб даврани бошқара бошлаган йигит таниш (нуфузли бир идорада масъул ходим) эди. Куз-кузга тушиб, саломлашишга тўғри келди. У бизни давраларига таклиф қилди. Биз раҳмат айтдик.

Дастурхонда қушнинг тили-ю булбулнинг гўштидан бўлак ҳамма нарса муҳайё эди.

Ташқарида уларни олиб келган ўндан ортиқ бир хил қора рангдаги «Эсперо», суперсалон «Нексия» машиналари ярқираб турарди.

Бир зумда ўйин-кулги, қадаҳ сўзлари, қаҳқаҳалар авж олиб кетди. Иттифоқо, яна бир «комплект» келин-куёв кириб келишди. Улар ҳаммаси бўлиб, беш кишидан иборат эдилар: келин-куёвдан ташқари икки йигит ва бир қиз. Улар чеккароқдаги битта бўш стол атрофига жойлашишди.

Ошхона ходимаси уларга битта лаганда аралаш салат келтириб қўйди, шампан, кола, фанта ва минерал сувдан биттадан. Фақат фанта билан кола очилди.

Нариги даврадаги келиннинг ёнида ўтирган жувонлар бир-бирларини туртиб, имо билан ёш келинчакка ишора қилишар ва кулишарди.

Келинчакнинг ана шу пайтдаги ички кечинмаларини тахминан тасаввур қилиш мумкин эди.

Улар сўзсиз, лол утиришарди, келинчак қарийб бошини кўтармас, юзи тамоман берк эди. Бояқиш терлаб-пишиб кетган бўлса керак. Куёв жонивор ҳам унга дурустроқ меҳрибончилик кўрсатолмасди. Куёвнинг жўралари ҳам ниҳоятда камгап, тортинчоқ ўспиринлар эди.

Улар суюққина дастурхондаги нарсалардан сал-сал тотиб утиришар, ҳаммалари тез-тез зимдан на-риги даврага қараб-қараб қўйишарди. Улар жудаям омонат утиришгандай, ҳатто бир-бирлари билан ҳам дурустроқ таниш эмасдай туюларди четдан қараган кишига.

Баъзи одамларнинг ҳар замонда бир кўча кийими кийиши сезилиб туради. Уларнинг эғнида уст-бош шалвираб ё ҳурпайиб тургандай кўринади.

Шундай одамлар борки, улар худди башанг кийим билан тугилгандай, умрининг охиригача башанг кийим билан утадигандай таассурот қолдиришади. Келинчак билан унинг шериклари куп утирмай, туришди ва қандай шарпасиз кириб келишган бўлса, яна шундай шарпасиз чиқиб кетишди.

АНОЙИМАС

— Юринг, шаҳарда ўйнатиб келаман, — деди йигит.

— Йўғ-а, адашиб кетаман, — бош чайқади қиз.

— Унчалик адашиб кетадиганга ўхшамайсиз.

— Адаштирасиз, денг... Аммо ёшроқ бўлганингизда...

— Сиз мени ҳали қари деб ўйлаяпсизми?

— Сочларингиз оқариб ётибдию...

— Сочнинг оқи ёшни белгиламайди, айниқса, ҳозирги замонда.

— Ҳа, ҳозир оқ соч мода, денг.

- Ана энди ўзингизга келдингиз. Чет элларда аёллар оқ сочли эркакларни қувлаб юришаркан.
- Энди жудаям ошириб юбордингиз.
- Ким билсин, бориб келганлар шунақа дейишадикуну. — Йигит сочларини тарай бошлади.
- Сочингизни ҳадеб тарайверганингиз билан фойдаси йўқ.
- Зора, ёшроқ кўринсам, деяпман-да.
- Афсус...
- Аммо ёш булганимда ўзим билардим сизни нима қилишни...
- Ўлинг...
- Агар уйланмаган булганимдаям...
- О, ундан гапирманг.
- Сизни кичик хотинликка олардим-у, каттасига кун бермайсиз-да.
- Ўзиям икки кунда кўчасини курсатиб қўярдим-да...

ШИКОЯТГА ЖАВОБ

Кампир эшигининг тагидаги курсида ҳассасига таяниб ўтирган эди, кўчанинг нариги бошида бир одамнинг қораси кўриниб қолди.

- Ҳай, Ажабор қоримисиз, менга қаранг...
- Ҳа, эна, тинчмисиз? Офтобшувоқ қилиб ўтирибсизми?
- Офтобшувоқ дейди-я.
- Ҳа, нима гап?
- Менга қаранг, қори, мана шу ишни тепасида сиз тургансиз-а?
- Қайси ишни?
- Ҳа, шу, муллакангиз билан биззи ишимизни-да.
- Ҳа, мен турганман — савоб йўлига. Хўш, нима бўляпти?
- Булмайди деганман-а?

— Ҳа, энди шунчалик дейсиз-да.

— Сиз, унақа, гапни айлантирманг, мен сиз билан тугриликча гаплашяпман. Бу сассиқ чолингиздан туйдим, энди мени уйимга обориб қуйинг.

— Ий-е, шунақами? Айтинг-чи, холагинам, бу ерга келганингизга қанча булди?

— Билмадим! Бугандир — ун беш йилми, йигирма йил...

— Хуш, сиз келганда Ҳайдар акани бели тиккамиди, ҳуккимиди? Тугрисини айтинг.

— Ҳа, тиккайди.

— Ола сигирингизга ўт ташитиб ҳукки қилдингизми ё ўзи ҳукки булдимми?

— ...

— Агар Ҳайдар акамни белини ҳозир тикка қилиб қуйсангиз, уйингизга ҳозир олиб бориб қўяман.

— Э, менданми, худодан, узидан-да.

— Тугри, аввали худо, лекин бандаси сабабчими, демак сиз сабабчи. Шунча пайтдан бери миқ этмай юрувдингиз, бечорани бор қувватини шимиб олиб, энди...

— Э, ўлинг қори бумай... Келиб-келиб дардимни сизга айтдимми...

МЕҲМОН

(Талабанинг ҳикояси)

— Тошкентда институтнинг биринчи курсида уқийман. Шаҳарнинг чегарасини ҳатлаб ўтмаган бир курсдошим бизнинг қишлоқни, умуман, қишлоқ ҳаётини кўришга жуда иштиёқманд. У шоирнамороқ. Шерикларимиз пахтага кетишгач, биз иккаламиз қишлоққа жунадик. Иккаламиз ҳам узрли сабаблар билан пахтадан озод бўлган эдик. Оғайнимнинг руҳи

баланд. Вагон деразасидан нари кетмайди. Узини бутунлай янги бир оламга кириб бораётгандай ҳис қилади. Қалбида бир дунё орзу, истаклар, режалар...

Поезддан тушамиз.

Унинг кўзлари олазарак: истаган нарсасини қидираётгандай...

— Қишлоқнинг ҳидини сезяпсизми! — деб сўрайман ундан.

— Ҳазилингизни қўйинг, қишлоқниям ҳиди буладими, — ажабланди у.

— Пахтанинг ҳидини-чи?

— Бе, роса қизиқ экансиз-у, ҳамма нарсани ҳиди бўлаверадими?

— Ҳа, ҳамма нарсани ҳиди бор, айниқса қишлоқда ҳар битта гиёҳниям ўзига хос ҳиди бўлади.

Автобус деразаларидаи кираётган шабада мен билан кўришгандай, юзларимни силайди, атрофимда айланиб-айланиб нариги деразадан чиқиб кетади.

Ҳамма нарса, таниш тутқатору теракқаторлар, чала асфальт йўллар, умуман қишлоқ истиқболимга пешвоз чиқиб югуриб келаётгандай.

Мен энтикаман, меҳмоним ҳам. Лекин, иккимизнинг энтикишимиз икки хил.

Қорадарё, Фаргона канали кўприкларидан утамиз.

Йўлда пахта ташиётган аравалар қаторлашиб утиб қолади.

Таниш-билишлар дуч келади. Улар биз билан қуюқ, аммо шоша-пиша ҳол-аҳвол сўрашишади-ю, кечқурун меҳмонни олиб бизникига утинг, дега-нича жунаб қолишади. Менинг дилим оғринади. Мулоҳазага бораман, ўйлайман, меҳмон олдида хи-жолат буламан. Лекин ўзимга ўзим тасалли бераман: ҳозир бечораларнинг пайтавасига қурт тушган маҳал-да. Огайним бепарво, кўзи икки ёқда.

Уйга етамиз. Икки қанотли темир дарвоза ланг очик. Бироқ, ҳовлида ҳеч ким йўқ. Кучада уйнаёт-

ган болалардан бирини отамга хабар етказиш учун пахта хирмонига жунатаман. Отам зудлик билан ҳансираганича етиб келади. Учоққа ут қалайди (мен ёлгиз ўгилман, опам турмушга чиққан, онамиз утиб кетган), мен ҳам қарашаман.

Огайним ҳовлидаги чинордай булиб кетган анор, анжир дарахтларига, узум тоқларига ҳайрат билан тикилади.

Чой ичамиз.

Отам сизлар дам олинглар, деб далага қайтиб кетади.

Кечқурун қариндошлар тупланишади. Ҳамманинг кўзида чарчоқ, ҳоргинлик сояси, мудраб ўтиришади.

Улфатлар келишади. Устлари кир, чанг-чунг... Ичкилик бўлади. Кейин баъзилари иккитадан бўлиб карта ўйнашади, айримлари бир-бирига суяниб ухлаб қолишади. Меҳмоннинг гаши келаётганини сезиб, хижолат бўламан.

Бир пайт, улфатлар «кетдик, кетдик» деб, бир-бирини судрашиб чиқиб кетишади.

Кейин огайним иккалаамиз сўртак остидаги чорпояда ёнма-ён ётамыз. Мен ундан таассуротларини сўрайман. У мужмалгина жавоб беради.

Отам мени саҳар уйғотиб юборади. Илгарилари ҳам шундай қиларди. Ҳеч уйқуга тўймасдим.

— Кеч турган одамнинг ризқи қийилади, — дерди отам жойда тумтайиброқ утирганимни кўриб. Керишиб, ноилож ўрнимдан турардим-да, кўчамиз ёқалаб оқадиган ариқ бўйига чиқардим. Осмоннинг мусаффолигидан узоқ-узоқдаги Андижон адирлари кўзга яққол кўриниб туради. Шарқдан эса патнисдай қуёш тоғлар орасидан чиқиб келаётган бўлади. Нафас олиш бирам енгил, ўзингни қушдай соғлом ва тетик ҳис қиласан.

Суволгичга тушиб, аксим кўринадиган сувда ҳузур қилиб ювинаман.

Нонуштадан кейин дала айланамиз, Қорадарё буйига борамиз. Шу ерда огайним дарёни яқиндан, ўз кўзи билан илк бора кўраётганини, дарё сувининг нақадар фусункорлиги, енгил чайқалиб оқиши эса табиат томонидан ижод қилинган қиёси йўқ санъат эканлигини айтар экан, завқи-шавқини босолмас, ҳаяжонини яширолмас эди. Унинг бу баланд кайфиятидан мен ҳам ўзимда йўқ хурсанд эдим, гурурланиб, болалигим кечган мана шу утлоқлару сўқмоқларда яна бола бўлиб думалагим, қадрдон дарёйим бағрида яйраб-ййраб қулоч отгим келарди...

Кечки пайт отам даладан ўт орқалаб келади. Молларга қарайди. Кечаси ойдинда ҳовлидаги экинларни, анорзорни сугоради.

Оқшом яна синфдош-тенгқурлар келишади. Яна ичкилик... Огайним кеча ўзини анча сипо тутиб утирган эди, бугун кайфи ошиб қолди. Кеча бироз ётсираб туришган ўртоқларим ҳам бугун «олинг, олинг» дея уни ҳол-жонига қўйишмасди. Меҳмон шаҳарни мақташга тушди. Қишлоқ бир-икки кунга, ҳар замонга келиб бир куриб кетишга тузук экан, сизлар бир умр яшайсизлар-а... Қишлоқ ҳалиям қолоқ экан; газ йўқ, одамларнинг кийинишлари яхшимас, соқоллари ўсган... — деди. Мен, ҳозир кўряпсизу, ҳамма пахта билан овора, бечораларни вақтиям, хушиям йўқ, дедим.

Эртасига меҳмоним ичидан зил кетсаям сир бой бермасликка ҳаракат қилиб юрди. Ов қилайлик, деди. Кечқурун дарёнинг саёзроқ, шалдирама жойларида электр токи билан машъала ёругида балиқ овга тушдик. Астойдил бўлиб, тўрнинг бир томонини тортишаётган огайним балиқлар орасида сузиб юрган қора сув илонни кўриб қолди-ю, қиргоққа чиқиб олди. Энди у дарё ёқалаб, бизнинг уст-бошларимизни кўтариб юради. Қий-чув, «ана кетди-мана кетди», «ушла, қани» деган қийқириқ ва хитоблар билан

куни бўйи одамзоднинг ҳайқириқлари-ю шовқин-суронлардан ҳориб, энди ором олаётган жимгина осмонни бошимизга кўтарамиз. Кундузи далада, хирмонда ишлаган жўралар меҳмон иккаламизни балиқ билан сийлаш, кўнглимизни олиш учун жонжаҳдлари билан ҳаракат қилишади.

Сунг ҳаммамиз қунишиб, ҳар қалай куз, сув совиб қолган, уйга қайтамиз.

Кейинги куни меҳмоним зерика бошлайди. Унинг ҳаяжонлари анча пасайиб қолган эди. Бунинг устига ҳамма пахтада, суҳбатлашгани одам йўқ. Иккаламизнинг гапимиз ҳам қолмади ҳисоб-да. Шахмат уйнаймиз. Барибир вақт ўтиши, кеч кириши қийин бўлди.

Туртинчи куни огайним кетамизга тушиб қолди.

Қайтамиз... Ўзимиз. Бошқа маҳалда бўлса бир куча одам кузатиб қўйган бўларди, деб уйлайман.

Огайним энди шаҳарга ошиқарди.

ЎША СЕВГИМИДИЙКИН?

(*Бир аёл ҳикояси*)

Қизлигимда акамнинг ўртоғи бўларди. Мен унга ўрганиб қолувдим. У уйимизга ҳар куни келарди. Агар бир кун келмай қолса, ҳатто ҳар куни келадиган вақтидан кечикса ҳам ўзимни қаерга қўйишни билмай қолардим. У ҳам ҳар куни акамни баҳона қилиб, аслида мени кўргани келарди — мен буни менга ўгринча қарашларидан сезардим. Кейин-кейин мактабдан қайтаётганимда йўлимдан чиқиб қоладиган бўлди. У ўзини мен билан тасодифан кўришиб қолгандай тутишга ҳаракат қиларди. «Фалон жойга кетятувдим» ё «фалон ердан келятувдим», дер эди. Мен бўлсам, индамай кулиб қўя қолардим. Умуман биз жуда кам гаплашардик, шунда ҳам фақат у гапирарди, у гапираётганда мен худ-

ди мушукка рӯпара келиб қолган сичқон ҳолатига тушиб, донг қотиб қолар, қулоқларим кар бўлиб қолгандай, унинг кўзига, юзига, гапираётган огзига, тўгрироги, пичирлаётган — қимирлаётган лабларига қараб тураверардим-у, аммо биттаям гапи қулогимга кирмасди — мен умуман эшитмасдим (нимага ўшандай бўлганимни ҳали-ҳалигача тушунмайман).

Балки мен индамаганим, гапларига жавоб қайтармаганим учун ҳафсаласи пир бўлиб севгисини изҳор қилолмагандир. Ё эҳтимол, изҳор қилсаям мен тушунмагандирман — ахир эшитмасам қандай тушунаман? Йўқ, менимча у «севаман» ё «яхши кўраман» деган сўзларни айтмаган, агар айтган бўлганида ҳар қандай шароитдаям бу сўзлар қулогимга кирарди... Эҳтимол, у менинг индамаслигим-гунглигимни бепарволикка, қалбсизликка, менсимасликка йўйгандир...

Мен коллежда ўқирдим. Баҳорда у уйланди, лекин менга бир огиз айтмади. Имтиҳонларни аранг топшириб олдим. Уқитувчиларим «сенга нима бўлди», деб меҳрибонлик қилишмоқчи булишади. Мен эса уларга қўпол-қўпол жавоб қайтараман — гуё ала-мимни ўшалардан олмоқчидай.

Бир йилгача кўкрагимнинг ичи, юрагим бўлса керак-да, ёнаётгандай булиб юрди. Кейин-кейин уни унута бошладим. Уша севгимидийкин, билмадим. Агар ўша севги бўлса, мен қайтиб бировни севмадим. Кейин эрга тегдим. У жуда яхши инсон — менга жуда меҳрибон. У билан бахтлиман, деб уйлайман. Агар «унга» текканимда эҳтимол бунчалик бахтиёр бўлмасмидим, деб уйлаб қўяман баъзи-баъзида. Лекин бу гап чинданам юрагимдан чиқади-ми — тўгриси, билмайман...

ОШИҚ

Ошиқ ҳали маъшуқага айланмаган жонона олдида огзидан алангаю оташлар чиқиб оҳ урар, суюклисининг кўнглига йул тополмай, уни ўзининг қайноқ муҳаббатига ишонтиролма куйиб-пишар, фигон чекарди.

— Не қилсам менга ишонурсиз жоним, айтинг, кўксимни шундоққина кўз олдингизда пора-пора қилайму? Бўлмаса, шартларингизни айтинг, ҳар қанча мушкул талаб қўйсангиз, жонимни тикиб бўлса ҳам муҳайё этаюн. Фақат онамининг юрагини тиламасангиз бас, чунки онам бечоранинг раҳматли бўлиб кетганига анча бўлди... Айтинг, ё қаршингизда тиз чўкайму?.. — Ошиқ олтин бошига шундай бебаҳо фикр келганидан қувониб кетди. Ахир у китобларда жуда куп уқиган: эркак киши тиз чўкканда ҳар қандай багритош маъшуқада ҳам меҳр-шафқат туйгулари қўзғалиб кетади. Иккинчидан, бу ортиқча машаққат талаб қилмайди — ҳар қалай тоғни талқон қилиб келишмас-ку. Энг муҳими — бечиқимгина, айниқса, ҳозирги бозор иқтисоди шароитида...

Ошиқ ана шуларни фикр этиб, имкониятни қўлдан бой бермай, шартта чўккаламоқчи эди-ю, бирдан полнинг чангига кўзи тушиб, тўхтаб қолди. Чунки шими янги эди...

ШИФОКОР ИЛОН

Ақл бовар қилмайдиган, эртакнамо бу воқеани Пятигорскда эшитганман. Уни қозоқ танишимиз Барис ҳикоя қилиб берувди. Унга Степан Батуев деган ҳамкасби (Барис ҳайдовчи эди) айтган экан.

Батуев ошқозони сурункали огрийдиган бир оғайнисини юк машинасининг кабинасига ўтқазиб ҳар-

бий госпиталга олиб бораётган экан. Йулнинг довосимон қисмида, тепага кўтарилишаётганда машинанинг радиатори қизиб кетиб, сувини алмаштирадиган бўлибди. Урмон четидаги сой ёқасида тухтабди. Инқиллаб утирган бемор, «машинада бензин ҳидидан нафас олишга жуда қийналиб кетдим, пастга тушиб, дам олиб тураман», дебди-да, сой ёқасидаги майсазорнинг қуюқроқ жойига бориб ёнбошлабди. Ҳайдовчи (Батуев) сойга қатнаб, радиатор сувини алмаштира бошлабди. Чалқанча тушиб ётганча ухлаб қолган шеригининг ёнидан утаётганда унга қараб-қараб, «бояқиш роса қийналувди, ухлагани яхши бўлди, анча дам олволади», деб қўяркан. (Йул билан пастлик — сой ўртасидаги масофа эллик-олтмиш қадамча экан.) Бир гал сув олиб қайтаётганда оғайниси томонга қараса, унинг оғзига кичик бир қора илон кириб кетаётганмиш. Батуев турган жойида тараша бўп қопти. Ёрдам беришнинг иложиям, фойдасиям йўқ! Қўлида сув тула пақир билан вақт ўтганиниям билмай тураверибди. Бир пайт, ҳалиги қора илон оғайнисининг оғзидан сап-сарик бўлиб чиқибди-да, гўё узини тозаламоқчи бўлгандай кўкатларга суйкана бошлабди. Батуев энди қадам ташлаб ўша тарафга юраётган экан, илон яна беморнинг оғзига кириб кетибди. Батуев яна тухталиб қопти. Унинг кўнгли сал хотиржам бўлиб, кузата бошлабди. Бироз утгач илон яна саргайиб (бу гал ҳалигачалик эмас) чиқибди-да, кўкатлар орасига кириб кўздан гойиб бўлибди. Батуев «нима бўлдийкин, бу лаънати газанда заҳарлимасмидийкин», деб минг хаёл билан оғайнисига яқинлашибди, қараса у бир текисда пишиллаб нафас олаётганмиш. Туртиб уйготибди. Оғайниси дадил кўзини очиб туриб утирибди-да, керишиб, «о, маза қилиб ухлабман, оғриқ ҳам йўқолиб кетибди», дебди. Урнидан туриб, у ёқ-бу ёққа юриб кўрибди, «тавба, жудаям енгил

тортиб кетибман-а, қорин оғриқдан асар ҳам йўқ», дермиш. Кейин у «дўхтирга боришнинг ҳожати йўқ, уйга қайта қолайлик», дебди. Қайтишибди. Шундан кейин Батуев анчагача ўзича хавотирланиб юрибди. Аммо оғайниси ошқозон оғригидан қайтиб шикоят қилмабди.

Батуев унга юз берган воқеани айтмабди, «қўрқиб кетиб, яна бир балога гирифтор булиб утирмасин», деб ўйлабди.

КУЗ ХАЁЛЛАРИ

(Бадиа)

Дарахт шохлари ожизгина шамолга бардош беролмай, мадорсизгина тебранади. Япроқлар ўзининг ёшлигини йўқотиб, саргая, яъни қарий бошлаган. Синган новдалардаги барглар қуриб битган — ўз умрини яшаб бўлган, тўғрироғи, аллақандай ёвуз кучлар бевақт хазон қилган. Қуёш ўзининг кучсизланган, заифлашган нурларини ерга, элга эринибгина узатади. Ҳаво ҳам ғалати, тунд. Умрининг сунгги кунларини яшаётган, ҳали батамом қовжираб улгурмаган, новвотрангга кира бошлаган барглар эса ҳамма нарсадан хафа, ранжиган, совиган умидсиз одам сингари дилгир. Япроқлардаги хазонрезгилик, табиатдаги бу маҳзунлик одамлар юзига, кайфиятига ҳам таъсир қилгандай. Кишилар оғир-вазмин қадам ташлашади, нигоҳлари ўйчан. Нимадандир норозидай, бирон ишга дадил қўл ургиси келмаётгандай, қандайдир ҳафсаласизлик уни лоқайдлик ботқоғи сари етаклаётгандай. Гуё ўтган бир давр, бир йил куп нарсаларни юлқиб олиб кетган ва куз келган-у, кишига ниманидир эслатиб, кўнглига ғашлик солган, қандайдир ғам-андуҳ кўланкаси қалбига қуйилиб турадиган нур узра соя ташлагандай... Умр нарвони-

дан яна бир поғона силжиганини тан олгиси келмаётгандай ёки шуни тан олиб ўкинаётгандай...

Бироқ, ҳаёт—тегирмон, табиат—оқин сув бўлса, фасллари — чарх. Чарх айланаверади, тегирмон новига сув қуюлаверади. Япроқлар эса ўз умрининг қисқалигидан ўкинади — оёқларингиз остида зорланиб, аянчли шитирлайди ва тақдирга тан бериб, ўзини фаррошлар, келинчаклар, шамоллар ихтиёрига топширади.

Инсон эса, қайғули, мунгли кўринса-да, тез орада қиш келишини, қор ёғишини, ҳамма нарса қор остида қолиб кетишини, кейин баҳор ташриф буюришини, келгуси қишу кўклам унга яна янги ташвишлар инъом этишини билади ва ана шу ташвишларни кутиб, умид билан яшайди. Лекин ҳамма эмас, албатта. Деҳқон деган бир зот япроқлар тупроқларга қоришиб, мангу ором топадиган, ўзлари билан бирга олам яшиллигини ҳам тупроққа кўмадиган хазонлар фаслига — кузга интиқиб, кузга ошиқиб яшайди. Деҳқон аввало Аллоҳга, сўнг кузга талпинади, топинади. У ўзига умр тиламаслиги мумкин, аммо «кузингдан бер», деб илтижо қилишни унутмайди, канда қилмайди. Ҳа, куз унинг жони-жаҳони!

ТАЛАБАЛИК ҲАЯЖОНЛАРИ ВА ИЗТИРОБЛАРИ

I

... Сен қушнимизсан, яъни қушни ётоқда — гўё ўз уйингдасан. Бугун имтиҳон топшириб, «беш» олиб келгансан. Шунчалик қувноқсанки... Деярли ҳамма нарсани унутгансан. Қаҳқаҳаларингдан бутун ётоқхона ларзага келаётгандай... (Эҳтимол сал муболага қилаётгандирман.) Мен эса ўз хонамда гўё кучли момақалдироқ остида қолгандай даҳшатга тушаман кулгиларингдан. Умуман менинг қандай

аҳволдалигимдан, юрагимда нималар кечаётганидан бутунлай беҳабарсан. Менинг бу аҳволи зорим билан нима ишинг ҳам бўлсин сенинг!

Ҳа, сен бутун вужудинг билан куляпсан, мен эсам қақшаган юрагим билан йигляпман. Сен баланд овозда, мен эсам унсиз. Сен шодсан, қувноқсан, ҳамма нарсадан мамнунсан. Мен эсам гам-алам, умидсизлик, ички фарёд, қалбнинг маҳзун йиғиси, юрак ноласи, надоматлар гирдобидаман. Сендан узоқларга кетгим келади, аммо кетолмайман, кета билмайман. Бунга чора, имкон қани менда! Деразангга қарашга юрак бетламайди, кулгингни эшитмасам, дейман, аммо иложи йуқ. Чунки инсон иродасидан ҳам қудратлироқ куч бор-да!

Аслида сенинг қувончингга шерик бўлишим, сенинг муваффақиятингдан суюнишим керак эди, лекин, аксинча, менга алам қилади. Чунки ҳозир мен ҳамма нарса барбод бўлган, ҳамма, ҳамма нарса, ҳатто дунёнинг ўзи ҳам файзсиз, қоронги, туманли... Борлиқ омонат, саробдай... Дунёда ҳеч бир эзулик, мени қувонтирадиган, шодланишимга боис бир сабаб, бир асос қолмагандай... Ҳамма узини, ўз қувончини, ўз ҳузурини, ўз бахтинигина уйлайдигандай, бошқаларнинг нима бўлаётгани, қандай азоб, дард тортаётгани, қандай уқубату изтироблар чекаётгани билан мутлақо иши йуқдай...

Лекин, кечир, мен айтаётган одам сен эмассан, бу сузлар зинҳор-зинҳор сен ҳақингдамас. Чунки сен тўғрингда бундай мискин ва ножоиз хаёлларга бориш, ҳатто яқинлашиш ҳам мумкинмас! Мен шунчаки юрагим тўлиб-тошиб кетганидан ўзимни боса олмай гапириб юбордим, тўғрироғи ожиз, нотавон бир кимсадай оҳу афгон чекдим, холос! Сен беғуборсан, сен мусаффосан, сен гузалсан. Фақат... сенда кулгу, менда — қайгу... Чунки... чунки сен ўз қувончингни бошқалар билан баҳам кўряпсан, сенинг

латофатингдан, қўнғироқдай овозингдан роҳатланиб баҳраманд бўлиш бахти ўзгаларга ёр. Мен эсам ёлғизман, танҳоман. Хонада, ётоқдагинамас, оламда танҳоман, бенавоман... Ҳаётнинг, тақдирнинг менга бешафқатлигидан укиниб, уксиниб утирибман. Бироқ, бироқ ич-ичимда дунёда, шундоқ қўшни ётоқда сенинг борлигингдан, сен нафас олаётган ҳаводан мен ҳам нафас олиб яшаётганимдан шукроналик бор. Менинг суянчим, қувончим, овунчим, илинжим фақат ана шу шукроналик, холос... «Бошқаларда шундай имкон ҳам бўлмаслиги мумкин-ку», деган ўй менга бир олам таскин, тасалли беради. Мен ана шу таскину тасалли қанотларига осилиб яшайман, тўғрироғи умргузаронлик қиламан. Ҳа, шунинг ўзи ҳам мен учун бебаҳо бахт!

II

Хонамизда, катак клёнка ёпилган стол устидаги гулдондаги бир даста гул хуш бўй таратиб турибди. Қизил, нафармон гуллар. Қизили кўпроқ. Уларни мен ҳалигина опкелиб сувга солдим.

Аслида бу гулларни мен учун энг қимматли, азиз деб юрганам бир кимсага имтиҳондан «аъло» ўтгани билан табриклаш учун гул бозоридан саралаб-саралаб, юракларим тўлқинланиб олган эдим. Ҳаяжонланиб, ҳовлиқиб келаётсам бир қиз ва икки йигит билан ётоқхонасига кириб кетишяпти... Ҳафсалам пир бўлди, тарвузим қўлтигимдан тушиб, даҳшат ичра қолдим. Бутун дунё ларзага келгандай, ҳамма мудҳиш бир туманлик, қоронғулик уммонига чуққандай, ер билан осмон остин-устун бўлиб кетгандай, борлиқ ҳаракат, томирларимда қон, умуман ҳаёт тўхтагандай бўлди, кўзларим ҳеч нарсани кўрмай қолди.

«Кўзим чиқсин сени кўргунча мундоқ...» дедим, йўқ демадим, бу сўзлар хаёлимдан ўтди, холос.

Бир неча дақиқадан кейин бироз ўзимга келдим. Югуриб бориб, гулларни оёқлари остига ташламоқчи бўлдим, ё шундоқ шу жойга — ерга сочиб юборсамми, деб ҳам уйладим, рупара келган бир қизга берсамчи, деган фикр ҳам кечди онгимдан. Лекин, эҳтимол шунчалик ташвишга, изтироб чекишга арзимас, деб уйладим.

Шундан кейин бошимни ҳам қилиб, ётоқхонага, ўз хонамизга қайтдим. Етиб келгунимча тилимдан биронта калом ҳам чиқмади. Қандай етиб келдим — билмадим ҳам...

Гуллар ҳиди буй таратмоқда, аммо маҳзун... Бари паришон. Гулдоннинг ҳар тарафига эгилиб, биридан ажралган ҳолда, алоҳида-алоҳида, беҳол, мунглиг бир вазиятда. Эгасини топмаганидан зорланаётгандай...

Гул — буюк неъмат, маъсумалик тимсоли. Инсонга дўст, ҳамдам, қувончдош. Кўзни қувонтиради, юракни яшнатади, дилга ором багишлайди.

Гул — гўзаллик рамзи... Наҳотки шу гулларга раҳминг келмаса? Наҳотки шунчалар бераҳм, қалбинг тош, багринг тош, меҳринг тош бўлса?! Гулларнинг ҳолини паришону нолон айламоққа қандай ҳаддинг сигди, қандай кўнглинг бўлди?

Ана шу гулларнинг уволи тутмасин-да, ишқилиб сени... Эҳтиёт бўл. Чунки гулни ранжитишга, унга озор етказишга, хор-зорликда қўйишга, бемаврид сўлдириб, завол топтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундай ҳуқуқ ҳеч кимга берилмаган. Шу жумладан, ҳар қанча гўзал ва лобар бўлсанг-да, сенга ҳам!

Чунки, сен ўзинг ҳам гулсан — ҳар қандай гулдан нафисроқ, назокатлироқ, хушбўйроқ, нафосатлироқ...

ХОТИН – ФАРИШТА

Бир кимса ҳушига келиб-кетиб ётарди. Унинг ҳоргин кузларига олам хира парда остидан қўрғошин тусда куринади. Бир пайт, ҳузурида заъфар рангли аёл пайдо булади.

– Сен кимсан? – сурайди у.

– Қуёшман, – деб жавоб беради «меҳмон».

– Қуёш шунақа хира буладими?

– Қуёш ҳам ҳар доим тиниқ, ёрқин булавермайди. –

Хотини унинг манглайига ҳўл сочиқ боса бошлайди.

– Сен қуёшмисан? – сурайди у. Хотини мийигида кулади.

Кейин кимсанинг нигоҳига аллақандай таниш қиёфалар илашади.

– Сен кимсан? – деб сурайди уларнинг биридан.

– Фариштаман.

– Фаришта бўлсанг, нимага оғзинг қон?

– Сен ҳаддингдан ошма, фаришта билан бунақа гаплашилмайди.

– Сен кимсан? – сурайди у танишларининг яна биридан.

– Мен ҳам фариштаман.

– Унда нимага қўлинг қон?

Хуллас, шунақа гаплар...

Яна олдида хотини пайдо булади.

– Сен фариштасан, – дейди кимса унга.

Хотин эрининг пешонасини силаб, бошини уқалай бошлайди.

ҲАШАРДА

Пахтага чиқишган талабалардан бири шерикларидан орқароқда пахта тераётган қизга яқинлашиб, гапга солди.

— Қишлоқда яшаш зерикарли, а? — деди у «Ҳорманг», «бор бўлинг»дан кейиноқ ўсмоқчилаб.

— Нимага энди, ҳечам-да, — деди қиз йигитга зимдан назар солиб.

— Чанг, тупроқ...

— Шаҳарда ҳечам тупроқ йуқми?

— Йуқ. Ҳамма йулар асфальт. Машинада кучаларга сув сепишади.

— Ҳамма кучага-я?

— Ҳаммасигамас, ҳар қалай, катта-катта кучаларга.

— Катталар юрадиган кучаларга, денг.

— Сиз қаёқдан биласиз?

— Қишлоқда яшайдиганлар ҳеч нарсани билмайдди, деб ўйлайсизми?

— Кечирасиз...

— Шаҳарда чанг бўлмагани билан заводларнинг тутуни-чи? Машиналарнинг сассиқ ҳиди, ахлатлар. Туполон, шовқин-сурон...

— Шаҳарга тез-тез тушиб турасизми, дейман?

— Ҳар замонда.

— Қишлоқда огир иш куп-а, лекин?

— Ҳа, иш куп.

— Қишин-ёзин эрталабдан кечгача даладан чиқмайсизлар, а?

— Жа, унчаликмас. Қишда, қор ёққанда ишламаймиз.

— Уқишга бормайсизми?

— Йуқ, отам юбормайди.

— Нимага?

— Билмадим, қизларни касби чеварчилик, дейди.

— Чеварчиликни биласизми?

— Ҳа, сал-пал.

— Унга қаерда ўқигансиз?

— Ўқимаганман. Шогирд тушиб ўрганганман.

— Лекин, қишлоқ ҳавоси ростданам тоза экан. Одам енгил нафас оларкан. Шунисига беш кетдим.

— Сувларимизни тиниқлигини кўрдингизми?

— Ариқдагими, кўрдим. Яхши-ю, ана шу ариқдан сув ичасизларми?

— Ҳа.

— Ахир у сувни ичиб бўлмайдими-ю...

— Оталаримиз, ота-бувамиз ҳам шу ариқдан сув ичиб келишган, дейишадию...

— Водопровод йўқми?

— Бир хилги жойларда бор. Биззи маҳаллада йўқ.

— Ростданам, жуда чеккада турасизлар экан-да. Газам йўқдир?

— Номи бор-у, ўзи йўқ.

— Бу нима деганингиз?

— Трубалари қолган. Ҳозир шаҳардаям йўқ дейишадию...

— Баъзи жойларда бор.

— Ҳа, ҳар қалай шаҳар қишлоқмас-да. Сизга машина келди, шекилли...

— Менга келганлигини қаёқдан биласиз?

— Ҳар куни кўрамиз-у...

— Эркин! — чақирди кимдир.

Талаба уватда тўпланиб турганлар томонга қарайди.

— Машина қараб қолди. Дадангиз мендан хафа бўладилар. Қоронғи тушмай етиб олишингиз керак. Ҳадемай кун ботади!

— Ким у? — сўрайди қиз.

— Штаб бошлигимиз.

— Бўпти, кеч қолманг бўлмаса. Бечора гап эшитиб утирмасин.

— Эртагаям шу ерда терасизми?

— Билмадим, — елка қисади қиз.

— Эртагаям ёнингизга келсам майлими? — сўрайди йигит.

— Билмадим,— яна елка қисади қиз. — Менга ба-
рибир.

— Майли, эртагача.

— Хуп, хайр. Яхши боринг.

ЧУМОЛИБАЧЧАЛАР

Икки чумолибачча йўлда туқнашиб қолди.

— Кенг дала-ю, сал нарироқдан юраверсанг бўл-
майдими, — деди бири.

— Йўқ, бу йўлни бизнинг оталаримиз солишган,
сенам отангга айт, йўл солиб берсин, — деди иккин-
чиси.

Уларнинг можароси устига ота чумоли келиб
қолди.

— Қўй, оппогим, адашиб кеп қопти, йулимиздан
юрса, юрар, — деди у.

— Э, шундай кўнгилчанлик қиламиз-да, кейин
йулимизни бутунлай эгаллаб олишади,— деб тун-
гиллади жангари чумолибачча катталардай.

— Э, ёшлар, ёшлар-ей, жуда доно ва ўжар буп
кетяпсизлар-да... — деди ота чумоли. — Қани энди
мана шу феълингизни йўл талашишгамас, йўл со-
лишга ишлатсаларинг...

УРУШДАН КЕЙИНГИ ВОҚЕА

Бир куни масжидда урушда ҳалок бўлганлар хо-
тирасига эҳсон қилинди-ю, шу муносабат билан мас-
жид орқасидаги қабристонда ўтганларимизнинг гур-
лари устини хас-хашаклардан тозалаятувдик. Одам
кўп. Ёнимда акасининг қабри атрофига гишт те-
раётган қўшним менга «ҳў, анави одам фалончига
ўхшайдими», деб қолди.

— Қайси? — сўрадим атрофга жаланглаб.

— Ҳў, ариқ томонда, кетмонга суюниб турган?

- Ушанинг ўзи-ку,— дедим мен.
 - Ахир у улиб кетувди-ку.
 - Йўг-е, мен эшитмаганман.
 - Мен уни ўлим варақасини кўрганман.
 - Қачон, қаерда?
 - Эсимда йўқ...
 - Ҳар қалай, анча йилдан бери кўринмай қолувди.
- Мен урушга кетган бўлса керак, деб юрардим.
- Демак, урушгамас, нарёққа «бориб-кепти-да».

ИСТИҲОЛА

Дўстим Ҳасанбой билан Андижон шаҳрининг эски шаҳар мавзесидаги «Оталар чойхонаси»га тамадди қилмоққа кирувдик. Чой ичиб бўлай деганимизда кўзим сўримиз ёнида қўл қовуштириб турган қарияга тушиб қолди. Ўзича тургандир-да, деб эътибор бермадим. Бир оздан кейин қарасам чол ҳалиям уша ҳолатда турибди. Хаёлимдан бирон нарса тиланмоқчимикин ё, деган уй ўтди-ю, лекин тезгина бу фикримидан ҳам қайтдим, чунки мўйсафид унақа одамга ўхшамасди. Шу пайт Ҳасанбой иттифоқо бош кўтариб қария томонга қаради-ю «ий-ий»...деди.

Чол эса: «Ўғлим, мен қайтаятувдим», деди.

Ҳасанбой бодринг арчгани қўшни сўрида ўтирган ана шу мўйсафиддан пичоқ олган экан.

— Ҳа, қишлоқлик ўзбегим-а!

ДАККИ

Йигит уйланганидан уч-тўрт кун кейинроқ, яна қизнинг йулида пайдо бўлди. Умрида биринчи марта журъат қилиб уни тўхтатди ва «мен... ўрганомаяпман...» — деди барибир тутилиб.

— Нима, мен сенга тегаман, деб тегмай қўйдим-ми?! — деди қиз алам ва истехзо билан.

— Агар сиз хуп десангиз, бугуноқ ажрашаман, — деди йигит дадилланиб, нима бўлсаям гап бошлаб олган эди-да!

— Йигитлигингизда тегмаган, энди уйланганингизда тегаманми! Тушингизни сувга айтинг, — деди қиз ва шартта бурилиб кетиб юборди.

Йигит яна сўрайиб қолаверди.

ЭНА ТОВУҚ ВА ЖҶЖАЛАР

Бир хонадонда бир хўроз ва макиён боқишиб, макиён курк булгач, ун учта тухум қўйиб бостиришди. Жуда узоқда — йигирма етти кундами, йигирма саккиз кунда очиб чиқди. Макиён шунча муддат кечасию кундузи тухумларни иссиқ тўши билан босиб ётди, уларга бор меҳрини бериб, жон багишлади.

Жужалар «чий-чий» қилишиб, эналаридан бир қадам жилмай юришар, макиён ётганда унинг устига чиқиб ўйнашарди.

Эна товуқ дуч келган ерни, тупроқ остини ўткир тирноқлари, тумшуғи билан титиб-титкилаб, нима топса — чувалчангми, қурт-қумурсқами, ўзи емай жужаларига берарди. У маҳалларда макиёни яқинига йўлатмай қўйгани, жужалар билан уни чўқишгани, умумий катакка киритишмай, нуқул ҳайдашгани учун, хўрознинг катагини бошқа қилиб қўйишди. Хўроз бояқиш катакда бир ўзи шумшайиб турар, қўшни катакдан кўз узмас, макиёни ва жужаларига талпингандай гоҳо-гоҳо сим катакнинг турлари орасидан тумшугини ўтказиб, типирчилаб қўярди.

Жужалар катта бўлиб ўзлари дон топиб ейдиган бўлиб қолишди. Иттифоқо, улар энди ўз оналарини чўқий бошладилар. Авваллари макиён ҳайрон бўлиб, тек туриб берди, қараса, бир-иккитаси эмас, ҳаммаси унга ёпирилиб чўқишга ҳаракат қилишяпти. У қунишиб калласини бўйни ичига тортиб, чеккага қочиб, писиб юрди. Бўлмади — жужалар ўз энала-

рини катакдан ҳайдаб чиқаришди. Тугрироги, макиённинг ўзи болаларининг чуқишларидан безиллаб ташқарига чиқиб кетди. Энди у торгина ҳовлида қарахт булгандай, қаерга боришини, нима қилишини билмай, турган жойида туриб қолар, дам жўжалари томонга, дам хўроз турган катакка — хўрозга илинж билан, илтижо қилгандай қараб-қараб қўярди.

Хўроз тожисини тиккайтириб, буйнини гоз тутиб, қанотларини ёзиб-ёзиб қўяр, гўё багрини очарди.

Макиён ниҳоят бир-бир босиб, хўрознинг катагига кирди-да, худди айбдордек, бир четга бориб қунишиб турди.

Эртасига эрталаб хўроз билан макиённинг кайфиятлари ярашиб олишган эр-хотинлардай бирмунча чоғ эди. Хусусан, хўроз... Унинг яна «қо-қо-қо-қоқ» деган дўриллоқ овози чиқиб, ер супуриб қолган қатқат думлари тагин гажжак, тожиси таранг бўлиб қолган эди.

Ташқарига чиқишганда эна товуқ чирқиллашиб юрган жўжаларидан ҳадиксирагандай аста-аста бир неча қадам ташлади. У бежиз хавотирланмаган экан. Шу заҳоти жўжаларидан иккитаси югуриб келиб, эналарини чуқий бошлади. Макиён тисарилди. Хўроз қанотларини ёзиб, бир-икки «қо-қоқ» деб, жўжаларга пўписа қилган эди, улар тирақайлаб қочишди.

Энди хўроз билан макиён бир катакда, ёгочдан қилинган қўноқда ёнма-ён, жўжалар эса иккинчи катакда муқим яшай бошладилар. Хўроз билан жўжалар ҳеч нарсага парво қилишмас, бир-бирларининг катаклари томонга деярли назар ҳам ташлашмас, лекин эна товуқ аҳён-аҳёнда жўжалар ётган катакка қараб-қараб қўярди.

— Анавиларни қаранг, охири барибир хўроз билан макиён қолишди, — деди анчадан бери аразлашиб юрган эр хотинига.

Хотин эрига зимдан бир қараб, лабини буриб қўйди.

ДАРЁГА ЧЎКТИРИЛГАН МАЪШУҶА

(Сафар ҳикояларидан)

Чехословакиянинг пойтахти Прага шаҳрида ўн етита кўприк остидан оқиб ўтувчи Влтава дарёси бор. Биз сайёҳлар шаҳар марказидаги кўприкларнинг биридан ўтиб кетаётган эдик, сайёҳбонимиз — сарвқомат, мовий кўзлари чиройли порлаб турадиган Алёна Буксова кўприкнинг ўртасига борганимизда бизни тўхтатди-да, мана шу жойга икки киши чўктириб юборилган, деди сирли қилиб.

Аниқ эсимда йўғ-у, гид айтган жойда қандайдир белги бор эди.

— «Қандай?», «Қачон?», «Кимлар?», «Нима учун?», — деган саволларни ёғдирдик. (Биз ўттиз олти киши эдик.)

— Бунга бир неча юз йил бўлган, аниқроғи ўн туртинчи аср охирида, — деди Алёна. — У пайтларда ахлоқ-одоб қонунлари бизда ҳам жуда кучли, бу қонунларни бузувчиларга жазо қаттиқ бўлган, айниқса, зино жуда ёмон гуноҳ ҳисобланган. (Сайёҳбон кейинчалик шаҳар айланиб юрганимизда усти темир панжаралар билан беркитилган эски қудуқларни курсатиб, бу қудуқлар хиёнаткор аёллар, ўғриларни жазолашга мўлжалланган эди, деб изоҳ берди.)

Шоҳнинг ёш бир жувонга ишқи тушиб қолган-у, уни саройга олиб келишнинг эвини қилолмай, у билан пинҳона учрашиб турган. Албатта, жувон ҳам шоҳга кўнгил берган, лекин бу ишининг катта гуноҳ эканлигини туюб, қаттиқ изтироб чеккан.

Маълумки, одатда осий банда кўнгли тўлиб кетганда, юракдаги дарду аламларини, ички сир-асрорини ҳеч кимга — ота-онасига ҳам, ҳатто энг яқин дўсти ё дугонасига ҳам айтолмаган ё айтишни лозим топмаганда, ҳам уларнинг сир сақлашига ишонмагани учун черковга бориб, роҳибга айтади. Чунки роҳиб Парвардигор билан банда ўртасидаги восита-

чилардан саналади ва ҳузурига илтижо билан келган банданинг гапини Парвардигордан бошқа бирон кимсага айтмаслиги керак. Шундай деб ишонилади. Шоҳнинг маҳбубаси ҳам черковга борган.

— Гуноҳкормисан? — сураган роҳиб.

— Гуноҳкорман, ҳазратим, — деган жувон кўзлари мўлтираб, шафқат тилаб ва бор гапни айтиб берган.

Роҳиб жувонга танбеҳ ва тасалли бериб, чиқарворган.

Аммо аёлнинг ниҳоятда гўзаллигидан ҳайратга ва ҳаяжонга тушган роҳиб (балки ўзининг ҳам кўнгли суст кетгандир) жувоннинг сирини пинҳон сақлолмай кимгадир орзидан «гуллаб» қўйган. Бу гап қулоқдан-қулоққа ўтиб, халққа ошкор бўлгач, оломон аёлни ўз эҳтиросларини жиловлай олмагани учун, кейин банданинг унга ишониб айтган дардини сир сақлолмагани учун роҳибни ҳам мана шу жойга чўктириб юборган...

Кўпчилик-да, кимдир жувонга, кимдир роҳибга ачинди. Кимдир шоҳ була туриб ўзи шунчалик яхши кўрган аёлни ошкора хотинликка ололмаганмикин, у шу даражада ҳуқуқсиз ё қўрқоқмидийкин, деб гумонсиради. Кимдир шоҳниям чўктириб юбориш керак эди, ахир жувонни йўлдан урган у-ку, деб ҳазиллашувди, бошқаси «Гунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди» деган мақолни келтирди. Яна кимдир нима бўлсаям, тўгри қилишган экан, ибратли ривоят экан, деб ўзича мунозарага нуқта қўйди.

Аслида бу ривоят эмас, бўлган воқеа. Сайёҳбон роҳибнинг исми-шарифини ҳам айтган — янглишмасам, Ян Непомуцкий эди, шекилли.

Мен Венгрияда ҳам, Чехословакияда ҳам ўта маҳобатли ва шифтлари, равоқлари илоҳиёна суратлар билан безатилган черковларнинг кўплигидан ва уларнинг аксариятини бизга зиёратгоҳ сифатида фахр билан кўрсатишганидан ҳайрон бўлган эдим. Демак, бу

муқаддас қадамжойлар мажорларнинг ҳам, чехлару словакларнинг ҳам кучли эътиқодидан шаҳодат берувчи, уларнинг ўз гуноҳларини Худодан афв этишни тилаб, топиниб борадиган улуг даргоҳлари бўлган экан-да, деган фикрга келдим.

ҚОР ҲЙИНИ

Йулак билан ёнма-ён болалар майдончасида уч ўртоқ қорбурон ўйнашарди. Улар аввалига тўгри уч бурчак шаклида жойлашиб, сирганиб кетмаслик учун оёқларини керганича думалоқланган қорни бир-бирига зарб билан отишарди. Мулжалга теккизолгани бор овозда қийқирар, «калтак» егани эса, бир неча қор думалоқларини кетма-кет отар, бу қортўпларга «мерган» энгашиб, белини камалак қилиб чап берар, қийқириқ авжга чиқар эди.

Йулакдан икки қиз қизгин суҳбатлашиб ўтиб қолишди. Уч ўртоқ имо билан гуж бўлишди.

— Атака... — пичирлади Саман қўлидаги қорни отишга шайланиб.

— Қўйсанг-чи, катта қизлар, уришиб беришади, — деди Жамшид.

Аваз индамай кулиб тураверди.

Бу орада қизлар улардан уч-тўрт қадамча ўтиб қолишган эди.

— Э-э, қўрқоқлар, — деди Саман ва қизлардан бирини мўлжаллаб қорни отдию тезлик билан ўртоқларидан икки-уч қадам четга жилиб олди.

Қортўп патила-патила сочлари оқ жун қалпоги остидан чиқиб, елкаларини қоплаган ориққина қизнинг бошига тарсиллаб тегди ва парчаланиб, сачраб кетди.

Қиз елкаси оша шахд билан қаради ва ранги қув ўчган Жамшидга кузи тушди. Уч ҳатлаб, унинг ёқасидан олди.

— Ҳу, падарингга лаънат, тарбиясиз, чўчқа!..

Қиз Жамшиднинг ёқасидан тинмай силтар, бисотидаги энг аччиқ сўзлар билан буралаб сукар эди.

Аваз бошини эгганича миқ этмас, Жамшид ҳам жим, фақат қўлларини чунтакларига солиб турган Саман баралла «хо-хо»лар эди.

— Э, латта бўлиб ўтирасанми, Жамшид, тумшугига битта тушириб қочмайсанми, — деди у ва узини тутолмай янада қаттиқроқ кула бошлади.

Қиз Жамшиднинг ёқасини қўйиб юбориб, Саманга тикилди.

— Мунча ҳиринглайсан, турқинг қургур, сенам шуларни бирисан-да!..

Қиз қалпогини қоқиб-қоқиб дугонаси билан йулга тушди. Унинг сўкингани анчагача эшитилиб турди.

Саман Жамшиднинг ёнига келиб, кафти билан унинг елкасига урди. Этик-ботинкасининг учи билан қор чизиб турган Аваз Саманга ялт этиб қаради, Саман қизлар кетган томонга ишора қилиб, курсаткич бармоғи билан чеккасини «пармалади», чунки оғзи банд — ҳамон «хо-хо»лар эди.

Аваз йулакка қараб юра бошлаган эди. Саман тирсагидан тортди. Аваз бир силтаниб қўлини тортиб олди-да, индамай кетаверди. Орқасидан Жамшид югуриб борди.

— Аразладингми, ошна? Ахир бу ўйин-ку... ўша қизам ўзи жа тегма нозик экан-да. Саманни узинг биласан-ку, сал шунақароқ...

Аваз тухтаб Жамшидга қаради.

— Бугундан бошлаб мен сенларга ўртоқмасман, билдингми?! — У шундай деди-ю, орқа-олдига қарамай тўғрига — уйлари томонга тез-тез юриб кетди.

Жамшид Аваз кўринмай қолгунча кузатиб турди, кейин орқасига қаради. Саман қўлидаги қор думалогини тухтовсиз айлантириб уйнар, қор тўп шилта бўлиб, музга айланиб боради.

СИГАРЕТ ҲИДИ

— Мен сигаретнинг ҳидини яхши кўраман, — деди қиз. Лекин йигит бу гапнинг маъносини тушунмай, қизга анграйиб қараб қўйди.

БЕМАЗА БЎСА

Бир йигит меҳнат таътилидан қайтиб келди-ю, хонадош ходималардан бири билан эл қатори кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашди. У ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлиб, бироз утиришди. Бир пайт қиз:

— Бирам совуғингиз чиқиб кепсиз-ей, — деди-да, ўрнидан дик этиб туриб, гуё зарда қилгандай ташқарига чиқиб кетди.

Йигит ҳайрон бўлди. Нима демоқчи? Нимага шама қиляпти? Уйлаб-уйлаб, гапнинг тагига сал етгандай бўлди. У ҳам ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Иттифоқо, эшик очилиб, қиз қайтиб кирди-ю, улар рупарама-рупара бўлиб қолишди. Йигит қизнинг кўзларига астойдил тикилди — у масаланинг тагига яна ҳам чуқурроқ етмоқчи эди. Қизнинг кўзларида қандайдир таъна, ўпкалаш зоҳирдай туюлди. Таваккал қилиб, аммо журъатсизлик билан қизнинг икки елкасидан оҳиста ушлади. У елкаларни ўзига томон тортдим, йўқми, билмади — саноқли лаҳзалар ичида ўзининг лаблари олдида қизнинг лабларини кўрди, тўғрироғи — туйди. Ички бир қизиқишга қарши у ўз лабининг йўналишини узгартириб, қизнинг бир юзидан ўпди. Қиз иккинчи юзини ҳам тутди...

Йигит аёл зотидан олинган ҳар қандай бўса тотли бўлса керак, деб ўйларди. Шу бугун, шу дақиқаларда ўзи учун катта ва кутилмаган ҳақиқатни кашф этди: эҳтироссиз, иштиёқсиз олинган бўсанинг таъмсиз, завқсиз бўлишини англади.

ЎРМОНДА...

Улар ўрмонда қолишмоқчи эди. Кечга бориб қиз айниб қолди.

- Менга ишонмаяпсизми? — сўради йигит.
- Йўқ, ўзимга ишонмаяпман, — деди қиз.

ХОМ ОЛЧА

Майнинг урталари эди. Ўриклар оқариб, саргайиб, гилослар қийгос пишган. Мевалари ларзон-ларзон олча шохлари ерга тегай-тегай дейди.

Солиҳа билан Холида касалхонада даволанаётган дугонаси Лолани йўқлаб келиш учун совга-салом ҳозирлашди: қўқонгилос, ширинлик ва қурт олишди. Кейин Равшанни қидириб топишди. Қизлар Лоланинг йигитни яхши кўришини сезишар, лекин Равшаннинг кўнгли дугоналарига мойилми, йўқми — аниқлолмай ҳалак эдилар. Шу баҳона уни синамоқчи булишди.

— Лолани кўриб келмоқчийдик. Бизни бошлаб бормаисизми?

— Салом айтинглар, — қисқа ва қатъий жавоб берди Равшан.

Қизлар бир-бирига қараб елка қисишди.

— Фақат саломнинг ўзими? — Солиҳа ҳазил аралаш ўсмоқчилади.

— Яна нима дейишим керак? — Равшан ҳайрон бўлиб бир Солиҳага, бир Холидага қаради.

— Бирон нима бервормайсизми, бечоранинг кўнгли кўтарилади-ку...

Йигит бир лаҳза ўйланиб қолди.

— Ҳозир, бирпас туринглар-чи... — У шундай деди-ю, мактаб ҳовлиси томонга утиб кетди ва сал фурсатда газетага ўроғлиқ бир нарса кўтариб қайтиб келди.

Қизлар йўлга тушишди. Улар дам кулиб, дам таажжубланишар, дам аччиқланишарди.

Лоланинг аҳволи анча дуруст, лекин зеркиб ётган экан, дугоналарини куриб хасталик туфайли бир оз оқаринқираган, аммо ёқимли чеҳрасига қизиллик, нимранг лабларига табассум югурди. Бир-бирларига гал бермай ҳол-аҳвол сўраша кетишди. Лола ҳамкасбларини номма-ном сўради, лекин Равшан ҳақида лом-мим демади. Шунда қизлар кула-кула бўлган воқеани гапиришиб, олиб келишган нарсаларини тумбочка устига қўйишди, Равшаннинг «кўрмана»сини ҳам: у ярим шох кўм-кўк шигил олча эди. Лола бир оз қизаринди, бироқ аҳамият бермагандай, мийигида кулиб қўя қолди.

Анчагача у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб, хийла ёзилишди. Лола ҳеч нарса емас, фақат ҳар замон-ҳар замонда гур олчадан огзига солиб шимиб утирди. Қиз, тишлари қамашганидан юзлари буришиб, «хи-сп» деб қўяр, лекин ана шу тилни ачитадиған тахир гўранинг унга гоятда хуштаъм туюлаётганини сезиш қийин эмас эди.

ШАФТОЛИНИНГ ДОҒИ

Бир даврада ҳар хил алам-доғлар ҳақида гап кетди.

— Ҳаммасидан фарзанд алами аччиқ, буни ҳеч кимнинг бошига солмасин, — деди биров. Бошқаси чаккасини қаший туриб, мавзуга ўз муносабатини билдирди.

— Тўгри, фарзанд доғи огир, аммо шафтолининг доғи ҳам ёмон экан, — деди у калласини чайқаб. Маълум бўлишича, у сотиб келиш учун бир машина хомроқ «Чемпион» шафтолини маҳаллалардан насияга йигиб берган, угли уни олиб узоқ шаҳарга жўнаган, аммо дашт йулида машина бузилиб қолиб, икки кеча-кундуз уннашган, мева иссиқда ачиб, оқиб кетган экан.

2015 й.

ПАЛЬТО

Аёл сақичдай қора, кумушдай товланаётган муйна-нали пальтони кийиб, ўзини ойнага соларкан, чарос кузлари яшнаб кетди, лекин дарҳол лабларини қимтиб, тўқ қизил, савлатдор диванда газета варақлаб ўтирган эрига оҳиста, ишвали оҳангда сўз қотди.

— Ярашдими, дадаси?

Эр бир-иккита оқ оралаган, қуюқ сочли бошини хиёл кўтарди, симобранг гардишли кўзойнаги тепасидан бирров назар ташлаб, «ярашди, жуда ярашди!» деди-да, ўз юмушида давом этди.

Аёлнинг ҳилолсимон қошлари чимирилди: «Пандавақи. Ақалли қайси пулингга олдинг ҳам демайди-я...»

2015 й.

ТАСАЛЛИ

Унинг шаҳарда уч юз уринли тўйхонаси, битта дорихонаси, яна пойафзал ва озиқ-овқат дўкони бор. Ҳар кеча ўринга кирди дегунча бошқа «ҳамкасб»лари хаёлидан бир-бир ўта бошлайди-ю, ороми бузилади. «Эшматнинг тўйхонаси тўрт юз кишилик, Тошматники беш юз... Писмадончининг дорихонаси иккита, пистончининг супермаркети бор...»

— Э-э, ҳар куни тўтиқушдай бир хил гапни такрорлаганингиз-такрорлаган-а, тавба... — гудранади хотини.

— Жим ёт! Халақит берма! — пўписалайди эр.

Аёл «уф-ф» деб, каравотнинг четроғига сурилиб, нариги ёнбошига ағдарилади. Эр шаҳардаги жамики тўйхона, ошхона, дорихона, маркетларни санашда давом этади, уларнинг кимларга, қандай омадли, иши юришган одамларга тегишли эканини ўйлаб, ижирганади, тишларини гижирлатади. Уйқуси буткул қочиб, устидаги эрони адёлни тепиб юборади. Туриб ўтиради, ётади, ўнтайди, туради... Саҳарга

яқин бирдан яна алланималар эсига тушиб, оёқ-қулларининг таранг пайлари бироз бушашади. «Алининг тўйхонаси икки юз саксон кишилиқ, Валининг биттагина дорихонаси бор, маркети ҳам мини...»

Шундан кейингина ёпинчиқни устига тортиб, пинакка кетади.

2015 й.

БЕКАТДА

Бекатнинг чеккароғидаги утиргичда тўладан келган, юпқа ва тажанг кийинган, қош-қабоғи, юзлари анчагина буюқни шимиб юборган, сочлари орасига нимадир «яшириб» кўпчителиб олган, яъни ўзининг ва яна бошқаларнинг назарида «кетворган» жувон оёқларини чалиштириб утирарди. Атрофда улов кутаётган ҳар хил ёшдаги саккиз-ўн чоғли эркакнинг баъзилари аёлга зимдан, айримлари ошкора кўз сузиб қўйишарди. Жувоннинг ингичка қошлари ўз-ўзидан кериларди. Аммо ёнгинасида турган озгин, кўримсизгина йигит унга беътибор эди. Аёл йигитга худди момосининг алами бордай, гижиниб-гижиниб қараб қўярди.

2015 й.

ОЛАПАРНИНГ СЎНГГИ ТАШРИФИ

Олапар деган итимизни угиллар қўшни қишлоққа тушган опаларининг илтимосига кўра унга бериб юборишган эди. Бир оилага, бир жойга кўниккан бу вафодор жониворнинг бошқа хонадонга урганиши осон кечмаслиги турган гап. Олапар ҳам ҳадеб бизникига келиб олавергач, уни бойлаб боқа бошладилар. Ой-йиллар давомида ит тақдирга тан берди, кейин уни бўш қўйиб юборадиган бўлишди. Энди у бизникига ҳар замонда келарди-да, бир-икки соат ҳовлида айланиб, искаланиб юрар, болалар уни бир нималар билан «меҳмон» қилишар, кечаси у ўз-ўзидан гойиб

булиб қоларди. Яна бир куни кечга яқин бошини ҳам қилганича думини осилтириб кириб келди. Машқи, шашти анча паст эди. Лекин ҳовлида дуч келган катта-кичикнинг оёғига узоқ-узоқ суркалиб, аниқроғи суйкаланиб (бунақа одати йуқ эди), узича эркаланган булар, дам у, дам бу ерга бориб, олдинга чўзилган оёқларига тумшугини тираганича биз ўтирган чорпоядан кўз узмай, жимгина ётар, ҳовлига бегоналар кирса уларга аввалгидай ирилламас, ҳатто пинагини ҳам бузмасди. Қариб, анча ювош тортиб қолибдида, деган хулосага келдик. Болалар ташлаган нон ё бошқа емишга негадир қараб ҳам қўймасди. Лекин кимдир чорпоядан тушса ё ичкаридан чиқса, оҳиста урмалаб келиб яна оёқларига беозоргина суйкала бошлар, «қоч!» «чип!» деган пуписаларга ҳам қулоқ солмай, анча-анча жойгача тирғалиб борарди.

Одатда угиллар ит тунаб қолмаслиги учун (буни опалари ҳам тайинларди) кечга яқин хипчин дўлайиб, «Бор энди, кет» дея ҳайдаб, ҳовлидан чиқариб қўйишар, Олапар нарироқда бир-икки тўхтаб, орқасига қайрилиб қарарди-да, лўкиллаганича жўнаб қоларди. Бугун эса унинг негадир кетгиси келмас, хипчин билан бўксасига секин-секин уришса гингшиб, гужанак булиб, кўзларини мултиратиб тураверарди.

— Қўйинглар, зерикканда ўзи кетар, — дедим жониворга ачиниб, — дарвозани қия ёпиқ қолдиринглар.

Кечаси бир ташқарига чиқсам Олапар кўринмади. Шу буйи у бизникига келмади. Угиллар опаларидан суриштиришса, уларникига ҳам қайтиб бормабди.

2015 й.

АРМОН

— Умримдан бир кун қолсаям бирга яшасам, дейман.

— Ўша бир кунга бутун умримни алмаштиришга рози эдим.

**ТЕРМА
ҲАНГОМАЛАР**

(ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР)



АНОР

— Шу, узимизнинг ширин дона анор бору — оқпучоқ, туятиш, ҳар қандай одамни сайратиб юбораркан. Қизим касалхонага тушиб қолди. Духтирлар тузук қарашмади. Бир қоп анорни кўтариб бордим. Оқ халат кийганки одамга иккитадан узатавердим. Главнийсини танимаيمان, сўрасам, ана кетди, мана кетди, дейишди. Бир вақт келишган, салобатлироқ аёл ўтиб қолди (йўлакка ўтирволувдим), унга шартта йирик-йиригидан учта анор берувдим, жилмайиб, раҳмат, деб кириб кетди. Эртасига девзирага ошни қилдирдим-да, тоғорага босдим. Йул-йулакай бозордан иккита қовун олдим. Бориб касалхонани эшиги олдида туриб олдим. Қоровулдан главний ўтса кўрсатиб қўясиз, деб илтимос қилдим. Кеча мен учта анор берганда жилмайиб қўйган чиройли хотин главний экан. Орқасидан урмалаб-йўргалаб бордим-да, ош, қовунларни хонасига олиб кириб, тушликда еб юборарсизлар, дедим. «Тиланг тилагингизни» деб қолди. Айтдим. Кейин борсам қизим: «министргаям бунча қарашмаса керак», дейди.

Бугун операция, шунга кетяпман.

(Автобустаги гап)

ГАВҲАР

— Қайнотам қори эди, — дейди қирқ ёшлардаги Ҳафиз деган йигит. — Бир куни бордим-да, ота, мен ичмай, чекмай қўйдим, намоз ўқияпман, дедим. У ташқарида юрган қайнонамни чақирди.

— Кампир, тез бу ёққа қара, лойни ичидан гавҳар чиқиб қолди.

БЕСАБР

Палатада ташқарида қийгос очилган қизил атиргулларни томоша қилиб завқимиз келиб ётувди, дераза ёнидан бир қиз пошналарини тақиллатиб ўтиб қолди.

— Анави гуллардан бир дона узиб беринг, яхши қиз, — деди ёнимиздаги йигит.

— Гунчасиданми, очилганиданми? — сўради қиз майин жилмайиб.

— Бизга очилганиям булаверади, — деди йигит гўё шамага шама билан, — очилишини кутиб ўтиришга тоқат йўқ.

Йигит бу гапи билан нима демоқчи бўлди, айнан шу қизга қилган шамасининг мазмуни нима эди, билмадим-у, лекин ҳар қалай менинг кунглимдан «бу шама ножоиз бўлди-ёв...» деган фикр ўтди.

ДУСТИ НЕГА КЎП?

Бир куни ошхонага кирсам, иккита ширакайф ҳамшиша ҳасратлашишяпти.

— Фалончининг дўсти кўп-а, — деяпти бири, — нимага, чунки бошқалар унинг яхши одаммаслигини яхши билишмайди.

— Тугри фикрга кепсиз, — деб маъқуллаяпти шериги. — Мен ҳам сизга шуни айтмоқчидим. — Мана,

сизнинг биттаям ҳақиқий дўстингиз йўқ, чунки бошқалар сизнинг яхши одаммаслигингизни яхши билишади, ярамаслар...

ПАШШАКУШ

Палатадошлар ичида ўн олти ёшли, боши тухум-симон, буйчангина ўспирин ҳам бор эди. «Шу пашша (чивин) хунагани жуда ёмон кўраман-да», дерди, худди бошқалар уни жуда яхши кўрадигандай. Лекин ҳақиқатдан ҳам пашшага қарши тиш-тирноги билан курашарди, унга ашаддий душманига ҳамла қилгандек жаҳд билан ташланарди. Иккала қўлига пашша ўлдиргични олади-да, кечгача каравотлар орасида (9 та каравот бор эди хонада) айланиб юриб, кўнига 100–120 донагача пашша ўлдиради. Ёз чилласи, қовун-тарвуз, мева-чева пишиб, пашша болалаган пайт. Болакай эрталабдан кечгача биров уни махсус шу ишга тайинлагандай, фақат пашша қувиш билан шуғулланади. Мингиллаб, ўзича бир нарсалар деб юради, ҳашаротни онасини ахтариб сукади. Уни ора-чорада бошқалар ҳам маъқуллаб, гап қўшиб қўйишади.

— Ростданам, хунаса деганингча бор. Бошқа жой ўрин ўтмайдигандай фақат қўлогинг тагида, бурнингни устида гингиллаб айланади.

— Асабингизни синайди-да.

— Хирамасиям бўлармикин, «хира пашша», деб қўйишади.

— Пашшалар илгари жуда гул буларди, ҳозир уларам одамларга ўхшаб мугомбир, даққи, калтакни узоқдан фаҳмлайдиган булиб кетяпти, — дейди ўсмир катталардай.

У пашшаларни чиндан ҳам роса адабини беради, ундан анча-мунча мугамбириям қочиб қутулолмайди, қочган-писганларини бурчаклардан, каравотлар-

нинг тагидан ҳам топиб олади. Лекин ундан безор бўлиб, шифтга қуниб оладиганлари ҳам бўлади. Бола шифтга бирпас алам билан тикилиб туради-да (шифт ниҳоятда баланд — уч ярим метрча бор эди) кейин уни масхаралагандай шифтнинг узида у ёқдан-бу ёққа учиб-қуниб юрган жониворларга мушт уқталади, сочиқни думалоқлаб туриб отади, тегмаса, яна отади. Фақат мана шунақа пайтларда жуда хафа бўлиб кетарди.

Биз унга тасалли бериб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламиз.

— Узиям фашистларни қиргандай қириб ташландинг, бугунгиси 150 га етти-ёв...

— Бу ҳеч нарсамас, — дейди мақтовдан руҳланган ўсмир, — уйда беш юзта-беш юзтасини ўлдираман бир кунда, укам санаб улгурмай қолади...

У чинакамига бизнинг халоскоримиз эди. «Тихий час» пайтларида хонада оёгининг учида айла-ниб юриб, дуррасини дарра қилиб олиб, пашшани секин-секин уриб ҳайдаб, бизнинг оромимизни ярамас махлуқлардан мудофаа қиларди. Ана шунақа ашаддий пашшахўр эди.

Узимизнинг хонадаги ҳашаротларни қириб-янчиб бўлгач, қўшни хоналардаги пашшаларга ҳужум уюштирарди. Уларнинг ҳам додини бериб чиққандан кейингина хотиржам бўлиб чойга ўтирарди. Ана шунақа таъби нозик эди.

— У пашшахўр эмас, пашшакуш экан, — тузатиш киритди шериклардан бири.

ВИЖДОН

— Одамларда виждон қолмаяпти, — деди кимдир.

— Виждон камёб товар, ҳаммага етмайди. Бунинг устига кўпчилик кейин бир гап бўлар, деб эрта-кунда ишлатиб қўйишяпти.

ФАРРОШ

Бир кун метронинг «Чилонзор» бекатида тушиб, тепага чиқдим. Бекат саҳнининг йулак тарафида ёнма-ён қўйилган усти очиқ дукончалар булиб, уларда ҳар хил пишириқлар, яхна гушт, мурабболи булочкалар, пирожкалар, иссиқ-совуқ сомсалар сотиларди.

Буксаси қайиқ тоғорадай, болдирлари келидай семиз, беҳшов хотин узун калтакка чўкиртак боглаб майдонни супурарди. У жавраганича чўкиртак-супургисини катта-катта тортар, чанг кутарилиб, маҳсулотларга, озиқ-овқатларга қунарди.

Бир одам, афтидан фаррош хотин билан гижиллашган бўлса керак, сотувчилардан бирига бақирарди:

— Мақсадинлар нима? Одамларни касал қилишми?

— Касал булишни истамаса, олишмасин, биз зурлаб қулига тутқазаетганимиз йўқ, — деди сотувчи жувон ҳам терслик билан.

— Қорни очгандан кейин ейди-да. Бу ерга нимага опчиқасизлар бўлмаса?

— Бизга план керак.

— Лоақал дока ёпиб қўйсанглар бўлмайдими?

Сотувчи «жанжалкаш»га қараб, «бу тўқай-пўқайдан чиққанми» деб тўнгиллади.

— Ҳеч бўлмаса, сувқоғоз... — давом этарди жанжалкаш.

— Бизга беришмаса қаёқдан оламиз?

— Э, шуям гапми, икки метр дока кимни улдирибди?

— Сиз опкеберинг бўлмаса? — ҳиринглади сотувчи.

— Бу ерда сувқоғозни очиб-ёпиб утиришга вақт борми? Биззи қоидамизда нарсалар чиройли булиб,

харидорларга кўриниб туриши керак, — деди шеригини қувватлаб яна бир сотувчи.

Жанжалкаш «э, сенларга гапиришнинг фойдаси йўқ», дегандай қўл силтаб, нарироққа жилди. Энди фаррош унга эшиттириб жаврай бошлади:

— Сендақа папка кутарганлар мингта. Томогимизга келтириб қўйишади. Ҳе, ургилдим сендақа хўжайинлардан. Таъбинг тортмаса, ема. Чангдан ҳазар қилмай ул. Ўзинг лойдан бинога келгансан-у... Бировларнинг ишига нега тумшугини суқишаркин бу одамлар... Мени вазифам — шупуриш. Чангийдими, бошқа бўладими, шупураман. Дўкончилар сомсасини сотиб булгунча кутиб утирайми? Мениям болачақам, қозон-товогим бор. Буларни сомсаси тугайдими...

Йўловчилар фаррошнинг гапларига мийигида кулишиб ўтиб кетишарди.

САТТОРХЎЖАНИНГ МАҚТАНИШИ

У сафарларда ё издиҳомларда ўқитувчилар орасига тушиб, шу касб ҳақида гап кетса, «40 йил ўқитувчилик қилганман», дейди. Иқтисодчи-ҳисобчилар даврасида ҳисобчи утган бўлиб, бу соҳада 40 йил ишлаганини писанда қилади.

— Мен 40 йил механик бўлганман, — дейди тракторчи, ҳайдовчилар билан бирга бўлиб қолса.

Бир куни унинг мана шу олиб-қочишларидан хабардор одам:

— Сатторхўжа ака, ўзи неччига киргансиз? Иш стажингиз икки юз йилданам ошиб кетди-ёв, — деди.

— Ҳа, энди шунақа деб меҳмонларни гапга солиб ўтирамиз-да, биродар, сизга ўхшаб писиб ўтиравермай, — деди хўжа ака яна бўш келмай.

СОЧГА ТУШГАН БИРИНЧИ ОҚ

Бир куни хонада сочга барвақт оқ тушиши, уму-ман соч оқариши ҳақида сўз кетди. Қимдир бу наслга боглиқ деди, биров гам-андухга, бирдан келган огир мусибатга боглади ва ҳар ким ўз сочидаги дастлабки оқнинг пайдо бўлиш тарихларини гапириб берди. Масалан, бир шеригимизнинг айтишича, сочи куп касал бўлиб, куп дори ичганидан оқарган экан. Яна бири куп китоб ўқиганидан курди: у институтга ўқишга кириш арафасида бир неча кун кечалари ухламай имтиҳонга тайёрланган экан ва ҳоказо. Назаримда, энг ёш ҳамхонамиз булган талаба йигитнинг сочига дастлабки оқ тушиши галатироқ ва таъсирироқдай туюлди.

— Бултур эди, иккинчи курсни битирганман, — деб ҳикоя қилади у йигит. — Бир курсдош қиз билан шаҳар айлангани чиқдик. Хадрада йулнинг бир четидаги ошхонани мўлжаллаб аста гаплашиб кетаётсак, бир бетамиз ёнимга келиб, қулогимга «оқоси, бизаям шерик бўлийлик», — дейди-да. Аъзойи баданим титраб, оёқларим қалтираб кетди. Мўлжалга олиб афтига қарадим. Биринчидан, унинг шериги бор эди, иккинчидан, иккаласиям мендан гавдали, мускуллари туртиб чиққан, уларга бас келолмаслигим, ақалли биттасигаям кучим етмаслиги аниқ эди. Мен, энди, болалигимда анча-мунча ёқалашганману, йигит бўлиб, эсим кирганидан кейин биронтаси билан астойдил муштлашганмасман. Отамиз бизни биров билан жанжаллашма, сал паст келиб, «хўп», деб қўявер, бошқалар ёмон бўлса, сен яхши бўл, деб тарбиялаган. Ўша маҳалда бу гаплар эсимга келганиям йўг-у, эҳтимол ўша насиҳатларниям таъсиридир, ҳар қалай, иккиланиб қолдим. Лекин жуда алам қилди. Қалтак есам ҳам, орият учун ҳеч бўлмаса бир мушт туширишним уйладим-у, яна фикримдан қайтдим.

Биринчидан, анави иккови ўзиям мени пийпалаб ташлашади, бунинг устига шаҳарлик безориларнинг шериги кўп бўлади, бирпасда кўпайиб кетишади. Анови қизнинг олдида ерда тепки еб, тупроққа буланиб ётсам, ана шармандаликми! Бунисиям ҳолва бўп қолмайдими, деб ўйладим ичимда. Иккинчидан мелисанинг қўлига тушишдан чучидим. Бунақа пайтда одамзодни мияси жуда тез ишлаб кетаркан. Лаҳзалар ичида хаёлимдан бир дунё мулоҳазалар утиб кетди. Мелисага тушсам дарров институтга ёзишади, у ерда мени ҳамманинг олдида муҳокама қилишади. Қолаверса, мелисага туша кўрма, улар қон чиқмайдиган ерингга уришади, жигарингни эзиб, адои тамом қилишади, деган гапниям кўп эшитганман.

— Ҳа, мунча ўқрайяпсан, бемалол булса-да,— деди ҳалиги сўлақмон яна сурбетларча. Энди нима бўлса бўлар экан-да, деб турсам, йўқ, яхши, шеригининг сал эси бор экан шекилли, юр-юр, деб олиб кетиб қолди.

Мен ҳалиям тўхталиб турувдим, курсдошим: қўйинг, ўша аҳмоқлар билан тенг булманг, деб билатимдан тортди. Румолчасини олиб, лабимга босди. Тишлаб қонатворганаканман.

Ошхонага кирдик. Мендан бир ҳўплам чой ҳам ўтмади. Курсдошим ҳам овқатни наридан-бери егандай бўлди. Гапимиз ҳам қовушмай қолди. Мен хижолатдан ўзимни қаерга қўйишни билмасдим. Лекин қизнинг туқнашув сабабини сўрамаганига ичимда суюндим. Яхши, анави хунасанинг гапини эшитмабди. Аммо, бекорга суюнган эканман. Мен чучварани хомроқ санаб қўйибман.

Кечаси билан тўлғониб чиқдим, ўзимни бурдалаб ташлагим келарди. Йигит бўлиб, ёнимдаги қизнинг номусини, ўзимнинг эркаклик шаънимни ҳимоя қилиш учун ақалли бир муштга ярамадим-а, деган

уй мени азоблаб, ер билан яксон қип ташлади. Киприк қоқмай, у ёқдан-бу ёққа ағанаб тонг оттирдим. Эрталаб туриб ойнакка қарасам, кузларим киртайиб, сочларим бураб-тортаверганимданми, ажинаникига ухшаб ҳурпайиб кетибди. Бирдан икки чеккамдаги бир неча тола оққа кўзим тушиб қолди.

— Эҳтимол, олдин аҳамият бермагандирсиз,— деди шерикларимиздан бири.

— Аниқ билишимки, бир кун олдин ҳамхоналаримга мақтанувдим. Ҳақиқатданам мақтаниб булмайдикан.

— Нимага боя бекорга суюнган эканман, дедингиз?— сўрадик қизиқиб.

— Ҳа, эртасига минг андиша, истиҳола билан қиздан узр сўрагани бордим. Уғил бола қиз бўлса мени кечирмайди, кечирмасаям майли, кечирсаям бир умр эзилиб юрсам керак, деб кетдим. Уни ётоғидан чақириб холироқ жойга бошлаб бориб, энди гап бошлаётсам, «унақаларга парво қилманг, хе-е, шерик бўлишни хоҳламай уйгинаси куйсин, афтинг қургурга тушиб қоптими», дейди! Мени шунақа деб юпатыпти! Ҳаммаёгим музлаб кетди. Узрниям, бошқа гапниям ҳожати қолмади. Лекин, мана шу сочни оқини оширволганман.

ТИҶИЛИНЧДА

Тиқилинч, тирбанд автобусда бир одам орқасида сумка билан йиғлагудай бўлиб қисилиб турган болага деяпти:

— Холироқ жойга ўтвол, ўғлим, бу одамлар мактабдан олиб келаётган анча-мунча билимингниям сиқиб чиқарворишади.

ОНАЛАР МАСЛАҲАТИ

— Иккиқат бўлсанглар, хунук болаларга қарамай, чиройли-чиройли болаларга ҳавас билан қараб юринглар, анави Ҳодисага ўхшаб бурмоқ-сурмоқ, қингир-қийшиқ қилиб туғиб ташлайверманглар, деб тайинладим қизларимга, — деди суҳбатлашиб ўтирган хотинлардан бири.

— Ажаб қипсиз, — маъқуллади иккинчиси. — Буларга ургатиб турмасангиз, оғзини очиб, лалла-йиб тураверишади. Менам қизимга: «Анави эринг улгурга ҳў, ҳовлини этагига жой солиб бериб, ўзинг мундайроқда ётгин. Ҳадеб туғавермагин, булди энди», — дедим.

САБАБ

— Анави, Эшматвойнинг жагини осколка упириб кетганда дўхтирлар уни ўша жойига аёлларнинг йўгон сонидан олиб қўйишган экан.

— Ҳе, шунийчун келишган йигитларни курганда жагининг териси учиб-учиб қўяркан-да.

МУҒАМБИР ҚЎНГИЗ

— Бу замонда қўнғиз ҳам муғомбир бўп кетибди, — дея гап бошлайди ҳамроҳлардан яна бири. — Санаторийнинг этагидаги ажриқзорда ўтирсам, чинчалоқнинг охирги бугинидай келадиган носранг қўнғизча ўтиб қолди. Оёгимнинг учи билан секин тўнтариб қўйдим. У ётган жойида пириллаб айланди, кейин сапчиб-сапчиб ўнгланиб олди. Менга тайёр эрмак бўлди-ю, анчагача қўнғизни қийнаб ўтирдим. Мен тўнтариб қўяман, у ҳалигидай сапчиб-сапчиб ўзини ўнглаб олади. Мен яна ағдараман. Охири осмонга қараганча, жажжи оёқчаларини биқинига

маҳкам қимтиб, мўйловчалариниям қилт этказмай узоқ ётиб қолди. Оёгим қаттиқроқ тегибди шекилли, деб уйлаб чўпак билан секин унглаб қўйсам, зингиллаганича майсалар ичига кириб кетса... Вой зангар-ей, депман...

Ё ЮТ, Ё ЮТҚИЗ!

Ҳайдар уртамиёналикни ёмон кўрарди, одам деган ё у ёқли ё бу ёқли булиши керак, дерди. Ҳатто кўп дуранг қиладиган шахматчини (масалан Петросянни) ё футбол командасини ҳам жини суймасди.

—Ё ют, ё ютқиз!— дерди жигибийрони чиқиб.

Талабаликда, институтга умид билан кирганман, яхшироқ ўқий, деб қўлланма мутолаа қилиш, концепт ёзиш, имтиҳон топширишдан нарига ўтмади. Сессия ташвишлари, имтиҳон югур-югурларидан қутулиб олгач, астойдил ёзаман, деб аҳд қиларди. Институтни битириши билан уйлаб қўйишди. Газетага ишга кирди. Хотини билан бир хоналик уйда ижарада туришарди. Қишлоқдан келган, эрталабдан кечгача тиним билмай ишлашга урганган келинчак куни бўйи бу каталакдай ҳужрада бир узи ўтириб зерикар, эри ишдан келгунча юраги тарс ёрилиб кетай, дерди. Кечқурун бир-бирини соғинишган кўёв-келинлар гаплашиб тунни ярим қилишарди-да, Ҳайдар эрталаб яна идорасига кетаверарди. Хотиним шароитга озроқ кўникиб олсин, кейин бирон ерга жойлаб қўярман, ишларим ҳам юришиб кетар, ҳали вақт бор, ёшман, имкониятларим кўп, деб уйларди у. Шанба-якшанбаларда сиқилган келинчакнинг кўнглини ёзиш учун кинога, таништириш учун уртоқлариникига меҳмонга олиб борарди.

Тўғри, у ёза бошлаган эди, фақат бу ёзганлари ҳозирча ахборот, йигилишлар тўғрисида қисқа ҳисобот, янгилик ва хабарлардан иборат эди. У ас-

лида катта-катта ижтимоий муаммолар кўтарилган йирик-йирик публицистик мақолалар ёзиб, бошқаларни ҳайратда қолдиришни, ўз номини энг зўр журналистлар рўйхатининг бошларида кўришни орзу қиларди.

Очилмаган имкониятлари завол топганини биринчи ўгиллари тугилганда сал ҳис этди-ю, тан олмади. Оталик бахти, фарзанд қувончию ташвишлари билан яна кунлар шамолдай елиб, захирадаги имкониятлар барҳам еб бораверди. Лекин энди уни тирикчилик, рўзгор деган юҳо ўз комига торта бошлади. Озгина маошга қўшимча «қалам ҳақи» ишлаш учун булар-булмас нарсаларни қорайтириб, русча газеталардан олди-қочди гапларни таржима қилиб, тезроқ рўзномаларда чиқариш орқасида югура-югура, ун беш кунни, бир ойни ҳисоблай-ҳисоблай, умрининг асосий қисми утиб кетганини ҳам сезмай қолди.

Умуман олганда у мақсадига эришди — ўз касбида уртамиёна бўлмади, булолмади.

ОТ

— Бир одам чақириб келиб қолди-ю, у билан кучада ҳол-аҳвол сурашиб, гаплашиб турувдик, меҳмоннинг оти ҳовлимизга қараб, менга қараб икки-уч кишнади.

— Ий-йи, бу жонивор нимага биззи ҳовлига қараб кишняпти, — дедим кулиб.

— У сизларникида уч кун ем еган. Сиздан ҳол-аҳвол сураяпти, — деди меҳмон ҳам кулиб.

Дарҳақиқат, бу одам бундан уч йил олдин бизникида бўлган эди.

ШУНДАЙ ДЕБ ТУРИНГ...

— Биз ҳам угил боламиз, — дея бот-бот таъкидлаб туришни яхши кўрарди бир йигит, улфатчилик, ҳисоб-китоб ҳақида гап кетган жойда.

— Шундай деб туринг, бўлмаса, сизнинг кимлингизни эсдан чиқариб қўйяпмиз, — деди улфатлардан бири.

ТЕШИКТОШ ҒОРИ

— Хотинлар ажойиб халқ-да, — дея ҳикояни улаб кетади ҳамроҳлардан бири. — Кучада нима гап топса, эрига келиб оқизмай-томизмай айтишади. Қалтагининг бир учи ўзига тегишиниям уйламайди. Нима эмиш, Тешиктошга йигирмата аёл зиёратга боришган экан, горга кирмоқчи бўлишибди-ю, гор огзида тараддуланиб бироз туриб қолишибди.

— Аввал таҳорат олиш керак, — дебди улардан бири.

— Кейин, бу горга ёшлигида кўнгли бузилмаганлар кириши керак, бўлмаса бирон жойини тутиб қолади, деб эшитганман, — дебди иккинчиси.

— Келинлар, яхшиси кирмай қолайлик, а, ҳўйлар, тагин бирон кори-ҳол юз бериб утирмасин, — дебди учинчиси.

— Бу дунёда кўнгли бузилмаган одам борми, денг, — деб аския қилибди яна бири.

Шундай қилиб, йигирма аёл горга кирмай қайтишибди.

— Худди Мамтали бойнинг мадрасаси пойдеворига биринчи гиштни ким қўйиб беради, деганидан бўлган экан-да, — деб қўйди кимдир.

ОДАМГАРЧИЛИК

(Собиқ милиция ходими ҳикояларидан)

— Бир куни ишхона олдида турсам, олтмиш беш ёшлардаги отахон бозор томондан катта буқани етаклаб ўтиб қолди. Бошқа жойларни билмадим-у, шу биззи Андижон эркаклари мол боқсаю-боқмаса, олинган сигир ё новвосни баҳосини бир сўраб қўймаса кунгли тинчимайди.

Мен ҳам:

— Буқа қанча бўлди? — деб сурадим. Оқсоқол айтди. Унинг ўз харидидан мамнунлиги овози оҳангидан сезилиб турарди.

— Арзон бўпти, шохининг баҳоси! — дедим мен ҳам. Таомилга кўра олинган нарсани қиммат деб бўлмайди.

Шериклардан бири мен билан сўрашиб ўтиб кетди. Шу орада оқсоқолнинг «Хуш, хуш, ҳаром улгур!» деганини эшитиб қолдим. Мундоқ қарасам, буқа отахонни шохлари орасига олиб (шохлари худди велосипедни рулига ўхшарди) деворга модаб турибди. Ишхонамизни олдиям гавжум жоймасми, бирпасда одам кўпайиб кетди. Ҳаммаси «Хуш, хуш!», дейди-ю, биттаси яқинлашай демайди. Шаҳд билан ташландим. Буқанинг иккала шохидан маҳкам ушлаб бураган эканман, у ерга гурсиллаб йиқилди. Роса кучга тўлган вақтим экан. Лекин, баччагар новвос йиқилишда бир оёғимни босиб тушди. Томошабинлар чолни нарига олишиб, буқани турғазиди. Ўзим турай десам, босолмайман — оёқ меникимас. Тиззани кўзи чиқиб кетган экан. Кўтариб, идорага олиб кириб диванга ётқизиб қўйишди. Бир татар врачтабиб бориди, ўшанга одам юбордим. У келиб кўрдида, оёғимни бир тортди — назаримда ҳаммаёғим қисирлаб, кўзларимдан ўт чиқиб кетди. Тухум суркаб бойлаб қўйди. Уйда ун беш кун ётдим. Бошлиқ

нима бўлди, деб суровди, буқа билан олишдим, дедим.

Орадан бир-икки йил утиб кетди. Бир куни сочсоқоли оппоқ чол мени сураб келиб, мени бир улимдан олиб қолувдингиз, деб қолди. Эслолмадим.

— Қачон, қанақа улимдан?— деб сурадим.

— Буқа сузиб деворга қисиб қўйганда. Ушанда жоним омон қолгани учун сизга бир тун билан дўппи атаб қўювдим, шуни олиб келдим.

— Раҳмат, отахон, лекин тун-дўппини кераги йўқ, мана, оёгим тузалиб кетди, мен одамгарчилик юзасидан, оддий инсонгарчилик бурчини бажарганман, холос, — дедим.

Йўқ, чоли тушмагур барибир тун билан мана бу бошимдаги дўппини ташлаб кетди...

«МАЗАР ЕДИ»

Бир йигитнинг тўйи олдидан мазар едиси бўлаётган экан. Оғайниларини таклиф қилиш учун чиқаётиб, дадасидан маҳалладаги ҳамма болаларни бир чеккадан айтаверайми, деб сўрабди.

— Йирикроқ-йирикроқларини териб айтасан-да, кесак қисганларниям айтавермай, — дебди дадаси.

Кимдир бу гапни эшитиб қолиб, маҳалладаги биронтаям ўсмирни «мазар еди»га йўлатмабди.

«Мазар еди» бўладиган ҳовли ҳувиллаб, ҳалиги одам ўзини у ёққа урибди, бу ёққа урибди, охири кўчадан ўтаётган мактаб болаларни йўлдан тўсиб олиб кирибди.

Ҳали-ҳануз шу одамнинг йигинига одам кам киради.

МУШУК ВА ҲАККА

— Ҳақиқатда, шу мушук ҳам ўзи яхши нарса эмас экан, деб қўйдим, — дея гапни илиб кетди яна бир шерик. — Нуқул қушларнинг болаларини кўзлагани-кўзлаган экан. Ҳа, уни болалариям сени болаларингга ўхшаб, онасига ширин, азиз. Ўзинг болачаларингни ялаб ётасану... Одамзод сени ишониб уйига қўйиб қўйгандан кейин, уни айтганини қилиб, анави, кушандаси сичқонларни тут, е захрингга, тайёр гушт бўлиб турган полапонларга кўз олайтирмай... Бир куни менам ҳовлида юрсам, уригимизни тагида мушугимиз чўнқайиб, дарахт тепасига тикилиб ўтирибди. Шу пайт қаердандир бир ҳакка учиб келди-да, мушукдан ўн қадамча берига қўнди. Дам ўтмай у гийқиллаганича ҳаккалаб, мушукка яқинлашди. Мушук ҳаккага қараб, оёқларини тойиштирди-да, сузмоқчи бўлган буқачадай белини камалак, думини гажак қилиб, буйнини ичига тортиб ҳамлага шайланди. Ҳакка бир неча қадам орқага қайтди. Мушукнинг ўрнидан жилмаганини кўриб, яна пайваст гийқиллаб унга яқин борди. Мушук думини яна диккайтириб ҳаккага ёвқараш қилди. Ҳакка яна орқага чекинди. Бу ҳолат бир неча марта қайтарилди. Бундоқ қарасам, дарахт тепасида ҳакканинг уяси бор экан. Ҳа, уяда болаларинг бор-у, мушукни чалгитиб нарироққа кетказиб юбормоқчи бўлаётган экансанда, дедим-у, мушук баччагарни ҳайдаб юбордим.

АСОС

— Фалончини болалигида бурни доим оқиб юрариди, шунинг учун миясидаги энг зарур суюқликлар қўшилиб оқиб кетган шекилли, эси камроқ бўлиб қолган.

ИККИ МАРТА УЙЛАНМАЙДИ

- Хотинингизни яхши кўриб олганмисиз?
- Ҳа.
- Бордию дунёга қайта келсангиз, яна шу хотинингизга уйланармидингиз?
- Йўқ, менимча, бир хотинга икки марта уйланишнинг қизиғи булмаса керак.

ҲАВАС

Мажлисдан келиб хуноб бўлиб турган раис кўчадан шиша, эски-туски тўла от-аравасини оҳиста ҳайдаб утиб бораётган лулини тухтатди.

- Айт-чи, бир кунда неча сумга ишлайсан?
- Э, домулло, эллик сўм, юз сўм билан пул кўпаяди-ми?
- Тугрисини айт, бўлмаса ҳозир идорага опкириб сўроқ қиламан, солиқчиларни чақираман.
- Бир-икки мингга ишлайман холос, домулло, — деди шоша-пиша «солиқчи» деган сўзни эшитган лули.
- Демак, ойига эллик-олтмиш минг... Хуш, шиша, эски-тускининг пуллари-чи? Хотинларни лақиллатиб, бир молними, қўйними терисини, эски орден-медалларни йигиб кетасан. Уларни қанчага сотасан?
- Ҳар хил, домулло. Ҳар доим ҳам бирдай эмас.
- Мен сен билан савдолашаётганим йўқ. Гапни айлантирмай, бўладиганини айт.
- Ҳа, боринг ойига уч минг, беш минг... Бу пул нима бўла-ди? Гуштни-и қўйинг, нонгаям етмайди-и.
- Менга ҳасратингни айтма. Бир ойда неча марта майлисга борасан?
- Қанақа майлис, домулло?
- Нима, сени ҳеч ким майлисга чақирмайдими?

— Йуқ.

— Аччут-паччутам топширмасанг керак-а!

— Э, хотинга аччут топширамиз, домулло.

Раис кулиб юборди.

— Айтгандай, сизларда хотинлар эркакларини боқиши керак-ку?

— Э, у замонлар ўтиб кетди, домулло. Энди ҳозир ҳамма ҳаракатда. Бозор иқтисоди...

Савол-жавобдан иборат суҳбат яна анча давом этди. Мушакларининг, қалбининг анча юмшаганини сезган раис лўлига битта икки юз сўмликни бериб, хафа бўлмагин, ҳазиллашдим, биродар, деб унга жавоб берди.

— Э, биз бунақа одамларни куп курамиз, домулло, — деб лўли эски аравасини гичирлатиб жўнади.

Раис унинг орқасидан кулимсираб қараб қолди.

ОДАМ ЎЛСА...

— Одам ўлса — пешинга қолмай кўмиб тинчитишади, мол ё қўй ўлса — далолатнома тузиб, беш олтитасига қўл қўйдириб чиққунингча икки кун утади, — дейди бир ферма мудир хуноб бўлиб.

МЕҲМОНДЎСТЛИК

Бу воқеага анча бўлиб кетди. Университетда ўқиётган пайтларимизда бир курсдошимиз уйландиган бўлиб қолди-ю, унинг юрти — Туркистоннинг (Қозогистон) бир қишлоғига бордик. Тўй яхши ўтди. Дастурхонлар тўкин-сочин бўлди. Курсдошимизнинг ота-акалари бизни алоҳида меҳмон қилишиб, хуп сийлашди. Дўстимизнинг оғайнилариникида ҳам меҳмонда бўлдик. Ҳамма жойда гушрдан иборат овқат ва ичкилик сероб, «олинг, олинг», «э, шуни

олмасангиз булмайди», «қишлоғимизга бир келиб қопсиз» каби қистовлар қаттиқ эди. Тугриси, гўштга, яъни овқатга букиб қолай дедик, ичкилик борасида қистовлардан безор булдик. (Талабачилик, анча-мунча олиб турадиган пайтимиз...)

Учинчи куни тушларда қайтмоқчи эдик, меҳмондорчилик қизиб, шу куни ҳам кечасигача қолиб кетдик. Ниҳоят бир капалик машинада йулга чиқдик. Куёв — мезбонимизнинг ширакайф огайниларидан бири бизни нарироққача кузатиб қуядиган булди.

Ношукурлик қилмаслик кераг-у, лекин ушанда биз ҳаммамиз (назаримда тўрт киши эдик, шекилли) машина жилиб, йулга тушганимизда, тугриси, озодликка чиққандай енгил нафас олдик. Аммо, қувончимиз узоққа чўзилмади. Озгина юрганимиздан кейин бизни кузатиб бораётган йигит уйига таклиф қила бошлади.

— Мана, курсдошларинг баҳона, танишиб қолдик. Бизники шундоқ йул устида, кириб, меҳмон буп кетасизлар.

— Раҳмат, роса меҳмон булдик. Мана, кеч қолиб ҳам кетдик.

— Бизникида қолиб, эртага кетаверасизлар. Уй-жойимиз сероб. Бир кун — минг кунмас. Бу ёқларга келиб юрибсизларми...

— Раҳмат, огайни, вақтимиз зиқ. Эрталаб ўқишга етиб боришимиз керак. Роса меҳмон булдик. Армонимиз қолмади.

— Й-йўқ, унақа дейиш йўқ. Баҳонаю сабаб билан бир кепқопсизлар. Сизлар бошқа жойда меҳмон булдиларингиз. Мен узим, узимни уйимда меҳмон қилишим керак. Қуй сўяман, қозонга босамиз, шуни еб кетасизлар.

— Иложимиз йўқ, кетишимиз зарур. Буни устига қоринлар туқ, овқат сигадиган жой йўқ.

— Ҳеч булмаса, кабоб қиламиз, бир-икки сихдан ейсизлар, кейин жавоб бераман.

- Илтимос, дўстим, бизни қийнаманг?
- Майли, қўйни онтариб, шундоқ қорнини ёра-мизу жигарини олиб қўгираамиз...
- Жон, дўстим... — илтижо қиламиз биримиз қўйиб, биримиз.
- Бир тишламдан...
- Бизга раҳмингиз келсин...
- Йўқ, бунақаси кетмайди, — пўписага ўтди мезбон. — Емасанглар, еманглар, лекин мен қўй сўяман дедимми, сўяман! Ҳеч бўлмаса қонини кўриб кетасизлар!
- Раҳмат, дўстим. Аммо бизни хуноб қилманг, емагандан кейин қонини кўришимизни нима қизиги бор?
- Сизларга қизиги бўлмаса, менга қизиги бор, мен қўй сўяман, деб қўйдим.
- Биз сизга ишондик.
- Йўқ, суйганимни кўриб ишонасизлар. Қуруқ гап кетмайди.
- Минг марта раҳмат сизга!
- Раҳматни кейин айтасизлар. — Мезбонимиз машина кабинасининг орқасини муштлаб, тарақлатди. Машина тухтади.
- Келдик, қани, тушинглар! — буюрди у.
- Менинг бошим лўқиллаб огрий бошлади. Ҳаммамиз бир-биримизга қараймиз.
- Менга қаранг, оғайни, — деди шерикларимиздан бири, — қанақа гап уқмайдиган одамсиз?! Қон қилиб юбордингиз-ку бизни! Ҳе, қўйингизданам ургилдик, қўйингизни қониданам!
- Хуллас, меҳмондўстлик жанжал билан тугашига бир бахя қолди. Яхши, ҳайдовчи ёши улугроқ одам эди, мезбон йигитни бир амаллаб муросага келтирди.
- Шундан кейин биров «меҳмондорчиликка борамиз» деса, безиллайдиган бўлиб қолганман.

МАЙДАКАШ КИССАВУРЛАР

— Биззи маҳаллада яқинда қизиқ бир воқеа бўлди. Угиллари йўқ, ёшлари ўтиброқ қолган эр-хотин бор. Иккаласиям бири-биридан ўтган содда. Улар кенжа қизини чиқарадиган бўлиб қолди. Кузларининг оқу қораси бўлган сигирни сотишдан бошқа иложлари йўқ эди. Бозорга олиб боришиб, харидор кутарганига пуллашибди. Сотарманга пул зариллигини сезишган оларманлар нархни паст сўраб туриб олишади. Хуллас, сигирнинг пулини дуррага тугиб, бозордан чиқишаётганда эри орқаларидан ўғри тушганини пайқаб қопти. Хотинини четроққа тортиб, гумонини айтибди-да, пулни бериб, сен автобусга ўтириб кетавер, бозорни кейинги якшанбада қилармиз, бу ўғри деган баттол бир пайингга тушгандан кейин ўмармагунча қўймайди, бошимизни чангаллаб қолмайлик тагин, шаҳарга тушишам қийин, мен бир ҳаммомпаммом қилиб, кечроқ бораман, дебди.

Аёл бекатга, эр чойхона томонга қараб юришибди. У чойхонага етай деганда биров ёнидан шамолдай елиб ўтаётиб, бошидан дўпписини юлқиб олиб кетибди. У «шарпа»нинг орқасидан «хай-хай»лаб, кумак илинжида атрофига аланг-жалаңг қилибди-ю, қараса фойдаси йўқ — ўғривачча бир зумда кўздан гойиб бўлибди. Бояқиш ҳаммаҳаллам гўштга бўйи етмай, «пуф-а, сассиқ» деган тулкидай, «ҳа майли, келган балога даф бўлсин, дўппим ўзи эскириб қолувди», деб, белидан чорсини ечибди-да, бошига чамбарак қилиб, чойхонага кириб кетаверибди.

Киссавурлар гапдан хабардор экан. Иккитаси аёл билан автобусга чиқишиб, уни зимдан уйигача кузатиб боришибди-да, берироқда ярим соатча айланиб юришибди. Кучада уйнаётган болалардан бўлажак улжа эгаларининг исмларини сўраб билво-

лишибди. Кейин биттаси бориб уларнинг эшигини тақиллатибди.

— Қумри хола сизмисиз, — деб сўрабди у эшикни очган бояги аёлдан.

— Ҳа, мен, келинг жияним, — дебди аёл ҳайрон бўлиб.

— Э-э, Ҳусан тоғам сизни бирпасда йўқотиб қуйиб, тоза хуноб бўлди. Бир нарса учраб қолиб, мени пулга жўнатди. Мана, биззи хотин анча пишиқ, ишонмайди, деб дўпписини берворди, — дебди киссавур.

— Вой чоли тушмагур-ей, нима учрадийкин? — дебди аёлнинг чеҳраси очилиб.

— Билмадим, айтмади. Бахмал-сахмалдир-да, — дебди киссавур бир тукини узгартирмай.

Хуллас, аёл эллик минг сўмни олиб чиқиб берибди, киссавур олиб кетибди.

— Инсофли угрилар экан, озроқ сурашибди, — мулоҳаза билдирди ҳикояни эшитиб утирганлардан бири.

— Куп сўрасак аёл ишонмай қуймасин, деган-да. Иннайкейин, киссавурлар ўзи майдакашроқ бўлишади, йирик иш қилишмайди.

— Хуллас, кейин нима бўпти?

— Нима бўларди, кечки пайт эр дўпписиз кепти.

— Ҳай, отаси, қани олган нарсангиз? — сўрабди хотини.

— Нима оламан, пул сенда кетган-ку... — дебди эр ҳайрон бўлиб.

Хотин бўлган воқеани айтиб берибди.

— Вой падарингга лаънатлар! Асли шу пул бизга насиб қилмаган экан-да, — деб бошини чангаллаб утириб қопти эри.

МАНТИҚ

— Сиз — эркаклар, ҳаммангиз ҳам шунақасизлар, — деди жувон димог-фироқ билан. — Сизларга сал кулиб қўйса бўлди, дарров тилингларга ё қўлингларга эрк берасизлар...

— Биз жуда кўпчиликмизми? — суради эркак.
Аёл қизариб кетди.

ҚАЙ БИРИ АФЗАЛ?

— Мотоцикл сотиб олдим, — суюнчилади бир йигит суҳбатдошига.

— Э, аттанг, ажалнинг узини сотиб ола қолмабсан-да, сал раҳмдилроқ эди, — деди униси.

ДАФНГА РУХСАТНОМА

(Эски ҳангомалардан)

Бир туғишим қазо қилиб қолдию дафн этишга рухсатнома олиш, расмийлаштириш учун махсус идорага бордим.

— Бир одам вафот этувди, — дедим у ерда утирганлардан бирига.

— Жуда яхши-да, ким бўлади у сизга?— деб суради қош-кузларини бўяган пахмоқ сочли ёш жувон.

— Ёш жувон деганингиз қанақаси энди у? Эҳтимол, қиз боладир?

— Буюнгандан кейин жувон бўлади-да.

— Э, ҳозир қизлар бўянишда жувонларни катта кучада қолдириб кетишяпти.

— Ана шунийчун кейин миси чиқиб қолиб, исроф бўлишяпти, денг.

— Ҳа, майли, қўйинглар энди, асосий гапни эшитайлик, — гапни бурди суҳбатдошлардан бири. —

«Марҳум сизга ким булади?» деб суради, хуш, сиз нима дедингиз?

— Қариндошим, — дедим.

— Бирпас кутинг, — деди ҳалиги жувонми, қизми аллақандай қоғозни титкилаб.

Улар жуда секин қимирлашарди. Бир оздан кейин сабрим чидамай:

— Тезроқ тугрилаб бера қолинглар, кутиб қолишди, — дедим.

— Куряпсиз-ку, ишимиз куп, шаҳарда улган битта сизни қариндошингиз эмас... Неччига кирувди уша хешингиз?

— Етмишга.

— Етмиш йил яшаган одам яна беш-ун минут туриб турар ернинг бетиди. Эҳ, инсонлар, улганни тезроқ обориб тупроққа аралаштириб ташлашга бирам ошиқасизлар-эй... Ҳа, мендан қутулолмай, ўлимимни кутиб юришган экан, деб марҳумнинг кўнглига келмайдими? — деди жувон менга танбеҳ бериб. — Шунақа шошилиб, анча-мунча ҳали жони чиқмаганларниям кўмиб юборишади. Бечоралар тупроқни титиб-титиб, чиқолмай, фарёд чекиб раҳматлик бўлиб кетишади. Шунақа бўлганларни эшитяпмизу, тугрими?

Мен, аввалига шунча маъруза ўқигунча, ўзингизни вазифангиз билан шуғуллансангиз-чи, демоқчи бўлдим-у, кейин ўйлаб қолдим. Ростданам, бизда биров кўз юмдими, ҳамма югур-югурга тушиб қолади, ака-ука, ўгилларнинг оёғию еттита бун кетади. Кундузи узилган бўлса-ю, тунаб қолмасин, деб шошилишади, лекин кечаси ё саҳар улган бўлсаям тонг ёришмасдан возиллай бошлашади.

— Ҳақиқатдаям шундай булади, — тасдиқлади суҳбатдошларимиздан бири. — Лекин ҳеч ким атайлаб шошмайди. Эътибор берганмисиз: амбарни кўтариб боришаётганда шунақа шитоб кетишадики,

етиб юриш учун орқадагилар лўкиллаб чопишга мажбур бўлишади. Бу ерда майитни қабристонга, тупроққа тортадиган қандайдир сирли куч бўлса керак.

— Ҳа, рост айтасиз, у ёғи фақат Аллоҳга аён, — унга қўшилди бошқалар.

ЖОН...

— Сиздан жонимниям аямайман, — деди эркак.

— Жонингиз савилни нима қиламан? У қўй гушти бўлсайкан — қайнатма шурва қилиб ичсам ё қўғириб есам... — деди аёл.

ВАЗИЯТДАН ЧИҚИШ

— Бир киши хотини, болалари билан бозор қилиб юрганакан, ёшроқ жувоннинг ёнида кетаётган беш ёшлардаги бола югуриб келиб, «дада!» деб унга ёпишибди. Анави хижолатчиликни қаранг! Хуш, уша одамнинг ўрнида сизлар бўлганингизда нима қилардингиз?

— Билмадиму, тилим калимага келмай қолса керак.

— Мен, масалан, аввало унақа бўлмайди-ю, ҳар қалай, бунақа вазиятда тахта бўлиб қолишим аниқ эди.

— Хуш, у нима қипти? Бояқиш довдираб, бўлганича бўлгандир?

— Э,э, қаёқда дейсиз! Бир хилги одамлар жа ҳозиржавоб бўлишади-да, «ий-йи, даданг менга ўхшайдими, вой қисталог-ей», деб боланинг бошини силаб, чўнтагидан живачка чиқариб берибди. Хотини бир эрига, бир жувонга, бир болага қараб ҳайрон бўлиб турган экан, жувон ҳам у одамнинг гапини такрорлаб: «Ҳа, сизни дадасига ўхшатворди», деб

кўзига ёш олибди-да, юр, ўғлим, деб ўгилчасини суд-
раб кетибди.

— Хотини-чи, хотини?

— Жуда қизиқиб қолдингиз, тинчликми ўзи? Ё,
узлариям...

— Йўғ-е, нима деяпсиз, қизиқ воқеа экан-да.

— Ҳар эҳтимолга қарши билиб қўяй, деяпсизми?

— Гапни чузмасдан айтаверинг, энди...

— Биласизми, хотини нима дебди?

— Хуш, хуш?

— Бечорани эри ўлган экан-да, эссизгина, ёш нар-
са... — дермиш.

РАИСНИНГ ҚИЗИ

— Огайни, бу, қайнатанг раисликдан тушиб чатоқ
булди-да, а?

— Қайнотамни раисликдан тушгани унчамас-у,
хотинни раиснинг қизилигидан тушмаётгани чатоқ
буляпти.

ФОЖИА

— Мени эрим ҳам сизчалик тергамайди, — деди
аёл ҳиқиллаб.

— Эрингизни фожиасиям шунда-да, хоним, —
деди жазман писанда билан.

КЎЗ ОЧИБ КЎРГАНИ...

(Телефондаги суҳбат)

— Алйу! Паризодхон, «акам»ни отпускага чиқар-
вориб, ўзингиз зерикмай ўтирибсизми?

— Зерикканим йўқ, қайтага жигибийроним чиқиб
ўтирибман.

— Ҳа, нима бўлди?

— Вой, анақа яхши кураман-ов, бунақа яхши кураман-ов.. деб айланиб-ургилаверади-ю, қачондан бери битта этик оберолмайди.

— Жа, бир хилги эркакларга ўхшаган хасисмас, қўли очиқ, деб мақтардингизу, тилингиздан асал томиб...

— Ҳа, ўзи шунақа-ю, тополмаяпман, дейди.

— Зуридан обермоқчидир-да, улинг. Ё, бушашганроқми, лапашанг десам хафа бўларсиз, уртоқ...

— Ҳа, ўлгудай камтар. Бирам соддаки, ҳечам куча кўрган, шаҳар кўрган эркакка ўхшамайди. Қандай қилиб уни шу ишга қўйишганигаям ҳайронман. Гапгаям нўноқ.

— Бўлмаса, нимасига қизиқасиз ўзи?

— Узимам ҳайронман, нима бало булиб бошим айланиб қолди...

— Бир хилги эркаклар гапга нўноқ булсаям, кунглингиздаги гапни топиб гапиради-да.

— Ҳа, шунақароқ шекилли...

— Ана, айтмадимми...

— Кейин, қандайдир сири борга ўхшаб туюлаверади, ана шу сирини билишга қизиқаманми... Лекин баъзида галати бўлволади, денг. Қайси куни банка келувдим деб, кирган экан, кузимга бир галати кўринди, оёғида отам замонида мўдадан қолиб кетган туфли, ёқалари диккайиб турадиган қизгиш жемперкўйнаги устидан анчадан бери киймай қўйган, ранги бўғиқ бир кастимини кийибди, денг... Шу аҳволда идорага кириб кепти...

— Мардикор бозоридан келяпсизми, демабсиз-да.

— Шунақа дейиш эсимга келмабди. Тузук-қуруқ гапиргимам келмади-да ўзи.

— Кунглимам совиб кетди, денг.

— ...

— Ҳа, энди уям болаларидан оширолмаётгандир-да, бу ёғи бозор иқтисодиёти... Лекин, ҳақиқий сазий деб, ҳалиги одамни айтса бўлади, а?

— Қайси одамни?

— Аввалги бошлиқларинг-чи... Ҳалиги, сиздан олдин ишлаган кимиди? Саломатмиди? Қаранг, ана шу қизни қўлига тилла узукларни тақиб қўйибди, а?

— Вой, уни нимасини айтасиз. Лама пальтоям обермоқчийкан, уйдагиларга нима дейман, деб, ўзи унамабди.

— У қизни ўзиям галатийкан-да, а, эрга тегсаям, яна ўзидан қанча катта одам билан... Ўзи, жа, унча келишганам кишимасу...

— Ҳа, энди, нима бўлсаям кўз очиб кургани-да...

— Ҳа, шунақа, денг...

(Сухбат шу жойда узилиб қолган).

ЭЧКИГА ЖОН ҚАЙҒУ...

Оддий ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган бир йигит жамоа хўжалигининг раиси билан шаҳардан қайтишаётганда машина ҳалокатга учраб, раис ҳалок бўлибди. Шунда кимдир «раисни бошига етибсан-ку» деса, ҳайдовчи:

— Хўжаликка раис бўладиган-ку кўп, мен радиаторни қаердан топаман, — дермиш.

АНАЛИЗ

Бир раис анализ топшириши керак экан. Банкачани бир четга қўйиб қўйса, хотини бехосдан тукиб юборибди. Энди мени роса сўқади, деб шоша-пиша банкачани ўзи тўлдириб қўйибди.

Эртасига врач раисга қараб галати жилмаярмиш.

— Нима гап, тинчликми? — сўрабди раис ажабланиб.

— Пешобингизда... ҳомиладорлик аломатлари бор... Шунга ҳайрон бўляпман...

— Иш яхшимас, раҳбар кўп, ҳар хил сўкишларни эшитаверганингиздан кейин бўлади-да... шунақа... — дермиш раис.

ДАШНОМ

— Юрагимни эзиб юбордингиз-ку, мунча юмшашингиз қийин?..

— Ҳа, эзилмай ўлсин, эзилмайгина ўлсин ўша — қариб-чириб кетган юрагингиз.

— Юрак қаримайди.

— Кўнгил билан юракни фарқига боролмай қопсиз-у, отдан тушсангизам, узангидан тушмайман, дейишингизни қаранг...

ҚИЗИДАН ЖУВОНИ ҚИММАТ

— Хизр бува бир қишлоқдан ўтиб келаётган экан, тўп қизлар калтакни учини эшагининг у ер-бу ерига теккизишиб уйнашибди. Жониворнинг гаши келиб, диконглаб берибди. Хизр бува: «Қўйинглар, қизлар, айб бўлади», десаям қизлар эшакка тегажоқлик қилиб, Хизр буванинг орқасидан боришаверибди. Ранжиган Хизр бува: «Ҳа, қизингдан жувонинг қиммат бўлгурлар», деб койиган экан.

Шундан бери ўша қишлоқда жувонлар ростдан ҳам қизларга нисбатан эъзозлироқ, қимматлироқ эмиш...

ХАВОТИР

— Севган қизинг жуда чиройлик булсаям бўлмас экан, — деди йигит, — хуштори кўп, рашк қилавериб қийналасан...

— Унда хунукрогидан топинг, — деди қиз лабини буриб. Лекин, бирдан нимадир эсига тушгандай дарҳол қўшимча қилди: — Хунук булсаям булмас, кўча-куйда уртоқларингиз олдида етаклаб юриш ҳам бор-ку...

Қизнинг назарида йигит гўё дарҳол ундан кечиб «хунукрогини» топиб оладигандай туюлди, шекилли...

ҚИШЛОҚДА

— Қишлоқда нима гап? — сўради бир одам шаҳарга келиб қолган танишидан.

— Тинчлик. Пахтадан бошқа ҳеч гап йўқ, — жавоб берди у.

КИМ НИМАДАН ЯРАЛГАН?

— Хотин киши ўзимизнинг чап қовурғамиздан бино бўлган, шунинг учун уларга чап томонидан гапириш керак, — дейди суҳбатдошлардан бири аёллар ҳақида гап кетганда. Умуман, эркаклар ҳам хотинларни гийбат қилишиб, ўзларини гўё улардан юқори зот сифатида кўрсатишни яхши кўрадиган халқ-да.

— Хотин киши ана шу қовурғадан, яъни гўштдан вужудга келгани учун қариганда сасий бошлармиш, — дейди иккинчи бири ва «қалай гапирдим», дегандай ёнидагиларга бир-бир қараб қараб қўяди.

— Эркак кишини Парвардигори олам эъзозлаб тупроқдан яратган-да, шунинг учун қариганда майинлашади, — дейди учинчи бир «олий зот».

— Ҳа, хотинлар йўқ пайтда ўзингларни бир мақтаб олинглар, борида ҳаммангиз атрофида пилдираб қоласизлар...

— Ҳа, энди, шунақа деб ўзимизни хурсанд қилиб қўямиз-да, ўғлим, хотинлар булмаса ишингиз битадими...

— Ҳа, хотинларга иши тушган эркак ўзидан-ўзи адирнинг куйган тупрогидай майин бўлиб кетади.

ХУМОРИ

— «Операциядан кейин чекиш мумкин эмас», деб қўйишди, — дейди ашаддий нос кашандаси, — икки-уч кун ётиб қолдим, денг. Носга шунақанги хумори бўлдимки, бай-бай-бай, биров ёнини қашласа кузим чаногидан чиқиб кетай, дейди.

ҚИЗЛАР СУҲБАТИДАН

— Йигитларга, турқи-тароватига ажабланибми, биронтасига ўхшатибми ё беихтиёрми, бир назар ташлаб қўйсанг бас, бир балоси бор шекилли, деб дарров изингдан тушишади ё гап отишади.

— Нимасини айтасиз, жиддий, сипо юрсанг писмиқ, совуқ, дейишади, қувноқ бўлсанг шарм-ҳаёси йўқ, одобсиз, деб мингирлашади, ё сиз айтгандай, бир балоси бор деб, сузилиб тикилишади... Бир нарса десанг яна хафаям бўлиб қўйишади, нозикойимлар. Бир куни биттасини бопладим, бекатда турсам, жа, тикилиб қолди. Ўзи қоратаппи бир нарса.

— Ҳа, гапингиз борми, оппоқ йигит, — дедим.

— Йўқ, йўқ, — деб жилворди. — Ул-а, қалайакансан, тикилишдан олдин айтадиган гапингни ўйлаволмайсанми, дедим. Ичимда маза қилиб кулибман.

ҚИЗЛАРНИНГ ФАЛСАФАСИ

- Сиз, яхшиси, эрга тегинг.
- Биров оламан демаса, этагига осилайми?
- Йўқ, ундаймас-у, оламан деганларга кўп нозифироқ қиласизлар-да.
- Ахир улар бизга ёқмаса-чи?

— Унда умрингиз ўтаверади. Қари қиз бўлиб қоласиз.

— Ёқтирмасдан эрга тегволиб, кейин афсусланиб, қисилиб юргандан кўра эркин юрган яхши-да, нима, сизга оғирим тушяптими?

— Менга-ку оғирингиз тушаётгани йўқ, лекин кимнингдир оғирини енгил қилишингиз мумкин эди-да.

— Ҳо-о, зарил кептими...

ПУЛСИРОТ

(Сафар ҳикояларидан)

Ҳикоя қилиш навбати яна менга тегди.

— Чехословакиянинг Брно деган шаҳрида яна бир қизиқ воқеа бўлди, — деб бошладим. — Маҳаллий сайёҳбон — урта ёшлардаги басавлат жувон Гордаш Дюлане (у бизга ўзини соддагина қилиб «Агнесса» деб таништирди — бу унинг қизлигидаги исми булса керак) етакчилигида шаҳар маҳкамаларидан бирининг биносига тепаси ёпиқ, икки томони девор йулакдан кириб кетаётувдик. Агнесса ҳам Алёнага ўхшаб бизни тўхтатди-да, анави тимсоҳни кўряпсизларми, — деб шифтга ишора қилди. Биз чиндан ҳам аҳамият бермаган эканмиз (деворлар оддий, нақшсиз бўлгани учун эътиборимизни жалб этмаган, тепага қараш эсимизга ҳам келмаган экан): тимсоҳнинг ҳайкали қоқ белидан шифтга осиглиқ турарди. У бир қарашда тирикдай туюларди.

— Орангизда эр-хотинлар борми? — деб сураб қолди сайёҳбонимиз жиддий қиёфада.

Сафимизда тахминан йигирма олти-йигирма етти ёшлардаги куёв-келин бор эди. Улар доим бирга ва ёнма-ён, кўпинча қўл ушлашиб юришарди. «Бир-бирларига зўрга етишган, шекилли-да, «Фарҳод-Ши-

ринлар», деб ҳазил қилиб қўярдик. Улар шу жойда ҳам ёнма-ён туришган экан. Ҳайрон бўлишиб, сал олдинроққа чиқишди. Агнесса келинга (урта бўйли, қош-кўзлари попукдай, чиройли жувон эди) қараб:

— Эрингиз сизни яхши кўрадимиз? — деб суради кулимсираб.

— Яхши курса керак, — деди келин кўёвнинг кўзларига синовчан нигоҳ ташлаб.

— Улар Ромео билан Жульетта, — изоҳ берди ҳамроҳларимиздан бири.

— Ў, унда яхши-ку, — деди Агнесса ва яна келинга мурожаат қилди:

— Демак, унинг садоқатига ям ишонасиз...

Келинчак индамай яна эрига бир қараб қўйди.

— Келинг, яхшиси уни синаб кўрамиз, — деди Агнесса жиддийлашиб. — Биз ҳозир жуда хосиятли ва сирли жойда турибмиз. Бир-биридан гумонсираб қолган эр-хотинлар мана шу ерга келишадида, ўзларини синовдан ўтказишади. Эрингиз мана шу тимсоҳнинг тагидан секин юриб ўтсин, агар у сизга хиёнат қилиб юрган бўлса, тимсоҳнинг думи қимирлаб кетади.

Ҳаммамиз бир тимсоҳга, бир эр-хотинга қарадик. Ростданам жуда қизиқ ва ҳаяжонли ҳолат, тўғримасми? Жувон билан йигит ҳам дам бир-бирларига, дам тимсоҳга қарашиб, тараддулланиб қолишди. Шу пайтда ҳар иккаласининг дилидан нима хаёллар кечди — Аллоҳга ва ўзларига аён. Эҳтимол, аввалига келинчак суюниб ҳам кетгандир: «Чиндан ҳам синаб оладиган бўлдим», деб. Балки, мабодо тимсоҳнинг думи қимирлаб кетса, шунча одамнинг ичида ўзим ҳам шарманда бўламан-ку, деб ўйлагандир, ташвишга тушгандир. Йўқ, агар, тимсоҳнинг думи қимирламаса, мен ҳам унга бир умр садоқатли хотин бўлай, деб аҳд қилгандир. Эҳтимол, яхшиси, йўқ ўтманг, дея қолсаммикин, деб иккилангандир...

Маҳкамага кириб-чиқувчилар ҳам кўп эди, лекин улар ёнимиздан ўтишаётиб, бизга шунчаки бир қизиқиш билан назар ташлаб қўйишарди-ю, жиддий эътибор беришмасди.

— Қани, қани, Фарҳодимизнинг қанақалигини бир кўрайлик-чи, — дейишарди шерикларимиз йигитни қисташиб. Улар учун бу гаройиб эрмак ҳам эди-да.

— Агар шундай чиройли Ширинга бевафолик қилган бўлса, унда тан бермаймиз Фарҳодлигига, — деди яна кимдир.

Йигит учун бу ерда учинчи тугул, ҳатто иккинчи йўл ҳам йўқ эди. Чунки, ҳамма унинг тимсоҳ остидан ўтишини сабрсизлик билан кутарди. Агар ўтмаса, ўтмайман деса, демак... (Бу «демак» ўша лаҳзаларда барча «томошабин»нинг ичида, айниқса, келинчакнинг кўнглида қуртдай ғимирлаётган бўлиши аниқ эди — буни йигитнинг ўзи ҳам жуда яхши идрок этиб турарди).

Сайёҳбонимиз тимсоҳнинг бош томонида, биз сайёҳлар эса унинг дум тарафида эдик. Кўёв тўра «нима бўлса, бўлди», деди шекилли, тимсоҳ сари (ҳайкал шифтнинг қоқ ўртасида бўлиб, боши ҳовли тарафга қараган эди) қадам ташлаётган эди, Агнесса: «Бу ёққа келинг, тимсоҳнинг бош томонидан думи тарафга қараб юрасиз», деб чақирди.

Кўёв бола Агнесса кўрсатган жойга борди-да, худди пулсиротдан ўтаётгандай (ичида билганки дуосини уқиб, кейинги бир неча йиллик умрини хаёлан сарҳисоб қилиб, Худога «шарманда қилмагин», деб илтижолар этгандир), бир-бир қадам ташлаб юра бошлади.

Ҳамма жим.

Ҳамманинг нигоҳи тимсоҳнинг думида эди.

Келинчакнинг нигоҳи ҳам. Унинг нафақат кўзлари, балки бутун вужуди нигоҳга айланган эди.

Балки: майли, нима бўлган бўлса ҳам розиман, фақат ҳозир мана шу махлуқнинг думи қимирламаса, бас, деб, у Аллоҳдан шармисор қилмасликни тилаб тургандир...

Энди йигитнинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг.

Бояқиш бир-бир қадам босаркан, менинг назаримда, унинг қиёфаси узи хоҳламаган ҳолда жиддий тус олган, тиззалари қалтираб кетаётгандай, рангларидан қон қочиб бораётгандай туюларди. Менимча, ўлимга ҳукм этилиб, дор остига кетаётган маҳкумнинг ҳолати ҳам бу даражада аянчли ва даҳшатли, бу даражада саросимали ва таҳликали бўлмаса керак. Тахминан икки метр келадиган тимсоҳ ва унинг остидаги йўл камида йигирма қадамдай, ана шу масофани босиб ўтишга кетган сониялар соатлардай туюлгандир... Балки ўша лаҳзаларда уни шу балога гирифтор қилган сайёҳбон аёлни мижгилаб ташлагиси келгандир...

— Ҳа, шўринг қургур Фарҳод-а, сафарга Ширинингни етакламай, ўзинг келаверсанг бўлмасми-я, — дейман мен ҳам ичимда.

— Хуш, хуш, гапнинг индаллосини айта қолинг, — қисташади суҳбатдошларим. Биламанки, ўқувчи ҳам сабрсизланыпти.

— Тимсоҳнинг думи қимирламади. Ҳар қалай, биров қимирлаб кетди, демадию...

— Э, буёғи қизиқмасакан-да. Хуллас, куёв бояқиш пулсиротдан эсон-омон ўтиб олди, денг, лекин ўзиям бўларича бўлгандир...

— Келин бечораям хурсанд бўлганидан эрини ўпволгандир, — деди ёш йигитча.

— Э, шунча одамни ичида битта ҳазилкаш чиқмабди-да. Мен бўлганимда «дум қимирлади, мен аниқ кўрдим», деб туриб олардим. Куёв жонворни қайта-қайта ўтишга мажбур қилардим ё битта зиёфатга туширардим.

— Э, уша бир ўтишни ўзиям кифоя қилди унга.

— Шимини ҳўллаб қўймовдимикин?..

— Унисини билмадим-у, бир-икки килога озиб кетгани аниқ, — дедим мен ана шу ҳолатни кўз олдимга қайта келтириб. Ростдан ҳам ўшанда ҳамма қитмир чех аёлининг гапига ишонган эди-да. Эҳтимол, у биздан аввал ҳам қанча шуринг қургур эркакларнинг оёқларини қалтиратиб, кўзларини жовдиратиб, ҳузур қилгандир...

Ҳазилкаш суҳбатдошимиз яна бир шеригимизга юзланди:

— Фалончивой, яхшиям ўшанда сиз бўлмаганингиз, агар сиз ўтганингизда борми, тимсоҳнинг думи қимирлаш тугул, ўзиям шифтдан узилиб тушиб, сайёҳлардан бир нечасини босиб қоларди-да...

Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Дарвоқе, мен уша воқеани шеърга ҳам солиб, уни қўйидагича якунлаган эдим.

Тимсоҳнинг думи-ку
Қимирламади,
Лекин ич-этини
Еди эр-хотин,
Маъноли бош чайқаб
Гид, жилмаяди,
Ҳамроҳлар қутлашар
Жувонни бетин...
Бу бир ўйинми ё
Ростакам синов?
Бир фикр онгимда
Чарх урди шу чоқ:
Ҳамма йўлакларда
Осиғлиқ турса,
Ҳар кимнинг қалбида
Бўлса бир тимсоҳ!..

КИМ НИМА ЭККАН?

Бир туман ҳокимининг вилоят ташкилотида ишлайдиган унча қадрдон бўлмаган оғайниси бор эди. Ҳар йили кузда, туман пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарганда у ҳокимни табриклагани бир тун олиб келиб елкасига ташлаб қўярди-да, оғайнисига янада улкан муваффақиятлар тиларди.

Навбатдаги йил туман яна зафар қучдию ҳокимнинг оғайниси тўйга тушган тунлардан бирини чорсига тугиб, шаҳардан етиб борди. Одатдагидай уни табриклагани келувчилар учун махсус дастурхон ёзилган хонага таклиф қилишди.

Анчадан кейин ҳоким кириб келди. Оғайниси уни бағрига босиб муборакбод этгач, елкасига тўнни ташлади. Нимадандир хит бўлиб, галаба нашидаси ҳам татимай турган шекилли, ҳоким унга қараб беихтиёр:

— Биз ҳар йили пахта эксак, сиз нуқул тун эккан экансиз-да, — деб юборди.

МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

Яшил барг	4
Соҳилда	14
Балиқ ови	22
Бир кеча — минг кеча	33
Чимилдиқда берилган сўз	45
Кунгил кучалари	64
Ўгилнинг ташвиши	80
Нотаниш гул	95
Андиша	113
Эгасини топмаган насиба	124
Согинч	133
Алам	146
Настарин гуллари	173
Эҳ, Дилбар, Дилбар	186
Зор-интизор	206
Аёл	232
Нажот фариштаси	239
Юрак	266
Қорқиз	281
Кузлари шаҳло	291
Тақиқ чизиги	296
Гаров	320
Кунгли тўқ одам	338
Эски соат	346
Сўқмоқдаги ёлғиз тош	358
Лафз	375
Сихатгоҳда	389
Куктой	405
Муҳаббат бадали	438
Шум хуроз	456
Қушни келинчак	463
Совға	467
Фотиҳа	471

Халта кутарган чол	474
Куз ёшига чайилган гуллар	476
Жума ёмгири	489

Кулча ҳикоялар

Согинч аломати	508
Олақанотлар ва мушук	509
Никоҳ базми	510
Анойимас	511
Шикоятга жавоб	512
Меҳмон	513
Уша севгимидийкин?	517
Ошиқ	519
Шифокор илон	519
Куз хаёллари	521
Талабалик ҳаяжонлари ва изтироблари	522
Хогин — фаришта	526
Ҳашарда	526
Чумолибаччалар	529
Урушдан кейинги воқеа	529
Истиҳола	530
Дакки	530
Эна товуқ ва жўжалар	531
Дарёга чуқтирилган маъшуқа	533
Қор уйини	535
Сигарет ҳиди	537
Бемаза буса	537
Ўрмонда	538
Хом олча	538
Шафтолининг доғи	539
Пальто	540
Тасалли	540
Бекатда	541
Олапарнинг сунгги ташрифи	541
Армон	542

Терма ҳангомалар

(Қулоққа чалинган гаплар)

Анор	544
Гавҳар	545
Бесабр	545

Дусти нега кўп?	545
Пашшакуш	546
Виждон	547
Фаррош	548
Сатторхужанинг мақтаниши	549
Сочга тушган биринчи оқ	550
Тиқилинчда	552
Оналар маслаҳати	553
Сабаб	553
Мугамбир қунгиз	553
Ё ют, ё ютқиз!	554
От	555
Шундай деб туринг... ..	556
Тешиктош гори	556
Одамгарчилик	557
«Мазар еди»	558
Мушук ва ҳакка	559
Асос	559
Икки марта уйланмайди	560
Ҳавас	560
Одам улса	561
Меҳмондўстлик	561
Майдакаш киссавурлар	564
Мантиқ	566
Қай бири афзал?	566
Дафнга рухсатнома	566
Жон... ..	568
Вазиятдан чиқиш	568
Раиснинг қизи	569
Фожиа	569
Кўз очиб кўргани	569
Эчкига жон қайғу... ..	571
Анализ	571
Дашном	572
Қизидан жувони қиммат	572
Хавотир	572
Қишлоқда	573
Ким нимадан яралган?	573
Хумори	574
Қизлар суҳбатидан	574
Қизларнинг фалсафаси	574
Пулсирот	575
Ким нима эккан?	580

К 38 **Кенжа, Қамчибек.**
Бир кеча — минг кеча [Матн]:
ҳангомалар/Қ. Кенжа. — Тошкент: «Оʻ
НМИУ, 2018. — 584 б.

ISBN 978-9943-28-821-8

УУК: 821.5

КБК 84(5У)

Адабий-бадий нашр

ҚАМЧИБЕК КЕНЖА

БИР КЕЧА — МИНГ КЕЧА

Ҳикоялар

Кулча ҳикоялар

Терма ҳангомалар

Муҳаррир *Б. Худоёрова*

Бадий муҳаррир *Д. Мулла-Ахунов*

Техник муҳаррир *Л. Хицова*

Кичик муҳаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*

Мусаҳҳиҳ *Ш. Шоабдурахимова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Ҳасанова*

Нашриёт лицензияси А1 № 158, 14.08.2009.
Босишга 2018 йил 12 февралда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Бичими 84x108^{1/32}. «School Book»
гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 30,66. Нашр табоғи 27,53.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 16-569.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кучаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz